

**О.О.Олимжонов
Т.С.Маликов**

МОЛИЯ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент Молия институти

О.О.Олимжонов
иқтисод фанлари доктори, профессор
Т.С.Маликов
иқтисод фанлари доктори, профессор

Молия асослари

Д а р с л и к

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан барча иқтисодий таълим йўналиши
талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган

**“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти**

Тошкент - 2018

Олимжонов О.О., Маликов Т.С. Молия асослари. Дарслик /Тошкент Молия институти. – Тошкент: “Шарқ”, 2018. – 804 бет.

Дарслик “Молия асослари” фани дастури асосида ёзилган бўлиб, унда молиянинг моҳияти ва функциялари, молиявий сиёсат, молиявий тизим, молиявий бошқарув, молиявий режалаштириш ва башоратлаш, молиявий назорат, молия назариялари, хўжалик юритувчи субъектлар молияси, давлат бюджети, бюджет даромадлари ва харажатлари, бюджет дефицити, бюджет тизими ва тузилмаси, бюджет жараёни, давлат кредити, бюджетдан ташқари фондлар, социал таъминот, суғурта, уй хўжаликлари молияси ва халқаро молияга оид масалалар ўз аксини топган.

Китоб талабалар, магистрантлар, аспирантлар, иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, мамлакатнинг молия-бюджет-солиқ тизимида фаолият кўрсатаётган амалиётчи мутахассислар ва молия муаммолари билан қизиқувчи барча ўқувчиларга мўлжалланган.

Тошкент Молия институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Тақризчилар: Иқтисод фанлари доктори, профессор
Н.Ҳ.Ҳайдаров

Иқтисод фанлари доктори, профессор
О.К.Иминов

Кириш

«Молия асослари» фани иқтисод соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш тизимида энг асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Мустақил фан сифатида унга ўтган асрнинг 50-йилларида асос солинган бўлиб, у ўша даврга хос молия тўғрисидаги тасаввурларга, асосан, мос эди. Ўзбекистонда ҳам бозор ислохотларининг амалга оширилиши молия фани бир неча энг муҳим назарий қоидаларининг қайта кўриб чиқилишини тақозо этдики, бу нарса ҳамон ўқув адабиётларида ўз аксини тўлиқ топгани йўқ. Шу боисдан ҳам, айрим ҳолатларда, мамлакат молия тизимида содир бўлган кескин ўзгаришларни етарли даражада инобатга олмаган ҳолда машғулотларни ўтказиш хавфи мавжуд. Қўлингизга тақдим этилаётган дарсликда унинг муаллифлари молиянинг назарий масалаларига оид барча принципиал ўзгаришларни Сиз ўқувчиларнинг эътиборига етказишга ҳаракат қилишган.

Унинг 1-7-бобларида молиянинг умумназарий масалалари (молиянинг моҳияти ва функциялари, молиявий сиёсат, молия тизими, молиявий бошқарув, молиявий режалаштириш ва тартибга солиш, молиявий назорат ва молия назариялари) ёритилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар молияси давлат молиявий салоҳиятининг асоси, хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ислоҳ қилиш, уларнинг молиявий ресурслари, асосий ва айланма капитал доиравий айланишининг молиявий жиҳатлари, ишлаб чиқариш харажатлари, фойдаси ва рентабеллиги, хўжалик юритувчи субъект маркетинг стратегиясининг молиявий йўналишлари, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш инвестицион дастурларини молиялаштириш, молиявий барқарорликка тегишли бўлган ҳолатлар 8-15-бобларда ўз аксини топган.

16-24-боблар умумдавлат молиясига, яъни давлат бюджети, унинг даромадлари ва харажатлари, бюджет дефицити ва уни молиялаштириш, бюджет тизими, тузилмаси ва жараёни, бюджетдан ташқари давлат фондлари, социал таъминот, давлат кредити ва суғуртага оид масалаларга бағишланган. Ва ниҳоят, уй хўжаликлари молияси ва халқаро молия масалалари эса 25-26-бобларда баён қилинган.

Ҳар бир бобнинг охирида ўзига хос тарзда баҳс-мунозара ёки назорат учун келтирилган кўплаб аниқ саволлар тегишли мавзуларни чуқур, тез ва осон ўзлаштиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Китобнинг 6-боби иқтисод фанлари номзоди, доцент Ғ.Қ. Яхшибоев, 21-боби иқтисод фанлари доктори, профессор Н.Ҳ.Ҳайдаров, 24-боби иқтисод фанлари номзоди, доцент Х.М.Шеннаев ва 26-боби иқтисод фанлари доктори, профессор Н.Х.Жумаев, қолган бобларнинг барчаси эса иқтисод фанлари доктори, профессор О.О.Олимжонов ва иқтисод фанлари доктори, профессор Т.С.Маликов ҳамкорлигида ёзилган.

Молия масалаларига бағишланган ушбу дарслик ўзбек тилида илк марта ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётганлиги учун айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги табиий. Унинг сифатини оширишга хизмат қилувчи ҳар қандай таклиф-мулоҳазаларни муаллифлар мамнуният билан қабул қилади.

1-боб. Молиянинг моҳияти ва функциялари

1.1. Молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти

“Молия” арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида энг умумий тарзда “пул маблағлари” маъносини англатади. Бу сўз она тилимизда ишлатилишининг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

- мақсадли пул фондларини ҳосил этиш, жамлаш, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи; пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, уларни сарф қилиш тизими (масалан, молия йили, молия капитали, молия тизими);

- бирор шахс, оила, жамоа, муассаса, ташкилот ёки давлат тасарруфидаги пул маблағлари (масалан, корхона молияси);

- шундай (молия) ишлар(и) билан шуғулланувчи давлат органи (сўзлашув тилида)¹.

Араб тилидаги “мол”, яъни “бойлик, мулк; пул жамғармаси”, шунингдек, “молият”, яъни “пул маблағлари; солиқ” сўзлари ҳам молияга дахлдордир².

Ўзининг луғавий маъноси жиҳатидан “молия” сўзи французча “finance”, лотинча “financia” ва русча “финансы” сўзларининг эквиваленти ёки маълум маънода, синоними³ ҳисобланиб, энг аввало, “даромад”, “пул маблағлари” ёки “тўлов” деган маъноларда ҳам ишлатилади⁴. Молия давлат-

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.2. Е – М // Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; Ўз.Р.ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 611-б.

² Қаранг: ўша манба, 610- ва 611-бетлар.

³ Биз бу ерда дунё халқларининг турли тилларида шаклан турлича ва мазмунан бир хил маънони англатувчи сўзларни назарда тутаяпмиз.

⁴ “Финансы” атамасининг келиб чиқиши хусусида иқтисодий адабиётларда турлича қарашлар, тасаввурлар мавжуд. Айрим муаллифларнинг фикрича, бу атама XIII-XIV асрларда Италиянинг савдо шаҳарларида вужудга келиб, кейинроқ халқаро майдонга тарқалган ҳамда аҳоли ва давлат ўртасидаги пул муносабатлари тизими билан боғланган тушунчани ўзида мужассам этган (Қаранг: Финансы, денежное обращение и кредит. Учебник / Под ред. проф. В.К.Сенчагова, проф. А.И.Архипова. – М.: Финансы и статистика, 1999. с.25). Бошқа муаллиф-

нинг вужудга келиши ва унинг ресурсларга бўлган эҳтиёжининг ривожланиши билан доимий (узлуксиз) товар-пул муносабатлари шароитида пайдо бўлди. Давлатнинг мавжудлиги яратилаётган иқтисодий (моддий) неъматларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш бўйича олий ҳокимият органи (шахси) сифатида давлат ва такрор ишлаб чиқариш муносабатларининг бошқа иштирокчилари (субъектлари) ўртасида маълум бир муносабатларнинг ўрнатилишини тақоза этади. Хусусан, ана шу муносабатлар “молия” тушунчаси орқали ифодаланган.

Натурал муносабатлар устунлик қилган жамиятларда тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнлари натурал солиқлар ва турли кўринишдаги шахсий тўланмалар характериға эға бўлган. Товар-пул муносабатларининг ривожланиши тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабатлари шакллариининг ўзгаришиға олиб келди – улар кўпроқ равишда пул характериға эға бўлди. Бироқ бу муносабатларнинг мазмун-моҳияти принципиал жиҳатдан кескин ўзгармай қолаверди.

Замонавий тасаввурдаги “молия” тушунчасини давлат хазинасининг алоҳидалашуви ва давлат бюджетининг вужудга келиши босқичиға киритиш мумкин.

Қайд этиш лозимки, молия ва молиявий муносабатларнинг моҳияти ҳақидаги тасаввурлар вақт ўтиши билан ўз кўринишини ўзгартириб борган⁵.

Корпоратив типдаги (устав капиталининг ҳиссали акционерлик шаклидаги) миллий ва трансмиллий

ларнинг фикриға қараганда, бу атама муомалаға 1755 йилда “Республика хусусида олти китоб” асарини нашр эттирган француз олими Ж.Боден томонидан киритилган (Қаранг: Финансы. Учебник для вузов / Под ред. проф. М.В.Романовского, О.В.Врублевской, Б.М.Сабанти. – М.: Финансы и статистика, 2000. с.44).

⁵ Иқтисодий категория саналган молия тўғрисидаги қарашларнинг XVII асрнинг охиридан XIX асрнинг охиригача трансформацияланиши С.Ю.Виттенинг асарида қуйидагича ифодаланган: “XVII асрнинг охирларида “молия” сўзи орқали давлатнинг барча мулки ва умуман олганда, давлат хўжалигининг бутун ҳолати тушунила бошланди. Давлатнинг ихтиёрида бўлган моддий маблағларнинг бутун тўплами – унинг даромадлари, харажатлари ва қарзлари - маъносида бу сўз ҳозир ҳам тушунилаяпти. Шундай қилиб, молия ҳақидаги фанни давлатнинг моддий эҳтиёжларини энг яхши қондириш усули тўғрисидаги фан деб аниқ белгилашимиз мумкин” (Қаранг: Витте С.Ю. Конспект лекций о народном и государственном хозяйстве. – М.: Финансы и статистика, 1997. с.4).

ташкilotларнинг вужудга келиши билан боғлиқ ҳолда товар ишлаб чиқаришнинг ширик масштабларда ривожланиши такрор ишлаб чиқариш жараёнининг турли иштирокчилари ўртасида пул маблағларини жалб қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тақсимлаш методлари ҳамда усулларининг такомиллашувига олиб келди. Товарлар ҳаракатидан алоҳидалашган (ажралган) пул маблағларининг ҳаракати масалалари бу тақсимлаш жараёнларида алоҳида аҳамият касб этади. Улар бир томондан, кредитнинг турли шакллари ва иккинчи томондан, турли субъектлар ўртасида ЯИМ қийматини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқдир. Бир вақтнинг ўзида, уларнинг ҳар бири амалдаги ҳуқуқий нормалар ёки ишбилармонлик айланмасининг тартибига мувофиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотдан ўз ҳиссаларини олишга даъво қиладиларки, бу молиявий муносабатларнинг соҳасидир.

Шундай қилиб, молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, тараққиёт қонуниятлари, товар-пул муносабатларининг қамраб олиш соҳаси ва ижтимоий такрор ишлаб чиқаришдаги роли жамиятнинг иқтисодий тузуми, давлатнинг табиати ва функциялари билан белгиланади. Тарихий категория сифатида ҳам молиянинг вужудга келиши жамиятнинг синфларга бўлиниши ва давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун шароитларни таъминлаш ҳамда давлатнинг функциялари ва вазифаларини бажариш мақсадида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул маблағлари фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий (молиявий) муносабатларга молия дейилади.

Молиявий муносабатларнинг фарқланувчи характерли белгиси шундан иборатки, ЯИМни қайта тақсимлаш жараёни олдиндан маълум мақсадларга мўлжалланган турли пул маблағлари фондларини яратиш билан кузатилади. Давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари даражасида тузиладиган пул маблағлари фондлари марказлаштирилган фондлар, хўжалик субъектлари даражасида тузилган пул

фондлари эса марказлаштирилмаган пул фондлари дейилади.

Хўжалик субъектларининг турли фаолиятларидан олинган даромадлар ҳисобидан махсус пул маблағлари фондлари шакллантирилади. Уларни шакллантириш қаттиқ равишда регламентация қилиниш (тартибга солиниш) характериға эгаки, бу нарса молиявий муносабатларнинг яна бир фарқланувчи характерли белгига эга эканлигини кўрсатади.

ЯИМни тақсимлашда аҳоли ҳам иштирок этиб, иш ҳақи, тадбиркорлик (ишбилармонлик) даромади, дивидентлар ва қайта тақсимлашнинг бошқа шакллари кўринишидаги ўз ҳиссаларини (улушини) олади. Бундан ташқари мажбурийлик характериға эга бўлган солиқлар ва бошқа тўловларни тўлаш орқали (воситасида) аҳоли марказлаштирилган пул маблағлари фондини шакллантиришда иштирок этади. Аҳоли даромадлари ва харажатларини шакллантириш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган пул муносабатларининг бу тизими ҳам молиявий муносабатларнинг алоҳида соҳасини ташкил этади.

Шундай қилиб, қуйидагилар молиянинг характерли белгиларидир:

- қийматнинг товар шаклидаги ҳаракатиға боғлиқ бўлмасдан, аксинча, реал пулларнинг ҳаракатиға боғлиқ бўлган, ҳуқуқий нормалар ёки бизнесни юритиш этикасиға асосланган муносабатларнинг тақсимлаш характердалиги;
- пул маблағлари ҳаракатининг, одатда, бир томонлама йўналишға эга эканлиги;
- марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини яратиш (вужудға келтириш).

Молия пул муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг роли ва аҳамияти пул муносабатларининг иқтисодий муносабатлар тизимида қандай ўринни эгаллаганлигига боғлиқ. Бир вақтнинг ўзида молия пулдан ўзининг мазмуни ва бажарадиган функциялари бўйича фарқланади. Агар пул умумий эквивалент бўлиб, унинг ёрдамида умумлаштирилган ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнат харажатлари ўлчанса, молия эса ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД)ни тақсимлаш ва қайта

тақсимлашнинг иқтисодий инструменти, пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш қуролидир. Пул даромадлари ва фондларини шакллантириш йўли билан фақатгина давлат ва корхоналарнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш эмас, балки молиявий ресурсларнинг сарфла-ниши устидан назоратни ҳам амалга ошириш молиянинг нима учун мўлжалланганлигини белгилаб беради.

Молия қуйидагилар ўртасида вужудга келадиган пул муносабатларини ифодалайди:

- товар-моддий бойликларни сотиб олиш, маҳсулот ва хизматларни реализация қилиш жараёнида корхоналар ўртасида вужудга келадиган пул муносабатлари;

- марказлаштирилган пул маблағлари фондларини яратиш ва уларни тақсимлаш борасида корхоналар ва уларнинг юқори органлари ўртасида вужудга келадиган пул муносабатлари;

- бюджет тизимига солиқларни тўлаш ва харажатларни бюджетдан молиялаштириш давомида корхона ва давлат ўртасида вужудга келадиган пул муносабатлари;

- солиқлар ва бошқа ихтиёрий тўловларни тўлаш жараёнида давлат ва фуқаролар ўртасида вужудга келадиган пул муносабатлари;

- тўловларни амалга ошириш ва ресурсларни олиш жараёнида корхоналар, фуқаролар ва нобюджет фондлари ўртасида вужудга келадиган пул муносабатлари;

- бюджет тизимининг алоҳида бўғинлари ўртасида вужудга келадиган пул муносабатлари;

- суғурта бадалларини тўлаш ва зарарларни қоплаш, суғурта ҳодисаси рўй берган пайтда аҳоли, корхоналар ҳамда мулкӣ ва шахсий суғурта органлари ўртасида вужудга келадиган пул муносабатлари;

- корхона фондларининг доимий доиравий айланишига хизмат қилувчи пул муносабатлари.

Пул даромадлари ва фондларининг энг асосий моддий манбаи бўлиб мамлакатнинг МД ҳисобланади. МДнинг ҳажми умумдавлат эҳтиёжларини қондириш ва ижтимоий ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятларини аниқлаб беради. Айнан МД ва унинг алоҳида қисмларининг - истеъмол фонди

ва жамғариш фондининг - ҳажмини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг ривожланиш пропорциялари (нисбатлари) ва таркибий тузилмаси аниқланади. Худди шунинг учун ҳам барча мамлакатларда МД статистикасига муҳим аҳамият берилаётир.

Молиянинг иштирокисиз МДни тақсимлаб бўлмайди. Молия МДни яратиш ва ундан фойдаланишнинг ажратиб бўлмайдиган боғловчи бўғини ҳисобланади. Молия ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмолга таъсир этиб, объектив характерга эга. У ишлаб чиқариш муносабатларининг маълум бир соҳасини ифода этиб, базис категориясига мансубдир.

Замонавий иқтисодиёт давлат молиясисиз фаолият кўрсатаолмайди. Тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичига қадар жамиятнинг баъзи бир эҳтиёжлари фақат давлат томонидан молиялаштирилиши мумкин. Атом саноати, космик тадқиқотлар, иқтисодиётнинг қатор янги устувор тармоқлари, барча учун зарур бўлган корхоналар (почта, телеграф ва бошқалар) ана шулар жумласидандир.

Молия алоҳида олинган мамлакатларда ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг даражасини ва уларнинг хўжалик ҳаётидаги макроиқтисодий жараёнларга таъсир этиш имкониятларини ифодалайди.

Мамлакат иқтисодиётининг аҳволи молиянинг аҳволини белгилаб беради. Доимий равишдаги иқтисодий ўсиш, ЯИМ ва МД кўпайиши (ошиб бориши) шароитида молия ўзининг мунтазамлиги ва барқарорлиги билан характерланади. У ишлаб чиқаришнинг янада ривожланишини ва мамлакат фуқаролари ҳаётининг сифат даражасини янада ортишини рағбатлантиради.

Иқтисодий кризис (таназзул), ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизликнинг ортиши шароитида молиянинг ҳолати (аҳволи) кескин ёмонлашади. Бу нарса, ўз навбатида, давлат ички ва ташқи қарзлари ҳисобидан молиялаштириладиган бюджет дефицитининг катталигида, пул эмиссиясида, давлат қарзининг ортиши ва унга хизмат қилиш бўйича харажатларнинг кўпайишида намоён бўлади. Буларнинг барчаси инфляциянинг кучайишига, хўжалик алоқаларининг бузилишига, ўзаро нотўловларнинг ортишига, пул суррогатларининг пайдо бўлишига, бартерли

битимларнинг кўпайишига, солиқларни бюджет ундириш борасида қийинчиликларнинг келиб чиқишига, давлат харажатларининг ўз вақтида молиялаштирилмаслигига, аҳоли кенг қатламлари турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам иқтисодий ва социал муносабатларда ишлаб чиқариш реал соҳасининг ҳолати биринчи даражали аҳамият касб этади.

Ўзининг моддий мазмунига кўра молия пул маблағларининг мақсадли фондларини ифода этиб, уларнинг жами (йиғиндиси), охир оқибатда, мамлакатнинг молиявий ресурсларини ташкил этади. Мамлакат молиявий ресурслари ўсишининг асосий шарти МДнинг ортиши (кўпайиши)дир. Бир вақтнинг ўзида, “молия” ва “молиявий ресурслар” тенг кучли бўлмаган тушунчалар ҳисобланади. Молиявий ресурслар ўз-ўзича молиянинг моҳиятини аниқлаб бермайди, унинг ички мазмуни ва ижтимоий мўлжалланганлигини очаолмайди. Молия фани ресурсларнинг ўзини эмас, балки ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш асосида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни ўрганади. Бу фан молиявий муносабатларнинг тараққиёт қонунларини тадқиқ этади.

Молия базис категорияси ҳисобланса-да, кўп жиҳатдан у ҳукумат томонидан амалга ошириладиган (юргизиладиган, ҳаётга татбиқ этиладиган) молиявий сиёсатга ҳам боғлиқ бўлади.

Молия – бу, энг аввало, тақсимлаш категорияси. Унинг ёрдамида МДни иккиламчи тақсимланиши ёки қайта тақсимланиши амалга оширилади.

Молиявий муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти “Давлат кимнинг ҳисобидан молиявий ресурсларни олади ва кимларнинг манфаатлари учун бу маблағлардан фойдаланади?” деган саволнинг тадқиқ қилиниши орқали намоён бўлади.

Тақсимлаш жараёнлари фақатгина молия орқали эмас, балки бошқа иқтисодий категориялар, жумладан баҳо, кредит, солиқ ва ҳ.к.лар орқали ҳам амалга оширилади.

Товар қийматининг пулда ифодаланишига баҳо дейилади. МДнинг тақсимланишидан олдин товар реализация қилиниши керак. Баҳо мулкдорларга маҳсулот

реализациясидан келиб тушиши мумкин бўлган пул маблағларининг ўлчамини аниқлайди ва навбатдаги тақсимлаш жараёнлари учун бошланғич асос сифатида майдонга чиқади. Баҳо товарларга бўлган талаб ва таклифни тартибга солади ва шу орқали такрор ишлаб чиқаришга ўз таъсирини кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти шароитида баҳо пенсия, нафақа ва ҳатто минимал иш ҳақини аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган кўрсаткич ҳисобланади. Агар давлат баҳоларни тартибга солмаса, социал тўловларни коррективировка (ўзгартиришга) қилишга ва минимал иш ҳақини оширишга мажбур бўлади. Ҳозирги пайтда дунёнинг жуда кўп мамлакатларида давлат социал аҳамият касб этувчи муҳим товарларнинг баҳосини коррективировка қилаётир (ўзгартираётир). Баҳо, шунингдек божхонавий тартибга солишда ва божхона даромадларини ундиришда давлат томонидан фойдаланилади. Масалан, айрим мамлакатларда божхона божлари кўплаб товар гуруҳлари бўйича сотиб олиш олиш баҳоси бўйича эмас, балки ҳақиқатдагисидан кескин фарқ қилувчи норматив баҳолар бўйича ундирилади. Шунга мос равишда (бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда) бюджетнинг даромадлари ва мамлакат ички бозоридаги баҳолар ортади.

Молия ва кредит мустақил иқтисодий категориялар сифатида бир-бири билан узвий боғлиқдир. Улар ҳамкорликда кенгайтирилган асосда корхоналар пул фондларининг доиравий айланишига хизмат қилади. Кредит банк тизими ва махсус молия-кредит институтлари томонидан амалга ошириладиган ссуда фондининг ҳаракатини ифода-лайди. Банк кредити сифатида соф кўринишда тушуниладиган кредит давлатга бевосита боғлиқ эмас. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида унинг роли етарли даражада аниқланган - бу даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик узилишни қоплаш усули, ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг эҳтиёжларини қоплаш усули ва ҳ.к. Бироқ, бир вақтнинг ўзида, кредит - бюджет дефицити ва бюджет-касса узилишини (навбатдаги даромадлар келиб тушгунга қадар бюджет харажатларини қоплаш учун банк хизматлари зарур бўлган пайтда)

қоплашнинг муҳим шакли. Ўз навбатида, агар бюджет маблағлари тижорат банкларининг ҳисоб варақларида сақланаётган бўлса, бу банклар учун муҳим ссуда манбаидир.

Кредит молиядан (молиялаштиришдан) ўзининг қайтари- лувчанлиги ва ҳақлилиги билан фарқланади. Бир вақтнинг ўзида, ҳар икки ҳолатда ҳам улар пул маблағларининг ҳаракатланишини ифодалайди ҳамда кредит ва молия пул муносабатларининг чегарасидан (рамкасидан) четга чиқмай- ди. Ҳатто, товар кредити ҳам пул асосига ва шаклига эга. Банклар корхоналар ва аҳолининг бўш пул маблағларини аккумуляция қиладилар ва уларни таъминланганлик, қайтарувчанлик, ҳақлилиги ва муддатлилиги асосида уларга эҳтиёж сезган корхоналарга берадилар. Агар молия қийматнинг бир томонлама ва қайта тикланмайдиган (қайтарилмайдиган шаклдаги ҳаракатини ифодаласа, кредит эса кредиторга белгиланган муддатда олдиндан ўрнатилган фоизларни тўлаган ҳолда қайтарилиши керак.

Юқорида келтириб ўтилган барча категориялар пул характериға, пул табиатиға эға бўлиб, уларға икки ва ундан ортиқ категорияларнинг белгилари хосдир. Масалан, иш ҳақи етарли даражада асосланган тарзда пулли тўланма, яъни пул деб аталиши мумкин. Бироқ, бу оддий пул бўлмасдан сарфланган меҳнатға мувофиқ олинган пул ҳисобланади.

Солиқ ҳам биз томонимиздан амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда давлатға текинға берилаётган пулдир. Қонунға риоя этмаслик жазо чораларининг қўлланишини тақозо этади. Бироқ, бундан ташқари, солиқ бизға тегишли бўлган даромад ва иш ҳақининг бир қисмидир. Ўз навбатида, пулни муомалаға чиқариш (эмиссия қилиш) бўйича операциялар ҳам давлат даромадларининг манбаи ҳисоб- ланади.

Юқоридаги барча категорияларни уларнинг пулли табиати бирлаштириб туради. Улар бир-бирларидан ўзларининг функциялари ва мўлжалланганлиги билан ажралиб туради. Бунда категорияларға тегишли бўлган барча белгиларнинг мажмуи кўриб чиқилсағина уларни фарқлаш мумкин. Хусусан, ноэквивалент характериға эға бўлган ва давлатнинг мавжудлиги натижасида вужудға келадиган жамиятдаги пул муносабатлари давлат молияси дейилади.

Тақсимлаш соҳасидан ташқарида молия мавжуд бўлмайди. Агар молия қайта тақсимлаш соҳасига ўтса, у бошқа иқтисодий категорияларнинг белгиларини ўзида мужассам этади.

1.2. Молиянинг функциялари

Молиянинг моҳияти унинг функциялари орқали намоён бўлади. Молия қуйидаги икки функцияни бажаради:

1. Тақсимлаш;
2. Назорат.

Бу функциялар молия томонидан бир вақтнинг ўзида амалга оширилади⁶. Ҳар қандай (бир) молиявий операция ЯИМ ва МДни тақсимлаш ва шу тақсимлаш устидан назоратнинг амалга оширилишини англатади.

Молиявий муносабатларнинг асосий тавсифи уларнинг тақсимлаш характериға эға эканлиги учун, шунга мувофиқ равишда молиянинг бош ёки асосий функцияси тақсимлашдир. Молия ёрдамида амалга оширилиши лозим бўлган тақсимлаш жараёни мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Молия ЯИМни тақсимлашнинг турли босқичларига хизмат қилиб, уни бирламчи тақсимлашда ва қайта тақсимлашда иштирок этади.

Молиявий метод орқали тақсимлаш иқтисодиётни бошқаришнинг турли даражаларини (мамлакат, унинг алоҳида олинган минтақалари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари миқёсида) қамраб олади. Унга тақсимлашнинг турли кўринишларини (хўжалик ичида, тармоқ

⁶ Бир вақтнинг ўзида молиянинг функциялари хусусида молиячи-олимлар ўртасида ҳамон бир тўхтамға келингани йўқлигини ҳам қайд этиб ўтиш керак. Айрим иқтисодчи-олимларнинг фикрича, молиянинг функциялари 2тадан 10тагача тебраниб боради. Масалан, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Россия Давлат хизмати академияси иқтисодчи-олимларининг фикрига мувофиқ молиянинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат: тақсимлаш ва қайта тақсимлаш; рағбатлантириш (тартибға солиш); назорат; такрор ишлаб чиқариш; такрор ишлаб чиқаришнинг барча даражаларида унинг жараёнларини пул маблағлари билан таъминлаш. (Қаранг: Финансы, налоги и кредит. Учебник. Изд. 2-е, доп. и перераб. /Под ред. д.э.н., проф. И.Д.Мацкуляка. – М.: Изд-во РАГС, 2007. с.21).

ичида, тармоқлараро, ҳудудлараро ва б.) туғдирувчи кўп босқичлилиқ хосдир.

Энг аввало, молиянинг тақсимлаш функцияси МДни тақсимлашда, “асосий ёки бирламчи даромадлар” деб ном олганларни яратиш (ташқил этиш) содир бўлганда намоён бўлади. Уларнинг йиғиндиси МДга тенгдир. Асосий даромадлар МДни моддий ишлаб чиқариш иштирокчилари ўртасида тақсимлаш жараёнида шаклланади. Улар икки гуруҳга бўлинади:

- моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи, фермер ва ҳ.к.ларнинг даромадлари;
- моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналарнинг даромадлари.

Бироқ, бунда бирламчи даромадлар миллий хўжалиқ устувор тармоқларини ривожлантириш, мамлакат мудофаа қудратини таъминлаш, аҳолининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун ижтимоий пул фондларининг шаклланишини таъминлай олмайди. Бунинг учун қуйидагилар билан боғланган ҳолда МДни янада тақсимлаш ва қайта тақсимлаш зарур:

- хўжалиқ юритувчи субъектлар даромадлари ва жамғармаларидан энг самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида маблағларни тармоқлараро ва ҳудудий қайта тақсимлаш билан;
- ишлаб чиқариш соҳаси билан бир қаторда ноишлаб чиқариш соҳасининг (маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот, бошқарув ва ҳ.к.) ҳам мавжудлиги билан;
- аҳолининг турли ижтимоий қатламлари ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш билан.

Юқоридаги қайта тақсимлашлар натижасида иккиламчи ёки “келиб чиқувчи” даромадлар ташқил топади. Бундай даромадларга ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида олинган даромадлар, солиқлар (жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва бошқалар) киради. Иккиламчи даромадлар МДдан фойдаланиш борасидаги якуний нисбатларни (пропорцияларни) шакллантириш учун хизмат қилади.

МДни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда фаол иштирок этиб, молия МДни бирламчи тақсимлашда вужудга келган нисбатларни уларнинг якуний фойдаланиш нисбатларига трансформация қилинишига (айланишига, ўзгаришига) таъсир кўрсатади. Бундай қайта тақсимлаш натижасида яратиладиган даромадлар моддий ва молиявий ресурслар ва энг аввало, бир томондан пул фондларининг ўлчами ва уларнинг таркибий тузилмаси, иккинчи томондан эса ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол предметларининг ҳажми ва тузилмаси ўртасидаги мувофиқликни таъминлаши керак.

Одатда, ҳар бир мамлакат доирасида МДни қайта тақсимлаш миллий иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини (қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика ва ҳ.к.) ривожлантириш мақсадларида, аҳолининг энг кам таъминланган қатламлари (пензионерлар, талабалар, ёлғиз ва кўп болали оналар ва ҳ.к.) фойдасига амалга оширилади.

Шундай қилиб, МДни қайта тақсимлаш миллий хўжаликнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари, моддий ишлаб чиқариш тармоқлари, мамлакатнинг алоҳида минтақалари, мулкчилик шакллари ва аҳолининг социал гуруҳлари ўртасида содир бўлади.

Молия ёрдамида амалга ошириладиган ЯИМ ва МДни тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг пировард мақсади ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, иқтисодиётнинг бозор таркибий тузилмасини шакллантириш, давлатни мустаҳкамлаш, аҳоли кенг қатламлари ҳаётининг юқари сифатли бўлишини таъминлашдан иборатдир. Бу жараёнларда молиянинг роли кам харажат қилиб энг юқори натижаларга эришиш, молия-хўжалик фаолиятини янада яхшилашда хўжалик юритувчи субъектлар ҳар бир ходими ва жамоасининг моддий манфаатдорлиги ва қизиқувчанлигини ошириш вазифаларига бўйсундирилган.

Молиянинг тақсимлаш функцияси ёрдамида давлат фақатгина МДни қайта тақсимлашга эмас, балки ишлаб чиқаришга, капиталнинг жамғарилишига, истеъмол соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шу маънода, молия иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторларини, ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурани, илмий-техника

тараққиётини ва ҳ.к.ларни ривожлантиришда ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Умуман, молиянинг тақсимлаш функцияси:

- хўжалик субъектлари, аҳоли, давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари даражасида мақсадли пул маблағлари фондларини шакллантиришга;
- хўжалик ичида, тармоқ ичида, тармоқлараро, ҳудудлараро, шунингдек ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари, аҳоли ижтимоий гуруҳлари ўртасида қайта тақсимлашни содир этишга;
- хўжалик субъекти ва давлат даражасида заҳиралар яратишга, фуқаролар томонидан жамғаришни амалга оширишга имконият ва шарт-шароит яратиб беради.

Пул даромадлари ва фондларини шакллантириш ҳамда фойдаланишнинг инструменти сифатида молия тақсимлаш жараёнининг амалга оширилишини объектив равишда ўзида акс эттиради. Унинг назорат функцияси ЯИМни тегишли фондларга тақсимлаш ва уларнинг мақсадга мувофиқ сарфланиши устидан назоратни амалга ошириш орқали намоён бўлади. Шу маънода, молиянинг тақсимлаш ва назорат функциялари ягона иқтисодий жараённинг икки томонидир.

Молия назорат функциясининг асосини молиявий ресурсларнинг ҳаракати ташкил этади. Ана шу ҳаракатнинг харктеридан келиб чиққан ҳолда жамият пул маблағларини тақсимлашда қандай пропорцияларнинг (нисбатларнинг) вужудга келаётганлиги, хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрига молиявий ресурсларнинг ўз вақтида келиб тушиши қандай таъминланаётганлиги хусусида маълумотга эга бўлиши керак. Агар молиянинг назорат функцияси амалиётда амалга оширилмаса, молия тақсимлаш функциясининг самарадорлигини баҳолашнинг ҳам иложи йўқки, бу нарса юқоридаги ҳар икки функция координация қилишининг (мувофиқлаштирилишининг) зарурлиги тўғрисида дарак бераётир.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида молиянинг назорат функцияси ижтимоий ва хусусий ишлаб чиқаришнинг динамик ривожланишини таъминлашга, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришга, миллий хўжаликнинг барча

бўғинларида иш сифатини узлуксиз яхшилашга йўналтирилган. У ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларини тўлиқ қамраб олади. Иқтисодий рағбатлантиришни ошириш, моддий, меҳнат, молиявий ресурслар ва табиий бойликлардан оқилона ва тежамкор фойдаланиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотмаларни қисқартириш, хўжасизлик ва исрофгарчиликнинг олдини олиш молия назорат функциясининг мақсадларидандир.

Молия назорат функциясининг энг муҳим вазифаларидан бири молиявий масалалар бўйича қонунчиликнинг аниқ бажарилишини, бюджет тизими, солиқ хизмати, банклар олдидаги молиявий мажбуриятлар, шунингдек ҳисобкитоблар ва тўловлар бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро мажбуриятлари бажарилишининг ўз вақтидалиги ва тўлиқлигини текшириш ҳисобланади.

Молия органларининг кўп қиррали фаолиятлари орқали молиянинг назорат функцияси намоён бўлади. Молия тизими ва солиқ хизматининг ходимлари молиявий режалаштириш жараёнида, бюджет тизимининг даромадлар ва харажатлар қисмининг бажарилишида молиявий назоратни амалга оширадилар. Бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида назорат ишларининг йўналиши, молиявий назоратнинг шакл ва методлари кескин ўзгаради.

Молиянинг функциялари молия механизми орқали амалга оширилади. Бу механизм миллий хўжалиқдаги молиявий муносабатлар ташкилий шаклларининг мажмуини, марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини, молиявий режалаштириш методларини, молия ва молия тизимини бошқариш шаклларини, молиявий қонунчиликни ўз ичига олади. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш шароитида сифат жиҳатидан янги бўлган молия механизми қўланилади. Бу, энг аввало, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг бюджет тизими, нобюджет фондлари, мулкый ва шахсий суғурта органлари ва бошқалар билан бўлган ўзаро муносабатларга тегишлидир.

1.3. Такрор ишлаб чиқариш ва молия

Кишилик жамияти озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва социал соҳани доимий равишда такрор ишлаб чиқармасдан ҳаёт кечириши (амал қилиши) мумкин эмас. Планетамиз аҳолисининг ўсиши ва унинг урбанизациялашув даражасининг ортиши, мамлакатлар ичидаги ва улар ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг кучайиши, илмий-техника тараққиётининг ривожлани ва бошқа бир қанча омиллар билан “ҳаёт кечириш”ни ёки “яшаш”ни такрор ишлаб чиқариш кишилик жамияти мавжудлигининг муҳим шарти бўлиб қолаётир. Халқаро меҳнат тақсимооти юқори технологияли ишлаб чиқаришларнинг нотекис тақсимланишига, энг бой-бадавлат саналган мамлакатларда молиявий капиталнинг концентрациялашувига (тўпланишига) олиб келмоқда. Энг камбағал мамлакатлар эса хом-ашёни қазиб чиқариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Шундай бўлишига қарамасдан, ҳар қандай шароитда ҳам такрор ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни ўзгармасдан қолаётир. Фақат қўшимча маҳсулотнинг концентрациялашув (тўпланиш) жойи ўзгармоқда, холос. Молиявий, банк ва баҳо механизмлари орқали фойданинг асосий қисми энг ривожланган мамлакатларда “чўкмоқда” ва уларга келгусида ҳам тақсимлашни ўзлари фойдаларига ҳал қилишга имкон бераяпти.

Такрор ишлаб чиқариш жараёни ўз ичига қуйидаги босқичларни олади:

- ишлаб чиқариш;
- алмашув;
- тақсимлаш;
- истеъмол.

Такрор ишлаб чиқариш учун бу босқичлар, албатта, мажбурий ёки шарт бўлиб, ҳатто уларнинг бирисиз такрор ишлаб чиқариш жараёни узилади. Унинг ҳар бир босқичларига бир ёки бир неча иқтисодий категориялар хизмат қилади. Категорияларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиши бевосита ва билвосита шаклларда бўлиши мумкин. Масалан, баҳо категорияси товар категорияси сингари алмашув босқичида марказий ўринни

эгаллайди. Бироқ, баҳо категориясининг таъсири, такрор ишлаб чиқаришнинг бу босқичида бошқа категориялар хизмат қилишига қарамасдан, истеъмол босқичида бевосита намоён бўлади. Давлат молиясининг ижтимоий мўлжалланганлигидан (давлатнинг ўз функцияларини бажаришини таъминлайдиган пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш) келиб чиқилдиган бўлса, тақсимлаш босқичида уларнинг роли нисбатан каттароқ эканлиги яққол кўринади. Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг бу босқичида (тақсимлашда) барча ижтимоий манфаатлар ва шунга мувофиқ равишда, жамиятнинг барча қарама-қаршиликлари намоён бўлади.

Истеъмолга кетадиган жами ижтимоий маҳсулот (ЖИМ)дан, биринчи навбатда, такрор ишлаб чиқаришнинг олдинги (ўтган) циклида фойдаланилган меҳнат қуроллари ва предметларини тиклаш учун мўлжалланган қисми ажратилади. Бу қисм такрор ишлаб чиқаришнинг янги циклида ҳам унинг шу ҳажмда такрорланишини таъминлайди. Қолган қисм воситалар (маблағлар)нинг эгаси ва ишчилар ўртасида тақсимланади. Тақсимлаш пропорциялари (нисбатлари) асрлар давомида шаклланиб, унда иштирокчиларнинг ҳар бири ўзига тегишли бўлган қисмни ортириш (кўпайтириш) мақсадида бир-бирлари билан доимий қарама-қаршилиқда бўладилар. Шундай қилиб, жамиятда янгидан яратилган қиймат биринчи тақсимлаш босқичини ва ундан сўнг эса алмашув ва истеъмол босқичларини босиб ўтади. Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир иштирокчиси ўзига тегишли бўлган даромадни қуйидаги икки қисмга бўлади:

- истеъмол фонди;
- жамғариш фонди.

Лекин бу босқичга қадар тақсимлаш жараёнига давлат аралашиб, солиқлар, қарзлар, суғурта тўловлари (бадаллари) каби иқтисодий инструментлардан фойдаланган ҳолда индивидуал ва жамоа даромадларидан ўзининг ҳиссасини (ўзига тегишли бўлган қисмни) ажратиб олади.

Қайд этиш жоизки, даромадлар қанча қисмини олишнинг “остонаси”ни аниқлашда жамият иштирок этади. У жамоатчилик ташкилотлари, партиялар ва шунга ўхшашлар орқали, қонунчилик ва ижроия ҳокимиятини шакллантириш йўли билан давлат фаолиятининг чегарасини аниқлашга

ҳаракат қилади. Ўз навбатида, давлат ҳам ўзининг ҳаракат доирасини (соҳасини) кенгайтиришга ҳаракат қилади. Унинг функциялари қанча кенг бўлса, жамият аъзолари даромадларининг шунча катта суммаларига давлат даъвогарлик қилади. Шу муносабат билан истеъмол пропорциялари (нисбатлари) ҳам ўзгаради. Масалан, агар давлат маориф, соғлиқни сақлаш, социал таъминот харажатларининг бир қисмини ўз зиммасига олса, бу нарса ишчи кучининг баҳосида ва демак, меҳнат ҳақининг даражасида ўз аксини топади.

Бу ерда ижтимоий истеъмол фондларининг ҳиссаси қанча юқори бўлса, шахсий истеъмол фондларининг ҳиссаси шунча паст бўлиши билан характерланадиган тенденцияни тушуниш жуда муҳимдир. Молия назариясида такрор ишлаб чиқариш жараёнида давлат иштирокининг қиёсий самардорлиги хусусидаги баҳслар ҳали-ҳамон тўхтаганича йўқ. Ҳар бир давлат учун маълум бир даврда мамлакат аҳолиси (алоҳида шахслар эмас, балки аҳолининг кенг қатлами) қанча бой бўлса, давлатнинг ўзи ҳам шунча бой бўлади, деган тушунчадан келиб чиқиб, аниқ тавсиялар ишлаб чиқмоқ мақсадга мувофиқ. Чунки даромаднинг юқори даражаси юқори истеъмол талабини, соғломлашиб бораётган иқтисодиётни вужудга келтиради. Шунга мос равишда солиққа тортиладиган база (асос) ўсади ва жамғармалар ҳиссаси ошади. Жамғармалар ссуда капиталининг асосини ташкил этиб, ўз навбатида, улар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга ва илмий-техника тараққиётига ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Ҳукуматлари солиқлар орқали шахсий даромадларни чегаралаб (чеклаб) қўйган мамлакатларда иқтисодиёт ўсиш базасига (асосига) эга эмасдир. Бундай мамлакатлар маълум бир вақт ўтганидан сўнг нисбатан бойроқ бўлган мамлакатларнинг таъсири остида бўлиб қолади. Чунки мамлакат ички манбаларининг қисқариши ташқи қарзга олишлар эвазига қопланади. Ўз навбатида, ташқи қарзларни қайтаришнинг манбаи бўлиб фақат солиқлар ва давлат мулки хизмат қилиши мумкин.

Тақсимлаш жараёнига давлат аралашувининг баланслаштирилган чегаралари бузилса, бутун такрор ишлаб чиқариш жараёни бузилади (издан чиқади). Буларнинг

барчасини иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва меҳнат бозорини яратиш деб аташ мумкин. Агар ижтимоий портлашларнинг олдини олиш мақсадида давлат аҳоли камбағал қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча равишда мажбуриятларни ўз зиммасига олса, бу ҳам соғлом такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг бузилганлигидан дарак беради.

Марказлаштирилган режали тизимни бозор механизми билан тўлиқ алмаштирилганлиги шароитида эски тақсимлаш тизимининг сақланиб қолиши мумкин эмас. Бироқ янги тизимни яратишда саноат технологиясининг ҳолати, саноатнинг таркибий тузилиши, рақобатбардошлик ва бошқа омиллар инobatга олиниши керак. Бошқа мамлакатларнинг бу борадаги тизимидан нусха олиш ўз давлатчилигига ва фанига эга бўлмаган кучсиз ривожланган мамлакатларгагина хосдир⁷.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг тақсимланишини таҳлил қилишни танлаб, капиталнинг реал ҳаракатида фақат моддий ишлаб чиқариш соҳаси билан чегараланиш керак эмас. Бундан ташқари, капиталнинг миллий чегараларни тан олмаслигини ҳам эътироф этмоқ лозим. Чунки бунга фақат биржа ва банк соҳаларининг ўзига хос хусусиятлари эмас, балки трансмиллий компанияларнинг кенг ривожланиши ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Тақсимлаш жараёнида молиянинг роли ва ўрнини кўрсатиш учун ЖИМнинг ўрнига ЯИМдан фойдаланиш мумкин. Чунки ҳар икки кўрсаткичлар ўзларининг афзалликлари ва камчиликларига эга. Масалан, ЯИМ таркибига маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий харажатлар киритилмайди. Бир вақтнинг ўзида эса, ЖИМнинг таркиби ноишлаб чиқариш хизматларисиз бўлиб, уларнинг салмоғи юқори даражада тараққий этган жамиятларда жамият харажатларининг^{1/3} қисмини ташкил этади. Бироқ тақсимлашнинг кўпқадамли эканлиги инobatга олинадиган бўлса, ЖИМ кўрсаткичи юқоридаги мақсадлар учун маълум бир афзалликларга эга эканлиги маълум

⁷ Шу маънода кўпнинг йиллик тарихга эга бўлган Ўзбекистон ўз шахсий тажрибасини абсолют инкор этиб, ўзгаларнинг тажрибасини (ҳатто улар энг яхши бўлганда ҳам) кўр-кўрона қўллаши мумкин эмас.

бўлади. Чунки у такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим соҳаси бўлган моддий ишлаб чиқариш соҳасини ўзида тўлиқроқ акс эттиради.

ЖИМ қуйидаги икки асосий қисмдан иборат:

- маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати (меҳнат қуроли ва меҳнат предметлари);
- миллий даромад (ишчи кучи ва қўшимча маҳсулотнинг қиймати).

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун давлат субсидияларидан ёки банк кредитидан фойдаланиш керак. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам моддий ишлаб чиқариш соҳасидан четда шаклланади. ЖИМнинг қийматидан сарфланган ишлаб чиқариш воситаларини тиклашни (амортизация ажратмалари, материаллар, хом-ашё, ярим тайёр маҳсулотлар сотиб олиш, ёқилғи электроэнергияни хариб қилиш кўринишларида ва ҳ.к.) тақсимлаш жараёнларига киритиш мумкин эмас. Бу тикланиш такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксиз зарурлиги билан белгиланади. Чунки усиз жамиятнинг бўлиши (амал қилиши) мумкин эмас. Лекин шаклан бу ЖИМни тақсимлаш жараёнидир.

Агар моддий ишлаб чиқариш соҳасини ягона (алоҳидалашган) тизим сифатида қабул қилинса, у ҳолда кейинги қайта тақсимлаш МДдан фақат солиқларни тўлашга бориб тугар эди. Бироқ тақсимлашнинг реал соҳасида фақат давлат (солиқ тизими орқали) иштирок этибгина қолмасдан, балки хизмат кўрсатиш сфераси, маориф, соҳлиқни сақлаш, банк тизими ва ҳ.к.лар ҳам қатнашади. Давлат ўз даромадларини шакллантириб, улар ҳисобидан, хусусан, бюджет соҳасининг ходимларига иш ҳақи тўлайди. Бюджет соҳасида ишлайдиганлар эса, ўз навбатида, Давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришга йўналтирилган солиқларни тўлайдилар. Фуқаролар ўзларининг шахсий даромадлари ҳисобидан турли хизматларнинг ҳақини тўлайдилар, суғурта фондларига ажратмалар (бадаллар) қиладилар, банк кредитидан фойдаланганликлари учун фоизларни қайтардилар. Корхоналар хизмат кўрсатиб олган даромадлари ҳисобидан ҳам солиқлар тўлайдиларки, улар бюджет даромадларини шакллантиришга йўналтирилади. Тақсимлашнинг

таркибига кирувчи барча муносабатлар ҳам молия бўлавермайди. Лекин тақсимлашнинг чегарасидан четда молия мавжуд эмас.

ЖИМнинг иккига бўлиниши билан характерланадиган тақсимлашнинг биринчи босқичидан сўнг иккинчи босқич бошланадики, унга мувофиқ МД жамғариш фонди ва истеъмол фондига бўлинади.

Жамғариш фонди икки қисмдан иборат бўлиб, унинг бир қисми такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва иккинчи қисми эса резерв фондларини шакллантиришга мўлжаллангандир. Тақсимлашнинг бу босқичида молиянинг иштироки иқтисодиётга давлат қўйилмаларини жойлаштириш (киритиш), давлат резервларини шакллантириш ва суғурта фондларини ташкил қилиш орқали намоён бўлади. Бунда тегишли фондларни шакллантириш босқичи бу босқичдан олдинроқ амалга оширилади. Лекин бу ерда тегишли навбатга риоя қилинмаслиги ҳам мумкин. Чунки барча даромад ва харажатлар йил бошида тасдиқланган бюджет доирасида (чегарасида) амалга оширилади. Барча ривожланган (цивилизацияли) мамлакатларда бюджет қонун кучига эга бўлиб, бу нарса тақсимлаш жараёнининг қонуниятларини ўрганаётган пайтда даромад ва харажатларнинг кетма-кетлигига эътибор бермасликка имкон беради. Кўпчилик ҳолларда амалиётда даромадлардан харажатларнинг олдинроқ амалга оширилиши содир бўлади (даромадлар шакллантирилмасданоқ харажатларни сарфлаш зарурияти вужудга келади). Даромад ва харажатларнинг муддатлари бўйича номувофиқликни олдини олиш учун (ёки шу муаммони ҳал этиш учун) давлат кредити механизмидан фойдаланилади.

Жамғариш фонди ва истеъмол фонди ўртасидаги нисбат вақт жиҳатидан ҳам, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг алоҳида олинган субъектлари (давлат билан ҳам биргаликда) ўртасида ҳам жуда алоҳидадир. Истеъмолнинг даражасига технология даражаси, коммуникациялар, давлат тузилмаси, партия ва ҳаракатларнинг обўси ва бошқа шу каби кўплаб омиллар ўз таъсирини кўрсатади.

Худди шунга ўхшаш равишда жамғариш фонди ва истеъмол фонди ўртасидаги нисбатларнинг тенденциясини

аниқлашнинг ҳам иложи йўқ. Истеъмол фондининг етарли юқори даражасида ноишлаб чиқариш секторида жамғаришнинг ҳиссаси ортади (яъни, шахсий жамғармалар ўсади). Агар МДда истеъмолнинг нисбий ҳиссаси камроқ бўлса, корпоратив жамғармалар ўсади. Чунки яратилган МД янгидан яратилган қийматдан бошқа нарса эмасдир. Бутун такрор ишлаб чиқариш жараёнининг негизида ўзига хос товар бўлган ишчи кучи ётади. Товар сифатида ишчи кучи ўзини такрор ишлаб чиқариш харажатларидан ортиқ бўлган қийматни яратиш хусусиятига эгадир. Бу хусусият ишлаб чиқаришнинг бошқа таркибий қисмларига – меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари – хос эмас.

Ўз навбатида, истемол фонди ҳам қуйидаги икки таркибий қисмдан иборат:

- ижтимоий истеъмол фондлари;
- шахсий истеъмол фондлари.

Алоҳида олинган мамлакатлар бўйича улар ўртасидаги нисбат давлат тузилмасига, анъаналарга ва ҳ.к.ларга боғлиқ. Ҳокимият тепасида коммунистик ёки социалистик партиялар турган мамлакатларда ижтимоий истеъмол фондлари истеъмол фондларининг умумий ҳажмида асосий ўринни эгаллайди. Чунки ижтимоий истеъмол фондлари орқали давлат маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёнларини молиялаштиришни ташкил этади. Ижтимоий истеъмол фондларининг салмоғи бошқа мамлакатларда ҳам нисбатан юқори бўлиб, бу фондлар орқали бошқарув харажатлари, мудофаа, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ҳ.к.ларни молиялаштириш қўллаб-қувватланади. Шунини таъкидлаш керакки, ижтимоий истеъмол фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланишни молиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Бошқа ҳеч қандай иқтисодий категорияларнинг ҳеч бири бу жараёнда бевосита иштирок этмайди. Аммо бу нарсани сўзма-сўз тушуниш керак эмас. Чунки, масалан, бухгалтерия ҳисоби тизими солиқлар ва ажратмаларнинг ўлчамини аниқлашга шароит яратади, баҳолар ва амортизация ажратмалари тизими эса фойда суммасига ўз таъсирини кўрсатади. Бироқ ижтимоий истеъмол фондларини шакллантириш ва улардан

фойдаланишнинг бевосита жараёнига фақат молия хизмат қилади.

Ижтимоий истеъмол фондларининг асосий қисми Давлат бюджети орқали амалга оширилади. Бу фондларнинг бир қисми социал суғурта ва социал таъминот фондларини шакллантиришга сарфланади. Бозор иқтисодиёти хос бўлган дунёнинг кўпчилик мамлакатларида социал суғурта ва социал таъминот фондларини шакллантиришда ўзининг тўловлари билан ҳам иш берувчилар ва ёлланма меҳнат ходимлари иштирок этадилар. Охирги ҳолда ижтимоий истеъмол фондини шакллантиришга шахсий истеъмол фондининг бир қисми йўналтирилади. Шахсий истеъмол фондининг қолган қисми қуйидаги икки қисмга бўлинади:

- шахсий жамғарма фондлари;
- истеъмол фондлари.

Айнан шахсий истеъмол фондининг ана шу икки қисми товар механизмнинг фаолият кўрсатиши учун тегишли шароитни яратади.

Истеъмол фонди ва жамғариш фонди ўртасидаги нисбат ҳамда уларнинг физик ҳажми бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ривожланиш суръатини белгилаб беради. Агар давлат солиқлар кўринишида бирламчи даромадларнинг катта қисмини олиб қўйса, у шу билан иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Бу ерда ҳамма нарса бошқарув органи сифатида давлатнинг хусусиятига бориб тақалади – унинг харажатлари ё ортиқча (давлат аппарати харажатларини молиялаштириш тўғрисида гап кетаяпти), ё носамарали (иқтисодиётга қилинадиган харажатлар қисми) ё нооқилона (социал соҳа харажатлари ҳаддан зиёд қиммат бўлиб, ишчи кучининг такрор ишлаб чиқарилишини рағбатлантирмайди) бўлиши мумкин. Агар давлат солиқлар кўринишида МДнинг 30% дан ортиқроғини оладиган бўлса, у ҳолда иқтисодиётни ўстириш ва модернизация қилиш учун ички резервлар етарли даражада бўлмай қолиши мумкин. Албатта, солиқли олиб қўйиш даражаси 30%дан ҳам ортиқ бўлиши мумкин. Бироқ, бундай ҳолларда ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисмини давлат ўз зиммасига олиши керак. Солиқ остонаси юқори бўлган шароитда солиқни тўлашдан

бош тортиш тенденцияси кучайиши туфайли солиқларни ундириш харажатлари ҳам ортади.

1.4. Молия генезиси (тараққиёти)

Ижтимоий-иқтисодий формациялар (тузумлар) бири-биридан ишлаб чиқариш муносабатлари билан фарқланади. Ўз навбатида, янги ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасидан келиб чиқади. Янги ишлаб чиқариш муносабатларига давлат тузилмаси ҳам мос келиши керак. Алоҳида олинган давлатда ўзгаришлар юқоридагидек кетма-кетликда ва боғлиқликда содир бўлмаслиги мумкин. Лекин бу жараёндаги умумий қонуният хусусий ҳолатларга боғлиқ бўлмайди. Ҳар бир ижтимоий формация ва шунга мувофиқ равишда, шу формациядаги (тузумдаги) давлатга маълум бир молиявий тузилма жавоб беради (мос келади). Турли ижтимоий-иқтисодий формацияларда (тузумларда) молиянинг фарқланиши қуйидаги сабаблар билан белгиланади:

- ҳар қандай ижтимоий формацияга (тузумга) жамиятнинг ўз синфий тузилмаси мос келади. Бунда молия МДни тақсимлаш муносабатларини ҳисобга олиб, уларнинг давлат фойдасига қайта тақсимланишини ташкил қилади;

- ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий формацияда (тузумда) молия ҳукмрон синфнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлатнинг мақсадлари ва вазифаларига бўйсунди;

- ишлаб чиқаришнинг янги усули хўжалик муносабатларининг янги тизимини вужудга келтиради. Масалан, қулдорлик ва феодал формацияларда (тузумларда) натурал муносабатлар хос бўлган бўлса, шунга мос равишда давлат даромадларини шакллантириш ҳам натурал характер касб этган. Капиталистик хўжалик товар-пул муносабатларига таянади. Шунга мувофиқ давлат даромадларини шакллантириш ҳам пул шаклида амалга оширилади;

- агар давлат бошқарув органи сифатида таркиб топган ишлаб чиқариш муносабатлари ва синфий тузумнинг вазифаларига хизмат қилса, шу вазифаларга молия ҳам хизмат қилади;

- XX аср тажрибаси огоҳлантиради (ўқитади, таълим беради, тарбиялайди):

- аниқ синфларга бўлинган давлат мавжуд бўлмайди;
- турли ижтимоий тузилмага эга бўлган давлатлар бир тарихий даврда бўлиши мумкин;
- бир ижтимоий-тарихий формациядан (тузумдан) иккинчисига ўтиш асрлар давомида содир бўлиши мумкин;
- фақат ижтимоий тузилма ва технологияларнинг эмас, балки молиянинг ҳам экспорт қилиниш эҳтимоли мавжуд.

Натурал муносабатлар устунлик қилган пайтларда ҳатто нисбатан ривожланган мамлакатларда ҳам пул ўзининг барча функцияларини бажараолмаган. Шунга мос равишда пул муносабатларининг тизими сифатида молия ҳам энг умумийлик касб этаолмаган. Ибтидоий-жамоа тузумининг хўжалик тузилмаси тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд бўлмаганлиги учун гумон (тахмин) қилиш мумкинки, доимий давлат аппарати йўқ бўлганлиги учун ана шундай давлатнинг даромадлари ва харажатларини шакллантириш ҳам бўлмаган. Давлат аппаратининг шаклланиши, унга тегишли бўлган функцияларнинг кенгайиши, хусусан, доимий кўшинларга асос солиниши, йўл қурилишининг жориш этилиши билан молиянинг роли ошиб борган. Қулдорлик давлатлари даромадларининг асосий манбалари контрибуциялар, ҳарбий ўлжалар, натурал солиқлар ва бошқалар ҳисобланган. Маълум бир мамлакатда маълум бир давр мобайнида аҳолининг қандайдир гуруҳлари пул кўринишидаги солиқларни тўлаган бўлиши мумкин. Шундай бўлишига қарамасдан, қулдорлик формациясида (тузумида) пул кўринишидаги солиқлар фақат тасодифийлик характериға эга эди. Худди шунингдек, натурал хўжалик юритишга асосланган феодализмда ҳам пуллик солиқлар устуворлик касб қилиши мумкин эмас эди.

Шуни идрок этиш (тушуниш) энг муҳимки, жамиятнинг товар-пул муносабатларига ўтиши муносабати билан иқтисодий категория сифатида молия умумийлик характериға эга бўлади. Бироқ, ҳатто ана шундай шароитда ҳам давлат эҳтиёжларини қондиришнинг пулсиз характерға эга бўлган методлари сақланиб қолиши мумкин. Бунинг мумтоз мисоли

сифатида ёппасига ҳарбий мажбуриятни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Молиянинг тарихий характерга эга эканлиги ҳар қандай давлат ўз функцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган фондларни шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг тизимини яратади, деган хулосани чиқаришга имкон беради. Бунда фондларни шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг шакллари ва методлари бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Бироқ, фондларни шакллантиришнинг манбалари чекланган ва ҳеч бир давлат ўз эҳтиёжларини қондириш учун даромадларнинг янги манбаларини ихтиро қилиш мумкин эмас. Бу ерда гап ундиришнинг шакллари тўғрисида эмас, балки унинг объектлари тўғрисида кетаяпти. Ана шундай объектлар сифатида ҳар доим мулк ва даромад майдонга чиқади. Ундириш шакллари тўғрисида гапириладиган бўлса, у ҳолда ҳатто антик грек давлатларидаёқ тўғри (бевосита) солиқлар билан биргаликда эгри (билвосита) солиқлар ҳам пайдо бўлган. Тўғри (бевосита) солиқлар ер ва мол эгаларидан олинган. Уруш даврларида эса мулкий солиқ жорий этилган. Эгри (билвосита) солиқлар божхона божлари ва савдога солиқ шаклларида майдонга чиққан.

Рим империясида армияда пулли тўланмалар (ёлланмалар ва офицерлар учун) жорий этилган. Бу ва шунга ўхшаш бошқа эҳтиёжлар (тамошаларни ташкил этиш, ишсиз фуқароларга ёрдам кўрсатиш ва бошқалар) пулли харажатларни талаб этган. Шунинг учун ҳам ҳарбий ўлжалар ва контрибуцияларга қўшимча равишда пулли солиқлар жорий этилган. Қулни сотиш ва сотиб олиш учун тўланадиган солиқ ана шундай солиқларнинг дастлабкисидир. Ноозиқовқат буюмларини сотганлик учун (1% миқдорида) ҳам солиқ ундирилган. Урушлар даврида ҳар бир фуқаро мол-мулкдан ундириладиган фавқулодда солиқни ҳам тўлаган. 5% миқдорида ундириладиган меросдан олинадиган солиқ жорий этилган. Ижтимоий тузум сифатида феодализм ё қулларга эгалик қилиш, ё патриархал тузум асосида ривожланган. Бироқ бу ерга хусусий эгалик ва деҳқонларнинг крепостнойлигига (бириктирилганлигига) асосланган ижтимоий тузумга кескин таъсир кўрсатмаган. Крепостной (бирикти-

рилган) деҳқонлар бўлмаган жойда феодализм ҳам мавжуд бўлмаган.

Ҳар бир мамлакатда марказлаштирилган ҳукуматнинг роли ва унинг функциялари феодалларнинг таъсири остида белгиланган. Феодал ўзи эгалик қиладиган жой чегаралари доирасида ўз солиқларининг тизимини жорий этган. Марказий ҳокимият хўжалик ҳаётига, хусусан, аҳолини солиққа тортиш масалаларини фақат феодал билан мувофиқлаштирилган чегара доирасида аралашуви мумкин эди. Европада феодал бўлинувчанликка биринчи марта салб юришлари орқали келиб чиққан рицарликларнинг кучсизланиши оқибатида барҳам берилган⁸. Алоҳида олинган давлатлар ўртасидаги урушлар бошқаларга нисбатан урушлар туфайли бойиган мамлакатларда қироллик ҳокимиятини мустаҳкамлаган. Ер эгаларини сақлашга сарф қилинган тўланмалардан ташқари деҳқонлар йўллар, қасрлар, қалъалар қуриш ва армияга хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа ишларни ҳам бажаришга мажбур бўлганлар. Ҳунармандлар феодал ва шаҳар ҳокимиятларига солиқларни фақат ўзларининг буюмлари билан эмас, балки пуллари билан ҳам тўлаганлар. Савдогарлар феодалга совғалар ва даромадларидан тўловлардан ташқари транзит ва бошқа божларни тўлаганлар.

Ўрта асрларнинг бошларида ҳар бир ҳукмдор ўз солиқлари ва ўлпонларини жорий этган. Ҳатто давлатнинг ичида ҳам солиқ ва ўлпонларни унификация қилиш тўғрисида гап бўлмаган. Абсолютизмнинг мустаҳкамланиши ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши пулли солиқларга ўтишга сабаб бўлди. Жамиятда товар муносабатлари қанча юқори бўлса, пулли солиқларнинг салмоғи ҳам шунча катта бўла борган. Феодализмнинг ўрта ва сўнгги даврларига хос бўлган ягона умумий белги сифатида сотиб олиш тизимининг мавжудлигини эътироф этиш мумкин. Сотиб олувчилар хазинага келишилган ёки қайд этилган суммани тўлаб,

⁸ Афсуски, Ўрта Осиёдаги вазият баъзи бир объектив ва субъектив сабабларга кўра тегишли мутахассислар томонидан етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги ва мавжуд манбалар устида ишлашнинг жуда мураккаблиги муносабати билан масаланинг бу жиҳатларига ўз Ватанимиз мисолида тўхталиб ўтишга имконимиз йўқ. Дарсликнинг кейинги нашрларида бунга барҳам беришга ҳаракат қиламиз ва уни тегишли ишончли материаллар билан бойитиб, тўлдираамиз.

даромадларнинг катта қисмини ўз ихтиёрларига қолдирганлар. Шунинг учун ҳам сотиб олувчилар, савдогарлар, ҳунармандлар феодал муносабатларни буржуа муносабатларига айлантиришда энг асосий манфаатдорлар шаклида майдонга чиққанлар.

Солиққа тортишнинг сотиб олиш тизими сотиб олувчиларнинг қўлида катта миқдордаги пул ресурсларининг тўпланишга имкон берди. Улар заводлар, фабрикалар ва банкларнинг биринчи мулкдорларига, буржуазиянинг биринчи вакилларига айланганлар. Турли солиқ имтиёзлари ва преференциялари, тўсиқли божхона божлари ва солиқ иммунитетлари капиталнинг жамғарилишига олиб келди. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан жамғарилган капитал эндигина туғилиб келаётган саноат сари йўл олиб, капиталистик муносабатларнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди. Ва ниҳоят, ҳукумат, узлуксиз феодал урушларини олиб бориб, қурол-яроқ, ҳарбий иншоотлар, флотни қуришнинг буюртмачиси сифатида майдонга чиқиб, МДни солиқ тизими орқали қайта тақсимлаб капиталнинг саноатда тўпланишига (жамғарилишига) олиб келди (имкон берди). Капиталнинг жамғарилишига саноатнинг ривожланишини рағбатлантирган, буржуазиянинг мустақамланишига шароит яратиб берган мустамлакаларнинг босиб олиниши ҳам ёрдам берди.

Шаҳарлар ва саноатнинг ривожланиши ишчи кучи оқимини талаб этган. Ишчилар салмоғининг аҳоли умумий сонига нисбатан ортиб бориши жамиятдаги натурал муносабатларни қисқартирди. Буларнинг барчаси капиталистик муносабатларнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди. Буржуазия томонидан ҳокимиятнинг қўлга киритилиши монархиянинг емирилиши ёки унинг ҳокимиятчилик ваколатларидан маҳрум бўлганлигини англатади. Ҳокимият тепасига келиб, буржуазия “солиқ зулми”ни пасайтиришга эмас, балки феодалларга тегишли бўлган имтиёзларга барҳам беришга ва солиқларни меҳнаткашларнинг зиммасига юклашга интилди. Давлатдаги умумий солиқ юки енгиллашмайди. Турлича тарзда таъсир этадиган омилларнинг таъсири остида буржуазия капитални янада

жамғариш ва ўз фойдасини янада ўстириш учун ўзини тегишли имкониятлар билан таъминлади.

Капиталлар ҳаракатидаги миллий чегараларга барҳам берилиши билан банклар, биржалар ва мустамлакчилик урушлари бундай вазиятнинг инструментлари бўлиб қолди. Буржуазия эксплуатация қилишнинг бутун оғирлигини босиб олинган мустамлакалар ишчилари гарданига юклаб, ўз мамлакатлари ишчиларининг ашаддий ҳимоячиларига айланди. Ўз даромадлари учун ишчилар синфининг қарши кураши буржуазия қўлида капиталнинг янада концентрациялашувига (тўпланишига) имкон берувчи янги молиявий институтларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу ерда гап тиббий ва социал суғурта, мол-мулк ва ҳаёт суғуртаси тизимлари тўғрисида кетаяпти. Барча мамлакатларда буржуазия давлат тўғрисида солиқларнинг жуда катта қисмини ўз қўлига қурол-аслаҳага, транспорт қурилишига, уй-жой қурилишига ва ҳ.к.ларга буюртмалар орқали тўплайди (концентрация қилади).

Хусусий-тадбиркорлик принципларига асосланган тизим сифатида капитализмнинг тараққий этиши билан халқаро меҳнат тақсимооти жараёнининг кучайиши ва шу асосда капиталнинг ривожланган мамлакатларда концентрациялашуви кузатилади. На фақат солиқ имтиёзлари ва ҳукумат буюртмалари, балки божлар, имтиёзли кредитлар тизими, норентабелли корхоналар ва бутун тармоқларни сотиб олиш, ноишлаб чиқариш инфратузилмани молиялаштириш ва ҳ.к.лар орқали давлат ҳар доим миллий буржуазиянинг позицияларини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Иқтисодий таназзуллар ва иқтисодиётнинг стагнация даврларида солиқлар, кредитлар ва буюртмалар билан манипуляция қилиш асосида ўзининг тартибга солувчилик (регуляторлик) ролини фаоллаштиради. Бунинг мумтоз мисоли сифатида 1929 йилдаги иқтисодий таназзул пайтида АҚШ ҳукуматининг юргизган сиёсатини кўрсатиш мумкин.

Бугун кундалик турмушга “финансы” (“молия”) атамасини илк бор киритган муаллифни аниқлаш жуда мураккаб. Бу атаманинг биринчи муаллифи сифатида 1577 йилда “Республика хусусида олти китоб” асарини нашр эттирган француз олими Ж.Боденни қолдириш (ҳисоблаш) мумкин.

Ундан сўнг бу атама дунёнинг барча бошқа тилларига кириб борган. Бироқ айрим адабиётларда бу атаманинг лотин тилидан олинганлиги тўғрисида исботланмаган қарашлар ҳам мавжуд. Бу нашрда «финансы» («молия») атамаси давлат ва такрор ишлаб чиқариш муносабатларининг бошқа субъектлари ўртасидаги муносабатлар тизимини ифодалаш учун фойдаланилган. Ҳозирги нуқтаи-назардан бу муносабатларни молияга киритиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки улар пулли характерга эга бўлмаган. Бироқ, натурал муносабатлар устуворлик қилган иқтисодий формациялардаги (тузумлардаги) натурал солиқлар ва шахсий тўланмаларнинг иқтисодий моҳияти товар-пул муносабатлари ривожланган иқтисодий формациялардаги (тузумлардаги) пулли солиқларнинг иқтисодий моҳияти билан бир хилдир.

Молияга бағишланган ишнинг биринчи европалик муаллифи Ксенофонт (эрамиздан аввалги 430-355 йиллар) ҳисобланади. Унинг шу хусусдаги асари “Афина республикасининг даромадлари тўғрисида” деб номланган. Аристотельда (эрамиздан аввалги 384-322 йиллар) молия соҳасидаги қарашлар унинг “Афина давлат тузилмаси” деб номланган асарида баён қилинган. Эрамизнинг 948 йилида солиқлар тўғрисида асар ёзган Қадам исмли араб олимнинг номи ҳам фанда маълум. Молия муаммолари билан шуғулланган европалик олимларнинг узоқ рўйхатини Ф.Аквинский (1225-1274 йиллар) бошлаб беради. У илк марта қиролнинг солиқларни ундириш борасидаги ҳуқуқини асослашга уринган.

Молия бўйича ишларнинг биринчи муаллифлари қаторига Ф.Петрарка, Д.Караф, Бернардо, Ф.Гвиччардини, Дж.Ботеро, Н.Макиавели ва бошқа италияликларни киритиш мумкин.

XVII асрда молия назариясининг ривжланишига инглиз иқтисодчилари катта ҳисса қўшган. Уларнинг орасидан Т.Мен, Дж.Локк, Т.Гоббс, П.Гаутонларни алоҳида ажратиб кўрсатиш керак.

Л. фон Секендорф, С.Пуфендорф, И.Юсти ва И.Зонненфельс каби немис олимлари XVII-XVIII асрларда молия фанини бойитишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Улар адабиётларда камералистиканинг немис

мактаби вакиллари сифатида киритилган. И.Юсти 1746 йилда нашр этилган “Молия моҳиятининг тизими” асарида молия тўғрисидаги камералистик мактаб вакилларининг қарашларини умумлаштирди. Бу асрда биринчи марта молия фани ва молиявий сиёсат ажратилиб кўрсатилган (чегараланган).

Физиократларнинг ўтмишдошлари ҳам иқтисодиётни ўрганганлар. Уларнинг асарларида молиянинг турли йўналишлари (аспектлари) таҳлил ва тадқиқ қилинган. Бундай муаллифлар қаторига Т.Гоббс, Дж.Локк, Д.Юм, В.Петти, Г.Баугильбер, С.Вобан, Дж.Стюартларни кўрсатиш мумкин. Айнан В.Петти (1623-1687 йиллар) ўзининг “Солиқлар ва йиғимлар хусусида трактатлар” асари билан буржуа сиёсий иқтисодининг илк намояндаси (бошловчиси) ҳисобланади.

Мумтоз сиёсий иқтисоднинг вужудга келиши (туғилиши) ва ривожланиши XVIII асрга тўғри келади. Бу мактабнинг вакиллари молияни сиёсий иқтисоддан ажратмаганлар ва уни мустақил фан сифатида эътироф этмаганлар. Бу мактаб муаллифлари (французлар – А.Тюрго, Ф.Кенэ ва В.Мирабо, инглизлар – А.Смит ва Д.Рикардо) ишларининг даражаси, ҳажми ва услуби хилма-хил бўлишига қарамасдан мумтоз мактаб вакилларининг молия тўғрисидаги таълимотларини қуйидаги тўртта асосий йўналишга келтириш мумкин:

- давлат керак, чунки у “табиий тартиб”ни ҳасаддан ва тажовузлардан ҳимоялайди;
- давлатни сақлаш (ушлаб туриш) арзон бўлмоғи лозим, чунки давлатнинг бошқарув харажатлари ноишлаб чиқариш характерида эга;
- давлат “табиий тартиб”ни, яъни мулкчилик ва рақобат ҳуқуқини, буза олмайди, чекловчи божхона божлари ва монополияларни ўрнатиш йўли билан ҳам мамлакатнинг хўжалик ҳаётига аралашмаслиги керак;
- давлат солиққа тортишнинг қуйидаги асосий принцип-ларига қатъий риоя этмоғи лозим:
 - ўз даромадларига мувофиқ равишда барча солиқ тўлаши керак (бу қоида руҳонийлар ва асозодаларнинг солиқ иммунитетига қарши йўналтирилган);
 - солиқни олдиндан аниқ белгилаш (аниқлаш) зарур;
 - солиқни солиқ тўловчи учун қулай бўлган вақтда ундириш лозим;

- солиқларнинг ундирилиши (олиниши) арзон бўлиши керак.

Капиталистик тизимнинг феодализм устидан ғалабаси янги ишлаб чиқариш муносабатларини у ёки бу даражада ҳимоя қилувчи иқтисодий мактаблар ва қарашларнинг вужудга келишига олиб келди. Шўролар тарихнавислигида бу иқтисодий мактабнинг вакиллари вульгар иқтисодчилар гуруҳига бирлаштирилган эди. Чунки улар, асосан, давлат даромадларини шакллантириш масалаларига асосий эътиборни қаратиб, унинг харажатларини таҳлил этиш буржуа ҳукуматлари тўғрисида салбий тасаввур ҳосил қилиши мумкинлиги тўғри деб ҳисоблаган эдилар. Бу мактабнинг етакчи намояндаларидан бири “Сиёсий иқтисод асослари” деб номланган ўз асарини 1848 йилда чоп этган Дж.Миль ҳисобланади. XIX асрнинг охирларидаги молиячи-олимлар қаторига 1877 йилда молия фани курсини нашр этган француз П.Ле-руа-Больени ва 1892 йилда “Давлат молияси” китобини ёзган инглиз К.Бастблни киритиш мумкин. XIX асрда молия назариясининг ривожланишига катта ҳисса қўшиб, 1826-1832 йилларда учинчи қисми тўлиқ молияга бағишланган сиёсий иқтисод курсини нашр эттирган К.Раудир. Унинг “Молия фанининг асосий бошланиши” деб номланган асари 1867 йилда рус тилида нашр этилган ва Россияда молия фанининг ривожланишига ўзининг кескин таъсирини кўрсатган.

XIX асрнинг биринчи 1/3ида нашр этилган немис олимларидан Соден (1811 йил), Якоб (1821 йил), Мальхус (1830 йил) ва Шенларнинг (1832 йил) молия тўғрисидаги асарлари алоҳида машҳурликка эга бўлмаган бўлса-да, лекин бу ишлар “молия” тушунчасининг таркибига биринчи марта маҳаллий молияни киритган Л.фон Штейн ва молия фанининг мумтози А.Вагнерлар (унинг “Молия тўғрисидаги фан” асари 1880 йилда нашр этилган) дунёқарашларининг шаклланишида катта роль ўйнади. XIX аср охирларининг етакчи молиячи-олимлари қаторига австриялик Э.Саксни, италиялик Ф.Ниттини, АҚШлик Э.Селигманни ва ниҳоят, “Молия фани асослари” деб номланган асари 1869 йилда (1900 йилда – рус тилида) нашрдан чиққан италиялик олим Л.Коссни киритиш мумкин. XX аср молиячиларининг қарашлари махсус адабиётларда етарли даражада баён қилинган. Биз учун эса,

баъзи бир объектив ва субъектив сабабларга кўра, рус иқтисодий (молиявий) адабиётида “молия” тушунчасининг генезисини (тараққий этишини) кўриб чиқиш ҳам маълум бир аҳамиятга эгадир.

Молия соҳасидаги баённинг биринчи рус муаллифи Иван Грозный даврида яшаган И.С.Пересветов ҳисобланади. У давлатнинг ҳарбий қудратини кучайтириш мақсадида хазина даромадларини кўпайтириш ва давлат ресурсларини марказлаштиришнинг тарафдори бўлган.

XVII асрдан бизгача Ю.Крижанич ва Г.Котошихинларнинг молия хусусидаги асарлари ҳам етиб келган. Ю.Крижанич ўз асарларида европалик муаллифларнинг иқтисод ва молияга оид қарашлари ва мулоҳазаларидан кенг фойдаланади, уларни Россиянинг эҳтиёжларига “боғлайди”. У давлатнинг бойиши усулларига (масалаларига) жиддий эътибор қаратиб, уларни икки гуруҳга – бойишнинг “тўғри” ва “нотўғри” усулларига бўлади ва бу нарсаларнинг дунёда аллақачан маълум эканлиги ва уларнинг янгиларини ўйлаб топмаслик керак деб ҳисоблайди.

Г.Котошихиннинг 1664 йилда ёзилган ва “Алексей Михайлович подшоҳлигидаги Россия тўғрисида” деб номланган асари орадан икки юз йил ўтгандан сўнг маълум бўлган. Унда XVII асрнинг ўрталаридаги Россияга тегишли бўлган катта маълумотлар келтирилган.

XVIII асрнинг бошларида молия назариётчиларининг йирик вакили И.Посошков ҳисобланади. Унинг молия соҳасидаги таклифини қуйидагича ифодалаш мумкин: боқимандани ундираётган пайтда унинг тўловчисини хонавайрон қилмасдан, тўловчидан тўловни амалга ошириш муддатлари хусусида ёзма равишда мажбуриятни олмоқ лозим.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида молия назариясига оид бир неча асарлар пайдо бўлди. Уларнинг орасида яққол кўзга ташлангани А.Поленовнинг “Россия деҳқонларининг крепостнойлик ҳолати хусусида” деб номланган асаридир. Бу асарда Россияда биринчи бўлиб “солиқ” атамаси ишлатилган, мулкый суғуртанинг зарур эканлиги исботланган, Россиянинг амалдаги солиқ тизими танқидий нуқтаи-назардан таҳлил қилинган.

А.Нарышкин 1767 йилда эълон қилинган ва “Иқтисод” деб номланган мақоласида солиқларга оид бир неча қизиқарли мулоҳазаларни олдинга суради, солиқлар ва давлат ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилади.

Россияда “молия” атамасининг пайдо бўлиши XVIII асрга бориб тақалади. Бу атама рус тилига француз тилидан кириб келган бўлиб, қарийб ярим аср мобайнида “хазина” атамаси билан ёнма-ён ишлатилган. Биринчи марта Россия адабиётида “молия” илмий тушунчаси 1767 йилда Москва университети томонидан нашр этилган “Энциклопедиядан таржималар” китобининг сўзбошисида ишлатилган. Бу ерда “молия” тушунчаси “давлат даромадларига тегишли бўлган иш” деб талқил қилинган. Уни илмий муомаллага биринчи марта Москва университетининг ҳуқуқ бўйича профессори С.Десницкий киритган. 1802 йилда Молия вазирлигининг ташкил этилиши билан бу атама илмий муомалаларда мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади. Бироқ 1835 йилга қадар, яъни рус университетларида “Молиявий ҳуқуқ” курси пайдо бўлганча қадар молия мустақил фан сифатида эмас, балки сиёсий иқтисоднинг таркибий қисми сифатида қаралган. Амалиётда эса, кўпроқ “хазина” атамаси ишлатилган.

А.Радищев ўзининг “Жон йиғими хусусида” деб номланган асарида биринчи марта солиқларнинг моҳиятини, иқтисодий табиатини, турларини тадқиқ этган.

Молия тўғрисидаги биринчи рус монографияси 1810-1811 йилларда Н.Тургенев томонидан ёзилган.

Молия соҳасидаги ўзига хос асарларга граф Сперанскийнинг молиявий режасини, молия назарияси бўйича биринчи русча бўлган И.Горловнинг дарслигини, Ю.Гагемайстер, В.Кури, Д.Толстойларнинг молиянинг ривожланиш тарихига бағишланган тадқиқотларини, М.Орловнинг давлат кредити тўғрисидаги ишларини киритиш мумкин.

XIX асрнинг иккинчи ярмида эълон қилинган ва молиянинг назарий масалаларига бағишланган асарлар орасида И.Шильнинг монографияси алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг фикрича, молия назарияси давлат хазинаси ғоясига бўйсундирилган.

Рус фанида Ф.Мильгаузен биринчи марта молия ва молия фанини чегаралаб берган. У биринчилардан бўлиб, молиянинг пулли табиатидан воз кечган.

Молиянинг моҳиятини идрок этишда Д.Львов ўзининг ўтмишдошларидан анча олдинга кетган ва у молия дейилганда ресурслар ва бойликларни эмас, балки маълум бир ижтимоий муносабатларни тушунган.

XIX асрнинг охирларида В.Лебедев, И.Янжул, Л.Ходский, С.Витте ва И.Озеровлар асарлари молия назариясини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Капитализм илк давридаги Россиянинг молия фани академик И.Янжулнинг асарларида ўз ифодасини топган. Унинг фикрича, молия фанининг предмети давлатнинг моддий эҳтиёжларини энг яхши қондириш усулларини тадқиқ этиш ҳисобланади.

Россия молия фанининг оёққа туришида проф. И.Озеровнинг хизматлари ҳам катта. У молияга нисбатан янгича ёндошувни асослаб берган. Унинг назарида молия восита ёки ресурс эмас, балки муносабатлардир.

Проф. Л.Ходский молия фанининг чегараларини бироз кенгайтиради ва унинг таркибига пул муомаласи масалаларини ҳам киритади.

1882-1885 йилларда ўзининг “Молиявий ҳуқуқ” асарини нашр эттирган Санкт-Петербург университетининг профессори В.Лебедев ҳам молия назариясини ривожлантиришга муносиб хизмат кўрсатган. У молиянинг таркибига фақат пул даромадларини киритибгина қолмасдан, натурал солиқларни ҳам киритади, давлат харажатларини эса, унинг таркибидан чиқаради.

XX асрнинг бошларида молияга оид М.Боголепов, В.Твердохлебов, А.Буковецкий ва П.Гензелларнинг асарлари пайдо бўлади.

Шўролар даврида молия фанининг тараққий этишида этишида В.Дьяченко, А.Александров, А.Бирман, Э.Вознесенский, В.Чантладзе, Б.Болдырев, В.Родионова, П.Никольскийлар ўзига хос тарзда ёндошганлар. Уларнинг асарлари ҳозирги кунда ўз талабига эга бўлмаса-да, бизнинг фикримизча, кейинги йиллар тадқиқотчилари учун улар қизиқарли предмет бўлиши, шубҳасиз.

Молия генезисида (тараққиётида) ва унинг назарий масалаларини тадқиқ этишда ўзбекистонлик молиячи олимларнинг залвори, баъзи бир объектив ва субъектив сабабларга кўра, юқори бўлмаса-да, шундай бўлишига қарамасдан бу борада проф.Ҳ.Р.Собиров, доц.Х.М.Муратов, доц.Ҳ.Ҳ.Мухамедназаров, проф.Қ.А.Яҳъеев, проф.О.О.Олимжонов, проф.Т.С.Маликов, проф.Н.Ҳ.Ҳайдаров, проф.О.К.Иминов, проф.А.С.Жўраев, проф. М.И.Альмардонов, проф. Н.Х.Жумаев, проф. Н.Р.Қўзиева ва бошқаларнинг қарашлари ҳам ўз ўрнига эга.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- “Молия” сўзи, энг аввало, қандай маъноларни англатади?
- Молиянинг вужудга келиш шарт-шароитлари нималардан иборат?
- Молия ва молиявий муносабатларнинг моҳияти ҳақидаги тасаввурлар вақт ўтиши билан ўз кўринишини қандай ўзгартириб борган?
- Молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, тараққиёт қонуниятлари, товар-пул муносабатларининг қамраб олиш соҳаси ва ижтимоий такрор ишлаб чиқаришдаги роли нималар билан белгиланади?
- Тарихий категория сифатида молиянинг вужудга келиши нималарга боғлиқ?
- Молия деб нимага айтилади?
- Молиявий муносабатларнинг фарқланувчи характерли белгилари нималардан иборат?
- Молиянинг характерли белгиларига нималар киради?
- Молия кимлар (нималар) ўртасида вужудга келадиган пул муносабатларини ифодалайди?
- Ўзининг моддий мазмунига кўра молия нималарни ифода этади?
- Молиявий муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти қандай саволнинг тадқиқ қилиниши орқали намоён бўлади?

- Тақсимлаш жараёнларида молиядан ташқари яна қандай иқтисодий категориялар иштирок этади?
- Молиянинг баҳо, иш ҳақи, кредит ва бошқа иқтисодий категориялар билан ўзаро боғлиқлиги ва фарқли жиҳатлари нималардан иборат?
- Молиянинг моҳияти нималар орқали намоён бўлади?
- Молия қандай функцияларни бажаради?
- Энг аввало, молиянинг тақсимлаш функцияси қаерда намоён бўлади?
- Асосий даромадлар МДни моддий ишлаб чиқариш иштирокчилари ўртасида тақсимлаш жараёнида қандай гуруҳларга бўлинади?
- Қандай қайта тақсимлашлар натижасида иккиламчи ёки “келиб чиқувчи” даромадлар ташкил топади?
- Молия ёрдамида амалга ошириладиган ЯИМ ва МДни тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг пировард мақсади нималардан иборат?
- Молиянинг тақсимлаш функцияси нималарни амалга оширишга имконият ва шарт-шароитлар яратиб беради?
- Молия назорат функциясининг асосини нима ташкил этади?
- Молия назорат функциясининг энг муҳим вазифалари нималардан иборат?
- Бозор муносабатларига ўтиш шароитида молиянинг назорат функцияси нималарга йўналтирилади?
- Молиянинг назорат функцияси амалиётда қандай органларнинг фаолиятлари орқали намоён бўлади?
- Молиянинг функциялари нима орқали амалга оширилади?
- Такрор ишлаб чиқариш жараёни ўз ичига қандай босқичларни олади?
- Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир иштирокчиси ўзига тегишли бўлган даромадни қандай қисмларга бўлади?
- Жами ижтимоий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулотнинг бир-биридан фарқлари, уларнинг афзаллик ва камчилик томонлари нималардан иборат?

- Жами ижтимоий маҳсулотнинг умумий тақсимланиш тартиби қандай?
- Жами ижтимоий маҳсулот қандай икки асосий қисмдан иборат?
- Нега ҳукуматлари солиқлар орқали шахсий даромадларни чегаралаб (чеклаб) қўйган мамлакатларда иқтисодиёт ўсиш базасига (асосига) эга эмас деб қабул қилинган?
- Истеъмол фондининг таркибий қисмларига нималар киради?
- Ижтимоий истеъмол фондларининг асосий қисми нима орқали амалга оширилади?
- Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичида молия қандай шаклда ва тартибда иштирок этади?
- Тақсимлаш жараёнига давлат аралашувининг баланслаштирилган чегаралари бузилса, бутун такрор ишлаб чиқариш жараёни бузиладими (издан чиқадими)? Нега?
- Турли ижтимоий-иқтисодий формацияларда (тузумларда) молиянинг фарқланиши қандай сабаблар билан белгиланади?
- Жамият ҳаётида молия ролининг ошиб боришини нималар белгилаб беради?
- Нима муносабати билан молия умумийлик характериға эга бўлади?
- Қулдорлик, феодал ва капиталистик ижтимоий-иқтисодий формацияларда (тузумларда) молиянинг генезиси (тараққиёти) қандай ўзига хос хусусиятлар билан белгиланади?
- Кундалик турмушга “финансы” (“молия”) атамасини илк бор киритган муаллиф ким?
- Молия бўйича ишларнинг биринчи муаллифлари қаторига кимларни киритиш мумкин?
- ХУП-ХУШ асрларда молия фанини бойитишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган немис олимлари кимлар?
- Мумтоз мактаб вакилларининг молия тўғрисидаги таълимотларини қандай тўртта асосий йўналишга келтирса бўлади?

- XIX аср охирларининг етакчи молиячи-олимлари қаторига кимларни киритиш мумкин?
- Молия соҳасидаги баённинг биринчи рус муаллифи ким ва у нималарнинг тарафдори бўлган?
- Ю.Крижанич ва Г.Котошихинларнинг молия хусусидаги қарашлари нималардан иборат?
- ХУШ асрнинг бошларида молия назарийчиларининг йирик вакили ким ҳисобланади ва унинг молия соҳасидаги таклифини қандай ифодалаш мумкин?
- Россияда биринчи бўлиб кимнинг асарида “солиқ” атамаси ишлатилган?
- Молия тўғрисидаги биринчи рус монографияси ким томондан ва қачон ёзилган?
- XIX асрнинг охирларида ўз асарлари молия назариясини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган рус олимлари кимлар эди? Уларнинг қандай асарларини биласиз?
- Кимнинг назарида молия восита ёки ресурс эмас, балки муносабатлардир?
- XX асрнинг бошларида молияга оид кимларнинг асарлари пайдо бўлди?
- Шўролар даврида молия фанининг тараққий этишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган қандай иқтисодчи олимларни биласиз?
- Молия генезисида (тараққиётида) ва унинг назарий масалаларини тадқиқ этишда ўзбекистонлик молиячи олимларнинг залвори қандай объектив ва субъектив сабабларга кўра юқори бўлмаган? Улардан кимларни биласиз?

2-боб. Молиявий сиёсат

2.1. Молиявий сиёсатнинг мазмуни ва тамойиллари

Молиявий бошқарувнинг барча тизими давлатнинг молиявий сиёсатига асосланади. Шунинг учун ҳам молиявий сиёсат молиявий бошқарув тизимида энг асосий элемент ҳисобланади. Молиявий сиёсат давлатнинг молиявий муносабатлар соҳасидаги мустақил фаолиятдир. Бу фаолият давлатнинг у ёки бу иқтисодий ва социал ривожланиш дастурини амалга ошириш учун тегишли молиявий ресурслар билан таъминлашга қаратилган.

Социал ривожланиш дейилганда фақатгина маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа социал эҳтиёжларнинг ривожланиши тушунилибгина қолмасдан жамиятнинг социал тузилмаси ҳам тушунилади. Шунинг учун ҳам молиявий сиёсатни фақат иқтисодий сиёсатга боғлаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас.

Сиёсат давлат фаолиятининг барча йўналишларини камраб олади. Сиёсий таъсир объекти ҳисобланган ижтимоий муносабатлар соҳаларига боғлиқ равишда иқтисодий ёки социал, маданий ёки техникавий, бюджет ёки кредит, ички ёки ташқи сиёсат тўғрисида гапирилади.

Молиявий сиёсат ўз-ўзини босиб турувчи мустақил аҳамиятга эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида ижтимоий фаолиятнинг ҳар қандай соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Бу ерда унинг иқтисодиёт, социал соҳа, ҳарбий ислоҳотлар ёки халқаро муносабатлар бўлиши принципиал аҳамиятга эга эмас.

Сиёсат, сиёсий таъсир ва сиёсий раҳбарлик қуйидаги уч элементлардан таркиб топади:

- бош мақсадни аниқлаш ва қўйиш ҳамда жамият ҳаётининг маълум бир даврига хос қўйилган мақсадларга эришиш учун ечилиши зарур бўлган истиқболдаги ва яқин кунлардаги вазифаларни конкретлаштириш;
- ёрдамида қўйилган мақсадларга қисқа муддатларда эришиладиган, яқин кунлардаги ва истиқболдаги вазифалар

эса оқилона тартибда ҳал қилинадиган муносабатларнинг методлари, воситалари ва конкрет шакллари ишлаб чиқиш;

- қўйилган вазифаларни ечишга қодир бўлган кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг бажарилишини ташкил қилиш.

Демак, такрор ишлаб чиқаришнинг алоҳида эҳтиёжларини қондириш ва узлуксиз такрор ишлаб чиқариш жараёнини молиявий ресурслар билан таъминлаш учун ижтимоий бойликни шакллантириш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнларига йўналтириладиган мақсад ва вазифаларнинг ечилишини аниқлашга молиявий сиёсат дейилади.

Молиявий сиёсатга қуйидагича бошқа таъриф ҳам бериш мумкин: молиядан фойдаланишнинг методлари, уни ташкил қилишнинг амалий шакллари ва методологик принципларининг мажмуига (йиғиндисига) молиявий сиёсат дейилади.

Айрим ҳолларда молиявий сиёсат давлатнинг ўз функцияларини бажариши учун молиявий муносабатлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган давлат органларининг маълум бир фаолияти сифатида талқин қилинади. Бундай талқин ўзида бир неча хавфни мужассам этади. Бунинг боиси шундаки, миллий хўжалик тараққиётида давлатнинг роли тўғрисидаги жамиятда ҳукмрон бўлган тасаввурларга мувофиқ равишда давлатнинг вазифалари ва функциялари ҳам ўзгаради, трансформацияланади. Масалан, мамлакат иқтисодиётига давлатнинг аралашуви, аҳоли турмуш даражаси социал-иқтисодий шароитларини тенглаштириш ва шунга ўхшаш давлатнинг функциялари ва вазифаларини аниқлайдиган бошқа бир қанча масалалар ҳамон мунозаралигича қолмоқда. Бунинг устига, молиявий сиёсатдан фақат давлатнинг функцияларини бажариш воситаси (инструменти) сифатида фойдаланиш давлат ҳокимият органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари билан молия тизимининг бошқа субъектлари, яъни айнан мамлакатнинг аҳолиси ва хўжалик юритувчи субъектлари манфаатлари ўртасида қарама-қаршиликларни келтириб чиқади.

Масалан, кўплаб мутахассислар, шу жумладан, давлат ҳокимият органларининг вакиллари томонидан амалдаги

солиқ механизмининг носамарали эканлиги, бизнеснинг айрим соҳалари учун эса унинг оқибати жуда ёмон натижаларга олиб келиши мумкинлиги илмий ва амалий жиҳатдан асосланса-ю, молиявий сиёсат узоқ вақт давомида ўзгармасдан қолаверса, амалга ошириладиган солиқ ислохотлари унинг моҳиятини ўзгартирмаса, бундай ҳолда давлатнинг молиявий сиёсати давлат ҳокимиятининг тегишли органлари томонидан фаол равишда ҳаётга тадбиқ этилаётган алоҳида шахслар гуруҳининг молиявий сиёсатига айланади, қолади.

Юқорида баён қилинганлардан қуйидаги уч мантиқий хулоса келиб чиқади:

- биринчидан, молиявий сиёсат фақат ўз манфаатларини кўзда тутадиган ҳокимият органларининг у ёки бу мақсадларга эришишининг инструменти эмас, балки жамиятнинг социал-иқтисодий вазифаларини ечиш воситаси бўлиши керак;

- иккинчидан, давлатнинг молиявий сиёсати фақат давлат ҳокимият органларининг эмас, балки молия тизими барча субъектларининг манфаатларини ҳисобга олиши лозим;

- учинчидан, давлат молиявий сиёсати ва давлат ҳокимият органларининг молиявий сиёсатини фарқлаш зарур.

Шундай қилиб, давлат молиявий сиёсатини мамлакат молия тизимининг барча бўғинларида молиявий ресурсларнинг ўсишини баланслаштирилган (мутаносиблаштирилган) ҳолда таъминлаш бўйича давлат социал-иқтисодий сиёсатининг бир қисми сифатида қараш керак. Хорижий тажрибаларнинг кўрсатишича, молиявий ресурсларнинг баланслаштирилган (мутаносиблаштирилган) ҳолда ўсишининг зарурлигини инкор этиш мамлакат молия тизимининг ўзини деградациялашувига, иқтисодиётнинг емирилиши ва вайрон бўлишига олиб келади.

Молиявий сиёсатнинг ўзига хос бўлган энг асосий хусусияти шундан иборатки, бу сиёсат мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишига ва иқтисодий муваффақиятларга узлуксиз равишда таъсир кўрсатиб туришга йўналтирилган бўлиши керак. Бундай сиёсат аҳолининг турмуш фаровонлиги таъминлаб ва давлат даромадларининг манбаини кўпайтириб, молиявий хўжаликка

нисбатан энг юқори натижаларни бериши мумкин. Молиявий сиёсатнинг ана шунга йўналтирилганлиги орқали унинг қуйидаги энг асосий мақсадини аниқлаш мумкин: жамиятнинг социал-иқтисодий тараққиёти, аҳоли турмушининг даражаси ва сифатини ошириш учун молиявий шароитларни яратиш молиявий сиёсатнинг энг асосий мақсадидир.

Агар гап корхоналарнинг молиявий сиёсати хусусида кетадиган бўлса, бу нарса корхона молиявий менежерларининг бизнесни юритиш мақсадларига эришиш борасидаги мақсадга йўналтирилган фаолиятини англатади. Корхона молиявий сиёсатининг мақсади қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- рақобат кураши шароитида корхонанинг соғлом ҳаёт кечиришига (фаолият кўрсатишига) эришиш;
- йирик молиявий муваффақиятсизликлардан ва банкротга (касадга) учрашдан қочиб қутилиш;
- рақобатчилар билан курашда етакчиликка (лидер бўлишга) эришиш;
- корхонанинг бозор қийматини максималлаштириш;
- корхона иқтисодий салоҳиятининг ўсиш суръатларини барқарор ўстириш;
- ишлаб чиқариш ва реализация ҳажмини ошириш;
- фойдани максималлаштириш;
- харажатларни минималлаштириш;
- рентабелли фаолиятни таъминлаш
- ва бошқалар.

Корхона молиявий сиёсатининг у ёки бу мақсадларидаги устуворлик, энг аввало, бизнесни юритишнинг мақсадларига мувофиқ равишда аниқланади. Қўйилган мақсадларга эришиш учун тегишли молиявий механизмдан фойдаланилади.

Молиявий сиёсат молиянинг ўзида (бошқарув объектларида) бевосита мужассам бўлган бошқарувнинг салоҳиятли имкониятларини, ишнинг конкрет методлари, молия тизимининг (бошқарув субъектлари) органларини ташкил қилиш билан ягона жойга боғлашга имкон беради. Дунёнинг барча мамлакатларида молиявий сиёсат молия тизими орқали амалга оширилиб, унинг фаолияти қуйидаги принциплар асосида қурилади:

- молия тизими бўғинларининг ўзига хос бўлган хусусиятларини инобатга олиб молиявий бошқарувни амалга ошириш;

- барча молиявий муассасалар функцияларининг умумийлиги;

- барча қуйи бошқарув органларининг фаол иштирокида марказдан умумий бошқариш.

Молиявий сиёсатни амалга оширишнинг (ўтказишнинг, ҳаётга татбиқ этишнинг) асосий методологик принциплари қуйидагилардан иборат:

- пировард мақсадга боғлиқлик;
- ҳўжалик барча тармоқларининг макроиқтисодий баланслаштирилганлиги (мувозанатлилиги, мутаносиблилиги);
- жамият барча аъзоларининг манфатларига мувофиқлилиги (мос келиши);
- реал (ҳақиқий) имкониятлар асосида ички ва ташқи иқтисодий шароитларни ҳисобга олиш.

Молиявий сиёсатнинг амалга оширилишини давлат томонидан ўз функциялари ва дастурларини (узоқ, ўрта ва қисқа муддатли) бажариш учун молиявий ресурсларни мобилизация қилиш (жалб қилиш), уларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашга йўналтирилган давлат тадбирларининг мажмуи таъминлайди. Бу тадбирларнинг орасида молиявий муносабатларнинг шакллари ва нормаларини ҳуқуқий регламентация қилиш (тартибга солиш) муҳим ўрин эгаллайди.

Ўз-ўзидан молиявий сиёсат яхши ёки ёмон бўлиши мумкин эмас. Унинг яхши ёки ёмон эканлиги жамиятнинг (ёки унинг маълум бир қисмининг) манфаатларига қанчалик мувофиқлилиги ва қуйилган мақсадларга эришиш ҳамда аниқ вазифаларнинг ечилишига қанчалик таъсир кўрсатганлиги билан белгиланади.

Ҳукуматнинг молиявий сиёсатига баҳо бериш учун ва уни ўзгартириш (корректировка қилиш) бўйича рекомандация (тавсия) бериш учун, биринчи навбатда, бутун жамият манфаатлари ва аҳолининг алоҳида гуруҳлари манфаатларини ажратган (тақсимлаган) ҳолда жамият тараққиётининг аниқ дастурига, ечилиши лозим бўлган масалаларнинг муддатлари ва методларини аниқлаган ҳолда

истиқболдаги ва яқин йиллардаги вазифаларнинг тавсифига эга бўлмоқ лозим. Фақат ана шундай шароитдагина молиявий сиёсатни амалга оширишнинг конкрет механизмини ишлаб чиқиш ва унга объектив (холисона) баҳо бериш мумкин.

Агар молиявий сиёсат ижтимоий тараққиётнинг эҳтиёжларини, жамият бутун қатламларининг ва алоҳида гуруҳларининг манфаатларини, конкрет тарихий шароитни ва ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларини қанчалик кўп (юқори даражада) ҳисобга оладиган бўлса, унинг натижалилиги шунча юқори бўлади.

Бир вақтнинг ўзида, молиявий сиёсатнинг муваффақиятлилиги (муваффақияти) мувофиқлаштириш механизмининг сифатли ишлаб чиқарилишига ва жамият турли қатламлари манфаатларининг амалга оширилишига ҳамда давлатнинг ихтиёрида бўлган объектив имкониятларнинг мавжудлигига, яъни жамият социал тузилмасидаги ҳамда ижтимоий онг ва психология ҳолатидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда молиявий сиёсатнинг амалга оширилишига, айрим ҳолларда, бир-бирига қарама-қарши таъсир кўрсатувчи омилларнинг таъсиридан ҳар томонлама фойдаланиш механизмининг ишлаб чиқилишига бевосита боғлиқ.

Молиявий сиёсат, энг аввало, молиявий ресурсларнинг максимал ҳажмини шакллантиришга йўналтирилган (қаратилган) бўлиши керак. Чунки айнан молиявий ресурслар ҳар қандай ўзгаришларнинг моддий асосини ташкил этади. Шунга мувофиқ равишда молиявий сиёсатни аниқлаш ва уни шакллантириш учун давлатнинг молиявий аҳволи тўғрисида ишончли маълумотлар зарурдир. Ҳуқуқий демократик давлатда молиявий статистиканинг кўрсаткичлари кенг жамоатчиликка ҳам тегишли бўлиши керак. Молиявий ҳисоботлар эса доимий, ўз вақтида бериладиган, ҳамма олиши мумкин бўлган ва энг асосийси ишончли бўлмоғи лозим.

Молиявий сиёсатнинг мазмуни у қамраб олиши мумкин бўлган молиявий муносабатлар ривожланиши йўналишларининг умумий комплекси билан белгиланади. Уларнинг таркибига қуйидагилар кириши мумкин:

- молиявий сиёсатнинг умумий концепциясини (унинг мақсадларини, принципларини, вазифаларини, амалга ошириш босқичларини ва энг самарали методларини) ишлаб чиқиш;

- макродаражада ва бозор иқтисодиётининг субъектлари даражасида иқтисодий ўсишни рағбатлантирадиган бозор иқтисодиётининг ривожланишига мос (адекват) бўлган динамик ҳолдаги молия механизмини шакллантириш;

- марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ресурслар ва молиявий оқимларнинг самарали бошқарилишини ошириш бўйича чоралар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ва иқтисодиётни истиқболли реструктуризация қишлишдаги ролига мувофиқ равишда социал иқтисодий тизимнинг барча даражалари ва соҳалари бўйича молиявий ресурсларни оқилона (оптимал) тақсимлашни ташкил қилиш;

- иқтисодий ўсишнинг жорий ва истиқболдаги молиявий салоҳиятини шакллантириш.

Шунингдек, молиявий сиёсатнинг мазмуни, унинг асосий йўналишлари жамият тараққиётида давлатнинг роли тўғрисидаги фаннинг ривожланиш даражасига ва иқтисодиётни бошқаришда давлат иштирокининг даражасини аниқлайдиган тегишли назарий концепцияларга, молиявий сиёсатни амалга оширишнинг алоҳида инструментларидан фойдаланишда, яъни молиявий муносабатларни ташкил этишнинг конкрет шаклларида намоён бўлади. Шунга асосан таъкидлаш жоизки, йигирманчи юз йилликда жамиятнинг тараққиётида давлатнинг роли тўғрисидаги масала бўйича молия назариясининг асосий йўналишлари мумтоз буржуазия сиёсий иқтисодчилари А.Смит (1723-1780) ва Д.Рикардо (1772-1823) ҳамда инглиз иқтисодчиси Ж.Кейнс (1883-1946) ва уларнинг издошлари томонидан аниқланган.

Мумтоз сиёсий иқтисод асосчилари бўлган А.Смит ва Д.Рикардолар концепцияларининг моҳияти шундан иборатки, давлат иқтисодиётга аралашмасдан эркин конкуренцияни (рақобатни) сақламоғи лозим ва жамият хўжалик ҳаётини тартибга солишда асосий роль бозор механизмларига ажратилиши (берилиши) керак. Ана шу принципларни инобатга олган ҳолда йигирманчи юз йилликнинг 20-йиллари

охирига қадар молиявий сиёсат давлат харажатлари ва солиқларни чеклашга, давлатнинг мувозанатли (баланс-лаштирилган) бюджетини таъминлашга қаратилди. Шу мақсадларга мувофиқ равишда молиявий муносабатларни ташкил этиш, асосан, ҳарбий, бошқарув ва давлат қарзини қайтариш ҳамда унга хизмат қилиш харажатларини бюджетдан молиялаштириш орқали давлат функцияларининг амалга оширилишини таъминлади. Бюджет даромадлари эса, асосан, эгри (билвосита) солиқлар ёрдамида (ҳисобидан) шакллантирилди.

XX асрнинг 20-йиллари охирларидан бошлаб кейнсчилик назарий концепцияси устунлик қила бошлаб, унга кўра иқтисодиёт тараққиётида давлатнинг ролини такрор ишлаб чиқариш жараёнининг циклик ривожланишига аралашиш ва уни тартибга солиш орқали кучайтириш зарурлиги асосланди. Бундай молиявий сиёсатни амалга оширишнинг асосий инструменти сифатида янги иш жойларини яратишга йўналтирилган давлат харажатлари майдонга чиқдики, бу нарса бир вақтнинг ўзида бир неча иқтисодий ва социал вазифаларнинг ечилишига имкон берди: аҳолининг бандлик даражаси ортди ва аксинча, ишсизлик камайди; тадбиркорлик фаолияти ўсди; қўшимча талаб шакллантирилди; МД кўпайди (ортди); социал эҳтиёжларни молиялаштиришда катта имкониятлар пайдо бўлди ва ҳ.к.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви Давлат бюджети харажатларининг ошишига олиб келди ва шунга мувофиқ равишда бир вақтнинг ўзида давлат даромадларининг оширилишини таъминлашга қаратилган молиявий чоралар кўрилди. Даромад солиғи давлат даромадларини оширишнинг асосий манбаига айланди. Уни ҳисоблашда солиққа тортишнинг прогрессив ставкалари қўлланилди. Солиқларнинг бундай тизими МДни тақсимлашда давлатнинг ролини оширишга олиб келди.

Молиявий йўналишда ҳар иккала назарий концепциялар ўртасидаги фарқ моҳиятан бюджет дефицитини турли хилда (равишда, тарзда) баҳоланиши билан белгиланади. Агар биринчи концепция дефицитсиз бюджетни шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг зарурлигидан келиб чиққан бўлса, иккинчи концепция эса бюджет дефицитининг бўлиши

мумкинлигига йўл қўйган ва бунинг устига иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда бюджет дефицитига фаол роль ажратган.

Ҳақиқатдан ҳам XX асрнинг 30-60-йилларида кейнсча молиявий сиёсат деб ном олган сиёсат ғарб мамлакатларида ўзининг самарадорлигини исботлади. Давлат иқтисодиётга аралашувининг кенгайиши ва давлат тартибга солувчи функциясининг кучайиши оқибатида молиявий муносабатларни ташкил қилиш мураккаблашди. Давлат харажатларини дефицитли молиялаштириш сиёсати давлат кредитининг ривожланишини белгилаб берди. Узоқ ва ўрта муддатли қарзларни жалб этиш ссуда капиталлари бозорининг ривожланишига олиб келди ва ўзининг аҳамияти бўйича давлат молиявий ресурсларини шакллантиришнинг иккинчи манбаига айланди. Бунинг натижасида МДни қайта тақсимлашда молиянинг роли янада кучайди.

XX асрнинг 70-йилларида иқтисодий назариянинг неоклассик йўналиши молиявий сиёсатнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини белгилаб берди. Бу концепция давлатнинг тартибга солувчи ролидан воз кечмаса-да, лекин унинг иқтисодиётга ва социал соҳага аралашуви даражасини бироз чеклади. Амалда эса давлатнинг аралашуви камаймади ва аксинча бироз кучайди. Чунки бундай аралашув эндиликда фақат Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари орқали амалга оширилиб қолинмасдан, балки пул муомаласини, валюта курсини, ссуда капиталлари ва қимматли қоғозлар бозорини ҳам тартибга солиш орқали содир этилди. Бунинг натижасида давлатнинг таъсир доираси кенгайди ва капиталлар оқимида унинг роли кучайди. Буларнинг барчаси тараққиётнинг қайта қурилиш тузилмасига ва социал омилларига ўзининг таъсирини кўрсатди.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларнинг молиявий сиёсати замонавий назариялар остида бўлиб, бу назариялар амалда тартибга солиш икки тизимининг конвергенциясидан (қўшилиб кетганлигидан, аралашувидан) иборат. Шунга мувофиқ равишда айрим давлатлар давлат томонидан тартибга солишнинг ҳам кейнсчилик ва ҳам некейнсчилик тизимининг турли-туман элементларидан фойдаланадилар.

Совет давлатида ва социалистик ориентацияда (йўналишда) бўлган барча мамлакатларда молиявий сиёсат

К.Маркс (1818-1881) ва В.И.Лениннинг (1870-1924) назарий концепциялари таъсирида шаклланди. Социалистик давлатнинг моҳияти ва функциялари ҳақидаги марксча-ленинча назария совет давлати молиявий сиёсатининг асосий принципини – молиявий марказлаштиришни – белгилаб берди.

Фақат давлатнинг ихтиёрида молиявий ресурслар катта қисмининг тўпланишинигина (концентрация қилинишинигина) эмас, балки молиявий муносабатларни ташкил этишда давлатнинг монополлигини (якка ҳокимлигини) кўзда тутивчи молиявий марказлаштириш заруриятга айланди. Чунки давлатнинг функциялари шу қадар кенгайтирилдики, уларнинг энг асосийлари хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий функциялар бўлиб қолди.

Совет давлати иқтисодиёт ва социал соҳанинг эҳтиёжларини бюджетдан тўлиқ молиялаштирди. Жамият тараққиётини таъминлашда давлатнинг роли кескин ошди. Чунки иқтисодий ва социал ривожланишнинг давлат режалари ёрдамида у ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларига бевосита раҳбарлик қилди. Бу, албатта, хусусий мулк шаклларининг давлат (умумхалқ) мулкига айланиши билан белгиланади. Шунга мувофиқ равишда давлат МДни қайта тақсимлашнинг солиқ шаклларида ишлаб чиқариш соҳасида тўғридан-тўғри тақсимлашга ва Давлат бюджети орқали қайта тақсимлашга ўтди.

Молиявий марказлаштириш яна шунда намоён бўлдики, давлат бевосита ва монопол равишда баҳоларни шакллантириш, пул муомаласи, ҳисоб-китоблар тизими ва кредит муносабатларини ҳам тартибга солди. Шундай қилиб, бошқарув тизимини барча қиймат элементлари бутун ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариб турувчи ягона маъмурий-буйруқбозлик тизимига амалда бирлаштирилди.

Бунақанги молиявий сиёсат бир ижтимоий муносабатлар тизимидан инсоният тарихи учун мутлақо янги бўлган иккинчи ижтимоий муносабатлар тизимига ўтилишини, совет давлати олдида турган ва фаолиятининг турли босқичларида вужудга келган социал-иқтисодий муамоларнинг ечилишини кафолатлади. Бу молиявий сиёсатни етарли даражада самарали бўлган молиявий сиёсат дейиш мумкин. Чунки чор

Рссиясидан, Фуқаролар урушидан, чет эл ҳарбий интервенциясидан мерос бўлиб қолган фавқулоддаги мураккаб молиявий вазиятга қарамасдан фашистлар Германияси билан уруш арафасида Совет давлати етарли даражада кучли иқтисодий салоҳиятни яратишга муваффақ бўлди, урушда ғалаба қозонди ва қиёсий қисқа муддатларда урушдан вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклади.

П Жаҳон урушидан кейинги йилларда Совет давлатининг молиявий сиёсати ғарб мамлакатлари ва энг аввало, АҚШ билан қуролланиш пойгаси ва космосни ривожлантиришдаги мусобақани (рақобатни) молиявий жиҳатдан таъминлашга қаратилди.

Бир вақтнинг ўзида социалистик лагер мамлакатларига жуда катта миқдордаги молиявий ёрдамлар кўрсатилди:

- уларнинг тараққиётида социалистик ориентацияни (йўналишни) таъминлаш учун;
- социалистик мамлакатларни саноати ривожланган мамлакатларга айлантириш учун;
- кучли ҳарбий иттифоқчиларни шакллантириш ва умуман мудофа қобилиятини мустаҳкамлаш учун.

Бу мақсадларга эришиш учун хом-ашё базасини ва энг аввало, нефт ва газ қазиб чиқаришни юқори тезлаштирилган суръатларда ривожлантириш талаб этилди. Янги қазилма-бойликларини ўзлаштириш (уларнинг географияси шимоли-шарқ томонга қараб кенгая бошлади) жуда катта миқдордаги молия ресурсларнинг бўлишини тақоза этди. Чунки бу нарсалар фақатгина янги ҳудудларни ўзлаштириш, ўша туманларга ишчи кучининг миграциясининг (меҳнатга ҳақ тўлашнинг оширилган нормалари билан биргаликда) зарурлиги билан кузатилмасдан, балки нефт ва газ қувурларини қуриш билан биргаликда давом этди. Халқаро бозорда нефт ва газнинг баҳоси юқори бўлиб турган пайтларда уларни экспорт қилиш харажатларни маълум даражада қоплаган эди. Шундай бўлишига қарамасдан, бундай молиявий сиёсатни амалга ошириш МДни тегишли тарзда қайта тақсимланишини талаб қилди. Бунинг натижасида мамлакатда ҳарбий-саноат комплекси тараққий этган бир томонламали иқтисодиёт яратилди.

Давлат томонидан белгиланган мақсадлар нуқтаи-назаридан урушдан кейинги даврнинг молия сиёсати ва уни амалга ошириш чораларини носамарали деб айтиш унчалик тўғри бўлмайди. Ҳукумат дастурларида аҳоли турмуш даражаси ошганлигининг декларация қилинганлиги, албатта, бу бошқа нарса. Шундай бўлишига қарамасдан аҳолининг турмуш даражаси меҳнатга ҳақ тўлашнинг даражасига ва қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва енгил саноат, фуқаролик қурилиши ва истеъмол предметлари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Агар ҳарбий-саноат комплексида (мамлакат аҳолисининг каттагина қисми шу соҳада банд эди) меҳнатга ҳақ тўлашнинг даражаси қиёсий жиҳатдан юқорироқ бўлишига қарамасдан, ҳатто унга банд бўлган аҳоли ҳам ўзининг истеъмол талабларини қондириш имкониятига эга эмас эди. Шунинг учун ҳам истеъмол бозорининг ривожланишида ортда қолиш урушдан кейинги даврда совет давлати молия сиёсатининг самарадорлигини салбий баҳолашнинг сабабидир.

Молиявий сиёсатни ишлаб чиқишда молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг негизида куйидагиларнинг ётиши принципал аҳамиятга эгадир:

- тақсимлаш муносабатларининг субъектларини танлаш, яъни молиявий ресурсларнинг эгалари ва тақсимловчиларини танлаш;
- юридик шахслар ва аҳолининг ўз эҳтиёжларини қондиришдаги мустақиллик даражаси ва давлатнинг функцияларига боғлиқ равишда давлат ихтиёридаги молиявий ресурсларнинг марказлаштирилиш даражасини аниқлаш;
- биринчи даражали ижтимоий эҳтиёжлар ва уларни қондириш чораларини аниқлаш ва шуларга мос равишда молиявий ресурслардан фойдаланишнинг устувор йўналишларини белгилаш;
- молиявий ресурсларни шакллантиришнинг манбалари ва методларини танлаш.

Молиявий сиёсат кўп ўлчамли(дир) тушунча ҳисобланади. Агар умумий ҳолда унинг соҳаси жамият тараққиётининг алоҳида босқичларида ҳукмронлик қилган назарий концепциялардан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ва

социал соҳаларни бошқаришда давлатнинг иштирок этиш параметрлари билан аниқланса, унинг қиймат муносабатларининг элементлари бўйича дифференциация қилиниши (табақаланиши) молия тизимининг ривожланганлигига ва унинг айрим (алоҳида) бўғинларининг мустақиллигига боғлиқ бўлади.

2.2. Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмлари (йўналишлари)

Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмлари (йўналишлари) қуйидагилардан иборат:

- бюджет сиёсати;
- солиқ сиёсати;
- пул сиёсати;
- кредит сиёсати;
- баҳо сиёсати;
- инвестицион сиёсат;
- социал молиявий сиёсат;
- бож сиёсати.

Ўз навбатида, молиявий сиёсат давлатнинг иқтисодий ва социал сиёсатини амалга оширишнинг воситаси бўлиб ҳисобланади ва шу маънода ёрдамчи ролни ўйнайди. Бир вақтнинг ўзида давлат сиёсатининг бошқа – миллий, геосиёсат, ҳарбий – йўналишлари ҳам мавжудлигини эсдан чиқармаслик керак. Ана шу барча беш йўналишнинг (иқтисодий, социал, миллий, геосиёсат, ҳарбий) йиғиндиси (мажмуи) давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий инструменти сифатида хизмат қиладиган молиявий сиёсатни аниқлаб беради.

Молиявий сиёсат молиявий бошқарувнинг таркибий қисми сифатида бошқарувнинг юқори (олий) органларига тегишлидир. Мамлакатнинг субъектлари даражасида молиявий сиёсат борасида қарорларнинг қабул қилиниш имкониятлари чекланган ва маҳаллий ҳокимият органларининг функциялари унчалик катта эмас. Уларнинг бу функциялари бюджет ва маҳаллий солиқлар билан чегараланади.

Молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) сифатида давлатнинг бюджет сиёсати, энг аввало, ҳар бир мамлакатнинг Конституцияси ва бюджет жараёнида ҳамда қонун ижодкорлигида алоҳида ҳокимият органларининг функцияларини белгиловчи бошқа қонунлар мажмуига мувофиқ аниқланади. Ўзининг ҳажми ва муҳимлиги жиҳатидан энг катта иш бўлишига қарамасдан бюджет сиёсатини фақат бюджет жараёнига тегишли деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмас. Қонун бюджет жараёнида ҳокимиятнинг қонунчилик ва ижроия органлари функцияларини, мамлакат субъектлари функцияларини, бюджет федерализми принципларини, бюджет жараёни субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ва ҳ.к.ларни аниқ белгилаши керак. Бироқ бюджет сиёсати шу билан чекланмайди. Бюджет сиёсати бюджетда концентрация қилинадиган (тўпланадиган) ЯИМ ҳиссасини аниқлашда, мамлакат юқори ва қуйи органларининг ўзаро муносабатларида, бюджет харажатлар қисмининг таркибий тузилишида, турли даражадаги бюджетлар ўртасида харажатларни тақсимлашда, давлат қарзини бошқаришда, бюджет дефицитини қоплаш йўллари аниқлашда ва ҳ.к.ларда ифодаланади.

Демократик давлатда бюджет қонун тарзида тасдиқланадиган ҳужжат ҳисобланади. Унда давлатнинг ўз функцияларини бажариш мақсадида давлат қўлида концентрация қилинган (тўпланган) пул маблағларининг ҳаракати ўз ифодасини топади. Давлат сиёсати аниқлаб берадиган мақсадларга эришиш учун пул ресурсларини йўналтириш бюджет сиёсатининг устуворлигини ташкил этади. Агар мақсадга эришиш миллий иқтисодиёт таъминлайдиган маблағлардан кўп маблағ талаб этса, давлат қўшимча даромадларни шакллантиришнинг қуйидаги фавқулоддаги усулларини қўллашга мажбур бўлади: ички ва ташқи кредитлар, миллий бойликни сотиш, бойлик ва мол-мулкни ижарага бериш ва концессиялар. Бюджетнинг даромадлар қисмини тўлдиришнинг фавқулоддаги чоралари иқтисодий мустақилликнинг йўқолишига олиб келиши мумкин. Буни ҳисобга олган ҳолда ҳокимиятнинг қонунчилик органлари қарз олишнинг чегарасини олдиндан белгилайди.

Солиқ сиёсати молиявий сиёсатнинг энг муҳим қисми (йўналиши) ҳисобланади. Беш юз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида замонавий молия фани солиқларга нисбатан муносабатини аниқ белгилаш имконига эга бўлган. Бу муносабатлар қуйидагилардан ташкил топади:

- солиқларсиз давлатнинг фаолият кўсатиши мумкин эмас;
- солиқли ундириш қатъий ўсиш тенденциясига эга;
- оқилона солиқ оstonасидан ўтилганидан сўнг табиий такрор ишлаб чиқариш жараёни бузилади – иқтисодиётнинг ўз-ўзидан бузилиши (емирилиши) содир бўлади;
- таназзул даврида солиқлар мумкин қадар минимал даражада ўрнатилмоғи лозим. Бунинг натижасида мамлакатнинг иқтисодий механизми ички инвестицион салоҳиятни сафарбар этиш ҳисобидан тикланади;
- солиқнинг юқори оstonаси капиталнинг четга чиқиб кетишига олиб келади;
- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш керак, албатта. Бироқ, суммар ўлчовларда соф даромаднинг 30%дан ортиқ қисмининг ундирилишида мамлакатнинг иқтисодий ўсиши тўхтайдди;
- солиқ имтиёзлари очиқлик характериға эга бўлиши ва барча такрор ишлаб чиқариш субъектлари учун тенг бўлиши керак;
- солиқ тизими конфискацион характерға эга бўлмаслиги лозим. Фақат, жумладан, индивидуал даромадларнинг ўсишида ифодаланган миллий бойликнинг ўсиши солиққа тортиладиган базанинг (асоснинг) барқарор ўсишини таъминлаши мумкин;
- қонунлар ва қоидаларнинг барқарорлигини давлат кафолатлаган иқтисодий тизимда солиқларнинг суммар ўлчови барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлади. Барқарорлик кафолати сифатида давлат ўзининг мажбуриятларини бузишни бошладими, капитал хуфёна иқтисодиётға ёки хорижға ўтишни бошлаб, бюджетнинг даромадлар базасини (асосини) қисқартираверади;
- солиқ тизими оддий, очиқ ва самарали бўлмоғи лозим. Солиқлар сонини, солиққа тортиш объектларини кўпайтириш, кўп босқичли солиқларни жорий этиш солиқларни ундириш бўйича харажатларнинг ортишиға, боқиманда ва

жарималарнинг ўсишига ва пировардида, мулкни қамоққа олиш, солиқ тўловчини касод деб эълон қилиш ва ҳ.к. йўллар орқали иқтисодиётнинг емирилишига олиб келади;

- солиққа тортиш эгри (билвосита) тизимининг устуворлиги бюджет даромадларини шакллантириш нуқтаи-назаридан қулай ҳисобланади. Лекин бу нарса, охир оқибатда, мамлакат аҳолиси асосий қисмининг қашшоқланишига олиб келади. Чунки бундай солиқларнинг юки товарлар ва хизматларнинг якуний (охирги) истеъмолчиси гарданига (зиммасига), яъни яшаш минимуми даражасида ёки социал тирикчилик даражасида даромадга эга бўлган аҳолининг 80-90% қисмига юкланади. Бу парадокс даромадларнинг турли даражаларида истеъмолнинг нисбатан бир хил даражасига асосланган;

- эгри (билвосита) солиқлар тизимининг хавфлилиги шундаки, бу тизимда аҳолининг асосий қисмидан жамғармалар олиб қўйилади ва бу, ўз навбатида, кредит тизими ва иккиламчи молиявий бозор тизимининг асосларини бузади. Эгри (билвосита) солиқлардан воз кечган АҚШ тажрибаси бунга яққол тасдиқдир;

- эгри (билвосита) солиқларни соғлиқ учун зарарли бўлган товарлар, зебу-зийнат буюмлари, айрим ҳолларда импорт қилинадиган товарлар ва хизматлар ва бошқа бир қанча ўзига хос бўлган махсус ҳолатларга нисбатан жорий этиш зарур;

- даромад ва мол-мулкдан олинадиган солиқлар солиқ базасининг асосийси бўлиб ҳисобланиши (хизмат қилиши) керак. Уларни пропорционал солиққа тортиш принципларига асосан қурмоқ лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида шахсий ташаббуссиз ва жамият барча аъзоларининг самарали меҳнатсиз иқтисодиётни тиклаш мураккаблигича қолаверади. Солиқлар бозор иқтисодиётида меҳнатнинг асосий рағбатлантирилишини (мотивация қилинишини) олиб қўяди, яъни меҳнат даромад келтириши лозим. Мамлакат иқтисодиётига солиқ сиёсатининг таъсири бевосита намоён бўлади – юқори солиқ остонаси такрор ишлаб чиқариш жараёнининг инвестицион имкониятларини қисқартиради (торайтиради), жамиятда истеъмол даражаси пасаяди ва бу нарса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ва хизмат

секторларининг ўсиш базаларининг (асосларининг) пасайишига олиб келади.

Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмларидан (йўналишларидан) яна бири пул сиёсатидир. Агар муомаладаги пул миқдори товарлар массаси миқдorigа (пулнинг айланиш тезлигини ҳисобга олган ҳолда) мос келмаса, пул массасининг етмаган қисми қоғоз пуллар (пулларнинг суррогати) ҳисобидан ёки хорижий валюта ҳисобидан тўлдирилади (тикланади). Ва аксинча, агар пул массаси унга бўлган талабдан ортиқ бўлса, ё пул массасининг мамлакатдан четга чиқиши (оқиши) ёки миллий валютанинг қадрсизланиши содир бўлади. Табиий равишда, бу вариантларнинг барчаси мамлакатнинг қонунчилигига ҳам бевосита боғлиқ – мамлакатда хорижий валютанинг муомалада бўлишига рухсат бериладими ёки йўқми, миллий валюта конвертация қилинадими ёки йўқми? ва ҳ.к.

Товарлар массаси чекланганда пул эмиссияси бошқа мамлакатларнинг пул бирлигига нисбатан миллий пул бирлигининг қадрсизланишига олиб келади.

Эмиссия сиёсати ва миллий валютанинг барқарорлиги пул сиёсатининг таркибий қисмларидир (йўналишларидир). Эмиссион сиёсат муомала учун зарур бўлган пулнинг миқдорини аниқлашдан ташқари яна бошқа бир йўналишга эга. Бу йўналиш бюджет даромадларини кўпайтиришдир. Ана шу йўналиш алоҳида эҳтиёткорликни талаб этади. Чунки маълум бир миқдорий чегарадан ўтилганидан сўнг пул тизими инфляцияга мойил (таъсирчан) бўлиб қолади, яъни бюджет даромадларининг реал қадрсизланиши содир бўлиши мумкин. Агар қандайдир бир сабабларга кўра давлат ўз пул тизимини тартибга солишга қодир бўлмаса, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига путур етади. Чунки бундай шароитда мамлакатнинг миллий валютаси бошқа кучли валюталарнинг экспансиясига қарши тураолмайди ва миллий бойликдан маҳрум бўлиб қолиш мумкин (ўзаро ҳисобга олишлар, акцияларни сотиб олиш ва ҳ.к.лар орқали).

Кредит сиёсати ҳам молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) бўлиб, унинг намоён бўлиши мамлакатнинг кредити тизими орқали амалга оширилади. Кредит тизими ссуда капиталининг фаолият кўрсатишини таъминлайди. Ўз

навбатида, ссуда капитали такрор ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланиб, айланма маблағларни тўлдириш ва инвестициялар учун маблағларнинг қарзга олинишини таъминлайди. Иқтисодиётнинг кредит сектори ўртача фойда нормасини тенглаштириш учун ҳам хизмат қилади. Фоиз ставкасининг даражаси жамиятдаги иқтисодий фаолликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. У асоссиз даражада юқори бўлса, қуйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

- кредитларнинг қайтарилмаслиги;
- ишлаб чиқариш сектори ва хизматлар секторида маҳсулотлар нархининг ўсиши;
- қарзга олувчилар рентабеллик даражасининг пасайиши ва бунинг оқибатида солиққа тортиладиган базанинг қисқариши;
- ишлаб чиқаришнинг қисқариши;
- такрор ишлаб чиқариш жараёни субъектлари даромадларининг пасайиши натижасида ички истеъмол бозорининг торайиши.

Аксинча, кредитнинг арзонлашуви ишлаб чиқаришнинг соғломлашувига, товарлар массасининг ортишига, товарлар ва хизматлар баҳосининг пасайишига ва ана шуларнинг натижасида эса, такрор ишлаб чиқариш жараёни субъектлари даромадларининг ошишига, солиққа тортиш базасининг кенгайишига ва бунинг оқибатида бюджет даромадларининг кўпайишига олиб келади.

Молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) сифатида давлатнинг баҳо сиёсати монопол товар ва хизматлар баҳоси ва тарифининг коррективка қилиниши (ўзгартирилиши) орқали ифодаланади. Ер, ости бойликлари, сув ҳавзалари, темир йўллар, электр узатиш тармоқлари, нефт ва газ қувурлари давлатнинг монопол эгалигидадир. Бу тармоқлар товарлари ва хизматлари баҳосининг ўсиши (ортиши) миллий хўжалик барча бошқа секторларида баҳоларнинг ўсишига олиб келади. Бу ерда боғланиш шунчалик аёнки, ҳеч қандай изоҳга ҳожат йўқ. Шунинг учун ҳам баҳо сиёсати иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Инвестиция сиёсати молиявий сиёсатнинг таркибий қисмларидан (йўналишларидан) бири бўлиб, у энг аввало, мамлакат иқтисодиётининг реал секторига ўз ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун шароитларни яратиш бўйича тадбирлар комплексидан иборат. Бу сиёсат давлат бошқаруви ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқаришнинг турли даражаларида амалга оширилади. Инвестицион сиёсатнинг асосий вазифаси мамлакат иқтисодиётига инвесторлар томонидан молиявий ресурсларни киритиш (жойлаштириш), мамлакатдан капиталнинг “қочиб” кетмаслиги ва аксинча, мамлакатга хорижий капиталлар оқимининг кириб келиши учун шароитларни яратиш орқали ифодаланади.

Социал молиявий сиёсат Конституцияга мувофиқ мамлакат аҳолисининг ҳуқуқларини молиявий жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ. Ҳозирги пайтда бу сиёсат, ўз навбатида, пенсия сиёсати, иммиграцион сиёсат, аҳоли айрим социал гуруҳларига молиявий ёрдам кўрсатиш сиёсати ва бошқа сиёсатларни ўз ичига олади.

Бож сиёсатини молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) сифатида қараш билан биргаликда уни солиқ ва баҳо сиёсатларининг ҳам бир қисми сифатида эътиборга олиш керак. Чунки солиқлар ва божлар (бож йиғимлари) товар ва хизматларнинг баҳосига бевосита таъсир кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида бож сиёсати мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос бўлган усулига ҳам эгадир. Усулнинг ўзига хослиги шундаки, бу сиёсат бир томондан, мамлакат ички бозорига импорт қилинаётган товарлар ва хизматларни кенгайтириши ёки чеклаши, иккинчи томондан эса, мамлакатдан товарлар ва хизматлар экспортини рағбатлантириши ёки унга тўсқинлик қилиши мумкин. Масалан, мамлакатда ўхшаши бўлмаган технологик асбоб-ускунани импорт қилишга 20% ли бож йиғими ўрнатилса, бу нарса мамлакатдаги ишлаб чиқарувчиларнинг инвестицион имкониятларини камайтиради, ички ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини пасайтиради, импорт қилинадиган маҳсулотларнинг салмоғини оширади.

Ҳар қандай мамлакатнинг бож сиёсати бумеранг ҳаракатига эгадир. Чунки бож ундиришнинг чекловчи ёки

рағбатлантирувчи ставкаларининг жорий этилиши худди шундай жавоб чораларининг қўлланилиши билан кузатилади. Бож сиёсати йўналишининг танланиши мамлакатнинг иқтисодий аҳволига мос келиши керак. Агар биз бугун озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж товарларининг импорт қилинишига боғлиқ бўлсак, бу бож ставкаларида ўз аксини топмоғи лозим. Аммо бож ставкалари рағбатлантирувчи бўлса, у ҳолда мамлакатдаги товар ишлаб чиқарувчилар хорижий товарлар билан рақобат қила олмай қолади.

Умуман олганда, аксарият ҳолларда мамлакатнинг бож сиёсати божхона божлари ва тўловларини оширишга йўналтирилган бюджет сиёсатига боғлиқ бўлади.

Хуллас, молиявий сиёсат ва унинг таркибий қисмлари (йўналишлари) илмий жиҳатдан асосланган, маълум бир мақсадларга эришишга йўналтирилган, мувофиқлаштирилган, такрор ишлаб чиқариш субъектларининг манфаатларига зид бўлмайдиган бўлиши керак. Унинг муваффақиятли амалга оширилиши давлат ички ва ташқи қарзларининг камайишига, давлатнинг олтин-валюта захираларининг ортишига, инфляцияни жиловлашга, бюджет дефицитининг камайишига, ЯИМ кўпайишига, мамлакат товарлари рақобатбардошлигининг кучайишига олиб келмоғи лозим.

2.3. Ҳозирги босқичдаги молия сиёсати ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Яқин ўтмишда, яъни шўролар даврида мамлакатимиз иқтисодий ва социал тараққиётига, маълум маънода, тўсқинлик қилиб қолган молиявий сиёсат юргизилди. Бунинг устига шу даврлар мобайнида мамлакат тараққиётини таъминлашда фаол молиявий сиёсатнинг ролига етарлича баҳо берилмади. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ва энг аввало, иқтисодий соҳада молиявий муносабатларнинг роли бузиб кўрсатилди. Молия ва молиявий дастакларнинг фаол роли инкор этилиб, молиявий сиёсат талаб этилган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган зарур усулларни ишлаб чиқишга ожизлик қилиб қолди. Ривожланишнинг узоқ даврига мўлжалланган ва илмий жиҳатдан асосланган концепцияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, кам самара

берадиган, қисқа муддатли фойда олишни кўзлаб амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётни қийин аҳволга олиб келди.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, иқтисодий ривожланишда бозор муносабатларига юз тутар экан, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби, молия ва молиявий муносабатларида ҳам чуқур ислохотларни амалга оширишга тўғри келди. Белгиланган стратегик вазифалар давлатнинг тактик чора-тадбирлари асосида бажарила бошланди.

Товарлар ва хизматларнинг мамлакатлараро ҳаракатини тартибга солиб турувчи, миллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган бож сиёсати ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилди. Бу сиёсат ҳозирги кунда мамлакат ички бозорига паст сифатли, инсон саломатлигига путур етказувчи товарларни кириб келишини олдини олиш ва илғор технологиялар, фан-техника ютуқлари натижаларининг мамлакат иқтисодиётига кириб келишини рағбатлантириш йўлидан оғишмай амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда молиявий сиёсатнинг ҳозирги кундаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- давлат бюджетдаги дефицитни йўл қўйилган энг кам даража доирасида (ЯИМнинг 3-4%и атрофида) чеклашга йўналтирилган қаттиқ молиявий сиёсатни амалга ошириш;
- давлат харажатларининг биринчи навбатда иқтисодиётдаги зарур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг ўсишини кўзлаб йўналтиришни таъминлаш;
- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш талабларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, аҳолининг конституция билан кафолатланган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминловчи молиявий базани яратиш, эркин меҳнат ва ишбилармонлик асосида аҳоли турмуш даражасини кўтариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;
- ижтимоий ҳимоянинг адресли бўлишига, молиявий маблағларнинг ижтимоий ёрдамга ҳақиқатда муҳтож аҳоли қатламларига етиб боришини таъминлаш;

- Давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини таъминлаш;

- бюджет интизомига қатъий риоя қилиш;
- солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқларнинг иқтисодиётга рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш мақсадида:

- солиқ тизимининг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсирини ошириш;

- корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш, қўшилган қиймат ва фойда солиғидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш ва шу асосда ишлаб чиқаришни жонлантиришга туртки бериш;

- солиқ тушумлари таркибини тубдан ўзгартириш, ресурслар, мол-мулк солиғининг ролини ошириш, жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш.

- маҳаллий бюджетларни шакллантириш манбалари бўлган республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара ўтказиш;

- Давлат бюджети даромадларини катта қисмини жойларга бериктириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини мустаҳкамлаш;

- солиқ сиёсати белгилаб берган чора-тадбирларни амалиётга тадбиқ этувчи тегишли молия-солиқ механизмининг ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

- ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз молия сиёсати муаммолари қаторига унинг ҳаёт (давр) билан ҳамнафаслигини таъминлаш, унинг давлатимиз ривожланишининг ўзгарган шароитларига тезда мослаша билишини таъминлаш, ўз ечимини кутаётган вазифаларни ҳал этиш учун керакли усулларни ўз вақтида топа билиш, стратегик концептуал ечимларни ишлаб чиқиш, маблағларга қараб яшаш талабига риоя этилишини таъминлаш, фуқаролар ижтимоий талаб-эҳтиёжларини қондиришнинг молиявий базасини (асосини) белгилашда қолдик

ёндашувидан (усулидан) ижтимоий харажатларнинг адреслилигини таъминлашга ўтиш каби тадбирлар киради.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқилган давлат молия сиёсати концепциясининг мақсади иқтисодийни барқарор ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш асосида жамият аъзоларининг турмуш фаровонлиги даражасини таъминлашдан иборат. Молия стратегиясининг ижтимоий йўналтирилганлиги халқ фаровонлигини оширишга юбориладиган молия ресурсларини кўпайтириш имкониятларини қидириб топишда намоён бўлибгина қолмай, балки иқтисодий сиёсатнинг бош мақсадига бутунлай янгича ёндошувда ҳам намоён бўлади ва эндиликда аҳоли турмуш даражаси ва ишлаб чиқаришнинг ўсишини молия ресурслардан самарали фойдаланиш йўналишларини белгилайди.

Ижтимоий ҳимоя, биринчи навбатда, кам таъминланган фуқароларни, шунингдек, бюджет ташкилотлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни ҳам назарда тутди. Ижтимоий ҳимоя, энг аввало, даромадларни индексациялаш воситасида (ёрдамида), яъни, бюджет маблағлари ҳисобига, баъзан эса компенсацияларни истеъмол индексига муфовақ ошириш йўли билан таъминланади.

Жамият ҳаётининг иқтисодий ва ижтимоий соҳасига молиявий таъсир ўтказишнинг асосий услублари бўлиб, солиқ солиш, молия ресурсларидан моҳирона ва оқилона фойдаланиш, молиялаштириш, молия бозори ва бошқалар ҳисобланади. Жамият тараққиёт ҳозирги босқичининг молия сиёсати молия стратегияси талаблари асосида ва юзага келган иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Хўжалик юритишнинг турли-туман шаклларида фойдаланиш жамоат талаб-эҳтиёжларини яхшироқ қондириш, ресурсларни тежаш, маҳсулот ассортиментини ва техника базасини янгилаш, меҳнат жамоаларининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиши йўлида рақобатни ривожлантириш, ташаббускорлик кўрсатиш учун шарт-шароитларни яратади.

Ижтимоий ва бошқа эҳтиёжларни қондиришга йўналтириладиган молия ресурсларининг ўсишига, энг аввало, рентабелли фаолият кўрсатиш орқали эришилади.

Бироқ сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шароит ўзгариши билан давлат харажатлари доимо ўсиб боради. Шу муносабат билан ҳозирги молия сиёсати давлат молия ресурсларининг мунтазам ўсишини таъминлашга қаратилган тадбирларни назарда тутди.

Бюджетга тушаётган тўловлар ҳажмини оширишнинг зарурлиги хўжалик бўғинларининг ишчан фаоллигини жонлантиришга қаратилган молия сиёсатининг ҳаётга татбиқ этилишини талаб қилади.

Молиявий сиёсатни фаоллаштириш мақсадида молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш амалиётини тубдан ўзгартириш катта аҳамиятга эга. Бюджет воситасида, шунингдек, юқори ташкилотлар орқали амалга ошириладиган «вертикал» услубга қарама-қарши молиявий ресурсларни молия бозори орқали «горизантал» қайта тақсимлаш ҳам борган сари янада кенг ривож топади. Маблағларнинг ўтказиб турилиши эса молиявий ресурслардан талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда фойдаланишни назарда тутди.

Молия бозорининг ривожланиши муносабати билан миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва умумдавлат эҳтиёжларини қондириш учун аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг пул даромадлари ва жамғармаларини жалб этиш зарур. Шу муносабат билан Давлат облигациялари ва хазина билетларини чиқариш ҳам давлат ресурсларининг ҳажмини кўпайтиради.

Молиявий сиёсат реал молиявий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва татбиқ этилиши зарур. Сарфлар (харажатлар) молия ресурсларининг кўпайганидагина ўсиши мумкин. Бу, энг аввало, ишлаб чиқаришни молиялаштиришни билдиради. Иқтисодий ва молиявий сиёсатнинг ҳамма тадбирлари, бир томондан, аҳолига ўз даромадларини ошириш имкониятини бериш, иккинчи томондан эса тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун мақбул шароитларни яратишга қаратилиши керак.

Молиявий сиёсатнинг тубдан ўзгаришига мос равишда молия механизми ҳам қайта қурилмоғи лозим. Молия механизмини қайта қуришнинг мақсади бозор муносабатлари асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигига унинг

таъсирини кучайтириш, молия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни таъминлашдир. Молия механизмини қайта қуриш негизида корхона, ташкилотлар ишининг якуний натижаларини яхшилаш учун хўжалик ташаббускорлиги ва масъулиятини бутун чоралар билан кучайтириш талаб қилинади.

Бозор иқтисодиётида корхоналарнинг ишлаб чиқариш омилларидан иложи борича яхшироқ фойдаланишдан манфаатдорлигини ошириш учун алоҳида молиявий услублардан фойдаланиш зарурати йўқолади. Бозор рақобати корхоналарни ишлаб чиқариш самарадорлиги, молиявий ресурслардан фойдаланиш устидан ички хўжалик молия назоратини чуқурлаштириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилишга мажбур қилади. Шу билан бир вақтнинг ўзида давлат томонидан бозор муносабатларини молиявий бошқаришнинг аҳамияти ҳам ошади. Молиявий бошқариш корхоналарга солиқ солиш, қўшимча солиқларни (масалан, экспорт ва импорт солиғини) киритиш, меҳнаткашлар даромадларига солиқ солиш, мақсадли дастурларни молиялаштириш воситасида амалга оширилади. Хўжалик шартномалари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифат параметрларини бузганлик учун, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича талабларнинг санитария норма ва қоидаларига риоя қилмаслик учун молиявий жарималар тизимига талабчанлик оширилади. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги молиявий мажбуриятларни ўз вақтида бажармаслик ёки тўлиқ бажармаслик, фойда ва бошқа солиқ солиш объектларини яширганлик учун жарима (санкция)ларнинг даражаси ва миқдори кучайтирилади. Аудиторлик молия назорати кенг ривож топмоғи лозим.

Аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида ижтимоий соҳа муассасалари ва ташкилотларида янги хўжалик механизми жорий этилган. Ижтимоий соҳа муассасаларига пулли хизмат кўрсатиш, хўжалик фаолияти билан шуғулланиш, олинган даромадларни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи берилган.

Давлат молия механизмига туб ўзгаришлар киритилди. Давлат бюджети даромадларини шакллантириш солиқ асосига ўтказилди, бюджет буромадлари таркиби ва

бюджетдан молиялаштириш тизими бутунлай ўзгарди. Бюджетдан ташқари жамғармалар тизими кенг тарқалди. Бозор муносабатларининг ривожланиши мулкӣ ва шахсий суғуртани ташкил этиш ва бошқариш соҳасида ижобий натижаларга олиб келди: кооператив (ширкат) суғуртаси ривожланипти, акционерлик суғурта жамиятлари вужудга келяпти, суғуртанинг янги турлари пайдо бўлаяпти.

Молия механизмини қайта қуриш жараёни тегишли базани (асосни) яратиш билан бирга содир бўлаётир. Охириги йилларда молиявий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратадиган қатор қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Нима учун молиявий сиёсат молиявий бошқарув тизимида энг асосий элемент ҳисобланади?
- Молиявий сиёсат деб нимага айтилади ва у нимага қаратилган бўлади?
- Сиёсат, сиёсий таъсир ва сиёсий раҳбарлик қандай элементлардан таркиб топади?
- Молиявий сиёсатга оид уч мантиқий хулоса нималардан иборат?
- Молиявий сиёсатнинг ўзига хос бўлган энг асосий хусусиятларига нималар киради?
- Нималар молиявий сиёсатнинг энг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади?
- Корхона молиявий сиёсатининг мақсади нималардан иборат бўлиши мумкин?
- Молиявий сиёсат нима орқали амалга оширилади ва унинг фаолияти қандай принциплар асосида қурилади?
- Молиявий сиёсатни амалга оширишнинг (ўтказишнинг, ҳаётга татбиқ этишнинг) асосий методологик принциплари нималардан иборат?
- Молиявий сиёсатнинг натижалчилиги нималарга боғлиқ?
- Молиявий сиёсат, энг аввало, нимага йўналтирилган (қаратилган) бўлиши керак ва нима учун?

- Молиявий сиёсатнинг мазмуни, унинг асосий йўналишлари нималар орқали намоён бўлади?
- Мумтоз сиёсий иқтисод асосчилари бўлган А.Смит ва Д.Рикардолар молиявий сиёсатга оид концепцияларининг моҳияти нимадан иборат?
- XX асрнинг 20-йиллари охирларидан бошлаб кейнсчилик назарий концепциясига мувофиқ молиявий сиёсатнинг асосий йўналишларига нималар киради?
- XX асрнинг 70-йилларида иқтисодий назариянинг неоклассик йўналиши молиявий сиёсатнинг ўзига хос бўлган қандай хусусиятларини белгилаб берди?
- Шўролар давлатида ва социалистик ориентацияда (йўналишда) бўлган барча мамлакатларда молиявий сиёсатнинг ўзига хос бўлган белгилари нималардан иборат бўлган?
- 2-жаҳон урушидан кейинги йилларда Совет давлатининг молиявий сиёсати нималарга қаратилган эди?
- Молиявий сиёсатни ишлаб чиқишда молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг негизида қандай принципларнинг ётиши муҳим аҳамиятга эга?
- Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмларига (йўналишларига) нималар киради?
- Қандай беш йўналишларнинг йиғиндиси (мажмуи) давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий инструменти сифатида хизмат қиладиган молиявий сиёсатни аниқлаб беради?
- Молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) сифатида давлатнинг бюджет сиёсати, энг аввало, нималарга мувофиқ равишда аниқланади ва унинг мазмуни нималардан иборат?
- Замонавий молия фани солиқларга нисбатан муносабатини аниқ белгилаш имконига эга бўлган. Бу муносабатлар нималардан ташкил топади?
- Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмларидан (йўналишларидан) яна бири бўлган пул сиёсатининг ўзига хос бўлган характерли хусусиятлари нималардан иборат?
- Молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) бўлган кредит сиёсатининг мазмуни нималардан ва у нима орқали амалга оширилади?

- Амалга оширилаётган кредит сиёсатига мувофиқ фоиз ставкаси асоссиз даражада юқори бўлса, у қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкин?
- Молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) сифатида давлатнинг баҳо сиёсати нималар орқали ифодаланади?
- Инвестиция сиёсати молиявий сиёсатнинг таркибий қисмларидан (йўналишларидан) бири сифатида қандай тадбирлар комплексидан иборат бўлиши мумкин?
- Молиявий сиёсатнинг таркибий қисми (йўналиши) сифатида социал сиёсат яна сиёсатнинг қандай кўринишларини ўз ичига олади?
- Бож сиёсатининг мазмуни ва унинг ўзига хос бўлган хусусиятлари нималардан иборат?
- Ўзбекистонда молиявий сиёсатнинг ҳозирги кундаги асосий вазифалари нималардан иборат?
- Ҳозирги шароитда ишлаб чиқилган давлат молия сиёсати концепциясининг мақсадини нималар ташкил этади?
- Ҳозирги босқичдаги молия сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари нималар билан характерланади?

3-боб. Молия тизими

3.1. Молия тизимининг соҳалари ва бўғинлари

Жараёнида турли пул фондлари(дан) шаклланадиган ва фойдаланиладиган молиявий муносабатлар турли соҳаларининг мажмуига молия тизими дейилади. Унга бошқача ҳам таъриф бериш мумкин: давлат ва корхоналарнинг пул фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш борасидаги шакл ва методлар тизимига молия тизими дейилади. “Молия тизими” тушунчаси кенг маънодаги “молия” тушунчасининг тараққиёти натижасидир. Мамлакатда бозор ислохотларининг амалга оширилиши ва принципиал жиҳатдан бутунлай янги бўлган иқтисодий ва молиявий сиёсатнинг ҳаётга татбиқ этилиши молия тизимининг соҳалари ва бўғинларига нисбатан объектив равишда янгича ёндошувни тақазо этди. Унга мувофиқ равишда, дастлаб, молия тизими қуйидаги икки соҳага бўлинади⁹:

- давлат молияси ва маҳаллий молия;
- хўжалик юритувчи субъектлар молияси.

Ўз навбатида, молия тизимининг ҳар бир соҳаси пул фондлари ва даромадларни шакллантиришнинг конкрет шакллари ва методларига боғлиқ равишда бир неча бўғинлардан ташкил топади. Масалан, давлат молияси ва маҳаллий молия қуйидаги бўғинлардан ташкил топиши мумкин:


⁹ Советлар давридаги тегишли дарсликларда молия тизимининг соҳалари, кўпчилик ҳолларда, икки хил тарзда талқин қилинган эди. Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) мактабининг вакиллари (Александров А.М., Вознесенский Э.А., Жевтяк П.Н., Романовский М.В., Колесников В.И. ва бошқалар) фикрига кўра молия тизими одатда, икки соҳадан, яъни 1) корхоналар ва халқ хўжалиги тармоқлари молияси ҳамда 2) умумдавлат молиясидан иборат бўлган. Москва мактабининг вакиллари (Шерменев М.К., Никольский П.С., Моляков Д.С., Родионова В.М., Гуйда Т.В. ва бошқалар) фикрича эса, молия тизимининг соҳалари қуйидагилардан ташкил топган: 1) моддий ишлаб чиқариш соҳаси молияси; 2) Давлат бюджети; 3) ноишлаб чиқариш соҳаси молияси. Шундай бўлишига қарамасдан уларнинг ҳар иккаласи ҳам СССРнинг иқтисодий базисига ва у томонидан амалга оширилган молиявий сиёсатга тўлиқ мос келган эди.

- Давлат бюджети;
- мақсадли нобюджет фондлари;
- давлат кредити.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар молияси қуйидаги бўғинлардан иборат:

- тижорат корхоналари ва ташкилотлари молияси;
- молиявий воситачилар молияси;
- нотижорат ташкилотлари молияси.

Юқорида келтирилганларни чизмали кўринишда қуйидагича ифодалаш мумкин:



3.1.1-чизма. **Молия тизимининг соҳалари ва бўғинлари**

Молия тизимининг алоҳида соҳалар ва бўғинларга бўлиниши ЯИМни шакллантириш, тақсимлаш ва қайта тақсимлашда, даромадларни шакллантириш ва улардан фойдаланишда иқтисодий муносабатлар субъектларининг бир-бирларидан фарқли равишда иштирок этиши билан белгиланади. Молия тизимининг ҳар бир соҳаси ва бўғинига пул фондлари ва даромадларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос бўлган шакллари ва методлари тегишлидир. Масалан, корхоналар молияси моддий ишлаб чиқаришга, ЯИМни яратишга, уни корхоналар ўртасида тақсимлашга ва ЯИМ бир қисмининг бюджет ва нобюджет фондларига қайта тақсимлашга хизмат қилади. Давлат бюджети орқали ресурслар давлатнинг марказлаштирилган фондига жалб қилинади ва улар иқтисодий минтақалар, тармоқлар ва аҳолининг социал гуруҳлари ўртасида қайта тақсимланади.

Молия тизими “Давлат молияси ва маҳаллий молия” соҳасининг алоҳида бўғини сифатида Давлат бюджети ўз ичига қуйидагиларни олади:

- республика бюджети;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар.

Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан таркиб топади. Вилоятнинг бюджети эса вилоят бюджетини ва вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади. Шунингдек, туманларга бўлинадиган шаҳарнинг бюджети шаҳар бюджети ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларидан иборат. Ва ниҳоят, туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджетидан ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетидан ташкил топади.

Ҳозирги шароитда Давлат бюджети ўз олдида турган қуйидаги муаммоларни ҳал этиши керак:

- даромадлар базасини (асосини) мустаҳкамлаш асосида бюджет дефитининг даражасини камайтириш;
- мамлакат тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича бюджет харажатларини реструктуризация қилиш;

- бюджет ёрдамида тартибга солиш механизмини такомиллаштириш;
- бюджет ассигнованияларидан самарали фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш.

Давлат мақсадли фондлари (нобюджет фондлар ёки бюджетдан ташқари фондлар) олдиндан белгиланган маълум муддатларда тузилиши ёки доимий равишда мавжуд бўлиши мумкин. Бу фондларнинг вужудга келиши Давлат бюджетининг қабул қилиниши ёки қабул қилинмаслигидан қатъий назар маблағлар мақсадли манбаининг зарурлиги билан белгиланади. Биринчи навбатда, бу социал таъминот, текин соғлиқни сақлаш, ишсизликни камайтириш ва бошқа худди шундай бир қанча муҳим ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга тегишлидир. Бу фондлар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш давлат томонидан ўзига хос бўлган шакллар ва методлар ёрдамида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам уларни молия тизимининг “Давлат молияси ва маҳаллий молия” соҳасининг алоҳида бўғини сифатида ажратилиши мақсадга мувофиқдир.

Маблағлардан фойдаланишнинг мақсадли йўналтирилганлиги белгиси бўйича давлат мақсадли фондларини қуйидаги икки гуруҳга бирлаштириш мумкин:

- социал мўлжалланган (йўналишга эга бўлган) давлат мақсадли фондлари (нобюджет фондлар ёки бюджетдан ташқари фондлар);
- тармоқлараро ва тармоқ характериға эга бўлган давлат мақсадли фондлари (нобюджет фондлар ёки бюджетдан ташқари фондлар).

Айрим ҳолатларда (ҳолларда) ҳудудий йўналтирилган (мўлжалланган) давлат мақсадли фондлари (нобюджет фондлар ёки бюджетдан ташқари фондлар) ташкил қилиниши (шакллантирилиши) мумкин.

Давлат мақсадли фондлари молия тизими “Давлат молияси ва маҳаллий молия” соҳасининг алоҳида бўғини сифатида қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- Республика йўл фонди;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг махсус ҳисоб варағи;

- Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат фонди;
- Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия фонди.

Давлат мақсадли фондларида катта миқдордаги маблағларнинг тўпланганлиги шароитида давлат молиявий назоратининг сусайиши бу маблағлардан самарасиз фойдаланишга ва турли-туман суъистемол қилиш ҳолатларининг содир этилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам давлат молиявий ресурсларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш мақсадида уларни Давлат бюджетига жамлаш (консолидация қилиш) мақсадга мувофиқдир. Бунда жамланган (консолидация қилинган) фондларнинг мақсадли йўналиши ўзгартирилмасдан сақланиб қолиши таъминланиши лозим.

Давлат кредити молия тизими “Давлат молияси ва маҳаллий молия” соҳасининг ўзига хос бўғини ҳисобланади. Унинг ўзига хослиги давлатнинг марказлаштирилган фондларига маблағларни жалб қилиш бўйича молия-кредит муносабатларининг алоҳида шакллари билан белгиланади. Давлат кредити давлат, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги пул муносабатларининг ўзига хос алоҳида шаклидан иборатдир. Бунда давлат, асосан, маблағларни қарзга олувчи ва шунингдек, кредитор ва гарант (кафил) сифатида ҳам майдонга чиқади.

Давлат кредитида миқдорий жиҳатдан маблағларни қарз олувчи сифатида давлатнинг фаолияти устунлик қилади. Давлатнинг кредитор сифатидаги операциялари, яъни давлат юридик ва жисмоний шахсларга ссудалар тақдим қилганда ёки гарант (кафил) бўлганда, анча торроқдир (тор доирададир). Шундай бўлишига қарамасдан, бозор иқтисодиёти шароитида бюджетдан молиялаштириш ҳам қайтарилувчанлик ва тўловлилик (ҳақ асосида) шарти билан амалга оширилса, кенг ривож топиши мумкин.

Ҳозирги шароитда давлат кредитининг зарурлиги давлат харажатларининг давлат ўз даромадлари базасини кенгайтириш имкониятларига нисбатан юқори суръатларда ўсиши билан боғлиқ бўлиб, бу нарса бюджет дефицити шароитида режалаштирилган бюджет харажатларининг қопланишини таъминлайди. Бозор иқтисодиёти шароитида

пул-кредит ва молиявий сиёсатларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилиши молия тизимининг “Давлат молияси ва маҳаллий молия” бўғини тўғрисидаги анъанавий тасаввурлар кенгайиши ва кенг моънода ҳамда уни замонавий тушунишга мувофиқ равишда Марказий банк тизимини ҳам ўз таркибига қўшмоғи лозим.

Хўжалик юритувчи субъектлар молияси молия тизимининг мустақил соҳасидир. Уни бошқача номда мулкчиликнинг турли шаклидаги корхона ва ташкилотлар молияси деб ҳам аташ мумкин. Молия тизимининг ана шу соҳасида даромадларнинг асосий қисми шаклланади ва улар, охир оқибатда давлат томонидан ўрнатилган қоидаларга мувофиқ равишда қайта тақсимланиб, барча даражадаги бюджетлар ва нобюджет фондларининг даромадларини шакллантиради. Бир вақтнинг ўзида бюджет (молиявий) маблағлар(и)нинг катта қисми тўғридан-тўғри бюджетдан молиялаштириш, бюджет ссудалари ва давлат кафолатлари шаклида корхоналарнинг жорий ва инвестицион фаолиятларини молиялаштиришга йўналтирилиши мумкин.

Юқорида қайд этилганидек, молия тизимининг бу соҳаси тижорат корхоналари ва ташкилотлари молияси, молиявий воситачилар молияси ва нотижорат ташкилотлар молияси каби бўғинлардан ташкил топади. Бу гуруҳга кирувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий муносабатлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, даромадлар ва харажатларни шакллантириш, мулкка эгаллик қилиш, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш шаклларига боғлиқ равишда ўзига хос бўлган хусусиятларга эгадир. Бир вақтнинг ўзида, тижорат корхоналари ва ташкилотлари молияси муҳим аҳамият касб этиб, айнан шу ерда молиявий ресурсларнинг асосий қисми шакллантирилади. Мамлакатнинг умумий молиявий аҳволи ана шу корхоналар молиясининг аҳволи билан белгиланади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар ўзларининг фаолиятларини тижорий ҳисоб асосида амалга оширадидлар. Унга мувофиқ равишда уларнинг харажатлари ўз даромадлари ҳисобидан қопланиши керак. Меҳнат жамоалари ишлаб чиқариш ва социал ривожланишининг асосий манбаи фойда ҳисобланади.

Бу соҳа корхоналари реал равишда молиявий мустақилликка эга, маҳсулотни сотишдан олинган тушумни уларнинг ўзи мустақил равишда тақсимлайди, ўзларининг ихтиёрига кўра фойдадан фойдаланадилар, ишлаб чиқариш ва социал фондларни шакллантирадилар, молиявий бозорнинг ресурсларидан – банк кредитлари, облигациялар эмиссияси, депозит сертификатлари ва молиявий бозорнинг бошқа инструментлари – фойдаланган ҳолда инвестициялаштириш учун зарур бўлган маблағларни қидириб топадилар.

Корхоналар давлатнинг майда-чуйда аралашувидан озод бўлиб, шу билан биргаликда, ишнинг иқтисодий ва молиявий натижалари учун уларнинг масъулияти ҳам кескин оширилган.

Бир вақтнинг ўзида мамлакатнинг хўжалик тизими мураккаб тузилмадан иборат бўлиб, аралаш иқтисодиёт сифатида фаолият кўрсатади. Унинг таркибида фойда олишга қаратилган бизнес-соҳаси билан бир қаторда иқтисодиётнинг бошқа секторлари ҳам мавжудки, уларнинг фаолияти ижтимоий фаровонликка эришишга йўналтирилган. Буларнинг таркибига давлат секторидан ташқари баъзи мамлакатларда катта масштабларга эга бўлган ва нисбатан юқори суръатларда ўсиб бораётган нотижорат сектори ҳам киради. Ҳозирги шароитда нотижорат сектори ташкилотларининг юқори суръатларда тез ўсиб бораётганлиги, бир томондан, жамиятни демократлаштириш сиёсий жараёнларининг ривожланиши ва иккинчи томондан, бозор иқтисодиётининг социал йўналтирилганлиги (бу нарса бизнинг мамлакатимиз учун характерлидир) билан боғлиқ.

Нотижорат ташкилотлари юридик шахс бўлиб, фойда олиш уларнинг асосий мақсади эмас ва уларда олинган фойда иштирокчилар ўртасида тақсимланмайди. Уларнинг қаторига социал, хайр-эҳсон, маданий, маърифий, илмий, бошқарув, соғлиқни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, фуқаролар ва ташкилотларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни ечиш, юридик хизматлар кўрсатиш ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларга эришиш учун ташкил этилган ташкилотлар киради. Нотижорат ташкилотларининг олдида

қўйилган мақсадлар хилма-хил бўлганлиги учун бу сектор ўзининг ҳам жуда кенг ва ранг-баранг бўлиши, табиийдир. Нотижорат секторнинг бир гуруҳ корхоналари, асосан, ўз аъзоларининг иқтисодий манфаатларига, маълум тоифадаги шахсларнинг ривожланишига хизмат қилади. Иқтисодиётнинг бу сектори¹⁰, одатда, давлат секторининг биринчи, тижорат секторининг иккинчи эканлиги инобатга олинган ҳолда учинчи сектор деб ҳам юритилади¹¹.

Турли мамлакатлар иқтисодиётида тарихий анъаналар ва иқтисодий тараққиёт босқичларига мувофиқ равишда нотижорат сектор фаолиятининг масштаблари бир-биридан фарқ қилади. Бироқ, бир неча миқдорий тавсифномаларнинг (кўрсаткичларнинг) таҳлили, яхлит олинганда, бу секторнинг тараққий топаётганлигидан далолат беради. Ана шунга ўхшаш тавсифномаларга (кўрсаткичларга) қуйидагиларни киритиш мумкин:

- **нотижорат ташкилотларининг сони.** Европа мамлакатларида ҳар 1000 кишига 4та нотижорат ташкилоти тўғри келади. Финляндия шу маънода рекордчи ҳисобланиб, бу ерда ҳар 1000 кишига 21тадан тўғри келувчи нотижорат ташкилотлари мавжуд. Бу кўрсаткичнинг даражаси Россияда 3,3га тенгдир;

- **нотижорат ташкилотлари таъминлайдиган аҳолининг бандлилик даражаси.** Бу ташкилотлар, маълум маънода, муҳим иш берувчилар бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда бу секторда ишчи кучининг ўртача 3,4% ишлайди (Венгрияда – 1%дан бошлаб, АҚШда – 7%гача). Нотижорат ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши иқтисодиётнинг бошқа секторларида фаол равишда қўшимча иш ўринларининг

¹⁰ Ўтган аср 90-йилларининг бошида америкалик оилаларнинг 70%дан ортиқроғи ҳар йили хайр-эҳсон мақсадларига қурбонлик қилганлар ва уларнинг бу бадаллари ўртача улар йиллик даромадларининг 2%дан кўпроғини ташкил этган. Буюк Британия аҳолиси эса ҳар йили хайр-эҳсон ташкилотларига қарийб 4,5 млрд. фунт стерлингни беришадики, ўртача хайр-эҳсон бадали уй хўжалиги даромадининг 0,7%ига тенгдир. (Қаранг: Финансы, налоги и кредит. Учебник. Изд. 2-е, доп. и перераб. /Под ред. д.э.н., проф. И.Д.Мацкуляка. – М.: Изд-во РАГС, 2007. с.183).

¹¹ АҚШ катта ёшдаги аҳолисининг тахминан 54% ихтиёрий ишларга ҳафтасига 4 соатни, Буюк Британияда аҳолининг 30% ихтиёрий хизматларга ҳафтасига 1,1 соатни, Канадада катта ёшдаги аҳолининг 27% шундай ишларга ҳафтасига 3,7 соатни сарф қилишади. (Қаранг: ўша ерда).

яратилишига ўз таъсирини кўрсатади. Бу ташкилотлар товарлар ва хизматларни сотиб олувчилар бўлганлиги учун, охир оқибатда, бу нарса тадбиркорлик фаолиятининг фаоллашувига олиб келади;

- **нотижорат ташкилотларининг оператив харажатлари.** Бу кўрсаткич ялпи миллий маҳсулотнинг ўртача 3,5%ини ташкил этади (Венгрияда – 1,2%, АҚШда – 6,3%). Россияда бу рақам 2%га тенгдир.

Ҳозирги шароитда нотижорат сектор катта иқтисодий салоҳиятга эга бўла бориб, бу ерда молиявий ва инсон ресурсларининг сезиларли қисми тўпланмоқда ва у замонавий бозор муносабатлари тизимида муҳим иш берувчига айланиб бормоқда.

Нотижорат асосда хўжалик юритишнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- фаолиятнинг фойда олишга эмас, балки маълум бир миссияга эришишга йўналтирилганлиги;
- эълон қилинган мақсадларга эришиш учун олинган фойдадан восита сифатида фойдаланиш;
- бозор хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги ва фаолиятнинг социал самарадорлигини биргаликда қўшиб олиб бориш.

Нотижорат ташкилотлари фаолиятининг молиявий манбаларини қуйидаги беш асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

- бюджет ассигнованиялари (бюджетдан ажратмалар);
- тижорат фаолияти:
 - товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилишдан олинган тушум;
 - акциялар, облигациялар, бошқа қимматли қоғозлар ва омо-натлар бўйича олинадиган даромадлар;
 - нотижорат ташкилотнинг мулкidan, нотижорат ташкилотларининг ёрдами асосида тузилган хўжалик жамиятларининг фаолиятидан олинадиган даромадлар;
 - ва бошқалар.
- тижорат тузилмалари ва хусусий шахсларнинг қурбонликлари (ҳомийлик ёрдамлари);
- таъсисчилардан доимий равишда ва бир вақтнинг ўзида тушиб туриши мумкин бўлган тушилмалар;

- қонун билан таъқиқланмаган бошқа тушилмалар (масалан, кўнгиллиларнинг меҳнат сарфлари, ресурсларни жалб қилиш бўйича ўтказилган тадбирлар (лотереялар, аукционлар, кўнгилхўшлик, маданий, спорт ва бошқа оммавий тадбирлардан)дан келган тушилмалар.

Турли мамлакатларда нотижорат ташкилотларини молиялаштириш манбаларининг таркибий тузилмаси турличадир. Масалан, кўпгина ривожланган мамлакатларда хусусий қурбонликларнинг миқдори 1%дан (Японияда) 20%гача (АҚШда) тебранади ва ўртача 11%ни ташкил этади. Ҳукумат ажратмаларининг салмоғи эса 26%дан (Германия) 71%гача бўлиб, унинг ўртача даражаси 48%га тенгдир. Нотижорат ташкилотларининг ўзлари томонидан ишлаб топилган маблағларнинг салмоғи 23%дан (Венгрия) 71%гача тебраниб, унинг ўртача даражаси 41%дан иборатдир.

Нотижорат фаолиятни молиявий жиҳатдан тартибга солишнинг шакллари, уларнинг давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги ҳар бир мамлакатнинг тегишли қонунлари ёрдамида амалга оширилади. Уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғридан-тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) характерга эга бўлиши мумкин.

Нотижорат секторни давлат томонидан тўғри (бевосита) қўллаб-қувватлашнинг уч асосий шакли мавжуд:

- тўғридан-тўғри (бевосита) бюджет инвестициялари;
- ҳамкорликда молиялаштириш;
- давлат социал буюртмаси.

Нотижорат секторни эгри (билвосита) молиялаштириш шаклидан ҳам, яъни нотижорат ташкилотларини давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари олдидаги тўловлари ва бошқа шунга ўхшаш мажбуриятларидан озод қилиш шаклидан ҳам амалиётда тез-тез фойдаланилади. Эгри (билвосита) молиялаштиришнинг асосий кўринишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- носолиқли имтиёзларни тақдим этиш;
- солиқли имтиёзлаштириш.

Бу ерда, ўз навбатида, носолиқли имтиёзлар қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

- нотижорат ташкилотларининг фаолияти учун биноларни ижарага олиш, ер майдонларини ажратиш;

- лицензиялаштиришнинг соддалаштирилган тизимини ўрнатиш (белгилаш);

- алоқа хизматлари ва коммунал хизматларни тўлашда имтиёзли тарифлардан фойдаланиш;

- ва бошқалар.

Шунингдек, солиқли имтиёзлаштириш қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- ҳада этувчилар учун имтиёзлар;

- қурбонлик (ҳомийлик) қилувчи юридик шахслар учун имтиёзлар.

Давлат органлари нотижорат ташкилотларининг фаолиятига аралашиш, агар уларнинг сарфланиши ташкилотнинг мақсадларига мос келаётган бўлса, харажатларнинг йўналишига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга эмас.

3.2. Етакчи хорижий мамлакатларнинг давлат молия тизими

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг давлат молия тизими молиявий муносабатларнинг қуйидаги бўғинларидан иборат:

- Давлат бюджети тизими;

- давлат кредити ва маҳаллий ҳокимият органлари кредитлари, федератив давлатларда эса – федерация аъзоларининг кредити;

- махсус нобюджет фондлар;

- давлат корпорациялари молияси.

Бу давлатларда бюджет тизимининг таркибий тузилиши (тузилмаси), энг аввало, давлат тузилишига (қурилмасига) боғлиқ. Унитар (ягона) давлатларда бюджет тизими қуйидаги икки бўғиндан иборат:

- Давлат бюджети;

- кўп сонли маҳаллий бюджетлар (шаҳарлар, округлар, қишлоқ округлари бюджети).

Маҳаллий бюджетлар унитар давлатларда ўзларининг даромадлари ва харажатлари билан Давлат бюджетининг таркибига кирмайди.

Федератив давлатларда бюджет тизими уч бўғиндан таркиб топган:

- Давлат бюджети, ёки федераль бюджет, ёки марказий ҳукумат бюджети;
- федерация аъзолари бюджетлари (АҚШда – штатлар бюджети, Канадада – провинциялар бюджети, ГФРда – ерлар бюджети, Швейцарияда – кантонлар бюджети ва ҳ.к.);
- маҳаллий бюджетлар.

Маҳаллий бюджетлар ўзларининг даромадлари ва харажатлари билан федерация аъзоларининг бюджетларига ва улар ҳам, ўз навбатида, давлат федераль бюджетининг таркибига кирмайди.

Ривожланган етакчи хорижий мамлакатлар молия тизимининг етакчи бўғинларидан бири Давлат бюджетидир. У давлат ва ўз-ўзини бошқариш ҳудудий органларининг функциялари ва вазифаларини молиявий таъминлашга мўлжалланган марказлаштирилган пул маблағлари фондини шакллантириш ва ундай фойдаланишнинг шаклидан иборатдир.

Давлат бюджети мамлакатнинг жорий йилдаги асосий молиявий режаси ҳисобланиб, қонун кучига эгадир. У ҳар йили мамлакатнинг қонунчилик ҳокимият органи – парламент томонидан тасдиқланади. Фавқулодда вазиятларда (урушлар, иқтисодий таназзуллар ва ҳ.к.лар даврида) ҳукумат Давлат бюджетининг маблағларига таянади ва улар ёрдамида ўсиб боровчи давлат харажатларини қоплайди.

Етакчи хорижий мамлакатларнинг Давлат бюджети улар МДини қайта тақсимлашнинг асосий инструментиدير. Молия тизимининг бу бўғини орқали мамлакат МДининг 40% гача бўлган қисми қайта тақсимланади.

Давлат бюджетининг асосий даромадлари солиқлардан иборат бўлиб, улар ёрдамида бюджет даромадларининг 70% дан 90% гача ва айрим даврларда ундан ҳам кўпроқ қисми шакллантирилади. Бозор иқтисодиёти ривожланган хорижий мамлакатларда асосий солиқлар ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, корпорацияларнинг фойдасидан олинадиган солиқ, акцизлар, қўшилган қиймат солиғи ва божхона божлари Давлат бюджетига бириктирилган.

Давлат бюджетидан ҳарбий мақсадларга мўлжалланган харажатлар, иқтисодиётга аралашув харажатлари, давлат аппаратини сақлаш харажатлари, социал харажатлар, субсидиялар амалга оширилади ва ривожланаётган мамлакатларга кредитлар тақдим этилади. Бир вақтнинг ўзида, Давлат бюджети маҳаллий ҳокимият органларига, ҳукумат махсус фондларига ва давлат корхоналарига субсидиялар ва кредитлар бериш орқали мамлакат молия тизимининг барча бўғинларига ўз таъсирини кўрсатади.

Етакчи хорижий мамлакатлар кўпчилигининг Давлат бюджетлари учун доимий равишдаги бюджет дефицити хос бўлиб, у давлат заёмлари ҳисобидан қопланади. Давлат заёмларининг муомалага чиқарилиши давлат қарзининг ўсишига олиб келади. Давлат қарзи олдин чиқарилган ва ҳозирги пайтга қадар қайтарилмаган (узилмаган) барча давлат заёмларининг фоизлари билан қўшиб ҳисоблагандаги умумий суммасидан иборат.

Ҳудудий молия етакчи хорижий мамлакатлар молия тизимининг иккинчи бўғинидир. Бу федератив давлатларда федерация аъзоларининг молияси ва федерация аъзолари ҳамда муниципалитетларга тегишли бўлган маҳаллий бюджетлар, корхоналар молиясидан иборат.

Федерация аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги масала ҳар бир мамлакатда ўзига хос тарзда ечилади. Масалан, АҚШда штатлар бюджетларига эгри (билвосита) солиқлар ва энг аввало, сотувдан олинадиган солиқлар бириктирилган бўлса, ГФРда асосий тўғри (бевосита) солиқлар бўйича тушумлар – аҳолидан олинадиган даромад солиғи ва корпорациялардан олинадиган фойда солиғи 50%:50% нисбатда федерал бюджет ва ерларнинг бюджети ўртасида бўлинади.

Етакчи хорижий мамлакатлар молия тизимининг учинчи бўғини давлат кредити ҳисобланади. Бу бир томондан, давлат ва иккинчи томондан, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги кредит муносабатларидан иборат бўлиб, унга кўра давлат ва бошқарувнинг маҳаллий органлари, асосан, маблағларни қарзга олувчилар сифатида майдонга чиқади. Давлат заёмлари ва маҳаллий заёмлар, одатда, бюджет дефицити мавжуд бўлса, яъни одатдаги даромадлар

давлатнинг харажатларини қопламаса муомалага чиқарилади.

Маҳаллий бюджетларга иккинчи даражали аҳамият касб этувчи солиқлар (асосан, мулкый солиқлар) бириктирилган. Социал мақсадларга йўналтириладиган маблағларнинг салмоғи маҳаллий бюджетларда Давлат бюджетига нисбатан анча юқори. Бу бюджетлар ҳам доимий равишда дефицитли бўлиб, улар Давлат бюджетидан ҳукумат кафолати остида субсидия ва кредитлар йўли билан керакли маблағларни олади.

Етакчи хорижий мамлакатлар давлат молиясининг муҳим бўғинларидан яна бири бу махсус нобюджет фондлардир. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда энг йирик махсус нобюджет фондларнинг орасида миллий муғурта фондлари алоҳида ўринни эгаллайди. Бу фондлар корхона ишчилари ва тадбиркорларнинг суғурта бадаллари ҳамда Давлат бюджетидан бериладиган дотациялар ҳисобидан ташкил топади. Миллий суғурта фондларининг маблағлари ёш, ногиронлик ва боқувчисини юқотган ҳоллар бўйича пенсияларни тўлашга, вақтинчалик меҳнат қобилиятини юқотгани, ҳомиладорлиги, ишсизлиги ва ҳ.к.лар бўйича нафақалар беришга сарфланади. Бунда маблағларнинг асосий қисми ёш бўйича пенсияларни тўлашга йўналтирилади. Барча ривожланган хорижий мамлакатларда пенсиянинг миқдори иш ҳақи ва тўланган суғурта бадалларининг миқдorigа нисбатан белгиланади.

Масалан, АҚШда пенсия таъминоти тизими 1935 қабул қилинган қонунга биноан жорий этилган ва бу тизим баъзи бир ўзгаришлар билан ҳозиргача амал қилиб келаяпти. Пенсия таъминоти тизими доимий банд бўлган ёлланма ишчилар ва ўз-ўзи билан банд бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади. Темир йўл тизимида, федерал хизматда, штатлар ва маҳаллий ҳокимият органларида хизмат қилганлар учун пенсия таъминотининг махсус тизими амал қилади.

Пенсия таъминоти тизимини молиялаштириш манбаи миллий суғурта фонди бўлиб, бу фонд АҚШ федерал бюджетининг таркибига киради.

Қарилық буйыча пенсия 65 ёшдан (қисқартирилган миқдорда – 62-64 ёшдан) бошлаб тўланади. Пенсияни олиш учун минимал даражадаги суғурта стажига эга бўлмоқ лозим, яъни 40 чорак – 10 йил давомида суғурта бадалларини тўлаш керак.

Пенсиянинг миқдори 22 ёшдан 62 ёшгача суғурта қилинган шахс томонидан олинган иш ҳақининг ўртача миқдorigа нисбатан ҳисобланади (энг кам иш ҳақи олинган 5 йилни чегирган ҳолда). Пенсиянинг ўртача миқдори ўртача маошнинг 40% ини, паст даражадаги даромадга эга бўлган шахслар учун эса 60% ни ташкил этади. 65-69 ёшларда пенсия учун мурожаат қилинганда, ана шу нарсани рағбатлантириш учун, пенсиянинг миқдори ҳар ойига 0,5% га , яъни йилига 6% га оширилади. Ҳаёт қийматининг даражасига мувофиқ равишда пенсия автоматик равишда индексация қилинади. Пенсиянинг қарамоғидагилар учун қарилық пенсиясининг 50% и миқдorigа қўшимча тўланади.

АҚШда пенсионерлар текин тиббий ёрдам, текин доридармон, озиқ-овқатнинг йирик пакети, 100 доллар чегарасигача паст квартира ҳақи каби қўшимча имтиёзларга эга.

ГФРда янги пенсия тизими 1992 йилнинг 1 январидан жорий этилган. Бошқа етакчи хорижий мамлакатлар сингари бу ерда ҳам пенсиянинг миқдори ўртача иш ҳақи ва тўланган суғурта бадалларнинг миқдorigа боғлиқ. Бу ерда давлат пенсия таъминоти тизими етакчи рол ўйнайди.

Италияда пенсия ислоҳоти 1995 йилда ўтказилган. Унга мувофиқ ўзгарувчан пенсия ёши жорий этилган.

Испанияда расмий равишдаги пенсия ёши 65 йил бўлса-да, ҳақиқатда унинг даражаси 63 йилга тенг. Чунки испанларнинг 70%и қонунда кўзда тутилган муддатдан олдинроқ пенсияга чиқади.

Пенсия таъминоти харажатлари ЯИМга нисбатан Испанияда -7,5%, Австрияда - 14,8%, Францияда – 11,8%, ГФРда - 10,8%, Буюк Британияда – 9,5%ни ташкил этади.

Давлат корхоналари молияси етакчи хорижий давлатлар молия тизимининг бўғинларидан бири ҳисобланади. Бу корхоналар Ғарбий Европа мамлакатларида Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ва 1945-1950 йилларда темир йўл ва ҳаво

транспорти, энергетика тармоғи ва бошқа тармоқлар корхоналарининг миллийлаш-тирилиши муносабати билан анча ривожлана бошлади. Ўша пайтларда бу тармоқлар техникавий жиҳатдан ўта қолоқ ва норақобатбардошли эди. Уларни қайта қуроллантириш жуда катта миқдордаги маблағларни талаб этдики, бу маблағлар Давлат бюджети, яъни солиқ тўловчилар ҳисобидан ажратилди. Бу тармоқлар модернизация қилинганлиги ва техникавий жиҳатдан илғор бўлишига қарамасдан, молиявий жиҳатдан, улар ҳамон паст рентабелли ёки зарарга (зиёнга) ишлайдиган бўлиб қолаверишди. Давлат корхоналари молиявий ҳолати оғирлигининг асосий сабабчиси улар маҳсулотларига нисбатан паст баҳолар сиёсатининг юргизилаётганлигидир.

Ўтган асрнинг 80-йилларида етакчи хорижий мамлакатлар ҳукмрон доираларининг янги иқтисодий ва молиявий сиёсатига кўра кўпгина давлат тармоқлари ва корхоналари хусусийлаштирилди ва бу нарса давлат мулкининг миқдорини кескин камайтирди.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Молия тизими деб нимага айтилади ва унга нисбатан қандай таърифларни бериш мумкин?
- Молия тизими, дастлаб, қандай соҳаларга бўлинади?
- Давлат молияси ва маҳаллий молия қандай бўғинлардан ташкил топиши мумкин?
- Хўжалик юритувчи субъектлар молияси қандай бўғинлардан иборат?
- Молия тизими “Давлат молияси ва маҳаллий молия” соҳасининг алоҳида бўғини сифатида Давлат бюджети ўз ичига нималарни олади?
- Ҳозирги шароитда Давлат бюджети ўз олдида турган қандай муаммоларни ҳал этиши керак?
- Маблағлардан фойдаланишнинг мақсадли йўналтирилганлиги белгиси бўйича давлат мақсадли фондларини қандай икки гуруҳга бирлаштириш мумкин?
- Давлат мақсадли фондлари молия тизими “Давлат молияси ва маҳаллий молия” соҳасининг алоҳида бўғини сифатида қандай фондлардан иборат бўлиши мумкин?

- Нега давлат кредити молия тизими “Давлат молияси ва маҳаллий молия” соҳасининг ўзига хос бўғини ҳисобланади ва унга тегишли бўлган хусусиятлар нималардан иборат?
- Хўжалик юритувчи субъектлар молияси молия тизимининг мустақил соҳаси сифатида қандай бўғинлардан ташкил топган?
- Нотижорат асосда хўжалик юритишнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
- Нотижорат ташкилотлари фаолиятининг молиявий манбаларини қандай асосий гуруҳга ажратиш мумкин?
- Нотижорат секторни давлат томонидан тўғридан-тўғри (бевосита) қўллаб-қувватлашнинг қандай асосий шакллари мавжуд?
- Нотижорат секторни эгри (билвосита) молиялаштиришнинг асосий кўринишлари нималардан иборат?
- Ривожланган хорижий мамлакатларнинг давлат молия тизими молиявий муносабатларнинг қандай бўғинларидан иборат?
- Унитар (ягона) давлатларда бюджет тизими қандай бўғинлардан ташкил топади?
- Федератив давлатларда бюджет тизими қандай бўғинлардан таркиб топган?
- Етакчи хорижий мамлакатлар давлат молия тизимининг муҳим бўғинлари сифатида Давлат бюджети, давлат кредити, нобюджет фондлар ва давлат корпорациялари молияси қандай характерли хусусиятларга эга?

4-боб. Молиявий бошқарув

4.1. Молиявий бошқарувнинг мазмун-моҳияти

“Бошқарув” атамаси умумий тарзда объектни ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида унга онгли равишда таъсир кўрсатишни англатади. Молия тизими доирасида молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ҳар доим маълум бир мақсадларга эришишга йўналтирилган бўлади. Бу нарса маълум бир тарзда бошқарув схемасини ташкил этишни тақазо этади. Шу маънода ва энг умумий кўринишда бошқарув субъектининг бошқарув объектига мақсадга йўналтирилган таъсири бошқарув дейилади.

Давлат жамиятнинг социал-иқтисодий тараққиёти учун зарур бўлган молиявий ресурсларни соғломлаштиришга (нормаллаштиришга) қаратилган муносабатлар тизимини такомиллаштириши ва бу ресурсларнинг самарали ҳамда оқилона фойдаланиши устидан назоратни амалга ошириши керак. Ана шу вазифани (муаммони) бажариш (ечиш) молиявий бошқарувнинг зиммасига юклатилган.

Молиявий бошқарув мураккаб жараён бўлиб, бошқариладиган (объектлар) ва бошқарувчи (субъектлар) тизимларнинг ягоналигидан иборатдир. Бошқарувчи тизим, бу ерда молиявий институтларнинг (ташкилотларнинг) тўпламидан (мажмуидан) иборат бўлган молия тизимини назарда тутса, бошқариладиган тизим эса пул муносабатлари тўпламидан (мажмуидан) иборат бўлган молия тизимини ўз ичига олади. Бунда молиявий бошқарув жараёни бир хил тарзда бўлмасдан, у бир томондан, фақат объектларни бошқаришни эмас, балки иккинчи томондан, бошқарув субъектларини ташкил қилишни ва улар фаолиятини такомиллаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Молиявий бошқарувнинг объекти сифатида молиявий муносабатларнинг турли кўринишлари, шу жумладан, давлатнинг социал тузуми (тузилиши), мамлакатдаги сиёсий кучларнинг жойлашиши (нисбати) ва қайта тақсимлаш жараёнларига таъсир кўрсатадиган бошқа омиллар билан

белгиланадиган ўзига хос бўлган молиявий муносабатлар майдонга чиқади. Давлат молияси, маҳаллий молия ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясида молиявий бошқарувнинг субъекти бўлиб молиявий аппарат деб номланувчи махсус хизматлар ҳисобланади.

Давлатнинг хўжалик юритувчи субъектлар ва уй хўжаликлари билан молиявий муносабатлар соҳасидаги ўзаро муносабатлари солиқ тизими, кредит муносабатларини регламентация қилиш (тартибга солиш), молия бозорини тартибга солиш, давлатнинг қўллаб-қувватлаш тизими, пенсия таъминоти тизими, ишловчи аҳолининг даромадларини тартибга солиш механизми ва ҳ.к.лар орқали амалга оширилади.

Молиявий бошқарувнинг мақсади макроиқтисодий мувозанатда, бюджет профицитида, давлат қарзининг камайишида, миллий валютанинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигида ва ниҳоят, давлат ва жамият барча аъзолари иқтисодий манфаатларининг ягоналигида (муштараклигида) намоён бўладиган молиявий барқарорлик ва молиявий мустақилликни таъминлашдир. Шунга монанд равишда унинг асосий методологик принциплари қуйидагилардан иборат:

- пировард мақсадга боғлиқлик;
- хўжалик барча тармоқларининг макроиқтисодий мувозанатлилиги;
- жамият барча аъзоларининг манфаатларига мос келиш;
- иқтисодий қонунлардан фойдаланиш;
- реал имкониятлар асосида ички ва ташқи иқтисодий шароитларни ҳисобга олиш.

Молиявий бошқарувнинг конкрет методлари ва шакллари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- молиявий режалаштириш;
- башоратлаш (прогноزلаштириш);
- дастурлаштириш;
- молиявий тартибга солиш;
- молиявий назорат;
- молиявий қонунларни (қонунчиликни) қабул қилиш;
- молиявий ресурсларни жалб қилиш методлари тизими.

Энг умумий кўринишда молиявий бошқарув тизимини 4.1.1-чизмадагидек тасаввур қилиш мумкин.



4.1.1-чизма. Молиявий бошқарув тизими.

4.2. Молиявий бошқарув органлари ва уларнинг вазифалари

Молия тизимини умумий бошқариш мамлакатнинг олий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан амалга оширилади. Умумдавлат миқёсида молиявий бошқарув тизими қуйидаги бошқарув органларидан ташкил топиши мумкин:

- Президент ва Президент девони;
- Олий Мажлис ва молия, бюджет, солиқ ва банк масалалари бўйича Олий Мажлис ҳар икки палатасининг тегишли қўмиталари;
- Вазирлар Маҳкамаси;
- Ҳисоб палатаси;
- Молия вазирлиги ва унинг қуйи (жойлардаги), жумладан, Ғазначилик тизими органлари;
- Марказий банк;
- Давлат солиқ қўмитаси;
- Давлат божхона қўмитаси;
- Давлат мулк қўмитаси;
- Қимматли қоғозлар бўйича комиссия;
- Нобюджет фондларнинг ижроия дирекциялари
- ва бошқалар.

Мамлакат Президенти (Президент девони) молия тизимининг фаолиятини регламентация қилади (тартибга солади), мамлакат бюджетини имзолайди, Парламент томонидан қабул қилинган молиявий қонунларга “вето” қўйиш ҳуқуқига эга.

Икки палатадан (Сенат ва Қонунчилик) иборат бўлган Олий мажлис солиқлар, йиғимлар, носолиқли тўловларни белгилайди (ўрнатади), Давлат бюджетини кўриб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек, Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳам тасдиқлайди, молиявий қонунларни (масалан, Солиқ кодекси ва бошқалар) қабул қилади. Бир вақтнинг ўзида давлат ички ва ташқи қарзининг тегишли (чегаравий) даражасини белгилаш (ўрнатиш) ҳам Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Молиявий бошқарувнинг умумий бошқарув органи сифатида Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетини кўриб чиқади, молиявий бошқарувнинг ягона умумий маркази сифатида майдонда гавдаланади.

Давлат молиявий назорат органи сифатида Ҳисоб палатаси молиявий бошқарувга оид қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ҳажми ва мақсадга мўлжалланганлиги бўйича Давлат бюджети ва нобюджет фондлари даромадлар ва харажатларининг ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш;

- давлат маблағларининг сарфланиш ва давлат мулкидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини аниқлаш;

- Давлат бюджети ва нобюджет фондларни шакллантириш ва улардан фойдаланишга таъсир кўрсатадиган ёки харажатларнинг Давлат бюджети ҳисобидан қопланишини кўзда тутаётган давлат ҳокимиятининг қонунлари ва норматив-ҳуқуқий актларини молиявий экспертиза қилиш;

- Давлат бюджетининг ижроси ва амалга оширилаётган назорат тадбирларининг натижалари тўғрисида Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига доимий равишда маълумотларни тақдим этиш;

- ва бошқалар.

Молиявий бошқарувнинг марказий органи Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари ҳисобланади. У мамлакат миқёсида ягона молиявий, бюджет, солиқ ва валюта сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди. Молия вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ягона давлат молия сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

- Давлат бюджетининг лойиҳасини тузиш ва унинг ижросини таъминлаш;

- бюджет маблағлари ва нобюджет фондлар маблағларининг оқилона ва мақсадли ишлатилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш;

- давлат молиясининг барқарорлигини таъминлаш ва молиявий бозорни ривожлантиришга оид чора-тадбирларни кўриш;
- мамлакатнинг бюджет тизимини такомиллаштириш, бу борада тегишли таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш чораларини кўриш;
- мамлакат социал-иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишларига молиявий ресурсларни концентрация қилиш (тўплаш);
- Давлат бюджети ва жамланма (консолидациялаштирилган) бюджетнинг ижроси ҳақида ҳисоботни тайёрлаш;
- давлат томонидан қарзларни олиш дастурини ишлаб чиқиш ва давлатнинг ички ва ташқи қарзларини бошқариш;
- узоқ, ўрта ва қисқа муддатли истиқболга мўлжалланган мамлакат тараққиётининг социал-иқтисодий башоратларини ишлаб чиқишга иштирок этиш;
- иқтисодиётни молиявий соғломлаштириш ва уни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, мамлакатдаги товар ишлаб чиқарувчилар, ишлар ва хизматларни бажарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ва қўллаб-қувватловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда қатнашиш;
- мамлакатдаги пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари, иқтисодиётдаги ҳисоб-китоблар ва тўловларнинг аҳволини яхшилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- фаол инвестицион сиёсатни шакллантириш ва уни амалга оширишга йўналтирилган чораларни ишлаб чиқиш, давлат инвестиция дастурлари ва мамлакат Тараққиёт бюджетини ишлаб чиқиш ва молиялаштиришга қатнашиш;
- молиявий режалаштириш ва миллий хўжаликни молиялаштириш соҳаларида методик (услугий) раҳбарликни амалга ошириш;
- мамлакат молиявий ресурслар балансини ишлаб чиқишда (Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда) фаол иштирок этиш;

- молиявий интизом бузилганда молиялаштиришни чеклаш ёки умуман тўхтатиб қўйиш;

- ва бошқалар.

Ҳозирги пайтда Молия вазирлигининг марказий аппаратида қуйидаги бош бошқармалар ва бошқармалар бўлиши мумкин:

- давлат бюджети бош бошқармаси;
- валюта активлари ва мажбуриятлари бош бошқармаси;
- ҳудудлар молияси бош бошқармаси;
- агросаноат мажмуини молиявий тартибга солиш бош бошқармаси;
- ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш бош бошқармаси;
- назорат-тафтиш бош бошқармаси;
- инвестициялар бошқармаси;
- истеъмол бозори ва хизмат кўрсатиш соҳаларини молиявий ҳамда нарх орқали тартибга солиш бошқармаси;
- бошқарув органларини молиялаштириш бошқармаси;
- солиқ сиёсати бошқармаси;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиёти бошқармаси;
- қимматли қоғозлар ва молия бозори бошқармаси;
- молия институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси;
- саноатнинг базавий тармоқлари ва ёқилғи-энергетика мажмуи молияси бошқармаси;
- мудофаа мажмуи, ҳуқуқ-тартибот органлари ва бошқа соҳаларни молиялаштириш бошқармаси;
- ва бошқалар.

Молия вазирлигининг муҳим бўлинмаси Ғазначилик тизими бўлиб, у давлат бюджетининг касса ижросини таъминлашда масъулдир. Молиявий бошқарувга бевосита дахлдор бўлган Ғазначилик тизимининг асосий вазифалари таркибига қуйидагилар киради:

- мамлакат бюджетининг ижросини ташкил қилиш, амалга ошириш ва назорат қилиш;
- кассанинг ягоналиги принциpidан келиб чиқиб, Ғазначиликнинг банкдаги ҳисоб варақларида бўлган бюджет даромадлари ва харажатларини бошқариш;

- давлат нобюджет фондларининг молиявий ижросини таъминлаш;
- давлат молиявий ресурсларининг ҳажмларини қисқа муддатли башоратлаш ва уларни оператив бошқариш;
- Марказий банк билан биргалиқда давлатнинг ички ва ташқи қарзларини бошқариш ва унга хизмат қилиш (кўрсатиш);
- бюджет бўйича ҳукуматнинг молиявий операциялари тўғрисида ва шунингдек, мамлакат бюджет тизимининг аҳволи тўғрисида қонунчилик ва ижроия органларига ҳисоботни тақдим этиш;
- ва бошқалар.

Мамлакатнинг Марказий банки молиявий сиёсат ва унинг таркибий қисми бўлган пул-кредит сиёсатини амалга оширишда муҳим роль ўйнаб, у Хазиначилик тизими органлари билан биргалиқда бюджетнинг касса ижросини таъминлайди ва бошқа кредит институтларининг фаолиятини назорат қилади.

Молиявий бошқарув тизимида Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари ҳам муҳим роль ўйнаб, улар ёрдамида солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, уларнинг тегишли бюджет фондларига тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилиши устидан назорат амалга оширилади. Шунга мувофиқ равишда молиявий бошқарувга оид Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари қуйидаги вазифаларни бажаради:

- бюджетга ва нобюджет фондларга солиқлар, йиғимлар ва тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилиши масалалари бўйича молиявий қонунчиликка қай даражада риоя этилаётганлигини назорат қилиш;
- солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш ва уларни текшириш;
- молия органларига ва хазиначиликка солиқлар ва бошқа тўловларнинг ҳақиқатдаги тушумлари тўғрисида ҳар ойда маълумот тақдим этиш;
- ортиқча тўланган солиқ суммаларини ва солиқ тўловчилардан нотўғри ундирилган жарима ва пеняларни эгаларига қайтариш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш;
- ва бошқалар.

Давлат божхона қўмитаси ва унинг тегишли органлари молиявий бошқарув тизимида ўзига хос бўлган ўринга эга. Улар божхона божларининг ўз вақтида тушиши учун масъул ҳисобланади ва бу борада қуйидаги асосий вазифалар уларнинг зиммасига юклатилган:

- божхона органлари томонидан ундириладиган солиқлар бўйича солиқ текширувларини амалга ошириш;
- божхона органлари томонидан ундириладиган солиқларни ҳисоблаш ватўлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни текшириш;
- солиқ қонунчилигини бузганлиги ёки унга тўлиқ риоя қилмаганлиги учун солиқ тўловчиларнинг банкдаги операцияларини тўхтатиб туриш;
- солиқ қонунчилигида кўзда тутилган жарима ва боқимандаларни ундириш;
- ва бошқалар.

Ўз навбатида, Давлат мулки қўмитаси молиявий бошқарувга оид носолиқли характерга эга бўлган даромадларни (ижара ҳақи, давлат мулкани сотишдан келадиган даромадлар ва бошқаларни) олиш мақсадида давлат мулкани бошқаришни ташкил қилади.

Қимматли қоғозлар бўйича комиссия фонд бозори иштирокчиларининг фаолиятини назорат қилиб, бюджет фондига тушувчи тушумларнинг ортишига ўз таъсирини кўрсатади.

4.3. Молиявий оқимларни бошқариш

Корхоналарнинг жамғармалари, даромадлари ҳамда марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган молиявий ресурслар фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги пул маблағларининг миқдорий ва сифат жиҳатидан ҳаракатига молиявий оқим дейилади. Молиявий оқимларнинг ҳажми улар асосида шаклланиши лозим бўлган молиявий ресурслар фондларининг ўлчамига боғлиқ. Мамлакатнинг иқтисодий (молиявий) қудрати қанча кучли бўлса, унинг ўсишига хизмат қилувчи молиявий ресурслар фонди ва молиявий оқимлар ҳажми шунча катта (ҳажмли) бўлади.

Молиявий оқимларнинг сифат жиҳатдан тавсифномаси улар шакллантирувчи молиявий ресурслар фондининг нимага мўлжалланганлиги билан бевосита боғлиқ. Масалан, солиқли молиявий оқим билан корхонанинг тушумини шакллантирувчи молиявий оқим сифат жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Шунинг учун ҳам уларни бошқариш методлари ҳам турличадир. Ўзининг сифат мазмунига кўра қуйидагиларни фарқлаш мақсадга мувофиқ:

- бюджетли-солиқли молиявий оқимлар - барча даражалардаги бюджетларнинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнида вужудга келади;

- тижорат (тижорий) молиявий оқимлари – тадбиркорлик хўжалик субъектлари томонидан амалга оширилади;

- нобюджет молиявий оқимлар – нотижорат ташкилотларининг фондларини шакллантиради;

Молиявий оқимларни бошқаришнинг функциялари қуйидагилардан иборат:

- қонунчилик – Олий Мажлиснинг ваколатида;

- назоратчилик (тартибга солувчанлик) – Ҳисоб палатаси ва мамлакатнинг бошқа назорат органлари (Молия вазирлиги, солиқ ва божхона қўмиталари ва бошқалар) томонидан амалга оширилади;

- бошқарувчанлик – корхона ва корпорациялар, банклар, солиқ органлари, Ғазначилик аппарати ва Молия вазирлигининг ҳисоб-китоб-касса ва бошқа хизматларининг ваколатида;

- надзорчилик (назорат-кузатув) – корхоналарнинг молиявий жиҳатдан касодга учраганлиги тўғрисидаги ишларни кўрадиган ва бу ҳолда молиявий оқимлар устидан назоратни амалга оширувчи арбитражлик судлари томонидан бажарилади.

Молиявий оқимларни бошқариш бўйича юқоридаги органларнинг функциялари бир-бири билан қўшилиб кетиб, уларни ҳар доим ҳам ажратиб (алоҳида қилиб) бўлмайди.

Агар молиявий оқимлар молиявий ресурслар айланишининг қонуниятларига мувофиқ равишда, кўзда тутилган тартибда (режимда) ва режада акс эттирилган ҳажмда, ишлаб чиқариш ва социал вазифаларни самарали ечиш учун керак бўлган тарзда ва такрор ишлаб чиқариш

циклини пул маблағлари билан тўлиқ таъминлаш тарзида амал қилса, буларнинг барчаси, молиявий оқимларнинг самарали эканлигидан далолат беради.

Молиявий оқимларнинг самарадорлиги пул маблағларининг етарли бўлмаган ҳажмда ва ўз вақтида тушмаганлигида пасаяди. Молиявий оқимлар ритмининг бузилиши ресурсларнинг доиравий айланиши ва даромадларнинг олинишида узилишларнинг бўлишига, молиявий-иқтисодий фаолиятда кескин йўқотмаларнинг бўлишига олиб келади. Молиявий оқимнинг самарадорлигини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$K_c = X_{mo} : P_{mo}$$

Бу ерда: K_c – молиявий оқим самарадорлигининг коэффиценти;

X_{mo} – даврий коэффицентга ўзгартирилган (корректировка қилинган) ҳақиқатдаги молиявий оқим;

P_{mo} - режадаги молиявий оқим.

Молиявий оқимлар моддий ресурсларнинг учрашма ҳаракатини ўзида акс эттиради. Улар орқали иқтисодиётнинг макро- ва микродаражаларида (корхоналар, фирмалар, корпорациялар ва бошқаларда) мулкдан фойдаланишнинг ҳолати, динамикаси ва самарадорлиги назорат қилинади.

Тушумлар ва бошқа пул маблағларининг келиб тушишини (оқиб келишини) акс эттирадиган молиявий оқимлар ижобий оқимлар дейилади. Аксинча, пул маблағларининг оқиб кетишини характерлайдиган молиявий оқимлар салбий оқимлар дейилади. Корхонанинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш учун ижобий молиявий оқимлар салбий молиявий оқимлардан анча юқори бўлиши керак. Бундай шароитда корхонанинг ихтиёрида қолувчи пул маблағларининг ўлчамини акс эттирувчи соф молиявий оқимнинг бўлиши таъминланади. Соф молиявий оқим корхона молиявий салоҳиятининг ўсиш, улар даромадларининг капитализациялашуви даражасини

аниқлаш, инвестицион ва инновацион имкониятларининг манбаи бўлиб ҳисобланади.

Корхона ва корпорациялар соф молиявий оқимининг ўсиши улар рентабеллиги ва инвестицион самарадорлигини ошириш имкониятларини характерлайди ҳамда молиявий аҳволини мустаҳкамлашнинг муҳим шарт-шароити ҳисобланади.

Макродаражада молиявий аҳволни характерлайдиган қуйидаги бир неча кўрсаткичлар мавжуд:

- бир ишловчи тўғри келадиган ишлаб чиқарилган ЯИМнинг миқдори;
- инфляция даражаси ва динамикаси;
- давлат бюджетининг аҳволи (дефицит, профицит);
- олтин валюта захираларининг миқдори ва динамикаси.

Давлатнинг молиявий аҳволи мамлакат социал-иқтисодий комплекси фаолиятининг натижасидир.

Жаҳон тараққиёти тенденцияларининг кўрсатишича, ҳозирги шароитда давлат молиявий аҳволини мустаҳкамлашнинг асосий жорий ва истиқболдаги резерви ижтимоий интеллектнинг (социал капиталнинг) тўпланиши (жамғарилиши) ва уни иқтисодий ўсишнинг инновацион-инвестицион стратегиясида фойдаланиш жараёнида самарали моддийлаштириш ҳисобланади. Социал характердаги муаммоларни (маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқаларни) ҳал этиш, турмуш тарзининг (ҳаётнинг) сифат даражасини ошириш билан биргаликда, иқтисодий тараққиётнинг кучли омили ва бунинг оқибатида эса, мамлакат жорий ва истиқболдаги салоҳиятини мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир.

Давлат қарзларини ўз вақтида қайтариш (узиш) давлатнинг молиявий аҳволини кўрсатувчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Мураккаб молиявий вазиятда давлат дефолт, яъни бир томонлама тартибда қабул қилинган халқаро молия-кредит мажбуриятлардан бош тортиш эълон қилиши мумкин. Бир вақтнинг ўзида давлат қарзларини реструктуризация қилиш ва унинг қайтарилиш муддатлари бўйича кредиторлар билан мувофиқлаштирилган ҳолда чораларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш керак.

Корхоналар, фирмалар ва корпорациялар даражасида молиявий аҳвол тўловга қобиллилик билан, яъни бозор иқтисодиётининг бошқа субъектлари ва солиқ органлари олдида молиявий мажбуриятларини ўз вақтида узиш имконияти билан характерланади. Тўловга қобиллик бу корхона барча пул активлари (Па) ва тўлов муддати келган (ёки ўтган) молиявий мажбуриятлар (Мм) ўртасидаги нисбат демақдир. Соғлом ишлаётган корхоналар учун тўловга қобиллик коэффициенти (ТҚк) доимо бирдан юқори (катта) бўлиши керак:

$$ТҚк = \frac{Па}{Мм} > 1$$

Корхонанинг молиявий ҳолатини аниқлаш учун ликвидлилик, айланма активларнинг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик кўрсаткичи ва бошқа шу каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Маълум бир аниқ санада ва иқтиқболда корхона тўлов мажбуриятлари ва унинг молиявий имкониятлари ўлчамини баланслаштиришнинг асосий методи молиявий оқимлар бюджетидир (балансидир). У ўз ичига корхона ихтиёрига келиб тушадиган пул маблағлари ва корхона томонидан сарфланадиган пул маблағларини олади. Бу нарса доимий равишда корхона пул маблағларининг ҳаракатини назорат қилиш, улар динамикасини баҳолаш ва башоратлаш имконини беради. Ана шундай бюджет асосида корхонанинг тўловга қобиллигини бошқариш амалга оширилади.

Молиявий оқимлар бюджети бу корхона тўловга қобиллигининг кенгайтирилган коэффициенти, демақдир. Агар унинг чап томони (даромадлар қисми) ўнг томонига тенг ёки ундан катта бўлса, унда корхона тўловга қобилдир. Агар унинг ўнг томони (харажатлар қисми) чап томонидан ошса, у ҳолда корхона тўловга қобил эмас ҳисобланади. Молиявий оқимлар бюджети (баланси) пул маблағларининг тушилмалари ва уларнинг сарфланиш йўналишлари бўйича бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган режали-истиқболли ҳисоб-китоблар тизимидан иборат бўлиб, у бюджетлаштириш тизимига (сотувлар бюджети, тўғридан-тўғри (бевосита) ва

эгри (билвосита) харажатлар бюджети, инвестицион бюджет ва бошқалардан) асосланади.

Молиявий оқимларнинг миқдорий ва сифат тавсифномалари орқали корхонанинг фаолияти ифодаланади. Улар ишлаб чиқариш барча омиллари ҳаракатининг қийматдаги ифодасидан иборатдир. Менежментда сифат жиҳатдан фарқланувчи бошқарув тизими - корхонани молиявий бошқариш тизими шаклландики, бу нарса молиявий оқимлар орқали ишлаб чиқариш, маҳсулот реализацияси, ресурсларнинг айланувчанлиги, харажатлар, рентабеллик ва бошқа жараёнларнинг бошқарилишини кўзда тутади.

Молиявий оқимлар бюджети бу ҳақиқатда турли даврий муддатларда ҳисобланадиган корхонанинг молиявий режасидир. Турли даврлар учун (кунлик, декадалик, ойлик, чораклик, йиллик ва узоқ истиқболдаги) молиявий оқимларнинг башоратли бюджетларини тузиш корхонанинг тўловга қобиллик даражасини оширишга имкон беради ва келажакда унинг молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлайди.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Молиявий бошқарув деб нимага айтилади?
- Қандай вазифаларни (муаммоларни) бажариш (ечиш) молиявий бошқарувнинг зиммасига юклатилган?
- Молиявий бошқарувнинг объекти сифатида нималар майдонга чиқади?
- Нималар молиявий бошқарувнинг субъектлари ҳисобланади?
- Молиявий бошқарувнинг мақсади нималардан иборат?
- Молиявий бошқарувнинг асосий методологик принциплари нималардан иборат?
- Молиявий бошқарувнинг конкрет методлари ва шакллари таркибига нималар киради?
- Молиявий бошқарув тизими ўз ичига нималарни олади?
- Умумдавлат миқёсида молиявий бошқарув тизими қандай бошқарув органларидан ташкил топиши мумкин?

- Молиявий бошқарув органи сифатида мамлакат Президенти (Президент девони) қандай ҳуқуқларга эга?
- Молиявий бошқарувга оид Олий Мажлис қандай ваколатларга эга?
- Вазирлар Маҳкамасининг молиявий бошқарувга тегишли қандай ваколатлари мавжуд?
- Давлат молиявий назорат органи сифатида Ҳисоб палатаси молиявий бошқарувга оид қандай вазифаларни бажаради?
- Молиявий бошқарувга дахлдор Молия вазирлигининг асосий вазифалари нималардан иборат?
- Ҳозирги пайтда Молия вазирлигининг Марказий аппаратида қандай департаментлар бўлиши мумкин?
- Молиявий бошқарувга бевосита дахлдор бўлган Ҳазиначилик тизимининг асосий вазифалари таркибига нималар киради?
- Молиявий бошқарувга оид Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари қандай вазифаларни бажаради?
- Давлат божхона қўмитаси ва унинг тегишли органларига молиявий бошқарувга нисбатан қандай вазифалар юклатилган?
- Молиявий оқим деб нимага айтилади?
- Молиявий оқимларнинг ҳажми нималарга боғлиқ?
- Молиявий оқимларнинг қандай шакллари мавжуд?
- Молиявий оқимларни бошқаришнинг функциялари нималардан иборат?
- Молиявий оқимнинг самарадорлигини қандай аниқлаш мумкин?
- Ижобий ва салбий молиявий оқим деб нималарга айтилади?
- Соф молиявий оқим деганда нима тушунилади?
- Макродаражада молиявий аҳволни характерлайдиган қандай кўрсаткичлар мавжуд?
- Корхоналар учун тўловга қобиллик коэффициенти қандай аниқланади?
- Молиявий оқимлар бюджети (баланси) дейилганда нима тушунилади?

- Қачон корхона тўловга қобил ёки қобил эмас ҳисобланади?
- Молиявий оқимлар бюджети (баланси) нимага асосланади?
- Турли даврлар учун (кунлик, декадалик, ойлик, чораклик, йиллик ва узоқ истиқболдаги) молиявий оқимларнинг башоратли бюджетларини тузиш нималарга имкон беради ва нималарни таъминлайди?

5-боб. Молиявий режалаштириш ва тартибга солиш

5.1. Молиявий режалаштириш ва башоратлаш

Ҳар қандай социал-иқтисодий жараёнларни бошқариш тизимининг асосий босқичларидан бири режалаштиришдир¹². Иқтисодий адабиётларда, энг умумий шаклда, режалаштириш истиқболга йўналтирилган қарорларни қабул қилиш бўйича фаолият деб талқин қилинади.

“Режалаштириш” тушунчасининг маъно-мазмунини янада умумийроқ бўлган ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг объектив зарурлиги ва имкониятини англатувчи “режалилик” орқали аниқлаш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам режалаштириш амалиётда режалиликни амалга оширишни, яъни баланслилик (мувозанат) ва пропорционалликка (мутаносибликка) эришиш бўйича онгли фаолиятни билдиради. Шу маънода, молиявий ресурсларнинг баланслилигини (мувозанатини) ва пропорционалликни (мутаносиблигини) таъминлашга қаратилган фаолиятга молиявий режалаштириш дейилади.

Бунда баланслилик (мувозанат) давлатнинг ихтиёрида бўлган молиявий ресурслар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ихтиёрида (қўлида) қолган даромадлар ўртасидаги оптимал нисбатни билдиради. Пропорционаллик (мутаносиблик) эса корхоналар, хўжалик тармоқлари, минтақалар ва давлат субъектлари бўйича даромадларнинг

¹² Мамлакатимизда режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан айрим иқтисодчилар томонидан иқтисодиётда режалаштиришнинг (шу жумладан, молиявий режалаштиришнинг) роли бутунлай инкор этилмоқда. Бу нарсани бозор иқтисодиётининг режали иқтисодиётдан туб фарқ қилиши, ундаги муносабатлар режалаштирилмасдан, балки аксинча, стихияли равишда вужудга келиши ва ҳ.к.лар билан изоҳлашга ҳаракат қилинмоқда. Шу боисдан ҳам айрим дарслик ва ўқув қўлланмаларида режалаштириш (шу жумладан, молиявий режалаштириш) масалаларига ўрин берилмаяпти. Ушбу ўқув қўлланмаси муаллифларининг фикрича, бозор иқтисодиётининг, энг аввало, талаб ва таклифга асосланиши тегишли иқтисодий жараёнларнинг режалаштиришдан мутлақо воз кечилишини англатмайди. Аксинча, бозор иқтисодиётида ҳам режалаштириш (шу жумладан, молиявий режалаштириш ҳам) янгича маъно-мазмун касб этиб, социал-иқтисодий жараёнларни бошқарув тизимининг энг муҳим босқичи бўлиб қолаверади.

солиқ тўлангунча ва солиқ тўлангандан кейинги ўлчамлари (миқдорлари) ўртасидаги оқилона нисбатдан иборат. Ана шу нисбатни кўпайтириш ёки камайтириш орқали давлат уларнинг ривожланишини рағбатлантириш ёки чеклаб қўйиши мумкин.

Умумий ва оддий кўринишда, молиявий режалаштириш дейилганда молиявий режаларни тузиш ва амалга ошириш жараёни назарда тутилади. Молиявий режани, худди уни ишлаб чиқиш, яратиш ёки тузиш жараёни каби молиявий кўрсаткичларни ижодий таҳлил қилиш, умумлаштириш ва ўзаро боғлаш тизими сифатида қараш керак. Амалиётда тез-тез фойдаланиладиган режалаштириш маълумотларини, масалан, корхона фаолиятининг шаклий моделини ишлаб чиқиш ва шу асосда молиявий кўрсаткичларнинг режали тизимини аниқлашни, молиявий режалаштиришнинг ишчи схемаси сифатида қараш мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, молиявий режалаштириш жараёнида у ёки бу субъект фаолият кўрсатиши молиявий таъминланишининг ҳаётийчанлигини оширувчи ношаклий омиллар инobatга олиниши керак.

“Молиявий режалаштириш” тушунчаси ўз ичига қуйидагиларни олади:

- тараққиётнинг асосий тенденцияларини аниқлаш ва молиявий таҳлил қилиш;
- жалб қилинган маблағлар ва вақтинча бўш турган маблағларни жойлаштириш менежменти;
- фирма ичидаги молиявий натижалар ва пулларни режалаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш технологияси;
 - инвестицион менежмент;
 - капиталлар менежменти;
 - фаолиятнинг бошқа кўринишлари (траст, факторинг, лизинг ва бошқалар).

Қуйидагилар молиявий режалаштиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш, инвестицион ва молиявий фаолиятларни керакли бўлган молиявий ресурслар билан таъминлаш;

- пул маблағларидан иқтисод қилиб, тежаб-тергаб фойдаланиш ҳисобидан корхонанинг фойдасини ошириш бўйича ички резервларни қидириб топиш;
- капитални самарали жойлаштириш йўлларини аниқлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни баҳолаш;
- контрагентлар билан оптимал молиявий муносабатларни ўрнатиш;
- корхонанинг молиявий аҳволи, тўловга қобиллиги ва кредитга лаёқатлилиги устидан назорат ўрнатиш.

Бозор муносабатларига ўтилганига қадар молиявий режалаштиришнинг мазмуни корхоналарда соф оператив вазифаларни – марказлаштирилган иқтисодиёт амал қилганлиги учун етарли даражада формал бўлган корхоналарнинг беш йиллик молиявий режаларидаги кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, истиқболга мўлжалланган режаларнинг лойиҳасини баҳолаш, корхонанинг йиллик молиявий режаларини тузиш кабиларни ҳал этишга қаратилган эди. Бундай амалиётнинг ҳукм сурганлиги корхона молиявий хизматларининг обрўйига обрў қўшмас, чунки уларга ҳеч нарса боғлиқ эмас эди. Бозор иқтисодиётида молиявий хизматларнинг роли тубдан ўзгаради. Улар корхона ривожланишини фаол ва таъсирчан бошқаради ва бир вақтнинг ўзида, шу ривожланишнинг йўналиши ва сифатини назорат қилади.

Ҳозирги шароитдаги молиявий режалаштириш барча зарурий ҳаракатларни олдиндан кўзда тутишгина (кўра билишгина) эмас. Бу тегишли ишларни амалга ошириш жараёнида юзага чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай кутилмаган ҳолатларни кўра олиш қобилияти ҳамдир. Албатта, хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятидаги барча рискларга барҳам бераолмайди. Лекин у ана шу рискларни самарали олдиндан кўра билиш ёрдамида бошқариш имкониятига эга.

Молиявий режалаштириш амалиётида қуйидаги асосий методлардан фойдаланиш мумкин:

- иқтисодий таҳлил методи;
- норматив метод;
- балансли ҳисоб-китоблар ва пул оқимлари методи;
- кўп вариантлилиқ методи;

- иқтисодий-математик моделлаштириш методи;
- ва бошқа методлар.

Молиявий режалаштириш жараёнининг қуйидаги асосий босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий натижаларини тадқиқ этиш;
- оператив режаларнинг ўзгариши асосида молиявий ҳисоботларнинг башорат вариантларини ишлаб чиқиш;
- ўз режа топшириқларининг бажарилишини таъминлаш учун хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ресурсларга бўлган конкрет эҳтиёжларини аниқлаш;
- молиялаштириш манбалари (шу жумладан, ўз ва ташқи манбаларнинг) ва уларнинг таркибий тузилишини башоратлаш;
- хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқаришнинг тизимини яратиш ва уни ушлаб туриш (қўллаб-қувватлаш);
- шакллантирилган режаларни оператив ўзгартириш тартибини (процедурасини) ишлаб чиқиш.

Молиявий режалаштиришнинг икки тури бўлиши мумкин:

- стратегик молиявий режалаштириш;
- жорий молиявий режалаштириш.

Стратегик молиявий режалаштириш ўз ифодасини стратегик молиявий режаларда топадики, у ташқи ва ички муҳитда ўзгараётган хўжалик юритиш субъекти молиявий тараққиётининг кўп вариантли башоратидан иборатдир.

Стратегик молиявий режа, ҳеч бўлмаганда, қуйидаги саволларга аниқ жавоб бермоғи лозим:

- хўжалик юритувчи субъект учун талаб қилинадиган капиталнинг ўлчами қандай, у қайси манбалар ҳисобидан ва қандай муддатларда жалб қилинади?
- бу капиталдан қандай қилиб фойдаланилади?
- ўз кучига ишонган ҳолда хўжалик юритувчи субъект ривожланиши мумкинми? Агар йўқ бўлса, молиявий ресурсларни жалб қилишнинг манбалари қандай?
- хўжалик юритувчи субъект пул маблағлари тушуми, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ва инвестициялар даромадлигининг қандай даражаларига чиқиши мумкин ва қай муддатларда?

Ўз навбатида, жорий молиявий режалаштиришнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш, инвестицион, маркетинг, илмий-лойиҳавий ва қидирув фаолиятларини ҳамда социал лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий ресурсларнинг ҳажми ва уларнинг манбаларини аниқлаш;
- маҳсулотни (ишни, хизматни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш таннархини режалаштириш;
- пул оқимларини режалаштириш;
- бутун хўжалик юритувчи субъект доирасида фойдани режалаштириш (башоратлаш);
- инвестицияларнинг даромадлилигини режалаштириш.

Молиявий режалаштириш мамлакат миллий хўжалигини режалаштиришнинг таркибий қисми бўлиб, социал-иқтисодий ривожланиш режасининг кўрсаткичларига таянади, молия тизими барча органларининг фаолиятларини мувофиқлаштиришга (координация қилишга) йўналтирилади. Молия тизими алоҳида бўғинларининг нисбий мустақиллиги қуйидагиларни ўзида акс эттирувчи молиявий режаларнинг ишлаб чиқилиши зарурлигини белгилаб беради:

- пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш шакллари ва методларининг ўзига хослиги;
- молиявий ресурсларни тармоқлар ва ҳудудлар бўйича қайта тақсимлаш.

Молиявий режалаштиришнинг бош объекти режада ўзининг миқдорий ифодасини оладиган молиянинг бўғинлари (молиявий муносабатлар) ҳисобланади. Конкрет пул фондлари маблағларининг ҳаракати ягона тизимга бирлаштирилган тегишли молиявий режаларда ифодаланади ва мустаҳкамланади.

Молиявий режалар тизимининг марказини бюджет режаси эгаллайдики, унда бюджет фондининг ҳаракати, даромадлар ва харажатларни шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг шакллари ва методлари, даромад ва харажатларнинг таркибий тузилиши ва тузилмаси ўзининг миқдорий ифодасини топади.

Нобюджет фондларнинг ҳаракати, мос равишда, Пенсия фонди, Социал суғурта фонди, Мажбурий тиббиёт суғуртаси фонди, Йўл фонди, Аҳоли бандлиги давлат фонди

кабиларнинг молиявий режаларида (сметаларида), уларнинг даромадлари ва харажатларида ўз акс эттирилади. Уларнинг даромадлар қисмида юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбурий ва ихтиёрий бадаллари ифодаланади. Суғурта бадалларининг миқдори меҳнат ҳақига нисбатан фоизларда ўрнатилади. Нобюджет фондларга қисман бюджет маблағлари тушиши, маблағлар етишмаганда нобюджет фондлари бир-бирларидан қарзга маблағлар олиши мумкин. Шундай қилиб, нобюджет фондлари бир-бири ва бюджет фонди билан чамбарчас боғлиқдир.

Суғурта фонди бутун жамият, алоҳида минтақалар, ҳудудлар ва фуқаролар масштабдаги йўқотмаларни тиклаш учун керак бўлади. Барча ҳўжалик юритувчи субъектларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш учун суғурта фонди ҳам режали тарзда шакллантирилади ва ундан фойдаланилади. Бу ердаги молиявий режанинг даромадлар қисмида корхона, ташкилот ва алоҳида фуқароларнинг бадаллари, бошқа фондлардан (бюджет йўналишидаги) маблағларнинг тушиши, харажатлар қисмида эса табиий офатлардан кўрилган зарарларни қоплаш, суғурталанганларга суғурта тўланмалари суммасини тўлаш кабилар акс эттирилади. Суғурта фондини шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг режаси маблағларнинг янада самаралироқ фойланилишига имкон беради.

Молиявий режалаштиришнинг умумдавлат ва ҳудудий даражаларига истиқболдаги (истиқбол учун мўлжалланган) молиявий режалар, молиявий баланслар ва шунингдек, аҳоли даромадлари ва харажатлари ҳаракатининг балансини ишлаб чиқиш ва амалга оширишлар киради.

Истиқболдаги (истиқбол учун мўлжалланган) молиявий режалаштириш иқтисодий ва социал тараққиёт ҳамда молиявий сиёсатни мувофиқлаштиришни (координация қилишни) таъминлаш, шунингдек ишлаб чиқиладиган ислохотлар, дастурлар ва қонунларнинг молиявий оқибатларини комплекс тарзда башоратлаш, узоқ муддатли салбий тенденцияларни кузатиш ва уларга нисбатан тегишли чораларни ўз вақтида қабул қилиш мақсадларида амалга оширилади.

Одатда, истиқболдаги (истиқбол учун мўлжалланган) молиявий режалар навбатдаги уч йил учун ишлаб чиқилиб, унинг биринчи йили учун бюджет тузилади, навбатдаги икки йил режа даври ҳисобланиб, улар давомида эълон қилинган иқтисодий сиёсатнинг ҳақиқий натижалари кузатилади. Истиқболдаги (истиқбол учун мўлжалланган) молиявий режалар мамлакат, унинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари социал-иқтисодий ривожлани-шининг аниқлаштирилган ўрта муддатли башоратининг кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда ҳар йили ўзгартирилиши (корректировка қилиниши) мумкин. Режа даври эса, бунда яна бир йил олдинга сурилади.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг пропорционаллиги ва баланслилигини таъминлашда, пул муомаласини тартибга солишда давлатнинг йиғма молиявий баланси (молиявий ресурслар баланси) ва ҳар бир маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг даромадлар ва харажатлар баланси муҳим ўринни эгаллайди. Давлатнинг йиғма молиявий баланси (молиявий ресурслар баланси) мамлакат, унинг субъектлари, маҳаллий-ҳудудий тузилмалари ва маълум ҳудудда фаолият кўрсатаётган барча хўжалик юритувчи субъектларнинг барча даромадлари ва харажатларининг жамидан иборатдир. У ўтган йилги давлатнинг ҳисобот йиғма молиявий баланси (ҳисобот молиявий ресурслар баланси) асосида ва мамлакат социал-иқтисодий тараққиётининг башорат кўрсаткичларига мувофиқ равишда тузилади ҳамда улар бюджет лойиҳаларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

Бу молиявий режалар (ҳужжатлар) Молия вазирлиги ва молия тизимининг бошқа бўлинмалари фаол иштирокида Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади. Балансда бюджет фонди, нобюджет фондлар, суғурта фонди, кредит фонди, корхона ва ташкилотларнинг пул фондлари ва ниҳоят, фуқароларнинг пул маблағлари таркибида режалаштири-лаётган ресурсларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш акс эттирилади. Молиявий режалаштиришнинг баланс методи мамлакат, унинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари ва маҳаллий маъмуриятлари масштабда молиявий ресурслар дефицитини аниқлашга, барча хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида маблағларни самарали ва асосли қайта

тақсимлашга имкон беради. Давлатнинг йиғма молиявий баланси (молиявий ресурслар баланси) мавжуд барча молиявий режаларни ягона тизимга бирлаштиради. Унинг кўрсаткичлари бюджет ва кредит режаларини, шунингдек бошқа молиявий режаларни тузишда асос сифатида қабул қилинади.

Бошқа бир синтетик баланс – аҳоли даромадлари ва харажатларининг баланси - давлатнинг йиғма молиявий баланси (молиявий ресурслар баланси) бевосита боғлангандир. Унда нақд пулли ва нақд пулсиз шакллардаги аҳоли пул ресурсларининг ҳаракати ўз ифодасини топади. Балансда акс эттирилаётган аҳолининг пул даромадлари ўзининг манбасига кўра қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

- иш ҳақи ва иш ҳақиға устамалар, мукофотлар, сафар харажатлари учун мўлжалланган маблағлар, ёлланма ишчиларга (ходимларга) иш берувчи томонидан амалга ошириладиган социал характердаги тўланмалар;
- тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар, корхоналарнинг фойдасига иштирок этиш, шахсий мулк билан операциялар ва молия-кредит операцияларидан олиннадиган даромадлар;
- социал трансфертлар - давлат пенсиялари, нафақалар, стипендиялар ва шунга ўхшашлар.

Худди шунингдек, балансда акс эттирилаётган аҳолининг пул харажатлари ҳам қуйидаги гуруҳлардан иборат бўлади:

- истеъмол харажатлари;
- солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва ихтиёрий бадаллар;
- пул тўпланмалари ва жамғармалар.

Молиявий режа ҳисобланган ушбу баланс аҳолининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги пропорцияни аниқлайди, меҳнат ҳақи ва пенсия таъминотининг ўсганлиги, товарлар таклифи ҳажмининг ошганлигини ифодалайди. Шуларга мувофиқ равишда, аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси нақд пулли пул айланмаси, чакана товар айланмаси, солиқ тушумлари, кредит ресурсларини режалаштириш учун муҳим роль ўйнайди. Бу баланс Молия вазирлиги, Марказий банк ва молия тизимининг бошқа

органлари иштирокида Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади.

Маълум бир муддатни қамраб олишига қараб, молиявий режалар қуйида икки гуруҳга бўлиниши мумкин:

- узоқ муддатли молиявий режалар;
- қисқа муддатли молиявий режалар.

Узоқ ва қисқа муддатли молиявий режалар бир-бирларидан нафақат ўзининг қамраб олиш горизонти бўйича, балки режалаштириш мақсадларига кўра ҳам фарқланади. Агар узоқ муддатли молиявий режаларнинг (режалаштиришнинг) бош мақсади молиявий барқарорлик нуқтаи-назаридан фирма кенгайишининг йўл қўйилиши мумкин бўлган суръатларини аниқлаш бўлса, қисқа муддатли молиявий режаларнинг (режалаштиришнинг) бош мақсади фирманинг доимий тўловга қобиллигини таъминлашдан иборатдир.

Алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий режаси унга тегишли бўлган бизнес-режанинг таркибий қисми ҳисобланади. Унда маркетинг, оператив фаолият, мулкка эгаллик ҳуқуқи ва корхона фаолият кўрсатишининг бошқа йўналишлари (аспектлари) қиймат кўрсаткичларида ифодаланади. Молиявий режа корхона бутун фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашнинг инструменти сифатида майдонга чиқади ва бир вақтнинг ўзида, шу фаолиятнинг молиявий натижаларини характерлайди. Бизнес-режанинг таркибида молиявий режа қуйидаги йўналишлар бўйича ишлаб чиқилади:

- бозорларни ва кўзда тутилаётган сотувлар ҳажмини ўзлаштиришнинг лойиҳавий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;
- таннархнинг турли кўринишларини (тўлиқ, ишлаб чиқариш, тўғри ва бошқалар) ҳисоб-китоб қилиш. Бу ерда маркетинг тадқиқотлари, реклама, бозорларни ўзлаштириш харажатларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади;
- пул маблағларининг йиллик оқимини лойиҳалаштириш ва молиявий натижаларни аниқлаш. Бу тушумларнинг келиб тушиши, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ўзгариши, молиқ тўловларини оптималлаштириш ва бошқалар бўйича динамикаларнинг башорат қилинишини тақоза этади. Шу ернинг ўзида фойдага оид ҳисоб-китоблар корхонанинг жорий

истиқболдаги салоҳияти билан, шунингдек бизнес-режанинг бошқа бўлимларида аниқланадиган чекланмалар билан мувофиқлаштирилиши керак;

- зарурий инвестицияларнинг ҳажми, ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича молиявий ресурсларнинг ҳажми, уларнинг самарадорлиги ва фойдага таъсирини аниқлаш;
- ва бошқалар.

Умуман олганда, молиявий режаларнинг кўрсаткичлари давлатнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш учун бошланғич материал ҳисобланади, истиқболдаги (истиқбол учун) режалаштиришнинг информацион асоси бўлиб хизмат қилади. Молиявий режалар тизими молиявий ресурслар манбаларининг (жисмоний ва юридик шахслар даромадлари) таркибий тузилишидаги ўзгаришларнинг объектив равишда ўзаро боғлиқлиги ва узоқ муддатли тенденцияларини, шунингдек келажакда бу тенденциялар ривожланишини таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларни аниқлашга имкон беради.

Молиявий режалаштиришни молиявий башоратлашсиз тасаввур этиб бўлмайди. У ёки бу давр мобайнида давлатнинг мумкин бўлган молиявий аҳволини (ҳолатини) олдиндан кўра билиш ва молиявий режаларнинг кўрсаткичларини асослашга молиявий башоратлаш дейилади. Назария ва амалиётда молиявий башоратлаш иккига ажратилади:

- ўрта муддатли (5-10 йиллик) молиявий башоратлаш;
- узоқ муддатли (10 йилдан ортиқ) молиявий башоратлаш.

Молиявий башоратлаш молиявий режаларни тузиш босқичидан олдин содир бўлади. Унда жамиятнинг маълум бир даврдаги тараққиётига бағишланган молиявий сиёсатнинг концепцияси ишлаб чиқилади. Молиявий башоратлашнинг бош мақсади башоратланаётган даврда ҳақиқатда мавжуд бўлиши мумкин бўлган молиявий ресурсларнинг реал ҳажми, уларни шакллантириш манбалари ва улардан фойдаланишни аниқлашдан иборат. Молиявий башоратлар молия тизими органларига молия тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг, молиявий сиёсатни амалга ошириш шакллари ва методларининг турли-туман вариантларини белгилашга имкон беради. Шу маънода, молиявий

башоратлар молиявий сиёсатни ишлаб чиқишнинг зарурий элементи ва бир вақтнинг ўзида муҳим босқичи бўлиб ҳисобланади. Улар ёрдамида молия тизимининг барча субъектлари олдида турган социал-иқтисодий вазифаларни ечишнинг (ҳал қилишнинг) турли сценариялари ишлаб чиқилади.

Молиявий башоратлаш турли методларнинг қўлланилишини тақоза этади. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- иқтисодий жараёнларни аниқлайдиган омилларга боғлиқ равишда молиявий режа кўрсаткичларининг динамикасини характерлайдиган эконометрик моделни қуриш (яратиш);
- корреляцион-регрессион таҳлил;
- бевосита экспертли баҳолаш методи.

Асосида аниқ шакллантирилган мақсад ва унга эришишнинг воситалари ётган дастурли-мақсадли ёндашувдан фойдаланадиган молиявий режалаштиришнинг методи сифатида молиявий дастурлаштириш қуйидагиларнинг бўлишини кўзда тутди:

- йўналишлар бўйича давлат харажатларининг устуворларини белгилаш (ўрнатиш);
- давлат маблағлари сарфланишининг самарадорлигини ошириш;
- муқобил вариантнинг танланишига мувофиқ равишда молиялаштиришни тўхтатиш.

Дастур вариантнинг танланиши, энг аввало, иқтисодий омилларга (ресурсларга) боғлиқ. Бунда фақат мақсадга эришишнинг масшаби, аҳамияти ва мураккаблиги эмас, балки мавжуд захираларнинг ҳажми, кутилаётган жами самара, мақсадга эришилмаганда потенциал йўқотмалар ҳам ҳисобга олинади. Молиявий сиёсат соҳасидаги узоқ ва қисқа муддали мақсадлар ва чораларни мувофиқлаштиришнинг муҳим методи сифатида дастурлаштиришдан молиявий режалаштиришнинг ҳозирги амалиётида фаол фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Молиявий дастурлаштириш ривожланган мамлакатларда ўтган асрнинг 60-йиллариданоқ фойдаланиб келинаяпти. Унинг асосий моҳияти беш йиллик “ўзгариб турадиган” харажатлар режасини тузиш билан белгиланади. Ҳар йили

жорий йил режаси кўрсаткичларининг кутилаётган ижроси асосида режа ўзгартирилади (корректировка қилинади). Бунда кўрсаткичлар беш йиллик шкала бўйича бир йил олдинга (ҳисобот йилидан кейинги йилга) “кўчирилади”. Олдинда турган биринчи йилнинг режа кўрсаткичлари директив (мажбурий), кейинги тўрт йиллик кўрсаткичлар эса мўлжалли (ориентировкали) характерга эга ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда дунёнинг жуда кўп мамлакатларида ишлаб чиқариш мақсадларига, ресурслар ва ижрочилар бўйича балансликка йўналтирилган илмий-тадқиқот, ташкилий-хўжалик ва бошқа тадбирлар тизимидан иборат бўлган мақсадли комплексли дастурлардан кенг фойдаланилмоқда.

5.2. Социал-иқтисодий жараёнларни молиявий тартибга солиш

Замонавий иқтисодий дунё - бу аралаш иқтисодиёт дунёси. Ана шу қоида ўзига хос аксиома ҳисобланиб, у “мумтоз” либерализмнинг энг ашаддий тарафдорлари томонидан ҳам инкор этилмаслиги керак. Дунёнинг ҳеч бир ривожланган мамлакатида жамият устидан бозорнинг “абсолют монархия”си мавжуд эмас ва шубҳасиз, ҳеч қачон бўлмайди ҳам. Шундай бўлишига қарамасдан, барча бозор қонунларининг ҳаракати объектив бўлиб, уларни бекор қилиш мумкин эмас. Худди шунингдек, бозор институтлари “номенклатура”сининг кенгайиши, улар ўртасидаги алоқаларнинг мураккаблашуви, янги тизимларнинг (эволюция ёки тараққиёт қонунларига мувофиқ равишда) шаклланишини ҳам рад этиб бўлмайди. Социал-иқтисодий жараёнларга давлатнинг таъсири қуйидаги мақсадлар учун зарур:

- ҳаётий фаолиятнинг умумий шароитларини ва иқтисодий қарорларнинг амалга оширилиш асосларини таъминлаш (бутун жамиятнинг хавфсизлигини таъминлаш, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ҳимоялашга ва шахснинг эркин ривожланишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий режимни (тартибни) ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаб туриш, самарали рақобатни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш давлатга керак);

- барқарорлаштирувчи тадбирларни амалга ошириш (давлат иқтисодий ўсишнинг суръатларини, инфляция ва бандлик даражасини тартибга солиб туриши, иқтисодиётнинг тармоқ ва минтақавий тузилмасидаги прогрессив (ижобий) ўзгаришларни рағбатлантириши, ташқи иқтисодий мувозанатни ва миллий валютанинг курсини қўллаб-қувватлаши лозим);

- ресурсларнинг социал йўналтирилган қайта тақсимланишини амалга ошириш (давлат жамиятга керак бўладиган, лекин у билан хусусий сектор шуғулланмайдиган ишлаб чиқаришни ташкил қилиши, иш ҳақи, пенсиялар, нафақаларнинг минимал даражасини кафолатлаши, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга ёрдам бериши, қатъийлаштирилган (фиксация қилинган) даромадларнинг индексациясини амалга ошириши зарур).

Ривожланган ҳар қандай давлат йирик мулкка – мамлакат миллий бойлигининг катта қисмига – эга. Бу мулк, асосан, моддий-буюмлашган шаклда (табиий бойликлар, бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари, музейлар, қўриқхоналар, даволаш манбалари, кутубхоналар, олтин заҳиралари ва ҳ.к.) мавжуд бўлиб, ўзининг мўлжалланганлигига кўра улар давлат бошқаруви ва иқтисодий тартибга солишда давлатнинг иштирокига оид жорий эҳтиёжларни “тўлаш”га ишлатилмаслиги керак. Маълумки, ҳозирги ва келажак авлод учун миллий бойлик, одатда, “ейилмайди” ва аксинча, у кўпайтиради. Шунинг учун ҳам давлатнинг (агар, албатта, давлат ҳудудлар, аҳоли, анъаналар ва ҳ.к.лар комплекси сифатида эмас, балки бошқарув органи сифатида қаралса) реал (ҳақиқий) бойлиги унинг марказлаштирилган пул фондидан, яъни давлат молиясининг моддий асосидан иборат эканлиги маълум бўлади. Барча замонавий иқтисодий макон учун турли-туман пул оқимларининг ҳаракати ва уларнинг бир-бирлари билан қўшилиб кетиши, ўз ўлчами бўйича турлича бўлган пул фондларини (шахсий, жамоа, кредит, резерв, валюта, суғурта, бюджет, марказий, минтақавий, ҳомийлик ва бошқалар) шакллантириш ва улардан фойдаланиш хосдир. Уларнинг барчаси ягона реал манба - мамлакат ичида ва хорижда шу йилнинг ўзида яратилган қўшилган қиймат –

ҳисобидан “озикланади”. Бу фондларни қайта тақсимлашнинг таркиби ва структураси (таркибий тузилмаси) , яъни давлат унинг қанча қисмини ўзига олади ва ундан қандай фойдаланади, миллий хўжалик такрор ишлаб чиқаришининг пропорциялари, социал соҳани таъминлаш, зарурий резервларни яратиш, миллий хавсизликни таъминлаш имкониятлари ва ҳ.к.ларни белгилаб беради.

Ҳозирги пайтда дунёнинг саноати тараққий этган мамлакатларида марказлаштирилган пул фондларининг жами ҳажми ЯИМнинг ўртача 30% дан 50% гачасини ташкил этади. Шундай қилиб, қолган барча пул оқимлари ҳаракатини тартибга солишнинг потенциал имконияти ва бошқа ҳар қандай пул фондларини шакллантириш шароитларига таъсир кўрсатиш замонавий давлат молияси миқдорий характеристикасининг ўзига бориб тақалади. Бироқ, ривожланаётган дунё, шунингдек ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар молияси учун бу сифатлар, уларнинг бундай масштаби хос эмас, албатта. Бу мамлакатларда тегишли рақамлар ЯИМга нисбатан 11-17% атрофида тебранади ва айнан шу рақамларнинг ўзи давлат томонидан бу жараёнга аралашувнинг етарли даражада фаол эмаслигидан далолат беради¹³.

Бу жараёнларнинг янада ривожланиш тенденциялари тўғрисида гапирилганда, қайд этиш керакки, бу ерда давлатнинг тартибга солиш роли узлуксиз юқорига ўсиб боровчи тўғри чизиқ сифатида қаралмайди. Чунки ривожланган хориж мамлакатларида хусусий субъектлар даромадларини давлат даромадларига “оқиб ўтиши”нинг ўзига хос бўлган иқтисодий чегарасига (критик нуқтасига) эришилган. Шунга мувофиқ равишда, Ғарбнинг назарий билимлари тегишли ҳукуматларни давлат таъсирини

¹³ Хорижнинг энг буюк замонавий назариётчиларидан бири Э.Хансен ўзининг охири асарларидан бири бўлган “АҚШнинг урушдан сўнгги иқтисодиёти” да шундай деб ёзади: “Ижтимоий харажатлари энг паст даражада бўлган мамлакатни менга кўрсатингчи, мен сизга турмуш даражаси энг паст бўлган мамлакатни айтаман”. Яна у давом этиб таъкидлайди: “Ҳатто Қўшма Штатларда ҳам маориф ишига йўналтирилган 100 доллар ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлари, машиналар ва асбоб-ускуналарга сарфланган 100 долларга нисбатан юқорироқ бўлган меҳнат унумдорлигига олиб келади”. (Қаранг: Хансен Э. Послевоенная экономика США. – М.: Прогресс, 1966. сс.84, 147).

қисқартиришнинг барча йўналишлари томон фаол ва муваффақиятли тарзда йўналтирмоқда.

Аксинча, дунёнинг ривожланаётган мамлакатлари ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар учун эса келажак бошқачароқдир. Бу мамлакатларда бозор тузилмалари ва институтларининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши билан параллел равишда давлатнинг молиявий тартибга солиши ҳам ортиб (кучайиб) бориши керак ва уларда тегишли иқтисодий “чегара”га (критик нуқтага) етгунга қадар ҳали анча бор.

Турли социал-иқтисодий жараёнларда молиянинг ролини (молиявий тартибга солишнинг ролини) тўлиқ идрок этиш учун тизимнинг шакллантирувчи асосларини – давлат харажатлари ва давлат даромадларини - ҳамда улар ҳар бирининг ролини атрофлича таҳлил қилиб чиқмоқ лозим.

Дастлаб, давлат харажатларининг тавсифига мурожаат қилиш керак. Чунки айнан давлат харажатлари давлат молиясининг ижтимоий мўлжалланганлиги нимадан иборат эканлигини аниқ кўрсатади. Шунга мос равишда, айнан давлат харажатларининг таркиби, таркибий тузилмаси ва ҳажми молия тизими фаолиятининг натижаларини ўзида акс эттиради ва бу тизим ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг функцияларини бажараяптими ёки йўқми, деган саволнинг жавобини олдинроқ аниқлашга имкон беради.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида давлат молиясининг ролини аниқлаб олиш учун уларни бир неча белгилар бўйича классификация қилиш мумкин.

Агар давлат харажатларига товарлар ёки меҳнатда ифодаланган хизматлар қарама-қарши турадиган бўлса, у ҳолда давлат пул маблағлари оқимларининг бошқа неъматларга ўзига хос тарзда трансформациялашуви содир бўлади ва шу муносабат билан бундай харажатларни трансформацион харажатларга киритиш мумкин. Уларнинг орасидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- давлат истеъмоли (давлат сектори ишчиларининг иш ҳақи, жорий эҳтиёжларни қоплаш учун давлат томонидан сотиб олинган товарлар учун тўловлар, ишлаб чиқаришни дотациялаштириш; давлат қарзига хизмат кўрсатиш,

бюджетлараро субсидиялар ва шу ерда кўрсатилган мақсадлар учун фойдаланиладиган ссудалар);

- давлат инвестициялари (давлат корхоналари ва ташкилотларининг асосий капитали ва айланма фондларининг ўсган қисмига қўйилмалар, давлат захиралари ва резерларини яратиш, узоқ муддатли бюджет кредитлари).

Шундай қилиб, иқтисодиёт ресурсларининг чекланганлиги шароитида трансформацион харажатлар нодавлат секторида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг ҳажмини бевосита ўзгартирадики, булардан бошқа бир вазиятларда жамият фойдаланади ва бир вақтнинг ўзида жами таклифнинг таркибий тузилмасига ўз таъсирини кўрсатади.

Агар давлатнинг харажатлари турли хилдаги пенсияларни (ёш бўйича, ногиронлик, боқувчисини йўқотганда, алоҳида хизматлари учун) ва нафақаларни (болаларга, вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизлик бўйича) тўлашга йўналтирилса, у ҳолда давлат томонидан маблағларни беришнинг ўзига хос - трансферт – тарзда берилиши содир бўлиб, бунда маблағлар солиқ тўловчилардан шу тўланмаларни олувчиларга берилади ва учрашувчан хизматларнинг тақдим этилиши, бу ерда, содир бўлмайди. Бундай ҳолда янги қиймат яратилмайди ва ҳуқуқни ушлаб турувчининг товарлар ва хизматлар истеъмоли берилиши кузатилади. Бундай харажатлар трансферт харажатлар дейилади. Бу харажатлар жамиятнинг жами даромадини унинг аъзолари ўртасида тақсимланишини ўзгартиради (корректировка қилади).

Давлатнинг харажатлари яна жорий (давлат истеъмоли ва трансфертлар) ва капитал харажатларга (давлат инвестициялари) бўлинадики, бундай бўлиниш такрор ишлаб чиқариш параметрлари динамикасига молиянинг таъсирини баҳолашда жуда муҳимдир. Шунингдек, давлатнинг харажатлари инсонларга (шахсий даромадлар) ва капиталга (жорий қўйилмалар ва инвестициялар) хизмат қилиши мезони бўйича ҳам классификация қилиниши мумкин. Бу нарса ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни истеъмол қилишда уларнинг улушларини алоҳида ҳисобга олишга имкон беради.

Давлат харажатларини гуруҳларга ажратишда функционал принципдан фойдаланиш мамлакат тараққиётининг ички муаммоларини ҳал қилиш ва дунё ҳамжамияти билан ўзаро муносабатлар орқали ифодаланадиган давлатнинг барча функцияларини (социал, иқтисодий, тадқиқотчилик, бошқарувчилик, ташқи сиёсий ва бошқалар) намоиш қилиши мумкин. Шу нарсанинг ўзи тизимлаштирилган кўринишда йўналишларнинг устуворлигини акс эттиришга ва давлат томонидан тартибга солиш жараёнининг таъсирчанлигини баҳолашга имкон беради. Масалан, давлатнинг социал функцияларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар аҳоли кам таъминланган қатламларининг квалификация, тиббий хизмат, уй-жой, кафолатланган минимал пенсия ва нафақалар олишга тегишли шароитларни яратади. Социал муносабатларнинг барқарорлигини қўллаб-қувватлаб, улар жами талабнинг ҳажми ва таркибий тузилмасига кескин таъсир кўрсатади ва бу нарса қуйидагиларда намоён бўлади:

- социал субсидия олувчилар аҳолининг моддий неъматлар истеъмоли қисмига нисбатан барқарор тўловга қобилиятли талабнинг барқарорлигини таъминлайди;
- социал-маданий соҳа ташкилотларини жорий сақлаш учун товарлар ва хизматларни давлат томонидан сотиб олиниши бозорнинг жуда кўп сегментларида талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга ўз таъсирини кўрсатади;
- маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва социал таъминот объектларининг кенгайтирилиши, уй-жой қурилишига давлат дотациялари билан биргаликда, фақат қурилиш материалларига бўлган талабни ошириб қолмасдан, балки қурилиш индустрияси билан боғлиқ бўлган саноатнинг бошқа алоҳида тармоқлари учун ҳам чуқур бозорни яратади, узоқ муддатли фойдаланиш хос бўлган предметлар учун талабни оширади.

Бундан ташқари, давлатнинг социал-маданий тадбирлар харажатлари бу ўзига хос тарзда малакали ишчи кучини тайёрлашга қилинган инвестициялардан иборатдир. Бундан унинг ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлашнинг стратегик чораси эканлиги ҳам яққол кўринади. Давлатнинг бошқа

функцияларини амалга оширилиши жараёнида ҳам, хусусан, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини субсидиялаштириш ва кредитлаштиришда, инфратузилма объектларини яратиш ва уларни такомиллаштиришда, ҳарбий қурилиш учун қуро-аслаҳаларни сотиб олишда, давлат қарзларини қайтариш ва улар бўйича фоизларни қайтаришда ҳам бозор конъюнктурасини кескин ўзгаради. Юқорида санаб ўтилган харажатлар ҳажмининг ўзгартирилиши (корректировка қилиниши) инвестицияларнинг ўлчамига, жами талабнинг ҳажмига ва таклифнинг таркибий тузилмасига бевосита ўз таъсирини кўрсатади.

Шундай қилиб, давлат харажатлари жами талаб шаклланишининг унумли йўналтирилишида ижобий таркибий қисм (элемент) бўлиб ҳисобланиши мумкин. Тескари ҳолатларда эса, яъни ҳарбий, бошқарув, мафкуравий харажатлар салмоғининг юқорилигида, шунингдек, давлат қарзларига хизмат қилиш харажатлари ҳажмининг катталигида давлат харажатлари фақат қалбаки ижтимоий талабнинг ўсишига олиб келадик, улар охир оқибатда, қутилиб бўлмайдиган бузувчан (вайронагарчилик) кучлар(и)ни вужудга келтиради (жаҳон амалиётида бундай мисоллар жуда кўп, масалан, ўтган асрнинг 70-80-йилларида бутун капиталистик дунёни қамраб олган инфляция, 1998 йилнинг августида Россияда содир бўлган молиявий таназзул ва бошқалар).

Умумдавлат пул фонди маблағларининг сарф этилиши, шубҳасиз, давлатнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишини моддий жиҳатдан таъминлайдиган ресурсларнинг мобилизация қилинишини (тўпланишини) тақоза этади. Қўшилган қийматни молиявий қайта тақсимлашнинг дастлабки босқичида давлат даромадлари – ЯИМ ва МДнинг бир қисмини қайтарилмаслик шарти билан давлатнинг ихтиёрига олиш бўйича иқтисодий муносабатлар - хизмат қилади.

Давлат даромадларининг ҳажми ва таркиби билан манипуляция қилиш воситасида умумишлаб чиқариш кўрсаткичларининг тартибга солиш имконияти қуйидаги объектив шарт-шароитлар билан изоҳланади (тушунтирилади). Жисмоний ва юридик шахслар эга бўлган ва

Ўзларининг жорий харажатлари ҳамда инвестицияларини тўлаш учун фойдаланиладиган ресурслар бир қисмининг давлатлаштирилиши (давлат ихтиёрига ўтказилиши) юқоридаги ижтимоий тизим субъектларининг даромадлилик даражасини камайтиради (пасайтиради) ва жами истеъмолнинг таркибий тузилмасини ўзгартиради. Юқоридаги тартибда давлатлаштириш социал табақаланишнинг даражасини ўзгартиришга (корректировка қилишга) ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг етарли даражада асосланмаган паст ёки юқори чегараларини чеклаб туришга имкон беради. Бу нарсага, биринчидан, аҳолининг кам таъминланган табақаларига, шунингдек зарарга ишлаётган ёки паст рентабелли корхоналарга маълум бир имтиёзларни тақдим этиш орқали эришилади. Иккинчидан, устама даромадларнинг бир қисмини қарама-қарши йўналишда йўналтириш (бегоналаштириш) воситада (масалан, меҳнатни рағбатлантириш ёки мерос сифатида ўтадиган мол-мулк, ёки маҳсулотлар баҳоси соғлом фаолият учун зарур бўлган шарт-шароитлардан юқори бўлган даромадларнинг шаклланишига олиб келса) қўлга киритиш мумкин.

Умумий тарзда, давлат даромадларининг олиншини қуйидагиларга таъсир этиши мумкин деб, ажратиб кўрсатса бўлади:

- баҳоларни шакллантиришга (бу, асосан, эгри (билвосита) солиқлар);
- ишлаб чиқариш харажатларига (мол-мулкнинг қийматидан, истеъмол фондидан олинадиган солиқлар, социал характердаги нобюджет фондларга ажратмалар);
- жамғармалар ҳажмига (инвестицион имтиёзлар);
- бандлилик ва шахсий истеъмолга (меҳнат ҳақи фондидан олинадиган солиқлар, аҳоли бандлик фондига ажратмалар ва ҳ.к.лар)¹⁴.

Юқоридагилардан ташқари, давлат даромадлари кўринишлари ва уларни ундириш механизмларининг хилма-

¹⁴ Давлат даромадларининг барчаси у ёки бу даражада такрор ишлаб чиқариш субъектларининг социал-иқтисодий фаолиятини тартибга солиб, ижтимоий муносабатларнинг барча турларига ўз таъсирини кўрсатади, албатта. Шунинг учун ҳам уларни иқтисодий кўрсаткичларнинг маълум бир гуруҳига устувор таъсири йўналиши бўйича классификация қилиниши шартли характерга эгадир.

хиллиги давлатга маълум бир товарлар ва хизматларга бўлган талабни мақсадли йўналишда тартибга солиш, энг самарали технологиялар, импорт маҳсулотлари ва ҳ.к.ларни танлашга имконият беради. Маълумки, замонавий давлатларнинг кўпчилигида марказлаштирилган пул оқимларининг катта қисми солиқлар ёрдамида шакллантирилади. Улар умумий даражасининг глобал пасайтирилиши соф даромадлар, талаб, бандликнинг ошишига олиб келса, тадбиркорлик ташаббусини фаоллаштиради, уларнинг оширилиши эса бозор конъюнктурасини “музлатиш”нинг ишончли воситасидир.

Солиқларнинг ҳар бир конкрет тури социал-иқтисодий жараёнларни тартибга келтиришнинг табақалаштирилган йўналишига эга. Масалан, социал-маданий соҳа хўжалик ҳисобидаги муассасаларининг солиқлардан озод қилиниши ёки уларга кўпгина солиқ имтиёзларининг тақдим этилиши жамиятнинг маданий-маърифий салоҳиятини оширишга, унинг ахлоқий соғлиғининг мустаҳкамланишига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Аҳоли даромадлари ва мол-мулкини солиққа тортишда социал йўналтирилганликнинг кучайтирилиши (солиқ базаси ва солиқ ставкаларининг кўп болали оилалар, ногиронлар ва фахрийлар учун камайтирилиши), ўзининг моҳияти жиҳатидан шу мақсадлар учун давлат харажатларининг кўпайтирилишини англаиб, жамият тузумининг социал барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Корпорациялар тақсимланмаган фойдаси ва акция эгаларига тўланадиган дивидентларни солиққа тортишда табақалаштирилган ҳолда ёндошиш, уларнинг фойдасидаги нисбатни ўзгатиради. Уларнинг биринчи қисмига тегишли бўлган ставкаларнинг камайтирилиши ва бир вақтнинг ўзида иккинчи қисмининг юқорида ставкаларда солиққа тортилиши ўз-ўзини молиялаштиришнинг имкониятларини оширади, узоқ муддатли истиқболда эса ҳатто, компания ҳақиқий эгалари таркибининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Агар корпорация тақсимланмаган фойдасига нисбатан солиқлар оширилса ва дивидентларга нисбатан улар камайтирилса, тескари вазиятнинг вужудга келиши кузатилади. Меҳнатга мўлжалланган харажатларнинг юқори даражада солиққа

тортилиши ишлаб чиқариш капитал сиғимининг оширилишини фойдали қилиб қўйса, корхона мол-мулкига нисбатан солиқларнинг ўсиши эса хўжалик юритувчи субъектларни капитал техникавий тузилишининг пасайтирилиши томон етаклайди.

Давлат божи битимларнинг содир бўлишидан манфаатдор бўлган у ёки бу шахслар учун юридик хизматларнинг мумкинлигини тартибга солишга имкон беради. Божхона божлари эса миллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигига ўз таъсирини кўрсатади. Улар ошган пайтда товарлар қимматлашади ва ташқи савдо айланмаси қисқаради. Ва аксинча, уларнинг пасайтирилиши ва бекор қилиниши ташқи савдонинг кенгайишига, баҳолар ўсишининг секинлашувига, ички ва дунё бозорларида рақобатнинг кучайишига олиб келади.

Давлат фойдасига маблағларни олиш (ундириш) ва солиқ тўловчилар хулқ-атворининг мотивацияси ўртасидаги сабабий-оқибат алоқаларини (боғлиқликни) таҳлил қила туриб, шартли-доимий (қатъийлаштирилган) ва шартли-ўзгарувчан солиқлар тўғрисида тўхталиб ўтмасликнинг сира иложи йўқ. Биринчи гуруҳга кирувчи солиқларнинг (корхонанинг мол-мулкидан олинадиган солиқлар, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган шахслардан олинадиган қатъий солиқ ва бошқалар) иқтисодий тавсифи таннархнинг шартли-доимий харажатлари билан бир хилдир, яъни уларнинг миқдори ишлаб чиқариш ва сотувнинг даражасига боғлиқ эмас. Юридик шахслар зиммасига юкланган жами солиқ юкидаги уларнинг салмоғи фаолият ҳажмининг ўсишига пропорционал равишда пасаяди. Бу, бир томондан, зарарга ишлаётган ишлаб чиқаришларнинг вайрон бўлишини тезлатса, иккинчи томондан, ҳаётувчан секторга қўшимча эркинлик ва афзаллик ато этади, ишбилармонлик фаоллиги ва капиталларнинг кам самарали қўлланилаётган соҳалардан юқори самарали қўлланилиши мумкин бўлган соҳаларга оқиб ўтишини рағбатлантирувчи омилга айланади¹⁵. Бундан ташқари,

¹⁵ Оқимларнинг йўналиши бозорнинг эҳтиёжлари билан аниқланиб, бюрократик тартибга солишнинг талаб этилмаслиги бу ерда эътиборга лойиқ бўлган ҳолатларнинг яна биридир. Бироқ, шартли-доимий солиқларни ўрнатишда

қатъий солиқларнинг ундирилиши конкрет ишлаб чиқарувчилар иқтисодий фаолиятининг натижаларига боғлиқ бўлмаганлиги учун Давлат бюджети даромадлари маълум бир қисмининг тўлдирилишини кафолатлайди.

Шаклланган капитал структурасига нисбатан пул маблағларини шартли-ўзгарувчан тартибда умумдавлат фондига олиниши консерватив бўлса-да, бироқ бу нарса солиқ тўловчиларнинг иш фаоллиги билан тўғридан-тўғри боғлангандир. Такрор ишлаб чиқариш субъектларининг фаолияти қанча самарали бўлса, улардан олиниши (ундирилиши) лозим бўлган шартли-ўзгарувчан солиқларнинг (масалан, фойдадан олинadиган солиқнинг миқдори) ўлчами шунча юқори бўлади. Агар бу солиқларни ундириш механизми тадбиркорлик ташаббусининг деярли бил хил ёки пропорционал даражадаги юкламасини таъминлашга имкон берса (бошқача сўзлар билан айтганда, давлат олдида солиқ тўловчилар мажбуриятларининг нисбий тенглигига эришилса), у ҳолда бу нарса, шак-шубҳасиз, социал қарама-қаршиликларни ва босимни юмшатади. Шундай қилиб, юқорида баён қилинганлардан кўриниб турибдики, давлат даромадлари ва давлат харажатлари молия мазмунини намоён этувчилар сифатида иқтисодиётда ва социал соҳада содир бўлаётган жараёнларга жуда кучли таъсир ўтказиб, уларнинг динамикаси ва йўналишини кескин ўзгартириб юбориши мумкин.

Шу ернинг ўзида бюджет ёрдамида тартибга солиш (макро- ва микроқўрсаткичларга фақат марказий бюджет даромадлари ва харажатларининг комплекс сиёсатини ўзгартириш орқали) молиявий тартибга солишнинг барча соҳасини қамраб олаолмайди. Чунки тақсимлаш ва қайта тақсимлашда молия тизими ҳар бир фондининг таъсири тартибга солувчи бўлиши керак. Хусусан, ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда нобюджет ва махсус фондлар биргалиқда марказий бюджетлар ҳажмининг $\frac{1}{3}$ қисмидан $\frac{1}{2}$ қисмигачасини ташкил этмоқда. Бундан ташқари, бу ерда

(белгилашда) тармоқ хусусиятларининг инкор этилиши, хусусан, рентабеллик нормасининг табиий пастлиги билан характерланадиган фаолият турлари ва ресурс сиғимли ишлаб чиқаришлар учун имтиёзлардан воз кечиш, социал қарама-қаршиликларнинг кучайишига олиб келади.

яна иккита муҳим йўналишлар ҳам мавжуд. Булар бюджет дефицитининг таркибий тузилмасини шакллантириш ва бюджетлараро муносабатларни тартибга солишдир¹⁶.

Демак, такрор ишлаб чиқариш параметрларини ўзгартириш (корректировка қилиш) мақсадида молиявий муносабатларнинг барча аспектаидан (йўналишларидан) фойдаланиш бўйича давлат томонидан ташкил қилинадиган фаолиятга социал-иқтисодий жараёнларни молиявий тартибга солиш дейилади. У кишилик жамиятининг табиий тараққиёти натижасида дунёга келган ҳамда иқтисодиёт ва социал соҳа соғлом фаолият кўрсатишининг ажралмас қисми (шарти) ҳисобланади. Молиявий тартибга солишнинг субъекти давлат тузилмалари бўлса, унинг объекти ижтимоий тизим иштирокчиларининг даромадлари ва харажатларидир.

Макро- ва микродаражада жамият эҳтиёжларининг максимал қондирилишини таъминлайдиган жамғармаларни тақсимлашнинг пропорцияларини ўрнатиш молиявий тартибга солиш жараёнида ечиладиган асосий вазифа ҳисобланади. Бу нарса шахсий, жамоа ва ижтимоий манфаатлар, қадриятлар ва бойликларнинг оқилона инobatга олинишини кўзда тутди ва самарали ишлаётган бозор механизми билан давлатнинг таъсири тизимини қўшиш муаммоларининг молиявий аспектини (йўналишини) акс эттиради.

Бозор ҳўжалигининг молиявий регуляторларига (тартибга солувчиларига) қуйидагилар киради:

- бюджетга солиқли ва носолиқли тўловлар;
- молиявий имтиёзлар ва санкциялар;
- бюджет ташкилотларининг эксплуатацион харажатлари;
- умумий ва мақсадли субсидиялар, шу жумладан, давлат буюртмаларини тўлашга мўлжалланганлари;
- нобюджет фондларнинг даромадлари ва харажатлари;
- давлат корхона ва ташкилотларининг даромадлари ва харажатлари.

Молиявий таъсир кўрсатишга тартибга солишнинг қуйидаги кўринишлари (шакллари) хос:

¹⁶ Молиявий тартибга солиш юқорида келтирилган элементларининг мазмунини очиб бериш махсус тадқиқот объекти ҳисобланади ва ушбу параграфнинг доирасидан четга чиқади.

- тўғридан-тўғри (бевосита);
- эгри (билвосита);
- аралаш.

Молиявий таъсир кўрсатишнинг тўғридан-тўғри (бевосита) тартибга солиш шакли қуйидагилар орқали намоён бўлади:

- тўғри (бевосита) умумдавлат солиқларини ундириш ёрдамида;
- тараққиёт бюджетидан харажатларни молиялаштириш жараёнида;
- бюджет ва марказлаштирилган нобюджет фондларга солиқлар ва тўловлар ставкаларини оширилган ёки камайтирилган тарзда қўллаш йўли билан;
- давлат харажатларининг нормативлари ўлчамини ўзгартириш орқали;
- молиявий интизомни бузганлиги учун жарималар, пеняларни ундириш натижасида.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, такрор ишлаб чиқариш субъектлари даромадларининг даражасини ва бозор конъюнктурасини тўғридан-тўғри (бевосита) ўзгартиради.

Тартибга солишнинг эгри (билвосита) шакллари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- давлат томонидан эгри (билвосита) солиққа тортиш;
- давлат жорий харажатларини амалга ошириш.

Молиявий таъсир кўрсатишнинг аралаш шакллари орасидан қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- маҳаллий солиқлар;
- бюджетга носолиқли тўловлар тизими;
- фаолиятнинг алоҳида турлари ва тадбирларни имтиёзли солиққа тортиш ва имтиёзли молиялаштириш;
- давлат корхоналари ва ташкилотлари фондлари ҳамда марказлаштирилмаган нобюджет фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш нормативлари.

Давлат даромадлари ва давлат харажатларининг конкрет турлари, уларни жалб (мобилизация) қилиш ва тақдим этиш методлари масаланинг ташкилий томонлари билан биргаликда молиявий тартибга солишнинг усулларини ўзида мужассам этади. Маблағларни ундириш (олиш) ва

молиялаштиришни тақдим этишнинг конкрет принциплари бундай таъсирнинг характерини аниқлаб беради. Ва ниҳоят, молиявий қонунчилик ва ҳокимиятнинг ваколатли органлари молиявий тартибга солишни амалга ошириш учун ташкилий имкониятларни таъминлайди. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган қийматни тақсимлаш жараёнига кириб бориб, давлат молияси марказлаштирилмаган пул фондларини шакллантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатади. Бу нарса, ўз навбатида, маблағларнинг индивидуал доиравий айланишини таъминлашга шароит яратиб беради.

Охир оқибатда молиявий тартибга солиш, давлатнинг таъсирини таъминлашнинг бошқа шакллари (фоизнинг даражаси, божхона божларининг даражаси, давлат корхоналари маҳсулотининг баҳоси, валюта курси, пул массасининг ҳажми ва таркибий тузилмаси, маъмурий-қонунчилик фаолияти ва бошқаларга таъсир кўрсатиш) билан биргаликда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикасида ижобий ўзгаришлар бўлишини таъминлаши мумкин. Бироқ, амалиётда бу нарсанинг содир бўлиши анча мураккаб бўлиб, у чуқур ва ҳар томонламали назарий ишланмалар ва мураккаб математик ҳисоб-китобларга асосланишни талаб қилади. Бу соҳада бундай комплекс тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги, албатта, муваффақиятсизликка олиб келади. Бу ерда “бахтли билет”нинг тасодифан танланиши (топилиши) мутлақо мумкин эмас. Шунингдек, “метод” сифатида молиявий тартибга солишнинг чекланган эканлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. ЯИМнинг ҳажми ва ўсиш суръатлари; давлат ундирмаларининг иқтисодий жиҳатдан йўл қуйилиши мумкин бўлган максимал даражаси; бошқа “аралаш” регуляторларнинг таъсири; ижобий самаранинг мажбурий шарти сифатида сиёсий барқарорлик ва пухта ўйланган умумий иқтисодий стратегиянинг (жорий ва узоқ муддатли) мавжудлиги кабиларни, бу ўринда, ана шундай объектив чекланмалар (чекловчилар) қаторига киритиш мумкин.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Молиявий режалаштириш деб нимага айтилади?
- “Молиявий режалаштириш” тушунчаси ўз ичига нималарни олади?
- Молиявий режалаштиришнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
- Молиявий режалаштириш жараёнининг қандай асосий босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин?
- Молиявий режаларнинг қандай турлари (кўринишлари) мавжуд?
- Стратегик молиявий режа, ҳеч бўлмаганда, қандай саволларга аниқ жавоб бермоғи лозим?
- Жорий молиявий режалаштиришнинг асосий функциялари нималардан иборат?
- Молия тизими алоҳида бўғинларининг нисбий мустақиллиги нималарни ўзида акс эттирувчи молиявий режаларнинг ишлаб чиқиши зарурлигини белгилаб беради?
- Молиявий режалаштиришнинг умумдавлат ва ҳудудий даражаларига нималар киради?
- Балансда акс эттирилаётган аҳолининг пул даромадлари ўзининг манбасига кўра қандай гуруҳларга бўлинади?
- Балансда акс эттирилаётган аҳолининг пул харажатлари қандай гуруҳлардан иборат бўлади?
- Маълум бир муддатни қамраб олишига қараб, молиявий режалар қандай гуруҳларга бўлиниши мумкин?
- Бизнес-режанинг таркибида молиявий режа қандай йўналишлар бўйича ишлаб чиқилади?
- Молиявий башоратлаш деб нимага айтилади?
- Назария ва амалиётда молиявий башоратлаш нималарга ажратилади?
- Молиявий башоратлаш жараёнида қандай турли методлардан фойдаланилади?
- Молиявий режалаштиришнинг методи сифати молиявий дастурлаштириш нималарнинг бўлишини кўзда тутди?
- Социал-иқтисодий жараёнларга давлатнинг таъсири қандай мақсадлар учун зарур?
- Турли социал-иқтисодий жараёнларда молиянинг ролини (молиявий тартибга солишнинг ролини) тўлиқ идрок этиш учун нималарни атрофлича таҳлил қилиб чиқмоқ лозим?

- Давлатнинг трансформацион харажатлари таркибига нималар киради?
- Давлат харажатлари социал муносабатларнинг барқарорлигини қўллаб-қувватлаб, улар жами талабнинг ҳажми ва таркибий тузилмасига кескин таъсир кўрсатади ва бу нарса нималарда намоён бўлади?
- Умумий тарзда, давлат даромадларининг олинишини нималарга таъсир этиши мумкин деб, ажратиб кўрсатса бўлади?
- Бозор хўжалигининг молиявий регуляторларига (тартибга солувчиларига) нималар киради?
- Молиявий таъсир кўрсатишга тартибга солишнинг қандай кўринишлари (шакллари) хос?
- Молиявий таъсир кўрсатишнинг тўғридан-тўғри (бевосита) тартибга солиш шакли нималар орқали намоён бўлади?
- Тартибга солишнинг эгри (билвосита) шакллари ўз ичига нималарни олади?
- Молиявий таъсир кўрсатишнинг аралаш шакллари орасидан қандайларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин?

6-боб. Молиявий назорат

6.1. Молиявий назорат: мазмуни, соҳалари, объекти, предмети, тизими, вазифалари, принциплари

Молиявий назорат иқтисодий категория сифатида молияга объектив хос бўлган назорат хусусиятининг амалда намоён бўлишидир. Одатда, молиявий назорат қуйидаги икки йўналишда (аспектда) қаралади:

- барча иқтисодий субъектларнинг молиявий қонунчилик ва молиявий интизомга риоя қилиши устидан махсус ташкил этилган назорат органларининг қаттиқ регламентация қилинган (тартибга солинган) фаолияти;
- молиявий операцияларнинг самарадорлигини ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида макро- ва микродаражада молия ҳамда пул оқимларини бошқаришнинг ажралмас эленменти.

Молиявий назоратнинг ҳар икки йўналиши (аспекти) бири-бири билан ўзаро боғлиқ бўлса-да, назоратнинг мақсади, методи ва субъектларига мувофиқ равишда фарқланади ҳам. Агар биринчи ҳолда назоратнинг ҳуқуқий ва миқдорий томонлари устунлик қилса, иккинчи ҳолда молиявий назоратнинг аналитик томонига жуда катта эътибор берилади.

Барча иқтисодий субъектларнинг (давлат, корхона ва ташкилотларнинг) молиявий фаолияти устидан қонунчилик ва ижроия ҳокимияти органларининг турли даражалари, шунингдек махсус ташкил этилган муассасалар томонидан амалга ошириладиган назоратга молиявий назорат дейилади. Бу назорат, энг аввало, пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнида молиявий-иқтисодий қонунчиликка риоя этилиши, молиявий-хўжалик операцияларининг самарадорлигини баҳолаш ва амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги устидан назоратни ўз ичига олади. Бошқача сўзлар билан айтганда, молиявий назорат у ёки бу молиявий ҳаракат содир

бўлишининг баҳолашни ўз ичига олиш билан чекланмасдан, балки у ўзининг аналитик йўналишига (аспектига) эгадир.

Молиявий назорат қиймат шаклида амалга ошириладиган назорат бўлганлиги учун ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча соҳаларида амалга оширилади ва пул фондлари ҳаракатининг барча жараёнларида, шу жумладан, молиявий натижаларни идрок этиш жараёнида ҳам кузатилади. Шунинг учун ҳам молиявий назоратнинг объекти пул муносабатлари ҳисобланади.

Молиявий назоратнинг предмети қуйидаги молиявий кўрсаткичлардан иборат:

- турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари;
- солиқ тўловларининг ҳажмлари (миқдорлари, ўлчамлари);
- хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадлари;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг муомала харажатлари;
- таннарх ва фойда;
- уй хўжаликларининг даромадлари ва харажатлари;
- ва бошқалар.

Молиявий назоратнинг предмети ҳисобланган юқоридаги кўрсаткичларнинг кўплари ҳисобли кўрсаткичлар ҳисобланади ва бу нарса, ўз навбатида, уларнинг амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ равишда ҳисобланишининг тўғрилиги ва ишончилигини текширишни (назорат қилишни) тақоза этади.

Молиявий назорат молия функцияларининг амалга оширилиш шакли бўлиб хизмат қилади. У ҳам давлатнинг ва ҳам бошқа барча иқтисодий субъектларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган.

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда молиявий назорат, бир томондан, ўзаро таъсирчан ва иккинчи томондан, алоҳидалашган (мустақил бўлган) икки соҳага бўлинади¹⁷:

¹⁷ Айрим иқтисодчи олимларнинг фикрича, молиявий назорат тизими ўз ичига қуйидагиларни олади: давлат молиявий назорати; контрагентлар билан молиявий-ҳисоб-китоб муносабатлари жараёнидаги назорат; нодавлат молиявий назорати.

- давлат молиявий назорати;
- нодавлат молиявий назорати.

Давлат молиявий назорати бу давлатнинг асосий қонунларига таянадиган ва ҳокимият ҳамда бошқарув конкрет органлари иқтисодий-ҳуқуқий ҳаракатининг комплексли ва мақсадга йўналтирилган тизимидир. Молиявий назоратни ташкил этишда мамлакатнинг Конституцияси ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Унинг ҳуқуқий регламенти давлатнинг типига, унинг социал-сиёсий йўналтирилганлигига, иқтисодий тарққиёт даражасига, мулкчилик шаклларининг нисбатига боғлиқ.

Давлат молиявий назорати ЯИМ тақсимланишининг қиймат пропорцияларини кузатишга қаратилган. Бу назорат давлат молиявий ресурсларини шакллантириш, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушиб туриши ва улардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ бўлган пул ресурслари ҳаракатининг барча каналларига (тарқатилади) тегишли ҳисобланади.

Давлат молиявий назорати давлатнинг молия сиёсатини амалга оширишга ва молиявий барқарорлик учун шароитларни яратишга қаратилган. Бу нарса, энг аввало, барча даражалардаги бюджетлар ва нобюджет фондларни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, корхона ва ташкилотлар, банклар ва молиявий корпорацияларнинг молиявий фаолияти устидан назоратни англатади. Агар умуммиллий иқтисодий манфаатлар билан белгиланган (аниқланган) бўлса, давлат молиявий назоратчилари ҳам давлат секторида ва ҳам хусусий ҳамда корпоратив бизнес секторида тафтиш ва текширишларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Бироқ иқтисодиётнинг нодавлат секторида давлат томонидан амалга ошириладиган молиявий назорат фақат солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳам қўшиб олган ҳолда давлат олдидаги пул мажбуриятларининг бажарилиши соҳаларини, уларга ажратилган бюджет субсидиялари ва кредитларини сарфлашда мақсадга мувофиқлилик ва қонунийликнинг риоя

қилиниши ва шунингдек, ҳукумат томонидан ўрнатилган (белгиланган) пул ҳисоб-китобларини ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни юритиш қоидаларига риоя этилишини қамраб олади.

Нодавлат молиявий назорати иккига бўлинади: ички (фирма ичидаги, корпоратив) ва ташқи (аудиторлик)¹⁸.

Молиявий назоратнинг давлат ва нодавлат соҳалари (кўринишлари, турлари) назоратни амалга ошириш методларининг ўхшашлигига қарамасдан, ўзларининг пировард мақсадлари бўйича бир-биридан тубдан фарқ ҳам қилади. Давлат молиявий назоратининг бош мақсади давлат хазинасига ресурсларни тушуришни максималлаштириш ва давлат бошқарув харажатларини минималлаштириш бўлса, бунга қарама-қарши равишда нодавлат молиявий назоратнинг (айниқса, фирма ичидаги молиявий назоратнинг) бош мақсади жойлаштирилган капиталдаги фойда нормасини ошириш мақсадида давлат фойдасидаги ажратмалар ва бошқа харажатларни минималлаштиришдан иборат. Бир вақтнинг ўзида молиявий назоратнинг ҳар икки соҳаси амалдаги қонунларнинг ҳуқуқий рамкаси билан чеклаб қўйилган.

Пул муносабатлари, молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланишдаги қайта тақсимлаш жараёнлари, шу жумладан, барча даражалардаги ва ҳўжаликнинг барча бўғинларидаги пул фондлари шаклидаги молиявий ресурслар молиявий назоратнинг объекти ҳисобланади. Текширувларнинг бевосита предмети сифатида фойда, даромадлар, рентабеллик, таннарх, муомала харажатлари каби қиймат кўрсаткичлари майдонга чиқади. Пулдан фойдаланиш орқали ва айрим ҳолларда пулсиз (масалан, бартер битимлари) амалга ошириладиган операцияларнинг барчаси молиявий назоратнинг соҳаси ҳисобланади.

Молиявий назорат ўз ичига қуйидаги текширувларни олади:

¹⁸ Нодавлат молиявий назорат хусусида ушбу бобнинг 6.4-параграфида батафсилроқ тўхталанилади.

- иқтисодий қонунларнинг талабларига риоя этиш (МДни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш порпорцияларининг оптималлиги);

- бюджет режасини тузиш ва ижро этиш (бюджет назорати);

- корхона ва ташкилотлар, бюджет муассасаларига тегишли бўлган меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш;

- ўзаро солиқ муносабатлари.

Тараққий этган мамлакатларда молиявий назорат тизими, асосан, бир типда бўлиб, қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- бевосита мамлакатнинг парламенти ёки президентига бўйсунувчи ҳисоб палатаси. Бу ташкилотнинг бош мақсади давлат маблағларининг сарфланиши устидан умумий назоратни ўрнатишдир;

- асосан солиқли даромадларнинг давлат хазинасига келиб тушишини назорат қилувчи ва мамлакат президенти, ҳукумати ёки молия вазирлигига бўйсунувчи солиқ муассаси;

- қуйи ташкилотларини текширувчи ва тафтиш қилувчи давлат ташкилотларининг таркибидаги назорат қилувчи органлар;

- ҳисобот ҳужжатларининг ишончлилигини ва молиявий операцияларнинг қонунийлигини тижорат асосида текширувчи нодавлат назорат хизматлари;

- асосий вазифаси харажатларни қисқартириш, молиявий оқимларни оптималлаштириш ва фойдани ошириш бўлган ички назорат хизматлари.

Ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда молиявий назорат тизими баъзи бир махсус органларни ҳам қамраб олади. Ана шундай органлар қаторига Марказий банк, Давлат божхона қўмитаси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бозор ҳўжалиги асосларининг мустаҳкамланиб бориши билан молиявий назоратни ташкил этиш масалалари янада ҳуқуқийроқ характерга эга бўлиб, секин-асталик билан ғарб

моделига яқинлашади. Бу модел амалиётда ўзининг самарадорлигини яққол кўрсатган¹⁹.

Молиявий назоратнинг олдида турган энг асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- пул фондларининг ўлчами ва молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж ўртасидаги мутаносибликка (баланслиликка) таъсир кўрсатиш;
- давлат бюджети олдидаги мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш;
- молиявий ресурсларни кўпайтиришнинг ички хўжалик резервларини қидириб топиш;
- ва бошқалар.

Жаҳон ҳамжамияти кўп йиллик тажриба асосида молиявий назоратни ташкил этишнинг асосий принципларини ишлаб чиққанки, ҳозирги пайтда уларга риоя қилишга дунёнинг ҳар бир цивилизациялашган давлати интилади. Бу принциплар ИНТОСАИ²⁰нинг Лима декларациясида ўз аксини топган. Уларнинг таркибига қуйидагилар киради:

- мустақиллик;
- объективлик;
- компетентлик (лаёқатлилик, қодирлик);
- ошкоралик.

Молиявий назоратнинг мустақиллиги назорат органининг молиявий жиҳатдан мустақиллиги, назорат органлари раҳбарларининг ваколат муддатларининг парламент муддатларидан узоқлиги, шунингдек уларнинг конституцион характери билан таъминланиши керак. Объективлик ва компетентлик (лаёқатлилик, қодирлик) назоратчилар томонидан амалдаги қонунчиликка сўзсиз итоат этилишини, тафтиш ишларини амалга оширишнинг белгиланган (ўрнатилган) стандартларига (андозаларига) қаттиқ риоя этиш асосида назоратчилар ишининг юқори касбий даражада бўлишини тақоза этади. Ошкоралик давлат назоратчи-

¹⁹ АҚШ Конгрессининг маълумотларига кўра, охириги 50 йил ичида федерал назорат-тафтиш органларининг фаолиятдан олинган жами иқтисодий самара 500 млрд. доллардан кам бўлмаган. Қаранг: Соменков А.Д. Парламентский контроль за исполнением государственного бюджета. – М.: Экономика, 1998. с. 79.

²⁰ ИНТОСАИ – дунёнинг 178 мамлакати олий назорат органларининг Халқаро ташкилоти. Унинг доирасида минтақавий ташкилотлар ҳам амал қилади. Улардан бири ЕВРОСАИ бўлиб, у олий назорат органларининг Европа ташкилотидир.

ларининг жамотчилик ва оммавий ахборот воситалари билан доимий алоқада бўлишини кўзда тутди.

Ана шу асосий принциплардан амалий характер касб этувчи молиявий назоратнинг қуйидаги бошқа принциплари келиб чиқиши мумкин:

- натижалилик;
- назоратчилар томонидан талаб қилинадиган талабларнинг аниқлиги ва мантиқийлиги;
- назорат субъектларининг сотиб олувчанмаслиги;
- текшириш ва тафтиш актларида келтирилган маълумотларнинг асосланганлиги ва исботланганлиги;
- превентивлик (молиявий бузилмалар эҳтимолининг огоҳлантирилувчанлиги);
- молиявий жиноятлар бўйича шубҳаланилаётган шахсларнинг айбсизлик (судгача) презумпцияси;
- турли назорат органлари фаолиятларининг мувофиқлаштирувчанлиги;
- ва бошқалар.

Молиявий назоратни ташкил қилиш тизимига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи қонунлар қабул қила туриб, ҳар бир давлат, одатда, юқоридаги принципларга таянади (асосланади). Бир вақтнинг ўзида, ҳар бир давлатда назорат ҳаракатларининг ўз регламенти (тартиби ва кетма-кетлиги) мавжуд бўлиб, бу нарса пировардида молиявий назоратнинг натижаларига ўз таъсирини, албатта, кўрсатади.

6.2. Молиявий назорат турлари, шакллари ва методлари

Молиявий назоратнинг муваффақиятли ва самарали ўтказилиши унинг ташкил этилиш даражасига ва назоратнинг турлари, шакллари ва уни ўтказишнинг методларига боғлиқ.

Молиявий назоратни амалга оширувчи субъектларга кўра унинг қуйидаги турлари мавжуд:

- умумдавлат молиявий назорати;
- идоровий молиявий назорат;
- хўжалик ичидаги молиявий назорат;
- жамоатчилик молиявий назорати;

- мустақил молиявий назорат.

Умумдавлат молиявий назорати давлат ҳокимият органлари (президент, ҳукумат, Олий мажлис, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқалар) томонидан амалга оширилади. Бу турдаги молиявий назоратнинг бош мақсади даромадларнинг тушиб туриши ва давлат харажатларининг сарфланиши бўйича давлат ва жамиятнинг манфаатларини таъминлашдан иборат.

Идоравий молиявий назорат вазирликларнинг назорат-тафтиш бошқармалари ва бошқа таркибий тузилмалари томонидан амалга оширилиб, шу идорага бўйсунувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолиятини қамраб олади.

Хўжалик ичидаги молиявий назорат корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ва молиявий хизматлари томонидан ўтказилади. Бу ерда молиявий назоратнинг объекти сифатида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг хўжалик ва молиявий фаолияти майдонга чиқади.

Жамоатчилик молиявий назорати нодавлат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Назоратнинг объекти унинг олдида қўйилган вазифаларга мувофиқ равишда аниқланади.

Мустақил молиявий назорат махсус органлар: аудиторлик фирмалари ва бошқа хизматлар томонидан ўтказилади.

Молиявий назоратнинг шаклларини қуйидаги мезонлар бўйича классификация қилиш қабул қилинган:

- амалга оширилиш регламенти;
- ўтказилиш вақти;
- назоратнинг субъектлари;
- назоратнинг объектлари.

Амалга оширилиш регламенти бўйича молиявий назоратнинг шакллари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- мажбурий (ташқи);
- ташаббускорли (ички).

Юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий фаолияти устидан мажбурий (ташқи) назорат қонун асосида амалга

оширилади. Булар, масалан, асосан ташқи, мустақил назоратчилар томонидан амалга ошириладиган солиқ текширувларига, бюджет ресурсларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратга, корхона ва ташкилотларнинг молия-бухгалтерия ҳисоботлари маълумотларини мажбурий аудиторлик тасдиқланишига ва ҳ.к.ларга тегишли бўлиши мумкин.

Ташаббускорли (ички) молиявий назорат молиявий қонунчиликдан келиб чиқмаса-да, тактик ва стратегик мақсадларга эришишда молиявий бошқарувнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўтказилиш вақти бўйича молиявий назоратнинг шакллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- дастлабки;
- жорий (оператив);
- навбатдаги (келгуси, сўнгги).

Дастлабки молиявий назорат молиявий операцияларнинг содир бўлишидан олдин амалга оширилади ва молиявий хатоликларнинг (бузилмаларнинг) олдини олиш ёки уларни оғоҳлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Молиявий назоратнинг бу шакли маблағларнинг нотежамли ва носамарали сарфланишининг олдини олиш учун харажатларнинг молиявий жиҳатдан асосланган бўлишини кўзда тутди. Макродаражада бундай назоратга мисол сифатида мамлакат иқтисодий тарққиётининг макроиқтисодий кўрсаткичлари башоратлари асосида барча даражадаги бюджетларни ва нобюджет фондларининг молиявий режаларини тузиш ва тасдиқлаш жараёнини кўрсатиш мумкин. Микродаражада эса улар молиявий режалар ва сметалар, кредит ва касса аризалари, бизнес-режаларнинг молиявий бўлимлари, башорат балансларини тузиш, ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида шартнома ва ҳ.к.лардан иборат бўлиши мумкин.

Жорий (оператив) молиявий назорат пул битимлари, молиявий операциялар, ссуда ва субсидияларни бериш ва ҳ.к.ларнинг содир бўлиш вақтида амалга оширилади. Молиявий назоратнинг бу шакли маблағларни олиш ва уларни сарфлаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган қонунбузарликлардан оғоҳлантиради, молиявий интизомнинг

мустаҳкамланишига ва пул ҳисоб-китобларининг ўз вақтида амалга оширилишига ўз таъсирини кўрсатади. Бу ерда бухгалтерия хизматлари катта роль ўйнайди.

Навбатдаги (келгуси, сўнгги) молиявий назорат молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳужжатларини таҳлил ва тафтиш қилиш йўли билан амалга оширилиб, унинг бу шакли иқтисодий субъектлар молиявий фаолиятининг натижаларини, таклиф этилган молиявий стратегия амалга оширилганлигининг самарадорлигини, молиявий харажатларни уларнинг башоратлари билан қиёсланишини ва ҳ.к.ларни баҳолашга мўлжалланган.

Назоратнинг субъеклари бўйича молиявий назоратнинг қуйидаги шакллари бўлиши мумкин:

- Президент молиявий назорати;
- ҳокимият қонунчилик органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг молиявий назорати;
- ижроия ҳокимият органлари молиявий назорати;
- молия-кредит органларининг молиявий назорати;
- фирмавий-ички молиявий назорат;
- аудиторлик молиявий назорати;
- ва бошқалар.

Назоратнинг объектларига мувофиқ равишда молиявий назоратнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- бюджет молиявий назорати;
- нобюджет фондлар устидан амалга ошириладиган молиявий назорат;
- солиқлар бўйича амалга ошириладиган молиявий назорат;
- валюта операциялари устидан амалга ошириладиган молиявий назорат;
- кредит операциялари бўйича молиявий назорат;
- суғурта фаолияти бўйича молиявий назорат;
- инвестицион фаолият бўйича амалга ошириладиган молиявий назорат;
- пул массаси устида амалга ошириладиган молиявий назорат;
- ва бошқалар.

Молиявий назоратни амалга ошириш жараёнида унинг қуйидаги методларидан фойдаланилади:

- текширув;
- тадқиқ этиш;
- надзор (назорат);
- молиявий ҳолат таҳлили;
- кузатиш (мониторинг);
- тафтиш.

Текширув ҳисобот, баланс ва харажат ҳужжатлари асосида молиявий-хўжалик фаолиятнинг алоҳида масалалари бўйича амалга оширилади. Текширув жараёнида молиявий интизомнинг бузилганлиги аниқланади ва уларни барҳам бериш борасида чоралар белгиланади.

Тадқиқ этиш корхона ва ташкилотлар фаолиятининг айрим томонларини қамраб олади. Тадқиқ этиш жараёнида бажарилган ишлар, материал, ёқилғи ва энергияларнинг сарфланиш ҳажмлари назорат тарзида ўлчанади. Шунингдек, тадқиқ этиш сўраш, кузатиш ва инспекция қилиш ҳоллари орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Надзор (назорат) молиявий фаолиятнинг маълум бир турига (масалан, суғурта, инвестицион, банк ва бошқа фаолиятлар) лицензия олган иқтисодий субъектлар устидан назорат органлари томонидан амалга ошириладиган назоратни англатади. У бузилиши лицензиянинг чақириб олинишига олиб келадиган ўрнатилган (белгиланган) қоидалар ва нормативларга риоя қилиниши устидан назоратни кўзда тутди.

Иқтисодий таҳлил молиявий назоратни амалга ошириш методи сифатида хўжалик фаолиятининг натижалари, молиявий ҳолатнинг аҳволига умумий баҳо бериш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини асослаш мақсадида даврий ёки йиллик молиявий ва бухгалтерия ҳисоботларини деталлаштирилган тарзда ўрганишни кўзда тутди.

Тафтиш молиявий назоратнинг анча кенг тарқалган методи саналиб, назоратнинг ҳақиқий ва ҳужжатли усулларини қўллаш ёрдамида амалга ошириладиган корхона, ташкилот ва муассасалар молия-хўжалик фаолиятини ўзаро боғланган комплекс текширувидан иборатдир. Тафтиш тафтиш қилинаётган объект фаолиятидаги камчиликлар ва

бузилмаларни топиш учун, яъни содир этилган хўжалик операцияларининг мақсадга мувофиқлиги, асосланганлиги, иқтисодий самарадорлигини, молиявий интизомга риоя этилганлигини, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг ишончлилигини аниқлаш учун амалга оширилади.

Субъект хўжалик фаолиятини қамраб олишнинг тўлиқлигига қараб тафтишнинг қуйидаги турлари бўлишимумкин:

- тўлиқ;
- қисман;
- мавзули;
- комплексли.

Тўлиқ тафтиш назорат объекти молия-хўжалик фаолиятининг барча томонларини текширишни кўзда тутди.

Қисман тафтиш хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятининг айрим қисмлари ёки томонларини текшириш учун ўтказилади.

Мавзули тафтиш бир типдаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолияти бўйича маълум бир мавзуга бағишлаб ўтказиладики, бу нарса уларга хос бўлган типик камчиликлар ва бузилмаларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларнинг қўлланилишига имкон беради.

Комплексли тафтиш текширилаётган корхона, ташкилот ва муассаса фаолиятининг барча томонларини қамраб оладиган ва энг тўлиқ бўлган тафтиш бўлиб, у назорат субъектининг хўжалик ва молия фаолиятини, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг бутлиги ва улардан самарали фойдаланиш масалалари, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ҳолати ва сифати каби масалаларни ўз ичига олади. Бунда тор техникавий ва технологик масалаларни текшириш учун тегишли мутахассислар жалб қилинади. Бу эса, ўз навбатида, комплексли тафтиш натижаларининг тўлиқлиги ва самарадорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Молиявий ва хўжалик операцияларининг қамралиб олиниши даражасига кўра тафтишлар қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

- ёппасига тафтиш;
- танланма тафтиш;
- комбинациялаштирилган тафтиш.

Ёппасига тафтиш бутун текшириладиган давр мобайнида фаолиятнинг маълум бир қисмидаги барча операцияларнинг текширилишини тақоза этади.

Танланма тафтиш у ёки бу вақт оралиғида бирламчи ҳужжатлар бир қисмини текширишдан иборат. Одатда, чоракдаги бир ойнинг натижалари текширилади, камчиликлар аниқланса, ёппасига текширувга ўтилади.

Комбинациялаштирилган тафтиш бир қисмнинг ёппасига, бошқа бир қисми эса танланма метод билан текширилишини назарда тутди. Бу нарса юқори даражадаги ҳужжатларнинг айланиши билан характерланадиган ва йирик хўжалик операцияларини амалга оширувчи субъектлар фаолиятини тафтиш қилишга имкон беради.

Ўтказилган тафтиш асосида акт расмийлаштирилади. Унда камчиликларни бартараф этиш, моддий зарарларни қоплаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш чоралари белгиланади.

6.3. Давлат молиявий назорати органларининг вазифалари ва функциялари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган ҳокимиятни тақсимланиш принципи Президент ва ваколатли ҳукумат органлари томонидан ижро ҳокимияти органларининг молиявий фаолиятини назорат қилишни назарда тутди. Бундай назорат, авваламбор, республика ва маҳаллий бюджетларни, давлат мақсадли нобюджет фондларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилишда ҳамда уларнинг ижроси ҳақида ҳисоботларни тасдиқлашда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддасининг 8-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимоти бўйича мамлакат бюджетини қабул қилади ва унинг ижроси устидан назорат ўрнатади. Халқ депутатлари Кенгашлари айрим минтақаларга ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда

маҳаллий бюджетларнинг ижро этилишини назорат қилади. Бундан ташқари, ваколатли органлар зиммасига айрим тармоқлар ва соҳаларда бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш юклатилиши мумкин.

Молиявий назоратни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи сифатида катта ваколатлар берилган. Республика Конституцияси 93-моддасининг 8-бандига мувофиқ Президент ижроия ҳокимият аппарати ва жумладан, давлат молиявий назорати функцияларини амалга оширувчи органлар (Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқалар)ни шакллантиради.

Давлат молиявий назорати тизимида Ҳисоб палатасига катта рол ажратилган²¹. У мустақил ва объектив орган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради.

Ҳисоб палатаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ унинг зиммасига назорат, мониторинг ва таҳлилий ишлар ҳамда қуйидаги функцияларни бажариш юклатилган:

- макроиқтисодий кўрсаткичлар, бюджет-солиқ ва пул-кредит параметрларининг шаклланиш жараёнларини тизимли ўрганиб, уларнинг қонунчилик талабларига мувофиқлигини кузатиб бориш;

- давлат бюджети, унинг даромад ва харажатлар қисмлари асосий параметрлари ва моддаларининг ижро этилиши устидан назорат ўрнатиш;

- давлат бюджетини ижро этиш, солиқ тушумлари ва пул кўрсаткичлари бўйича тасдиқланган параметрларни тузатиш бўйича таклифларнинг асосланганлиги ва уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини кўриб чиқиш;

- минтақалар ва умуман жамият ривожланишида маҳаллий бошқарув органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ролини ошириш мақсадида республика бюджети билан маҳаллий бюджетлар ўртасидаги ўзаро нисбатларнинг мақбуллигига эришиш бўйича таклифларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

²¹ Бу палата Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 июндаги Фармони билан ташкил этилган.

- минтақалар, тармоқлар ва корхоналар бўйича тасдиқланган параметрлар ҳисобидан давлат маблағларини харажат қилиш бўйича четга чиқишлар аниқланган ҳолларда текширувлар ўтказиш, улардан фойдаланишда тартиббузарликлар ва суистеъмол-ликларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

- умуман бюджет даромад қисмининг ижроси устидан ҳамда минтақалар бўйича манбалар, солиқ ва божхона органларидан тўловларнинг келиб тушиши тўлиқлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш;

- бюджет жараёнида четга чиқишларни таҳлил қилиш ва ўрганиш, уларни бартараф этиш ва бюджет қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- миллий валютани мустаҳкамлаш, инфляцияни пасайтириш ҳамда иқтисодий ўсиш ва нархлар барқарорлиги кўрсаткичларининг оптимал бирлигига эришиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш;

- олтин-валюта заҳиралари, шу жумладан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни ишлаб чиқариш ва улар билан амалга ошириладиган операцияларни назорат этиш, йўқотишлар ва суистеъмолликлар каналлари ва имкониятларини йўқотиш мақсадида давлат олтин-валюта заҳираларининг бутун ҳаракати тиниқлигини таъминлаш;

- ташқи активларни бошқариш бўйича ҳисобот ва баланс ҳисоб-китобларини таҳлил этиш, олтин-валюта заҳираларини чет эл банкларида жойлаштириш ва қайта жойлаштириш асосланганлиги ва самаралилигини назорат қилиш;

- давлат ташқи қарзларини бошқариш устидан мониторинг ўрнатиш ва уларга биринчи навбатда, Ҳукумат томонидан ва унинг кафолати остида олинган кредитлар бўйича ўз вақтида хизмат кўрсатилишини назорат этиш;

- экспортни ривожлантириш, товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнозларини бажариш, маҳсулот импорт қилишни мақбуллаштириш, ташқи савдо ва тўлов баланслари ижобий қолдиғини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини назорат этиш;

- чет давлатларда давлат мулкани реализация қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича таҳлил ўтказиш ва уларнинг назорат этилишини таъминлаш;

- республикада қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар конларини қазиш ва улардан фойдаланиш юзасидан чет эл компанияларининг таклифларини кўриб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки унинг кафолати остида чет эл кредитлари ва қарзларини жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги, халқаро молия бозорларига республика қарз мажбуриятларини чиқаришнинг мақсадга мувофиқлигини таҳлил этиш;

- олиб борилаётган бюджет-солиқ, пул-кредит, валюта ва ташқи савдо сиёсатига таъсир кўрсатувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини экспертиза қилиш;

- вазирликлар, қўмиталар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг Ҳисоб палатаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича иш-фаолиятини мувофиқлаштириш;

- Ҳисоб палатаси зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқадиган масалалар бўйича таҳлилий ишланмаларни ташкил этиш ва ўтказиш, уларнинг асосида ҳисобот ва таклифлар тайёрлаш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этиш.

Кўрсатилган функцияларни амалга ошириш учун Ҳисоб палатасига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, қўмиталар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, банклардан ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ахборот, маълумотлар ва ҳужжатларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

- зарур бўлган ҳолларда ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун текширувлар ташкил этиш ва уларнинг натижалари бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни жўнатиш;

- ўз ваколати доирасида текширувлар ўтказиш вақтида давлат органлари ва уларнинг вакиллари, нодавлат аудиторлик хизмати ва айрим мутахассисларни уларда иштирок этиш учун жалб этиш;

- Ҳисоб палатаси билан олдиндан келишилиши зарур бўлган барча масалалар юзасидан тегишли хулосалар бериш;

- қонунчиликни такомиллаштириш, давлат органлари, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини яхшилаш мақсадида назорат тадбирлари натижалари бўйича таклифлар киритиш.

Молиявий назорат бўйича муҳим вазифа ва функциялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига ҳам юклатилган. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» 1993 йил 6 майдаги қонунининг 12-моддасига мувофиқ у вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари фаолияти устидан назоратни амалга оширади. У давлат молиявий назоратини амалга оширувчи органлар ваколати ва функциялари тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси ҳамда Республика пул-кредит сиёсати комиссияси ташкил этилган бўлиб, уларга давлат молиявий назорати соҳасида катта ваколатлар берилган.

Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўзининг минтақавий комиссияларига эга. Мазкур Комиссия томонидан унинг ваколати доирасида қабул қилинган қарорлар вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, тижорат банклари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда уларнинг бирлашмалари (хўжалик уюшмалари), мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши учун мажбурий ҳисобланади.

Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси тўғрисидаги Низомга мувофиқ қуйидагилар унинг асосий вазифалари деб белгиланган:

- иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва барча хўжалик юритувчи субъектлар ва тижорат банклари томонидан тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлиқ

тўлаш бўйича амалдаги қонунчилик меъёрларига қатъий риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

- корхоналарнинг дебиторлик қарзлари аҳволини таҳлил этиш, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга тўловлар бўйича боқимандаларини қисқартириш бўйича таъсирчан чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда тегишли солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўлиқ ундириб олинишини таъминлаш;

- корхоналар ва ташкилотлар айланма маблағларининг ажратиб олиниши, шу жумладан тайёр маҳсулот захираларига ва тугалланмаган қурилишга ажратилиши сабаблари ва йўналишларини аниқлаш ҳамда уларни қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Комиссияга кенг ваколатлар берилган бўлиб, у хусусан, қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- вазирликлар, қўмиталар, идоралар, тижорат банклари, солиқ органлари, хўжалик уюшмалари, корхоналар ва бирлашмалар, давлат бошқарув органлари раҳбарларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, солиқ ва тўлов интизомининг аҳволи тўғрисидаги масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиб бориш;

- боқимандаларни тўлаш, пеня ҳисобланишини тугатиш бўйича муддатларни кечиктириш ёки узайтириш, бюджетга ва нобюджет фондларга солиқлар ва тўловлар бўйича пеняларни ҳисобдан чиқариш;

- белгиланган тартибда молия, солиқ ва божхона органлари фаолиятини текширишни ташкил этиш, Комиссия зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган ахборот, маълумотларни вазирликлар, қўмиталар, идоралар, уюшмалар, давлат бошқаруви маҳаллий органларидан олиш;

- банкротлик ва корхоналарни санациялаш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига корхоналарни санациялаш ёки мунтазам равишда дебиторлик ва кредиторлик қарзларига йўл қўйувчи корхоналар ва ташкилотларни банкрот деб эълон қилиш учун материалларни хўжалик судига бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш юзасидан таклифлар бериш;

- солиқ солиш тизими ва халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни яхшилаш учун йўналтирилган республика қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш ва ҳ.к.

Республика пул-кредит сиёсати комиссияси зиммасига республикада нақд пул муомаласи ва халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг аҳволи устидан назоратни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан валюта операцияларини амалга ошириш ва Ўзбекистон иқтисодиёти устувор тармоқларини ривожлантириш учун ажратиладиган кредитлардан мақсадли фойдаланиш тартибига қатъий риоя этилишини таъминлаш вазифаси юклатилган²².

Мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат органлари томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз равишда аралашувга йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Текширувларни тартибга солиш ва назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида» 1996 йил 8 августдаги №УП-1503 Фармони билан Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур Кенгаш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат назорат этиш соҳасидаги марказий мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Кенгаш қарорлари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш бўйича давлат назоратини амалга оширишга ваколат берилган барча органлар учун мажбурий ҳисобланади.

Кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Кенгаш ўз фаолиятини Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши тўғрисида низомга асосан амалга оширади²³.

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси таркиби тўғрисида» 1996 йил №УП-1492 – сонли Фармони.

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги №УП-2114–сонли Фармони.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда тегишли ҳудудий комиссиялар тузилган бўлиб, уларнинг таркиби Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши томонидан тасдиқланади.

Кенгаш фаолиятининг мақсади, мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, уларнинг иш-фаолиятига назорат органлари томонидан асоссиз равишда аралаштиришга йўл қўймасликдан иборат.

Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари қилиб белгиланган:

- назорат органларининг хўжалик юритувчи субъектлар иш-фаолиятини текшириш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг иш-фаолияти бўйича ўтказиладиган текширувларнинг умумий сонини қисқартириш;
- текширувлар, шунингдек назорат органларининг фаолиятини қайтаришга йўл қўйувчи комплекс текширувларнинг мувофиқлаштирувчи режаларини ишлаб чиқиш;
- текширувлар ўтказиш бўйича мувофиқлаштирувчи режаларга риоя этилган ҳолда назорат органларининг фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва Кенгаш билан келишилмай туриб, режадан ташқари, қарши текширув ва назорат тартибда текширувлар ўтказилишига йўл қўймаслик;
- текширувларни қисқартириш ва такомиллаштириш мақсадида уларни ташкил этиш тизимини тартибга солиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Кенгаш ҳудудий комиссияларининг асосий функцияларига:

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш бўйича ҳудудий мувофиқлаштирувчи режа-графиклар ишлаб чиқиш;
- мувофиқлаштирувчи режа-графиклар бажарилишига риоя этилиши устидан мониторинг ўрнатиш каби вазифалар киради.

Кенгаш ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳамда ўз мақомига мувофиқ равишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- республика барча вазирликлари ва идораларидан яқинлашиб келаётган давр учун мўлжалланган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширув режаларини сўраш ва олиш;

- текширувларни мувофиқлаштириш бўйича қонунчиликда белгиланган тартибга риоя этилишини таъминлаш талаб қилинган кўрсатмаларни, Кенгаш Раиси имзоси қўйилган ҳолда, назорат органларига жўнатиш;

- текширувларни мувофиқлаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ёки Кенгаш қарорларини бузишда айбдор бўлган назорат органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларга маъмурий чоралар белгиланганлиги тўғрисидаги тақдимномаларни, Кенгаш Раиси имзоси қўйилган ҳолда, жўнатиш;

- назорат органларининг режадан ташқари текширувлар ўтказиш тўғрисидаги қарорларини, агар уларни ўтказиш учун етарлича асослар бўлмаса, бекор қилиш.

Кенгаш назорат органлари томонидан назоратни тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликка қатъий риоя этиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг назорат органларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан тушган аризаларини ўз вақтида кўриб чиқиши, улар юзасидан қарорлар қабул қилиши ҳамда олиб борилаётган ишларнинг натижалари тўғрисида ҳукуматга мунтазам равишда ахборот бериб туриши шарт.

Давлат молиявий назорати тизимида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ва уларнинг қуйи органлари алоҳида ўрин тутди. Молия-кредит тизими муассасалари томонидан амалга ошириладиган назоратларнинг мазмуни ва мақсади белгиланган ваколат доирасидаги амалий эҳтиёжлар билан белгиланади.

Молия органларининг кўп қиррали назорат фаолияти бюджетни режалаштириш, молиявий режалар ва сметалар лойиҳаларини кўриб чиқиш, бюджет барча даромадларини

тўплаш, давлат бюджети билан тегишли молия йили учун назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш жараёнида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг зиммасига давлат молиявий назоратини амалга ошириш бўйича қуйидаги асосий вазифа ва функциялар юкланган:

1) республика вазирликлари, қўмиталари, идоралари ва корхоналари томонидан республика бюджетининг ижро этилиши, Марказий банк ва бошқа банклар томонидан бюджетнинг касса ижроси қоидаларига риоя этилиши ҳамда банклар томонидан капитал қўйилмалар ва бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган бошқа чора-тадбирларнинг молиялаштирилиши устидан назоратни амалга ошириш;

2) қимматли қоғозлар бозори шаклланиши, қимматли қоғозлар эмиссияси ва ҳаракатини назорат этиш, молия бозорини шакллантиришга доир ишларни мувофиқлаштириш;

3) республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштириладиган, шунингдек барча кўринишдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қазиб олувчи, қайта ишловчи ҳамда улардан бошқа мақсадлар (жумладан экспорт) учун фойдаланувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш.

Ҳукуматнинг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувлари родини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига янги вазифалар юкланди. Хусусан, энди аудиторлик ташкилотларида лицензия шартномаларида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишни амалга ошириш ҳам унинг вазифасига киради.

Молия вазирлиги ҳузурида Бош назорат-тафтиш бошқармаси мавжуд бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг

худудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисида низом²⁴га асосан фаолият юритади.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг асосий вазифаси бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилишдир.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг бошқа вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- молия органлари ва бюджет муассасалари томонидан бюджет ва молия қонунчилиги ҳамда бюджет мажбуриятларининг ижроси билан боғлиқ бўлган бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш;

- республика ва маҳаллий бюджетларнинг қатъий ижро этилиши устидан доимий назоратни таъминлаш;

- молия органлари ва тижорат банклари томонидан биринчи навбатдаги харажатлар навбатига риоя этилиши, бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий нафақалар, стипендиялар бериш муддатлари ва тўлиқлиги, шунингдек бюджет муассасаларига кўрсатилган мақсадлар учун нақд пул маблағларини бериш бўйича фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари орқали кам таъминланган оилаларга бериладиган ижтимоий нафақалар билан таъминлаш ва уларнинг ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

- пахта хом ашёсини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, пахта маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш бўйича статистик ва бухгалтерия ҳисоботи маълумотларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш;

- пахта хом ашёси ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларнинг миқдори ва сифатини баҳолаш ҳамда

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сонли қарори.

уларнинг ҳисоботда акс эттирилиши бўйича текширувларни ташкил этиш ва ўтказиш методологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

- инвестицион дастурларнинг амалга оширилиши учун ажратиладиган марказлаштирилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат этиш;

- коммунал хизматлар ва электр энергияси учун бюджет маблағларини сарфлаш лимитларига риоя этилиши устидан мунтазам равишда текширувлар ўтказиб туриш;

- бюджет муассасалари томонидан штатлар жадвали-смета интизомига риоя этилишини назорат қилиш;

- ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларининг бюджет жараёнига ноқонуний равишда аралашуви фактларини тўхтатиш;

- давлат валюта маблағларининг тўғри ва мақсадли сарфланишини назорат қилиш;

- фуқароларнинг молия ва бюджет интизоми бузилганлиги фактлари тўғрисидаги хат, шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш ва ҳ.к.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- 1) ҳудудий молия органларининг маҳаллий бюджетлар ижроси бўйича иш-фаолиятини, барча даражадаги бюджет муассасаларининг эса, харажатлар сметалари ва бюджет интизомига риоя этиш бўйича иш-фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш (мониторинг);

- 2) ҳудудий молия органлари ва барча даражадаги бюджет муассасаларининг пул ва бухгалтерия ҳужжатлари, ҳисоботлари, сметалари ва бошқа ҳужжатлари, моддий бойликлари мавжудлигини текшириш;

- 3) махсус ваколатли органнинг қарорига асосан хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш;

- 4) тижорат банклари муассасалари, солиқ органлари, бошқа идоралардан тафтиш ва текширувлар ўтказиш вақтида

юзага келадиган саволлар бўйича зарур бўлган маълумотномалар ва ахборот, маълумотларни олиш;

5) қурилиш, монтаж, таъмирлаш каби ишлар назорат ўлчамларини амалга ошириш ва бошқа текширувларни ўтказиш учун белгиланган тартибда мутахассисларни жалб этиш;

6) ҳудудий молия органлари ва барча даражадаги бюджет муассасалари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва мансабдор шахсларидан тафтиш ва текширувлар ўтказиш жараёнида юзага келадиган масалалар, молия ва бюджет интизоми бузилиши фактлари, шунингдек маълумотнома, тафтиш ва текширувлар далолатномаларининг имзоланиши бўйича тушунтиришлар талаб қилиш;

7) зарур бўлган ҳолларда касса ва касса хоналари, омборлар, архивларни муҳраб қўйиш, қалбаки, сохта ҳужжатлар ва бошқа суистеъмолликлар аниқланган ҳолларда ҳужжатларни олиб қўйиш, текширилаётган объектлар раҳбарларидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларнинг йўқлама қилинишини талаб этиш;

8) Молия вазирлигининг топшириғи ва у томонидан тасдиқланган махсус графиклар бўйича пахта хом ашёсини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга оид бутун даврда пахта тозалаш корхоналарида тайёрланаётган, қайта тайёрланаётган ва сақланаётган пахта хом ашёсига тегишли масалалар бўйича текширув ва тафтишлар ўтказиш;

9) молия ва бюджет интизоми бўйича аниқланган тартиббузарликларни бартараф этиш, моддий зарарни қоплаш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда бошқа вазифалар бўйича тафтиш ва текширувлар материаллари юзасидан тегишли таклифлар киритиш.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари ўз иш-фаолиятини Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган йиллик иш режаларига асосан амалга оширади. Улар, зарур бўлган ҳолларда, молия органлари ва бюджет муассасалари фаолиятини режадан ташқари тафтиш ва текширувдан ўтказишади, махсус

ваколатли орган рухсати билан эса, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш ва назорат қилади.

Давлат молиявий назоратини амалга оширишда солиқ органлари муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» 1997 йил 29 августдаги қонуни²⁵ солиқ назоратининг асослари, уни амалга ошириш бўйича солиқ органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

Солиқ назорати солиқ солиш субъектлари ва объектлари ҳисобини юритиш ҳамда солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидир. У давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиққа тортиладиган субъектлар ва объектлар ҳисобини юритиш, солиқ текширувларини ўтказиш, солиқ тўловчилар, бошқа шахсларни сўроқ қилиш ва қонунчилик билан назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органларининг молиявий назоратга оид асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- солиқ қонунчилиги, солиқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси нобюджет Пенсия фондига мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ҳисоблаб ёзилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат этиш;

- солиқ қонунчилигига риоя этилишининг зарурий шартларини таъминлаш, солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда ёрдам кўрсатиш, солиқ бўйича қоидабузарликларни аниқлаш, огоҳлантириш ва тўхтатиб қўйиш.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколати доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- солиқ тўловчиларда (жумладан солиқ тўловчилар билан боғланган қарши субъектларда) Ўзбекистон Республикаси нобюджет Пенсия фондига мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ҳисоблаб ёзилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши билан боғлиқ бўлган молиявий ҳужжатларни, шунингдек

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., №9.

экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни текшириш, текширув вақтида юзага келадиган масалалар бўйича зарур бўлган тушунтириш, маълумотнома ва маълумотларни олиш;

- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда юридик шахслар ҳамда жисмоний шахсларнинг банклардаги ва бошқа молия-кредит ташкилотларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бошқа давлат бошқарув органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари, статистика ва молия органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро биргаликда бажарадилар. Кўрсатилган органлар ва ташкилотлар солиқ хизмати органларига солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва солиқ қонунбузарлигига қарши курашда ёрдам беришлари шарт.

Кўрсатилган қонунчилик ҳужжатида назарда тутилган солиқ назоратини ташкил этиш Давлат солиқ қўмитаси ва унинг органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида низом²⁶га мувофиқ у давлат солиқ хизматининг солиқ қонунчилигига риоя этилиши, давлат иқтисодий манфаатлари ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоялашнинг таъминланиши соҳасидаги назорат бўйича марказий органи ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитасининг молиявий назорат соҳасидаги асосий вазифаси солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилиши, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб ёзилиши, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларга ҳақлидир:

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган.

1) Республика назорат органлари фаолиятини мувофиқлашти-риш кенгаши томонидан тасдиқланган иш режасига мувофиқ бошқа текширув ва назорат органларини жалб этган ҳолда, мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш;

2) солиқ тўловчиларда (жумладан солиқ тўловчилар билан боғланган қарши субъектларда) молиявий ҳужжатлар, шартномалар, сметалар, солиқларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш ҳамда экспорт-импорт билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни ҳужжатлар асосида текшириш, текширув вақтида юзага келадиган масалалар бўйича зарур бўлган тушунтириш, маълумотнома ва маълумотларни олиш;

3) савдо, товарларни сотиш ва хизмат кўрсатиш, акциз спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларини реализация қилиш ва маркалаш қоидаларига риоя этилиши, нақд пул маблағларининг тўлиқ кириш қилиниши, назорат-касса аппаратларини қўллаш қонунчилигига риоя этилиши ва бошқаларни назорат қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тизимида Бош назорат-тафтиш бошқармаси²⁷ тузилган бўлиб, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари мавжуд.

Мазкур органнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ қонунчилигига риоя этиши бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда ҳужжатлар асосида текширувларни ҳамда ҳукумат қарорлари билан солиқ органлари зиммасига юклатилган масалалар бўйича назорат текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш;

- хўжалик юритувчи субъектлардан олинадиган солиқлар ва йиғимларнинг ҳисоблаб ёзилиши, ундириб олинишида қонунийликка риоя этилиши, бюджетга тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида киритилишини назорат қилиш;

²⁷ Ҳукуматнинг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 13 мартдаги 87-сонли қарори билан тузилган. Ушбу орган тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 5 майдаги 180-сонли қарор билан тасдиқланган.

солиқ қонунбузарликларини аниқлаш, огоҳлантириш ва тўхтатиш;

- ўтказилган ҳужжатли ва назорат текширувлари (ҳисобланган суммалар, молиявий санкциялар, маъмурий жарималар ва ҳ.к.ни ундириб олиш) якуни бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш;

- солиқ қонунчилигининг бузилишига оид маълумотларни ҳамда ҳужжатли ва назорат текширувлари натижасида аниқланган бошқа фактларни умумлаштириш ва таҳлил этиш ва ҳ.к.

Давлат солиқ қўмитасининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ҳал этиши ва функцияларини бажариши учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- юридик ва жисмоний шахслардан хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар) фаолиятига тегишли маълумот, ахборот, маълумотнома, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини олиш;

- банклар ва бошқа кредит-молия муассасаларидан хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)нинг ҳисобкитоб ва бошқа ҳисобварақларида амалга оширилган операциялари тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда олиш.

Давлат молиявий назорати бўйича функцияларни банк тизими ҳам бажаради. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» 1995 йил 21 декабрдаги қонунига мувофиқ у банк тизими барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш мақсадида банк назоратини ва банклар фаолиятини тартибга солишни амалга оширади.

Марказий банк назорат функцияларини бажариш бўйича ўз ваколатларини амалга ошириш юзасидан банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва банк статистик ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботларни тузиш учун банклар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди.

Марказий банкка қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

1) банклардан ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатларни олиш ва текшириш, уларнинг фаолияти, жумладан операциялари тўғрисида ахборот, маълумотларни сўраш ва олиш;

2) олинган ахборот, маълумотлар бўйича тушунтиришлар талаб қилиш;

3) банкларнинг ички аудити бўйича талаблар белгилаш;

4) банк активларини сифат бўйича тасниф қилиш ва активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун шундай захиралар тузишни талаб қилиш;

5) банкларга улар фаолиятида аниқланган тартиббузарликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган ёзма буйруқлар, кўрсатмалар жўнатиш.

Текширувлар Марказий банк томонидан белгиланадиган ваколатли вакиллари ва аудиторлар томонидан ўтказилади.

Давлат молиявий назоратнинг айрим функцияларини бошқа органлар ҳам бажаради. Бу, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат этиш маркази²⁸га тааллуқли бўлиб, унинг зиммасига барча давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилган.

6.4. Нодавлат молиявий назорат

Бозор иқтисодиёти асосларининг шаклланиши давлат назорат органларининг бевосита иштирокисиз амалга ошириладиган молиявий назоратнинг турлари ролини оширади. Юқорида қайд этилгандек, молиявий назоратнинг нодавлат турларини ички фирмавий (корпоратив) назорат, тижорат банклар томонидан мижоз-ташкилотлар устидан назорат, аудиторлик назоратлари ташкил қилади.

Ички фирмавий молиявий назорат корхона, муассаса, фирма, корпорациялар ўзининг иқтисодий хизматлари, яъни бухгалтерия, молия бўлими, молиявий менежмент

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 мартдаги №УП-1414-сонли фармони билан тузилган.

хизматлари ва бошқалар томонидан ўз корхонаси, филиаллари ва шуъба тузилмаларининг молиявий фаолияти устидан назорат амалга оширилади. Ички назорат хизматлари доимий равишда пул маблағларини (шахсий, қарзий, жалб этилган) ишлатилишининг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги кузатади, режалаштирган молиявий натижалар билан ҳақиқий молиявий натижалар қиёслаб, таҳлил қилади, инвестицион лойиҳаларнинг натижаларига молиявий баҳо беради, корхонанинг молиявий ҳолатини назорат қилади.

Ички назорат капитални инвестициялаштиришнинг бутун жараёнини кузатиб боради. Ички назоратнинг кўринишларидан бири бўлган ва “пост-аудит” номини олган назорат бизнес-режанинг молия бўлимидаги ишлаб чиқариш-инвестиция фаолиятининг ҳар бир босқичида режалаштирилган молиявий натижани ҳақиқий ҳолат билан таққослаш, уларни номувофиқ келиши сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш, чиқимларни камайтириш ва молиявий режалаштириш методларини яхшилаш йўлларини қидиришни англатади.

Банк тизимининг қайта қурилиши натижасида тижорат банкларининг пайдо бўлиши аҳамиятли даражада молиявий назорат соҳасидаги банкларнинг функцияларини ўзгартиради. Агар СССР Давлат банкининг бўлимлари ўзларига бириктирилган корхоналарнинг бутун молиявий фаолиятини назорат қилган бўлса, тижорат банклари эса қонунга мувофиқ равишда давлат томонидан фақат ҳисоб-касса операцияларини юритиш ва валюта қонунчилигига риоя этиш борасида ўрнатилган тартибнинг мижозлар томонидан амал қилинишини назорат қилиб бориши керак. Шу билан биргалиқда ликвидликни қўллаб-қувватлашнинг объектив зарурлиги банкдан потенциал заём олувчиларнинг, яъни заём олувчи корхоналарнинг молиявий ҳолати ва кредит олишга лаёқатлилигини баҳолашни талаб қилади. Ссуда берилган тақдирда банк ўрнатилган муддатларда тегишли фоизлар билан биргалиқда ссуданинг қайтарилиш эҳтимолини баҳолаш мақсадида берилган ссуданинг ишлатилишини, мижознинг тўлов қобилияти ва ликвидлигини назорат қилади.

Банк томонидан амалга ошириладиган бундай назорат кредит рискинни бошқаришнинг муҳим элементи бўлиб ҳисобланади.

Аудиторлик назорати нодавлат молиявий назоратининг янги тури бўлиб, у мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлди. Иқтисодий бошқаришнинг бозор тизимига ўтилиши ва турли тижорат тизимларининг пайдо бўлиши билан уларнинг молиявий ишончилигига, шунингдек улар молиявий ҳолатини объектив баҳолашга нисбатан талаблар кескин оширилди.

Аудиторлик назоратининг асосий вазифалари бухгалтерлик ва молиявий ҳисоботнинг ишончилигини ҳамда амалга оширилган молиявий ва хўжалик операцияларининг амалда бўлган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини ниқлаш, текширилаётган иқтисодий субъектларнинг тўлов-ҳисобот ҳужжатларини, солиқ декларацияларини ва бошқа молиявий мажбуриятларини текширишдан иборат.

Аудиторлик хизматлари қуйидаги бошқа хизматларни ҳам кўрсатишлари мумкин:

- бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш ва олиб бориш;
- даромадлар ҳақида бухгалтерия ҳисоботини ва декларацияни тузиш;
- молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва башоратлаш;
- бухгалтерия хизмати ходимларини ўқитиш ва қонунчилик масалаларида маслаҳат бериш;
- аудиторлик текширувлари натижасида олинган тавсияларни ишлаб чиқиш;
- ва бошқалар.

Аудиторлик текшируви мажбурий ва ташаббусли бўлиши мумкин. Агар ташаббусли текширув иқтисодий субъектнинг ўз қарори бўйича амалга ошириладиган бўлса, мажбурий аудит унинг хоҳиш-иродаси ва истагига боғлиқ бўлмаган ва қонунчиликда белгиланган ҳолларда мажбурий тартибда ўтказилади. Ҳар йили мажбурий аудиторлик текшируви:

- акциядорлик жамиятлари;
- банклар ва бошқа кредит ташкилотлари; суғурта ташкилотлари; инвестицион ва бошқа жамғармалар, юридик

ва жисмоний шахсларнинг маблағлари, уларнинг бошқарувчи компаниялари;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратма маблағлари уларнинг асосий манбалари бўлган хайрия ва бошқа ижтимоий жамғармалар;

- ҳосил бўлиш манбалари қонунчиликда назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган мажбурий ажратмалардан иборат бўлган нобюджет фондлар, устав жамғармасида давлатга тегишли улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилиши шарт.

Мажбурий аудиторлик текширувининг буюртмачиси сифатида хўжалик юритувчи субъект иштирок этади. Аудиторлик ташкилотини танлаш мулк эгаси, хўжалик юритувчи субъект қатнашчилари (акциядорлари) умумий мажлиси билан келишилади. Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектдан энг кам иш ҳақининг эллик баробари миқдоридаги жарима ундириб олиниши ҳамда унинг раҳбарининг қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Жарима тўлаш хўжалик юритувчи субъектни мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан озод этмайди.

Аудитнинг асосий тамойили унинг мустақиллиги бўлиб, бунда асосан текшириладиган субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисидаги касбий фикрини ифодалашда бирор томоннинг таъсири остида бўлишдан унинг озод эканлигини тушуниш лозим. Шу билан бирга, яна шуни ҳисобга олиш керакки, аудит барча мамлакатларда етарли даражада қаттиқ тартибга солинади.

Айрим давлатларда (масалан, Францияда) бу жараёнга давлат аралашиб, у аудит меъёри ва нормативларини белгилайди, аудиторларни ва аудиторлик фирмаларини рўйхатдан ўтказди ҳамда уларнинг фаолияти устидан назорат ўрнатади. Ўзбекистонда ҳам худди шундай аҳвол таркиб топган бўлиб, бу ерда давлат аудиторлик фаолиятини тартибга солишни фаол амалга оширади. У молиявий қийинчиликлари иқтисодиётга таъсир этиши мумкин бўлган муҳим корхоналарни ажратиб, уларда аудит ўтказиш

мажбурий эканлигини белгилайди, аудиторларга (маълумоти, малакаси, имтиҳонларни топшириш тартиби, масъулияти, жавобгарлиги ва бошқалар бўйича) талаблар қўяди.

Аудитни давлат томонидан тартибга солишни ташкил этиш қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар воситасида амалга оширилади. Бунда аудиторлар жамоатчилик ташкилотлари томонидан аудитнинг ўзини ўзи бошқаришига катта имконият берилади. Қайд этиш лозимки, ҳар бир мамлакатда жамоат ташкилотларининг ривожланиши ва таъсири турлича амалга оширилади. Масалан, АҚШ ва Англияда аудиторлик фаолияти асосан ихтисослаштирилган профессионал жамоат аудиторлик ташкилотлари томонидан тартибга солинади.

Кўпгина мамлакатларда мустақил Аудиторлар палаталари ишлаб турибди. Уларнинг асосий вазифалари аудиторлик фаолияти ва аудиторлар ахлоқ меъёрлари бўйича стандартларни ишлаб чиқиш, аудиторлар иш фаолиятининг сифатини назорат қилиш, аудиторлик фаолияти бўйича билимларини аттестация қилиш ва ҳужжатлар бериш ҳамда аудиторлик меъёрларини бузган шахсларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш (бу - давлатга хос хусусият бўлмаган мамлакатларда) кабилардан иборатдир.

Аммо айрим мамлакатларда, масалан, Швецияда, гарчи Ваколатли аудиторлар уюшмаси ва Тасдиқланган аудиторлар уюшмаси ишлаб турган бўлишига қарамасдан, умуман аудиторлик фаолиятини тартибга солиш давлат томонидан амалга оширилиб, бу бизнинг Республикамизга ҳам хос бўлган хусусиятдир. Ўзбекистон Аудиторлар палатаси тузилиш жиҳатидан давлат органлари билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилади. Аммо унинг аудиторлик фаолиятини тартибга солиш бўйича асосий функциялари давлат томонидан мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунини амалга ошириш, аудиторлик текширувларининг роли ва мақомини белгилаш, солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан аудиторлик хулосалари ҳисобини юритишни таъминлаш мақсадида сўнгги вақтларда

бизнинг мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тартибига жиддий ўзгартиришлар киритилди²⁹.

Хусусан, белгилаб қўйилдики, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш ишлари аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган микрофирмаларнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан мажбурий тарзда тегишли аудиторлик ташкилотлари жалб этилган ҳолда текширилади. Бунда молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги учун аудиторлик ташкилоти жавобгар ҳисобланади.

Тартиблар тўғрисида бир неча низомлар тасдиқланган:

а) солиқ ва бошқа назорат органларининг аудиторлик хулосалари ҳисобини юритиш;

б) мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказишдан бош тортганлиги учун ҳўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириб олиш;

в) аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензиялар бериш.

Солиқ органлари ва бошқа назорат органларининг аудиторлик хулосалари ҳисобини юритиш тўғрисидаги низом бундай хулосаларнинг икки турини белгилаб берган бўлиб, улардан ҳар бири муайян ҳуқуқий оқибатларга олиб келади:

- ижобий аудиторлик хулосаси аудиторлик ташкилоти тўғрисида ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини тўғри акс эттиради ва ҳўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молиявий ва ҳўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ келади, деган фикрлар мавжуд бўлган ҳужжатдир.

- салбий аудиторлик хулосаси ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида тартиббузарликлар мавжуд бўлиб, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчини янглишишга олиб келиши мумкин бўлганлиги тўғрисидаги фикр билдирилган аудиторлик ташкилоти ҳужжати дир.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувлари ролини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори.

Хўжалик юритувчи субъектда олдинги икки йил учун ижобий йиллик аудиторлик хулосаси мавжуд бўлиши уни хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатига киритиш учун зарур шартлардан бири ҳисобланиб, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан текшириш сўнгги текширув ўтказилганидан кейин 24 ой ўтмасидан олдин ўтказилиши мумкин эмас. Салбий аудиторлик хулосасига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект хўжалик юритувчи субъектларнинг назорат органлари томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган текширув режа-жадвалига киритилиши керак.

Солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган текширув аудиторлик хулосаси хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига мувофиқ келмаслигини аниқлаган ҳолда, ушбу аудиторлик хулосаси шак-шубҳасиз сохта деб ҳисобланади ва аудиторлик ташкилоти, шунингдек бунда айбдор бўлган шахслар қонунчиликда назарда тутилган жавобгарликка тортилади. Бунда солиқ ва бошқа назорат органлари ўн кунлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли аудиторлик ташкилоти томонидан амалдаги қонунчилик меъёрлари бузилганлиги аниқланганлиги тўғрисида хабар бериши шарт.

Аудиторлик ташкилоти, шунингдек шак-шубҳасиз сохта аудиторлик хулосаларини тузишда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш хўжалик юритувчи субъектни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича белгиланган тартибни бузганлиги учун қонунчиликда назарда тутилган жазо чораларидан озод қилмайди.

Мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказишдан бош тортишдан олдинги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириб олиш тартиби тўғрисида низом қонунчиликка мувофиқ мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан амал қилади.

Жарима солиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказишдан бош тортиши асос бўлади. Бунда йиллик молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текширувини ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1

майга қадар ўтказилиши ҳамда аудиторлик хулосасининг йўқлиги қоидабузарлик факти деб топилади.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъект ўзининг йиллик молиявий йил учун аудиторлик текширувини ҳисобот йилининг 1 майга қадар ўтказди ва аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин 15 кунлик муддат ичида тегишли солиқ органига аудиторлик хулосасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим этади.

Аудиторлик хулосасининг нусхаси белгиланган муддатда солиқ органига топширилмаган ҳолда, хўжалик юритувчи субъект ушбу органга ёзма равишда аудиторлик хулосаси йўқлиги сабабини акс эттирувчи тушунтиришни тақдим этиши шарт.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бош тортилганлиги сабабли аудиторлик хулосаси йўқ бўлган тақдирда, солиқ органи хўжалик юритувчи субъектга белгиланган тартибда жарима солади.

Бошқа назорат органи томонидан мажбурий аудиторлик текширувини ўтказмаган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан солиқ органи томонидан жарима солиш чораси қўлланилмаганлиги аниқланган тақдирда, тегишли солиқ органининг мансабдор шахслари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик фаолияти (аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматларидан ташқари) янги қонунчилик бўйича аудиторлик теширувини ўтказиш учун фақат махсус рухсатнома (лицензия) мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш аудиторлик ташкилотларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ равишда олиб борилади.

Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (лицензияловчи орган) томонидан амалга оширилади.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Одатда, молиявий назорат қандай икки йўналишда (аспектда) қаралади?
- Молиявий назорат деб нимага айтилади?
- Молиявий назоратнинг предмети қандай молиявий кўрсаткичлардан иборат?
- Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда молиявий назорат қандай соҳаларга бўлинади?
- Нодавлат молиявий назорати нечага бўлинади?
- Молиявий назорат ўз ичига қандай текширувларни олади?
- Тараққий этган мамлакатларда молиявий назорат тизими, асосан, қандай элементлардан ташкил топади?
- Молиявий назоратнинг олдида турган энг асосий вазифалар нималардан иборат?
- Молиявий назоратни ташкил этишнинг асосий принциплари таркибига нималар киради?
- Молиявий назоратни амалга оширувчи субъектларга кўра унинг қандай турлари мавжуд?
- Молиявий назоратнинг шакллари қандай мезонлар бўйича классификация қилиш қабул қилинган?
- Амалга оширилиш регламенти бўйича молиявий назоратнинг шакллари нималардан иборат бўлиши мумкин?
- Ўтказилиш вақти бўйича молиявий назоратнинг шакллари ўз ичига нималарни олади?
- Назоратнинг субъеклари бўйича молиявий назоратнинг қандай шакллари бўлиши мумкин?
- Назоратнинг объектларига мувофиқ равишда молиявий назоратнинг қандай шакллари мавжуд?
- Ички ва ташқи молиявий назорат бир-биридан қандай фарқланади ва уларнинг қандай умумий жиҳатлари бор?

- Молиявий назоратни амалга ошириш жараёнида унинг қандай методларидан фойдаланилади?
- Субъект хўжалик фаолиятини қамраб олишнинг тўлиқлигига қараб тафтишнинг қандай турлари бўлиши мумкин?
- Молиявий ва хўжалик операцияларининг қамралиб олиниши даражасига кўра тафтишлар қандай гуруҳларга бўлинади?
- Ҳисоб палатаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ унинг зиммасига қандай функцияларни бажариш юклатилган?
- Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси тўғрисидаги Низомга мувофиқ нималар унинг асосий вазифалари деб белгиланган?
- Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш Кенгашининг олдига қандай вазифалар қўйилган?
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг зиммасига давлат молиявий назоратини амалга ошириш бўйича қандай асосий вазифа ва функциялар юкланган?
- Молия вазирлиги ҳузуридаги Бош назорат-тафтиш бошқармасининг вазифалари сифатида нималар белгиланган?
- Давлат солиқ хизмати органларининг молиявий назоратга оид асосий вазифалари нималардан иборат?
- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тизимидаги Бош назорат-тафтиш бошқармасининг вазифаларига нималар киради?
- Молиявий назорат нодавлат турларининг таркиби нималардан иборат?
- Ички фирмавий молиявий назоратнинг характерли хусусиятлари нималардан ташкил топади?
- Тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган молиявий назорат қандай хусусиятларга эга?

- Аудиторлик назоратининг асосий вазифалари нималардан иборат?
- Аудиторлик хизматлари яна қандай бошқа хизматларни ҳам кўрсатишлари мумкин?
- Аудиторлик текширувининг қандай турлари мавжуд?
- Ҳар йили қандай субъектлар мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши шарт?
- Аудитнинг асосий тамойили нимадан иборат?

7-боб. Молия назариялари

7.1. Хорижий иқтисодчиларнинг молияга оид назариялари

Жамият тараққиётининг турли босқичларида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларининг шакллантирилиши, тақсимланиши ва фойдаланилишига оид иқтисодий муносабатларни ўрганган молия фани иқтисодчи-олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар таъсирида шаклланди. Улар томонидан яратилган молиявий назариялар жамиятнинг ҳақиқий эҳтиёжлари томонидан текширилди ҳамда агар улар давлат ва аҳоли учун амалий тавсияларга эга бўлган ва ҳодисаларнинг ҳақиқий моҳиятини ўзида акс эттирган бўлса, фан сифатида эътироф этилди. Шу муносабаб билан молия соҳасида илмий билимларни шакллантиришга ёрдам берадиган молиянинг турли назарияларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодчи-олимлар томонидан молияга оид ишлаб чиқилган назарий қарашлар молиявий қонунчилик ва давлат фискал сиёсатининг асосида ётади.

Хорижий иқтисодчилар молияга оид назарияларининг биринчи гуруҳи **сиёсий иқтисод мумтозларининг концепциялари** билан изоҳланади. Капиталистик тараққиётнинг дастлабки босқичидаёқ барча иқтисодий назарияларда молиявий концепциялар алоҳида ўринга эга бўлган. Давлат харажатлари, солиқлар, кредит ва бюджетнинг иқтисодиётга таъсири масалалари сиёсий иқтисод классиклари (Буюк Британияда – У.Петти, А.Смит ва Д.Рикардо, Францияда – П.Баугильбер) томонидан тадқиқ қилинган.

Молия фанининг асосчиси А.Смит (1723-1790 йиллар) ўзининг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот” деб номланган фундаментал асарида

давлат молиясининг моҳияти тўғрисида айрим ғояларни ишлаб чиқдики, улар меҳнатнинг унумли ва унумсизлиги тўғрисидаги таълимотга (бу таълимот А.Смитники) асосланган эди. Унинг аниқлашича, бевосита капиталга алмаштириладиган меҳнат унумли, унумсиз меҳнат эса даромадга, яъни иш ҳақи ва фойдага алмаштириладиган меҳнатдир. Ана шу назарий қарашлардан келиб чиққа ҳолда А.Смит (ва ундан сўнг Д.Рикардо) молиявий категорияларга (давлатнинг даромадлари ва харажатларига) тавсифнома берган. У солиқлар ҳисобидан олинган давлат даромадлари барчасининг ёки деярли барчасининг унумсиз сарфланишини исботлаган. Шунинг учун ҳам давлат харажатлари капиталнинг жамғарилиши ва миллий даромаднинг ўсиши имкониятларини қисқартиради. Ана шундан унинг солиқларга нисбатан салбий муносабати келиб чиққан. А.Смит яратилган қийматни унумсиз сарфлайдиган ва шу муносабат билан ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига тўсиқ бўлувчи давлатнинг харажатларини қисқартириш керак, деган хулосага келади.

А.Смит давлат харажатлари сиёсатини танқид қилган бўлса-да, улар маълум бир қисми бўлишининг зарурлигини эътироф этган. Чунки ана шу қисм ишлаб чиқаришнинг умумий шарт-шароитларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлади. Унинг назариясида солиқлар назариясига катта ўрин берилган. У солиққа тортишни мақсадга мувофиқ равишда ташкил қилишнинг қуйидаги тўрт асосий принципларини ифодалаган:

- солиқлар уларни тўловчиларнинг салоҳиятига ва кучига мувофиқ тўланиши керак;
- солиқларнинг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари аниқ белгиланган бўлмоғи лозим;
- солиқларни ундирилиш вақти солиқ тўловчи учун қулай бўлмоғи зарур;
- солиқларни ундиришда уларни ундириш харажатларининг минималлигини таъминламоқ керак.

Тарихий жиҳатдан бу принциплар туғилиб келаётган буржуазиянинг эҳтиёжларини акс эттирган ва феодал

жамиятнинг асосий социал гуруҳлари бўлган бўлган задагонлар ҳамда руҳонийларга, феодал давлатнинг солиқлар бўйича бошбошдоқлигига қарши йўналтирилган (қаратилган) эди. А.Смит томонидан ишлаб чиқилган юқоридаги принциплар, тўлиқ бўлмаса-да, буржуа давлатлари томонидан солиқ ислохотларини ўтказишда фойдаланилган.

Солиқларнинг турли кўринишларини (эгри (билвосита) солиқлар, иш ҳақи ҳисобидан ундириладиган солиқлар ва бошқалар) таҳлил қила туриб, А.Смит жамиятнинг иқтисодий тараққиёти нуқтаи-назаридан уларга баҳо берган. Истеъмол товарларига нисбатан ўрнатилган эгри (билвосита) солиқлар улар баҳосининг ошишига олиб келган. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш харажатлари ўсган ва охир-оқибатда эса, уларни сотиш камайган ва истеъмол қилиш қисқарган. Иш ҳақидан олинладиган солиқни баҳолаб, у бу солиқни иқтисодиёт учун хонавайронлик келтирувчи деб ҳисоблаган. Чунки ишчи даромадининг солиққа тортилиши тадбиркор аванслаштирилган капиталининг ошишига ёки бозор талабига салбий таъсир кўрсатувчи ишчи кучи сотиб олиш қобилиятининг пасайишига олиб келади.

Шундай қилиб, А.Смитнинг солиқ концепцияси ягона мақсадга – капиталнинг жамғарилишини рағбатлантириш ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишини тезлаштиришга қаратилган эди.

Асосан, худди шундай қарашларни Д.Рикардо (1772-1823 йиллар) ҳам ўзининг “Сиёсий иқтисод ва солиққа тортишнинг бошланиши” асарида ҳимоя қилган. Меҳнатнинг қиймат назариясидан келиб чиққан ҳолда у барча солиқлар сўзсиз равишда ё капиталга, ёки даромадга таъсир кўрсатади, деб ҳисоблаган. Агар солиқлар капиталдан ундирилса, унумли меҳнатни сақлашга мўлжалланган фонд қисқаради. Солиқлар даромаддан олинганда эса, капиталнинг жамғарилиши қисқаради ёки солиқ тўловчининг истеъмоли камаяди. Биринчи эҳтиёж предметларидан олинладиган солиқлар улар баҳосининг ўсишига сабаб бўлиб, улар истеъмол қиладиган товарларнинг миқдорига нисбатан юқорироқ бўлган пропорцияларда истеъмолчининг гарданига юкланади.

Д.Рикардонинг фикрича, товарлар ва иш ҳақидан ундириладиган ҳар қандай солиқлар, бир хил даражада бўлмаса-да, иш ҳақининг ошишига ва фойданинг камайишига олиб келади.

Юқорида баён қилинганларни инобатга олган ҳолда у “солиқлар буюк зулмдир”, деган хулосага келган. Солиққа тортишнинг ўсиши ёки ҳукумат харажатларининг ортиши билан халқнинг истеъмоли пасаяди ва бу нарса, охир оқибатда, ишлаб чиқаришда ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам ҳукуматнинг вазифаси капиталнинг жамғарилишини рағбатлантиришдир. Мамлакатнинг келгуси ишлаб чиқаришини қисқартирмаслик учун ҳукумат фойдани солиққа тортмаслиги керак.

Классик буржуа сиёсий иқтисоди (А.Смит, Д.Рикардо ва уларнинг издошлари) давлат харажатлари ва солиқларга нисбатан расмий иқтисодий сиёсатнинг концепциясини, кўп жиҳатдан, аниқлаб берган эди. ХУШ асрнинг охири ва Х1Х асрнинг бошларида илғор мамлакатларнинг молиявий сиёсати, янги синф – буржуазиянинг манфаатларини ифода этиб, мамлакатнинг хўжалик ҳаётига давлатнинг аралашмаслиги принципини эълон қилга эди. Бунинг оқибатида давлат харажатлари ва фойдани солиққа тортиш бироз қисқарди.

Х1Х асрда ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда ривожланиши меҳнат ва капитал ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашувига олиб келди. Худди шу даврнинг ўзида турли социал гуруҳларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўз сиёсатини ўзгартиришга ҳукуматни чақирувчи иқтисодчиларнинг товушлари эшитила бошланди.

Инглиз олими Ж.С.Милль (1806-1873 йиллар) мамлакатда социал кескинлашувни юмшатиш мақсадида даромадларни тақсимлаш соҳасида ўзгартиришлар киритиш таклифи билан майдонга чиқди. Бойликни нисбатан текисроқ (тенгроқ) тақсимлаш учун у томонидан оқилона солиқ тизимининг янги принциплари ишлаб чиқилди. Ҳаёт кечириш учун зарур саналган даромадга тенг бўлган даромадларни солиққа тортишда солиққа тортилмайдиган минимумни жорий этиш ғояси айнан унга тегишлидир.

Ж.С.Милль “хизматларнинг солиқ назарияси”ни ишлаб чиқдики, унга мувофиқ равишда ҳар бир шахс давлатдан олинадиган қўллаб-қувватлашлар учун ўз даромадларининг бир қисмини давлатга бериши керак. У солиқлар ва давлат харажатлари ўртасида боғлиқликни ўрнатиб, солиқларни давлат харажатлари билан узвий равишда боғлаган.

Бу ҳолатлар кейинроқ швед иқтисодчилари К.Виксель ва Э.Линдаль томонидан янада ривожлантирилди. Бизнинг давримизда эса бу назария америкалик иқтисодчи-олим П.Самуэльсон қарашларининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатди ва у солиқларнинг ўсиши давлат хизматларига бўлган эҳтиёжнинг ўсиши билан кузатилиши керак, деб ҳисоблади.

Швейцариялик иқтисодчи Ж.Сисмонди (1773-1842 йиллар) ривожланган давлатларнинг молиявий сиёсатини танқид қилиб, майда товар хўжаликларини ҳимоя қилган. Унинг чиқишлари, асосан, протекционизм сиёсатига (масалан, донни импорт қилиш бўйича инглиз юқори божхона божлари) қарши қаратилган бўлиб, бундай сиёсатни у миллатга зиён етказувчи сиёсат деб ҳисоблади. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши учун тегишли шароитни яратиш борасидаги протекционизм сиёсатининг ижобий томонларини кўра олмасдан, мамлакат иқтисодиётида узлуксиз равишда катта роль ўйнаб бораётган ўсиб боровчи йирик капиталнинг аҳамиятини у етарлича баҳолай олмади.

Янги тарихий мактаб концепциялари. 1870-йилларда янги тарихий мактаб пайдо бўлдики, унинг бошланиши немис олимларининг (Г.Шмоллер, М.Вебер, А.Вагнер ва бошқалар) номлари билан боғлиқ. Давлат молиясини тадқиқ қилиш билан кўпроқ А.Вагнер шуғулланиб, у давлатнинг ёрдами билан капитални жамғаришнинг ўз ечимини таклиф этди. Давлат фаолиятининг (маъмурий, социал-маданий ва инвестицион) ҳажмини (кўламини) кенгайтириш нуқтаи-назаридан муаммони ҳал этишга ёндошиб, у солиққа тортишнинг тўққиз принципини ишлаб чиқди ва уларни қуйидаги гуруҳларга бирлаштирди:

- етарлилик ва ҳаракатчанлик;

- керак бўладиган манба ва объектни танлаш;
- энг умумийлик ва тенглик;
- аниқлик, қулайлик, арзонлик.

Моҳият жиҳатидан у А.Смитнинг маълум ва машҳур принципларини тўлдирди. Классик буржуа сиёсий иқтисодидан сўнг А.Вагнер мамлакатда бойлик ва даромадларни адолатли тақсимлашга эришиш учун давлат молиядан фойдаланиши мумкин деб ҳисоблади.

Молиявий муаммолар – марксчилар асарларида. XIX асрнинг ўрталаридан унинг охиригача молия фани марксистик таълимотнинг таъсири остида бўлди. Капитализм шароитида молиянинг моҳияти, айрим молиявий категорияларнинг роли ва аҳамияти К.Маркс (1813-1883 йиллар) ва Ф.Энгельс (1820-1895 йиллар) томонидан ишлаб чиқилди. Албатта, давлат молияси масалаларига бағишланган махсус катта ишлар уларда бўлмаса-да, шундай бўлишига қарамасдан капитализмнинг жуда кўп молиявий муаммолари уларнинг қатор асосий асарларида, жумладан “Сиёсий иқтисод танқиди”, “Капитал” номли асарларида ва XIX асрнинг ўрталаридаги инглиз бюджетлари, 1840-йиллардаги прусс ва француз бюджетларининг тавсифига бағишланган кўпсонли мақолаларида ўз аксини топди. К.Маркс монополистик капитализмгача бўлган даврдаги давлат бюджетларининг синфий характерини, давлат харажатларининг унумсиз, халққа қарши характерини очиб берди ва давлат қарзларининг солиқлар билан боғланганлигини кўрсатди.

Капиталнинг дастлабки жамғарилиш методларини тадқиқ қилиб, уларнинг сафига биринчи навбатда, молиявий методлар сифатида давлат харажатлари, давлат кредити ва солиқ тизимини киритди. Унинг фикрича, айнан ана шу методлар капитал жамғарилишининг юқори суръатларда ўсишини таъминлади, капиталистик ишлаб чиқаришнинг шиддатли ривожланиши учун моддий шарт-шароитларни яратди.

К.Маркс ва Ф.Энгельс энг муҳим молиявий категория ҳисобланган солиқларга жиддий эътибор беришди. Уларнинг

моҳиятини ўрганиб, солиқлар барча меҳнаткашлар учун қўшимча эксплуатация қилишнинг қуроли эканлигини доимий равишда таъкидлаб келдилар. Солиққа тортишни баҳолашда К.Маркс тўғридан-тўғри (бевосита) солиқларга ва энг аввало, даромад солиғига устуворлик билан аҳамият берди ва солиққа тортиш прогрессив шаклларининг ҳимоячиси сифатида майдонга чиқди. Энг оғир бўлган эгри (билвосита) солиқларни у “кекиртақдан оладиган” прогрессив солиқлар деб атади.

Давлат бюджетининг моҳиятини таҳлил қилиб, у бюджетнинг асосий масаласи бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбат, яъни бюджетнинг қолдиғи (профицити ёки дефицити) масаласидир, деб эътироф этди. Айнан ана шу қолдиқ солиққа тортишнинг қисқариши ёки кенгайишини аниқлаб беради.

Бироқ молиявий сиёсат (давлат харажатлари ва протекционизм) таъсири остида амалга ошириладиган капитал жамғарилишининг ошиб бориши билан ишчилар синфининг аҳволи оғирлашиб боради, деган К.Маркснинг тасдиғи эътирозга муҳтождир. У фойда, фоиз, рента ва иш ҳақи ўртасидаги нисбатнинг давлат ва унинг молияси ёрдамида ўзгартирилиши имкониятини (мумкинлигини) инкор этган эди. Ортиқча ишлаб чиқаришнинг циклик таназзуллари таҳлилида давлатнинг иқтисодий ва шу жумладан, молиявий сиёсати ёрдамида уларнинг кучсизланиши мумкинлигига йўл қўймади.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошлари **фойдалиликнинг чекланганлиги назариясининг** тарқалганлиги билан характерланади. Бу назария марксистик таълимотга қарши реакция (акс таъсир) сифатида майдонга келган эди. Бу назария молия соҳасига ҳам тегиб ўтди. Унинг вакиллари, ўз баҳолашларидаги катта фарқларнинг мавжуд бўлишига қарамасдан, меҳнатнинг қиймат назариясига қарши чиқдилар ва уни сотиб олувчиларнинг хоҳиш-истаклари (устуворлик беришлари) ёрдамида аниқланадиган баҳолар таҳлили билан алмаштирдилар. Муҳим молиявий категориялар бўлган давлат харажатлари ва солиқлар улар томонидан давлат ва хусусий шахслар ўртасидаги кўпсонли

индивидуал битимлар сифатида талқин қилинди. Бир вақтнинг ўзида, уларнинг фикрича, давлат хизматларининг чекланган фойдалилиги солиқларнинг чекланган фойдалилиги билан ҳамнафас бўлмоғи лозим эди.

Биринчи жаҳон урушига қадар иқтисодий фан, асосан, тадбиркорлик эркинлиги принципига таянган ҳолда, давлат ва унинг молиясини мамлакат иқтисодиётига аралашувига нисбатан қарши турди. Ишлаб чиқариш ва тақсимлашни давлат томонидан тартибга солиш фақат Биринчи жаҳон уруши йиллариданоқ амалга оширила бошланди. Жаҳон иқтисодий таназзули йилларига (1929-1933 йиллар) келиб бу жараён янада кучайди.

Ж.М.Кейнс назарияси. Инглиз иқтисодчиси Ж.М.Кейнснинг (1883-1946 йиллар) иқтисодий назарияси давлат томонидан тартибга солишда капиталистик ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжи сифатида вужудга келди ҳамда у молиявий концепцияни шакллантиришга ва молиявий сиёсатни ишлаб чиқишга жуда катта таъсир кўрсатди. Кейнсча тавсиялар, унинг турли хилдаги модификациялари билан биргаликда, узоқ йиллар давомида турли давлатларнинг амалиётида фойдаланилди. Ж.М.Кейнс молиявий концепциясининг асосида “самарали талаб” ғояси ётади.

Иқтисодиёт 1929-1933 йиллардаги оғир циклик таназзулни бошдан кечираётган бир пайтда Ж.М.Кейнс ўзининг назариясини “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” номли асарида (1936 йил) баён этиб, майдонга чиқди. Унда нобарқарор ривожланиш шароитида давлат иқтисодиётга аралашувининг зарурлиги асослаб берилди. Молиявий категориялар ва биринчи навбатда, давлат харажатлари ана шундай аралашувнинг инструментлари ҳисобланиши керак. Уларнинг шаклланиши, таркибий тузилмаси ва ўсиши “самарали талаб”га эришишнинг муҳим омиллари бўлмоғи лозим. Солиқлар ва қарзлар ҳисобидан давлат харажатларининг ўсиши тадбиркорлик фаолиятини жонлантириши ва миллий даромаднинг кўпайишини таъминлаши ҳамда ишсизликка барҳам бериши мумкин. Бу мақсадга эриши учун, муаллифнинг фикрича, давлат фақат ўз

харажатларининг даражасини оширибгина қолмасдан, балки шахсий ва инвестицион истеъмолга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши керак.

Ж.М.Кейнс солиқлар ва уларнинг асосий “психологик қонун”га таъсири масалаларига алоҳида аҳамият берган. Ана шу “қонун”га мувофиқ, инсонлар ўз истеъмолларини ошириб боришга мойилдир. Лекин бу мойиллик улар даромадларининг ошганчалик даражасида эмас. Бу нарса, ўз навбатида, товарларга бўлган талабнинг пасайиб кетишига ва ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келади. Давлат ана шундай “қонун”нинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилиши ҳамда солиқ тушумлари, қарзлар ҳисобидан ўз харажатларини ошириш ёки турли методлар орқали хусусий инвестицияларни рағбатлантириш йўли билан етмаётган талабни тўлдириши керак. Унинг формуласи куйидагича:

$$\mathbf{Ж + С = И + Дх,}$$

Бу ерда: Ж – жамғармалар;

С – солиқлар;

И – инвестициялар;

Дх – давлат харажатлари.

Шундай қилиб, Ж.М.Кейнс ишлаб чиқаришнинг монополлашуви шароитида иқтисодий тартибга солишга йўналтирилган ва принципал жиҳатдан янги бўлган молия назариясини ишлаб чиққан. 1970-йилларга қадар саноати тараққий этган кўпгина мамлакатлар молиявий сиёсатининг асосини тартибга солиш кейнсча назариянинг бошланғич ҳолатлари (нуқталари) ташкил этди.

Неокейнсчилар назариялари. Ж.М.Кейнснинг издошлари ўтган асрнинг 50-60-йилларида унинг назариясига динамик элементни жорий этдиларки, бу нарса уларга **иқтисодий ўсиш назариясини** яратишга имкон берди. Бу назарияда кўпгина мамлакатларнинг иқтисодчилари (АҚШдан – А.Хансен, С.Харрис; Бую Британиядан – Р.Харрод, А.Илерсик, А.Пикок; Франциядан – Ф.Перру; Германиядан – Ф.Неймарк ва бошқалар) томонидан ишлаб чиқилган молиявий концепция муҳим ўринни эгаллайди. Улар **фискал**

антициклик назариянинг яратилишини ниҳоясига етказдилар. Бу назариянинг моҳияти баланслаштирилган иқтисодий тараққиёт мақсадлари учун давлат даромадлари ва харажатларидаги ўзгаришларга бориб тақалади.

Неокейнсчилар самарали талабга эришишнинг усули сифатида **“дефицитли молиялаштириш”** ғоясини ҳимоя қилдилар. Улар давлат қарзларининг ўсишини инобатга олмаган (давлат қарзларини ўсиши билан ҳисоблашмаган) ҳолда давлат катта харажатларининг зарурлигини исботлаб бердилар. Бироқ хроник характер касб этган катта миқдордаги бюджет дефицитлари иқтисодчи-олимларнинг маълум бир гуруҳини, шу жумладан Стокгольм мактаби вакиллари (Э.Линдаль, Г.Мюрдаль ва бошқалар), бюджетга оид муаммони янгича ҳал этишга мажбур этди. Бу мактаб вакиллари **“бюджетни циклик баланслаштириш”**, яъни бюджет даромадлари ва харажатларини иқтисодий циклга мослаштириш назариясини таклиф этдилар. Бу назарияга мувофиқ иқтисодий таназзул пайтида вужудга келган бюджет дефицитини давлат иқтисодий ўсиш (кўтарилиш) давридаги ортиқчалар ҳисобидан қоплаши керак. Ана шу тавсияномаларга риоя этган ҳолда бир неча капиталистик мамлакатларнинг ҳукуматлари циклик тартибга солишнинг махсус пул фондларини яратдилар. Бу пул фондларининг маблағлари иқтисодиётнинг ўсиши (кўтарилиши) даврида тўлдирилган ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий қисқариши даврларида эса улардан фойдаланилган.

Хўжаликни рағбатлантириш ва уни тартибга солиш учун давлат бюджетидан фаолроқ фойдаланиш борасидаги неокейнсчиларнинг талаблари **“тизилган бюджет стабилизаторлари” назариясида** ўз аксини янада яққолроқ топди. Бу назариянинг асосида “солиқ стабилизаторлари” тўғрисидаги кейнсча қарашлар ётган эди. Ж.М.Кейнснинг фикрича, “солиқ стабилизаторлари” циклик тебранишларни тартибга солиб, уларни бироз юмшатиб ва уларда маълум бир ўзгарувчанликни таъминлаб, автоматик тарзда амал қилиши керак эди. Неокейнсчилар уни “бошқарилувчан стабилизаторлар” билан, яъни янги иқтисодий шароитларга

мувофиқ равишда давлатнинг доимо ўзгариб турадиган солиқ тадбирлари билан тўлдирадилар.

Янги мумтоз назариялар. Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги йилларда янгикейнсчиларнинг назариялари билан бир қаторда давлат томонидан тартибга солишни чеклаш орқали эркин тадбиркорлик ғояларини тарғиб қилувчи янги мумтоз назариялар ҳам жонланди. Янги мумтоз мактабнинг назариётчилари (АҚШда Р.Слоу, Ж.Кенрик; Буюк Британияда – А.Роббинс, Ж.Мид) иқтисодиётга давлатнинг аралашмаслиги асосий принципини ҳимоя қилиб, бир вақтнинг ўзида маориф ва фанга сарф қилинадиган харажатлар салмоғини ошириш орқали уларнинг таркибий тузилмасини ўзгартириб, давлат харажатлари умумий ҳажмининг қисқартирилишини ёқлаб чиқдилар. Шунингдек, “инсон капиталига инвестициялар”га алоҳида эътибор қаратилди. Бир вақтнинг ўзида, солиқларнинг даражасини пасайтириш таклиф этилди ва дефицитсиз бюджетга эришилиши талаб қилинди.

Такрор ишлаб чиқариш шароитларининг ёмонлашуви ва инфляцион тенденцияларнинг (оқимларнинг) кучайиши билан иқтисодий қийинчиликлар учун жавобгарлик юклатилган кейнсчилик ва янги кейнсчилик қоидаларини танқид қилиш ҳам кучая борди. Ана шундай мураккаб иқтисодий вазиятда янги мумтоз мактабдан **“таклиф иқтисодиёти” назариясини** ишлаб чиқувчи **янги консерватив йўналиш** (АҚШда – Г.Стейн, М.Уэйденабаум; Буюк Британияда – Ж.Хау, А.Уолтерс) ажралиб чиқди. Бу йўналишнинг молиявий концепцияси иқтисодий ўсишнинг жамғармалар ва жамғарма билан белгиланишига асосланади. Давлат солиқ тизими орқали мамлакатда инвестицияларнинг етарлилигини таъминлаш учун жамғармаларни шакллантиришда етарли шарт-шароитларни яратиши керак. Давлат ва унинг молия тизимига илмий-техника тараққиётини рағбатлантириш вазифаси юклатилди. Молияга иқтисодий ўсишни узоқ муддатли рағбатлантиришни таъминлаш бириктирилди. Умумий тарзда, бу жараёнларда давлатнинг роли минималлаштирилди. Бу назария муаллифларининг

айримлари давлатга “кечги қоровул ва полициячи” функцияларини бериш билан чекланишни таклиф этди.

Бошқа назариялар билан бир қаторда “таклиф иқтисодиёти” назариясида солиқларга фахрий ўрин ажратилган. Унинг вакиллари - солиқларни қисқартириш тарафдори. Бироқ, солиқларни антициклик конъюнктуравий тартибга солишнинг воситаси сифатида қараган кейнсчилардан фарқли ўлароқ, улар жамғармалар ва инвестицияларнинг юқори даражасини қўллаб-қувватлаш учун солиқ ундирмаларининг даражасини пасайтиришни талаб этдилар.

Америкалик иқтисодчи А.Лэффернинг **солиқ концепцияси** ҳам кенг машҳурлик касб этди. У график модель асосида солиқларнинг юқори ставкалари иқтисодий ўсишнинг суръатларини пасайтиради, деган хулосага келди. Бу олимнинг тавсиялари 1980-1990-йилларда дунёнинг кўпгина мамлакатларида амалга оширилган солиқ ислохотларининг негизини (асосини) ташкил қилди.

Посткейнсчилар назариялари. Янги мумтоз мактаб вакиллари назарияларининг маълум даражада ривожланган бўлишига қарамасдан кейнсчилар таълимоти янги шароитларга мувофиқ ривожланишда давом этмоқда. 1970-йилларда посткейнсчилар йўналиши шаклландики, унинг йирик намояндалари қаторига АҚШда Х.Минский, Р.Клауэр, Буюк Британияда – Н.Калдор, Г.Шэкл ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу йўналиш ҳам янги кейнсчиларнинг ва ҳам янги мактаб вакилларининг асосий қоидаларини танқид остига олди. Посткейнсчилар назариясининг асосини ҳамон молия механизми ёрдамида давлат аралашувини кенгайтириш ғояси ётмоқда. Молиявий сиёсат асосий сиёсатга айланмоғи ва у монополиялар фаолиятини чеклашга ҳамда ҳарбий харажатларни қисқартиришга йўналтирилган бўлмоғи лозим. “Даромадлар сиёсати”да улар социал ислохотларни амалга ошириш ва социал муаммоларни ҳал этиш тарафдорлари сифатида майдонга чиқмоқдалар. Уларнинг фикрича, энг яхши солиққа тортиш методи бу харажатларни солиққа тортишдир. Инглиз тадқиқотчиси Н.Калдор даромад солиғини истеъмол солиғи билан алмаштириш ғоясини

ривожлантиради. У истеъмом солиғини шахсий харажатларни қондиришга сарфланадиган даромадларнинг бир қисмини солиққа тортиш сифатида талқин қилади. Унинг назарида, бу чора жамғаришни рағбатлантириши ва инфляциянинг даражасини пасайтириши мумкин.

Н.Калдорнинг фикри Ғарб олимлари томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Улар ҳам солиқ тизимини харажатлардан олинадиган ягона солиққача соддалаштириш тарафдори бўлиб, фуқароларнинг фақат истеъмом харажатлари солиққа тортилиши керак.

XX юз йилликнинг охири ва XX1 юз йилликнинг бошларида иқтисод илми, яхлит ҳолда бозор тизимини, бизнес қонунларини, иқтисодиётнинг ҳар қандай соҳасидаги амалий фаолиятни афзал кўрмоқда. Бир вақтнинг ўзида эса, америкалик машҳур олимлар К.Р.Макконнелл ва С.Л.Брюлар ўзларининг “Экономикс. Принциплар, муаммолар, сиёсат” асарида ёзганларидек, моддий эҳтиёжлар чекланмаган, ресурслар эса (капитал, ер, меҳнат, тадбиркорлик қобилияти ва бошқалар) аксинча, чеклангандир. Шунинг учун ҳам иқтисодиёт тараққиётининг турли даврларида унинг даражаси турлича бўлишига қарамасдан иқтисодий жараёнларни тартибга солиш доимий равишда талаб қилинади. Юқоридаги ҳар иккала муаллиф таклифга йўналтирилган фискал сиёсатни қўллаб-қувватлайдилар. Фискал сиёсат эса жами талабга ва солиқларни ўзгартириш орқали эса таклифга ҳам таъсир кўрсатади. Бюджетдан трансферт тўловлари ва солиқ тизими, бу олимлар фикрича, турли иқтисодий вазиятларда талаб қилинган мувозанатни таъминлаши мумкин.

Хорижий мамлакатларнинг замонавий молия фанида, турли мактаблар ўртасида доимий равишда мунозаралар ва фарқланувчи фикрлар бўлишига қарамасдан, конвергенция жараёни кузатилмоқда. Масалан, кейнсчилар назариясида қарашлар янги мумтоз мактаб вакилларининг қарашларига ва янги мумтоз назариялар эса кейнсчилар назарияларидаги қарашларга кириб бормоқда. Бу, энг аввало, барча назарияларда мавжуд бўлган молия-кредит-пул механизмига тегишлидир. Барча назариялар мамлакатнинг хўжалик ҳаётига таъсир кўрсатиш учун бу инструментларни тадқиқ

этиш зарур эканлигини бир овоздан тан оладилар, сўзсиз эътироф этадилар. Ҳолбуки, бундай таъсир чоралари, улардан фойдаланиш инструментлари ва вақтлари бир-бирига мос тушмаслиги мумкин.

Хорижий муаллифлар молиявий концепцияларининг таҳлили қуйидаги якуний хулосаларни чиқаришга имкон беради:

- молия соҳасидаги қарашлар тизими умумиқтисодий назариянинг маълум бир қисми ҳисобланади, улар молия фанини бойитади ва ривожлантиради;
- молиявий концепцияларнинг вужудга келиши мамлакат макро- ва микроиқтисодиётининг талабларига жавоб реакциясидир ёки маълум ҳукмрон социал гуруҳлар буюртмасининг бажарилишидир (ижро этилишидир);
- хорижий олимларнинг прогрессив молиявий ғоялари иқтисодий ўсишнинг етарли юқори даражасини таъминлаб, инсоннинг турли-туман эҳтиёжларини қондиришда жамиятга ёрдам беради.

7.2. Россиялик иқтисодчиларнинг молиявий назариялари³⁰

³⁰ Бу ерда ушбу параграф доирасида баён қилинган фикрлар билан биргаликда 1.4-параграфда акс эттирилган айрим фикрлар ҳам инобатга олинсин. Албатта, шу ўринда Ўзбекистон шароитида россиялик иқтисодчиларнинг молиявий назарияларини ўрганиш масаласи айримларнинг катта эътирозига сабаб бўлиши, табиий. Буни олдиндан эътироф этган ҳолда, шундай эътироз кун тартибига қўйилаётган пайтда, бизнинг фикримизча, XIX асрнинг 60-йилларида Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан ишғол этилганлиги, бу ерда Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги каби капиталистик эмас, балки феодал давлатларнинг мавжуд бўлганлиги, ундан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг собиқ СССР таркибида эканлиги ва бу нарсаларнинг барчаси тегишли масалаларга (шу жумладан, молия соҳасидаги назарияларнинг яратилишига ҳам) ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаганлигини, холисона тан олишимиз керак. Шундай бўлишига қарамасдан, бу ерда биз ўзбекистонлик иқтисодчи-олимларнинг молия назарияларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаларини пасайтириш фикридан асло йироқмиз. Бунинг устига аждодларимизнинг араб алифбосида ижод этганликлари ва минг афсуски, ҳозирги изланувчилар аксариятининг (шу жумладан, мазкур дарслик муаллифларининг ҳам) ундан бебаҳра эканликлари уларни қийин ва ночор аҳволга солиб, ушбу масалаларга ойдинлик киритишни анча мураккаблаштиради.

Россияда молия фани мустақил воқелик сифатида XIX асрнинг бошларида шакллана бошлади. Шу даврда молия соҳасига оид биринчи йирик ишлар пайдо бўлди. Рус молия фанининг бошланишига Н.И.Тергеневнинг “Солиқлар назариялари тажрибаси” асари (бу асар 1818 йилда нашр этилган) асос солди. Унда Россияда илк марта солиқларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг давлат хўжалиги ва мамлакатнинг бутун иқтисодиёти учун аҳамияти ўрганилди.

Октябрь давлат тўнтарилишига қадар олимларнинг ишларида молия масалалари. Россия молия фанининг гуллаб-яшнаши XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига тўғри келиб, бу даврда россиялик иқтисодчилар ва юристлардан И.Янжул, И.Озеров, И.Кулишер, Л.Ходский, В.Лебедев, С.Иловайский ва бошқаларнинг энг машҳур асарлари эълон қилинди.

Россиялик иқтисодчи-олимлар молия фанининг ҳам назарий ва ҳам амалий масалаларини ишлаб чиқишди. Назарияда улар прагматик ёндошувнинг вакиллари ҳисобланиб, **“жамоа эҳтиёжларини қондириш” назариясининг** тарафдорлари эдилар. Бу нарса И.Озеровнинг “Молия фани асослари” деб номланган дарслигида яққол намоён бўлган эди.

Давлат молиясини тадқиқ қилиш шу даврдаги олимларнинг ишларида асосий ўринни эгаллаган эди. Таъкидлаш жоизки, бу даврда эълон қилинган ишларда хусусий хўжалик молияси тўғрисида масалалар, ҳатто бирор марта ҳам, эсга олинмаган. Бир вақтнинг ўзида, давлат даромадларига оид масалалар: даромадлар тизими, турли давлатларда уларнинг ривожланиши, солиқларни бюджетга ундириш шакллари ва тартиблари, шу жараёнлар устидан давлат томонидан амалга оширилган назорат, бюджет дефицитини қоплаш манбалари, давлат кредитининг ривожланиши кабилар етарли даражада тўлиқ тадқиқ қилинган.

Октябрь давлат тўнтарилишига қадар молиячилар томонидан ўрганилган масалаларнинг бошқа бир йўналиши

бюджет ва маҳаллий бюджетлар билан боғланган. Уларда марказий бюджет ва маҳаллий бюджетларнинг тузилиш масалалари ва бюджет жараёнига тегишли бўлган бошқа масалалар кўриб чиқилган.

Социал-демократик оқимда молия масалалари. Шу даврнинг ўзида иқтисодиёт фанида социал-демократик оқим ривожланиб, у К. Маркс ва Ф. Энгельснинг россиялик издошлари томонидан тақдим этилган эди. Барча социал-демократлар учун умумий нарса, бу молиявий ҳаёт воқеликларини тадқиқ этишда юзаки ёндошиш бўлиб, назарий ишланмаларнинг ҳокимият учун сиёсий курашнинг бир дақиқалик эҳтиёжларига бўйсундирилганлиги билан характерланади. Бу оқимнинг яққол намояндаси В.И.Ленин (1870-1924 йиллар) эди.

Октябрь давлат тўнтарилишига қадар ёзилган В.И.Ленин ишларининг асосий мазмуни Россия молия сиёсатини танқид қилишдан иборат бўлган. Кўпсонли мақолалари ва ўзининг чиқишларида у бюджетнинг даромадлар ва харажатлар тизимини танқидий кўриб чиққан, эгри (билвосита) солиқларнинг социал тавсифини очиб берган ва Октябрь давлат тўнтарилиши арафасида давлат молиявий аҳволининг аянчли эканлигини кўрсатган.

1917 йилда В.И.Ленин томонидан большевиклар партиясининг иқтисодий платформаси ишлаб чиқилади ва у РСДРП (б)нинг У1 съездида қабул қилинади. Унда пул, молия ва кредит масалаларига кўп эътибор қаратилган эди. Хусусан, бу иқтисодий платформага мувофиқ банк ишининг миллийлаштирилиши ва марказлаштирилиши, суғурта ишининг миллийлаштирилиши, қоғоз пулларни чиқаришнинг тўхтатилиши, ички ва ташқи қарзларни тўлашдан воз кечиш, юқори мулккий солиқ ва мулкнинг ўсишига солинадиган солиқни жорий этиш, даромад солиғини ислоҳ этиш ва капиталистларнинг даромадлари устидан ҳақиқий назоратни ўрнатиш, зеби-зийнат буюмларига (предметларига) юқори эгри (билвосита) солиқларни жорий этиш орқали солиқ тизимини ўзгартириш кўзда тутилган эди. Амалда ана шу тадбирларнинг барчаси, пул муомаласини барқарорлаштириш ва солиқ тизимини ислоҳ қилишдан

ташқари, Октябрь давлат тўнтарилишини амалга ошириш жараёнида ва ундан кейинги дастлабки йилларда содир этилди.

Кейинги йилларда В.И.Ленин томонидан амалга оширилган молиявий муаммоларнинг тадқиқи, асосан, давлат олдида вужудга келган тактик вазифалар билан боғлиқ эди. Молиявий назорат, янги молиявий аппаратни яратиш, давлатнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, пул ислоҳотини ўтказиш ва кейинги босқичларда давлатнинг молиявий сиёсатини амалга ошириш масалалари у томонидан нисбатан фаолроқ равишда ишлаб чиқилган.

В.И.Ленин ва XX асрнинг бошларидаги бошқа марксчи-олимларнинг ишларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар томонидан молия ҳамда асосий молиявий категорияларнинг (солиқлар, бюджет, давлат кредити ва бошқалар) роли ва мазмуни яхлит тарзда тадқиқ этилмаган. Бу ўринда фақат давлатнинг молиявий хўжалигини бошқариш билан боғлиқ бўлган бир неча хусусий масалаларнинг ўрганилганлигини қайд этиб ўтиш керак, холос.

Буларнинг барчаси Октябрь давлат тўнтарилишининг дастлабки даврларида молиявий масалаларни ўрганиш ундан олдинги даврнинг иқтисодчилари (И. Янжул, И. Озеров, Л. Ходский) ва уларнинг издошлари (Я. Торгулов, И. Кулишер, Ф. Меньков) асарларига асосланишига олиб келди. Молия фанининг бундай аҳволи 1920-йилларнинг ўрталаригача давом этди.

Совет молия фани. Иқтисодиёт ва молияни бошқаришнинг директив методларига ўтилиши муносабати билан молия хусусидаги илмий тасаввурларни унификация қилиш ва тартибга келтириш, уларни синфий курашга бўйсундириш зарурияти пайдо бўлди. СССР молияси тўғрисидаги фаннинг яратилиши бунинг натижаси бўлиб, унда советлар молиясининг капиталистик давлатлар молиясидан устунлиги кўрсатилди. Бу фаннинг оёққа туриш даври нисбатан узоқ вақтни талаб этиб, 1920-йилларнинг охиридан 1950-йилларнинг бошигача давом этди.

Биринчи даврда (1926-1931 йиллар), асосан, биринчи беш йиллик режанинг бажарилиши жараёнида вужудга келган молиянинг хусусий масалалари ишлаб чиқилди. Бир вақтнинг ўзида, молиянинг социалистик амалиётдаги янги воқеликларини умумлаштиришга ҳам ҳаракат қилинди. Бундай ишлар қаторига Д. Кузовков, Г. Тиктина, А. Буковецкийларнинг ишларини ва айниқса, муаллифнинг ўзи томонидан “марксча дарслик” деб эътироф этилган Д. Боголеповнинг “Молия фанининг қисқача курси” дарслигини кўрсатиш мумкин.

Социалистик атамалардан, сўз ва иборалардан кенг фойдаланган бўлишига қарамасдан Д. Боголепов молиясининг мазмуни “жамоа эҳтиёжларини қондириш” назариясидан келиб чиқадики, унинг тарафдорлари, юқорида қайд этилганидек, Октябрь давлат тўнтарилишигача бўлган россиялик иқтисодчилар эди. Буларнинг ҳаммаси молия назариясининг бирор-бир ишланмаси расмий жиҳатдан эътироф этилмаслигига ва қўллаб-қувватланмаслигига олиб келди. Бу ўша давр СССР тарихий тараққиёти учун асосий нарсага айланган эди.

Совет молия фани тараққиётининг иккинчи даври (1931-1956 йиллар) молиянинг предметига нисбатан ягона қарашларнинг шаклланганлиги билан характерланади. Ўзининг кўпсонли ишларида молиянинг назарий асосларини: молиянинг моҳияти, функциялари ва ижтимоий такрор ишлаб чиқришдаги роли, миллий даромадни тақсимлашда молиянинг ўрни, молия тизимининг таркиби ва бошқа шунга ўхшаш бир қанча масалаларни ишлаб чиққан В. Дъяченко бу даврнинг классикига айланди. У биринчи бўлиб молияга марксча таъриф берди. Берилган таъриф қуйидагича эди: “Даромадлар ва жамғармаларни режали тақсимлаш орқали давлатнинг функциялари ва вазифаларига мувофиқ равишда унинг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланишни таъминлайдиган пул муносабатлари тизимига социалистик давлатнинг молияси дейилади”³¹ (*таржима - муаллифларники*).

³¹ Қаранг: Дъяченко В.П. Вопросы теории финансов. – М.: Финансы, 1957. с.68-69.

В.Дъяченконинг асарлари биринчи расмий дарсликлар ҳисобланган “СССР молияси” (1933 йил) ва “СССР молияси ва кредити” (1940 йил) дарсликлари учун асос бўлиб хизмат қилди. В.Дъяченконинг молия назариясига оид концентрациялаштирилган қарашлари унинг “Советлар молиясининг моҳияти ва функциялари тўғрисидаги масалаларга доир” асарида акс эттирилган.

Бу даврда молия фанининг амалий масалаларини тадқиқ қилиш, асосан, икки йўналишда амалга оширилди: 1) молия категорияларининг тараққиёт тарихини ўрганиш. Бунга К.Плотниковнинг бюджет тарихига бағишланган, А.Зверев ва Н.Вознесенскийларнинг Улуғ Ватан уруши даврида молиянинг ривожланишини ёритган китобларини кўрсатиш мумкин; 2) молиявий амалиётни ёритиб берган ишлар. Булар, асосан, ёзма баён этиш характериға эға бўлиб, молиявий таълим тизимида фаол фойдаланилган.

Иқтисодий назарияда қотиб қолган воқеликларға барҳам берилиши совет молия фанида ҳам яқкафикр ҳукмронлиғига яқун ясади. 1950-йилларнинг охири ва 1970-йилларнинг бошларини ўз ичига олган даврда молия назариясига бағишланган иқтисодчи-олимларнинг кўпсонли ишлари пайдо бўлди. Уларнинг орасида А.Александровнинг “Социализм молияси” (1965 йил), А.Бирманнинг “Совет молия назариясининг очерклари” (1968, 1972 ва 1975 йиллардаги уч нашри), Э.Вознесенскийнинг “Социалистик молия назариясининг мунозарали масалалари” (1969 йил), Г.Точильниковнинг “Социалистик молия” (1974 йил) каби асарлари алоҳида ўринға эға. Шу даврнинг ўзида “СССР молияси” ва “СССР молия ва кредити” ўқув фанлари бўйича бир неча дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашрдан чиқадик, уларнинг орасидан М.Шерменёв таҳрири остида 1977 йилда эълон қилинган “СССР молияси” дарслигини алоҳида қайд этиш лозим.

Молия назарияси масалалари бўйича мунозараларнинг моҳияти кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш тизимида молиянинг ўрнини аниқлашға бориб тақалади. К.Маркснинг сиёсий иқтисод ягона назариясига таянган ҳолда турли концепцияларнинг муаллифлари икки гуруҳға бўлинади.

Биринчи гуруҳ муаллифларининг фикрича, молиянинг ўрни - бу фақат ноэквивалент характерга эга бўлган пул маблағларини тақсимлаш тизимидир. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, молия фақат билвосита ва тақсимлаш орқали моддий бойликларни ишлаб чиқариш, алмашув ва истеъмол муносабатларига ўз таъсирини кўрсатади. Бу гуруҳга кирувчи иқтисодчи-олимларнинг ёрқин намоёндалари В.Дъяченко, Г.Точильников ва М.Шерменёв эдилар.

Э.Вознесенский, А.Александров, А.Бирман ва бошқалардан иборат бўлган иқтисодчи-олимларнинг иккинчи гуруҳи бу масалага нисбатан бошқача қарашга эга бўлган. Бу гуруҳга кирувчи олимларнинг фикрича, молиявий муносабатларнинг моҳиятини такрор ишлаб чиқаришнинг барча тўрт босқичи ёки унинг бир неча босқичи белгилаб беради. Бундай ёндошув молиянинг кенгайтирилган концепциясидан дарак беради.

Молия назарий концепцияси асосидаги ана шундай фарқлардан келиб чиққан ҳолда иқтисодчи-олимларнинг молиявий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, молиянинг функциялари, молиянинг чегаралари, молия тизимининг таркиби ва бошқа шунга ўхшаш бир неча хусусий масалаларга нисбатан қарашлари ҳам турлича бўлган.

Молия назариясининг ривожланиши билан бир вақтнинг ўзида 1950-йилларнинг охири ва 1960-йилларнинг бошларида принципиал жиҳатдан янги кўринишга эга бўлган амалий молиявий тадқиқотлар ҳам пайдо бўлди. Агар 1930- ва 1950-йилларнинг бошларигача амалиётда молиявий муносабатларни ташкил этиш масалаларига бағишланган ишлар, асосан, мавжуд ҳолатни ёзма баён этиш ёки мақташ характерига эга бўлса, 1960-йилларда бошланган хўжалик ислоҳотидан кейин танқидий характерга эга бўлган ва алоҳида молиявий инструментларни такомиллаштириш бўйича ишланмаларга эга муҳим ишлар эълон қилина бошланди. Бунга мисол қилиб, биринчи навбатда, А.Бирманнинг китобларини кўрсатиш мумкин. Унинг китобларида илк марта корхоналар молиясининг масалалари етарли даражада юқори бўлган тартибда қўйилган эди. Шунингдек, унинг асарларида биринчи марта хўжалик ҳисоби

шароитида молиявий категориялардан фойдаланиш масалалари ишлаб чиқилдики, улар муаллиф талқинида социализм шароитида бозор хўжалигининг элементларига эга эди.

Шу даврда молиявий ресурслар ва корхоналар молиясини бошқаришнинг мазмуни биринчи марта ўрганишга киришилди. А.Бирманнинг ишлари 1960-1980-йиллардаги иқтисодчи-олимларнинг (П.Бунич, Г.Базарова, В.Сенчагов, С.Ситарян, М.Романовский, В.Колесников, П.Жевтяк, Д.Моляков ва бошқалар) ишларида корхоналар молиясини тадқиқ этишда, ўзига хос, туртки бўлди.

Бюджет соҳасининг муаммоларини тадқиқ этиш бу даврда икки йўналиш асосида амалга оширилди: 1) бюджет даромадлари ва харажатларининг ривожланиши; 2) маҳаллий бюджетларни ташкил этиш. Бироқ, шу даврларда бюджет масалаларини комплекс тадқиқ этишни молия фанида ҳукмронлик қилган маълумотларнинг етарли эмаслиги ва ғоявий қотиб қолишларнинг мавжудлиги анча мураккаблаштирган эди. Бу даврдаги давлат бюджетига бағишланган йирик изланишлар қаторига Г.Рабинович, С.Ситарян, Я.Либерман, В.Родионова ва Л.Павловаларнинг ишларини кўрсатиш мумкин.

Суғурта ишига нисбатан давлат монополиясининг мавжудлиги суғурта масалаларини ўрганишга ўзининг кескин салбий таъсир кўрсатди. Бу соҳадаги назарий тадқиқотлар К.Маркснинг суғурта фондларининг зарурлиги, мазмуни ва роли тўғрисидаги тасаввурларини интерпретация қилишга бағишланган бўлиб, етарли даражада илмий янгиликларга эга эмас эди. Шу давр суғуртасининг назарияси ва амалиётини умумлаштирган Л.Мотылев, Л.Рейтман ва Е.Коломин, Х.Шеннаевларнинг ишлари, бирмунча, диққатга сазовордир.

Шу даврларда хорижий мамлакатларнинг молиявий муносабатларини таҳлил ва танқид қилиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилган эди. Шу муносабат билан, бир томондан, капитализм молиясининг ривожланишига бағишланган ишларни (Б.Болдырев, Л.Дробозина, Л.Павлова, Л.Окунева ва бошқаларнинг асарларини) алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлса, иккинчи томондан,

социалистик мамлакатларда молиявий инструментларнинг ривожланиш тенденциялари ва ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган ишлар (Д.Бутаков, Ю.Кашин ва бошқаларнинг асарлари) ҳам диққатга сазовор бўлганлигини эътироф этиш зарур.

Молия фанининг ҳозирги ҳолатига (аҳволига) тавсифнома бера туриб, қайд этиш керакки, бу соҳага бағишланган чуқур назарий ва амалий ишлар ҳозирги шароитда мавжуд эмас. Айрим муаллифларнинг ишлари методологик ва методик характерга эмас, балки мавжуд нарсани оддий тарзда баён этиш характерига эга. Бошқа бир муаллифлар мавжуд бўлган қарашлар ва инструментларни ҳозир шароитга мослаштириш билан банд. Учинчи гуруҳга кирувчи муаллифлар эса хорижлик муаллифлар ишларини компилятив тарзда баён қилиш билан овора. Буларнинг барчаси қуйидаги бир неча ҳолатларнинг мавжудлиги билан изоҳланади:

- марксистик сиёсий иқтисодни тадқиқ этишнинг ягона назарий асоси ғойиб бўлди. Эски йўналишлар бўйича мунозараларни ўтказиш ўз долзарблигини йўқотди;
- бозор иқтисодиёти воқелиklarини ўрганишнинг замонавий методологиясини қўллашда кўплаб иқтисодчиларнинг тайёр эмаслиги ва барқарор молиявий маълумотларнинг йўқлиги натижасида молиянинг амалий масалаларини тадқиқ этиш мураккаблашган;
- молия соҳасида фундаменталь ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш учун барқарор қонунчилик асос мавжуд эмас.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Сиёсий иқтисод мумтозлари концепцияларининг асосий мазмуни нималардан иборат?
- Сиёсий иқтисод мумтозларининг таркибига кимлар киради?

- А.Смит солиққа тортишни мақсадга мувофиқ равишда ташкил қилишнинг қандай тўрт асосий принципларини ифодалаган?
- А.Смит машҳур асарининг номини биласизми? У қандай номланган?
- А.Смитнинг солиқ концепцияси қандай мақсадга қаратилган эди?
- Ж.С.Милль “хизматларнинг солиқ назарияси”нинг асосий ғояси нималардан иборат?
- Янги тарихий мактаб концепцияларининг вакиллари кимлар?
- А.Вагнер томонилан ишлаб чиқилган солиққа тортишнинг тўққиз принциплари қандай гуруҳларга бирлаштирилган?
- Молиявий муаммолар марксчилар асарларида қандай талқин қилинган?
- Фойдалиликнинг чекланганлиги назариясининг молиявий жиҳатлари нималардан иборат?
- Ж.М.Кейнс молиявий концепциясининг асосида қандай ғоя ётади ва унинг асосий жиҳатларига нималар киради?
- “Самарали талаб”га эришишнинг муҳим омиллари нималар бўлмоғи лозим?
- 1936 йилда нашр этилган Ж.М.Кейнснинг машҳур асари қандай номланган?
- Ж.М.Кейнснинг етмаётган талабни тўлдириш формуласи нималардан иборат ва у қандай кўринишга эга?
- Неокейнсчиларнинг қандай назариялари мавжуд?
- Иқтисодий ўсиш назариясининг асосий мазмуни нималардан иборат ва унинг ижодкорлари кимлар?
- Фискал антициклик назариянинг асосий ғоясини нималар ташкил этади?
- “Дефицитли молиялаштириш” ва “бюджетни циклик баланслаштириш” назарияларининг асосий характерли белгилари нималардан иборат?

- “Тизилган бюджет стабилизаторлари” назариясининг негизини нималар ташкил қилади?
- Янги мумтоз назарияларнинг вакиллари кимлар ва уларнинг асосий қарашлари таркибига нималар киради?
- “Таклиф иқтисодиёти” назариясидаги янги консерватив йўналишнинг асосий мазмуни нималардан иборат?
- А.Лэффернинг солиқ концепцияси ўзининг нимаси билан кенг машҳурлик касб этган?
- Посткейнсчилар назарияларининг муаллифлари кимлар ва улар қандай ғояларни илгари суришган?
- Хорижий муаллифлар молиявий концепцияларининг таҳлили қандай якуний хулосаларни чиқаришга имкон беради?
- Октябрь давлат тўнтарилишига қадар қайси олимларнинг ишларида молия масалалари кўтарилиб чиқилган?
- “Жамоа эҳтиёжларини қондириш” назариясининг молиявий жиҳатлари нималардан иборат эди?
- Социал-демократик оқимда молия масалалари қандай талқин қилинган?
- 1917 йилда В.И.Ленин томонидан ишлаб чиқилган ва РСДРП (б)нинг У1 съездида қабул қилинган большевиклар партиясининг иқтисодий платформасида пул, молия ва кредит соҳасидаги қандай масалаларига кўп эътибор қаратилган эди ва улар қандай оқибатларга олиб келди?
- Совет молия фанининг ривожланишига ўзига хос тарзда ҳисса қўшган иқтисодчи-олимлардан кимларни биласиз?
- Совет молия фани тараққиётининг даврларини шартли равишда қандай даврларга бўлиш мумкин ва уларнинг намояндалари кимлар? Бу даврларда уларнинг қандай асарлари вужудга келди?
- 1950-йилларнинг охири ва 1970-йилларнинг бошларида совет молия фани қандай натижаларга эришди?

- Молия назарияси масалалари бўйича мунозараларнинг моҳияти нимани аниқлашга бориб тақалган ва турли концепцияларнинг муаллифлари қандай гуруҳларга бўлинган)? Уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари нималардан иборат бўлган?

- Совет даврида молия соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борган иқтисодчи-олимлардан кимларни биласиз? Улар айримлари асарларининг номларини айтиб бераоласизми?

- Молия фанининг ҳозирги ҳолатига (аҳволига) қандай баҳо берасиз?

8-боб. Хўжалик юритувчи субъектлар³² молияси – давлат молиявий салоҳиятининг асоси

8.1. Давлатнинг молиявий салоҳияти ва унинг хўжалик юритувчи субъектлар молияси билан ўзаро боғлиқлиги

Давлатнинг молиявий салоҳияти бозор иқтисодиёти субъектлари ва аҳолининг пул даромадлари ва жамғармалари асосида шаклланиб (ташқил топиб), ўзаро боғланган қуйидаги бўғинлардан ташқил топади:

- республика ва маҳаллий бюджетлар, давлат нобюджет фондлари бюджетлари; давлат кредитлаштириш ресурслари; давлат (унитар) ХЮСлари ва давлатнинг иштирокидаги ХЮСлар молияси. Давлатнинг молиявий салоҳияти таркибига асосий фондлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, моддий айланма маблағлар, уй-рўзғор мулклари, номоддий активлар қиймати – инсон капитали кирадиган моддий капитал кўринишидаги миллий бойлик ҳажми (ўлчами)ни киритиш мумкин;

- хусусий ХЮСлар молиявий салоҳияти. У айланмадан ташқари активлар ва айланма активларининг йиғиндисидан ташқил топади. Бу ерда айланмадан ташқари активлар номоддий активлар, асосий воситалар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, моддий бойликларга даромадли қуйилмалар, узоқ муддатли молиявий қуйилмалар, айланмадан ташқаридаги бошқа активлардан иборатдир. Шунингдек, бу ерда айланма активларнинг таркибига заҳиралар, дебиторлик қарзлари, қисқа муддатли молиявий қуйилмалар, пул маблағлари ва бошқа айланма активлар киреди. Хўжалик юритувчи субъект (ХЮС)ларнинг молиявий салоҳияти уларнинг янги қиймат яратишдаги қобилиятига боғлиқ. Бир хил молиявий-иқтисодий

³² Ушбу дарслиқда хўжалик юритувчи субъектлар дейилганда, энг аввало, корхоналар ва хўжалик юритишнинг қолган барча шакллари назарда тутилади.

қудратга эга бўлган ХЮСлар бир-биридан тубдан фарқ қилувчи молиявий натижаларга эришиши мумкин. Бу мол-мулкдан, ишлаб чиқариш-технологик жараёнлар ва кадрларни бошқариш самарадорлигига, менежмент малакасига, тадбиркорликнинг натижалилигига, молиявий ресурслар ва ташқи қарзлардан оқилона фойдаланишга боғлиқ бўлади;

- банк-кредит тизимининг молиявий салоҳияти – кредит ресурсларига бўлган иқтисодиётнинг эҳтиёжларини қондириш бўйича кредит ташкилотлари активлари ва реал имкониятларининг йиғиндиси. Жуда кўпчилик мамлакатларнинг банк-кредит тизими ҳозирги пайтда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини кредит ресурслари билан таъминлаш имкониятига эга эмас. ХЮСларга тақдим этилаётган кредит ресурслари, асосан, қисқа муддатли характерга эга. Асосий капитални шакллантиришдаги кредитларнинг салмоғи иқтисодиёт самарадорлигининг ўсиши учун етарли эмас;

- суғурта фондларининг молиявий салоҳияти. Бу салоҳият тадбиркорлик рискларини пасайтирадиган ва жамғармалар ҳамда инвестициялар ўсишини таъминлайдиган пул суғурта ресурсларини шакллантириш бўйича суғуртавий молиявий-иқтисодий имкониятлар йиғиндисининг амалга оширилиши орқали намоён бўлади;

- уй хўжаликларининг молиявий салоҳияти. Бу салоҳият уларнинг жами даромадлари, солиқ, рента ва фоиз тўловлари, инвестицион талабнинг ўсишига истеъмол ва жамғаришнинг таъсири орқали ифодаланади.

Ҳозирги пайтда жуда кўп мамлакатларда аҳолининг жамғармалари, ХЮС ва ташкилотларнинг жамғармалари сингари кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш мақсадлари учун тўлиқ фойдаланилмаяпти.

8.2. Молиявий салоҳият ўсишининг омиллари

Мамлакат молиявий ва инвестицион тизимининг асосини иқтисодиёт реал сектори молияси ташкил этади. Моддий бойлик ишлаб чиқариш соҳасида ишлаб чиқариш

самарадорлигига катта таъсир кўрсатувчи молиявий муносабатлар шаклланади.

ХЮСларнинг молиявий ресурслари улар томонидан олинадиган пул даромадлари ва ишлаб чиқариш ресурслари иқтисодий доиравий айланиши самарадорлигининг ўсишига хизмат қиладиган, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиялаштириш жараёнини амалга оширишга ёрдам берадиган ва уларнинг ихтиёрида бўлган қарзий маблағлар асосида ташкил топади.

Ҳозирги вақтда капитал қуйилмаларни молиялаштиришда ХЮС ўз маблағларининг (соф фойда ва амортизация) салмоғи муҳим аҳамиятга эга. Бунда амортизация ажратмаларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш алоҳида роль ўйнайди.

ЯИМ ва МДни қайта (иккиламчи) тақсимлаш давлат ва ХЮСлар ўртасидаги молиявий муносабатлар доирасида содир бўлади. Ана шу даражада ХЮСлар ва аҳолининг бирламчи даромадлари бир қисмини тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқли ундириш йўли билан ва шунингдек, давлат кредитлаштириши ҳисобидан мамлакатнинг давлат молияси ташкил топади (шаклланади).

ХЮСлар пул ресурсларини, уй хўжаликлари даромадларини иккиламчи қайта тақсимлаш кредит-банк соҳаси ва суғурта тизими орқали ҳам амалга оширилади. Булар депозитли, векселли, пулли ва банкларнинг бошқа жамғарма операциялари, улар томонидан юридик шахслар ва аҳолига узоқ, ўрта ва қисқа муддатли кредитлар ва ссудалар бериш, турли рискларни суғурта қилиш шаклларида содир бўлади.

Кўп даражали бюджет тизими ва нобюджет фондлар фаолиятидаги қайта тақсимлаш жараёнларини такомиллаштириш молиявий салоҳиятни янада кучайтириш ва давлат молиявий ресурслари ўсишининг қуйидаги йўналишлари билан узвий боғланган:

- бюджет-солиқ соҳасидаги даромадларни қайта тақсимлашнинг самарадорлигини ошириш. Бу нарса давлат томонидан таъсирчан фискаль сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқки, бу сиёсат ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва ХЮСларнинг инвестицияларга йўналтириладиган

молиявий ресурсларининг ўсишини рағбатлантиришни кўзда тутмоғи керак;

- банк-кредит сектори орқали пул ресурсларининг қайта тақсимланишини оптималлаштириш. Бунинг энг асосий иқтисодий инструментлари ва механизмлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланиши мумкин: кредит сиёсати; узоқ, ўрта ва қисқа муддатли кредитлар ҳажмларининг нисбати; Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси; ссуда ва депозит фоизларининг ставкаси; қимматли қоғозлар бозори. Иқтисодиётда бу инструмент ва механизмлардан фойдаланган ҳолда давлат томонидан маълум бир мақсадга йўналтирилган тарзда тартибга солиш давлат, ХЮСларнинг инвестицион имкониятлари чегараларини кенгайтиради, аҳолининг пулли жамғармаларини инвестицияларга жалб қилади;

- янги самарали иқтисодиётни - интеллектуаль инфраструктуранинг юқори суръатларда ривожланиши фарқланувчи белгиси бўлган билимлар иқтисодиётини шакллантирадиган ХЮСларнинг илдам ривожланиши. Мамлакат рақобатбардош иқтисодиётининг ядросини юқори қўшилган қиймат ва юқори даражада қайта ишланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги тармоқлар ташкил этмоғи лозим. Иқтисодиёт таркибий тузилишида хом ашё-энергия секторининг ҳукмронлик қилиши, ёқилғи-энергетика комплексининг саноат ишлаб чиқаришида, консолидациялаштирилган ва республика бюджети даромадларида, экспортда ва валюта тушумларида нисбатан катта салмоқнинг эгаллаши иқтисодиётнинг шу томонга деформациялашганлигидан далолат беради. Миллий хўжаликнинг бундай таркибий номувофиқлиги иқтисодиётни қолюқлик сари етаклайди, уни модернизация қилиш вазифаларини мураккаблаштиради. Шу муносабат билан хом ашё тармоқларидан юқори технологияли ишлаб чиқаришга капиталнинг оқиб ўтишини таъминловчи самарали механизмларни ишлаб чиқиш муаммоси долзарблик касб этиб, бу нарса охир оқибатда, давлатнинг молиявий салоҳиятини юқори даражага кўтаради;

- ХЮСлар молиявий салоҳиятининг даражаси уларнинг самарали инвестицион-тадбиркорлик фаоллигига боғлиқ.

Замонавий ўзгарувчан (динамик) иқтисодий муҳит хорижий капитални қўшган ҳолда ўз ва жалб қилинган инвестицион манбалар асосида ишлаб чиқаришни доимий равишда илмий-техникавий жиҳатдан янгилашни ва ривожлантиришни талаб қилади.

Ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш компанияларининг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг ўзига хос омили бўлиб уларнинг йирик тадбиркорлик тизимларига (молия-саноат гуруҳлари, концернлар, конгломератлар, холдинглар, концорциумлар ва бошқалар) бирлашиши ҳисобланади. Банк ва саноат капиталининг реал қўшилиши ва таъсирчан молиявий капиталнинг шаклланиши содир бўлмоқда. Буларнинг натижасида ишлаб чиқариш масштабларининг ўсишидан вужудга келган самара, иқтисодиёт таркибий тузилмаларининг ўзаро таъсирчанлиги ва инвестицияларнинг ўсишидан олинган синергетик самара компанияларга йирик масштабли молиявий вазифаларни ечишга имкон бермоқда.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар


- Давлатнинг молиявий салоҳияти нималар асосида шаклланади?
- Давлатнинг молиявий салоҳияти ўзаро боғланган қандай бўғинлардан ташкил топади?
- Давлатнинг молиявий салоҳияти таркибига нималарни киритиш мумкин?
- Хусусий ХЮСлар молиявий салоҳияти нималарнинг йиғиндисидан иборат?
- Айланмадан ташқари активларнинг таркибий қисмларига нималар киради?
- Айланма активларнинг таркиби нималардан ташкил топади?
- ХЮСларнинг молиявий салоҳияти нимага боғлиқ?
- Банк-кредит тизимининг молиявий салоҳияти нималардан иборат?
- Суғурта фондларининг молиявий салоҳияти нималарда намоён бўлади?

- Уй хўжаликларининг молиявий салоҳияти нималар орқали ифодаланади?
- ХЮСларнинг молиявий ресурслари нималар асосида ташкил топади?
- Мамлакатнинг давлат молияси нималар ҳисобидан ташкил топади (шаклланади)?
- Молиявий салоҳиятни янада кучайтириш ва давлат молиявий ресурслари ўсишининг қандай йўналишлари мавжуд?
- Бюджет-солиқ соҳасидаги даромадларни қайта тақсимлаш-нинг самарадорлигини ошириш нималарни кўзда тутмоғи керак?
- Банк-кредит сектори орқали пул ресурсларининг қайта тақсимланишини оптималлаштиришнинг энг асосий иқтисодий инструментлари ва механизмлари бўлиб нималар ҳисобланиши мумкин?
- Билимлар иқтисодиётини шакллантирадиган ХЮСларнинг илдам ривожланиши нималарни тақозо этади?
- Давлатнинг молиявий салоҳиятини нималар юқори даражага кўтаради?
- ХЮСлар молиявий салоҳиятининг даражаси нималарга боғлиқ?
- Ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш компанияларининг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг ўзига хос омили бўлиб нималар ҳисобланади?

9-боб. Хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ислоҳ қилиш

9.1. Хўжалик юритувчи субъектларни ислоҳ қилиш ва улар молиявий хўжалигини қайта қуришнинг зарурлиги

ХЮСларнинг фаолиятида сифат ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб бозор иқтисодиётини ривожлантириш мумкин эмас. Уларни ислоҳ қилиш жараёнининг мазмуни бозор муносабатлари ривожланишининг қонуниятларидан келиб чиқадики, уларда бирламчи бўгин (ХЮСлар)га алоҳида ўрин берилиши керак. Бозор иқтисодиётидаги ўзаро алоқаларнинг умумий модели қуйидаги чизмада келтирилган (9.1.1-чизма):



9.1.1-чизма. Бозор иқтисодиётидаги ўзаро алоқалар модели

Бозор иқтисодиёти шароитида ХЮСлар харидор ва сотувчи сифатида майдонга чиқиб, товарлар ва хизматлар бозорида ўзгарувчан талаб ва таклиф асосида рақобат муҳитида аниқланадиган баҳо орқали ўзаро таъсир (алоқа)да

бўлади. Баҳоларнинг йиғиндиси тушумнинг ўлчамини белгилаб (аниқлаб) берганлиги учун ХЮС (фирма, корпорация ва ҳ.к.)ларнинг молиявий аҳволи билан уларнинг бозордаги фаоллиги, улар фаолиятида тараққиёт (ривожланиш)нинг бозор омиллари ўзгариши (динамикаси)ни ҳар томонлама ҳисобга олиш ўртасида тўғри боғланиш (боғлиқлик) мавжуд. Бу омилларни ҳисобга олиш ХЮСлар, фирмалар ва корпорациялар фаолиятининг бутун фалсафасини принципал жиҳатдан ўзгартиришни талаб қилади. ХЮСларни бозор шароитларига мослаштириш бўйича асосланган чоралар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, ХЮСларни бозор иқтисодиётининг мустақил (тўлақонли) субъектига айлантириш уларни молиявий ислоҳ қилишнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти сари юз тутилганлигига 15 йилдан кўпроқ вақт бўлганлигига қарамасдан ҳамон мамлакатимиз ХЮСларининг маълум бир қисми динамик ривожланаётган бозор муносабатларига мослашаётганлиги йўқ. Айрим экспертларнинг баҳосига кўра, саноат ХЮСларининг $\frac{1}{4}$ қисминигина бозор иқтисодиётининг тўлақонли субъектлари сафига киритиш мумкин.

Янги шароит муносабати билан ХЮСларни молиявий ислоҳ қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- фаолиятни бозор талабларига йўналтириш ва энг янги технологияларга инвестициялар асосида инновацион жараёнларни ривожлантириш йўли билан маҳсулотлар ва хизматлар рақобатбардошлигини таъминлаш;
- ХЮС капиталини шакллантириш ва бошқариш самарадорлигини ошириш;
- ХЮС ривожланишини молиявий жиҳатдан таъминлаш ва унинг молиявий барқарорлигини ошириш резервларини қидириб топиш ва жалб қилиш;
- ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан самарали фойдаланиш ва маҳсулот бирлигига тўғри келувчи харажатларни камайтириш асосида уларнинг даромадларини ўстириш йўли билан ХЮСларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш;
- активларни реструктуризация қилиш ва бозор конъюнктурасини башоратлаш, товарлар ва хизматларнинг

тўловга лаёқатли талаби ва таклифи асосида ХЮС фаолиятини диверсификациялаштириш.

ХЮСлар, фирмалар ва корпорацияларни молиявий ислоҳ қилишда капитализация жараёни, яъни мавжуд салоҳият (активлар)дан энг яхши фойдаланиш ҳисобидан компаниянинг қийматини ошириш ва шу асосда капиталлаштиришнинг асосий манбаини – капитални ўстиришга йўналтириладиган соф фойдани ўстириш алоҳида ўрин эгаллайди. Соф фойдани капиталлаштириш коэффициенти актив (капитал)ни оширишга йўналтирилган соф фойда қисмининг ХЮС соф фойдаси умумий ҳажмига нисбати билан аниқланади. Уни формула шаклида қуйидагича акс эттириш мумкин:

$$K_k = (C_{Фкк} : C_{Фух})$$

Бу ерда: **K_к** – соф фойдани капиталлаштириш коэффициенти;

C_{Фкк} – активлар (капитал)ни оширишга йўналтирилган соф фойданинг қисми;

C_{Фух} – ХЮС соф фойдасининг умумий ҳажми.

Капиталлаштириш жараёни инвестицион-инновация страте-гиясини амалга ошириш асосида фақат активлар ҳажми (миқдори)ни оширишни эмас, балки уларнинг янада самаралироқ фойдаланилишини кўзда тутганлиги билан ҳам муҳимдир. Уни қуйидаги тартибда аниқласа бўлади:

$$K_a = (K_{\ddot{y}} : A_o),$$

Бу ерда: **K_а** – активларни капиталлаштириш коэффициенти;

K_ў – таҳлил даврида ўз капиталининг ўсиши;

A_о – таҳлил даври охиридаги активлар.

Капиталлаштириш жараёни ишлаб чиқаришга илмий ютуқларнинг моддийлашганлигини акс эттирувчи илғор

инновацион ишлаб чиқариш воситалари ва технологияларига қуйиладиган шаклдаги капиталнинг интеллектуаллаштиришга асосланиши (таяниши) керак.

Ўзларининг фаолиятларига янги сифатий талабларни илгари сураётган самарали бозор ўзаро алоқаларининг тизимига нисбатан тезроқ кириш учун ХЮСлар томонидан молиявий ислоҳ қилишнинг асосланган дастурини ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда бутун хўжалик-ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси сифатида юқори якуний молиявий кўрсаткичларга эришишга алоҳида ўрин ажратилмоғи лозим. Бир вақтнинг ўзида бундай дастур бозор омиллари ва иқтисодий ўсиш шарт-шароитларидан фойдаланиш, шунингдек инновацион тарққиётнинг замонавий тенденцияларини амалга ошириш асосида ХЮС фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича чоралар тизимини ўз ичига қамраб олади.

Молиявий ислоҳ қилиш дастури қуйидагиларни кўзда туттади:

- ХЮСнинг ташкилий ва мулкый ҳолати (аҳволи)ни ўзгартириш (юқори самарали ташкилий шакл, капиталнинг таркибий тузилишини ўзгартириш ва уни самарадорликни ошириш мақсадлари учун жойлаштириш, юқори талабга эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ҳ.к.);

- ишлаб чиқаришнинг инвестицион-технологик база (асоси)ни ўзгартириш (асосий фондлар ва айланма маблағларнинг таркибий тузилиши, технологик янгиликларни жорий этиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни янгилаш ва ҳ.к.);

- ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг юқори якуний натижаларига - ХЮСнинг ихтиёрига қолдириладиган соф фойдага эришиш, компаниянинг қийматини ўстириш ва харажатларни қисқартиришнинг ташкилий асоси бўлган асосланган бизнес-режани ишлаб чиқиш;

- ХЮСнинг асосланган маркетинг ва баҳо стратегиясини ишлаб чиқиш;

- ХЮСнинг молиявий стратегиясини унинг ишлаб чиқариш-маркетинг сиёсати билан ўзаро таъсирчанлиги (боғлиқлиги)ни асослаш.

Юқоридагиларнинг барчаси молиявий муносабатларни тегишли тарзда қайта қуришни, ХЮСни бошқаришда молиявий оқимларнинг родини оширишни; тушум, харажатлар, фойда, солиққа тортиш норма (меъёр)лари, соф фойда, умумий ва ўзлик капиталининг ҳажми (миқдори) ва манбаларидан иборат бўлган молиявий индикаторларнинг ўзгаришини мониторинг қилиш орқали молиявий бошқарувнинг яхлит самарали тизимини шакллантиришни талаб қилади. Бу ишлар, ўз навбатида, қуйидаги шартлар асосида амалга оширилиши мумкин:

- ХЮС хўжалик-ишлаб чиқариш фаолияти барча томонлари билан молиявий оқимларнинг ўзаро алоқадорлигини кучайтириш ва уларда ишлаб чиқариш омиллари – моддий, меҳнат, инфорацион ва бошқа ресурсларнинг тегишли ҳаракатларини янада тўлароқ акс эттириш;
- бошқарув қарорлари қабул қилишда, ХЮС молиявий ресурслари ўсишининг резервларини тўлиқ қидириб топиш ва амалга оширишда унинг молиявий-аналитик хизматлари родини ошириш;
- ХЮС фаолиятини молиявий ресурслар билан янада тўлиқроқ таъминлаш учун ўз билимларини сарф этаётган молиявий менежмент малакаси даражасини ошириш;
- ХЮС молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида халқаро андозаларга мувофиқ равишда маълумотлар олиш, ХЮСлар, фирмалар ва корпорациялар фаолиятида юқори даражадаги самарадорликни таъминлаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро андозаларига ўтиш.

9.2. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ислоҳ қилиниш самарадорлигини баҳолаш

ХЮС, фирма ва корпорацияларнинг молиявий ислоҳ қилиниш самарадорлигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичи сифатида молиявий самарадорлик, яъни соф фойда бўйича рентабеллик кўрсаткичини олиш мумкин. Уни ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

$$P = (Cф : Ўк) \times 100$$

Бу ерда: **P** - соф фойда бўйича ўзлик капиталининг рентабеллиги;
Cф – соф фойда ёки нетто-foyда;
Ўк – ўзлик капитали.

Бу кўрсаткичнинг ўсиши фойдани солиққа тортишни қўшиб ҳисоблаган ҳолда ички ва ташқи характердаги кўплаб омилларга боғлиқ. Рентабелликни таркиб топтирувчиларни таҳлил қилиш учун амалиётда биринчи марта “Дюпон де Немур” компаниясида қўлланилган Дюпон формуласидан фойдаланилади. Бу формуланинг кўриниши қуйидагича:

$$P = (Cф : \text{Ўк}) \times (Cф : T) \times (T : A) \times (A : \text{Ўк}),$$

Бу ерда: **P** - соф фойда бўйича ўзлик капиталининг рентабеллиги;
Cф – соф фойда ёки нетто-foyда;
Ўк – ўзлик капитали;
T - тушум;
A - активлар.

Бир вақтнинг ўзида бу формуладаги **(Cф : Ўк)** нисбати соф фойдага кўра ўзлик капиталининг рентабеллик коэффицентини кўрсатса, **(Cф : T)** нисбати эса сотув рентабеллигини ифодалаб, бир томондан бу нисбат таҳлил қилинаётган даврда соф фойда ва сотув ҳажми (тушум) ўртасидаги нисбатни акс эттирса, иккинчи томондан эса, яхлит ҳолда сотилган маҳсулотнинг даромадлилигини характерлайди ва у алоҳида олинган товар турлари даромадлигига ва уларнинг реализация ҳажмидаги нисбатига боғлиқдир. Шунингдек, **(T : A)** нисбати хўжалик фаоллиги коэффицентини кўрсатади. Бу коэффицент активларнинг айланувчанлиги (ёки активларнинг йиллик ўртача қийматига тўғри келувчи бир сўмлик тушум ҳажми)ни акс эттиради, таҳлил давридаги активлар айланмасининг сонини характерлайди. Активлар қанча кўп айланса, уларнинг рентабеллиги шунча юқори бўлади. **(A : Ўк)** нисбати эса бир сўмлик ўзлик капиталига тўғри келувчи активларнинг умумий

миқдорини кўрсатади. Бир сўмлик ўзлик капиталига тўғри келувчи активлар қанчалик кўп бўлса, рентабеллик даражаси шунча юқори бўлади. Бу кўрсаткич ХЮСнинг молиявий фаоллигини, унинг айланма (активлар)га капиталнинг қўшимча манбаларини жалб қилиш борасидаги маҳоратини акс эттирадики, бу нарса тушум ҳажми ва ХЮС даромадлилигини оширишга имкон беради.

Юқоридаги формулада келтирилган кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини ХЮСнинг молиявий сиёсатини ислоҳ қилишни асослаб беришда фойдаланиш мумкин. Чунки формуладаги кўрсаткичлар ХЮС якуний натижаларининг активлардан фойдаланиш даражаси, уларнинг айланиш тезлиги, реализация ҳажми ва сотилаётган маҳсулотларнинг даромадлилиги, яъни молиявий-хўжалик фаолиятининг барча асосий параметрлари билан ўзаро боғлиқлигини ифодалайди. Буларнинг барчаси истиқболга мўлжалланган бизнес-режани ишлаб чиқиш учун асос бўлиши, шунингдек инвестицион-инновацион бизнес-лойиҳаларни асослашда хизмат қилиши мумкин.

ХЮС активларининг такрор ишлаб чиқаришдаги ролини баҳолаш учун хўжалик фаоллиги коэффициентидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлироқдир. Бу коэффицент ХЮСга тегишли бўлган тушумнинг барча активларнинг ўртача қийматига нисбати билан аниқланади. Уни формула шаклида қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$K_{хф} = T : A$$

Бу ерда: **K_{хф}** - хўжалик фаоллиги коэффициенти;
T - тушум;
A - барча активларнинг ўртача қиймати.

Бу кўрсаткич бир сўмлик фойдаланилаётган активларга тўғри келувчи тушумни характерлайди. Унинг ўсиши ХЮС бошқа барча молиявий кўрсаткичларининг ошириши (кўпайиши)га асос бўлиб хизмат қилади.

Активларга жойлаштирилган капиталнинг оқилона таркибий тузилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Узлуксиз равишда доиравий айланадиган ва даромадларнинг

олинишига хизмат қиладиган айланма активларга моддийлаштирилган капитал ХЮС фаолиятида фаол роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам айланма активларга қўйилган (жойлаштирилган) тез айланаётган капиталнинг барча фойдаланилаётган капиталга нисбати капитал ноишлаб чиқариш қобилиятининг ошганлигини акс эттиради. Буни формула ёрдамида қуйидагича кўрсатиш мумкин:

$$K_{omm} = (A_{aa} : K_{\phi})$$

Бу ерда: K_{omm} - капиталнинг оқилона таркибий тузилиши;

A_{aa} - айланма активлар;

K_{ϕ} - барча фойдаланилаётган капиталлар.

ХЮСнинг молиявий ислоҳ қилиш дастурини тузиш жараёнида ҳар бир тадбирдан маълум бир самаранинг олиниши (қўлга киритилиши) кўзда тутилмоғи лозим. Қуйида ўтказилиши лозим бўлган энг муҳим тадбирлар ва ХЮС (ХЮС, корпорация ва бошқалар) томонидан олинадиган фойдали жиҳатлар ўз аксини топган (навбатдаги бетга қаранг):

Тадбирлар

Фойдали жиҳатлар

ХЮСнинг бозордаги ҳолатини, унинг молия-хўжалик фаолиятини ва бошқарув самарадорлигини таҳлил қилиш

ХЮС ривожланишининг асосий ички ва ташқи муаммолари ва уларни ҳал этишнинг оқилона йўлларини қидириб топиш, молиявий ҳолат (аҳвол)ни мустаҳкамлаш учун резервлардан фойдаланиш

ХЮС тараққиётининг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш

Келажакда ишлаб чиқариш-иқтисодий фаолиятнинг энг юқори самарадорлигига эришиш имконини берадиган тараққиётнинг ўрта ва узоқ муддатли мўлжалларини асослаш

Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш

ХЮС ходимлари малакасининг ҳозирги замон ва истиқбол талабларига мувофиқ (мос) келиши. Бу нарса ХЮС молиявий ҳолати ва узоқ муддатли тараққиёти барқарорлигининг асосий (энг муҳим) омили ҳисобланади

ХЮС активларини бозорий баҳолаш

ХЮС устав капиталини ошириш имкониятларини амалга ошириш. Бу нарса кредиторларнинг мумкин бўлиши мумкин бўлган талабларини қондиришнинг минимал кафолатлари даражасини

	оширишни ва шу ҳисобидан контрагентлар билан юқори даражада барқарорликни, фирма қийматининг ошишини таъминлайди
Мол-мулкни инвентаризация қилиш ва ХЮС мулкний комплексини реструктуризация қилишни амалга ошириш	Ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, ХЮС мол-мулкдан оқилона фойдаланиш, улардан фойдаланишнинг молиявий самарадорлигини ошириш
Ерга эгалик ҳуқуқини амалга ошириш	Барча мулкний комплексга эгалик ҳуқуқини тўлақонли амалга ошириш ҳисобидан ХЮСнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш. Бу нарса фаолиятнинг ҳуқуқий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлайди
ХЮС уставини қайтақўриб чиқиш ва менежмент билан шартномани аниқлаштириш	Раҳбарлар суъистемолликлари имкониятларини чеклаш, иштирокчи (таъсисчи)лар олдидаги уларнинг жавобгарликлари ва ХЮС фаолиятининг натижаларидан уларнинг манфаатдорлигини кучайтириш, шу асосда бошқарув қарорларининг сифатини ошириш
Молиявий ҳисоботнинг халқаро андозаларидан фойдаланишга ўтиш	ХЮС фаолиятининг “ойдинлик” даражасини ошириш ва инвестицион жозибadorликнинг янада юқорироқ даражасини таъминлаш
Бюджетлар тизимидан фойдаланиш асосида ХЮСнинг асосланган бизнес-режасини ишлаб чиқиш. Қарзий маблағларни жалб қилишнинг жорий ва истиқболдаги режаларини тузиш	ХЮС хўжалиқ-молия фаолиятида аниқ асосланган мўлжалларнинг мавжудлиги. Бу нарса ХЮС жорий ва истиқболдаги ривожланишининг энг муҳим муаммоларини ечишга молиявий ресурслар ва кучларнинг концентрация қилинишига имкон беради.
Тараққиёт башоратларини бозор муҳитининг асосий параметрлари билан боғлиқликда ишлаб чиқиш	Келажакка ишончни шакллантиради. Бу нарса эса, ўз навбатида, иқтисодий ўсишни раҳбатлантиради ва унинг барқарор ривожланишини таъминлайди, фаолиятнинг барча соҳаларида резервларни қидириб топиш ва уларни амалга оширишга ёрдам беради.
Ҳаракат (амал)даги ХЮСда инвестицион-бизнес лойиҳани ишлаб чиқиш	Ишлаб чиқариш циклининг алоҳида жойларида тараққиётнинг асосий пропорцияларини асослаш ва қувватлардаги номувофиқликка барҳам бериш. ХЮСнинг умумий ишлаб чиқариш имкониятларини анча оширишга ёрдам беради
Активларнинг таркиби ва таркибий тузилмасини такомиллаштириш	Юқори талабга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида ХЮСнинг ишлаб чиқариш аппарати самарадорлигини ошириш. Активларни уларнинг “балласт” қисмидан тозалаш ва кераксиз активларни сотиш


ХЮСни молиявий ислоҳ қилиш режасининг барча бўлинмалари капитални шакллантириш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ХЮС фаолиятида капиталлаштиришнинг оқилона даражасига эришиш борасидаги ягона асосланган концепцияга бўйсўниши ва ўзаро мувофиқлаштирилиши керак. Бу ислоҳ қилиш жараёнида анча юқори бўлган интеграль самарага эришишга имкон беради.

9.3. Хўжалик юритувчи субъектни ислоҳ қилиш тизимида молиявий резервлар

Гўё тўлиқ тугаллангандек бўлишига қарамасдан ХЮСда ривожланишнинг қўшимча ресурсларини қидириб топишда доимий равишда имконият пайдо бўлади. ХЮСларнинг тараққиётини белгилайдиган омилларнинг ўзаро таъсири натижасида вужудга келадиган фойдаланилмаган потенциал имкониятлар улар ишлаб чиқариш-иқтисодий ва молиявий фаолиятининг резервлари сифатида майдонга чиқади.

Молиявий резервларни қидириб топишнинг асосий методи молиявий таҳлил ҳисобланади. Айнан молиявий таҳлил асосида молиявий резервларни қидириб топиш бўйича ХЮСнинг сиёсати ишлаб чиқилади. Фаолият кўрсатиш шароитларидан қатъий назар резервларни қидириб топиш ва уларни амалга ошириш ХЮС ходимлари учун доимий фаолиятга айланмоғи лозим. Хорижий (Япониядаги сифат тўғараклари, АҚШ ва Германиядаги янгиликлар тўғрисидаги таклифларни рағбатлантириш ва бошқалар) ва мамлакатимиздаги илғор компанияларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, қаерда резервларни излаш ва улардан фойдаланиш узлуксиз давом этаётган, янгиликлар кенг жорий этилаётган бўлса, ўша ерда инвестициялар ўсади, ХЮСнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланади, иқтисодий тараққиёт суръатлари ошади.

Молиявий резервларни шакллантириш омиллари тизими жуда кенгдир. Муҳимлигига кўра уларнинг даражаларини қуйидагиларга ажратиш мумкин (навбатдаги бетдаги чизмага қаранг):



9.3.1-чизма. Молиявий резервларни шакллантириш даражалари ва омиллари

Молиявий, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳаларидаги энг муҳим резерв бу ходимларнинг малакасини оширишдир. Ривожланаётган интеллектуал инқилоб, “билимлар иқтисодиёти”га ўтиш ва ходимларнинг интеллектини шакллантириш шароитида қабул қилинаётган бошқарув қарорларида уларнинг моддийлашуви иқтисодий ўсишнинг стратегик омилига айланади.

Молиявий менежерларнинг юқори касбий даражаси ХЮСнинг молиявий барқарорлик даражасини ошириш резервлари барча кўринишларини қидириб топиш ва амалга оширишнинг асосий шартидир. Саводсизлик билан қабул

қилинган молиявий қарорлар (бизнинг амалиётимизда бундай қарорлар жуда кўп ва тез-тез учраб туради) макро- ва микро даражада жуда катта ҳажмдаги юқотиш (зарар, зиён)ларга олиб келади. Шунинг учун ҳам кадрларнинг малакасини ошириш ва ходимларда замонавий интеллектуал салоҳиятни шакллантириш компаниялар томонидан мураккаб замонавий молиявий-иқтисодий вазифа (муаммо)ларни ечишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Молиявий резервлар ХҮОС иқтисодиётининг ягона комплекс сифатида ривожланиши билан узвий боғланган. Хом ашё ва материалларни истеъмол қилишдаги ўзгаришлар, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ёки камайиши, асосий фондлардан фойдаланишнинг яхшиланиши ёки ёмонлашуви ва ҳ.к. – буларнинг барчаси компаниянинг даромади даражасини, унинг молиявий аҳволини белгилаб (аниқлаб) беради. Худди шу нарса бозорий шароитларнинг – баҳо, рақобатчиларнинг пайдо бўлиши, хўжалик ва бошқа рискларнинг – ўзгаришига ҳам тегишлидир. Молиявий натижалар – хўжалик фаолиятининг якуний натижаси – доимий равишда ички ва ташқи омилларнинг таъсири остида бўлади.

ХҮОС молиявий барқарорлигининг ички резервлари, асосан, тараққиётнинг ишлаб чиқариш, ташкилий ва инновацион-инвестицион омиллари билан боғлиқ бўлади.

Молиявий барқарорликнинг ташқи резервлари эса бозор конъюнктураси, ХҮОСнинг маркетинг ва баҳо стратегияси, солиққа тортишни оптималлаштириш (оқилонлаштириш), ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш, банк кредитлари ва кредиторлик қарзлари кўринишидаги қарзий маблағларни жалб қилишдан фойдаланиш ва ҳ.к.лар билан боғлиқ. Бир вақтнинг ўзида ХҮОСга тушумларнинг ўз вақтида тушишига, дебиторлик қарзларининг камайишига эришиш, кредиторлик қарзларидан капиталнинг манбаи сифатида фаол фойдаланиш ҳам керак.

Молиявий резервларни излаб топиш ва уларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари орасида ХҮОСнинг мол-мулкидан янада самаралироқ фойдаланишни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Бу ерда бунинг асосий

кўрсаткичи активларнинг рентабеллиги ҳисобланиб, уни қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$P_a = (\Phi_c : A_{\bar{y}}) \times 100$$

Бу ерда: P_a - активларнинг рентабеллиги;

Φ_c - соф фойда;

$A_{\bar{y}}$ - таҳлил давридаги активларнинг ўртача ўлчами.

Агар соф фойданинг ёки нетто-фойданинг баҳо ва тўлиқ таннарх ўртасидаги фарқ ҳамда солиқ тўловлари ўлчамига камайтирилганлигидан иборат эканлиги инобатга олинган бўлса, активларнинг рентабеллиги фақат бозор конъюнктурасига боғлиқ бўлмасдан, балки фойдадан олинган солиқ суммаларига ҳам боғлиқ эканлиги маълум бўлади:

$$C_{\phi} = B_m - (T_m + C_m)$$

Бу ерда: C_{ϕ} - соф фойда;

B_m - маҳсулот баҳоси;

T_m - маҳсулот тўлиқ таннархи;

C_m - солиқ тўловлари.

Активларнинг рентабеллиги кўрсаткичи бир сўмлик активларга (ХЮСнинг бутун мол-мулкига) тўғри келувчи соф фойданинг миқдорини кўрсатади ва ХЮС фаолиятининг молиявий фаоллигини ўзида акс эттиради. Бу кўрсаткичнинг даражаси ХЮС активларининг таркибий тузилишига – асосий фондлар актив ва пасив қисмларининг, асосий ва айланма капиталнинг нисбатига – боғлиқ.

ХЮС асосий капиталдан фойдаланишга тавсифнома берувчи муҳим кўрсаткичлардан бири фонд қайтими ҳисобланиб, уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\Phi_k = (P_m : A_{\phi})$$

Бу ерда: Φ_k - фонд қайтими;
 P_m - реализация қилинган маҳсулот ҳажми;
 A_ϕ - асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати.

Асосий фондларнинг актив қисмига (дастгоҳлар, машиналар, механизмлар ва ҳ.к.) қанча кўп асосий капитал жойлаштирилган (қўйилган) бўлса ва улар йил давомида қанчалик кўп айланиш содир этса, ХЮС шунча кўп фойда олади.

Айланма активлар ХЮС капиталининг энг фаол элементи ҳисобланади. Йил давомида улар айланишининг миқдори (сони) капиталдан фойдаланишнинг интенсивлик даражасини кўрсатади. ХЮСнинг айланма маблағлари энг фаол “ишловчи” капиталдир. Шу муносабат билан капиталнинг фаоллилик (манёврлилик) коэффициенти алоҳида аҳамият касб этиб, уни аниқлашни формула ёрдамида қуйидагича акс эттирса бўлади:

$$K_{fk} = K_{aa} : K_{ba}$$

Бу ерда: K_{fk} - капиталнинг фаоллик (манёврлилик) коэффициенти;
 K_{aa} - айланма активлар (ишлаётган капитал);
 K_{ba} - барча активлар (ХЮСнинг барча капитали).

Шунинг учун ҳам ХЮС резерларининг бутун бир қисми айланма маблағлардан фойдаланиш, улар айланишининг тезлиги билан боғлиқ. Ана шу мақсадда ишлаб чиқариш заҳираларининг ортиқча қисмини қидириб топиш ва реализация қилиш асосида айланма маблағларнинг таркибий тузилишини оптималлаштириш (оқилонлаштириш), дебиторлик қарзлари ва тайёр маҳсулот заҳираларига қуйилмаларни қисқартириш талаб этилади. Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг резервларини қидириб топиш учун уларнинг абсолют ва

нисбий озод бўлишини (бўш бўлишини, бўшагини) аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Таҳлил қилинаётган даврнинг боши ва охиридаги айланма маблағлар ҳақиқий ўлчамлари ўртасидаги фарқ уларнинг абсолют озод бўлишини (абсолют иқтисод қилинганлигини) кўрсатади. Айланма маблағларнинг нисбий озод бўлиши эса уларнинг ҳисобли ўлчам таққослаганда қанча иқтисод қилинганлиги тавсифлайди, ўтган даврда улардан фойдаланиш самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда ҳақиқатдаги айланишга хизмат қилиш учун ХЮСга қанча айланма маблағлар керак бўлиши мумкинлигидан дарак беради.

Нисбий озод бўлиш ХЮС айланма маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини характерлайди – уларнинг шартли озод бўлишини кўрсатади ва уни қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$O_n = A_{xy} - A_{oy} \times (P_{oc} : P_y),$$

Бу ерда: O_n - айланма маблағларнинг нисбий озод бўлиши;

A_{xy} - таҳлил қилинадиган даврдаги айланма маблағларнинг ҳақиқий миқдори (йиллик ўртачаси);

A_{oy} - базис (ўтган) даврдаги айланма маблағларнинг миқдори (йиллик ўртачаси);

P_{oc} - ҳисобот (жорий) даврда реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми;

P_y - ўтган (базис) даврда реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми.

Айланма маблағларнинг айланувчанлигини тезлаштириш ХЮС молиявий аҳволи (ҳолати)ни мустаҳкамлашнинг муҳим резерви ҳисобланади. Бунинг натижасида озод бўлган (бўшаган) маблағлар инвестицияларга, инновацион фаолиятга, активларнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришга ва ҳ.к.ларга йўналтирилиши мумкин.


Молиявий резервларни жалб қилишда молиявий левежердан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Компаниянинг

айланмасига турли шаклларда қарзий маблағларни жалб қилиш эвазига рентабелликнинг ўсишига молиявий левеиж дейилади. Молиявий левеиж ХЮС қарзий капиталининг ХЮС ўз капиталига нисбатини кўрсатувчи молиявий фаоллик коэффиценти орқали ифодаланади. Уни формула орқали қуйидаги тарзда кўрсатиш мумкин:

$$K_{mf} = K_q : K_y$$

Бу ерда: K_{mf} - молиявий фаоллик коэффиценти ёки молиявий левеиж;
 K_q - қарзий капитал;
 K_y - ўзлик капитали.

Бу кўрсаткич кўпчилик ҳолларда молиявий ричаг (дастак) кўрсаткичи деб ҳам юритилади ва бунда кўшимча қарзий капитални жалб қилишнинг ричаги (дастаги) бўлиб компаниянинг ўзлик капитали майдонга чиқаётганлиги назарда тутилади. Банк ссудалари ва кредиторлик қарзлари кўринишларида жалб қилинган қарзий капиталдан фойдаланиш улар жалб қилингунга қадар эришилган рентабеллик даражасидан кўра юқорироқ бўлган рентабеллик даражасига эришишни таъминласагина самарали бўлиши мумкин. Бу, ўз навбатида, ХЮСдан қарзий маблағларни янада самаралироқ фойдаланиш имконини берувчи бизнес-лойиҳаларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Фақат шу ҳолдагина молиявий левеиж ёки молиявий ричаг (дастак) самараси вужудга келиши (пайдо бўлиши) мумкин. Рентабелликнинг янги даражаси ХЮС кредитдан фойдаланганлиги учун банк кредитининг фоизини ва қайтарилиш муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзлари учун тўлов (пеня)ларни тўлашни етарли даражада (ҳатто анча ошган ҳолда) қоплаши керак. Қарзий маблағлардан фойдаланиш ХЮСнинг максимал кўшимча фойда олишини таъминламоғи лозим. Молиявий левеиж самарасини олиш ва уни тақсимлашнинг умумий кўриниши қуйидаги чизмада келтирилган:



9.3.2-чизма. Молиявий левеиж самарасини олиш ва уни тақсимлашнинг умумий кўриниши

Бизнесни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида капитални тўлдиришнинг барча манбаларидан (кредитлар ва кредиторлик қарзларидан) максимал фойдаланишга молиявий фаолиятни йўналтирибгина қолмасдан, молиявий менежмент макродаражада ҳам молиянинг асосий – компаниянинг барча хўжалик-ишлаб чиқариш фаолиятини пул маблағлари билан таъминлаш – функциясини аниқ бажариши ҳам керак. Агар ана шу принцип амалга оширилса ва молиявий хизмат ҳисоб-китоб ҳисоб варағига пулларнинг доимий равишда тушиб туришини таъминласа, тўлаш муддати келган талабномалар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширса, тўловларнинг узоқ муддатли узайтирилишига йўл қўймаса, бу ХЮСнинг мустақам молиявий аҳволи (ҳолати) ва соғлом тўловга қобиллигининг асосий белгисидир.

ХЮСнинг тўлов қобилияти даражасини ошириш (кўтариш) учун дебиторлик қарзларини қисқартириш,

молиявий ресурсларнинг айланишини тезлаштириш, таъсирчан маркетинг стратегияси ва баҳо сиёсатидан фойдаланиш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини қисқартириш, ишлаб чиқаришни бошқаришда янги фанталабли технологиялар ва бошқарувнинг инновацион тизимларини жорий этиш бўйича чораларнинг комплекс тизими ишлаб чиқилиши керак.

Тўловга қобиллик коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$K_{mq} = (\sum P_m : M) \geq 1$$

Бу ерда: K_{mq} - тўловга қобиллик коэффициенти;

$\sum P_m$ - ХЮСнинг барча пул маблағлари;

M - узиш муддати келган тўловлар бўйича мажбуриятлар.

Коэффициентнинг даражаси бирга тенг ёки ундан катта бўлмоғи лозим. Ана шу шарт бажарилса, ХЮС тўловга қобил ҳисобланади. Агар муддати ўтган кредиторлик қарзларининг умумий миқдори ва тўловларнинг кечикиши белгиланган меъёрдан ошса, кредиторларнинг аризасига мувофиқ тегишли суд бу ердан келиб чиқувчи барча оқибатларни инobatга олган ҳолда ХЮСни банкрот деб эълон қилиш жараёнини бошлаши мумкин. Шу муносабат билан қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим:

- бозорга фаол кириш билан боғлиқ ҳолда ХЮС молиявий барқарорлигининг ўсишига;
- банкротликнинг мавжуд белгиларига ўз вақтида барҳам беришга (молиявий мустаҳкамлик захирасини назорат қилиш);
- инвестицияларнинг қопланиш муддатларини қисқартиришга;
- ишлаб чиқариш ва товарлар реализацияси харажатларини қисқартириш эвазига фойданинг ўсишига.

Бунда ХЮС фойдасининг ўсишига таъсир қилувчи барча омиллардан фаол фойдаланмоқ лозим. Ҳар бир гуруҳ

омиллари ҳисобидан фойда миқдори ўзгаришининг ҳисоб-китоби қуйидаги тарзда амалга оширилиши керак:

- сотилаётган маҳсулот бирлигига қилинган харажатлар ўзгаришининг фойдага таъсири. Буни қуйидаги тарзда аниқлаш мумкин:

$$\Delta \Phi_m = (T_o - T_1) \times P\chi_1$$

Бу ерда: $\Delta \Phi_m$ - таннарх омилининг таъсири остида фойданинг ўзгариши (+,-);

T_o, T_1 - мос равишда ўтган (базис) ва ҳисобот йилларидаги маҳсулот таннархи;

$P\chi_1$ - тегишли йилдаги реализация ҳажми.

- баҳолар ўзгаришининг фойда миқдорига таъсири. Бу таъсирни қуйидагича аниқласа бўлади:

$$\Delta \Phi_\sigma = (B_1 - B_0) \times P\chi_1,$$

Бу ерда: $\Delta \Phi_\sigma$ - баҳо омилининг таъсири остида фойданинг ўзгариши;

B_1, B_0 - тегишли йиллардаги маҳсулот бирлигининг баҳоси;

$P\chi_1$ - тегишли йилдаги реализация ҳажми.

- маҳсулот реализацияси ҳажми ўзгаришининг фойда миқдорига таъсири. Уни қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$\Delta \Phi_p = (P\chi_1 - P\chi_0) \times (\Phi_0 : P\chi_0)$$

Бу ерда: $\Delta \Phi_p$ - реализация омилининг таъсири остида фойданинг ўзгариши;

$P\chi_1, P\chi_0$ - тегишли йиллардаги реализация ҳажми;

Φ_0 - базис йилдаги фойда миқдори.

- реализация қилинган маҳсулот ассортименти ўзгаришининг фойда миқдorigа таъсири. Бу таъсирни қуйидаги тартиб асосида аниқлаш мумкин:

$$\Delta \Phi_{ac} = \left[\sum (q_1 - q_0) x P_0 \right] \times P x_1$$

Бу ерда: $\Delta \Phi_{ac}$ - реализация қилинган маҳсулот ассортиментининг ўзгариши натижасида фойданинг ўзгариши;

q_1, q_0 - ўтган (базавий) ва ҳисобот ёки режа йилида маълум ассортиментдаги маҳсулотнинг салмоғи;

P_0 - ўтган (базавий) йилдаги маҳсулот турининг ҳар бир ассортименти бўйича сотув рентабеллигининг даражаси;

n - ўтган (базавий) йил билан таққосланадиган маҳсулот ассортиментлари кўринишларининг сони.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда фойда ўсиши (камайиши)нинг умумий ўлчами (миқдори) ҳар бир омилларнинг фойдага таъсири йиғиндисидан ташкил топиб, уни қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

$$\Delta \Phi_y = \Delta \Phi_m + \Delta \Phi_b + \Delta \Phi_p + \Delta \Phi_{ac}$$

Бу ерда: $\Delta \Phi_y$ - омилларнинг таъсири остида фойда ўсиши (камайиши)нинг умумий ўлчами (миқдори);

$\Delta \Phi_m$ - таннарх омилнинг таъсири остида фойданинг ўзгариши (+,-);

$\Delta \Phi_b$ - баҳо омилнинг таъсири остида фойданинг ўзгариши;

$\Delta \Phi_p$ - реализация омилнинг таъсири остида фойданинг ўзгариши;

$\Delta \Phi_{ac}$ - реализация қилинган маҳсулот ассорти-

ментининг ўзгариши натижасида
фойданинг ўзгариши;

Албатта, фойданинг даражаси (миқдори)га ХЮСнинг солиқ сиёсати ҳам ўз таъсирини кўрсатади, чунки одатда, барча солиқлар товар баҳосининг таркибига киритилади. Солиқларнинг миқдори, айрим ҳолларда, баҳонинг даражасини аниқлашга ва демак, талабга ҳам ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Шунингдек, солиқлар ХЮСнинг соф фойдасига ҳам бевосита таъсир қилади, чунки соф фойда баланс (умумий) фойда ва унинг бюджетга тўланган қисми ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда иложи борида ХЮСлар фойдасининг асосий қисми бюджетга олинмаслиги ва ХЮСнинг ихтиёрига қоладиган соф фойда унинг ривожланишини молиялаштириш учун етарли бўлмоғи лозим. Бу, энг аввало, инвестицияларга тегишли бўлиб, амал (ҳаракат)даги ХЮСларда уларнинг манбаи соф фойдадир. ХЮСларда соф фойда бўйича сотувнинг рентабеллиги (соф фойданинг реализация ҳажмига нисбати) юқори бўлиб, уларнинг соғлом фаолиятини таъминлашга етарли бўлиши керак.

Молиявий ислоҳ қилиш жараёнида ХЮС фаолият кўрсатишнинг қўйидаги параметрларига чиқиш (етиш)га ҳаракат қилмоғи лозимки, улар ХЮС ишининг молиявий барқарорлиги ва баланси таркибий тузилмасининг ижобийлигидан дарак беради:

- тўловга қобиллик коэффициенти - ≥ 1 ;
- жорий ликвидлик коэффициенти - ≥ 2 ;
- айланма активларнинг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти - $\geq 0,1$;
- абсолют ликвидлик коэффициенти - $\geq 0,2$;
- захира ва харажатларнинг ҳажми (ўлчами) уларни қоплаш манбаларидан кичик ёки уларга тенг (\leq) бўлиши керак.

ХЮС фаолиятини зарар (зиён)сиз ва таназзулсиз бўлишини таъминлаш учун компания иштирокчилари ва молиявий менежмент томонидан бу кўрсаткичлар доимий равишда мониторинг қилиб борилиши ва зарур бўлган

ҳолларда уларнинг даражаси ўз вақтида ўзгартирилиши лозим.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Бозор иқтисодиётидаги ўзаро алоқаларнинг умумий модели қандай кўринишга эга?
- Янги шароит муносабати билан ХЮСларни молиявий ислоҳ қилишнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
- ХЮСлар, фирмалар ва корпорацияларни молиявий ислоҳ қилишда капитализация жараёни қандай роль ўйнайди?
- Капиталлаштиришнинг асосий манбаини нима ташкил этади?
- Соф фойдани капиталлаштириш коэффициенти қандай аниқланади?
- Активларни капиталлаштириш коэффицентининг аниқланиш тартиби қандай?
- Капиталлаштириш жараёни нималарга асосланиши керак?
- Нега ХЮСлар томонидан молиявий ислоҳ қилишнинг асосланган дастурини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ?
- Молиявий ислоҳ қилиш дастури нималарни кўзда туттади?
- Молиявий бошқарувнинг яхлит самарали тизимини шакллантириш қандай шартлар асосида амалга оширилиши мумкин?
- ХЮС, фирма ва корпорацияларнинг молиявий ислоҳ қилиниш самарадорлигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичи сифатида нимани олиш мумкин ва уни қандай аниқласа бўлади?
- Дюпон формуласининг кўриниши қандай ва унинг ёрдамида нимани ҳисоблаш мумкин?
- Активлар қанча кўп айланса, уларнинг рентабеллиги нима бўлади?
- Бир сўмлик ўзлик капиталига тўғри келувчи активлар қанчалик кўп бўлса, рентабеллик даражаси шунча юқори бўлади, деган тасдиқ тўғрими?

- Қандай кўрсаткич ХЮСнинг молиявий фаоллигини, унинг айланма (активлар) капиталнинг қўшимча манбаларини жалб қилиш борасидаги маҳоратини акс эттиради?
- ХЮС активларининг такрор ишлаб чиқаришдаги ролини баҳолаш учун қандай коэффициентдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?
- Хўжалик фаоллиги коэффициенти қандай аниқланади ва у нимани характерлайди?
- Капиталнинг оқилона таркибий тузилиши коэффициенти қандай аниқланади?
- ХЮСнинг молиявий ислоҳ қилиш дастурини тузиш жараёнида қандай тадбирлар белгиланади ва улардан қандай самаранинг олинishi (қўлга киритилиши) кўзда тутилади?
- ХЮСни молиявий ислоҳ қилиш режасининг барча бўлинмалари нималарга мувофиқлаштирилиши керак?
- Нималар ишлаб чиқариш-иқтисодий ва молиявий фаолиятнинг резерлари сифатида майдонга чиқади?
- Молиявий резервларни қидириб топишнинг асосий методи нима ҳисобланади?
- Молиявий резервларни шакллантириш омиллари тизими қандай ва муҳимлигига кўра уларнинг даражаларини нималарга ажратиш мумкин?
- Молиявий, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳаларидаги энг муҳим резерв нимадан иборат?
- ХЮС молиявий барқарорлигининг ички ва ташқи резервлари нималарга боғлиқ бўлади?
- Активларнинг рентабеллиги қандай аниқланади?
- Фонд қайтими кўрсаткичининг аниқланиш тартиби қандай ва у нимага тавсифнома беради?
- Капиталнинг фаоллилик (манёврлилик) коэффициенти қандай аниқланади?
- Айланма маблағларнинг нисбий озод бўлиши нимани характерлайди ва уни қандай аниқлаш мумкин?
- Молиявий левеиж деб нимага айтилади ва у қандай аниқланади?
- Молиявий левеиж самарасини олиш ва уни тақсимлашнинг умумий кўриниши қандай?

- Тўловга қобиллик коэффициентининг аниқланиш тартиби қандай ва у нимани характерлайди?
- ХЮСни банкрот деб эълон қилмаслик учун нималарга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим?
- Ҳар бир гуруҳ омиллари ҳисобидан фойда миқдори ўзгаришининг ҳисоб-китоби қандай тарзда амалга оширилиши керак?
- Таннарх, баҳо, реализация, реализация қилинган маҳсулот ассортименти омилларининг таъсири остида фойданинг ўзгариши қандай аниқланади?
- Молиявий ислоҳ қилиш жараёнида ХЮС фаолият кўрсатишнинг қандай параметрларига чиқиш (етиш)га ҳаракат қилмоғи лозим?

10-боб. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари

10.1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари ва капитали

ХЮСларнинг молиявий ресурслари улар ресурсларининг бир қисми бўлиб, бу ресурслар пул шаклида амал қилади. Ресурсларнинг пул шаклида амал қилиши молиявий ресурслар моҳиятан тавсифининг ажралмас қисми ҳисобланиб, бу нарса уларни ХЮСнинг бошқа ресурслари кўринишларидан, хусусан, ишлаб чиқариш воситалари (дастгоҳлар, машиналар, хом ашё ва материаллар, ишлаб чиқаришга мўлжалланган бинолар ва шунга ўхшашлар)дан фарқ қилади. Буни инobatга олган ҳолда ХЮС воситаларининг “пул шакли” ва “пул қиймати” тушунчаларини фарқламоқ лозим. “ХЮС воситаларининг пул қиймати” тушунчаси, одатда, пул маблағларининг ўзини эмас, балки турли мақсадлар учун мўлжалланилган воситалар ва фондлар (масалан, асосий фондлар)нинг қиймат жиҳатидан баҳоланишини англатади.

Пулга сотиб олинганлигига қарамасдан ишлаб чиқариш воситалари (юқоридаги дастгоҳлар, машиналар, хом ашё ва материаллар, ишлаб чиқаришга мўлжалланган бинолар ва шунга ўхшашлар) ҳақиқатда улар пул эмас ва пул ҳисобланмайди. Ишлаб чиқариш фондларини қайтадан пул шаклига айлантириш учун, аввало, уларни сотиш керак. Бу ҳолда эса, ўз навбатида, мол-мулкнинг балансда акс эттирилган қийматий (қиймат жиҳатидан) баҳолари эмас, балки ҳақиқат (амал)даги бозор баҳолари ҳаракат (иш)га тушади. Молиявий мураккаблик (қийинчилик)лар ва банкротлик хавфи остида вужудга келадиган бундай вазиятлар ХЮСни ёмон оқибатларга, хусусан, маблағлар ва ресурсларнинг юқотиб қўйишига олиб келиши мумкин.

Ҳолбуки, халқаро амалиётдаги маълумотларга кўра банкротга учраган ХЮС тугатилаётган пайтда унга тегишли бўлган активлар қийматининг 40%дан ортиқ бўлмаган қисмини олишга муваффақ бўлиниши мумкин. Шу муносабат билан ҳатто, соғлом бозор айланмасида, яъни талабга эга бўлган тайёр маҳсулот реализация қилинганда ҳам у фақат сотилганидан сўнг пул маблағига айланади.

Ишлаб чиқариш жараёнини янгидан бошлаш ва ривожлантиришга мўлжалланган ХЮСнинг молиявий ресурслари бу пул шаклидаги унинг капиталидир. Меҳнат воситалари, предметлари ва натижаларига айланган моддий-буюмлашган капитал, ишлаб чиқариш жараёни иштирокчиларининг жисмоний ва интеллектуал қобилиятларидан иборат бўлган инсон капитали капитал мавжудлиги ва ҳаракатининг бошқа нопулли (пулсиз) шакллари ҳисобланади. Принцип жиҳатидан, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг доиравий айланишига киритилган ва унинг эгасига даромад келтирувчи ҳар қандай мулкӣ ва интеллектуаль бойлик капитал бўлиши мумкин.

Тижорий ХЮСларнинг молиявий ресурслари дастлаб (бирламчи ҳолда) улар таъсис капиталининг бир қисмини пул шаклида қўйиш ва шунингдек, бошқа шахслар ва ташкилотлардан мақсадли молиялаштириш ва субсидиялар кўринишида келиб тушган пул маблағлари қисми ҳисобидан шакллантирилади. Таъсис капиталининг нопулли (пулсиз) қисми (саноат ва интеллектуаль мулк объектлари, улардан фойдаланиш ҳуқуқлари ва бошқалар) эса, худди мақсадли тушилмалар сингари, агар улар пул кўринишида қўйилмаган бўлса, уларни ХЮСнинг молиявий ресурслари таркибига киритиш мақсадга мувофиқ эмас.

Дастлабки (бирламчи) капиталнинг ишлаб чиқаришга инвестиция қилиниши товар-пул доиравий айланиши жараёнининг кенгайишини бошлаб беради. Унинг пул шаклидаги якуни (натижаси) сифатида ХЮСнинг тушуми майдонга чиқади. Ўз навбатида, тушум харажатларни молиялаштириш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини давом эттиришни таъминловчи бир неча пул маблағлари фондларига бўлинади. Умумий тарзда, формула орқали буни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$T = \Phi_{aa} + \Phi_{mxi} + \Phi_{ix} + \Phi_{\phi}$$

- Бу ерда: **T** - тушум;
- Φ_{aa}** - асосий ишлаб чиқариш фондларининг жисмоний эскиришини тиклашга мўлжалланган амортизация ажратмалари фонди;
- Φ_{mxi}** - моддий харажатларни (хом ашё, материаллар, ёқилғи, электроэнергия ва бошқаларни сотиб олиш) молиялаштириш фонди;
- Φ_{ix}** - иш ҳақи фонди;
- Φ_{ϕ}** - товарларни реализация қилишдан олинган фойда (солиқлар тўлангунча ва фойдадан бошқа тўланмалар амалга оширилгунча).

Айрим иқтисодчи-олимларнинг изланиш (тадқиқот)-ларида моддий харажатлар ва меҳнат ҳақини молиялаштириш учун мўлжалланган пул маблағлари ХЮСнинг молиявий ресурслари таркибига киритилмайди. Уларнинг айримлари томонидан эса ХЮСнинг молиявий ресурслари таркибига ҳатто пулли тушум ҳам киритилмаётир. Бундай ёндошувларнинг нотўғри эканлиги шубҳасиз.

Бозор иқтисодиётининг хорижий назарияси ва амалиётида пул тушуми ялпи даромад тарзида талқил қилинади. Бу нарса ХЮС молиявий ресурслари фондини шакллантириш ва қайта янгилашда тушумнинг умумлаштирилган аҳамиятини ўзида аниқроқ акс эттиради. Моддий харажатларни молиялаштириш учун мўлжалланган пул тушумларининг бир қисми, ХЮСнинг реал молиявий ресурси мол етказиб берувчилар ва контрагентларнинг ҳисоб варақларига ўтказилмасдан унинг айланмасида бўлган пайтда унга қўшимча даромад келтиради. Ўтиш даврининг дастлабки йилларидаги ўзаро мол етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) бўйича нотўловлар кризиси банк кредитлари фоизининг юздан ошган даражасида текин тижорий кредит

имкониятининг мавжудлиги ўзининг “қўлбола” бирламчи манбаи бўлиб хизмат қилди. Шунга ўхшаш нарса иш ҳақи фондига нисбатан ҳам тегишли бўлди. Ходимларга, ишчи ва хизматчиларга бир неча ойлаб ойлик маошларни беришнинг кечиктирилганлиги (орқага сурилганлиги) баъзи бир “тадбиркор” ва “банкир”ларнинг текинга бойиш манбаларидан бирига айландики, чунки тўланмаган иш ҳақи уларнинг айланмасида бўлган эди.

Амортизация ажратмалари фонди ХЮСлар молиявий ресурсларининг таркибий тузилмасида муҳим роль ўйнайди. Чунки бундай ажратмалар пул тушумларидан қанча ажратилганлиги ва уларнинг ХЮС тегишли ҳисоб варақларида жойлашганлигига қараб ХЮСларнинг реал молиявий ресурслари бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва товар ҳамда молия бозорларида ХЮС фаолиятининг фаоллашуви натижасида унинг молиявий ресурслари таркибий тузилмасида фойда ҳал қилувчи ўринни эгаллай бошлайди. Фойда ХЮС ўз маблағларининг асосий манбаи бўлиб, ишлаб чиқариш аппаратининг янгиланишини, сифатнинг яхшиланишини, чиқарилаётган маҳсулот ассортиментининг кенгайишини ва ҳ.к.ларни таъминлайди. Фойда ҳисобидан ХЮСнинг резерв фондлари, махсус мақсадларга мўлжалланган фондлар шакллантирилади.

Фойда массаси ва нормаси, унинг харажатларга нисбати ХЮСнинг кредитга лаёқатлигини ва унинг қарзий маблағларни жалб қилиш имкониятини, узоқ ва қисқа муддатли кредитларни олишни аниқлаб берадиган муҳим индикаторлардир. Қарзий маблағларнинг ХЮС ўз маблағларига нисбати $1/3$ ва ундан катта даражага етиб, унинг тўловга лаёқатлигига кредиторларга ҳам, ҳамкорларига ҳам шубҳа туғдирмаслиги мумкин.

Амал (ҳаракат)даги тижорий ХЮСларнинг молиявий ресурсларини уларнинг шаклланиш манбаларига кўра қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- маҳсулот реализациясининг тушуми ҳисобидан шаклланадиган молиявий ресурслар (фойда; амортизация ажратмалари фонди; иш ҳақи фонди; моддий харажатларни тиклаш фонди);

- бошқа реализация (мол-мулк; асосий фаолиятга дахлдор бўлмаган хизматлар ва бошқалар) ҳисобидан олинадиган молиявий ресурслар;
- молиявий бозорда шаклланадиган молиявий ресурслар (кредитлар ва заёмлар; ўз акциялари ва қимматли қоғозларнинг бошқа кўринишларини сотиш; бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозлари бўйича дивидентлар ва фоизлар; суғурта қопламалари ва бошқалар);
- кредиторлик қарзлари ҳисобидан ташкил топадиган молиявий ресурслар (мол етказиб берувчи ва пудратчиларга; меҳнат ҳақи бўйича; социал суғуртага доир; бюджет олдидаги ва бошқалар);
- бадаллар ва мақсадли характердаги тушилмалар ҳисобидан шакллантириладиган молиявий ресурслар (бошқа ташкилотлар ва жисмоний шахслардан тушилмалар, бюджет субсидиялари ва ҳ.к.).

10.2. Хўжалик юритувчи субъект молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги

Иқтисодий муносабатларни такрор ишлаб чиқариш шаклларида бири сифатида ХЮСлар молиясининг ҳаракати минимал харажатларда максимал натижаларнинг олинишини назарда тутувчи самарадорликнинг умумиқтисодий меъзонига бўйсунди. Шу сабабли ХЮС молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини қуйидаги формула орқали тасаввур этиш мумкин:

$$C_{mr} = H_{m\phi} : X_{mr}$$

Бу ерда: C_{mr} - ХЮС молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги;

$H_{m\phi}$ - маълум давр (ўтган ёки режали) учун ХЮС фаолиятининг молиявий натижаси;

X_{mr} - шу молиявий натижани қўлга киритиш учун ХЮС томонидан қилинган (ёки режалаштирилган) молиявий ресурслар харажатлари

ХЮС молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда шу нарсани инобатга олиш керакки, молиявий натижа фақат молиявий эмас, балки моддий ва меҳнат ресурслари харажатларининг натижаси ҳамдир. Шунинг учун ҳам, масалан, маҳсулотни реализация қилишдан олинган фойдани таққослаб туриб, бунинг натижасида фақат фаолиятнинг соф молиявий томонини характерловчи кўрсаткичга эга бўламиз, деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмас. Бу ХЮС молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини характерловчи яхлит кўрсаткичлардан бири бўлиб, унга кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида моддий-ишлаб чиқариш ва молиявий оқимларнинг ажралмас боғлиқлиги хосдир.

Юқорида билдирилган фикр ўзига молиявий натижа ва молиявий харажатларнинг тавсифини мужассам этувчи ХЮС молиявий-хўжалик фаолиятининг самарадорлигини характерловчи бошқа кўрсаткичларга ҳам тўлиқ тегишлидир. Шундай бўлишига қарамасдан аналитик мақсадлар учун бу мажмуа (тўплам)дан айнан ХЮСнинг молиявий фаолиятини, унинг молиявий ва баҳо сиёсатининг самарадорлигини адекват (ўхшаш) тарзда характерловчи кўрсаткичларни ажратиш муҳимдир.

Шуниси таажжубланарлики, ХЮС молиявий фаолиятининг самарадорлигини адекват (ўхшаш) ифодаловчи бўлиб фонд, молия-кредит ва пул бозорларидаги улар операцияларининг даромадлилиги ҳисобланади. Бу ерда, маълумки, пул (P^*) гўё тўғридан-тўғри пулдан (P) қилинади. У ҳолда молиявий самарадорликни аниқлаш формуласи қуйидаги кўринишни олади:

$$C_{mr} = (P^* - P) : P$$

Бу ерда: C_{mr} - ХЮС молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги;

$P^* - P$ – бевосита молиявий операцияларни амалга ошириш натижасида ХЮС томонидан олинган даромад.

Бевосита молиявий операцияларни амалга ошириш натижасида ХҮОС томонидан олинган даромад таркибига қуйидагилар киради:

- ХҮОС томонидан акция ва бошқа қимматли қоғозларни эмиссия қилиш асосида бозорда жойлаштиришдан олинган дивидентлар;
- бошқа эмитентлар қимматли қоғозларини сотиб олишдан олинган дивидентлар;
- банклардаги пул омонатларидан олинган фоиз даромадлари;
- ХҮОС фойдасидаги валюталар курслари бўйича фарқлар;
- ва бошқалар.

Ажабланарлиси шундаки, ХҮОС молиявий операцияларининг даромадлигини характерловчи кўрсаткич уларнинг самарадорлигини соф молиявий натижанинг соф молиявий харажатларга нисбати шаклида ифодалаб, кўпчилик ҳолларда ХҮОС молия-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий самарадорлигини акс эттирмайди. Иқтисодиёт реал сектори самарадорлигининг кўрсаткичларида ва баҳоларида банкрот ҳолатида бўлишларига қарамасдан молиявий “спекуляциянинг” имкониятлари уларни “чўкмасдан” туришларига шароит яратади.

Реал сектор ХҮОСларида, моддий ишлаб чиқаришда молиявий ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини мос равишда баҳолаш талабларига у ёки бу даражада сотув рентабеллиги кўрсаткичи (фойданинг маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушумга нисбати) жавоб беради. Бу нисбатдаги сурат ва махраж пул маблағларидан иборат бўлганлиги учун сотув рентабеллигини, айрим ҳолатларни истисно қилган тарзда, соф молиявий кўрсаткич сифатида эътироф этиш мумкин. Шундай бўлишига қарамасдан бу ерда яна бир нарсани инобатга олмоқ лозим, яъни самарадорликнинг ўлчови сифатида юқоридаги кўрсаткичнинг ҳаққонийлик даражаси жуда кўп омилларга, хусусан, тушум ва фойдани шакллантирувчи бозор баҳолари монополь баҳоларни шакллантиришнинг салбий таъсирларидан қанчалик озод эканлигига боғлиқ.

Юқорида кўриб ўтилган барча молиявий кўрсаткичларда мазмун ва шакл ўртасида диалектик қарама-қаршилиқнинг мавжудлиги намоён бўладики, бу нарса бизнинг ҳолат (вазият)да ХЮСлар молиясининг (иқтисодиёт яхлит молиявий секторининг ҳам) ўз иқтисодий асосидан, ишлаб чиқаришдан ажралиб чиқиш (узилиш)га ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил ҳаёт кечириш имкониятини қўлга киритишга интилиши орқали ифодаланади. ХЮСлар молия-хўжалиқ фаолиятининг самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда молиявий кўрсаткичлар (масалан, тушум ва фойда) моддий айланма маблағларнинг айланувчанлиги, асосий ишлаб чиқариш фондлари ва номоддий активларнинг фонд қайтими (сиғими) каби иқтисодий кўрсаткичлар билан биргаликда қаралса, бу қарама-қаршилиқ, маълум даражада, пасаяди (камаяди). Ана шу муносабат билан энг умумлаштирувчи кўрсаткичлардан бири куйидаги формулага мувофиқ равишда ҳисобланадиган ХЮСнинг иқтисодий рентабеллиги (бизнеснинг рентабеллиги) кўрсаткичидир:

$$P_u = \Phi : (K_{айл} + K_{ас} + A_{ном})$$

Бу ерда: P_u - ХЮСнинг иқтисодий рентабеллиги, бизнеснинг рентабеллиги;

Φ - йиллик фойда;

$K_{айл}$ - ХЮС айланма капиталининг миқдори (қийматий баҳоларда);

$K_{ас}$ - ХЮС асосий капиталининг миқдори (қийматий баҳоларда);

$A_{ном}$ - ХЮС номоддий активларининг миқдори (қийматий баҳоларда).

ХЮС молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишда унинг молиявий барқарорлиги, тўловга лаёқатлиги ва ликвидлигини характерловчи кўрсаткичлардан четда қолмаслик керак. Бу ерда ҳам ўзининг мазмунига кўра соф молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлар қўлланилади. Соф молиявий кўрсаткичлар қаторига абсолют ва муддатли ликвидлик

коэффициентларини киритиш мумкинки, улар ёрдамида ХЮСнинг потенциал тўлов қобилияти баҳоланади:

$$K_{авс} = (П + ҚҚ) : M_{км}$$

$$K_{муд} = (П + ҚҚ + ДҚ) : M_{км}$$

- Бу ерда: $K_{авс}$ - абсолют ликвидлик коэффициенти;
 $K_{муд}$ - муддатли ликвидлик коэффициенти;
П - ҳисоб варақлардаги ва ХЮС кассасидаги пуллар;
ҚҚ - ликвидли қимматли қоғозлар;
ДҚ - мобилизация қилинган дебиторлик қарзлари;
 $M_{км}$ - ХЮСнинг қисқа муддатли мажбуриятлари.

ХЮСнинг пул маблағлари ва моддий ресурсларининг пулли (қийматий) баҳоси аралашадиган кўрсаткич жорий ликвидлик коэффициенти (қоплаш коэффициенти). У қуйидагича ҳисобланади:

$$K_{жл} = (ПМ + МАМ) : M_{км}$$

- Бу ерда: $K_{жл}$ - жорий ликвидлик коэффициенти;
ПМ - пуллар ва уларга тенглаштирилган маблағлар (ликвидли қимматли қоғозлар ва жалб қилинган дебиторлик қарзлари);
МАМ – ХЮС моддий айланма маблағларининг қийматий баҳоси;
 $M_{км}$ - ХЮСнинг қисқа муддатли мажбуриятлари.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- ХЮСларнинг молиявий ресурслари деб нимага айтилади ва улар қандай шаклларда амал қилади?
- ХЮС воситаларининг “пул шакли” ва “пул қиймати” тушунчалари ўртасида қандай фарқлар мавжуд?

- ХЮСнинг капитали капитали деганда нима тушунилади?
- Капитал мавжудлиги ва ҳаракатининг бошқа нопулли (пулсиз) шакллари нималардан иборат?
 - Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг доиравий айланишига киритилган ва унинг эгасига даромад келтирувчи ҳар қандай мулкӣ ва интеллектуаль бойлик капитал бўлиши мумкинми?
 - Тижорий ХЮСларнинг молиявий ресурслари дастлаб нималар ҳисобидан шакллантирилади?
 - Тушум харажатларни молиялаштириш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини давом эттиришни таъминловчи қандай маблағлари фондларига бўлинади?
 - Амортизация ажратмалари фонди ХЮСлар молиявий ресурсларининг таркибий тузилмасида қандай роль ўйнайди?
 - ХЮС молиявий ресурслари таркибий тузилмасида фойданинг ўрни қандай?
 - Амал (ҳаракат)даги тижорий ХЮСларнинг молиявий ресурсларини уларнинг шаклланиш манбаларига кўра нималарга ажратиш мумкин?
 - ХЮС молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини формула орқали қандай тасаввур этиш мумкин?
 - Пул (P^*) гўё тўғридан-тўғри пулдан (P) қилинганда молиявий самарадорликни аниқлаш формуласи қандай кўринишни олади?
 - Бевосита молиявий операцияларни амалга ошириш натижасида ХЮС томонидан олинган даромад таркибига нималар киради?
 - Реал сектор ХЮСларида, моддий ишлаб чиқаришда молиявий ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини мос равишда баҳолаш талабларига қандай кўрсаткич жавоб беради?
 - ХЮСнинг иқтисодий рентабеллиги ёки бизнеснинг рентабеллиги қандай аниқланади?
 - ХЮС молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлар эътибордан четда қолмаслиги керак?

- Соф молиявий кўрсаткичлар қаторига қандай коэффициентларни киритиш ва улар ёрдамида ХЮСнинг қандай қобилиятини баҳолаш мумкин?
- Абсолют ликвидлик, муддатли ликвидлик ва жорий ликвидлик коэффициентлари қандай аниқланади?

11-боб. Асосий ва айланма капитал доиравий айланишининг молиявий аспект (жиҳат)-лари

11.1. Асосий капитал доиравий айланишининг моҳияти, таркибий тузилмаси ва самарадорлиги

Умумлаштирилган кўринишда асосий капитал меҳнат воситаларига (бинолар, иншоотлар, узатиш қурилмалари, машиналар ва дастгоҳлар, транспорт воситалари ва фойдали фойдаланиш муддати 12 ойдан ошадиган бошқа воситалар) қўйилган (жойлаштирилган) аванслаштирилган капиталий қийматнинг бир қисмидир. ХЮСнинг бухгалтерия балансида асосий капитал айланмадан ташқаридаги активлар сифатида акс эттирилади. Унинг асосини асосий воситалар ташкил этади. Бу активларнинг бошқа элементлари, яъни номоддий активлар, тугалланмаган қурилиш, моддий бойликларга даромадли қўйиш (жойлаштириш), узоқ муддатли молиявий қўйилмалар, бевосита ёки билвосита асосий капитални кенгайтирилган, илмий-сиғимли ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Меҳнат ва маҳсулотни яратиш жараёнида асосий капитал ишлаб чиқариш омили ва ишлаб чиқаришнинг моддий-техникавий асоси шаклида амал қиладиган унумли капиталнинг қисми сифатида майдонга чиқади.

Асосий капиталнинг доиравий айланиши унга тегишли бўлган қийматнинг қуйидаги уч функциональ шаклларида ҳаракат қилишини англатади:

- пулли;
- унумли;
- товарли.

Асосий капитал қийматининг бу шаклларда амал қилиши фойда олишни ва меҳнат воситаларининг такрор ишлаб чиқарилишини таъминлайди.

Капиталнинг доиравий айланиши давомида айланма капиталдан фарқли ўлароқ асосий капитал ўзининг истеъмол шаклини бирданига юқотмайди, яъни давомли муддатда эскиради. Янгидан яратилаётган маҳсулотга у ўзининг қийматини аста-секинлик билан, эскириш даражасига қараб ўтказади ва тўлиқ қайта тикланганга қадар кўплаб ишлаб чиқариш цикллари давомида уни тиклаб боради. Бу жараён амортизация деб аталади ва у ўрнатилган меъёрларга мувофиқ равишда ҳар ойда ҳисобланади.

Маънавий эскиришини инобатга олган ҳолда меҳнат воситалари бошланғич қийматини тўлиқ тиклаш вақти амортизация даври деб аталади. Бу давр тугаганидан сўнг асосий капиталга аванслаштирилган пулли қиймат ўз айланишини тугатади ва яна меҳнат воситасига айланади. Бу фурсатга етгунга қадар ўтказилаётган қиймат аста-секинлик билан ва узлуксиз равишда амортизация фонди кўринишида жамғарилиб борилади ҳамда сўнг эса истеъмол қилинган капитални янгидан қайта тиклашга фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида асосий капитални буюмлашган шакли сифатида асосий фондлар - узоқ вақт давомида натурал-истеъмолли шаклда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган моддий бойликлар йиғиндиси - майдонга чиқади. Иқтисодий мўлжалланганлигига кўра асосий фондлар қуйидагиларга бўлинади:

- асосий ишлаб чиқариш фондлари;
- ноишлаб чиқариш асосий фондлари.

Ишлаб чиқариш жараёнида буюмлашган-натурал шаклда иштирок этадиган ва кўплаб ишлаб чиқариш цикллари давомида ўзининг қийматини тайёр маҳсулотга қисмларга бўлиб ўтказувчи меҳнат воситаларига асосий ишлаб чиқариш фондлари дейилади.

Ноишлаб чиқариш асосий фондларининг таркибига ХЮСнинг балансида бўлган ва ноишлаб чиқариш мақсадлари учун фойдаланишга мўлжалланган ХЮСнинг мулклари киради. Улар бўйича амортизация ҳисобланмайди. Бу фондларнинг қиймати уларнинг эскириши муносабати билан ХЮСнинг фойдаси ҳисобидан такрор ишлаб чиқарилади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг таркибий тузилмаси тармоқ, технологик, ишлаб чиқариш ва хизмат қилиш муддати (ёши) жиҳатидан бўлиши мумкин. Тармоқ тузилмаси алоҳида олинган тармоқдаги асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматининг бутун иқтисодиёт бўйича шу фондлар қийматидаги салмоғини характерлайди. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг технологик тузилмаси алоҳида гуруҳ ичидаги улар турли кўринишларининг салмоғини кўрсатади. Ишлаб чиқариш таркибий тузилмаси ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётган меҳнат воситалари турли кўринишларининг нисбатидан иборат бўлиб, инвестицияларнинг технологик илғорлиги ва уларнинг оқилона жойлаштирилганлигини акс эттиради. Асосий фондларнинг хизмат қилиш муддати (ёши) жиҳатидан таркибий тузилмаси уларнинг аҳволини ёш гуруҳлари ва такрор ишлаб чиқариш суръатлари бўйича ифодалайди. Кейинги йилларда асосий фондларнинг етарли даражада фаол такрор ишлаб чиқарилмаганлиги учун уларнинг ёши ва эскириши ортиб бормоқда (ошмоқда).

Асосий фондлар пулли тарзда баҳоланади ва ҳисобланади ҳамда бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар сифатида аниқланади (белгиланади). Уларнинг таркибига қуйидагилар киради:

- бинолар;
- иншоатлар (нефть ва газ қазиб олувчи, гидротехник, транспорт хўжалиги иншоатлари ва бошқалар);
- узатувчи мосламалар (электр узатувчи, алоқа, қувурлар ва ҳ.к.);
- ишчи ва куч машиналари ва дастгоҳлари;
- ўлчовчи ва тартибга солувчи (ўзгартирувчи) приборлар ва қурилмалар;
- уй-жойлар;
- ҳисоблаш техникаси ва оргтехника;
- транспорт воситалари;
- инструментлар;
- ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари ва буюмлари;
- ишчи ва маҳсулли қорамоллар;
- кўп йиллик ўсимликлар.

Юқоридагилардан ташқари асосий воситаларнинг таркибига яна ташкилотнинг мулкида бўлган ер майдонлари, табиатдан фойдаланиш объектлари (сув, қазилма бойликлари ва бошқа табиий ресурслар), асосий воситаларнинг ижарага олинган объектлари ҳам киради.

Ишчи ва куч машиналари ҳамда дастгоҳлари, ўлчовчи ва тартибга солувчи (ўзгартирувчи) қурилмалар ҳамда приборлар, ҳисоблаш техникаси, транспорт воситалари, инструментлар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари, одатда, асосий фондларнинг актив қисмига киритилиб, улар меҳнат предметларига бевосита таъсир кўрсатади. Уларнинг қолган қисмлари эса асосий фондларнинг пассив қисмига киритилади. Бозор иқтисодиёти шароитида асосий капитал актив қисмининг максимал равишда оширилиши энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Асосий капитал доиравий айланишининг самарадорлигини таҳлил қилишда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

- молиявий нуқтаи-назардан асосий капиталнинг доиравий айланиши молиявий ресурслар тегишли фондларининг ташкил этилиши билан кузатилади. Бу бир вақтнинг ўзида ҳам асосий капитал ва ҳам айланма капитал айланишига тўлиқ тегишлидир;

- шу доиравий айланиш жараёнида вужудга келадиган молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш муҳим ҳисобланади;

- амал қилаётган (ишлаётган) ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш ва эскирган асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилашнинг ўз вақтида амалга оширилиши самарадорлигини баҳолаш керак.

ХЮСнинг молиявий ресурслари таркибига ўзлик ва жалб қилинган пул маблағлари бўлиши мумкин. Такрор ишлаб чиқариш жиҳатидан асосий капиталнинг доиравий айланиши истеъмол қилинган асосий фондларни алмаштириш (янгилаш) учун амортизация маблағларининг амортизация фондида жамғарилишини кўзда тутати. Ҳисобот даври давомида асосий воситалар объектлари бўйича амортизация ажратмалари ҳисоблашни қўллаш усулларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳар ойда ҳисобланади. Мавсумий ишлаб

чиқаришда ҳам асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси ҳисобот йилида ташкилотнинг ишлаш даври давомида бир текисда ҳисобланади. Агар асосий воситаларнинг объектлари реконструкция ва модернизация қилишда бўлса, ёки улар уч ойдан кўпроқ муддатга консервация қилишга ўтказилган бўлса, бундай ҳолатларда амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ташкилот раҳбарининг қарорига мувофиқ тўхталиши мумкин.

Амортизациялаштирилладиган мол-мулклар ўзларининг фойдали фойдаланиш муддатларига боғлиқ равишда конкрет амортизация гуруҳларига бирлаштирилади. Биринчи гуруҳга фойдали фойдаланиш муддати 1 йилдан 2 йилгача бўлган мол-мулклар киритилса, охириги гуруҳга эса фойдали фойдаланиш муддатлари 30 йилдан ортиқ бўлган мол-мулклар киритилади.

Амортизация гуруҳларига киритилладиган асосий воситаларнинг классификацияланишини ҳар бир мамлакатнинг ҳукумати аниқлаб беради. Амортизация гуруҳлари кўрсатилмаган асосий воситаларнинг турлари бўйича уларнинг фойдали фойдаланиш муддатлари уларни тайёрлаган ташкилотларнинг тавсиялари ва техник шарт-шароитларига мувофиқ равишда солиқ тўловчининг ўзи томонидан ўрнатилади.

Ҳозирги пайтда амалиётда амортизация ажратмаларини ҳисоблашнинг икки асосий методидан фойдаланилади:

- чизиқли;
- ночизиқли.

Амортизация ажратмаларини ҳисоблашнинг чизиқли методи бинолар, иншоотлар, узатиш қурилмаларига нисбатан уларнинг фойдаланишга топшириш муддатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда қўлланилади. Асосий воситаларнинг қолган бошқа объектларига нисбатан амортизация суммаларини ҳисоб-китоб қилишнинг юқоридаги икки методидан – чизиқли ва ночизиқли - бири қўлланилиши мумкин.

Чизиқли метод қўлланилганда бир ой учун ҳисобланган амортизациянинг суммаси шу объект учун аниқланган амортизация нормаси ва объектнинг дастлабки (тиклаш) қиймати нисбатан қуйидагича аниқланади:

$$H_a = (1/m) \times 100\%$$

Бу ерда: H_a - амортизациялаштирилаётган мол-мулк объектининг бошланғич (тиклаш) қийматига нисбатан амортизация нормаси (фоизда);
 m - амортизациялаштирилаётган мол-мулк шу объектининг фойдали фойдаланиш муддати (ойда).

Ночизиқли метод асосида амортизация нормасини ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

$$H_a = (2/m) \times 100\%$$

Бу ерда: 2 – тезлаштириш коэффициентини.

Асосий капиталнинг доиравий айланиш жараёнида вужудга келадиган ўз молиявий ресурсларининг таркибига, амортизация фондидан ташқари, яна қуйидаги даромадлар ва турли тушилмалар ҳам киради:

- фойда, шунингдек молиявий операциялар ва бошқа ташкилотларда ҳиссали иштирок этишдан олинган даромадларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда тадбиркорлик фаолиятдан келиб тушувчи пул маблағлари;
- мулкни самарали бошқариш ҳисобидан олинган пул маблағлари;
- ХЮСга тегишли бўлган ижара ҳақи, лизинг тўловлари, дивидендлар, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича фоизлар, реализациядан ташқари бошқа даромадлар, асосий фондларни реализация қилишдан олинган даромадлар;
- ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ҳисобидан эришилган фойда.

Иш навбатини ўзгартириш ва дастгоҳларни юклаш коэффициентининг оширилиши, интенсив фойдаланишнинг ўсиши ва асосий воситалар таркибий тузилмасидаги прогрессив ўзгаришлар, киритилган қувватларнинг тез

ўзлаштирилиши фонд қайтими ва бошқа ишлаб чиқариш-иқтисодий кўрсаткичларни оширади.

Асосий фондларни шакллантириш учун жалб қилинадиган пул маблағларининг манбаларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- мақсадли молиялаштириш ва тушилмалар;
- банкларнинг ўрта ва узоқ муддатли кредитлари ҳамда ХЮС томонидан техникавий қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш, янги асосий ишлаб чиқариш фондларини яратиш (қуриш) учун миллий ва хорижий валютада олинган қарзлар.

Биринчи гуруҳнинг таркибига қуйидагилар киради:

- ҳукумат органларидан субсидиялар шаклида олинган пул маблағлари;
- тараққиётнинг стратегик йўналишини амалга оширувчи мақсадли дастурлар асосида инвестициялар кўринишидаги бюджет ассигнованиялари;
- кичик тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватловчи бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари;
- ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этувчи бошқа ХЮС ва ташкилотлардан молиявий тушилмалар;
- ва бошқалар.

Иккинчи гуруҳга кирувчи жалб қилинган молиявий ресурсларнинг таркибида кредиторлик қарзлари ҳам муҳим ўринни эгаллайди.

Асосий капиталнинг доиравий айланиши жараёнида иштирок этадиган молиявий ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлиги олинган самара ва уни қўлга киритиш учун сарф қилинган (қўлланилган) молиявий ресурслар ўртасидаги нисбат орқали ифодаланади. Шу муносабат билан молиявий ресурслардан фойдаланишнинг сифат натижасини қуйидаги формула орқали кўрсатиш мумкин:

$$M_c = (\Delta \Phi : M_p) \times 100\%$$

Бу ерда: M_c - молиявий самарадорлик;

$\Delta \Phi$ – фойданинг ўсган қисми;

M_p - молиявий ресурслар.

Асосий капиталнинг ривожланиши ва унинг молиявий жиҳатдан таъминланишини бошқаришда асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этадики, унинг жуда кўп аспект (жиҳат)лари мавжуд.

Бу ерда, энг аввало, давлат, мулкдорлар, бошқарувчилар ва ходим (ишчи)лар манфаатларини биргаликда қараш аспекти (жиҳати) жуда муҳимдир. Давлат манфаатлари, бир томондан, ХЮСларнинг солиқ тўловларини максималлаштириш мақсадида баланс фойданинг максималлаштирилишини кўзда тутди. Иккинчи томондан эса, фойдадан солиқ тўловлари фойданинг кенгайтирилган илмталаб такрор ишлаб чиқаришга қайта инвестиция қилинишини ҳисобга олган ҳолда оптималлаштирилмоғи лозим.

Жуда кўп ҳолларда мулкдорлар ва бошқарувчилар манфаатлари бир-бирига мос келади. Мулкдорлар учун ҳам, бошқарувчилар учун ҳам бир акцияга тўғри келувчи фойда суммасининг ўсиши орқали акционерлар даромадларини максималлаштириш мақсадини амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Одатда, даромадларни максималлаштириш ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш бўйича тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан эришилади. У рентабеллик ва меҳнат унумдорлиги, фонд қайтимининг ошиши, харажатларнинг қисқариши, айланма маблағлар айланишининг тезлашуви, маҳсулот сифатининг ошиши, асосий фондларнинг янгиланиши, янги технологиялар ва бошқарув методларидан фойдаланиш билан боғлиқ.

Бошқарув қарорларида оқилона дивиденд сиёсатини шакллантириш муҳим аҳамиятга эгаки, у соф фойдани дивидендлар тўлашга ва уни жамғаришга йўналтиришга оқилона тақсимланиши (бўлиниши)ни назарда тутди.

ХЮС ходим (ишчи)лари манфаатлари нуқтаи-назаридан фақатгина молиявий натижа эмас, балки ўзининг таркибига меҳнат (иш) ҳақи ва унинг ўсиши, социал дастурлар ва меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган ХЮС

ҳаражатлари ҳисобидан вужудга келадиган молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишини қамраб олувчи социал-иқтисодий самара ҳам муҳимдир.

Асосий капиталдан самарали фойдаланишни баҳолашда ХЮС молия-хўжалик фаолиятининг натижалилигини очиб берувчи умумий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу ерда ҳал қилувчи ва аниқловчи кўрсаткич сифатида ишлаб чиқаришнинг умумий рентабеллиги кўрсаткичи майдонга чиқади. У самарадорликни баҳолашнинг меъзони бўлиб хизмат қилади ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P_y = (БФ : \Phi_{aa}) \times 100\%$$

Бу ерда: P_y - ишлаб чиқаришнинг умумий рентабеллиги;

БФ - балансдаги фойда (солиққа тортилгунга қадар);

Φ_{aa} - асосий ишлаб чиқариш фондлари ва нормалаштирилган айланма маблағларнинг йиллик ўртача қиймати.

Фонд қайтими кўрсаткичи ХЮС асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигининг даражасини характерлайди ва у қуйидагича аниқланади:

$$\Phi_k = (T : \Phi_{aич}) \times 100\%$$

Бу ерда: Φ_k - фонд қайтими;

T - реализациядан олинган соф тушум;

$\Phi_{aич}$ - асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик ўртача қиймати.

Фонд сифими фонд қайтимига нисбатан тескари кўрсаткич ҳисобланади ва бир сўмлик реализация қилинган маҳсулотга тўғри келувчи асосий ишлаб чиқариш фондларининг қийматини кўрсатади. Шунинг учун бу кўрсаткични қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$\Phi_c = (\Phi_{\text{аич}} : T) \times 100\%$$

- Бу ерда: Φ_c - фонд сигими;
 $\Phi_{\text{аич}}$ - асосий ишлаб чиқариш фондларининг
 йиллик ўртача қиймати;
 T - реализациядан олинган соф тушум.

Дастгоҳлар ёки асбоб-ускуналар ишлашининг сменалик коэффиценти улардан фойдаланиш ва уларнинг юкланганлик даражасини ифодалаб, йил, чорак, ой ва кун давомида ҳар бир бирлик дастгоҳ ёки асбоб-ускуналарнинг неча сменада ишлаганлигини кўрсатади ва у қуйидагича аниқланади:

$$K_c = X_k : D_y \text{ ёки } K_c = X_c : C_{\text{max}}$$

- Бу ерда: K_c - сменалик коэффиценти;
 X_k - кун давомида ҳақиқатда ишланган дастгоҳ
 (машина)/соатлар;
 D_y - дастгоҳ (машина)ларнинг умумий сони;
 X_c - бир сменада ҳақиқатда ишланган
 дастгоҳ (машина)/соатлар сони;
 C_{max} - бир сменада максимал ишланиши мумкин
 бўлган дастгоҳ (машина)/соатлар сони;

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириш коэффиценти янгидан яратилган маҳсулотга ўтказилиши натижасида улар истеъмол қийматининг камайиши (юқотилиши)ни характерлайди ва у қуйидагича аниқланади:

$$K_э = (A_{\text{арен}} : \Phi_{\text{ичфб}}) \times 100\%$$

- Бу ерда: $K_э$ - эскириш коэффиценти;
 $A_{\text{арен}}$ - фойдаланишда бўлган давр мобайнида
 асосий ишлаб чиқариш фондларининг
 реновацияси (қайта тикланиши)га

ҳисобланган амортизация ажратмаларининг суммаси;

$\Phi_{ичфб}$ - асосий ишлаб чиқариш фондларининг бошланғич қиймати.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг янгиланиш коэффиценти ХЮС инвестицион талабини қондиришнинг интенсивлигини ифодалайди ва у қуйидагича ҳисобланади:

$$K_y = (K_{ичф} : K_{бач}) \times 100\%$$

Бу ерда: K_y - янгиланиш коэффиценти;

$K_{ичф}$ - йил давомида киритилган асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати;

$K_{бач}$ - барча асосий ишлаб чиқариш фондларининг йил охиридаги қиймати.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг чиқиш (чиқиб кетиш) коэффиценти эса эскирган ишлаб чиқариш аппаратининг фойдаланиш (эксплуатация қилиш)дан чиқиб кетиш динамикасини ифодалайди ва у қуйидагича аниқланади:

$$K_q = (K_{ичфл} : K_{ичфб}) \times 100\%$$

Бу ерда: K_q - чиқиш (чиқиб кетиш) коэффиценти;

$K_{ичфл}$ - йил давомида ликвидация қилинган асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати;

$K_{ичфб}$ - асосий ишлаб чиқариш фондларининг йил бошидаги қиймати.

Шундай қилиб, асосий капитал доиравий айланишининг самарадорлиги, кўп жиҳатдан, амортизация ажратмаларининг мақсадли фойдаланилишини, ишлаб чиқариш аппаратининг ривожланишига эмиссион даромад ва соф фойданинг керакли миқдорларда реинвестиция қилинишини олдиндан

аниқлаб (белгилаб) беради. Шу билан биргаликда бу ерда, янги технологик тизимлардан фойдаланиш, машина ва дастгоҳларнинг юкмамалик даражаси, асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўз вақтида янгиланиши ва чиқиб кетиши, молиялаштиришнинг мумкин бўлган барча манбаларини фаол жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

11.2. Айланма капитал: мазмуни, таркибий тузилмаси ва фойдаланиш самарадорлиги

Айланма капитал ХЮС айланма (ўзгарувчан, мобиль) активларига аванслаштирилган капитал қийматини ўзида ифодалайди. Бу капитал ХЮС балансининг “Айланма активлар” деб номланган иккинчи бўлимида акс эттирилади. Одатда, айланма капитал қуйидаги бир неча асосий гуруҳларга классификация қилинади:

- такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишини ҳисобга олган ҳолда функциональ мўлжалланганлиги бўйича;
- шакллантириш ва молиялаштириш манбаларига кўра;
- ливидлилиқ даражасига қараб;
- ва бошқа белгиларига мувофиқ.

Айланма капитал жуда кўп функцияларни бажаради. Уларнинг орасидан қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- такрор ишлаб чиқариш;
- рағбатлантириш;
- тақсимлаш;
- ишлаб чиқариш ва муомала соҳасининг ягоналигини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш;
- ва бошқалар.

Айланма капитал ўз функцияларини ҳам пулли ва ҳам натурал-буюм шаклларида амалга оширади.

Айланма капиталнинг таркибий тузилмасини уни функционал жиҳатдан қуйидаги икки ташкил этувчи белгилаб (аниқлаб) беради:

- айланма капиталнинг натурал-буюм шакллари ёки айланма ишлаб чиқариш фондлари;

- муомала фондлари.

Таркибий тузилма жиҳатидан айланма капиталнинг натурал-буюм шакллариغا, энг аввало, ишлаб чиқариш заҳираларидан иборат бўлган қуйидагилар киради:

- хом ашё ва асосий материаллар;
- сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар;
- ёқилғи;
- қадоқлаш ва қадоқлаш материаллари;
- жорий таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар;
- инвентарлар ва хўжалик буюмлари;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари;
- ўз ишлаб чиқаришининг ярим тайёр маҳсулотлари;
- келгуси давр харажатлари;
- бошқа харажатлар.

Айланма капиталнинг таркибий тузилмасини ташкил этувчи муомала фондларининг таркиби қуйидагилардан иборат:

- тайёр маҳсулот ва қайта сотишга мўлжалланган товарлар, ортиб жўнатилган товарлар;

- пул маблағлари – кассадаги пуллар, ҳисоб-китоб ва валюта ҳисоб варақларидаги пуллар, банкдаги махсус ҳисоб варақлари (аккредитивлар ва чек дафтарчалари, депозит ҳисоб варақлари, бошқа тўлов ҳужжатлари);

- қисқа муддатли (бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда) молиявий қуйилмалар – бошқа ХЮСлар қимматли қоғозларига инвестициялар, давлат ва маҳаллий заёмларнинг фоизли облигациялари, бошқа ХЮСларга берилган заёмлар, акционерлардан ўз акцияларини сотиб олиш;

- дебиторлик қарзларининг барча кўринишлари, сотиб олувчилар ва буюртмачиларнинг қарзлари, олинувчи векселлар, “қиз” ва бўйсунувчи жамиятларнинг қарзлари, устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари, берилган аванслар, бошқа дебиторларнинг маблағлари.

Айланма капиталнинг бошқа қисми пулли кўринишда шакллантирилади ва айланма фондларнинг иқтисодий элементларига пулли капитални доимий аванслаштириш кўринишида доиравий айланишда бўлади. Пул

маблағларининг доиравий айланиши ХЮС томонидан ишлаб чиқаришга зарур бўлган моддий ресурслар қийматининг тўланиши билан бошланади ва шу харажатларнинг маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушум кўринишида қайтиши билан тугалланади.

Доиравий айланиш жараёнида айланма капитал доимий қиймат категорияси сифатида сақланиб қолса-да, ўз таркибий қисмларининг функциональ шаклларини узлуксиз равишда қуйидаги кетма-кетликда ўзгартиради: пул маблағлари – хом ашё ва материаллар захиралари – тайёр маҳсулот – дебиторлик қарзлари – тушум кўринишида тушадиган пул маблағлари. Бунда айланма капитал компания молиявий ҳолатининг ўлчовчиси ва тартибга солувчиси ҳисобланади (сифатида майдонга чиқади).

Айланма маблағлар (капитал)ни шакллантириш ва молиялаштириш манбалари қуйидагилардан иборат:

- ўзлик ва уларга тенглаштирилган маблағлар;
- қарзий ва жалб қилинган маблағлар.

Ўз навбатида, айланма маблағлар (капитал)ни шакллантириш ва молиялаштиришнинг ўз манбалари таркибига қуйидагилар киради:

- устав капитали;
- фойда;
- эмиссион даромад.

Эмиссион даромад, айрим ҳолларда, таъсисчилик фойдаси деб ҳам юритилади.

Ўзликка тенглаштирилган манбалар қатъий пассивлардан, яъни ХЮС айланмасида доимий равишда мавжуд бўладиган жалб қилинган маблағлардан иборат. Иш ҳақи ва социал суғурта бўйича қарзлар, қадокларни қайтариш бўйича гаровлар, келгуси давр харажатларини қоплаш бўйича захиралар шу шаклда вақтинчалик фойдаланилиши мумкин.

Қарзий маблағлар ўз айланма маблағларининг етмаган қисмини тўлдиришга мўлжалланган. Уларнинг таркибига:

- банкларнинг қисқа муддатли кредитлари;
- заёмлар;
- узоқ муддатли кредитларнинг бўш маблағлари киради.

Жалб қилинган маблағлар:

- мол етказиб берувчи ва пудратчиларнинг кредиторлик қарзлари;
- тўланувчи векселлар;
- “қиз” ХЮСлар ва бўйсунувчи жамиятлар ҳамда бюджет олдидаги қарзлар;
- олинган аванслар;
- ва бошқа кредиторлар кўринишида майдонга чиқади.

Айланма капиталнинг фойдаланиш самарадорлигини характерловчи умумлаштирувчи кўрсаткичлар айланма маблағлар айланишининг сони ва айланма маблағлар бир марта айланишининг узоқлиги ҳисобланади ва улар қуйидагича аниқланади:

$$\begin{aligned} A_{ам} &= T : K_y, \\ Y_{1a} &= K_c : A_{ам} \end{aligned}$$

Бу ерда: $A_{ам}$ - айланма маблағларнинг айланувчанлиги;

T - реализациядан олинган тушум;

K_y - айланма маблағларнинг йиллик ўртача қолдиғи;

Y_{1a} - айланма маблағлар бир марта айланишининг узунлиги (узоқлиги);

K_c - таҳлил давридаги кунлар сони.

Заҳираларнинг айланувчанлиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$A_z = T_{см} : K_{зy}$$

Бу ерда: A_z - заҳираларнинг айланувчанлиги;

$T_{см}$ - сотилган маҳсулот таннари;

$K_{зy}$ - заҳираларнинг ўртача қиймати.

Дебиторлик қарзларини тўлашнинг кунлардаги ўртача давомийлиги сотиб олувчиларнинг счётлар бўйича тўлаш тезлигини акс эттиради ва у қуйидагича аниқланади:

$$ДК_{\text{муд}} = ДК_c^- : Т_k^-$$

Бу ерда: $ДК_{\text{муд}}$ - дебиторлик қарзларини тўлашнинг кунлардаги ўртача давомийлиги;
 $ДК_c^-$ - дебиторлик қарзининг ўртача суммаси;
 $Т_k^-$ - реализациядан олинган кунлик ўртача тушум.

Бу кўрсаткичнинг паст даражаси ХЮС дебиторлардан пулни ундириш бўйича ишининг самарадорлигидан дарак беради. Бироқ, айрим ҳолларда, бу нарса ХЮС кредит сиёсатининг ҳаддан зиёд қаттиқлигини ҳам кўрсатиб, реализация қилинган маҳсулотларнинг унча катта бўлмаган қисми кредитга сотилганлигини ҳам англатади.

ХЮС молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини таъминлашда ва молиявий таҳлилда соф айланма капитални мониторинг қилиш муҳим роль ўйнайди. Умумий кўринишда соф айланма капитал айланма активлар ва қисқа муддатли мажбуриятлар ўртасидаги фарқдан иборат. Қисқа муддатли пассивларнинг таркибий тузилмасида келгуси давр даромадлари ҳам киритилиб, улар ХЮСнинг ўзлик пул маблағлари бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам соф айланма капитални қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$С_{\text{ак}} = АА - ҚП$$

Бу ерда: $С_{\text{ак}}$ - соф айланма капитал;
 $АА$ – айланма активлар;
 $ҚП$ – қисқа муддатли пассивлар (келгуси давр даромадларидан ташқари).

Соф айланма капитални бошқаришнинг натижалчилигини соф айланма капиталнинг айланиш коэффициенти характерлаб беради ва у қуйидагича аниқланади:

$$К_a = Т_c : С_{\text{ак}}$$

Бу ерда: $К_a$ - соф айланма капиталнинг айланиш

коэффициенти;

T_c - реализациядан олинган соф тушум;

$C_{ак}$ - соф айланма капиталнинг ўртача қиймати.

Айланма маблағларни бошқаришда уларни ликвидлик даражаси бўйича структуризация қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу мақсадлар учун ликвидлиликнинг қуйидаги икки кўрсаткичидан фаол фойдаланилади:

- жорий ликвидлик коэффициенти;
- абсолют ликвидлик коэффициенти.

Жорий ликвидлик коэффициенти маълум бир сана учун аниқланиб, унинг аниқланиш тартиби қуйидагича:

$$K_{жл} = A_a : ҚП \geq 2$$

Бу ерда: $K_{жл}$ - жорий ликвидлик коэффициенти;

A_a - айланма активлар (баланснинг 2-бўлими);

$ҚП$ - қисқа муддатли пассивлар (келгуси давр даромадларисиз).

Жорий ликвидлик коэффициентининг даражаси иккидан кичик бўлмаслиги лозим. Шундай бўлишига қарамасдан, ғарб иқтисодиётида унинг даражасига бирдан кичик бўлмаган ҳолларгача йўл қўйилади.

Абсолют ликвидлик коэффициенти энг ликвидли активларнинг (пуллар ва қисқа муддатли молиявий қуйилмалар) қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати орқали аниқланади ва уни формула орқали қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$K_{ал} = (ПМ + МҚ) : ҚП \geq 0,2$$

Бу ерда: $K_{ал}$ - абсолют ликвидлик коэффициенти;

$ПМ$ – пул маблағлари;

$МҚ$ - қисқа муддатли молиявий қуйилмалар;

$ҚП$ - қисқа муддатли мажбуриятлар (келгуси давр даромадларисиз).

Бу коэффициентнинг исталувчи даражаси $\geq 0,2$ дан иборат бўлиб, бироқ амалиётда бу нарса ўз фаолиятининг турли даврларида ХЮСнинг молиявий сиёсати ва ишининг самарадорлигига боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида айланма капиталдан фойдаланишнинг самарадорлиги жуда кўп омилларга боғлиқ. У, энг аввало, тўлов интизомининг аҳволи, айланма маблағларнинг турли функциональ элементларига жойлаштирилган қуйилмаларнинг ҳажми билан белгиланади. Шунингдек, ишлаб чиқариш соҳасида айланма капиталдан самарали фойдаланишга ишлаб чиқаришнинг чиқитларсиз юқори технологияларга асосланганлиги, материаллар қийматининг пасайиши, ишлаб чиқариш ва муомала харажатларининг минималлаштириш, ишлаб чиқариш заҳиралари ва уларнинг ҳаракатини оқилона ташкил қилиш ҳамда натижали бошқарув (норма (меъёр)лаштиришни ҳисобга олган ҳолда), албатта, ўз таъсирини кўрсатади.

Муомала соҳасида бундай омиллар қаторига мол етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан ишларни яхшилаш, самарали хўжалик алоқаларидан фойдаланиш, замонавий маркетингни амалга ошириш, тайёр маҳсулот заҳираларини камайтириш ва унинг реализация қилинишини тезлаштириш кабилар киради. Тўлов қобилиятини таъминлаш (мустаҳкамлаш) ва маблағларнинг айланувчанлигини тезлаштириш мақсадида дебиторлик қарзлари ва пул оқимларини бошқаришни яхшилаш ҳам бу ўринда алоҳида аҳамият касб этади.

11.3. Айланма маблағларни норма (меъёр)лаштириш

Айланма капитални режалаштириш ва ундан фойдаланишни ташкил қилиш учун унга нисбатан бўлган эҳтиёжни аниқлаш методлари ва режалаштириш тизимини ишлаб чиқмоқ лозим. Моддий ресурслар ва улар заҳираларининг ҳаракатини бошқариш тизимини автоматлаштириш хусусида ўйламоқ, айланма капитал ва уни шакллантириш манбалари билан тўғри манёвр қилиш,

материалларнинг сарфланиши ва уларнинг сақланиши устидан назоратни таъминлаш керак.

Юқоридагиларни амалга ошириш мақсадларига хизмат қилиш учун айланма маблағлар қуйидаги икки икки гуруҳга бўлинади:

- норма (меъёр)лаштириладиган айланма маблағлар;
- норма (меъёр)лаштирилмайдиган айланма маблағлар.

Норма (меъёр)лаштириладиган айланма маблағларга айланма ишлаб чиқариш фондлари ва реализация қилинмаган тайёр маҳсулот захиралари киради. Норма (меъёр)лаштирилмайдиган айланма маблағлар эса омбордаги тайёр маҳсулот захираларидан ташқари муомала фондларининг барча элементларини қамраб олади. Айланма капиталнинг ўлчамини оптималлаштириш (оқилонлаштириш) учун моддий айланма маблағларнинг режалаштирилиши амалга оширилади.

Моддий айланма маблағларни режалаштиришнинг асосини норматив методи ташкил этади. Унга кўра айланма маблағларнинг нормативи белгиланади, транспорт, суғурта, тайёргарлик, технологик, жорий захираларни ҳам қўшган ҳолда захиралар нормалаштирилади, моддий ресурсларнинг барча кўринишлари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, омбордаги тайёр маҳсулотга нисбатан харажатлар нормаси ўрнатилади.

Айланма маблағларни норма (меъёр)лаштириш жараёни бир неча босқичлардан иборат. Дастлаб, айланма маблағларнинг ҳар бир элементи бўйича ишлаб чиқариш захираларининг нормаси ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқариш захираларининг нормаси (меъёри) ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминловчи уларнинг илмий асосланган режали ҳажмидан иборат бўлиб, у энг аввало, қуйидагиларни ўз ичига олувчи ХЮС иш шароитига боғлиқ:

- ишлаб чиқариш циклининг узоқ-яқинлиги;
- ишлаб чиқаришга материалларни киритиш даври;
- мол етказиб берувчиларнинг узоқлиги;
- мол етказиб бериш партияларининг комплекслиги ёки ҳажми;
- материаллар сифати;
- ҳисоб-китоблар тизими;

- ва бошқалар.

Норма (меъёр) норма (меъёр)лаштириладиган моддий ресурсларга (уларнинг ҳар бир тури бўйича) бўлган ўртача кунлик эҳтиёж (харажат)ларнинг ҳажми ва мол етказиб беришлар ўртача интервали (оралиқ)нинг узунлигини ҳисобга олган ҳолда кунлик заҳираларда ўрнатилади (белгиланади). Демак, агар ана шу интервал (оралиқ), масалан, 24 кунга тенг бўлган бўлса, шунга мос равишда заҳиралар шу кунлар оралиғида ишлаб чиқариш циклининг нормал (соғлом) ривожланишини таъминлашга етарли бўлмоғи лозим.

Кунларда ифодаланган заҳиралар ва маълум бир кўринишдаги товар-моддий бойликлар харажатларининг нормаси (меъёри) асосида норма (меъёр)лаштириладиган заҳираларни яратиш учун зарур бўлган айланма маблағларнинг ҳажми аниқланади. Агар норма (меъёр) кунларда аниқланса (белгиланса), у ҳолда айланма маблағларнинг нормативи ХЮСнинг соғлом (нормал) фаолият кўрсатиши учун минимал даражада зарур бўлган товар-моддий бойликларнинг пулда ифодаланган режалаштирилган заҳираларидан иборатдир.

Қандайдир бир ресурсларнинг заҳираларига аванслаштириладиган айланма маблағлар нормативининг формуласи қуйидаги кўринишга эга:

$$H = E \times U \times B$$

Бу ерда: **H** – айланма маблағларнинг нормативи;

E – айланма маблағларга бўлган кунлик эҳтиёж;

U – ўртача интервал узоқлиги;

B – айланма маблағ бирлигининг баҳоси.

Масалан, фараз қилайлик қандайдир бир хом ашёнинг заҳира нормаси 15 кунга, кунлик эҳтиёж 10 тоннага ва бир тоннанинг баҳоси 20 минг сўмга тенг бўлса, у ҳолда пулда ифодаланган нормативнинг даражаси 600 минг сўмга (15 x 10 x 20 000) тенг бўлади.

Умуман олганда, айланма маблағлар нормативи мол етказиб беришлар ўртасидаги ўртача интервални ҳисобга олган ҳолда қуйидаги формула орқали аниқланиши мумкин:

$$H = \frac{\sum (Y_1 + Y_2)}{2 \times B}$$

Бу ерда: **H** – айланма маблағларнинг нормативи;
∑ – айланма маблағларга бўлган кунлик эҳтиёж;
Y₁ + Y₂ - навбатдаги икки мол етказиб беришларнинг кунлардаги узунлиги;
B – айланма маблағ бирлигининг баҳоси.

Айланма маблағларнинг ҳар бир элементлари бўйича нормативнинг алоҳида ҳисобланиши натижасида хусусий нормативлар вужудга келади. Ўз навбатида, барча хусусий нормативларни жамлаш (қўшиш) натижасида йиғма (жамланган) норматив ҳосил бўлади.

Хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг алоҳида турлари бўйича заҳираларнинг кунлик (кундаги) нормаси қуйидаги заҳиралар суммаларини инобатга олиб ўрнатилади (белгиланади):

- транспорт заҳираси;
- тайёрлов заҳираси;
- технологик заҳира;
- жорий заҳира;
- суғурта заҳираси.

Транспорт заҳираси юкнинг йўлдаги кунлари ва шу юк учун ҳужжатларни тўлаш ва уларнинг ҳаракатланиш кунлари сонини ўз ичига олади. Тайёрлов заҳираси қабул қилишни расмийлаштириш, навларга ажратиш, ортиш-тушириш, комплектация қилиш, моддий ресурсларни махсус қайта ва ҳ.к.лар боғлиқ. Бу заҳира норма ёки ҳақиқатда сарфланган вақт асосида ўлчанади. Технологик заҳира ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқ ва технологик нормалар асосида ҳисобланади.

Асос сифатида жорий максимал омбор заҳираси олинадики, чунки у материалларни навбатдаги икки етказиб бериш интервали ўртасида ишлаб чиқариш жараёнининг

узлуксизлигини таъминлайди. Максимал жорий заҳира материалларга бўлган ўртача кунлик эҳтиёж ва навбатдаги икки мол етказиб бериш интервали ўртасидаги узунликнинг (давомийликнинг) кўпайтмасига тенг. Меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши жорий омбор заҳирасининг оширилишини талаб қилади. Шунингдек, максимал жорий заҳира ишлаб чиқаришнинг бир маромдалигини (ритмлигини) таъминлаш учун ҳар доим бироз ўзгартирилиши керак. Суғурта заҳираси резерв сифатида, одатда, жорий омбор заҳирасининг 50% доирасида қабул қилинади.

Шундай қилиб, заҳиранинг кунлардаги нормаси транспорт заҳираси, тайёрлов заҳираси, технологик заҳира, жорий омбор заҳираси ва суғурта заҳираларининг суммасига тенг бўлган суммалар йиғиндисидан иборат.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича айланма маблағларни норма (меъёр)лаштириш буюмларнинг гуруҳлари бўйича амалга оширилади ва у қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$H = X_0 \times U \times K$$

Бу ерда: **H** - тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича айланма маблағларнинг нормативи;

X₀ - маҳсулотни ишлаб чиқаришга қилинадиган бир кунлик харажатлар;

U - ишлаб чиқариш циклининг узоқлиги (кунларда);

K – харажатларнинг ўсиб бориш (тўпланиши, жамланиб бориши) коэффициенти.

Маҳсулотни ишлаб чиқаришга қилинадиган бир кунлик харажатлар чорак давомида таннарх бўйича ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти қийматини тегишли чоракдаги 90 кунга бўлиб топилади.

Ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги (узоқлиги) қуйидагилар билан белгиланади:

- бевосита ишлов бериш жараёнига тегишли вақт (технологик заҳира);

- ишлов берилувчи буюмларнинг иш жойларида жойлашиши (транспорт заҳираси);
- айланма заҳираси (ишлов бериш операциялари оралиғидаги вақтлар);
- суғурта заҳираси (узилишлар содир бўладиган вазиятлар учун).

Харажатларнинг ўсиб бориш (тўпланиши, жамланиб бориши) коэффиценти тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги буюм ўртача таннархининг ишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммасига нисбати билан аниқланади.

Албатта, заҳираларни моҳирона бошқариш менежмент ва ХЮС ишлаб чиқариш ходимларидан инфляцияни ҳисобга олишни, сифат ва чиқариладиган товарнинг бозорда талаб эга эканлиги устидан узлуксиз назорат олиб боришни, баҳоси ва истеъмол белгиларига (хусусиятларига) кўра ХЮС томонидан чиқариладиган маҳсулотларнинг истеъмолчилар талабига қараб ўзгаришини қондиришни талаб қилади.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Умумлаштирилган кўринишда асосий капитал қандай қийматнинг бир қисми ҳисобланади?
- ХЮСнинг бухгалтерия балансида асосий капитал қандай сифатда акс эттирилади?
- Асосий капиталнинг асосини нималар ташкил этади?
- Меҳнат ва маҳсулотни яратиш жараёнида асосий капитал ниманинг қисми сифатида майдонга чиқади?
- Асосий капиталнинг доиравий айланиши унга тегишли бўлган қийматнинг қандай уч функциональ шаклларида ҳаракат қилишини англатади?
- Капиталнинг доиравий айланиши давомида айланма капиталдан фарқли ўлароқ асосий капитал қандай ўзига хос хусусиятларга эга?
- Ишлаб чиқариш жараёнида асосий капитални буюмлашган шакли сифатида нималар майдонга чиқади?
- Иқтисодий мўлжалланганлигига кўра асосий фондлар нималарга бўлинади?

- Асосий ишлаб чиқариш фондлари деб нимага айтилади?
- Ноишлаб чиқариш асосий фондларининг таркибига ХЮСнинг қандай мулклари киради? Улар бўйича амортизация ҳисобланадими?
- Асосий ишлаб чиқариш фондларининг таркибий тузилмаси нималар жиҳатидан бўлиши мумкин?
- Асосий фондларнинг таркибига нималар киради ва уларнинг актив ва пассив қисмлари нималардан иборат?
- Асосий капитал доиравий айланишининг самарадорлигини таҳлил қилишда нималарни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ?
- Ҳозирги пайтда амалиётда амортизация ажратмаларини ҳисоблашнинг қандай асосий методларидан фойдаланилади ва уларнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари нималардан иборат?
- Чизикли метод қўлланилганда бир ой учун ҳисобланган амортизациянинг суммаси қандай аниқланади?
- Ночизикли метод асосида амортизация нормасини ҳисоблаш қандай амалга оширилади?
- Асосий капиталнинг доиравий айланиш жараёнида вужудга келадиган ўз молиявий ресурсларининг таркибига, амортизация фондидан ташқари, яна қандай даромадлар ва турли тушилмалар ҳам кириши мумкин?
- Асосий фондларни шакллантириш учун жалб қилинадиган пул маблағларининг манбаларини қандай гуруҳларга бўлиш мумкин ва ҳар бир гуруҳнинг таркибига нималар киради?
- Асосий капиталнинг доиравий айланиши жараёнида иштирок этадиган молиявий ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлиги қандай аниқланади?
- Асосий капиталдан самарали фойдаланишни баҳолашда ХЮС молия-хўжалик фаолиятининг натижалилигини очиб берувчи қандай умумий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?
- Ишлаб чиқаришнинг умумий рентабеллиги кўрсаткичи қандай аниқланади?

- Фонд қайтими ва фонд сиғими кўрсаткичларини ҳисоблаш тартиблари қандай?
- Сменалик коэффиценти қандай аниқланади?
- Асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириш коэффиценти нимани характерлайди ва у қандай аниқланади?
- Асосий ишлаб чиқариш фондларининг янгиланиш коэффиценти нимани ифодалайди ва у қандай ҳисобланади?
- Асосий ишлаб чиқариш фондларининг чиқиш (чиқиб кетиш) коэффиценти нимани фодалайди ва у қандай аниқланади?
- Асосий капитал доиравий айланишининг самарадорлиги нималарни олдиндан аниқлаб (белгилаб) беради?
- Айланма капитал нимани ўзида ифодалайди ва у ХЮС балансининг қандай номланган бўлимида акс эттирилади?
- Айланма капитал қандай бир неча асосий гуруҳларга классификация қилинади?
- Айланма капитал қандай функцияларни бажаради ва уларни қандай шаклларда амалга оширади?
- Айланма капиталнинг таркибий тузилмасини уни функционал жиҳатдан қандай икки ташкил этувчи белгилаб (аниқлаб) беради?
- Таркибий тузилма жиҳатидан айланма капиталнинг натурал-буюм шакллариға, энг аввало, ишлаб чиқариш заҳираларидан иборат бўлган нималар киради?
- Айланма капиталнинг таркибий тузилмасини ташкил этувчи муомала фондларининг таркиби нималардан иборат?
- Айланма маблағлар (капитал)ни шакллантириш ва молиялаштириш манбалари нималардан иборат?
- Айланма маблағлар (капитал)ни шакллантириш ва молиялаштиришнинг ўз манбалари таркибига нималар киради?
- Ўзликка тенглаштирилган манбалар нималардан иборат?
- Қарзий маблағлар таркибига нималар киради?
- Айланма капиталнинг фойдаланиш самарадорлигини характерловчи умумлаштирувчи кўрсаткичлар нималардан иборат ва улар қандай аниқланади?

- Соф айланма капитални қандай аниқлаш мумкин?
- Соф айланма капитални бошқаришнинг натижалилигини нима характерлаб беради ва у қандай аниқланади?
- Айланма маблағларни бошқаришда уларни ликвидлик даражаси бўйича структуризация қилиш мақсадлари учун ликвидлиликнинг қандай кўрсаткичидан фаол фойдаланилади ва уларни аниқлаш тартиби қандай?
- Бозор иқтисодиёти шароитида айланма капиталдан фойдаланишнинг самарадорлиги қандай омилларга боғлиқ?
- Айланма капитални норма (меъёр)лаштириш дейилганда нималар тушунилади ва унга кўра айланма маблағлар қандай гуруҳларга бўлинади?
- Норма (меъёр)лаштириладиган айланма маблағларнинг таркибига нималар киради?
- Норма (меъёр)лаштирилмайдиган айланма маблағларнинг таркиби нималардан иборат?
- Моддий айланма маблағларни режалаштиришнинг асосини нима ташкил этади?
- Айланма маблағларни норма (меъёр)лаштириш жараёни қандай босқичлардан иборат?
- Ишлаб чиқариш заҳираларининг нормаси (меъёри) нималардан иборат ва у, энг аввало, нималарга боғлиқ?
- Норма (меъёр) нималарга нисбатан ўрнатилади (белгиланади)?
- Қандайдир бир ресурсларнинг заҳираларига аванслаштириладиган айланма маблағлар нормативининг формуласи қандай кўринишга эга?
- Хусусий нормативлар нималарнинг ҳисобланиши натижасида вужудга келади?
- Йиғма (жамланган) норматив қандай ҳосил бўлади?
- Хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг алоҳида турлари бўйича заҳираларнинг кунлик (кундаги) нормаси қандай заҳиралар суммаларини инобатга олиб ўрнатилади (белгиланади)?
- Транспорт заҳираси нималарни ўз ичига олади?
- Тайёрлов заҳираси нималарга боғлиқ?
- Технологик заҳира нимага боғлиқ ва у қандай нормалар асосида ҳисобланади?

- Заҳиранинг кунлардаги нормаси қандай суммаларнинг йиғиндисидан иборат?
- Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича айланма маблағларни норма (меъёр)лаштириш нималар бўйича амалга оширилади ва у қандай формула ёрдамида аниқланади?
- Ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги (узқлиги) нималар билан белгиланади?

12-боб. Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш чиқимлари, фойдаси ва рентабеллиги

12.1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатлари: моҳияти, таркиби, классификацияланиши ва самарадорлигини баҳолаш

“Ишлаб чиқариш харажатлари” ва “ишлаб чиқариш чиқимлари” тушунчалари (иборалари) бир хил маънони англатувчилар эмас. Бу тушунчаларнинг иккинчиси биринчисига нисбатан кенгроқ бўлиб, жамият нуқтаи-назаридан у жонли ва буюмлашган меҳнатнинг барча ҳажмини ўзида мужассам этади ва маҳсулотнинг қийматига тенг. “Ишлаб чиқариш чиқимлари” тушунчаси, аксарият ҳолларда, иқтисодиётнинг маълум бир соҳаси билан боғланган (масалан, ишлаб чиқариш чиқимлари, муомала чиқимлари ва бошқалар).

Ишлаб чиқариш чиқимларини, дастлаб икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- аниқ ёки амалдаги, ҳақиқатдаги чиқимлар;
- аниқ бўлмаган чиқимлар.

Аниқ ёки амалдаги, ҳақиқатдаги чиқимлар ХЮС томонидан амалга оширилган аниқ харажатлардан – иш ҳақи, хом-ашё ва материаллар харажатлари, ижара учун тўлов ва бошқалардан иборат. Аниқ бўлмаган, алмашган чиқимлар ёки қўлдан бой берилган, қўлдан чиқарилган имкониятлар чиқимлари эса шу билан боғлиқки, ХЮС маҳсулот ишлаб чиқариш учун капиталдан фойдаланиб, шунинг ўзида унинг муқобилли фойдаланиш имкониятини қўлдан чиқаради. Маблағларнинг чекланганлиги уларнинг фойдалилик даражасига қараб мавжуд имкониятларнинг вариантларидан фойдаланишга ХЮСни мажбур қилади. Бунда ҳар доим қўлдан чиқарилган, бой берилган фойдалар элементлари ва

демак, аниқ бўлмаган чиқимлар элементлари мавжуд бўлади. У ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришни давом эттириш ёки уни янада кенгайтириш хусусида ҳар қандай бошқарув қарори аниқ ва аниқ бўлмаган чиқимларнинг ҳисоб-китобига асосланади. У ёки бу иқтисодий қарор ўртасидаги танланиш ҳар доим бошқа мақсадларга эришиш учун онгли равишда юқотилган ёки рад этилган имкониятларни характерлайди (тавсивлайди).

“ХЮСнинг харажатлари” тушунчаси “ХЮСнинг чиқимлари” тушунчасидан фарқ қилиб, улар бевосита молиявий категориялар ва биринчи навбатда маҳсулот таннархи билан узвий боғланган. Шунинг учун ҳам ХЮСнинг харажатларига унинг моҳиятини ифодаловчи қуйидагича таъриф бериш мумкин: *фойда олиш ёки ХЮСнинг бошқа мақсадларига эришиш учун фойдаланиладиган ресурсларнинг пул қийматига ХЮСнинг харажатлари дейилади.*

“Харажатлар” тушунчаси “таннарх” тушунчасига нисбатан кенгроқ ҳисобланади. Чунки таннарх умумий харажатларнинг бир қисмини (оддий такрор ишлаб чиқариш харажатларини) ўзида акс эттиради.

Маҳсулот (иш ва хизмат) таннархи маҳсулот (иш ва хизмат)ни ишлаб чиқариш (кўрсатиш) жараёнида фойдаланиладиган хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асосий фондлар, меҳнат ресурслари ва уларни ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш бошқа харажатларининг қийматий баҳосидан иборат. Амалиётда “маҳсулотнинг умумий таннархи” ва “маҳсулот бирлигининг таннархи” тушунчаларидан кенг фойдаланилади.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида (саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, умумий овқатланиш, қурилиш ва б.) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи таркибига харажатларни акс эттириш (киритиш)нинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Таннархга киритиладиган харажатларнинг таркиби, бир томондан, ҳаётга татбиқ этилаётган солиқ сиёсатига ва иккинчи томондан, иқтисодиётнинг аҳволи (ҳолати) ва таркибий тузилишига боғлиқ.

ХЮС фаолиятининг шарт-шароитлари ва йўналишларига боғлиқ равишда харажатлар қуйидаги икки йирик гуруҳга бўлинади:

- ишлаб чиқариш ва реализация билан боғлиқ бўлган харажатлар;

- реализациядан ташқари (нореализацион) харажатлар;

Ишлаб чиқариш ва реализация билан боғлиқ бўлган харажатлар таркибига, одатда, қуйидагилар киритилади:

- маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш, товар (иш, хизмат, мулкӣ ҳуқуқ)ларни сотиб олиш ва реализация қилиш харажатлари;

- асосий воситалар ва бошқа мол-мулкларни сақлаш ва эксплуатация қилиш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, шунингдек, уларни тuzатилган ҳолатда сақлаб туриш харажатлари;

- табиий ресурсларни ўзлаштириш харажатлари;

- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари билан боғлиқ бўлган харажатлар;

- мажбурий ва ихтиёрий суғурта харажатлари;

- ишлаб чиқариш ва реализация билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Юқоридагилардан ташқари бу харажатлар яна қуйидагича классификация қилиниши мумкин:

- моддий харажатлар;

- меҳнат ҳақи харажатлари;

- ҳисобланган амортизация суммалари;

- бошқа харажатлар.

ХЮС умумий харажатларининг суммасидан иборат бўлган ишлаб чиқариш таннархининг таркибига қуйидагилар киради:

- моддий харажатлар;

- амортизация ажратмалари;

- меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

- социал эҳтиёжларга ажратмалар;

- тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларининг ўзгариши ва бошқа харажатлар;

- келгуси давр харажатлари;

- келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари
- ва бошқалар.

Реализациядан ташқари (нореализацион) харажатлар маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмайди.

Ресурсларнинг самарали бошқарувчанлигини таъминлаш учун маҳсулотнинг таннархи ХЮСнинг алоҳида олинган бўлинмалари бўйича ҳисобланади. У ўз ичига шу бўлинманинг харажатларини олиб, маълум давр учун ХЮС харажатларининг режали ҳисобини, яъни бюджетини (сметасини) тузиш учун асос бўлади.

ХЮСнинг барча харажатларини турли йўналишлар бўйича (у ёки бу классификациянинг асосида нима қўйилганлигига боғлиқ равишда) классификация қилиш (туркумларга ажратиш) мумкин. Одатда, харажатларнинг классификацияси уларнинг қуйидаги белгилар бўйича гуруҳларга ажратилишини ўз ичига олади:

- ишлаб чиқаришнинг ҳажмига нисбатан;
- иқтисодий элементларига кўра;
- калькуляция моддалари бўйича;
- маҳсулот таннархига ўтказилиш усулига мувофиқ;
- давлат томонидан тартибга солиниш даражасига қараб;
- ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан харажатлар қуйидаги гуруҳларга классификация қилинади:

- доимий (ўзгармайдиган) харажатлар;
- ўзгарувчан харажатлар.

Доимий (ўзгармайдиган) харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмайди. Бу харажатлар, ҳатто ХЮС туриб қолган ҳолларда ҳам ёки унинг ташкил қилиниш даврида ҳам мавжуд бўлади. Бундай харажатларнинг қаторига ўз асосий фондларининг амортизацияси, биноларнинг ижараси, маъмурият ва хизмат кўрсатувчи ходимларга иш ҳақи, солиқларнинг айрим кўринишлари ва бошқалар киради.

Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан пропорциональ равишда ўзгаради. Бундай харажатларнинг таркиби хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар, технологик эҳтиёжлар

учун ёқилғи ва энергия, асосий ишчиларнинг иш ҳақлари ва бошқалар билан боғлиқ бўлган харажатлардан иборат.

Бир вақтнинг ўзида ХҮОС харажатларининг доимий (ўзгармайдиган) харажатлар ва ўзгарувчан харажатларга бўлиниши шартли характерга эга. Бунинг сабаби шундаки, узоқ вақт давомида ХҮОСнинг барча харажатлари ўзгаради. Шунинг учун ҳам улар кўп ҳолларда шартли-доимий (шартли-ўзгармайдиган) ва шартли-ўзгарувчан харажатлар деб юритилади. Харажатларнинг бундай бўлинишидан зарар (зиён)сизлик таҳлил қилинганда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таркибий тузилмасини оптималлаштириш (оқилонлаштириш)да ва шунингдек молиявий режалаштиришни амалга ошириш (ўтказиш)да фойдаланилади. Доимий (ўзгармайдиган) харажатлар ва ўзгарувчан харажатларнинг йиғиндиси маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш харажатларининг умумий суммасини ташкил этади.

Иқтисодий элементларига кўра харажатларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

а) моддий харажатлар:

- хом ашё ва материаллар;
- сотиб олинган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;
- ёқилғи;
- технологик мақсадлар учун электроэнергия;
- ва бошқалар.

б) меҳнат ҳақи харажатлари;

в) тасдиқланган ягон социал солиқ ставкасига мувофиқ равишда иш ҳақи фондига ҳисоблашлар;

г) асосий воситаларнинг амортизацияси;

д) бошқа харажатлар:

- ижара ҳақи;
- мажбурий суғурта тўловлари;
- таннарх таркибига киритиладиган солиқлар;
- ва бошқалар.

Иқтисодий элементлар харажатларнинг бир хил кўринишлари бўлиб, улар маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилишда аниқ бир рольни ўйнайди. Харажатларнинг иқтисодий элементларга бўлинишидан

маҳсулот барча ҳажмини ишлаб чиқариш харажатларининг сметасини тузишда фойдаланилади. Таннархнинг элементли таркибий тузилмаси харажатлар у ёки бу кўриниши салмоғига боғлиқ равишда саноатнинг тармоқлари бўйича фарқланади. Агар материал сиғимли тармоқларда маҳсулот таннархининг таркибида моддий харажатлар ҳал қилувчи ўринни эгалласа, меҳнат сиғимли тармоқларда эса асосий ҳисса меҳнат ҳақиға тўғри келади. Энергия сиғимли тармоқлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг таннархида энергетика ресурсларининг харажатлари (рангли металлургия, химия саноати, енгил металларни ишлаб чиқариш) катта салмоқни эгаллайди. Ўз навбатида, фонд сиғимли тармоқларда катта салмоқ асосий фондларнинг амортизацияси ва уларни сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга тўғри келади.

Калькуляция моддалари бўйича харажатлар куйидагиларга бўлиниши мумкин:

- хом ашё ва материаллар;
- қайтарилувчи чиқиндилар;
- технологик мақсадлар учун ёқилғи ва энергия;
- асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг асосий ва қўшимча иш ҳақлари;
- ягона социал солиққа ҳисоблашлар;
- машина ва дастгоҳларни сақлаш харажатлари;
- умумишлаб чиқариш харажатлари;
- умумхўжалик харажатлари;
- бошқа ишлаб чиқариш харажатлари;
- тижорий харажатлар.

Харажатларни калькуляция моддалари бўйича классификация қилиниши маҳсулотларнинг алоҳида турлари бўйича унинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бу белгига кўра ХЮСларнинг харажатлари иккига бўлинади:

- тўғри (бевосита) харажатлар;
- эгри (билвосита) харажатлар.

Тўғри (бевосита) харажатларга маҳсулотнинг аниқ бир турини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради. Улар шу маҳсулотнинг таннархига бевосита киритилиши мумкин. Масалан, хом ашё, асосий материал

харажатлари, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва маҳсулотнинг маълум бир тури бўйича бутловчи буюмлар билан боғлиқ бўлган харажатлар ана шундай харажатлар ҳисобланади. Эгри (билвосита) харажатлар бутун ХЮСда ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш ёки маҳсулотларнинг бир неча турларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлади. Масалан, бинолар ва дастгоҳларни сақлаш, уларни таъмирлаш харажатлари, бошқарув аппаратига тегишли бўлган иш ҳақи харажатлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу харажатлар конкрет турдаги буюмларнинг таннархига қандайдир бир шартли асосга кўра пропорционал равишда, кўп ҳолларда, тўғри (бевосита) харажатларга нисбатан тўғри пропорционал равишда киритилади.

Давлат томонидан тартибга солиниш даражасига қараб харажатлар иккига бўлинади:

- норма (меъёр)лаштирилмайдиган харажатлар;
- норма (меъёр)лаштирилмайдиган харажатлар.

Харажатларнинг бундай бўлиниши, одатда, солиққа тортиш соҳасида тегишли қарор қабул қилинаётган пайтда қўлланилади. Норма (меъёр)лаштирилмайдиган харажатларга солиққа тортиладиган фойдани ҳисоблаш мақсадида ўрнатилган (белгиланган) норма (меъёр)лар доирасидаги харажатлар киради.

Чиқимларни камайтириш ХЮС иши самарадорлигини оширишнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Одатда, чиқимларни камайтиришнинг қуйидаги асосий йўллари ажратилиб кўрсатилади:

- ресурсларни тежайдиган ишлаб чиқариш инновацион технологияларни қўллаш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш сифатини яхшилаш;
- кадрларнинг малакавий даражасини ошириш;
- ХЮС тараққиётининг стратегик мақсадларини асослаш ва қабул қилинган стратегияни аниқ ижро этиш;
- ХЮСни бошқариш техникаси ва технологиясини такомиллаштириш, қабул қилинган бошқарув қарорларининг асосланганлигини таъминлаш;

- хом ашё ва материал харажатларининг салмоғини пасайтириш, таъминловчи хизматларнинг узлуксиз ишлашига эришиш;

- маркетинг хизматининг самарали ишлаши, ХЮСнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- ХЮСдаги юқотмаларнинг барча кўринишларини қисқартириш, чиқиндилар, иккиламчи материаллар ва энергоресурслардан, йўловчи маҳсулотлардан ва ҳ.к.лардан фойдаланиш.

ХЮС харажатларини таҳлил қилиш учун асос бўлиб бюджетлаштириш (сметаларни ишлаб чиқиш, харажатларни режалаштириш ва фарқланишни назорат қилиш) хизмат қилади. Бу харажатларни қисқартиришдаги узилишларни амалга ошириш бўйича ХЮС турли бўлинмаларининг ҳаракатини аниқлашга имкон беради, бу ишнинг истиқболли йўналишларини аниқлайди.

Моддий харажатлар (FIFO, LIFO, қийматнинг ўртача тортилувчанлигига кўра баҳолаш), меҳнат харажатлари, амортизация ажратмалари ва уларнинг бошқа кўринишларини ҳисоблаш методикаси таҳлил жараёнида муҳим таркибий қисм сифатида майдонга чиқади.

ХЮС харажатларини самарали бошқариш учун зарур бўладиган юқорида санаб ўтилган таркибий қисмлардан (режалаштириш, ҳисоб-китоб методлари, бюджетлаштириш, таҳлил) ташқари яна бошқарув ҳисобини ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, уни йўлга қўймасдан туриб, харажатларни самарали бошқаришнинг иложи йўқ. Бошқарув ҳисоби харажатларнинг доимий (ўзгармайдиган) ва ўзгарувчан харажатларга бўлинишига, ХЮСнинг хўжалик юритиш шароитларига боғлиқ равишда уларнинг хусусиятларига асосланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш (пасайтириш) ХЮСнинг мол етказиб берувчилар билан муносабатларини ривожлантириш ва оптималлаштириш (оқилонлаштириш) бўйича режали ишига, меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишига, истеъмолчиларнинг талабларига ва илмий-техника тараққиёти ютуқларига жавоб берадиган ҳаракатчан ишлаб чиқаришни яратишига боғлиқ.

12.2. Фойда, уни шакллантириш ва ундан фойдаланиш

ХЮСнинг барча молиявий ресурслари ўз маблағлари ҳисобидан, молия ва кредит бозорларидан жалб қилинадиган ресурслар ҳисобидан, узоқ муддатли, қисқа муддатли кредитлаштириш ва кредиторлик қарзларидан иборат бўлган қарзий маблағлар кўринишидаги ресурслардан ташкил топади.

ХЮСнинг ўз маблағлари қуйидагилар ҳисобидан шаклланади:

- маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушум;
- молиявий операциялардан келадиган даромадлар;
- инвестицион фаолиятдан олинган даромадлар;
- бошқа даромадлар.

Шунингдек, ўз фаолияти ҳисобидан пулларнинг келиб тушиши амортизация ажратмалари, чиқиб кетган мол-мулкни сотиш, мақсадли тушилмалар, қурилишда ички ресурсларни мобилизация қилиш, ХЮС иштирокчиларининг аъзолик ва бошқа бадалларининг келиб тушиши ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Молиявий бозордан жалб қилинадиган ресурслар акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг эмиссияси ва сотилиши натижасида ва шунингдек, кредитлар ҳисобидан шаклланади.

Қайта тақсимлаш тартибида олинадиган тушилмаларга суғурта қопламалари, холдинглар, ассоциациялар ёки бошқа тармоқ тузилмаларидан келиб тушадиган молиявий ресурслар киради.

Инвестицион фаолиятдан ресурслар ХЮСга қимматли қоғозлар, бошқа ХЮСларга ҳиссали иштирок этишдан ва ҳ.к.лардан олинадиган дивидендлар ва фоизлар кўринишида келиб тушади.

Юқоридаги барча манбалар ҳисобидан ХЮСнинг харажатлари амалга оширилади.

ХЮСнинг даромадлари ва харажатлари, унинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ўзаро алоқалари чоракларга бўлинган тарзда тегишли йил учун тузиладиган молиявий режада ўз аксини топади. Молиявий режа ХЮС

молиявий фаолиятининг ташкил қилиниши ва унинг натижаси ҳисобланган фойдани акс эттирувчи асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Амалиётда ҳамма вақт ҳам фойданинг мазмун-моҳияти бир хил тарзда ифодаланаверилмайди. Одатда, фойда деганда ХЮС, фирма, корпорациялар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг умумлаштирилган тарзда баҳоловчи кўрсаткич, даромаднинг маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар устидан ошган қисми тушунилади.

Амалий фаолиятда эса “фойда”нинг барча тушунчаларини қуйидаги уч гуруҳга бирлаштириш мумкин:

- реализация қилинадиган товар (хизмат)лар сотиш баҳоси билан уларни ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида ўлчанадиган фойда;
- соф активларнинг йил охиридаги ва йил бошидаги ўлчамларининг фарқи сифатида ўлчанадиган фаолиятнинг айрим даврига тегишли бўлган фойда (унинг капиталаштирилганлиги);
- фойдани капиталдан олинган даромад сифатида тушуниш.

Фойданинг маъно-мазмунини аниқлашга бўлган ёндошувнинг турлича эканлигидан компаниялар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот маълумотларининг стандарт пакетларига қараб туриб, унинг миқдори тўғрисида аниқ бир фикрни айтишнинг ҳамма вақт ҳам иложи йўқ.

Фаолиятнинг молиявий натижаларини таҳлил қилишда ХЮСлар, кўп ҳолларда, фойданинг қуйидаги кўринишларига (тушунчаларига) таянади:

- асос фойда;
- баланс фойда;
- соф фойда ёки соф даромад.

Асос фойда дейилганда ҳисобот даврида кутилаётган фойда тушунилади. Бу кўрсаткич асос рентабелликни ҳисоблашда, номенклатура позициялари бўйича миқдор ва таннарх аниқ маълум бўлмаган пайтда кенг ассортиментли буюмлар тайёрловчи ХЮСлар, бирлашмалар бўйича

режалаштирилаётган йил учун фойда аналитик методда аниқланаётганда қўлланилади.

Баланс фойда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятнинг барча турлари бўйича олинган фойданинг умумий суммасидан иборат.

Соф фойда ёки соф даромад операцион давр мобайнида олинган тушумдан барча чегирмалар ва харажатлар чиқарилганидан сўнг вужудга келиши мумкин. Маълум бир миқдорда соф фойданинг (нетто-фойданинг) олиншига эришилсагина тадбиркорлик жараёнини амалга ошириш ўзининг мазмунига эга бўлади.

Ҳисоботларда фойда қуйидаги кўринишларда акс эттирилиши мумкин:

- ялпи фойда;
- операцион фойда;
- соф фойда.

ХЮСлар фаолиятининг умумий молиявий натижалари фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда ўз аксини топади. Бу ҳисобот молиявий таҳлил учун зарур бўлган қуйидаги муҳим маълумотларни ўзида мужассам этади:

- маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушум суммаси;
- солиққа тортилинганга қадар фойда суммаси;
- фойдадан олинадиган солиқ суммаси;
- ХЮСнинг ихтиёрида қолдириладиган фойда (соф фойда ёки фойда-нетто) суммаси.

Фойдани таҳлил қилиш учун айрим кўрсаткичлар юқоридаги ҳисоботда мавжуд бўлмаганлиги учун баъзи бир аналитик индикаторлар қўшимча тарзда ҳисобланмоғи лозим. Бундан ташқари бу жараёнда ХЮС фаолиятига ички ва ташқи омилларнинг ҳамда солиқ омилининг таъсирини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш имкониятига эга бўлиш жуда муҳимдир. Шунингдек, таҳлил учун қулай шаклда ҳар қандай маълумотни оператив равишда олиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Фойдани таҳлил қилишда уни шакллантиришнинг турли манбаларини ҳисобга олиш керак. Бу манбаларнинг маълум бир қисми фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда ифодаланган, у ерда улар, биринчидан фаолиятнинг

одатдаги кўриниши бўйича даромадлар ва харажатлар, иккинчидан эса, бошқа даромадлар ва харажатлар сифатида гуруҳлаштирилади.

Фаолиятнинг одатдаги кўриниши бўйича даромадлар ва харажатлар қуйидаги тарзда ҳисобланади: энг аввало, сотилган товарлар, маҳсулотлар, ишлар, хизматлардан (қўшилган қиймат солиғи, акцизлар ва шуларга ўхшаш мажбурий тўловлар чегирилган) олинган тушум ва уларнинг таннархи ўртасидаги фарқдан иборат бўлган ялпи фойда аниқланади.

Ялпи фойдадан тижорий ва бошқарув харажатлари чегирилса, сотувдан олинган фойда пайдо бўладики, у фаолиятнинг одатдаги кўринишидан фойдани характерлайди. Ундан сўнг бошқа даромадлар ва харажатларни ҳисобга олган ҳолда солиққа тортилгунча фойда ҳисобланади. Одатда, бошқа даромадлар ва харажатлар қуйидагилардан иборат бўлади:

- олиниши лозим бўлган фоизлар;
- тўланиши лозим бўлган фоизлар;
- бошқа ташкилотларнинг фаолиятига иштирок этишдан олинган даромадлар;
- бошқа операциялар даромадлар;
- реализациядан ташқаридаги даромадлар;
- реализациядан ташқаридаги харажатлар.

Фойдани таҳлил қилишнинг асосий мақсади ҳисобот даври давомидаги ХЮС фаолиятининг самарадорлигини кўрсатишдан иборат. Бухгалтерия ҳисоби ХЮСнинг даромадлари ва харажатлари, шунингдек унинг соф молиявий натижаси – соф фойда – тўғрисида маълумот олишга имкон беради. Юқорида таъкидланганидек, солиққа тортилгунга қадар фойданинг суммаси аниқланганидан сўнг унинг миқдори (суммаси) солиқ қонунчилигига мувофиқ коррективировка қилиши ва фойда ҳисобидан қопланадиган солиқларнинг суммаси чегирилмоғи лозим.

Ялпи фойда, сотувдан олинган фойда, солиққа тортилгунга қадар бўлган фойда ва ниҳоят, соф фойдани формулада қуйидагича кўрсатиш мумкин:

$$ЯФ_k = T_p - T_m$$

Бу ерда: $\mathbf{ЯФ}_к$ - ХЮСнинг ялпи фойдаси;

\mathbf{T}_p - товарлар, маҳсулотлар, ишлар ва хизматларни реализация қилишдан олинган тушум;

\mathbf{T}_m - сотилган товарлар, маҳсулотлар ва хизматларнинг таннари.

$$\mathbf{СОФ}_к = \mathbf{ЯФ}_к - \mathbf{ТХ} - \mathbf{БХ}$$

Бу ерда: $\mathbf{СОФ}_к$ - ХЮСнинг сотувдан олган фойдаси;

$\mathbf{ЯФ}_к$ - ХЮСнинг ялпи фойдаси;

$\mathbf{ТХ}$ - тижорий харажатлар;

$\mathbf{БХ}$ - бошқарув харажатлари.

$$\mathbf{СТФ}_к = \mathbf{СОФ}_к + \mathbf{БД} - \mathbf{БХ}$$

Бу ерда: $\mathbf{СТФ}_к$ - солиққа тортилгунга қадар ХЮСнинг фойдаси;

$\mathbf{СОФ}_к$ - ХЮСнинг сотувдан олган фойдаси;

$\mathbf{БД}$ - бошқа даромадлар;

$\mathbf{БХ}$ - бошқа харажатлар.

$$\mathbf{СФ}_к = \mathbf{СТФ}_к - \mathbf{ФОС}$$

Бу ерда: $\mathbf{СФ}_к$ - ХЮСнинг соф фойдаси;

$\mathbf{СТФ}_к$ - солиққа тортилгунга қадар ХЮСнинг фойдаси;

$\mathbf{ФОС}$ - фойдадан олинган солиқ.

Фойдадан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг унинг қолган қисми ХЮС томонидан мустақил равишда тақсимланади ва фойдаланилади. Фойданинг бу қисми инвестицион, ишлаб чиқариш ва социал характердаги эҳтиёжларга сарфланиши мумкин. Уни тақсимлаш жараёнида, албатта, ХЮСнинг капитал қуйилмаларга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олинмоғи лозим. Шунинг учун ҳам бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда

фойдадан ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига ажратмаларнинг миқдори аниқланади ва улар капитал қуйилмалар, айланма маблағларни кўпайтириш, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишларини таъминлаш, янги технолгияларни жорий этиш учун фойдаланилади.

Фойда ҳисобидан резерв фонди ҳам шакллантирилади, чунки бозор иқтисодиёти шароитида ишбилармонлик рискларнинг даражаси кескин ошади. Бу фонд ҳар йиллик ажратмалар ҳисобидан ташкил қилинади. Ажратмаларнинг ўлчами эса ХЮСнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

12.3. Рентабеллик ва уни ошириш йўллари

ХЮСнинг фойдалилик даражасини аниқлаш учун рентабеллик кўрсаткичларидан фойдаланилади. Улар олинган фойда суммасининг сарф қилинган маблағларга ёки реализация қилинган маҳсулотнинг ҳажмига нисбати билан аниқланади.

Молиявий таҳлил жараёнида рентабелликнинг қуйидаги кўрсаткичларидан тез-тез фойдаланилади:

- сотув (сотиш) рентабеллиги;
- ўзлик капиталнинг рентабеллиги;
- айланма активларнинг рентабеллиги;
- айланмадан ташқаридаги активларнинг рентабеллиги;
- инвестицияларнинг рентабеллиги.

Сотув (сотиш) рентабеллиги ХЮС сотуви (сотиши)нинг ҳажмида соф фойданинг салмоғини кўрсатади ва уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$K_{pc} = (CF_k : CX) \times 100\%$$

Бу ерда: K_{pc} - сотув (сотиш) рентабеллиги;

CF_k - ХЮСнинг соф фойдаси;

CX - ХЮСнинг сотув (сотиш) ҳажми.

Ўз(лик) капиталининг рентабеллиги ХЮСнинг эгалари томонидан инвестиция қилинган капиталдан фойдаланиш

самарадорлигини аниқлашга имкон беради. Одатда бу кўрсаткич маблағларнинг бошқа ХЮСларга, қимматли қоғозларга ва депозитларга қўйилиши имконияти билан таққосланади. Бу кўрсаткич компаниянинг эгалари томонидан ХЮС қўйилган (жойлаштирилган) ҳар бир бирлик соф фойданинг қанча пулли бирлигини “ишлаганлигини” кўрсатади ва формула ёрдамида қуйидагича ҳисобланади:

$$K_{рук} = (CФ_k : \check{Y}K_k) \times 100\%$$

Бу ерда: $K_{рук}$ - ХЮС ўзлик капиталининг рентабеллиги;
 $CФ_k$ - ХЮСнинг соф фойдаси;
 $\check{Y}K_k$ - ХЮСнинг ўзлик капитали.

Айланма активларнинг рентабеллиги айламанма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини очиб беради ва уни қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$K_{рам} = CФ_k : ЖA_k$$

Бу ерда: $K_{рам}$ - ХЮС айланма активларининг рентабеллиги;
 $CФ_k$ - ХЮСнинг соф фойдаси;
 $ЖA_k$ - ХЮСнинг жорий (йиллик ўртача) активлари.

Айланмадан ташқаридаги активларнинг рентабеллиги кўрсаткичи компаниянинг асосий капиталига нисбатан ХЮСнинг етарли фойда ҳажмини таъминлаш қобилиятини акс эттиради. Уни формула ёрдамида қуйидагича ифодаласа бўлади:

$$K_{рата} = (CФ_k : УМА_k) \times 100\%$$

Бу ерда: $K_{рата}$ - ХЮС айланмадан ташқари активларининг рентабеллиги;
 $CФ_k$ - ХЮСнинг соф фойдаси;
 $УМА_k$ - ХЮСнинг узоқ муддатли (йиллик ўртача)

активлари.

Инвестицияларнинг рентабеллиги коэффиценти ХЮС рақобатбардошлиги ва инновационлигининг энг муҳим индикаторларидан бири ҳисобланади. Уни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$K_{pu} = \text{СФ}_k : (\check{\text{УК}} + \text{УММ}) \times 100\%$$

- Бу ерда: K_{pu} - ХЮС инвестицияларининг рентабеллиги;
 СФ_k - ХЮСнинг соф фойдаси;
 $\check{\text{УК}}$ - ХЮСнинг ўзлик капитали;
 УММ - ХЮСнинг узоқ муддатли мажбуриятлари.

Рентабелликни ошириш йўналишлари омилларнинг қуйидаги гуруҳлари билан боғлиқ:

- фойда суммасини кўпайтириш;
- харажатларнинг даражасини ва фойдани олиш учун ресурсларни камайтириш.

Бу йўналишлар ҳар бир ХЮСда конкретлаштирилиши ва рентабелликни оширишнинг резервларини қидириб топиш ва улардан фойдаланиш асосида амалга оширилиши мумкин.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- “Ишлаб чиқариш харажатлари” ва “ишлаб чиқариш чиқимлари” тушунчалари (иборалари) бир хил маънони англатадими? Уларнинг фарқли жиҳатлари нималардан иборат?
- Ишлаб чиқариш чиқимларини, дастлаб, неча гуруҳга бўлиш мумкин ва улар қандай номланади?
- Аниқ ёки амалдаги, ҳақиқатдаги чиқимлар қандай харажатларни ўз ичига олади?
- Аниқ бўлмаган, алмашган чиқимлар ёки қўлдан бой берилган, қўлдан чиқарилган имкониятлар чиқимлари нималардан иборат?

- ХЮСнинг харажатларига унинг моҳиятини ифодаловчи қандай таъриф бериш мумкин?
- “Харажатлар” тушунчаси “таннарх” тушунчасидан қандай фарқланади?
- ХЮС фаолиятининг шарт-шароитлари ва йўналишларига боғлиқ равишда харажатлар қандай гуруҳларга бўлинади?
- Ишлаб чиқариш ва реализация билан боғлиқ бўлган харажатлар таркибига, одатда, нималар киритилади?
- Ишлаб чиқариш ва реализация билан боғлиқ бўлган харажатлар қандай классификация қилиниши мумкин?
- ХЮС умумий харажатларининг суммасидан иборат бўлган ишлаб чиқариш таннархининг таркибига нималар киради?
- Одатда, харажатларнинг классификацияси уларнинг қандай белгилар бўйича гуруҳларга ажратилишини ўз ичига олади?
- Ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан харажатлар қандай гуруҳларга классификация қилинади ва уларнинг мазмуни нималардан иборат?
- Иқтисодий элементларига кўра харажатларни қандай гуруҳларга бўлиш мумкин ва уларнинг таркибига нималар киради?
- Калькуляция моддалари бўйича харажатлар нималарга бўлиниши мумкин?
- Тўғри (бевосита) харажатлар ва эгри (билвосита) харажатларнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари нималардан иборат?
- Давлат томонидан тартибга солиниш даражасига қараб харажатлар қандай харажатларга бўлинади?
- Чиқимларни камайтиришнинг қандай асосий йўллари мавжуд?
- ХЮСнинг барча молиявий ресурслари қандай ресурслардан ташкил топади?
- ХЮСнинг ўз маблағлари нималар ҳисобидан шаклланади?
- Молиявий бозордан жалб қилинадиган ресурсларга нималар киради?

- Қайта тақсимлаш тартибида олинадиган тушилмаларнинг таркиби нималардан иборат?
- Инвестицион фаолиятдан ресурслар ХЮСга қандай кўринишларда келиб тушади?
- Амалиётда ҳамма вақт ҳам фойданинг мазмун-моҳияти бир хил тарзда ифодаланавериладими ва фойда деганда нима тушунилади?
- Амалий фаолиятда “фойда”нинг барча тушунчаларини қандай гуруҳларга бирлаштириш мумкин?
- Фаолиятнинг молиявий натижаларини таҳлил қилишда ХЮСлар, кўп ҳолларда, фойданинг қандай кўринишларига (тушунчаларига) таянади?
- Асос фойда дейилганда қандай фойда тушунилади?
- Баланс фойда нимадан иборат?
- Соф фойда ёки соф даромад қачон вужудга келиши мумкин?
- Ҳисоботларда фойда қандай кўринишларда акс эттирилиши мумкин?
- ХЮСлар фаолиятининг умумий молиявий натижалари қандай ҳисоботда ўз аксини топади ва унда молиявий таҳлил учун зарур бўлган қандай муҳим маълумотлар мужассамлашган?
- Фаолиятнинг одатдаги кўриниши бўйича даромадлар ва харажатлар қандай тарзда ҳисобланади?
- Бошқа даромадлар ва харажатлар нималардан иборат бўлади?
- Фойдани таҳлил қилишнинг асосий мақсади нимадан иборат?
- Ялпи фойда, сотувдан олинган фойда, солиққа тортилгунга қадар бўлган фойда ва ниҳоят, соф фойда қандай аниқланади?
- Фойданинг тақсимланиш тартиби қандай?
- Рентабеллик кўрсаткичи ўзида нимани ифодалайди ва у қандай аниқланади?
- Молиявий таҳлил жараёнида рентабелликнинг қандай кўрсаткичларидан тез-тез фойдаланилади?
- Сотув (сотиш) рентабеллиги қандай аниқланади?

- Ўз(лик) капиталнинг рентабеллигинин аниқлаш тартиби қандай?
 - Айланма активларнинг рентабеллиги қандай аниқланади?
 - Айланмадан ташқаридаги активларнинг рентабеллиги ўзида нимани акс эттиради?
 - Инвестицияларнинг рентабеллиги коэффиценти қандай ҳисобланади?
 - Рентабелликни ошириш йўналишлари омилларнинг қандай гуруҳлари билан боғлиқ?

13-боб. Хўжалик юритувчи субъектнинг баҳо сиёсати ва баҳоларни шакллантириш асослари, маркетинг стратегиясининг молиявий жиҳатлари

13.1. Баҳоларни шакллантиришнинг объектив асослари

“Баҳо” тушунчаси остида, одатда, энг аввало, ягона синтетик категорияга бирлаштирилган турли-туман иқтисодий ҳолатларнинг йиғиндиси назарда тутилади. Моҳият жиҳатидан баҳо қийматнинг пулдаги ифодасидир. Тармоқ ичидаги рақобат натижасида товарнинг индивидуаль қиймати унинг ижтимоий қийматига айланадики, унинг ўлчами (миқдори, даражаси) меҳнатнинг ижтимоий зарурий харажатлари билан аниқланади. Бозор қиймати, ижтимоий қийматдан фарқли ўлароқ, фақатгина товарни ишлаб чиқариш даражаси билан эмас, балки унинг реализация қилиш шартлари билан ҳам белгиланади.

Бозор шароитида меҳнатнинг ижтимоий зарурий харажатлари ва ижтимоий фойдалилик (нафлилик) таққосланади, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва таркибий тузилмасининг ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ (мос) келиши аниқланади. Фақат ижтимоий эҳтиёж ва ижтимоий фойдалилик (нафлилик) доирасидагина харажатлар ижтимоий зарур деб эътироф этилиши мумкин. Шу муносабат билан қиймат ҳосил бўлишининг иқтисодий чегараларини шакллантириш ижтимоий фойдалилик (нафлилик)нинг функциясига айланади.

Демак, баҳонинг асоси сифатида майдонга чиқадиган ижтимоий зарурий харажатлар ва қиймат мураккаб жараён натижасида вужудга келади, ўзларига турли-туман

шароитлар ва таъсирларнинг таъсирини синаб кўради. Шунга мос равишда баҳонинг модели ҳам оддий ёки бир хил бўлиши мумкин эмас.

Товарлар ҳар доим қиймат ва истеъмол қийматининг ўзаро яхлитлигидан иборат. Товарнинг истеъмол қийматини товарнинг қандайдир бир эҳтиёжни қондириш қобилияти сифатида характерлаш қабул қилинган. Бозор шароитида ишлаб чиқариш сотиб олувчиларнинг талабларини қондириш мақсадида истеъмол ва бунинг натижасида товар ишлаб чиқарувчи томонидан фойданинг олиниши учун амалга оширилади. Демак, паст истеъмол қийматига эга бўлган товарлар паст қийматга эга бўлади ва аксинча, юқори даражадаги истеъмол қиймати қийматнинг ҳам юқори даражада бўлишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам баҳони аниқлашда фақат тегишли неъматни ишлаб чиқариш харажатларини инобатга олиб қолмасдан, балки товарнинг сифати орқали намоён бўладиган унинг истеъмол қийматини, унинг фойдалилигини ҳам ҳисобга олмоқ лозим. Бундан баҳо бозор механизмининг пулда ифодаланган муҳим элементидир, деган хулоса келиб чиқади. Баҳо ёрдамида мол етказиб берувчи ва истеъмолчи фойдаланаётган ресурсларнинг ҳажми ифодаланади, улар бир ресурс билан таъминланади, бир вақтнинг ўзида иккинчи ресурсни олади, бунинг натижасида ресурсларнинг фойдалилиги ошади. Шундай қилиб, баҳо керакли маҳсулот ёки хизматга эга бўлиш учун киши бериши лозим бўлган ресурсларнинг миқдоридир. Баҳонинг ижтимоий зарурий меҳнат харажатларига яқинлашишини таъминловчи модели ана шундан иборат. Юқорида баён қилинган ҳолатларга асосланиб вужудга келтирилган баҳо ўзига тегишли бўлган функцияларни бозор иқтисодиётида яхши бажаради.

Энг аввало, баҳо ёрдамида барча товарларнинг ёки товар бирлигининг ҳажми, дона ва оғирлик бирликларидаги қиймати пул бирликларида ўлчанади. Пулли эквивалентнинг мавжуд эканлиги баҳога миқдор ва сон шаклларидаги товар қийматини ифодаловчи ёки ўлчовчи сифатида майдонга чиқишга имкон беради. Бир вақтнинг ўзида баҳо пулда ифодаланган турли товар қимматларининг ўлчовчиси ҳамдир. Кўрилади ана шу сифатда баҳо умумиқтисодий

самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири саналади, хўжалик қарорларини қабул қилиш учун мўлжал, башоратлашнинг муҳим инструменти бўлиб хизмат қилади. Юқоридагиларнинг барчаси баҳонинг **ўлчов(чилик) функцияси**дан дарак беради.

Маълум маънода, баҳонинг **ҳисоб-назорат функцияси** унинг ўлчов(чилик) функциясининг ўзига хос бўлган “қўшни”си ҳисобланади ва қисман унинг таркибига киради. Баҳо, миллий бойликнинг буюмлашган ва моддий ўлчамларини қиймат ва демак, молиявий ўлчамларга айлантириб, қийматнинг фуқароларда, уларнинг оилаларида, ХЮСларда, тармоқларда, умуман иқтисодиётда, қишлоқ, шаҳар, туман, вилоят ва мамлакат бўйича сақланиши, жамғарилиши ва ҳаракат этиши устидан ҳисоб ва назоратни олиб боришнинг инструменти бўлиб хизмат қилади.

Баҳонинг **тақсимлаш функцияси** унинг қийматдан фарқланиши имконияти билан характерланади. Масалан, енгил автомобилларга бўлган баҳонинг юқорилиги аҳоли маълум бир қатламларининг маблағларини ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун қайта тақсимлашга имкон беради. Баъзи бир товарларга нисбатан баҳоларнинг паст даражаси эса (масалан, болалар ва кекса ёшдаги қарияларга мўлжалланган товарлар) ана шундай сотиб олувчи (истеъмолчи)лар фойдасига маблағларнинг қайта тақсимланишига олиб келади. Бир томондан, мамлакатда саноат ишлаб чиқариш характериға эға бўлган кўплаб товарларга нисбатан баҳоларнинг эркинлаштирилиши ва иккинчи томондан, бир неча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан баҳоларнинг давлат томонидан тартибға солиниши қишлоқ хўжалигига тегишли бўлган даромодлар бир қисмининг саноатнинг айрим тармоқлари фойдасига қайта тақсимланишига имкон беради. Шундай қилиб, демак, улгурчи баҳоларни ошириш ёки пасайтириш орқали тармоқлар, ХЮСлар, минтақалар, социал гуруҳлар ва оилаларнинг даромадлари ва фойдасини қайта тақсимлаш мумкин.

Айнан баҳонинг **тартибға солиш функцияси** орқали бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариш ва истеъмол, таклиф ва талаб ўртасида алоқа ўрнатилади (амалға оширилади). Шуниси характерлики, тартибға солувчи баҳо тартибға солиш

жараёнининг ўзида вужуд (дунё)га келади ва унинг ўзи ҳам тартибга солинувчи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу ерда мувозанатли, яъни ўз-ўзидан ўрнатилувчи, даражаси талаб ва таклифнинг тенглашишига мувофиқ келадиган баҳо ёрдамида товар-пул жараёнларини ўз-ўзидан тартибга солиш функцияси хусусида гапириш аниқроқ бўлур эди.

Оила бюджетининг ўзгариши, аҳоли даромадлари ва харажатларини қайта тақсимлаш муносабати билан чакана баҳолар ўзгарганда баҳонинг **социал функцияси** вужудга келади. Бунинг натижасида социал неъматлар ва хизматларнинг у ёки бу турларига нисбатан истеъмол қилиш кўтарилади (ошади) ёки пасаяди (камаяди). Чакана баҳоларнинг ошиши турмуш даражасини пасайтиради ва аксинча, деб эътироф этилган. Бироқ, агар бир вақтнинг ўзида чакана баҳолар билан биргаликда улгуржи баҳолар, ва аҳоли даромадлари ҳам ўзгарса, бу “манзара” кўп омиллига айланади ва баҳолар динамикасининг турмуш даражасига таъмири хусусида хулоса қилариш учун янада чуқурроқ бўлган таҳлил зарур.

Баҳонинг **рағбатлантирувчи функцияси** ишлаб чиқаришни моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, маҳсулотнинг маълум бир турини ишлаб чиқариш йўналишларида рағбатлантириш орқали намоён бўлади. Бундай баҳолар агар улар истеъмолчи учун қулай бўлса, истеъмолни ҳам рағбатлантиради. Баҳонинг рағбатлантирувчи функцияси бозорни тартибга солишнинг муҳим омили ҳисобланади, товарлар ва хизматлар бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги маълум бир нисбатнинг ўрнатилишига ўз таъсирини кўрсатади ва шунинг учун ҳам у талаб ва таклифни баланслаштириш (мувозанатлаштириш) функцияси билан узвий боғланган.

Баҳо функцияларининг бунчалик кўплиги, алоҳида олинган унга тегишли бўлган функциялар мақсадлари ва вазифаларининг, айрим ҳолларда, ўзаро қарама-қаршилиги шунга олиб келадикки, баҳонинг ўз барча функцияларини муваффақиятли равишда амалга ошириши ҳамма вақт ҳам мумкин бўлмай қолади. Рационал ва ҳатто, оптимал баҳолар хусусида гапириб туриб, одатда унинг бир функцияси ёки функцияларнинг шундай ҳамкорлигини назарда туриш

керакки, улар маълум даражада амалга ошга бўлсин. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётида баҳонинг айрим функциялари камроқ ёки кўпроқ юклама билан “ишлайди”. Масалан, маҳсулотни қиймат ифодасида ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилишни режалаштиришда фойдаланиладиган баҳонинг функциялари аралаш иқтисодиётда давлат секторидагидек эмас, балки унга нисбатан камроқ фаолликда намоён бўлади. Шу муносабат билан бу ерда баҳо барча функцияларининг бир-бири билан ўзаро боғланганлиги ва ўзаро таъсирчанлигини, реал ҳаёт (амал)да бозор иқтисодиётига хос бўлган динамик тизим сифатида намоён бўлаётганлигини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

13.2. Баҳо турлари, унинг таркибий тузилмаси ва баҳоларни шакллантириш методлари

Бозор иқтисодиётида товарларнинг турли гуруҳларига мос равишда баҳоларнинг ҳаракатчан тизими амал қилади. Баҳо турларини тизимлаштириш учун турли белгилар бўйича уларни классификациялаштиришдан фойдаланилади.

Баҳоларни қуйидаги белгиларга кўра классификация қилиш мумкин:

- айланмага хизмат қилиш характери бўйича;
- ўрнатилиши (белгиланиши)га қараб;
- вақт омилига кўра;
- баҳолар хусусида маълумотларни олиш усулига мувофиқ;
- бозор тури (кўриниши)га боғлиқ равишда;
- ҳудудий бозорларга боғлиқлигини назарда тутиб;
- бозорда давлатнинг таъсирчанлиги, тартибга солиш ва рақобат даражасининг характери бўйича;
- етказиб бериш ва сотиш шартларига кўра;
- қўлланилиш тартибига мувофиқ.

Айланмага хизмат қилиш характери бўйича баҳолар қуйидагича фарқланади:

- улгуржи баҳолар;
- чакана баҳолар;
- сотиб олиш баҳолари;

- смета қиймати;
- тарифлар.

ХЮСлар товарларнинг йирик партиясини саноат, қишлоқ хўжалиги ёки бошқа ХЮСларга ёки таъминот ташкилотларига сотадиган баҳоси **улгуржи баҳо** дейилади.

Савдо ташкилотлари томонидан аҳолининг шахсий истеъмоли учун кичик миқдорларда сотиладиган неъматларга ўрнатилган баҳо **чакана баҳо** деб атади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан ўз маҳсулотларини давлатга сотиш **сотиб олиш баҳолари**да амалга оширилади.

Смета қийматида қурилиш маҳсулотлари (бинолар, иншоотлар ва б.)нинг баҳоси тўланади.

Юкларни ташиш, электроэнергия, иссиқлик, сув, соғлиқни сақлаш хизматлари, меҳмонхона, сайёҳлик ва бошқа хизматларнинг баҳоси **тарифлар** орқали ифодаланади.

Ўрнатилиши (белгиланиши)га қараб баҳоларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- қатъий баҳолар;
- жорий баҳолар;
- ўзгарувчан (ҳаракатланувчан) баҳолар;
- алмаштирилувчи (“сакровчи”) баҳолар.

Шартномада қайд этиладиган ва шу шартномага мувофиқ равишда маҳсулотни етказиб беришнинг барча муддатлари давомида ўзгармайдиган баҳолар **қатъий баҳолар** дейилади.

Жорий баҳо дейилганда шу даврда маҳсулотни етказиб бериш амалга оширилган баҳо тушунилади. Бундай баҳолар бир шартнома доирасида ўзгариши мумкин ва улар бозорнинг ҳолатини ўзида акс эттиради.

Ўзгарувчан (“ҳаракатчан”) баҳолар шартномада маълум бир шарт асосида, масалан, шартномани ижро этиш пайти (вақти)да бозор баҳоси ўзгарадиган бўлса (кўтарилса ёки пасайса), ўзгартирилиши (қайта кўриб чиқилиши) мумкин деб қайд этилган баҳолардан иборат.

Алмаштирилувчи (“сакровчи”) баҳолар тайёрланиш муддати узоқ вақтни талаб этувчи буюмларга нисбатан ўрнатилади. Бундай баҳолар шартнома ижро этиш муддатининг тугашига қараб ҳисобланади. Бунда бирламчи

шартнома баҳоси маҳсулот тайёрланган муддат давомида ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгаришига қараб ўзгартирилади (корректировка қилинади).

Вақт омилига кўра баҳоларнинг қуйидаги тур (кўриниш)лари бўлиши мумкин:

- доимий баҳолар;
- мавсумий баҳолар;
- босқичли баҳолар.

Ҳаракат этиш (амал қилиш) муддатлари олдиндан келишилмаган (ўрнатилмаган, белгиланмаган, аниқланмаган) баҳоларга **доимий баҳолар** дейилади.

Мавсумий характерга эга бўлган товарларга нисбатан ўрнатилган баҳолар **мавсумий баҳолар** деб аталади. Бундай баҳолар сотишнинг бирламчи (дастлабки) баҳосига нисбатан устама ёки чегирмани қўллаш йўли билан аниқланади ва маълум давр (мавсум) мобайнида амал қилади.

Дастлабки аниқланган шкалага мувофиқ равишда олдиндан белгиланган ҳолат (момент)ларда босқичма-босқич пасайтириладиган тарзда аниқланадиган маҳсулотларнинг баҳоси **босқичли баҳолар**да белгиланади.

Баҳолар хусусида маълумотларни олиш усулига мувофиқ баҳолар қуйидагича фарқланади:

- маълумотномавий баҳолар;
- прејскурант баҳолар;
- ҳисоб-китобли баҳолар.

Каталоглар, прејскурантлар, иқтисодий журналлар, справочниклар ва бошқа махсус адабиётларда эълон қилинадиган баҳолар **маълумотномавий баҳолар** дейилади. Улар ўхшаш маҳсулотларга баҳоларни белгилаш (ўрнатиш)да ёки баҳоларнинг даражаси ва нисбатини таҳлил қилишда мўлжал (мўлжалланувчи) информация сифатида фойдаланилади.

Фирмаларнинг прејскурантларида, справочникларда ва бошқа адабиётларда эълон (нашр) қилинган баҳолар **прејскурант баҳолар** деб аталади.

Ҳисоб-китобли баҳолар индивидуал буюртмалар бўйича ноандазавий асбоб-ускуналарнинг шартномаларида, битимларида қўлланиладиган баҳолардир. Бундай баҳолар

мол етказиб берувчи томонидан ҳар бир аниқ буюртма учун унинг техникавий ва тижорий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади ва асосланади.

Бозор тури (кўриниши)га боғлиқ равишда баҳоларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- аукцион баҳолар;
- биржавий котировкалар;
- савдолар баҳолари.

Сотиб олувчи томонидан олдиндан кўрилган (кўриб чиқилган) товарлар партияси (лоти)га максимал таклиф қилинган даража бўйича оммавий сотиш баҳосига **аукцион баҳолар** дейилади. Бундай баҳолар талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши натижасида ўрнатилади (белгиланади).

Биржа орқали реализация қилинадиган стандартлаштирилган (андозалаштирилган) бир тип (тоифа)даги товарларнинг (шу жумладан, қимматли қоғозларнинг ҳам) баҳоси **биржавий котировкалар** деб аталади.

Савдолар баҳолари ихтисослаштирилган савдо алоҳида шаклларининг баҳосидан иборат. Савдонинг бу шакли махсус ҳужжат (тендер)да олдиндан эълон қилинган шартларга кўра товарларни етказишга буюртмалар бериш ёки маълум бир ишларни амалга ошириш учун пудратларни олишга асосланган бўлади.

Ҳудудий бозорларга боғлиқлигини назарда тутиб баҳоларнинг турлари қуйидагича фарқланади:

- ягона (яхлит) баҳолар;
- минтақавий баҳолар;
- маҳаллий баҳолар.

Ягона (яхлит) баҳолар мамлакатнинг барча ҳудудларида амал қилади. Улар давлат томонидан ўрнатилади (белгиланади) ва тартибга солинади.

Минтақавий баҳолар мамлакатнинг айрим (алоҳида олинган) ҳудудларида шаклланади. Бундай баҳоларнинг таркибига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом ашё, газ электроэнергиянинг баҳоларини киритиш мумкин.

Шу минтақанинг ўзида ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган маҳсулотларга ўрнатилган баҳолар **маҳаллий баҳолар** дейилади.

Бозорда давлатнинг таъсирчанлиги, тартибга солиш ва рақобат даражасининг характери бўйича баҳоларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- эркин (бозор) баҳолар(и);
- қайд этилган (қатъий) баҳолар;
- тартибга солинадиган баҳолар;
- престиж (камёб, обрўли) баҳолар;
- паритет (тенг) баҳолар.

Маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва хизматларни кўрсатувчилар томонидан бозор конъюнктурасига мувофиқ равишда талаб ва таклиф асосида қўлланиладиган баҳо **эркин (бозор) баҳолар(и)** дейилади.

Қайд этилган (қатъий) баҳолар маълум даражада ўрнатилган (белгиланган) баҳолардан иборат.

Асосан юқори социал аҳамиятга эга бўлган муҳсулотларга нисбатан тегишли бошқарув органлари томонидан фойдаланиладиган баҳолар **тартибга солинадиган баҳолар** деб аталади.

Ўтиб бўлмайдиган хусусиятларга эга бўлган жуда юқори сифатли буюмларнинг баҳосига **престиж (камёб, обрўли) баҳолар** дейилади.

Бир неча мамлакатларнинг давлат ҳокимият органлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, бошқа товарлар ва хизматлар баҳолари ўртасидаги нисбатни тартибга келтириш (солиш) учун қўлланиладиган баҳолар **паритет (тенг) баҳолар** деб аталади.

Етказиб бериш ва сотиш шартларига кўра баҳоларни қуйидагича фарқлаш мумкин:

- нетто-баҳолар;
- брутто-баҳолар (фактуравий баҳолар);
- жаҳон баҳолари.

Олди-сотди жойидаги баҳоларга **нетто-баҳолар** дейилади.

Олди-сотди шартларига (солиқларнинг тури ва миқдори, чегирмаларнинг мавжудлиги ва даражаси, франк турлари ва суғурта шартларига) мувофиқ равишда аниқланадиган баҳолар **брутто-баҳолар** деб аталади.

Жаҳон баҳолари йирик импорт ва экспорт операциялари амалга ошириладиган баҳолардан иборат.

Амалиётда жаҳон баҳолари хом ашё товарлари бўйича экспортёр мамлакатнинг даражаси ёки бир ва аукционлар баҳоси; ишлаб чиқариш-техникавий мақсадларга мўлжалланган буюмлар бўйича – жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг баҳоларига мувофиқ; халқ истеъмол товарлари бўйича - етакчи йирик каталогларда эълон қилинган баҳоларда аниқланади.

Амалиётда **ички фирмавий (трансферт) баҳолар** деган тушунча ҳам мавжуд. Бундай баҳолар бир фирманинг бўлинмалари ёки бир ассоциация таркибида бўлган бир неча фирмалар ўртасида маҳсулотлар реализация қилинганда қўлланилади.

Баҳоларнинг яна бир тури бор. Уларнинг номи **табақалаштирилган баҳолар** деб юритилади. Бундай баҳолар табиий, ҳудудий ва ХЮСларга боғлиқ бўлмаган бошқа маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш харажатларидаги фарқлар, шунингдек, маҳсулотнинг сифатидаги фарқларга (нави, янгиллиги ва бошқа сифат белгиларига кўра) боғлиқ равишда бир хил маҳсулотларга ўрнатиладиган турли улгуржи, сотиб олиш ва чакана баҳолардан иборат бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида товар ишлаб чиқарувчилар табақалаштирилган баҳолардан истеъмолчиларнинг турли гуруҳлари учун фойдаланади. Бунда, албатта, ишлаб чиқарувчи сотиб олувчиларнинг ҳар бир гуруҳи учун максимал баҳоларни ўрнатишга ҳаракат қилади. Бундай баҳо сотиб олувчининг **резервлаштирилган баҳоси** дейилади. Резервлаштирилган баҳонинг сотиб олувчилар даромадларига боғлиқ равишда ўрнатилиши баҳонинг идеал диверсификацияси деб аталади. Табақалаштирилган баҳолар сотиб олинаётган товарларнинг миқдорига боғлиқ равишда ҳам ўрнатилиши мумкин. Бунга мувофиқ равишда товарларнинг кичик партиялари ва бир марталик буюмлар учун баҳолар юқори, улар йирик партиядо сотиб олинганда эса баҳоларнинг даражаси анча пасайтирилиши мумкин.

Баҳоларнинг ҳар бир тури уларга тегишли бўлган шакллантириш ва фойдаланиш хусусиятларига эга. Масалан, ХЮСларнинг улгуржи баҳолари саноат товарларининг турли гуруҳларига тегишли бўлган (тарқатиладиган) ўзига хос

белгилар билан характерланади. Энергияташувчиларнинг баҳоси, ўз навбатида, бошқалардан ташқари, ресурсларни тежаб-тергаш сиёсатини амалга оширишда муҳим иқтисодий ричаг бўлиб ҳисобланади.

Аниқ баҳо ўзида маълум бир элементларни мужассам этади. Уларнинг аҳамияти абсолют ифодаланишда **баҳонинг таркиби**, бирликнинг қисми ёки фоизларда ифодаланган баҳо таркибидаги ҳар бир элементнинг салмоғи эса **баҳонинг таркибий тузилмаси** деб аталади.

Баҳоларнинг намунавий таркибий тузилмаси қуйида келтирилган:

$$УБ_{к} = Т + Ф_{к}$$

Бу ерда: $УБ_{к}$ - ХЮСнинг улгуржи баҳоси;

$Т$ - маҳсулот таннархи;

$Ф_{к}$ - ХЮСнинг фойдаси.

$$УБ_{м} = УБ_{к} + С + УТ_{у}$$

Бу ерда: $УБ_{м}$ - тармоқ улгуржи баҳоси;

$УБ_{к}$ - ХЮСнинг улгуржи баҳоси;

$С$ - солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, сотув солиғи ва бошқалар);

$УТ_{у}$ - улгуржи-таъминот устамалари (таъминот ва транспорт харажатлари, таъминот ХЮСининг фойдаси).

$$ЧБ = УБ_{м} + С_{у}$$

Бу ерда: $ЧБ$ - чакана баҳо;

$УБ_{м}$ - тармоқ улгуржи баҳоси;

$С_{у}$ - савдо устамаси (муомала харажатлари, савдо ХЮСининг фойдаси).

Баҳонинг минимал чегарасини ишлаб чиқариш чиқимлари аниқлаб беради. Уларнинг пулдаги ифодасини **маҳсулот таннархи** деб аташ қабул қилинган. **Фойда** баҳонинг мажбурий элменти ҳисобланади. ХЮС фойда

ҳисобидан дивидентларни тўлайди, ишлаб чиқаришни кенгайтиради ва модернизация қилади, кадрларни тайёрлашни амалга оширади, социал соҳага маблағларни ажратади. Фойда баҳонинг муҳим элементи ҳисобланиб, ХЮСнинг молиявий-иқтисодий аҳволи унинг ҳажми (миқдори)га бевосита боғлиқ.

Товарлар воситачилар (таъминот-таъминлаш, савдо-сотиб олиш ХЮСлари ва ташкилотлари ҳамда бошқа воситачилик фирмалари) орқали реализация қилинганда баҳода воситачининг **устамаси** ўз аксини топадики, у воситачилик қилганлиги учун коммиссион йиғимларни, воситачининг транспорт ва бошқа харажатларини, унинг қўшилган қиймат солиғи ва фойдасини ўзида акс эттиради.

Савдо устамаси савдо ташкилотларининг маҳсулотни реализация қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларини (муомала харажатларини) ва уларнинг фойдасини қамраб олади. Ҳозирги пайтда савдо устамалари марказлаштирилган тарзда тасдиқланмайди, социал аҳамиятга эга бўлган алоҳида товарлар бўйича уларнинг юқори чегараси минтақанинг маҳаллий маъмурияти томонидан белгиланади.

Баҳо юқорида санаб ўтилган барча элементларни ўзида мужассам этмаслиги ҳам мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш баҳосида қўшилган қиймат солиғи мавжуд эмас. Шунингдек, барча товарлар ҳам акцизосоти товарлари бўлавермайди, айрим товарлар эса воситачиларсиз тўғридан-тўғри истеъмолчиларга сотилади.

Хилма-хил бўлишига қарамасдан, бозор баҳолари эркин иқтисодиётда талаб ва таклифга мувофиқ равишда ўрнатилади. Ҳукуматнинг баҳоларни шакллантириш тизимига аралашуви (бундай дейилганда, одатда, товарларга баҳоларни шакллантириш жараёни ва баҳолар тизими тушунилади), жаҳон амалиётининг кўрсатишича, кўпчилик ҳолларда, иқтисодий вазиятни мураккаблаштиради. Бунинг сабаби шундаки, давлат органлари, одатда, ўзларининг бизнесга иштирок этишлари натижасида қўшимча харажатларни вужудга келтиради.

Баҳоларни аниқлашнинг турли-туман концепциялари мавжуд. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- соф қиймат асосида баҳоларни аниқлаш (муаллифи Г.С.Струмилини);
- баҳоларни ўрталаштирилган қиймат асосида аниқлаш (Д.Д.Кондратов);
- такрор ишлаб чиқариш баҳолари (В.С.Немчинов);
- объектив асосланган тарзда баҳолаш (Л.С.Канторович);
- охириги харажатларнинг баҳолари (С.С.Шаталин).
- ва бошқалар.

Баҳони ҳисоблаш (аниқлаш)нинг **“ўртача харажатлар ва фойда”** методи ўз асосига ишлаб чиқаришнинг ўртача чиқимлари ва устамасини олади. Бунда баҳо ишлаб чиқариш чиқимлари ва фойданинг йиғиндиси сифатида қаралади. Бу ерда фойданинг қисмлари эса фойдаланилаётган меҳнат ва табиий ресурсларга, капиталга пропорционал равишда аниқланади. Бу методга кўра меҳнатнинг қиймати баҳонинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Бундай ёндошув эркин бозор тизими нуқтаи-назаридан ўзини оқламайди, чунки кўп ХЮСлар ўз товарларини юқори баҳога эга бўлишга интилиб, харажатлар ва фойда билан баҳоламасдан балки хилма-хил омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳолайди. Ҳолбуки, амалиётда ана шундай бўлиши мумкин экан. Ҳар ҳолда буни неоклассиклар тасдиқлайди. Уларнинг қарашларича, неъматларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш харажатлари шу маҳсулотни сотиб олиш кераклиги ёки йўқлиги хусусидаги истеъмолчининг тегишли қарори билан ҳеч қандай умумийлик томони йўқ. Бу жойда уни ҳақиқатдан ҳам ташвишга соладиган нарса истеъмолдаги оптималлиликдир. Агар у шу товарни ўз эҳтиёжларини қондириш учун юқори сифатли деб эътироф этса, баҳоларни қоплашга мўлжалланган харажатларни (бу ерда яна шу нарсани ҳам ҳисобга олиш керакки, у ўзининг иш ҳақиға бу маҳсулотдан ташқари яна бошқа бир қанча маҳсулотларни ҳам сотиб олиши керак) асосли деб ҳисобласа, у ҳолда у шу маҳсулот ўзида мужассам этган фойдалиликка (нафлиликка) асосланган ҳолда қарор қабул қилади. Товарда мужассамланган фойдалилик (нафлилик)ни эса ҳеч қачон шу маҳсулотни ишлаб чиқариш қийматига тенглаштириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам баҳоларни шакллантиришнинг

иккинчи методини “**бозор нимани кўрсатса**”, деб характерлаш қабул қилинган.

Баҳони **зарарсизлик ва мақсадли фойдани таъминлаш** асосида ҳисоблаш методи ҳам маълум. Унинг асосида зарарсизлик графиги ёки кутилаётган фойдани таъминлашнинг тижорий бизнес-режалаштириш ётади. Айри ҳолларда баҳо **чиқариладиган товарнинг уникаллиги (антиқалиги)** асосида ўрнатилади. Бу ерда баҳо ўрнатилаётган пайтда нафақат ишлаб чиқариш чиқимлари, балки товарнинг сотиб олувчи учун қадр-қиммати ҳам инобатга олинади.

Кўпчилик ҳолларда баҳолар **прейскурант баҳолар** асосида аниқланади. Бундай методни амалга ошириш жараёнида савдолашиш имконияти мавжуд бўлади. Индивидуал сотиб олувчилар учун бунинг аҳамияти камроқ бўлса-да, улгуржи сотиб олувчилар учун бу нарса катта аҳамиятга эга бўлиб, баҳоларнинг умумий даражасига ўз таъсирини, албатта, кўрсатади.

Баҳони аниқлашнинг **рақобат савдолари орқали** методи ХЮСларнинг пудрат учун курашуви шароитида қўлланилади. Бунда ХЮС рақобатчиларнинг кутилаётган баҳо таклифларини ҳисобга олади. У ўзининг олдига шартномани қўлга киритишни мақсад қилиб қўйган экан, бошқа рақобатчиларга нисбатан пастроқ бўлган баҳони сўрайди.

Баҳони ўрнатиш (белгилаш, аниқлаш) жараёнида фақат иқтисодий моментларни эмас, балки психологик моментларни ҳам инобатга олмоқ лозим. Баҳоларни шакллантириш борасидаги давлатнинг тартибга келтирувчи ролини, даромадлардан олинadиган солиқлар ва яна кўп нарсаларни ҳам унутмаслик керак. Шунингдек, баҳоларни шакллантиришнинг тармоқ хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигида, масалан, баҳоларнинг, минимум деганда, қуйидаги уч йўналиши ривожланади:

- марказлаштирилган йўналиш (маҳсулотлар муҳим турларининг чекланган доирасига мўлжалланган);
- улгуржи-шартномавий йўналиш (ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарларни ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ХЮСлар ўртасида);

- ишлаб чиқарувчилар ва савдога ўртасидаги йўналиш (халқ истеъмоли ностеъмол товарлари ва кооперацияга тайёрлашларга мўлжалланган).

Юқоридагилардан ташқари, бошқа барча товарларга ва шунингдек, ўз савдо тармоғи маҳсулотлари учун алоҳида хўжаликлар томонидан баҳони мустақил равишда ўрнатиш ҳоллари ҳам мавжуд.

Баҳоларни шакллантиришда харажатли ёндошув методида ХЮСнинг товарларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳақиқий харажатлари асосий таянч нуқта сифатида қабул қилинади. Баҳоларни шакллантиришнинг бу методи тарихий жиҳатдан энг қадимги (эски) ва энг ишончли ҳисобланади. Унинг асосида ХЮС маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш харажатларининг бухгалтерия ҳужжатлари билан тасдиқланган (исбот қилинган) харажатларидан иборат бўлган ҳақиқий категория ётади. Маълум даражада бундай ёндошувнинг обрўси баҳоларни шакллантиришни барча харажатларга нормал даромадларни тўлиқ олиш ва уларнинг ишлаб чиқарилган товарлар ўртасида тўғри тақсимланишининг ХЮС учун зарурлигини назарда тутувчи иқтисодий назария орқали қўллаб-қувватланиши билан белгиланади. Бироқ баҳоларни шакллантиришнинг харажатли методи баъзи бир камчиликларга эга. Хусусан, кўп ҳолларда маҳсулот бирлигига тўғри келувчи харажатларнинг салмоғини, бу нарса ушбу ёндошувга кўра баҳонинг асоси бўлишига қарамасдан, баҳо ўрнатилганига (аниқланганига, белгиланганига) қадар уни аниқлашнинг иложи йўқ.

Маҳсулотни реализация қилишнинг бозорий ташкил этишда баҳонинг даражасини ишлаб чиқариш масштаби ва сотиш ҳажми аниқлаб беради. Иқтисодий назария ва бухгалтерия ҳисобига кўра, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга қилинган харажатларнинг салмоғи ишлаб чиқариш масштабига тўғридан-тўғри боғлиқ. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми ортса, бир буюмга тўғри келувчи доимий харажатлар суммаси ва уни ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг умумий миқдори камаяди (пасаяди). Баҳоларни шакллантиришга ёндошувларни таққослаш қуйидаги хулосани чиқаришга имкон беради: саводли

(саводхон) менежер, бу соҳадаги унинг қарори ҳақиқий (амалдаги) харажатларни қоплаш ва фаолиятнинг таркиб топган шароитларида кўзда тутилган фойданинг тегишли ўлчамини олишнинг зарурлиги билан белгиланган бир пайтда, баҳоларни шакллантиришнинг пассив йўлига турмаслиги керак. Бу ерда пассив баҳоларни шакллантириш дейилганда баҳоларни қатъий тарзда харажатлар методи асосида ёки рақобатчиларнинг баҳовий қарорлари таъсири остида ўрнатилиши (белгиланиши, аниқланиши) назарда тутилаяпти.

Ҳозирги шароитда баҳоларни шакллантиришдаги энг оқилона ёндошувлардан бири баҳоларни фаол шакллантириш ҳисобланади. У реализацияни бошқариш сиёсати доирасида энг фойдали (қулай) ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқаришнинг ўртача харажатлари ва операциялар фойдалилигининг мақсадли даражасига эришиш мақсадида баҳоларнинг ўрнатилишини (аниқланишини, белгиланишини) кўзда тутуди. Баҳоларни бошқариш орқали реализация (сотиш)нинг керакли ҳажми ва унга мос келадиган ўртача харажатларнинг миқдорига эришиладики, бу нарса охир оқибатда, ХЮСни операциялар фойдалилигининг кўзда тутилган даражасига олиб чиқади.

Муаммони ҳал этишга бундай ёндошув баҳоларни шакллантириш харажатли методининг “касал” жойидан – “кучсиз” бозорларда (конъюнктураси ёмонлашиб бораётган бозорларда) жуда юқори баҳоларни ёки “кучли” бозорларда (талаб ўсиб бораётган бозорларда) жуда паст баҳоларни ўрнатишдан – қочишга имкон беради.

Баҳоларни шакллантиришнинг харажатли методидан воз кечиш осон иш эмас. Чунки бу нарса ХЮСларнинг менежерларидан янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга инвестициялар бошлангунга қадар баҳо бўйича уларнинг позицияларини аниқлашни тақоза этади. Бунинг учун янги буюмларни яратиш алгоритминини тўлиқ ўзгартириш, баҳоларни шакллантиришнинг қимматли (бойликли) ёндошувига ўтиш керак.

Баҳоларни қимматли шакллантириш баҳоларни шундай ўрнатилишини тақоза этадики, унга кўра бу нарса ХЮСнинг юқори фойда олишини “баҳо/харажатлар” қулай

(фойдали) нисбатига эришиш ҳисобидан таъминламоғи керак. Бунинг учун, энг аввало, товар учун сотиб олувчи қандай баҳони тўлашга тайёр эканлигини билмоқ лозим. Албатта, турли ҳолатларнинг таъсири мавжуд бўлганлиги учун уни аниқлаш анча мураккаб ҳисобланади.

Тажрибали сотиб олувчилар товар учун тўлашга тайёр бўлган ҳақиқий суммаларини камдан-кам ҳоллардагина айтадилар. Айниқса, бу билан фирмаларни таъминловчи фаолият билан касбий шуғулланувчилар алоҳида ажралиб туради. Агар ўзлари харидор бўлаётган тегишли товарлар баҳоларининг ўзгариб туриши мумкинлигини тушунсалар, улар фақат керакли товарнинг ҳақиқий баҳосини яширибгина қолмасдан, балки бу хусусида ишлаб чиқарувчини онгли равишда чалғитиш усуллари ҳам қидириб топишга ҳаракат қиладилар. Бундай вазиятда ишлаб чиқарувчи маркетингларининг истеъмолчилар билан алоқалари асосида қурилган барча уринишлари “тадбиркор” таъминотчилар томонидан онгли равишда “ташланган” дезинформация орқали йўққа чиқарилиши мумкин.

Шунинг учун ҳам бундай вазиятда ХЮС таъминотчиси мутахассисининг асосий вазифаси сотиб олувчилар тўлашга тайёр бўлган баҳода катта миқдордаги буюртмаларни олмаслик билан белгиланади. ХЮС маркетинги ва таъминотчиларнинг ўзига хос бўлган “санъати” сотиб олувчилардан товарнинг ҳақиқий баҳосини ўзида иложи борича кўпроқ ақс эттириши мумкин бўлган баҳода тўлашга кўпроқ тайёр эканликларига эришиш орқали ифодаланади. Бир вақтнинг ўзида, фирманинг янги маҳсулотини қандай баҳода сотиб олишга тайёр эканликлари хусусида сотиб олувчиларга муурожаат қилиш ҳато ҳисобланади. Сотиб олувчилар бундай вазиятда янги товарни етарли даражада баҳолай олмасликка ва унинг баҳосини иложи борича пасайтиришга ҳаракат қилишлари тўғрисида уларнинг юқоридаги саволга жавоблари ҳамма вақт ҳам амалий аҳамиятга эга бўлавермайди. Ҳаётда сотувнинг ҳақиқий баҳоси маркетинг тадқиқотларининг натижалари билан камдан-кам ҳоллардагина бир-бирига мос тушади.

13.3. Хўжалик юритувчи субъект маркетинг стратегиясининг молиявий жиҳатлари

Агар мамлакат социал-иқтисодий тараққиётининг 5 ёки 10 йилга мўлжалланган илмий асосланган истиқболи олдиндан оқилона тарзда аниқланган бўлса, баҳо стратегиясини мустаҳкам эгаллаш мумкин. Акс ҳолда фақат ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг эмас, балки илмий-техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмасидаги илғор ўзгаришлар таъсири остида яратилиши лозим бўлган янги барча буюмлар баҳосининг динамикасини ҳам кўпроқ ёки озроқ аниқликда кўриш имконияти мураккаблигича қолаверади. Маълумки, иқтисодий жиҳатдан юқори суръатларда тараққий этган мамлакатларнинг барчасида эркин баҳолар, одатда, давлат томонидан тартибга солинадиган баҳолар билан оқилона қўшиб олиб борилади.

ХЮСлар маркетинг стратегиясининг молиявий жиҳатлари рақобат шароитида бозордаги баҳо бозор иқтисодиётининг асосий бўғинига боғлиқ бўлмаган омиллар асосида устувор равишда шаклланишини ва у учун, асосан, топширилган (берилган) ўлчам эканлигини назарда тутди. ХЮСнинг бозор муҳити бозор ташқи омиллари ва шарт-шароитлари ҳамда нобозорий хўжалик алоқалар мажмуидан иборат бўлиб, улар иқтисодиёт асосий бўғини фаолиятининг самарадорлигини, унинг мақсадли стратегияси ва тадбиркорлик муҳитидаги хатти-ҳаракати тактикасининг амалга оширилишини кўзда тутди.

Баҳоларни шакллантириш масалаларини ҳал этиш (ечиш) учун рақобат муҳитини таҳлил қила бориб, ХЮСнинг тегишли хизматлари маҳсулотларни етказиб бериш (таъминлаш) ва уларни реализация қилиш (сотиш) баҳоларини ўрганиши (1), солиқлар ва бошқа тўловларни инобатга олган ҳолда ХЮСнинг ишлаб чиқариш ва сотиш чиқимлари, мол етказиб бериш шартлари ва ХЮСни ишлаб чиқариш омиллари билан таъминлашга баҳо бериши (2), амалга оширилаётган тадбирлар ва фаолият ёппасининг самарадорлигини ўлчаб кўриши (3) керак.

Ана шу юқоридаги уч йўналишлар ХЮС фаолият кўрсатишининг **микромухитини** характерлаб, у бироқ ХЮС фаолиятининг умумий шароитларини чекламайди. ХЮС фаолиятининг умумий шароитларини **макрOMUXIT** деб эътироф этиш қабул қилинган бўлиб, у ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- инфляцион омиллар, шу жумладан инфляцион кутилишлар;
- социал-иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришлар (меҳнат, шу соҳадаги нобарқарорлаштирувчи ҳолатлар, сиёсий омилларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда);
- давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий, солиқ ва пул-кредит сиёсати);
- баҳоларни давлат томонидан тартибга солиш соҳасида кўриладиган (қабул қилинадиган) чоралар;
- ХЮСнинг бозорда фаолият кўрсатишини қонуний таъминлашга қаратилган ўзгаришлар.

Хўжалик юритувчи субъект, мулкдорнинг бозор вакили ёки унинг ваколатчиси сифатида иқтисодий мустақиллик ва ХЮС ўз хатти-ҳаракатини танлаш эркинлиги бозор баҳоларини шакллантиришнинг зарурий шартлари ҳисобланади. Ўзаро манфаатли, хусусан, оғзаки битимлар, шартномалар, олди-сотди шартномалари кўринишидаги шартномалар воситасида амалга ошириладиган хўжалик субъектларининг тижорий асосдаги муносабатлари ҳам шунга киради. Бу ерда юқотмалар, зарарлар ва қўлдан чиқарилган имкониятлар (фойдалар)ни қоплаш кафолатини берувчи шартнома-битим муносабатлари, бошқа хўжалик мунозараларига таъсир кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш муҳим роль ўйнайди. Рақобат муҳитининг мавжудлиги ва монополизмга барҳам бериш ҳам бу ерда керакли шароит сифатида майдонга чиқиб, улар хўжалик юритиш субъектларини, бозор вакилларини хатти-ҳаракатни танлаш имкониятлари билан таъминлайди. Буларнинг қаторига мувозанат баҳолар эвазига талаб ва таклиф нисбатларининг тенглашуви оқибатида вужудга келадиган бозор мувозанатини ҳам киритиш керак.

Бозорий баҳоларни шакллантириш жараёни, бошқа ҳолатлардан ташқари, яна баҳони ўрнатиш (белгилаш,

аниқлаш) хусусида ким қарор қабул қилганлигига ва уни ким тайёрлаганлигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам баҳолар қай ҳолларда директорлар кенгаши, ҳиссадорлик жамиятининг президенти, ХЮСнинг бош директори, унинг ўринбосарлари ва қай ҳолларда эса таъминот бўлимининг бошлиғи, унинг жойлардаги вакиллари томонидан тасдиқланишини билиш жуда муҳимдир. Шунингдек, баҳони асослаш билан шуғулланадиган маъмурият хизматлари ва бўлинмаларининг аниқ функцияларини белгилаш ҳам керак. Бунақанги фаолият ХЮС марказий хизматлари томонидан қатъий мувофиқлаштирилган асосда амалга оширилмоғи лозим.

ХЮС томонидан реализация қилиниши мумкин бўлган товарлар баҳосини асослаш, ҳисоб-китоб қилиш ва ўрнатиш қуйида таклиф этилаётган кетма-кетликда ва фаолият турлари бўйича амалга ошириш тавсия қилинади:

- таркиб топган бозор, конъюнктура ва ХЮС маҳсулотининг баҳосини таҳлил қилиш;
- баҳоларни ўрнатиш (белгилаш) жорий амалиётининг стратегияси ва принципларини ишлаб чиқиш;
- кутилаётган бозорни ўрганиш ва режалаштирилаётган давр учун талабни аниқлаш;
- рақобатчиларнинг товарлари ва баҳоларини таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқариш ҳажми ва талабни қондиришнинг турли даражаларида таклиф баҳоси, ишлаб чиқариш чиқимлари ва товарларни реализация қилиш имкониятларини аниқлаш;
- баҳоларни шакллантиришнинг қабул қилинган стратегияси ва принциплари амалга оширилишининг мумкин бўлган вариантларида ишлаб чиқариш ва реализация самарадорлигини баҳолаш;
- баҳоларни ўрнатиш (белгилаш) методларини танлаш;
- реализация қилинадиган товарнинг баҳосини тасдиқлаш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ишларни бизнес-режалаштириш ва шу ХЮС баҳоларини башоратлаш билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китоблар билан алмаштирмаслик керак. Баъзи бир ўхшашликлар бўлишига қарамасдан, бизнес-режани ишлаб чиқиш ва асослаш ХЮСнинг баҳо стратегиясини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган барча

ўлчамларни (параметрларни) чуқур тасаввур қилишга имкон берса-да, уларни бир хил деб қабул қилмаслик керак.

Бозорий баҳоларни шакллантиришнинг омиллари орасида **талаб омилларини** алоҳида ажратиш мақсадга мувофиқки, улар ёрдамида сотиб олувчи томонидан товарга бўлган талабнинг баҳоси аниқланади. Бунга товарнинг фойдалилиги ёки истеъмол хусусиятлари, яъни эҳтиёжни қондириш қобилияти, унинг сифат тавсифлари киради. Ундан сўнг ушбу товарни сотиб олувчи эга бўлган тўловга лаёқатли талабнинг тавсифи, шунингдек товарни сотиб олишдан бош торта туриб, сотиб олувчи қилиши мумкин бўлган жамғарманинг даражаси керак. Охирида талабнинг ҳажми, яъни баҳонинг шу даражасида сотиб олувчи қодир бўлган товарнинг миқдори аниқланади.

Истеъмолий танлов омиллари алмаштириладиган товарлар тизимида товарнинг рақобатдошлигини аниқлаб беради. Товар ва маҳсулотларни сотиб олувчилар, улар билан рақобат қилувчилар, рақобат товарлари билан товарнинг алмашувчанлиги, алмаштириладиган ёки ўзаро алмаштириладиган товарларнинг таққосланиши эҳтиёжнинг таркибий тузилмасини белгилаб беради. Бу ерда шу товарни ёки шу товар бозорини уларни тўлдирадиган товарлар ёки уларни тўлдирадиган товарлар бозори билан таққослаш катта аҳамиятга эга.

Таклиф омиллари мол етказиб берувчи-сотувчи томонидан товарнинг таклиф баҳосини ўрнатишга ёрдам беради. Бу ерда бозорга таклиф қилинаётган товарнинг умумий сони ва ХЮС томонидан бозорга етказиб берилаётган товарнинг сонини (бўлиши мумкин бўлган бошқа мол етказиб берувчиларда шу товарнинг захираларини ва ХЮСдаги захираларни қўшган ҳолда) билиш жуда муҳим. Ундан сўнг товарни бозорда сотишдаги ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига ва шунингдек, товарни ишлаб чиқаришда фойдаланилган ишлаб чиқариш омиллари ва ишчи кучининг баҳосига аниқлик киритиб олиш керак. Одатда табиий ресурслар, капитал ва меҳнатнинг баҳолари чекланади. Давлат ва ижтимоий фондларга солиқлар, акцизлар ва бошқа тўловлар ҳамда ажратмалар, божлар ажратилади. Фойда ва унинг инвестицияларга, резерв ва

суғурта фондларига, дивидендлар ва бошқа мақсадларга тақсимланиши аниқланади.

Муқобил ишлаб чиқариш имкониятлари билан боғлиқ бўлган омиллар ҳам мавжуд. Бу ерда гап ХЮС ишлаб чиқариш имкониятларидан максимал фойдаланилганда маҳсулотларнинг максимал алмашувчанлиги, яъни маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш алмашувчанлиги, шунингдек, муқобил технологияларнинг ҳам максимал алмашувчанлиги хусусида кетаяпти. Қисқаси, бу ерда иш барча ишлаб чиқариш омилларининг – табиий ресурслар, капитал, меҳнатнинг – максимал алмашувчанлигига бориб тақалади. Ана шулар асосида муқобил чиқимлар атрофлича тўлиқ аниқланади ва бу нарса баҳоларни шакллантиришда ҳисобга олинади.

Баҳоларни шакллантиришнинг ХЮС томонидан **назорат қилинадиган ва нazorат қилинмайдиган омиллари** алоҳида ажратилади. Биринчи гуруҳга кирувчи омилларга ХЮСнинг юқори раҳбарлик органлари ва унинг функциональ хизматлари томонидан бошқариладиган омиллар киради. Иккинчи гуруҳ эса ХЮСнинг ўзига боғлиқ бўлмаган омиллардан ташкил топади. Иқтисодиётнинг асосий бўғинини бу омилларга мослаштириш ўз фаолиятида омилларнинг нazorат қилинмайдиганлари талабларини ҳисобга олган ҳолда улар нazorат қилинадиганларини қтсмини бошқариш йўли билан амалга оширилади.

Реал ҳўжалик амалиётида баҳоларни шакллантиришнинг юқорида кўриб ўтилган хусусиятларини инобатга олувчи ёки олмайдиган баҳолар стратегиясининг бутун бир тизими мавжуд. Қуйида уларнинг энг муҳимларини келтириб ўтамыз.

Юқори баҳолар стратегияси (“қаймоғини ажратиб олиш”) дастлаб товарларни уларнинг ишлаб чиқариш харажатларидан анча юқори баҳоларда сотилишини ва кейин эса, уларнинг пасайтирилишини кўзда туттади. Бу патент билан ҳимояланган, янги товарларга тегишлидир. Бундай стратегия жорий талаб даражасининг юқорилиги, товарнинг юқори баҳосини истеъмолчи томонидан товар сифатининг юқорилиги тарзда эътироф этилган ва шунга ўхшаш бошқа шароитларда мумкин.

Паст баҳолар стратегияси ёки бозорга “ёриб кириш” стратегияси ҳам мавжуд. Бундай стратегия талабни рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади. У ишлаб чиқариш катта ҳажмда ва талаб юқори эластик бўлган бозорларда самарали бўлиб, унда сотиб олувчилар баҳоларнинг пасайишига кескин муносабат билдирадилар ва талабни оширадилар. ХЮС ёппасига (оммавий) ишлаб чиқариш ҳисобидан баҳоларнинг паст даражасини ушлаб туради.

Табақалаштирилган баҳолар стратегияси хилма-хил бозорлар, уларнинг сегментлари ва сотиб олувчилари учун баҳоларнинг ўртача даражасига нисбатан турли-туман чегирма ва устамаларни қўллаш эвазига амалга оширилади.

Имтиёзли баҳолар стратегияси имтиёзли баҳоларни таклиф қилишдан ХЮС манфаатдор бўлган сотиб олувчилар билан ишлашга қаратилган.

Эластик баҳолар стратегияси баҳоларнинг истеъмолчилар сотиб олиш қобилиятига боғлиқ равишда ўрнатилишини англатади.

Барқарор, стандарт (андозавий), ўзгармайдиган баҳолар стратегияси нисбатан узоқ вақт давомида товарларнинг бир хил баҳода реализация қилинишини назарда туттади.

Яхлитланмаган баҳолар стратегиясида сотиб олувчи товарни, масалан, 1000 сўмда эмас, балки 999,9 сўмда сотиб олади. Бу ҳолда сотиб олувчи бундай баҳоларни паст ёки баҳоларни ўрнатишнинг пухта ва аниқ ҳисоб-китобларга асосланганлигининг исботи сифатида эътироф этади.

Ёппасига (оммавий) сотиб олишлар баҳоси ва баҳоларни товарнинг сифати билан узвий боғланганлиги стратегиялари ҳам амалиётда қўлланилади.

Баҳоларнинг ҳар қандай стратегиясида, рақобатчиларнинг баҳоларини таҳлил қила бориб, ХЮС ўзи томонидан тақдим этилиши мумкин бўлган чегирмалар тизимига жиддий эътибор бермоғи лозим. Жаҳон амалиётида баҳолардан қилинадиган чегирмаларнинг 20га яқин тури мавжуд. Масалан, “сконто” чегирмасининг “3/12, нетто 30” тартибида ифодаланишида тўлов 30 кун ичида амалга оширилиши керак, агар сотиб олувчи тўловни дастлабки 12

кун ичида амалга оширса, у 3% кам тўлайди, деган маънони англатади. Айланма учун бонус чегирмалари ҳам қўлланилади. Айланма сотувига боғлиқ равишда у доимий сотиб олувчиларга нисбатан қилинади. **Прогрессив чегирмалар** сотиб олишнинг сифати, ҳажми ва даврийлигига боғлиқ равишда сотиб олувчига тақдим этилади. **Товарларнинг алмаштирилиши ёки шу билан боғлиқ бўлган чегирма** шу фирмадан олдин сотиб олинган эски товарни қайтарганлиги учун тақдим қилиниши мумкин. Товарлар хорижга сотилганда **экспорт чегирмалари** қўлланилади. **Функционал чегирмалар ёки савдо соҳасидаги чегирмалар** товарларнинг ҳаракатланишини амалга оширувчи хизматларга маълум бир функцияларни бажарганлиги учун берилади. **Махсус чегирмалар** ишлаб чиқарувчи манфаатдор бўлган сотиб олувчиларга сотувчи томонидан тақдим этилади. **Яширин чегирмалар** сотиб олувчиларга текин намуналар кўринишида берилиши мумкин. Чегирмаларнинг охириги турига шартномаларда қайд этилмайдиган ва оғзаки келишувларга мувофиқ амалга ошириладиган **конфиденциал чегирмалар** ҳам киради.

Устамалар баҳоларни шакллантиришда чегирмаларга нисбатан камроқ қўлланилади. Уларнинг қўлланилиши товарлар сифатининг ортиши, товарларнинг кредитга сотилиши ва шунга ўхшашлар билан боғлиқ.

Товарларга нисбатан баҳоларни асослаш ва баҳоларни шакллантириш стратегиясини самарали амалга ошириш учун ХЮС ўзи фаолият кўрсатадиган мақсадли бозорларини³³ аниқлаб олмоғи, турли бозорларнинг масштаблари ва бозор талабларини қондиришнинг ўз имкониятлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмоғи керак.

Ундан сўнг ХЮСнинг мамлакат ички бозоридаги ҳамда яқин ва узоқ хориж мамлакатлари ташқи бозорларидаги фаолият соҳасини аниқлаш ва чеклаб олмоқ лозим. Яқин ва

³³ Мақсадли бозорлар дейилганда ХЮС мўлжаллаётган бозорлар назарда тутилади. Ана шундай бозорларни аниқлаб олмоқ учун, энг аввало, у сотувчи бозори ёки сотиб олувчи бозорининг умумий баҳосини ҳисобга олиши керак. Сотувчининг бозорида сотувчи (маҳсулотни ишлаб чиқарувчи) устувор ўринга эга бўлади ва у реализация қилинадиган товарларнинг баҳосини амалда белгилайди. Харидор бозорида эса устувор ўрин сотиб олувчига тегишли бўлади. ХЮС бундай шароитда истеъмолчи талабларининг қаттиқ шароитларида фаолият кўрсатади.

узоқ хориж мамлакатлари ташқи бозорларидаги фаолият фаолият кўрсатиш шартлари ва ҳуқуқий тартибга солиш нормаларига кўра бир-биридан кескин фарқ қилади. Бозорларнинг ҳудудий географиясини билиш ҳам муҳимки, улар учун фаолият кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари, шаҳар ва қишлоқ бозорларининг нисбатига тегишли бўлган белгилар мавжуд бўлиб, улар ҳар эҳтимолга қарши, ўзларининг хусусиятларини узоқ вақт давомида яна сақлаб қолиши мумкин. Ва ниҳоят, баҳоларни шакллантиришнинг стратегик йўналтирилишида жорий инвестицион талаб бозорларини аниқ чегаралаб олмоқ ҳам зарур.

ХЮСларга мўлжални аниқ олиш ва мақсадли бозорларни танлашга **бозорни сегментлаштириш** имкон беради. Бозорни сегментлаштириш ўрганиш методи ҳисобланади. Унга кўра истеъмолчилар эҳтиёжлари, тавсифи, хатти-ҳаракатининг ўзига хослиги ва шунга ўхшаш хусусиятларига мувофиқ гуруҳларга ажратилади. Бозор сегменти бир хил тоифадаги истеъмолчилардан, у ёки бу ҳолатга бир хил тарзда реакция қилувчилардан ташкил топади.

Яхлит олинганда бозор иқтисодиётида бозор баҳоларини шакллантиришнинг умумий белгилари бозорнинг турли соҳаларида баҳоларнинг турли-туман кўринишларини қўллаш орқали амалга оширилади. Рақобатнинг эркинлик даражаси ва баҳоларни шакллантиришга (булар бозорлар типини классификация қилишда асосий сеъзон сифатида майдонга чиқади) боғлиқ равишда бозорлар қуйидаги тўрт асосий типларга ажратилади:

- **эркин** (соф, ёки такомиллашган) **рақобат**. У баҳоларни аниқлашда эркин мусобақалашишнинг мавжудлиги билан характерланади;
- **монополистик рақобат**. Бунда тўлиқ алмаштирилиши мумкин бўлмаган хилма-хил товарлар гуруҳини ишлаб чиқарувчи ХЮСларнинг мусобақалашиши амалга оширилади;
- **олигополистик рақобат**. Бу кўп бўлмаган ишлаб чиқарувчилар рақобат бозоридан иборат;
- **монополистик бозор**. Бундай бозор товарларнинг баҳосини ўрнатишда бир хўжалик субъекти ҳукмронлик қиладиган бозордир.

Бозор иқтисодиётида маркетинг-баҳо стратегиясининг молиявий жиҳатлари шакллантириш шакл ва шароитларининг кўп турлилиги билан характерланади. Бу ўз товарини реализация қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий нуқтаи-назардан нимадан иборат эканлигига ва турли бозорларда шу товарларни истеъмол қилиш имкониятининг қандайлигига боғлиқ.

Баҳоларни шакллантиришнинг у ёки бу стратегияси, ёки уларнинг турли комбинацияларини қўллаш товарларни реализация қилувчиларнинг эгаларига (мулкдорларига) кўзда тутилган пул тушумларига эга бўлишни ва шу асосда зарурий молиявий фондларни муваффақиятли шакллантиришга имкон беради.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Баҳо деб нимага айтилади?
- Бозор иқтисодиёти шароитида баҳонинг асоси сифатида нима майдонга чиқади?
 - Баҳо қандай функцияларни бажаради?
 - Баҳонинг ўлчов(чилик) функциясининг мазмуни нимадан иборат?
 - Баҳо ҳисоб-назорат функциясининг асосий вазифалари нималардан иборат?
 - Баҳонинг тақсимлаш функцияси нималар билан характерланади?
 - Баҳонинг тартибга солиш функциясига тегишли бўлган характерли белгилар нималардан иборат?
 - Қандай ҳолатларда баҳо социал функцияни бажаради?
 - Қандай ҳолларда баҳонинг рағбатлантирувчи функцияси намоён бўлади?
 - Баҳоларни қандай белгиларга кўра классификация қилиш мумкин?
 - Айланмага хизмат қилиш характери бўйича баҳолар қандай фарқланади?
 - Улгуржи баҳо деб нимага айтилади?
 - Қандай баҳо чакана баҳо дейилади?
 - Қай ҳолларда сотиб олиш баҳолари қўлланилади?

- Қурилиш маҳсулотларининг баҳоси қандай қийматларда тўланади?
 - Ўрнатилиши (белгиланиши)га қараб баҳоларнинг қандай турлари мавжуд?
 - Қандай баҳолар қатъий баҳолар дейилади?
 - Жорий баҳолар дейилганда нима тушунилади?
 - Ўзгарувчан (“ҳаракатчан”) баҳолар қандай баҳолардан иборат?
 - Алмаштирилувчи (“сакровчи”) баҳолар қандай буюмларга нисбатан ўрнатилади?
 - Вақт омилига кўра баҳоларнинг қандай тур (кўриниш)лари бўлиши мумкин?
 - Қандай баҳоларга доимий баҳолар дейилади?
 - Мавсумий баҳолар деб нимага айтилади?
 - Қандай маҳсулотларнинг баҳоси босқичли баҳоларда белгиланади?
 - Баҳолар хусусида маълумотларни олиш усулига мувофиқ баҳолар қандай фарқланади?
 - Қандай баҳоларга маълумотномавий баҳолар дейилади?
 - Қаерларда эълон (нашр) қилинган баҳолар преёкура баҳолар деб аталади?
 - Қандай баҳолар ҳисоб-китобли баҳолардир?
 - Бозор тури (кўриниши)га боғлиқ равишда баҳоларнинг қандай турлари мавжуд?
 - Қандай баҳоларга аукцион баҳолар дейилади?
 - Биржавий котировкалар деб нимага айтилади?
 - Қандай баҳолар савдолар баҳоларидан иборат?
 - Худудий бозорларга боғлиқлигини назарда тутиб баҳоларнинг турлари қандай фарқланади?
 - Ягона (яхлит) баҳолар қаерларда амал қилади?
 - Минтақавий баҳолар қаерларда шаклланади?
 - Қандай баҳолар маҳаллий баҳолар дейилади?
 - Бозорда давлатнинг таъсирчанлиги, тартибга солиш ва рақобат даражасининг характери бўйича баҳоларнинг қандай турлари мавжуд?
 - Қандай баҳо эркин (бозор) баҳолар(и) дейилади?
 - Қайд этилган (қатъий) баҳолар қандай баҳолардан иборат?

- Қандай баҳолар тартибга солинадиган баҳолар деб аталади?
- Қандай буюмларнинг баҳосига престиж (камёб, обрўли) баҳолар дейилади?
- Қандай баҳолар паритет (тенг) баҳолар деб аталади?
- Етказиб бериш ва сотиш шартларига кўра баҳоларни қандай фарқлаш мумкин?
- Қандай баҳоларга нетто-баҳолар дейилади?
- Қандай равишда аниқланадиган баҳолар брутто-баҳолар деб аталади?
- Жаҳон баҳолари қандай баҳолардан иборат?
- Ички фирмавий (трансферт) баҳолар қаерларда қўлланилади?
- Қандай баҳолар табақалаштирилган баҳолар деб юритилади?
- Қандай баҳо резервлаштирилган баҳо дейилади?
- Баҳонинг таркиби ва таркибий тузилмаси деб нимага айтилади, уларнинг таркибига нималар киради?
- Баҳоларни аниқлашнинг қандай турли-туман концепциялари мавжуд?
- Баҳони ҳисоблаш (аниқлаш)нинг “ўртача харажатлар ва фойда” методи ўз асосига нималарни олади?
- Баҳоларни шакллантиришнинг “бозор нимани кўрсатса”, методининг мазмун-моҳияти нималардан иборат?
- Баҳони зарарсизлик ва мақсадли фойдани таъминлаш асосида ҳисоблаш методига хос бўлган характерли белгилар нималардан иборат?
- Қандай ҳолларда баҳо чиқариладиган товарнинг уникаллиги (антиқалиги) асосида ўрнатилади?
- Прейскурант баҳоларнинг асосида нима ётади?
- Баҳони аниқлашнинг рақобат савдолари орқали методи қандай шароитда қўлланилади?
- Қишлоқ хўжалигида баҳоларнинг қандай йўналишлари ривожланади?
- Баҳоларни шакллантиришга харажатли ёндошув методида асосий таянч нуқта сифатида нималар қабул қилинади?

- Баҳоларни қимматли шакллантириш баҳоларни қандай ўрнатилишини тақоза этади?
- ХЮСлар маркетинг стратегиясининг молиявий жиҳатлари нималарни назарда тутди?
- ХЮС фаолият кўрсатишининг микромуҳити ва макромуҳити нималардан иборат ва улар ўз ичига нималарни қамраб олади?
- ХЮС томонидан реализация қилиниши мумкин бўлган товарлар баҳосини асослаш, ҳисоб-китоб қилиш ва ўрнатиш қандай кетма-кетликда ва фаолият турлари бўйича амалга оширилиши мақсадга мувофиқ?
- Талаб, истеъмолий танлов, таклиф, муқобил ишлаб чиқариш имкониятлари билан боғлиқ бўлган омиллар, назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган омиллар нималардан иборат?
- Юқори баҳолар стратегияси (“қаймоғини ажратиб олиш”) нимани кўзда тутди?
- Паст баҳолар стратегияси қандай мақсадларда амалга оширилади?
- Табақалаштирилган баҳолар стратегияси нималарни қўллаш эвазига амалга оширилади?
- Имтиёзли баҳолар стратегияси нималарга қаратилган?
- Эластик баҳолар стратегияси нималарни англатади?
- Барқарор, стандарт (андозавий), ўзгармайдиган баҳолар стратегияси нималарни назарда тутди?
- Яхлитланмаган баҳолар стратегияси нимадан иборат?
- Ёппасига (оммавий) сотиб олишлар баҳоси ва баҳоларни товарнинг сифати билан узвий боғланганлиги стратегияларининг ўзига хос бўлган хусусиятлари нималардан иборат?
- “Сконто” чегирма, прогрессив чегирмалар, товарларнинг алмаштирилиши ёки шу билан боғлиқ бўлган чегирма, экспорт чегирмалари, функционал чегирмалар ёки савдо соҳасидаги чегирмалар, махсус чегирмалар, яширин чегирмалар, конфиденциал чегирмалар дейилганда нималар тушунилади?
- Бозорни сегментлаштириш нималардан иборат?

- Рақобатнинг эркинлик даражаси ва баҳоларни шакллантиришга боғлиқ равишда бозорларнинг қандай типлари мавжуд?

14-боб. Ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизациялаш инвестицион дастурларини молиялаштириш

14.1. Хўжалик юритувчи субъектларни таркибий жиҳатдан қайта қуриш – комплекс муаммо

Ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмасини қайта қуриш жараёнида саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида илғор сифат такрор ишлаб чиқариш силжишларига, бевосита товар ишлаб чиқарувчиларнинг инвестицион ва молиявий фаолиятини таъминлашда, бозор шароитида уларнинг самарали ишлашларига эришиш учун комплекс чоралар тизимини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакат иқтисодиёти учун унинг хом ашё йўналишига эга эканлигини ўзгартириш стратегик нуқтаи-назардан узоқ муддатли устувор йўналиш ҳисобланади. Бу юқори технологик янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қайта ишлаб чиқарувчи тармоқларни юқори суръатларда ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи дастурни амалга ошириш зарурлигини тақоза этади. Саноатни хом ашёни комплекс чуқур қайта ишлашга йўналтириш асосида ва бозорларда юқори технологияли маҳсулотларнинг сотилишини оширишсиз самарали тараққиётга эришиб бўлмайди. Бу тараққиётнинг инновацион-инвестицион типига ўтиш мақсадида қўшимча молиявий ресурсларни олиш учун самарали йўл ҳисобланади.

Машинасозлик ва метални қайта ишлашни юқори (тезлаштирилган) суръатларда ривожлантириш ХЮСларнинг таркибий тузилмасини қайта қуришда устувор вазифадир. Такрор ишлаб чиқаришнинг интенсив типига ўтиш илмий-техника тараққиётини тезлаштиришда машинасозлик таъсирининг ўсишини талаб қилади. Иқтисодиётнинг

машинасозлик тармоқлари эса молиялаштиришнинг янги манбаларини жалб қилиш асосида ишлаб чиқаришнинг технологик жиҳатдан янгиланишини кучайтиришга эҳтиёж сезади.

Машинасозлик комплексини ривожлантириш учун машина ва асбоб-ускуналарнинг мустақамлиги ва сифатини ошириш, машинасозлик буюмларининг абсолют ва нисбий салмоғини (техник ўлчам бирлигига нисбатан) камайтириш йўли билан маҳсулотларнинг металл ва энергия сиғимларини камайтириш муҳим ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан қайта қуриш ресурсларни тежаб-тергаш жараёни ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланиши билан узвий боғлиқ. Шу билан биргаликда халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш социал аҳамиятининг ўсишига ҳам алоҳида эътибор бермоқ лозим. Истеъмол талабларини қондириш муаммоси ўткирлигича қолаётир, чунки узоқ йиллар давомида истеъмол предметларининг салмоғи ва уларнинг сифати саноатда пастлигича қолиб келмоқда.

Иқтисодиётнинг социал йўналтирилганлигига жавоб берувчи ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш узоқ муддатли инвестицион ва молиявий ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ. Худди шу мақсадларга кичик бизнесни самарали ривожлантириш ҳам хизмат қилади. Ишлаб чиқаришнинг фан сиғимини ошириш учун молиявий ресурсларни жалб қилиш бўйича комплекс чоралар алоҳида аҳамиятга эга. Маркетинг соҳасида таъсирчан (ҳаракатчан) сиёсатни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан янгилаш ва маҳсулотлар янги турларини ўзлаштиришнинг оқилона стратегиясини танлаш керак.

Ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан қайта қуриш замонавий бозор инфратузилмасини яратиш, хусусан, иқтисодиётнинг транспорт-коммуникацион комплексини ривожлантириш билан ўзаро боғланган. Унинг вазифаси транспорт чиқимларини қисқартириш ва хизматларнинг сифатини ошириш ҳисобидан иқтисодиётнинг барча тармоқларида транспорт харажатларини камайтиришдан иборат. Халқаро андозаларга мос келадиган рақобатбардош

маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг мураккаблигини инобатга олган ҳолда дунё ишлаб чиқарувчиларининг маркасидан фойдаланиб қўшма ХЮСларга асос солиш ва уларнинг ривожланишини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

14.2. Хўжалик юритувчи субъектнинг инновацион-инвестицион стратегиясини шакллантириш

Ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан қайта қуриш ва модернизациялаш фақат истеъмолчиларнинг сўров (эҳтиёж)ларини янада тўлароқ қондириш нуқтаи-назаридан эмас, балки якуний маҳсулот бирлигига тўғри келувчи моддий ва меҳнат харажатларини қисқартириш ҳисобидан ХЮС даромади (фойдаси)ни ошириш учун ҳам муҳим ҳисобланади. Бозор шароитида илғор технологияларни жорий этиш учун улар тараққиётнинг энг илғор тенденцияларига мувофиқлигини аниқлаш, уларни амалга оширишнинг стратегик йўналишларини қидириб топиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Ривожланган бозор самарадорлик ва иш сифатининг ижтимоий-зарурий кўрсаткичларини таъминлай олмайдиган ишлаб чиқаришнинг паст техник-технологик даражасига иқтисодий жиҳатдан йўл бермайди. Ана шу шартга риоя қилинган ҳолдагина истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш, рационал нисбатларга эришиш, ишлаб чиқариш салоҳиятидан янада тўлиқроқ фойдаланиш ва ресурсларни тежаб-тергашга имконият туғилади. Ана шу муҳим вазифани ечишга бозорнинг барча иқтисодий механизми, шу жумладан баҳолар, солиқлар, кредит, банк фоизи ва бошқалар йўналтирилган бўлмоғи лозим. Бунда иқтисодиётнинг социал соҳасини юқори суръатларда ривожлантириш, босқичма-босқич кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга ўтиш жуда муҳим.

Қаттиқ пул ва молия-кредит сиёсатининг ҳаётга тадбиқ этилиши, амалиётнинг кўрсатишича, инфляция суръатларининг пасайишига олиб келиши мумкин, лекин бу нарса сифат жиҳатидан иқтисодий ўсишга ўтишнинг, фаол тузилмавий қайта қуришнинг ва ишлаб чиқариш тараққиётининг инвестицион жиҳатдан таъминлашнинг

мустаҳкам йўналиши бўлаолмайди. Илмий-техникавий тараққиётнинг жадаллашувига молиявий ва инвестицион бозорларнинг шаклланиши ўзининг катта таъсирини кўрсатади. Бу ерда ўз қўлида жуда катта технологик ва ресурс салоҳиятини мужассамлаштирган йирик корпорациялар ва молия-саноат гуруҳлари томонидан қаттиқ рақобат намоён бўлади. Бу салоҳиятдан самарали корпоратив фойдаланиш механизмлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқариш, мамлакатнинг ташқи бозорларга чиқиши билан боғлиқ бўлган стратегик вазифаларнинг ечилишига ўз таъсирини кўрсатади.

ХЮСларнинг инновацион стратегияси учун улар инвестицион фаолиятини рағбатлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу самарали молия-кредит ва инвестицион сиёсатни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ. Шунингдек, бу ерда хўжалик фаолиятини рағбатлантиришни таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг бошқарувчанлик даражаси ва унинг инвестицион соҳасини ошириш талаб қилинади. Такрор ишлаб чиқариш барча цикли ва у инвестицион соҳасининг динамикасини қамраб олувчи асосий принципларни ҳар бир ХЮСда ишлаб чиқиш жуда муҳим.

Биринчидан, самарали инвестицион дастурлар ва ишлаб чиқаришни янгилаш лойиҳалари давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўли орқали ва бир вақтнинг ўзида бозор ўз-ўзини тартибга солувчиларининг таъсири остида амалга оширилмоғи лозим.

Иккинчидан, ишлаб чиқаришни янгилашнинг янги техникаси ва илғор технологияси фақат “инновациялар – инвестициялар – таркибий қайта қуриш” блокларининг органик жиҳатдан боғлиқлиги шароитида юқори натижаларни бериши мумкин. Муаммони ҳал этишга бундай ёндошув корпорациялар, фирмалар ва ХЮСларнинг фақат узоқ муддатли истиқболда эмас, балки ўрта муддатли даврда ҳам ишлаб чиқариш-тижорий фаолиятида интеграл самаранинг ўсишига хизмат қилади.

Учинчидан, ишлаб чиқариш ва инвестицион соҳани таркибий жиҳатдан қайта қуришнинг информацион қисми ҳам ўсиб боровчи аҳамиятга эга. Иқтисодиётни ва такрор ишлаб чиқаришни бутунлай бозорий трансформациялашувининг

асосий йўналишларини дастурий таъминлашнинг инфор­мацион тизимидаги иқтисодий жараёнларни тартибга солиш механизмидаги камчиликлар асосланган ишлаб чиқариш-технологик қарорлари қабул қилишни, буюртмалар портфелини шакллантиришни ва ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишни мураккаб­лаштиради.

14.3. Инвестициялар: манбалари, баҳолаш ва самарадорлиги

Иқтисодий ва молиявий вазиятни соғломлаштириш учун жамғармаларнинг ички капитал қуйилмалар ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш сифатида реал инвестицияларга айлантирилишини (трансформацияланишини) ҳамда улардан самарали фойдаланишни таъминлаш муҳим ҳисобланади. Халқаро амалиётни ўрганиш шундан далолат берадики, инвестицион лойиҳаларни молиявий таҳлил қилиш соҳасида уларни реализация қилиш (амалга ошириш)нинг мақсадга мувофиқлигини асослаш, экспертизаларни ўтказишнинг роли ўсиб борапти. Бу муаммони ҳал этиш халқаро андозаларининг мужассамлашган шакллари ЮНИДО методикасида ўз аксини топган. Бироқ ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари бу методикада мавжуд бўлган анъанавий ёндошувлардан тўғридан-тўғри (кўр-кўрона) нусха олишга имкон бермайди ва шунинг учун ҳам уларни ҳар бир мамлакатнинг ҳўжалик шароитларига мослаштириш керак. Бунда жойлаштириладиган (қуйиладиган) маблағларнинг қопланиши ва аванслаштирилган капиталга инвестор томонидан талаб қилинадиган даромад нормасини олиш бўйича инвестицион таклифларни сифати жиҳатдан экспертиза қилиш муҳимдир. Ана шу йўналишда инвестицион лойиҳаларни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш, қарз олувчининг молиявий аҳволи ва унинг рақобатбардошлиги, шунингдек ваколатли банкнинг кафолатини характерлайдиган тегишли эксперт хулосаларига баҳо беришнинг аҳамияти ортади.

Хорижий банк билан кредит битимини тузишда, энг аввало, тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини (ўтказилишини) таъминлаш керак. Одатда, ХЮС кредит бўйича қуйидаги тўловларни амалга оширади:

- битим суммасининг 15%идан кам бўлмаган аванс тўловларининг бирламчи (бошланғич) бадали (ўзлаштириш бошлангунга қадар) – кредит битими тузилгандан кейин бир ой ичида;

- суғурта бадали – суғурта рискинни баҳолашга нисбатан 3%дан кам бўлмаган миқдорда;

- хизмат кўрсатувчи банкларга коммиссион тўловлар – кредитнинг ўзлаштирилмаган қолдиғига коммиссия, кредитни ташкил қилиш учун ҳақ, хорижий суғурта агентликларида қайд этилганлиги учун ҳақ.

Хорижий фирмалар билан ҳамкорликдаги инвестицион лойиҳаларни ўзлаштириш даврида биринчи босқичда фоиз ва мамлакат банклари томонидан операцион харажатлар бўйича тўловлар амалга оширилади. Қайтаришда эса (тўлиқ ўзлаштирилганидан сўнг) қарзнинг асосий суммаси (хорижий банкнинг графигига мувофиқ равишда) ўтказилади ва фоизлар бўйича тўловлар тўланади. Тақдим этилган таклифларни реализация қилиш механизми, бир томондан, хорижий инвестицион кредитларни олувчиларнинг таркибини оптималлаштиришга хизмат қилади ва иккинчи томонда эса, улардан мақсадли фойдаланиш устидан таъсирчан назоратни бўлишини таъминлайди. Инвестициялаштиришнинг натижалелигини ошириш учун инвестицион лойиҳаларни, шу жумладан хорижий кредит линияларига қўшиш учун ҳам, танлаб олиш тартиби тартибга келтирилмоғи лозим. ХЮС ва ташкилотларнинг аризаларини уларнинг асосланганлиги бўйича хулосалар учун тармоқ, корпоратив ва минтақавий даражаларда қайта ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Танловнинг жорий этилиши битимнинг энг яхши шартларини – мамлакат ХЮСларининг иқтисодий манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотни танлаш – қўлга киритишга имкон беради. Ҳукумат кафолати остида жалб қилинадиган хорижий кредитлар ҳисобидан молиялаштириш учун инновацион лойиҳаларни танлашда

асосий меъзонларнинг қуйидаги тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва қарз олувчининг бирламчи (бошланғич) бадални тўлаш бўйича молиявий имконияти;

- техник ва технологик аҳволи;
- тижорий самарадорлиги ва валютавий қопланувчанлиги;
- ҳуқуқий таъминланганлиги ва экологик хавфсизлиги.

Ҳукумат кафолати остида жалб қилинадиган хорижий кредитлар бўйича молиялаштиришга қабул қилинадиган лойиҳалар манфаатдор вазирликлар ва идоралар, минтақавий маъмурий органлар, ХЮСлар, ташкилотлар ва банкларнинг розилиги бўйича шаклландиган устувор инвестицион лойиҳалар рўйхатига киритилган бўлмоғи даркор.

Инвестицион лойиҳани техник-иқтисодий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан асослашда объектив молиявий таҳлил муҳим аҳамиятга эга. Лойиҳани ишлаб чиқариш жараёни ғоянинг пайдо бўлган вақтидан ХЮС ишга туширилгунга ва қувватлар ўзлаштирилгунга қадар уч босқичдан иборат бўлади:

- тайёргарлик кўриш босқичи;
- инвестицион босқич;
- операцион босқич.

Юқоридаги босқичларнинг ҳар бири бир неча қуйи босқичлардан иборат бўлиб, уларда турли-туман тадқиқот, консультацион, техник ва саноат ишлари амалга оширилади, лойиҳа циклининг ҳар бир босқичи эса ўзаро бир-бири билан боғлангандир.

Лойиҳа циклининг босқичлари бўйича капитал харажатларни тахминий тақсимланиши дастлабки (тайёргарлик кўриш) ва инвестицион босқичларни ўз ичига олади. Лойиҳаларни молиялаштиришнинг икки асосий манбалари мавжуд:

- ўз капитали;
- кредит.

Ўз корпоратив капиталини шакллантириш акцияларга (имтиёзли ва оддий) очиқ ёзилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Қарзий маблағлар эса қисқа, ўрта ва узоқ

муддатли банк кредитлари шаклида, шунингдек турли қарзий мажбуриятларни эмиссия қилиш йўли билан жалб қилинади. Молиялаштиришнинг бундай типлари ўртасидаги принципиал фарқ қарздорнинг кредиторлар олдидagi биринчи даражали жавобгарлигидадир.

Ўз ва қарзий маблағлар ўртасида маълум бир балансга риоя этмоқ зарур. Кредитор нуқтаи-назаридан қарзий капиталнинг юқори салмоғи қарз олувчи (қарздор)нинг рисклилик даражасини оширади, чунки унда харажатларнинг умумий таркибий тузилмасида фоиз тўловларининг салмоғи ортади (кўпаяди) ва демак, фойда пасаяди (камаяди)³⁴.

Қарзий молиялаштиришнинг кўринишларидан бири лизингдир. Агар молиялаштириш шартлари хорижда маҳаллий шартлардан кескин фарқ қиладиган бўлса, лизинг асбоб-ускуналарни сотиб олишнинг устувор методи ҳисобланади³⁵.

Молиялаштириш шаклларининг турли-туманлиги ўзгариб туриши мумкин. Бироқ улар тушумлар ва асосий харажатларнинг таъминланганлиги учун етарли бўлиши керак. Кўп ҳолларда лойиҳани ишлаб чиқувчилар инвесторлар ва кредиторларга унинг жозибадорлигини таъминлаш мақсадида лойиҳанинг қийматини пасайтиришга ҳаракат қиладилар. Шу муносабат билан молиявий экспертнинг вазифаси лойиҳа ёки компаниянинг капиталга бўлган ҳақиқий эҳтиёжини аниқлашдан иборат. Шунинг учун ҳам молиявий таҳлилда инвестицион қуйилмаларни иқтисодий баҳолашнинг кўп сонли методлари ишлаб чиқилганки, уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, афзалликларга ва камчиликларга ҳам эга. Бу кўрсаткичлар тизими ўз ичига қуйидагиларни олади:

³⁴ Бироқ шу нарсани алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, ўз ва қарзий капитал ўртасидаги соғлом (“нормаль”) нисбатнинг ягона қоидаси мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам, одатда, амалиётда 1:1 нисбат йўл қўйилиши мумкин бўлган риск сифатида, қарзий капиталнинг ҳиссаси 60%дан ортганда эса қарз олувчи (қарздор) юқори рискли саналади. Бир вақтнинг ўзида, бундай мўлжал ҳар қандай қорхона учун ҳам мақбул бўлган вариант саналмайди.

³⁵ Ижарага олинган асбоб-ускунани молиялаштириш ХЮСнинг балансидан ташқарида қолиб, бу нарса унинг молиявий ҳисоботини янада жозибадор қиладики, бундай ҳолат инвестицион лойиҳани таҳлил қилишда ҳисобга олинмоғи лозим.

- NVP – капитал қўйилмаларнинг соф келтирилган қиймати;
- IRR – ички фойда нормаси;
- қопланиш муддати.

Капитал қўйилмаларнинг соф келтирилган қиймати (NVP) классик (мумтоз) вариантда (кўплаб модификациялар мавжуд бўлганда) дисконтлаштирилган соф пул харажатлари ва тушумларнинг йиғиндиси сифатида ҳисобланади. Ижобий NVP инвестицион лойиҳадан қайтим дисконтлаштиришнинг маълум бир ставкасидан юқори эканлигини кўрсатади. NVPнинг камчилиги дисконтлаштириш ставкасини ҳисоблашнинг шартлилиги билан белгиланади. Инвесторга бошқа лойиҳадан кўра шу лойиҳага маблағларни (пулни) қўйиши (жойлаштириши) фойдали ҳисобланади. Бунда NVPнинг ўлчами дисконтлаштириш ставкасининг унча катта бўлмаган ўзгаришига таъсирчан бўлади. NVPнинг ҳисобланиши маълум даражада ишлаб чиқаришни инновацион янгилаш инвестицион лойиҳасининг мумкинлигини баҳолашда мўлжал бўлиб хизмат қилади.

Ички фойда нормаси (IRR) лойиҳа NVPси нольга тенг бўлгандаги дисконтлаштириш ставкасидан иборат. Ҳар иккала кўрсаткич ҳам бир неча кўп йилдан сўнг катта даромад келтирувчи ишлаб чиқариш инновацион лойиҳаси учун бир хил аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Инвестор ва кредитор учун кутилаётган даромадларнинг муддатлар бўйича тақсимланиши муҳим ва шунинг учун ҳам агар даромадлар рискининг вақт бўйича узоқлашишига мувофиқ равишда тез ўсиши инobatга олинадиган бўлса, бу омил янада жуда муҳим ҳисобланади.

Қопланиш муддати кўрсаткичи ишлаб чиқаришни янгилаш инновацион лойиҳасидан олинган даромадлар бирламчи капитал қўйилмалардан ошгандаги йиллар сонига қараб аниқланади. Ҳисоблашнинг маълум соддалигига қарамасдан, бу кўрсаткич инвестицион лойиҳанинг рисклилигини пухта баҳолайди ҳамда NVP ва IRR билан биргалиқда капитал қўйилмаларнинг оптимал мақсадга мувофиқлигини баҳолашга имкон беради.

Жорий ва истиқболдаги таҳлил ишлаб чиқаришни янгилаш инновацион лойиҳаларини амалга оширишнинг

бошқа йўналишлари ва параметрларига нисбатан ўтказилиши мумкин. Бунда асосий эътибор юқори рентабеллилик ва кучсиз башоратлаш хос бўлган қуйидаги омилларга, яъни рисклар, валюта курслари, кредитлар бўйича сузувчан ставка, тайёр маҳсулот ва хом ашёнинг баҳоси кабиларга қаратилади. Бу омилларнинг ҳар бири учун бўлиши мумкин бўлган тебранишларнинг интервали аниқланади ва асосий параметрларнинг ўзгариши мумкин бўлган имкониятлари баҳоланади. Ундан сўнг инвестицион лойиҳанинг барча рискларини ҳисобга олган ҳолда унинг етарли даражада фойдалилиги сақланиб қолгандаги критик параметрларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегараларига баҳо берилади.

Ишлаб чиқаришни янгилаш дастурлари ва инновацион лойиҳаларнинг инвестицион самарадорлиги капитал қуйилмалар тўғрисида қарор қабул қилинган пайтда мавжуд бўлмаган омилларга ҳам боғлиқ. Иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида ана шундай омиллар тўплами мавжуд.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Хўжалик юритувчи субъектларни таркибий жиҳатдан қайта қуриш деганда нималар тушунилади ва у нималарни тақозо этади?
- Ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан қайта қуриш нималар билан узвий боғлиқ?
- Иқтисодиётнинг социал йўналтирилганлигига жавоб берувчи ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш учун, энг аввало нималарни амалга оширмақ лозим?
- Хўжалик юритувчи субъектнинг инновацион-инвестицион стратегияси деганда нималар тушунилади?
- Қаттиқ пул ва молия-кредит сиёсатининг ҳаётга тадбиқ этилиши сифат жиҳатидан иқтисодий ўсишга ўтишнинг, фаол тузилмавий қайта қуришнинг ва ишлаб чиқариш тараққиётининг инвестицион жиҳатдан таъминлашнинг мустаҳкам йўналиши бўлаоладими?
- ХЮСларнинг инновацион стратегияси учун улар инвестицион фаолиятини рағбатлантириш қандай аҳамиятга эга?

- Такрор ишлаб чиқариш барча цикли ва у инвестицион соҳасининг динамикасини қамраб олувчи асосий принциплар нималардан иборат?
- Хорижий банк билан кредит битимини тузишда, энг аввало, нималарга эътибор бермоқ лозим?
- Ҳукумат кафолати остида жалб қилинадиган хорижий кредитлар ҳисобидан молиялаштириш учун инновацион лойиҳаларни танлашда асосий меъзонларнинг қандай тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?
- Лойиҳани ишлаб чиқариш жараёни ғоянинг пайдо бўлган вақтидан ХЮС ишга туширилгунга ва қувватлар ўзлаштирилгунга қадар қандай босқичлардан иборат бўлади?
- Лойиҳаларни молиялаштиришнинг қандай асосий манбалари мавжуд?
- Инвестицияларни молиялаштиришнинг қандай шакллари мавжуд?
- Инвестицион қуйилмаларни иқтисодий баҳолашнинг қандай методлари мавжуд?
- Инвестицион қуйилмаларни иқтисодий баҳолашнинг кўрсаткичлар тизими ўз ичига нималарни олади?
- Капитал қуйилмаларнинг соф келтирилган қиймати нимадан иборат?
- Ички фойда нормаси қандай аниқланади?
- Қопланиш муддати нималардан ташкил топади?

15-боб. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги: баҳолаш, кўрсаткичлари, ошириш йўллари

15.1. Молиявий барқарорлик ва уни таъминлаш омиллари

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги қуйидагилар билан характерланади:

- ташқи қарзий манбалардан молиявий мустақиллик;
- молиявий ресурслардан эркин ва самарали фойдаланиш борасида ХЮСнинг қобилияти;
- хўжалик фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган ўз маблағлари суммаларининг ХЮСда барқарор мавжудлиги.

Молиявий барқарорлик мазмунининг асосида ХЮС молиявий ресурсларини самарали шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш ётади. Молиявий барқарорликнинг таҳлили таҳлил даври мобайнида ХЮС ўзининг молиявий ресурсларини қуйидаги вазифаларни ечиш учун қанчалик тўғри бошқарганлигини аниқлашга имкон беради:

- талаб маҳсулотига эга бўлган ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш;
- маҳсулот реализация қилинишининг узлуксизлигини йўлга қўйиш;
- инновацион асосда ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш ва янгилаш.

Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ХЮСнинг фаолияти тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларга эга бўлмоқ лозим. Бунда молиявий ресурслар ҳолатининг бозор талабларига мувофиқ келиши ва ХЮС тараққиётининг эҳтиёжларига жавоб бериши муҳим ҳисобланади.

ХЮСларнинг молиявий барқарорлигига хилма-хил бўлган жуда кўплаб омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Улар, одатда, қуйидаги белгиларига кўра классификация қилинади:

- вужудга келиш жойига қараб;
- натижасининг муҳимлигига кўра;
- таркибий тузилмаси бўйича;
- ҳаракат этиш даврига мувофиқ.

Вужудга келиш жойига қараб ХЮСларнинг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар қуйидаги икки гуруҳга бўлинади:

- ички;
- ташқи.

Натижасининг муҳимлигига кўра молиявий барқарорликка ўз таъсирини кўрсатувчи омиллар қуйидаги икки гуруҳдан ташкил топади:

- асосий омиллар;
- иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган омиллар.

Таркибий тузилмаси бўйича ХЮСларнинг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар қуйидаги икки гуруҳдаги омиллардан таркиб топади:

- оддий;
- мураккаб.

Ҳаракат этиш даврига мувофиқ молиявий барқарорликка ўз таъсирини кўрсатувчи омилларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- доимий;
- вақтинчалик.

Юқоридагиларнинг орасида энг муҳими омилларнинг ташқи ва ички гуруҳи ҳисобланиб, у омилларнинг намоён бўлишига, миқдорий ва сифат мазмунига у ёки бу даражада ХЮСнинг бевосита таъсир кўрсатиш имкониятини аниқ аниқлаб беради.

ХЮСларнинг молиявий барқарорлигига ўз таъсирини кўрсатувчи асосий ички омилларга қуйидагилар киради:

- молиявий ресурсларнинг таркиби ва таркибий тузилмаси, уларни бошқаришнинг тактикаси ва стратегияси;
- ХЮС мол-мулкнинг таркиби ва таркибий тузилмаси;

- ишлаб чиқариш чиқимларининг таркиби ва таркибий тузилмаси, уларни қисқартириш имкониятлари;

- ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг тўловга лаёқатли бозор талабига мувофиқлиги;

- ХЮСнинг қайси тармоққа мансублиги ва бошқалар.

Бу омилларнинг таъсирини баҳолаш менежерларнинг касбий маҳоратига, уларнинг компетентлигига, уларнинг ички ва ташқи муҳитдаги ўзгаришлар ва ўзаро боғлиқликни ҳисобга олиш қобилиятига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Молиявий барқарорликка таъсир этувчи ташқи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- хўжалик юритишнинг иқтисодий шароитлари таъсири;

- давлатнинг солиқ ва кредит сиёсати;

- истеъмолчиларнинг тўловга лаёқатли талаби ва даромадларининг даражаси;

- жамиятда техника тараққиёти, техника ва технологияларнинг умумий даражаси;

- ташқи иқтисодий алоқаларнинг даражаси;

- ХЮС фаолияти устидан назорат бўйича қонунчилик актлари;

- ва бошқалар.

ХЮСнинг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омилларга боғлиқ равишда у қуйидагиларга бўлиниши мумкин:

- ички барқарорлик;

- ташқи барқарорлик;

- умумий барқарорлик.

Ички барқарорлик ХЮСнинг шундай молиявий ҳолатидирки, унда фаолият кўрсатишнинг барқарор юқори натижаси, энг биринчи навбатда, ички омилларнинг фаоллаштирилиши ҳисобидан таъминланади.

Ўз навбатида, **ташқи барқарорлик** ХЮСнинг шундай молиявий ҳолатидирки, у доирасида ХЮС фаолият кўрсатадиган иқтисодий муҳитнинг барқарорлиги билан белгиланади. Бундай барқарорлик бутун мамлакат масшабда ривожланаётган иқтисодиёт шароитида эришилади.

Ва ниҳоят, **умумий барқарорлик** ХЮСнинг шундай молиявий ҳолатидирки, унда ички ва ташқи омилларнинг ўзаро таъсирчанлигини фаоллаштириш ҳисобидан маблағлар тушумининг уларнинг харажат қилинишидан ортиқчалиги таъминланади.

ХЮСлар молиявий ҳолатининг барқарорлиги молиялаштиришда эҳтиёжларни қондиришнинг манбалари сифатида ўз ва қарзий маблағларнинг нисбати асосида қараладиган (ҳисобланадиган) нисбий ва абсолют кўрсаткичлар тизими билан баҳоланади. Етарли бўлмаган молиявий барқарорлик ХЮСни нотўловқобилликка ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун унда маблағларнинг мавжуд бўлмаслигига олиб келиши мумкин. Аксинча, ортиқча молиявий барқарорлик эса, тараққиётга тўсқинлик қилишга, ортиқча захиралар туфайли харажатларнинг оғирлашувига сабаб бўлади.

Молиявий барқарорликни таҳлил қилишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўз айланма маблағларининг суммаларини аниқлаш ва уларнинг динамикасига таъсир этувчи омилларни билиш;
- захиралар, харажатлар ва барча айланма активларни шакллантириш қисми бўйича молиявий барқарорликни баҳолаш;
- молиявий барқарорликнинг типини аниқлаш.

Ўз айланма маблағлари, захиралар ва харажатларни шакллантиришнинг бошқа манбалари кўрсаткичларининг нисбатига ва захираларнинг ўлчамига боғлиқ равишда ХЮСлар молиявий барқарорлигининг қуйидаги типларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- абсолют молиявий барқарорлик;
- соғлом (нормаль) молиявий барқарорлик;
- нобарқарор молиявий аҳвол;
- кризисли молиявий ҳолат.

Абсолют молиявий барқарорликнинг асосий шарти нотўловлар ва улар келиб чиқиш сабабларининг мавжуд эмаслигидир.

Соғлом (нормаль) молиявий барқарорлик ички ва ташқи молиявий интизомнинг бузилмаслигини тақоза этади.

Нобарқарор молиявий аҳвол молиявий интизомнинг бузилиши (меҳнат ҳақини тўлашдаги кечикишлар, вақтинча бўш турган ўз маблағлари, резерв фондлари ва бошқа фондлардан фойдаланиш), ҳисоб-китоб счётига пул маблағларининг узилишлар билан тушиши, рентабелликнинг нобарқарорлиги, молиявий режанинг, жумладан, фойда бўйича режанинг бажарилмаслиги ва ҳ.к.лар билан характерланади.

Кризисли молиявий ҳолат қуйидаги бир неча даражаларга эга:

- биринчи даража (1): муддати ўтказиб юборилган банк ссудаларининг мавжудлиги;
- иккинчи даража (II): 1 + товарлар бўйича мол етказиб берувчиларга муддати ўтказиб юборилган қарздорликнинг мавжудлиги;
- учинчи даража (III): II + бюджетга нисбатан боқимандаларнинг мавжудлиги.

Кризисли молиявий ҳолатда заҳиралар ва харажатлар уларни шакллантириш манбалари билан таъминланмайди ва бу нарса ХЮС ва банкротлик остонасидаги чуқур кризис тўғрисида хулоса чиқаришга асос бўлади. Бундай вазиятда пул маблағлари, қисқа муддатли қимматли қоғозлар ва дебиторлик қарзлари унинг кредиторлик қарзларини ва муддати ўтказилган ссудаларни қопламайди.

ХЮСнинг молиявий ҳолати комплекс тушунча бўлиб, унинг хўжалик ва тижорий фаолияти жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатлар барча элементларининг ўзаро таъсирчанлигини акс эттиради. ХЮСнинг молиявий ҳолати маблағларни жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда уларни шакллантириш манбалари билан характерланади. Молиявий ҳолатни аниқлаш учун қуйидагиларни ўз ичига олувчи молиявий таҳлил ўтказилади:

- молиявий ҳолатнинг экспрес-таҳлили (активлар ва пассивлар таркибий тузилмасининг, мол-мулк, заҳиралар ва харажатлар ҳолатининг таҳлили);
- молиявий барқарорлик таҳлили;
- ХЮС баланси ликвидлигининг таҳлили;

- фаолиятнинг молиявий натижалари таҳлили;
- рентабеллик ва ишбилармонлик фаоллиги таҳлили.

ХЮСнинг молиявий ҳолати, шунингдек, молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнларини акс эттирувчи кўрсаткичлар мажмуи билан ҳам характерланади. Молиявий-хўжалик фаолиятининг натижалари фақат ХЮС ишчи ва хизматчиларининг диққат-эътиборида бўлибгина қолмасдан, худди шу нарса хўжалик фаолияти бўйича унинг ҳамкорлари, давлат, молия, солиқ органлари ва бошқаларнинг ҳам диққат марказида бўлади. Буларнинг барчаси ХЮС молиявий ҳолати таҳлилини амалга оширишнинг муҳимлиги ва унинг иқтисодий жараёнлардаги аҳамиятини оширади.

Молиявий таҳлилнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- молиявий ҳолат кўрсаткичларининг ўзгаришини аниқлаш;
- барқарорликка таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаб олиш;
- молиявий ҳолатнинг сифат ва миқдорий ўзгаришларини баҳолаш;
- маълум бир сана учун ХЮС молиявий аҳволини баҳолаш;
- молиявий ҳолат ўзгаришининг асосий йўналишларини аниқлаш;
- ва бошқалар.

Молиявий ҳолат таҳлилида ХЮС томонидан реализация қилинган маҳсулотнинг рентабеллиги, унинг ишловчи капитали, молиявий барқарорлиги, баланснинг ликвидлиги, тўлов қобилияти ва кредитга лаёқатлиги аниқланади ва уларга баҳо берилади.

ХЮСнинг соғлом (нормаль) молиявий барқарорлиги хусусида қуйидаги параметрларни биргаликда олиб қараб гапириш мумкин:

- тўлов қобилияти (ўз мажбуриятлари бўйича ХЮСнинг барқарор ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконияти);
- баланснинг ликвидлиги (мажбуриятларни ликвид активлар билан қоплаш даражаси);
- кредитга лаёқатлилиги (кредитларни қайтариш қобилияти);

- рентабеллик (фойдалилик).
Юқорида келтирилганларнинг ҳар бири таҳлил қилишнинг ўз методикасига эга.

15.2. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ва уларни ошириш йўллари

Молиявий барқарорликнинг таҳлили абсолют ва нисбий кўрсаткичлар – молиявий коэффициентлар – ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Молиявий коэффициентларни ҳисоблаш учун инфор­мацион база сифатида бухгалтерия ҳисоботи хизмат қилади. Бу коэффициентлар баланс тузилган санада ҳисобланади ва динамик кўринишда қараб чиқилиши мумкин.

Энг умумий кўринишда ХЮСнинг молиявий барқарорлигини қуйидаги кўрсаткичлар характерлайди:

- автономлик коэффициенти;
- қарзий капиталнинг концентрациялашуви коэффициенти;
- қарзий ва ўз маблағларининг нисбати коэффициенти.

Автономлик коэффициенти ХЮСнинг барча мулкига қўйилган (жойлаштирилган) ўз маблағларининг барча маблағларнинг умумий суммасидаги ҳиссаси (салмоғи)ни кўрсатади. Уни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$K_a = \check{Y}_k : B_b$$

Бу ерда: K_a - автономлик коэффициенти;

\check{Y}_k - ўз капитали (“Капитал ва резервлар” деб номланувчи баланс Ш бўлимининг жам

B_b - баланс валютаси (ўз ва қарзий капитал йиғиндиси, яъни молиялаштиришнинг умумий суммаси).

ХЮСнинг молиявий аҳволи автономлик коэффициентининг даражаси 0,5дан кичик бўлмаган ҳолда барқарор деб ҳисобланади. Бу ХЮСнинг ярим мулки унинг ўз маблағлари ҳисобидан шаклланганлигини англатади.

Автономлик коэффициентининг ўсиши молиявий барқарорликнинг ошганлигидан далолат беради.

Қарзий капиталнинг концентрациялашуви коэффициенти қарзнинг капитал умумий суммасидаги салмоғини аниқлаб беради ва уни формула ёрдамида қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$K_{qk} = K_k : B_b$$

Бу ерда: K_{qk} - қарзий капиталнинг концентрациялашуви коэффициенти;

K_k - қарзий капитал (баланс пассивининг 4- ва 5-бўлимлари йиғиндиси);

B_b - баланс валютаси (ўз ва қарзий капитал йиғиндиси, яъни молиялаштиришнинг умумий суммаси).

Қарзнинг салмоғи қанча катта бўлса, ХЮСнинг молиялаштириш ташқи манбаларига боғлиқлиги, бундан келиб чиқувчи оқибатлар билан биргаликда, шунча юқори бўлади. Юқоридаги ҳар иккала коэффициентлар бир-бири билар узвий боғланган. Уларнинг боғлиқлиги қуйидаги кўринишга эга:

$$K_a + K_{qk} = 1$$

Қарзий ва ўз маблағларининг нисбати коэффициенти ХЮС мажбуриятларининг ўз маблағларига нисбати билан аниқланади:

$$K_{qu} = M_{qk} : \check{Y}_k$$

Бу ерда: K_{qu} - қарзий ва ўз маблағларининг нисбати коэффициенти;

M_{qk} - мажбуриятлар (қарзий капитал);

\check{Y}_k - ўз капитали (ўз маблағлари).

Қарзий ва ўз маблағларининг нисбати коэффициенти ўз маблағлари активларига жойлаштирилган (қўйилган) ҳар бир сўмга ХЮС томонидан қанча қарзий маблағлар жалб қилинганлигини кўрсатади. Ҳисобот даври давомида бу коэффициент даражасининг ортиши ХЮС жалб қилинаётган қарзий маблағларга боғлиқлигининг кучайганлигидан ва молиявий барқарорлигининг пасайганлигидан дарак беради. Бу коэффициент автономлик коэффициенти билан боғланган ва бу боғланиш қуйидаги кўринишга эга:

$$K_{qu} = 1 / K_a - 1$$

Шундай қилиб, унинг даражаси бирга тенг ёки ундан кичик бўлиши керак.

Юқоридаги умумий коэффициентлардан ташқари ХЮС жорий фаолиятининг молиялаштириш ўз манбалари – ўз айланма маблағлари – билан таъминланганлиги ҳам баҳоланади. Бу нарса ХЮС молиявий барқарорлигининг қуйидаги нисбий кўрсаткичларини ҳисоблашга асосланган:

- заҳиралар ва харажатларнинг ўз капитали билан таъминланганлик коэффициенти;
- молиявий мустақиллик коэффициенти;
- ўз капиталининг манёврлилик коэффициенти.

Заҳиралар ва харажатларнинг ўз капитали билан таъминланганлик коэффициенти ўз айланма маблағлари суммасининг моддий заҳиралар ва харажатлар қийматига нисбати билан аниқланади ва уни формула орқали қуйидагича кўрсатиш мумкин:

$$K_{tzx} = \check{Y}_{am} : K_{zx}$$

- Бу ерда: K_{tzx} - заҳиралар ва харажатларнинг ўз капитали билан таъминланганлик коэффициенти;
- \check{Y}_{am} - ўз айланма маблағлари;
- K_{zx} - моддий заҳиралар ва харажатлар қиймати.

Бу коэффициентнинг даражаси моддий заҳиралар ва харажатларнинг ўз манбалари билан қандай қопланганлигини ва қарзий маблағларни жалб қилишга муҳтож эмаслигини кўрсатади. Унинг йўл қўйилиши мумкин бўлган минимал даражаси 0,6-0,8га тенгдир.

Молиявий мустақиллик коэффициенти ўз айланма маблағларининг жорий айланма активлар суммасига нисбати билан аниқланади:

$$K_{mm} = \check{Y}_{am} : Ж_{aa}$$

Бу ерда: K_{mm} - молиявий мустақиллик коэффициенти;
 \check{Y}_{am} - ўз айланма маблағлари;
 $Ж_{aa}$ - жорий айланма активлар.

Молиявий мустақиллик коэффициенти ХЮСга тегишли бўлган айланма маблағларнинг қанча қисми ўз капитали ҳисобидан шакллантирилганлигини кўрсатади. Агар унинг даражаси 1га тенг ёки ундан катта бўлса, у ҳолда бу абсолют молиявий барқарорликни англатади. Коэффициентнинг даражаси 1дан қанча паст бўлса, ХЮС молиявий ҳолати шунча нобарқарордир. Бу коэффициентнинг критик даражаси 0,1га тенг.

Ўз капиталининг манёврлилик коэффициенти ХЮС ўз айланма маблағларининг ўз капитали суммасига нисбати орқали ифодаланади:

$$K_m = \check{Y}_{am} : \check{Y}_k$$

Бу ерда: K_m - ўз капиталининг манёврлилик коэффициенти;
 \check{Y}_{am} - ўз айланма маблағлари;
 \check{Y}_k - ўз капитали.

Бу коэффициент ўз капиталининг қанча қисми жорий фаолиятни молиялаштиришда фойдаланилаётганлиги ва қанча қисми капиталлаштирилганлигини кўрсатади. Унинг 0,5га тенг бўлган даражаси оптимал ҳисобланади

Зарур бўлган ҳолларда ХЮСнинг молиявий барқарорлигини характерлайдиган бошқа кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

ХЮС молиявий барқарорлигини оширишнинг омиллари қуйидагилардан иборат:

- асосий ва айланма маблағларнинг мазмунини оптималлаштириш: инновацион технологиялар сотиб олишни кўпайтириш, тугалланмаган ишлаб чиқаришни қисқартириш, маҳсулот таннархини пасайтириш;
- ХЮС пул-ҳисоб-китоб ўзаро алоқаларининг самарадорлигини ошириш;
- оқилона баҳо сиёсати ва фойдани тақсимлашни оптималлаштириш;
- муваффақиятли молиявий стратегияни амалга оширишни, ХЮСнинг соғлом (нормал) ишини таъминловчи молиявий ресурсларни шакллантиришнинг мумкин бўлган вариантларини асослаш.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- ХЮСларнинг молиявий барқарорлиги нималар билан характерланади?
- Молиявий барқарорлик мазмунининг асосида нималар ётади?
- Молиявий барқарорликнинг таҳлили таҳлил даври мобайнида ХЮС ўзининг молиявий ресурсларини қандай вазифаларни ечиш учун қанчалик тўғри бошқарганлигини аниқлашга имкон беради?
- ХЮСларнинг молиявий барқарорлигига қандай омиллар ўз таъсирини кўрсатади ва улар қандай белгиларига кўра классификация қилинади?
- Вужудга келиш жойига қараб ХЮСларнинг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар қандай гуруҳларга бўлинади?
- Натижасининг муҳимлигига кўра молиявий барқарорликка ўз таъсирини кўрсатувчи омиллар қандай гуруҳлардан ташкил топади?

- Таркибий тузилмаси бўйича ХЮСларнинг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар қандай икки гуруҳдаги омиллардан таркиб топади?
- Ҳаракат этиш даврига мувофиқ молиявий барқарорликка ўз таъсирини кўрсатувчи омилларни қандай гуруҳларга ажратиш мумкин?
- ХЮСларнинг молиявий барқарорлигига ўз таъсирини кўрсатувчи асосий ички омилларга нималар киради?
- Молиявий барқарорликка таъсир этувчи ташқи омилларга нималарни киритиш мумкин?
- ХЮСнинг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омилларга боғлиқ равишда барқарорлик нималарга бўлиниши мумкин?
- Ички, ташқи ва умумий барқарорлик дейилганда нималар тушунилади?
- Молиявий барқарорликни таҳлил қилишнинг вазифалари нималардан иборат?
- Ўз айланма маблағлари, заҳиралар ва харажатларни шакллантиришнинг бошқа манбалари кўрсаткичларининг нисбатига ва заҳираларнинг ўлчамига боғлиқ равишда ХЮСлар молиявий барқарорлигининг қандай типларини ажратиш кўрсатиш мумкин?
- Абсолют молиявий барқарорлик, соғлом (нормаль) молиявий барқарорлик, нобарқарор молиявий аҳвол ва кризисли молиявий ҳолат дейилганда нималар тушунилади?
- Молиявий ҳолатни аниқлаш учун нималарни ўз ичига оловчи молиявий таҳлил ўтказилади?
- Молиявий таҳлилнинг мақсади нималардан иборат?
- ХЮСнинг соғлом (нормаль) молиявий барқарорлиги хусусида қандай параметрларни биргаликда олиб қараб гапириш мумкин?
- Молиявий барқарорликнинг таҳлили нималар ёрдамида амалга оширилиши мумкин?
- Энг умумий кўринишда ХЮСнинг молиявий барқарорлигини қандай кўрсаткичлар характерлайди?
- Автономлик коэффициенти, қарзий капиталнинг концентрациялашуви коэффициенти, қарзий ва ўз

маблағларининг нисбати коэффициентлари қандай ҳисобланади?

- ХЮС жорий фаолиятининг молиялаштириш ўз манбалари – ўз айланма маблағлари – билан таъминланганлиги қандай коэффициентлар ёрдамида баҳоланади?

- Заҳиралар ва харажатларнинг ўз капитали билан таъминланганлик коэффициенти, молиявий мустақиллик коэффициенти, ўз капиталининг манёврлилик коэффициентлари қандай ҳисобланади ва улар нималарни англатади?

- ХЮС молиявий барқарорлигини оширишнинг омиллари нималардан иборат?

16-боб. Давлат бюджети

16.1. Давлат бюджетининг моҳияти, функциялари ва аҳамияти

Давлат бюджети кишилик жамияти тараққиётининг маълум бир босқичида пайдо бўлган. Унинг вужудга келиши, энг аввало, сиёсий ташкилот сифатида давлатнинг вужудга келиши билан бевосита боғлиқдир. Ҳар бир давр ижтимоий тузумига тегишли бўлган ишлаб чиқариш муносабатларининг асо-сий белгилари давлат фаолияти ва бюджетнинг тақсимлаш механизми сифатидаги мазмунини белгилаб беради.

Ҳозирги шароитда давлат бюджети ижтимоий (ишлаб чиқариш) муносабатларнинг бир қисмини ифода этиб, давлатнинг ихтиёрига мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот – миллий даромаднинг нисбатан каттагина қисмини тўплаш ва уни жамият тараққиётининг турли соҳаларини (иқтисодиёт, маориф, соғлиқни сақлаш, фан, мада-ният, ижтимоий таъминот, бошқарув, муҳофаа ва бошқалар) ривож-ланишига йўналтириш имконини берадиган муҳим тақсимлаш ин-струменти (воситаси)дир.

Моҳиятига кўра давлат бюджети мамлакат молия тизимининг таркибий қисми бўлиб, шунга мос равишда молия тизимида доир барча белги (хусусият)ларга эга ва унга тегишли бўлган барча функ-цияларни бажаради. Бир вақтнинг ўзида, давлат бюджети фақат ўзи-га хос бўлган характерли хусусиятларга ҳам эгадирки, улар ўз нав-батида, давлат бюджетини молия тизимининг бошқа бўлинмалари-дан ажратиб туради ва унда марказий ўринни эгаллашга имкон беради. Унинг ана шундай хусусиятларидан бири бевосита давлатга тегишли эканлигидир. Ҳақиқатдан ҳам ҳар бир мамлакатда давлат барча молиявий муносабатларнинг ташкилотчиси бўлса-да, унинг бу хислати, яъни мамлакатнинг моддий ва молиявий ресурсларни асосий тақсимловчи сифатидаги роли фақат бюджетда катта куч билан намоён бўлади.

Ягоналик (бирлик) ва юқори даражада марказлашув давлат бюджетининг муҳим хусусиятларидандир. Турли маъмурий-

худудий бюд-жетлар кўплигига қарамасдан, уларнинг барчаси қуйи бўғинларнинг юқори бўлинмаларга кетма-кет бўйсуншига риоя қилган ҳолда яғо-на давлат бюджетига бирлашади. Бир вақтнинг ўзида бюджет ресурс-ларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда демократизм ҳам таъминланади. Чунки давлат ҳокимиятининг барча органлари ўзлари-нинг бюджет маблағларига эга ва ўзларига тегишли бюджет ҳуқуқ-ларидан фойдаланадилар. Давлат бюджетига хос ана шу характерли белгилар маблағлар билан манёвр қилиш ва нозик бюджет сиёсатини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Молия тизимининг бошқа бўлинмаларидан фарқли ҳолда, дав-лат бюджетига, икки тушунчанинг терминологик қўшилиши мав-жуд: 1) бюджет – иқтисодий (молиявий) категория сифатида; 2) бюджет – мамлакатнинг асосий молиявий режаси сифатида. Айрим ҳолларда давлат бюджетининг моҳияти фақат мамлакатнинг асосий молиявий режаси сифатида талқин этилади. Буни тўғри деб эъти-роф этиб бўлмайди. Чунки иқтисодиётга тегишли бўлган ҳар қан-дай режа у ёки бу иқтисодий категориянинг намоён бўлиш шакл-ларидан бошқа нарса эмас. Шунга мувофиқ равишда, давлатнинг асосий молиявий режаси давлат бюджети (умумдавлат молияси) ка-тегориясининг намоён бўлиш шаклидир. Яъни бюджет давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида иқтисодий категория ва бюджет-га хос бўлган хусусиятлар мажмуининг намоён бўлишидир. Иқти-содий категория ва мамлакатнинг асосий молиявий режаси сифати-да уларнинг “давлат бюджети” деб бир хил номланиши предмет-нинг моҳиятини ўзгартирмайди ва давлат бюджетини иқтисодий (мо-лиявий) категориялар таркибидан чиқаришга асос бўла олмайди. Бун-дан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, давлат бюджети дейил-ганда, энг аввало, икки тушунчанинг қўшилишини тушунмоқ ке-рак: 1) давлат миқёсида ялпи ички (миллий) маҳсулотни тақсимлаш натижасида вужудга келадиган иқтисодий (молиявий) муносабат-лар (иқтисодий категория); 2) шу категориянинг намоён бўлиш шак-ли сифатида давлатнинг асосий молиявий режаси.

Ялпи ички (миллий) маҳсулотни тақсимлашнинг молиявий инстру-менти (воситаси) сифатида давлат бюджети бошқа хусусиятларга ҳам эга. Агар молия ёрдамида тақсимлаш қийматнинг шакллари ўз-гарган шароитда ва кўплаб олди-сотдилар натижасида амалга оширилса, ялпи ички (миллий) маҳсулотнинг давлат бюджети орқали тақсимланиши маълум даражада, алмашувдан ажралган ҳолда содир бўлади. Қийматнинг давлат бюджети орқали ҳаракатланиши моддий маҳсулотнинг ҳаракатидан тўлиқ узилади ва соф қиймат харак-терини касб этади. Фақат давлат бюджетидан ташқарида, бюджет ре-сурслари сарфланаётганда тақсимлаш ва алмашув операциялари-нинг қайта қўшилиб кетиши содир бўлади.

Молия тизимининг бошқа барча бўлинмалари ва иқтисодий (мо-лиявий) категориялар (баҳо, иш ҳақи, кредит ва бошқалар) билан чамбарчас боғлиқлиги ҳам давлат бюджетига хос хусусиятдир.

Давлат бюджетининг моҳиятини очиб беришда у орқали амалга ошириладиган тақсимлаш жараёнларининг мазмунини кўриб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ялпи ички (миллий) маҳсулотни давлат бюджети орқали тақсим-лаш бир вақтнинг ўзида, ўзаро боғланган ва маълум даражада мус-тақил бўлган уч босқичга эгадир:

1) умумдавлат пул фондини шакллантириш (бюджет даромад-лари);

2) ҳудудий ва маълум мақсадларга мўлжалланган кўп сонли бюд-жет фондларини яратиш;

3) бюджет фондидан фойдаланиш (бюджет харажатлари).

Давлат бюджети орқали ялпи ички (миллий) маҳсулотни тақсимлашнинг бу босқичлари бир вақтнинг ўзида ва узлуксиз содир бўлсада, бу уларнинг нисбатан алоҳидалигини ҳам инкор этмайди. Бу босқичларни бўлиш ва уларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш орқали бюджетли тақсимлашнинг характери, шакли ва методлари тўғ-рисида осонроқ ва аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Биринчи босқичда юридик ва жисмоний шахсларга тегишли пул маблағларининг бир қисми давлатнинг қўлида тўпланиши, жамлаш, олиш содир бўлади. Ана шу асосда маблағларни олувчи сифатида давлат билан маблағларни тўловчилар

ўртасида молиявий (бюджет) муносабатлар вужудга келади. Бу муносабатлар, асосан, мажбурий-лик (императивлик) характериға эгадир. Бу босқичдаги тақсимлаш жараёнларининг характери хусусияти шундаки, бюджетга тушувчи маблағлар ажратиб олинган бўлиб, улар қатъий чегараланмаган. Уларнинг барчаси ҳозирча ягона мақсадга – умумдавлат эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Давлат пул фондининг алоҳидалигига аниқ мақсадларга мўлжалланган фондларни кристаллизация қилиш бошланганда барҳам берилади.

Бюджет фондини шакллантиришда икки хил тушунчадан фойдаланилади:

1) бюджетга тўловлар (солиқлар, ажратмалар, божлар ва бошқалар);

2) давлат бюджетининг даромадлари.

Бу тушунчалар бир хил маънони англатади. Чунки уларнинг ик-каласи ҳам давлат ва маблағ тўловчилар ўртасида вужудга келадиган бир хилдаги тақсимлаш муносабатларини ифода этади. Бу ерда фақат маъно жиҳатидан эмас, балки миқдорий жиҳатдан ҳам бир хил-ликка эришилган. Зеро, уларнинг ҳар иккаласи ҳам миллий даромаднинг ягона қисмига тегишлидир. Бироқ бу тушунчаларнинг иккиёқ-ламалик характериға эгаллигини ҳам унутмаслик лозим.

Давлат бюджетига тўловлар (солиқлар, ажратмалар, божлар ва бошқалар), энг аввало, тўловчиларнинг харажатларидан иборат бўлиб, уларнинг даромадларидан чегирилсада, бир вақтнинг ўзида улар давлат бюджетига давлатнинг даромадлари сифатида гавдаланади. Ана шундан тақсимлаш муносабатларига киришган иштирокчилар (томонлар) ўртасидаги манфаатларда баъзи бир фарқли жиҳатлар вужудга келади. Давлат бюджетнинг даромадларини оширишдан манфаатдор бўлса, бу нарса у ёки бу даражада тўловчиларнинг (юридик ва жисмоний шахсларнинг) манфаатдорлигини (қизиқувчанлигини) пасайтиради.

Шундай қилиб, “бюджетга тўловлар” ва “давлат бюджетининг даромадлари” тушунчалари юқорида кўрсатилган умумийликка эга бўлсалар-да, бир вақтнинг ўзида, улар ўртасида объектив фарқлар ҳам мавжуд. Бюджетга тўловлар хўжалик юритувчи субъектлар ёки тўловчилар молиясининг таркибий элементларидан

ҳисобланади ва бошқа тақсимлаш муносабатлари билан ўзаро органик боғлиқликда кўрилади; давлат бюджетида улар даромадлар шаклини олади ва бюджетнинг субъектлар (хўжаликлар) билан бюджет муносабатлари кенг соҳаларининг бошқа элементлари билан ўзаро боғлиқликда таҳлил қилинади. Бу ҳолда, тақсимланаётган миллий даромаднинг ягона қисми икки хил иқтисодий мазмун касб этади ва молия тизимининг турли бўлинмаларида турлича кўринишга эга бўлади.

Давлат бюджетининг даромадлари ўзининг яхлитлиги (ягона-лиги, бирлиги) билан фарқланади ва улар ягона мақсадга – ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Ундириш методлари, тўловчиларнинг таркиби, тўлаш муддатлари ва ҳоказоларда катта фарқланишлар бўлишига қарамасдан, уларнинг барчаси давлат пул фондини шакллантириш бўйича давлат ва тўловчилар ўртасида вужудга кел-ган тақсимлаш муносабатларини ташувчилар (ифодаловчилар)дир. Бу ўз навбатида, маблағларни тўловчилар билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг барчаси орасидан молиявий (бюджет) категориянинг бир кўриниши сифатида алоҳида муносабатларни ажратиб олишга асос яратиб беради. Агар **молия** иқтисодий категория сифатида эътироф этилган бўлса, **бюджет** бу категориянинг таркибий қисми, кўринишларидан биридир. Ўз навбатида, бюджет ўзига тегишли бўлган (бюджетли) категорияларни вужудга келтиради. Улар **давлат бюджети** деб номланган категорияга нисбатан маълум даражада бўйсунувчанлик характериға эга бўлиб, унинг таркибий қисмлари сифатида майдонга чиқади. Ана шундай бюджет категорияларидан бири **давлат бюджетининг даромадларидир**.

Давлат бюджети даромадларининг бюджет категорияларининг кўринишларидан бири сифатида ажратилиши уларнинг умумий иқтисодий асослари ва характерли белгиларини яхшироқ тушунишга имкон яратади. Бюджет даромадлари давлатнинг субъектлар (хўжаликлар ва аҳоли) билан ўзаро муносабатларининг аниқ чегараланган, аниқланган қисмини ифода этади. Бу муносабатлар хилма-хил бўлишига қарамасдан, улар умумий белгиларга эга ва умумлаштирилган, абстракт ҳолда ишлаб чиқариш (бюджет)

муносабатларининг алоҳида элементи сифатида майдонга чиқади. Бюджет даромадлари ўзларининг иқтисодий табиатига кўра объектив бўлиб, улар давлатнинг субъектлар (хўжаликлар ва аҳоли) билан барқарор алоқаларини ифодалайди. Уларнинг объектив зарурлиги давлатнинг ўзига хос функцияларга эга бўлган мавжудлиги билан белгиланади.

Кенг маънода даромадлар молия фанининг эмас, балки иқтисод илмининг категорияси ҳисобланади. Улар тақсимлаш объекти (масалан, корхонанинг ялпи ёки соф даромади) ёки тақсимлаш натижаси (масалан, аҳолининг охириги даромадлари) бўлиши мумкин. Давлат бюджети даромадларининг фарқланувчи белгиси шундан иборатки, улар тақсимлаш натижаси (бюджетга тўловлар) ва янада тақсимлаш объекти (бюджет ичидаги фондларни шакллантириш ва молиялаштириш) сифатида майдонга чиқади. Демак, давлат бюджетининг даромадлари аниқ ифодаланган бюджет категорияси бўлиб, уларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тақсимлашнинг бюджет механизми орқали амалга оширилади.

Давлат бюджети даромадларининг турли кўринишларини (кўшилган қиймат солиғи, акцизлар, даромад солиғи ва бошқалар) бюджет категорияларининг навбатдаги кўринишлари сифатида талқин қилиш учун асослар етарли эмас. Чунки мазмунига кўра иқтисодий категориялар объектив бўлиб, улар иқтисодий қонунларнинг ҳаракатини ифодаласа, уларнинг намоён бўлиш шакли эса, маълум даражада, субъектив бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам даромадларнинг ҳар бир кўринишига тегишли бўлган хусусиятлар объектив ҳаракатдаги (амалдаги) иқтисодий категориянинг – давлат бюджети даромадларининг намоён бўлиш, ифодаланиш шаклидир. Бу хулосанинг тўғрилигини кўп йиллик амалиёт ҳам тасдиқлайди.

Давлат бор экан, давлат бюджетига тўловлар ҳам мавжуд бўла-ди. Лекин бюджетга тўловларнинг шакли маълум бир босқичда жамиятнинг олдида қўйилган вазифаларга мувофиқ равишда ўзгариб боради. Тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида бюджетга тўловларнинг у ёки бу тури ҳал қилувчи рол ўйнаши, вақт ўтиши билан эса улар ўз аҳамиятини йўқотиб, бошқа тўловлар билан алмаштирилиши мумкин. Бу

эса, ўз навбатида, **давлат бюджети даромадлари** категориясининг намоён бўлиш шаклларининг ўзгариб борганлигига қарамасдан, бу категориянинг сақланиб қолганлигини англатади. Демак, бюджетга тўловлар кўринишининг ўзгариши, бир тўловнинг бошқа бири билан алмаштирилиши иқтисодий категория мазмунининг эмас, балки шаклларининг эволюциясидир. Бироқ бундан молиявий ва бюджет категориялари қатъиян объектив, уларнинг намоён бўлиш шакллари эса субъективдир, деган хулоса чиқармаслик керак. Иқтисодий қонунларнинг ҳаракати, иқтисодиётнинг тараққиёт даражаси, ишлаб чиқариш муносабатларининг етуклиги ва бошқа омиллар, маълум даражада, давлат бюджети даромадларининг шаклларини ҳам белгилаб беради. Бозор иқтисодиёти (ёки унга ўтиш) шароитида энг асосий вазифа иқтисодий тараққиётга эришиш, унинг самарадорлигини таъминлаш, рақобатбардошлигига эришиш ҳисобланса, бу вазифаларнинг бажарилишига бюджетга тўловларнинг шакллари ҳам ўзининг сезиларли ҳиссасини кўшиши керак. Улар бюджет даромадларини миқдорий жиҳатдан таъминлабгина қолмасдан, балки ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва молиявий ресурсларнинг оқилона ва мақсадли тақсимланишини рағбатлантириши ҳам керак. Шундай қилиб, давлат томонидан ўрнатилган тартиб натижасида вужудга келган бюджетга тўловларнинг турли шакллари давлатнинг қонунларида, молиявий бошқарув органларининг норматив ҳужжатларида ўз ифодасини топган объектив омилларга маълум даражада боғлиқ бўлади.

Иккинчи босқичда, юқорида қайд этилганидек, ҳудудий ва маълум мақсадларга мўлжалланган кўп сонли фондларнинг шаклланиши юз беради, яъни умумдавлат пул фондини бўлишнинг мураккаб тақсимланиш жараёни амалга оширилади. Ташқи томондан у барча ижтимоий бўлинмалардан ажралган ички бюджет жараёнидек кўринади. Ҳақиқатда эса бу тақсимлаш ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларини қамраб олади. Бу босқичда жамиятдаги барча субъектларнинг манфаатлари ўзаро тўқнаш келади. Мамлакатдаги ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлик ўз бюджетига эга бўлганлиги учун бу босқичда ана шу бюджетларнинг (яъни ҳудудларга мўл-

жалланган фондларнинг) умумий ҳажмини тўғри аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. У ёки бу бюджетнинг харажатлари жойларда олинган даромадларнинг ҳажми билан мос келмаслиги оқибатида уларни қўшимча маблағлар билан таъминлаш зарурияти вужудга келади, барча қуйи бюджетларни баланслаштириш зарурати пайдо бўлади. Шундай қилиб, мураккаб тақсимлаш жараёни содир бўладиги, унда мамлакат маъмурий-ҳудудий бўлинмаларининг барчаси иштирок этиб, уларнинг айримлари ўз маблағларини беришса, бошқалари эса бюджет механизми орқали бу маблағларни олади.

Сиртдан қаралганда, ҳудудлараро бюджетли тақсимлаш бюджетларнинг юқори ва қуйи бўғинлари ўртасидаги муносабатлардек кўринади. Чунки бюджетли тартибга солиш юқори бюджетларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бироқ ўз даромадлари ҳисобидан қуйи бўғинларнинг бюджет муносабатларини тартибга солувчи ҳар бир бюджет бўлинмаси амалда бу муносабатларнинг таркибига юқорида кўрсатилган баланслаштириш содир бўлаётган кўплаб маъмурий-ҳудудий бирликларни киритади. Улар эса, ўз навбатида, бюджетли тартибга солишда хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолидан тушган маблағларни сарфлайди. Демак, бу жараёнда ҳам турли субъектлар ўртасида мураккаб ва кўп томонлама тақсимлаш муносабатлари вужудга келади.

Бир вақтнинг ўзида, бюджет ва унинг барча бўлинмаларида иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, ижтимоий таъминот, марказлаштирилган инвестициялар, ҳокимият ва бошқарув органлари, мудофаа ва бошқаларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган мақсадли фондлар шакллантирилади. Бунда, албатта, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳанинг бўлинмалари ва ҳоказолар ўртасида маблағларни қайта тақсимлаш содир бўлади.

Бюджет фондлари ўзининг миқдорига кўра кўп сонлидир. Улар давлат бюджетининг барча бўғинларида ва бўлинмаларида яратилади. Шу билан биргаликда, ташкил этилган ҳар бир йирик бюджет фондлари нисбатан тор доираларга мўлжалланган бошқа фондларга бўлинади. Масалан, “Иқтисодиёт харажатлари” фонди алоҳида тармоқлар фонди, улар эса, ўз навбатида, яна бир неча

фондларга бўлиниши мумкин. Буларнинг ҳаммаси давлат бюджетининг асоси сифатида умумдавлат пул фонди турли мақсадларга мўлжалланганлиги, маъмурий ҳудудларга тегишлилиги ва ўзгарувчанлиги билан характерланадиган кўп сонли фондлар конгломератидан иборатдир, деган хулоса чиқаришга асос бўла олади. Бу фонд кўп сонли тақсимлаш каналлари орқали бир томондан, харажат қилиниб, иккинчи томондан эса, тўлдирилиб борилади.

Учинчи босқичда бюджет фондлари ҳудудлар ва мақсадга мўл-жалланганлиги бўйича харажат қилинади, яъни кўпчилик ҳолларда, бир мулкчилик шакли доирасида бюджет маблағларини қайтарилмаслик тарзида бериш содир бўлади. Уларнинг ҳақиқатда сарфланиши эса бюджетли тақсимлаш жараёнининг охириги босқичида бюджет маблағларини олганлар томонидан амалга оширилади.

Давлат бюджетининг харажатлари, худди унинг даромадлари сингари, иккиёқлама характерга эга. Бир томондан, бу давлатнинг харажатлари, бошқа томондан эса – субъектларнинг ихтиёрига тушадиган қайтарилмайдиган маблағлар бўлиб, уларнинг даромадларига айланади ва улар томонидан турли мақсадларга мўлжалланган тегишли фондларни шакллантиришда фойдаланилади. Ана шу иккиёқлама характер давлат бюджети харажатларининг якуний эмас, балки тақсимлаш жараёнларининг оралиқ босқичи эканлигидан далолат беради. Бу ерда бюджет фондларининг эгаси – давлат ва пул маблағларини олувчилар – субъектлар ўртасида янги тақсимлаш муносабатлари пайдо бўлади. Бу босқичда (биринчисидан фарқли ўлароқ) давлат ва аҳоли ўртасида бевосита тақсимлаш муносабатлари пайдо бўлмайди. Чунки бу босқичда истеъмол мақсадлари учун ажратилган барча бюджет ресурслари тегишли субъектларнинг фондларини (масалан, ижтимоий соҳа ходимларининг иш ҳақи фонди, ижтимоий истеъмол фондлари ва бошқалар) шакллантиришга йўналтирилади.

Даромадлар сингари, давлат бюджетининг харажатлари ҳам объектив иқтисодий (бюджет) категория(си)дир. У категория сифатида бюджетли тақсимлаш муносабатларининг маълум бир якуний қисмини абстракт ҳолда умумлаштиради. Уларнинг моддийлашуви бюджетдан субъектларга пул

маблағларининг тескари оқими билан характерланади. Бу муносабатларнинг асосида молия тизимининг барча бўлинмаларига хос бўлган тақсимлаш жараёни – пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш ётади. Лекин бу ерда жараён тескари тартибда содир бўлади: пул фондларини шакллантириш улардан фойдаланишидан олдин содир этилмасдан, бюджет маблағларидан фойдаланувчиларда фондларнинг шаклланишига олиб келади.

Бюджет маблағларини иш билан субъектлар ўзларининг пул фондларини ташкил қиладилар. Бу пул фондлари, ўз навбатида, маълум мақсадларга мўлжалланган кичик фондларга бўлинади. Шунинг учун ҳам давлат бюджетининг харажатлари транзит характерга эга бўлиб, уларни том маънодаги харажатлар деб бўлмайди. Бюджет бу харажатларнинг ўлчамини лимитлаштиради (бироқ тўлиқ даражада эмас), харажатлар эса субъектларнинг ўзи томонидан амалга ошириладики, бунда бюджетдан молиялаштириш тартибида пул маблағлари йўналтирилади ва шу ернинг ўзида тақсимлашнинг янги босқичи бошланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, харажатлар эмас, балки амалда (ҳақиқатда) бюджет ассигнованиялари тушуниладиган давлат бюджетининг харажатларини иқтисодиёт молияси билан тенглаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, маорифга қилинадиган бюджет харажатларини маориф молияси деб аташ мумкин эмас. Худди шунингдек, мудофаа харажатларини Қуролли Кучлар молияси деб бўлмайди.

Бюджет категорияси сифатида давлат бюджетининг харажатлари ўзининг турли кўринишдаги шакллариغا эга. Уларнинг шакллари қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

– сметали молиялаштириш (бунда корхона ёки ташкилот ўз даромадларига эга бўлмасдан давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан тўлиқ сақланади);

– давлатнинг корхона ва ташкилотларига маблағ бериш (бунда молиялаштириш объектлари сифатида фақат капитал қўйилмалар, айланма маблағлар ва операцион харажатлар майдонга чиқади);

– дотациялар (бунда бюджет режали-зарарга ишлайдиган корхоналарнинг зарарларини қоплайди) ва бошқалар.

Бюджет харажатлари бюджет даромадларининг айрим шаклларига ўхшаш баҳоларни шакллантириш билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Бунда бюджет харажатлари товарларнинг баҳоси унинг ҳақиқий қийматидан паст даражада ўрнатилиб, сотилганда вужудга келган зарарларни қоплаш манбаи сифатида майдонга чиқади.

“Давлат бюджетининг харажатлари” ва “бюджетдан молиялаштириш” тушунчалари бир-бирига яқин, лекин айнан бир-бирига тенг бўлган тушунчалар эмас. Агар давлат бюджетининг харажатлари бюджет категориясини ифода этса, бюджетдан молиялаштириш эса бу категориянинг амалда субъектларга барча алоқадор тадбирлар билан маблағларни бериш шаклидаги ифодаланишидир. Пул фондларини шакллантириш жараёни бюджетдан тегишли субъектларга маблағлар берилганидан сўнг ҳам давом этади. Лекин у эндиликда бюджетдан ташқарида давом этиб, субъектлар (иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва уларнинг тармоқлари, корхоналар ва бошқалар) молиясининг элементларини ташкил этади. Бироқ бюджетдан субъектларга маблағ бериш, юқорида саналган усулларнинг исталган бирини мустақил бюджет категорияси сифатида талқин қилиш мумкин эмас. Чунки уларнинг ҳар бири бюджет категорияси ҳисобланган давлат бюджети харажатларининг намоён бўлиш шаклидир.

Шундай қилиб, давлат бюджетининг иқтисодий мазмуни деганда умумдавлат пул фондини шакллантириш, маблағларни бюджетлар ичида тақсимлаш ва субъектларни бюджетдан молиялаштириш натижасида вужудга келадиган, ўзаро боғланган тақсимлаш муносабатларининг бутун комплекси тушунилади.

Лекин ишлаб чиқариш муносабатлари ҳар доим буюмлашган тарзда вужудга келади. Бу муносабатларнинг буюмлашган қатлами ялпи ички (миллий) маҳсулот ҳисобланадики, у тақсимлаш жараёнида қиймат шаклида иштирок этади. Бюджетли тақсимлаш муносабатларига, ички жиҳатдан, қатор иқтисодий қонунларнинг таъсири остида бўлган молиявий алоқаларнинг кенг доираси характерлидир. Давлат бюджети кўп сонли ва бўлинган тақсимлаш актларининг мажмуи орқали ялпи ички (миллий) маҳсулот ҳаракатининг асосий йўналишларида намоён бўлади. Айнан бюджет

истеъмол ва жамғариш фондларининг шаклланишида, истеъмол фондининг қисмларга ажралишига, соф даромаднинг давлат ва субъектлар ўртасида бўлинишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Давлат бюджетининг турли белгилари ва хусусиятларининг юқо-рида баён қилинган тавсифларига таянган ҳолда унинг моҳиятини аниқлаб берувчи қуйидаги таърифни бериш мумкин: мамлакатнинг асосий молиявий режаси кўринишида қонуний расмийлаштирилган, давлат пул фондларини яратиш (шакллантириш) ва улардан фойдаланиш борасидаги иқтисодий (молиявий) муносабатлар мажмуига давлат бюджети дейилади.

Давлат бюджетининг моҳиятини очиб беришда унинг бошқа тақсимлаш инструментлари ва молия тизимининг бўлинмалари билан ўзаро алоқалари муҳим роль ўйнайди. Шу боис таъкидлаш жоизки, давлат бюджети жамиятнинг бошқа тақсимлаш инструментлари (баҳо, кредит, иш ҳақи ва бошқалар) ва молия тизимининг бўлинмалари билан узвий боғлангандир. Бундай ўзаро боғлиқлик давлат бюджетининг моҳиятидан, тақсимлаш муносабатлари тизимидаги роли ва ўрнидан келиб чиқади. Давлат бюджетдан марказий тақсимлаш механизми сифатида фойдаланади, у ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги пропорция (нисбат)ларни тартибга солишга ёрдам беради.

Давлат бюджетининг баҳо билан ўзаро боғлиқлиги икки ёқламалик характерга эга. Бир томондан, бюджет баҳо механизмидан молиявий ресурсларни жалб қилиш учун фойдаланади. Масалан, давлат бюджети даромадларнинг бир қисми қўшилган қиймат солиғи шаклида бўлиб, бу солиқ баҳонинг, аниқроғи, соф даромаднинг элементлари таркибига киради. Бу баҳо ҳолда давлат бюджети томонидан соф даромаднинг бир қисмини давлатнинг ихтиёрига олишда алоҳида механизм ролини ўйнамоқда. Бошқа томондан эса, давлат бюджети мол етказиб берувчиларнинг йўқотганларини компенсация қилиш йўли билан баҳонинг қийматдан фарқланишида молиявий имкониятлар яратиб, баҳоларни шакллантиришда ҳам иштирок этади. Масалан, мамлакат аграр сектори учун қишлоқ хўжалиги техникалари ва минерал ўғитлар етказиб бериш бу соҳада фаолият кўрсатувчи

субъектларга уларнинг ҳақиқий қийматидан паст баҳоларда амалга оширилиб, баҳолар ўртасидаги фарқ давлат бюджети ҳисобидан компенсация қилинади (қопланади). Бундай ҳолларда давлат бюджети баҳоларни шакллантириш механизмидан фойдаланган ҳолда аграр секторни билвосита қўшимча молиялаштиради. Аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этувчи хизматлар баҳосидаги фарқларни бюджетдан қопланиши ҳам худди шу механизмга асосланган.

Давлат бюджетининг узоқ ва қисқа муддатли кредитлар билан ўзаро боғлиқлиги ҳам унча осон эмас. Энг аввало, амалиётда бюджет ва кредит ресурсларининг ўзаро алмашувчанлиги таркиб топганлигини эътироф этиш керак. Маблағларнинг кредит ва бюджет манбалари бир-бирини тўлдириб туриши мумкин. Албатта, бундай ўзаро таъсирчанлик (боғлиқлик) объектив равишда ўзининг чегарасига эга бўлиб, ундан четга чиқиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, шундай фаолият соҳалари ва молиялаштириш объектлари мавжудки, унда фақат давлат бюджети ва аксинча, фаолиятнинг тижорий турларида, асосан, кредит ҳал қилувчи рол ўйнаши керак.

Давлат бюджети ва кредитнинг ўзаро таъсирчанлиги банкларнинг кредит ресурсларини шакллантириш жараёнида ҳам яққол намоён бўлиши мумкин. Давлат бюджети, аввало, зарур ҳолларда банкларнинг қатъий пассивларини шакллантиришнинг муҳим манбаи сифатида майдонга чиқади. Улар, ўз навбатида, узоқ муддатли кредитлаштириш (устав фонди, захира фонди, банкларнинг кредит ресурсларини тўлдириш учун махсус бюджет ассигнованиялари ва бошқалар) учун зарур. Бундан ташқари, бюджет ҳисобварақларида ва бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларида бўлган давлат бюджетининг вақтинча бўш маблағлари қисқа муддатли кредитлаштириш йўли билан банкларнинг кредит ресурсларини тўлдириши мумкин. Шу билан биргаликда, банкларнинг кредит операциялари даромадларни шакллантириб, бу уларнинг даромадининг бир қисмини бюджетга олишда манба бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий категория сифатида иш ҳақи ҳам давлат бюджети билан узвий боғланган. Хусусан, ижтимоий соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг иш ҳақи фондиди

шакллантиришда давлат бюджетининг маблағлари ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Давлат бюджети мамлакатнинг молия тизимида марказий ўрин эгаллаб, унинг барча бўлинмалари билан боғланган. Бундай боғланиш икки йўналиш – бюджетга тўловлар ва бюджетдан молиялаштириш орқали амалга оширилади.

Давлат бюджети молиянинг таркибий қисми сифатида, унинг бошқа бўлинмалари сингари икки хил функцияни бажаради:

- 1) тақсимлаш;
- 2) назорат.

Давлат бюджетининг тақсимлаш функцияси орқали унинг моҳияти намоён бўлади. Бу давлат бюджети томонидан амалга ошириладиган тақсимлаш муносабатларининг мазмунида яққол кўринади. Давлат бюджети орқали амалга ошириладиган тақсимлаш бу жараённинг иккинчи (оралиқ) босқичидир. Шунинг учун ҳам давлат бюджетининг тақсимлаш функцияси ўзига хос бўлган хусусиятга эга бўлиб, ундан тақсимланган ялпи ички (миллий) маҳсулотни қайта тақсимлашда фойдаланилади. Агар тақсимлашнинг биринчи босқичида бюджет маблағлари (бюджетга тўловлар) миллий даромадда давлатнинг улуши сифатида майдонга чиқса, унинг иккинчи босқичида эса ана шу улуш қисмларга бўлинади ва кўп сонли каналлар орқали турли тадбирларни молиялаштиришга ва фондларни шакллантиришга йўналтирилади.

Аҳолининг бюджетга тўловлари ҳам қайта тақсимлаш характерига эга. Уларнинг бюджетга турли солиқлар кўринишида келиб тушиши иккинчи тақсимлаш актидан иборатдир. Айниқса, ижтимоий соҳада фаолият кўрсатаётган ходимлар томонидан турли кўринишдаги солиқларнинг бюджетга тўланиши ҳам бу маблағларнинг кўп сонли тақсимлаш босқичларидан ўтишини тақозо этади. Чунки жуда кўп ҳолларда бу маблағлар анча олдинроқ бюджет ёрдамида тақсимланиш босқичидан ўтиб, ижтимоий соҳага бюджет ассигно-ваниялари шаклида етиб борган бўлади.

Демак, мамлакатда яратилган ялпи ички (миллий) маҳсулот (миллий даромад)нинг алоҳида олинган бир қисми тақсимлашнинг бюджет механизми орқали бир неча марта

тақсимланиши (қайта тақсимланиши) мумкин. Бу давлат бюджети тақсимлаш функциясининг биринчи характерли хусусиятидир.

Амалга ошириладиган операциялар кўламининг, пул оқимларининг кенглиги ва ташкил топадиган мақсадли фондларнинг хилма-хиллиги давлат бюджети тақсимлаш функциясининг иккинчи хусусияти бўлиб ҳисобланади. Бюджет ялпи ички (миллий) маҳсулот (миллий даромад)нинг каттагина қисмини тақсимлаб, турли мақсадларга мўлжалланган кўп сонли фондларни шакллантиради. Давлат бюджети билан иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча бўлинмалари бевосита ёки билвосита боғлангандир.

Давлат бюджетининг тақсимлаш функциясининг учинчи характерли хусусияти шундан иборатки, бунда тақсимлашнинг асосий объекти бўлиб жамиятнинг соф даромади (қўшилган қиймат солиғи, фойда ва бошқалар) майдонга чиқади. Лекин бу миллий даромад, ялпи ички (миллий) маҳсулот ва миллий бойликнинг бошқа элементларининг ҳам қисман тақсимланиши мумкинлигини инкор этмайди. Бюджет орқали солиқлар шаклида жисмоний шахсларнинг даро-мадлари ҳам қайта тақсимланади. Шунингдек, бюджет механизми орқали хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ҳам маблағлар қайта тақсимланиши мумкин.

Бюджет каналлари бўйича қийматнинг жамғариш ва истеъмол фондлари томон ҳаракати содир бўлади. Иқтисодиётга харажатларнинг маълум бир қисми, марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш ва ижтимоий соҳани сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг асосий қисми бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Давлатнинг моддий резервлари ўсган қисмининг ҳаммаси ҳам бюджетдан тўлиқ молиялаштирилади. Давлат бюджети ижтимоий истеъмол фондларини шакллантиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади, ижтимоий соҳа ходимлари учун истеъмол фондининг яратилишини таъминлайди.

Бюджет орқали тақсимлаш жараёни кўп босқичда амалга оширилади. Агар унинг биринчи босқичи иқтисодиёт соҳаларида (бир-ламчи тақсимлаш) амалга оширилса, бюджет

орқали ялпи ички (миллий) маҳсулотнинг иккиламчи тақсимланиши (қайта тақсимланиши) содир бўлади. Унинг учинчи босқичи (бюджетдан молиялаштириш) иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг бўлинмаларини қамраб олади. Бироқ тақсимланаётган ялпи ички (миллий) маҳсулотнинг айрим элементлари бюджет орқали кўп марталаб ҳам тақсимланиши мумкин. Масалан, ижтимоий соҳа ташкилотларининг ижтимоий суғурта фондига тўловлари бюджетли тақсимлашнинг маҳсулидир. Чунки бу соҳа ташкилотларида иш ҳақи фонди бюджетдан молиялаштириш асосида вужудга келади. Лекин тақсимлашнинг иккинчи босқичидан ўтиб, улар яна ижтимоий суғуртага ажратмалар шаклида бюджетга келиб тушади.

Шундай қилиб, давлат бюджетининг тақсимлаш функцияси тақсимлашнинг кўп марталиги билан характерланади. У ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида намоён бўлади. Жамият иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият, фан, санъат, мудофаа ва аҳолининг турмуш тарзини яхшилашда ундан фойдаланади. Фақат давлат бюджетигагина ялпи ички (миллий) маҳсулотни тақсимлашнинг ана шундай хилма-хил шакллари ва методлари тақдим этилган.

Давлат бюджетининг назорат функцияси ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Бюджетнинг миллий иқтисодиёт билан узвий боғлиқлиги такрор ишлаб чиқаришнинг барча бўлинмаларида аҳволнинг қандайлиги тўғрисида маълумотлар билан доимий таъминлаб туради.

Маблағларнинг бюджетга келиб тушиши, бюджет ассигнованияларининг йўналиши ва улардан фойдаланиш ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмашув ва истеъмолдаги муваффақият ва камчиликларни ифода этади. Улар миллий иқтисодиётда номутаносибликларнинг вужудга келаётганлиги, ривожланиш суръатларидаги бузилишлар, миллий иқтисодиётда содир бўлаётган тақсимлаш жараёнларининг тўғрилиги ва ўз вақтидалиги, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва ҳоказолар тўғрисида гўё сигнал бериб туради. Миллий иқтисодиётнинг исталган бир соҳаси ёки корхонанинг молиявий аҳволи, албатта, давлат бюджети билан бўладиган ўзаро муносабатларга – солиқларда,

тўловларга, бюджетдан молиялаштириш ҳажмларига, бюджет ассигнованияларини ўзлаштиришда ва ҳоказоларга ўз таъсирини кўрсатади. Демак, бюджет орқали режадан оғиш туфайли тармоқлараро молиявий алоқалар ва даврий қисман диспропорциялар, жамғармаларнинг ҳажми, маблағларни ўзлаштириш суръатлари ва бошқалардаги ўзгаришлар яққол кўриниб туради. Буларнинг барчаси давлат бюджетининг назорат функциясига умумийлик, универсаллик характерини беради (биринчи хусусият). Бу эса, ўз навбатида, миллий иқтисодиётни тезкор бошқаришда давлат бюджетининг назорат функциясидан кенг фойдаланиш учун шароит яратади.

Давлат бюджетининг назорат функциясига тегишли бўлган иккинчи характерли хусусият молиявий муносабатларнинг алоҳида соҳаси сифатида давлат бюджетининг юқори даражада марказлаштирилганлигидан келиб чиқади. Марказлаштирилганлик ҳар доим юқори органлар олдида қуйи органларнинг ҳисобот бериб туришини, маълум кетма-кетликда бўйсунининг тизимлилигини англатади. Бу эса, ўз навбатида, юқоридан қуйигача давлат молиявий назоратини ташкил этишга шарт-шароит яратиб беради.

Кучли мажбурийлик, императивлик давлат бюджетининг назорат функциясига тегишли бўлган учинчи хусусиятдир. Бюджет давлатники бўлганлиги учун унинг назорат функцияси миллий иқтисодиётни бошқариш воситаларидан бири ҳисобланади. Назорат функциясининг объектив равишда бюджетга хослиги, унинг иқтисодий категория сифатидаги хусусияти давлатнинг ҳуқуқий асосга эгаллигини тақозо этади. Шунинг учун ҳам бюджет назорати энг таъсирчан ва самарали саналади. Давлат бундай назоратни амалга ошира бориб, субъектларнинг молиявий фаолиятига тезкор равишда аралашуви, керакли ҳолларда эса, у ёки бу жазоларни қўллаши мумкин.

Объектив равишда бюджетга хос бўлган назорат функцияси фаолиятнинг барча соҳаларида давлат томонидан кенг қўлланилади. Бюджетни режалаштириш жараёнларида ва уни ижро этишда субъектлар фаолиятининг барча томонлари

текширилиши ёки назорат қилиниши мумкин. Бундай назорат, одатда, қуйидаги мақсадларни кўзда тутлади:

- 1) давлат бюджетининг даромадларини ошириш учун пул маблағларини жалб қилиш;
- 2) маблағларни сарфлашнинг қонунийлигини таъминлаш;
- 3) молиявий (бюджет) механизм орқали ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш.

Давлат бюджетининг функциялари унинг иқтисодий мазмун-моҳиятини ифода этиб, бюджетни режалаштириш жараёни ва уни ижро этишда ўзини намоён этади.

Бюджетнинг тақсимлаш ва назорат функциялари ўз ҳаракатлари давомида миқдорий ва сифат томонларга эгадир.

Тақсимлаш функциясининг миқдорий томони у ёки бу фонднинг ҳажмига тегишли ҳисобланади. Бунда турли фондларнинг нисбатлари, улар ўртасидаги пропорциялар, уларнинг миқдорий параметрларини тўғри аниқлаш назарда тутилаяпти. Бу ерда ҳар икки функциянинг ҳаракати бир хилда муҳимдир. Агар бюджетнинг тақсимлаш функцияси у ёки бу фондни ошириш ёки камайтириш йўли билан уни кўзланган даражага етказишга шароит яратар экан, унинг назорат функцияси эса ана шундай тақсимлашнинг натижасини, унинг ижобий ва салбий томонларини аниқлашга имкон беради.

Тақсимлашнинг сифат томони бюджетнинг субъектлар фаолиятига ҳар томонлама фаол таъсир кўрсатади ва ўзида чуқур алоқаларни ифодалайди. Бюджетдан молиялаштиришдан тўғри фойдаланган ҳолда фондларнинг шакллантирилиши бюджет маблағларини иқтисод қилиб, улардан самарали фойдаланишига, иқтисод режимига риоя қилинишига, субъектнинг барча бўлинмаларида самарадорликни оширишга ўз таъсирини кўрсатади. Бунга бюджетнинг тақсимлаш функцияси фақат миқдорий омилларга бўйсундирилганда эмас, балки у сифат кўрсаткичларига ҳам боғлангандагина эришилиши мумкин. Бунда бюджетнинг назорат функцияси ҳам ўз йўналишини бироз ўзгартиради: у фақат фондларнинг миқдорий жиҳатдан номувофиқлиги тўғрисида эмас, балки ана шу номувофиқ-

ликлар сифат кўрсаткичларига ҳам таъсир кўрсатганлиги тўғрисида сигнал беради.

Давлат бюджетининг иккала функциясидан фойдаланиш натижасида **бюджет механизми** вужудга келади. Бюджет механизми дейилганда, одатда, фақат молиявий ресурсларни давлатнинг қўлида аккумуляция қилиш ва уларни бюджет каналлари бўйича тақсимлашнинг амалдаги тизими назарда тутилмасдан, балки такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларига бу жараённинг фаол таъсири ҳам тушунилади. Бу механизмнинг деталлари жуда кўп: солиқлар ва бюджетга тўловлар, бюджетдан молиялаштиришнинг турли шакл-лари, маблағларни бюджетлар ичида тақсимлаш ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Бюджет механизми ишлашининг самарадорлиги унга тегишли бўлган деталларнинг ўзаро таъсирчанлиги ва уларнинг бир-бирига боғлиқлиги билан белгиланади.

Мамлакатнинг молия тизимида давлат бюджети марказий ўрин эгаллайди. Марказлаштирилган пул фондини шакллантириш орқали давлатнинг қўлида катта ҳажмдаги молиявий ресурслар тўпланади ва улар умумдавлат эҳтиёжларини қондиришга сарф этилади. Давлат бюджети умумдавлат манфаатларини инобатга олган ҳолда устувор йўналишлар учун молиявий ресурсларни жамлашда асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Устувор йўналишлар учун давлат бюджети ёрдамида молиявий ресурсларни жамлаш бир неча усуллар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Айрим ҳолларда, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал суръатлар билан ривожланишини таъминлаш мақсадида бюджет ассигнованияларининг ҳажми оширилади. Бошқа ҳолларда эса, ўша секторлардан маблағларни давлат бюджетига олишда қулай шароит яратилади.

Давлат бюджети иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларининг ривожланишида асосий манба ролини ҳам ўйнаши мумкин. Масалан, илмий-техника тараққиёти асосида миллий иқтисодиётда янги тармоқ вужудга келаётган бўлса, унинг пайдо бўлишини ҳозирги шароитда бюджетдан молиялаштиришсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Фаолият кўрсатаётган субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда бюджет катта аҳамият касб этади. Турли объектив ва субъектив омилларнинг таъсири остида айрим субъектларнинг ўз молиявий ресурслари уларнинг соғлом фаолият кўрсатиши учун етарли бўлмай қолганда четдан маблағ жалб қилишга эҳтиёж туғилади. Бундай шароитда давлат бюджети тартибга солувчи манба сифатида майдонга чиқиши мумкин. Албатта, бундай ҳолларнинг барчасида давлат бюджетидан маблағлари субъектларнинг ўз манбалари, тармоқ ичидаги ресурслар, банк кредитларидан сўнг охириги тартибга солувчи манба сифатида фойдаланилади.

Субъектлар фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлашда давлат бюджетининг тартибга солувчи роли қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

- молиявий ресурсларга бўлган янги талабни келгуси бюджет йилида бюджетнинг харажатлари таркибига киритиш;

- молиявий ресурсларга бўлган қўшимча эҳтиёжни мавжуд бюджет ресурсларини манёвр қилиш, яъни бюджет кредитларини бир объектдан иккинчисига ўтказиш йўли билан қондириш. Бундай имкониятнинг мавжудлиги амалиётда айрим субъектларнинг ўзларига тақдим этилган молиявий ресурсларни тўлиқ ўзлаштиришнинг уддасидан чиқа олмаслиги билан изоҳланади;

- қўшимча эҳтиёжни ҳукуматнинг захира фондлари ҳисобидан қоплаш ва бошқалар.

Давлат бюджети миллий иқтисодиёт корхоналарини техника воситалари билан қайта қуроллантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Бюджетдан иқтисодиётга қилинаётган харажатлар ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш, энг аввало, ана шу мақсадларга хизмат қилади. Айниқса, ижтимоий соҳа (маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан, ижтимоий таъминот) харажатларини молиялаштириш, оилаларга ижтимоий нафақа бериш, аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар баҳосидаги фарқларни бюджетдан қоплаш, давлат ҳокимияти органлари, бошқарув ва суд органларини сақлаш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларини молиялаштириш, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш каби вазифаларнинг ўз

вақтида бажарилишини таъминлашда давлат бюджетининг аҳамияти беқиёсдир.

16.2. Давлат бюджетининг даромадлари

Давлат бюджетининг даромадлари³⁶ мамлакат ялпи ички (миллий) маҳсулотини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш умумий жараёнининг элементларидан бири бўлиб, улар оралик (транзит) характерга эга. Улар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган даромадлар ва жамғармаларнинг бир қисмини бюджетга ўтказилиши натижасида вужудга келади. Бюджет даромадларининг моддий-буюмлашган мазмунини давлатнинг ихтиёрига бориб тушган пул маблағлари ташкил этади. Бу молиявий (бюджет) категориянинг намоён бўлиш шакли бюджетга бориб тушувчи турли солиқлар, тўловлар, йиғимлар, божлар ва ажратмалардан иборат.

Миқдорий жиҳатдан давлат бюджетининг даромадлари яратилган (ишлаб чиқарилган) ялпи ички (миллий) маҳсулотда (миллий даромадда) давлатнинг улушини кўрсатади. Уларнинг абсолют ҳажми ва салмоғи мамлакатнинг ялпи ички (миллий) маҳсулоти (миллий даромади)нинг умумий ҳажми, у ёки бу даврда давлатнинг олдида турган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, муҳофаа ва бошқа вазифалар билан белгиланади. Ана шуларга мувофиқ давлат бюджетида маблағларни йиғиш миқдори ва уларни ундиришнинг шакл ва методлари аниқланади.

Бюджет даромадларини шакллантириш жараёнининг қуйидаги принципларга асосланиши мақсадга мувофиқдир:

- солиқларнинг бюджетга олиниши мамлакат миллий бойлиги манбаларининг тугашига олиб келмаслиги керак;
- солиқлар уларни тўловчилар ўртасида тенг тақсимланмоғи лозим;
- солиқларни ишлаб чиқарувчиларнинг айланма фондлари ҳажмига таъсир кўрсатмаслиги;
- солиқларнинг соф даромадга нисбатан ҳисобланиши;

³⁶ “Давлат бюджетининг даромадлари” ибораси бюджетга ундирилаётган солиқлар, тўловлар, божлар, ажратмалар ва бошқа шунга ўхшаш барча даромадларни ўз ичига олади.

– давлат учун солиқларнинг ундирилиши иложи борича арзонроқ бўлиши лозим;

– солиқларнинг ундирилиш жараёни хусусий секторни сиқиб чиқармаслиги керак;

– субъектларнинг мустақил фаолият кўрсатишига шароит яратиш. Яъни, субъектларга тегишли бўлган маблағларнинг бир қисмини давлат бюджетига олиниши уларнинг мустақил ривожланишига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Чегарадан ўтиб кетилганда субъектларнинг мустақиллигини йўқотишига, касодга учраш ҳолларининг вужудга келишига, ички резервларни қидириб топишга ва ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини таъминлашга интилиш сусаяди, хуфёна иқтисодиётнинг ривожланиши бошланади;

– субъектларнинг хатти-ҳаракати ва интилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келган даромадларнинг тўлиқ ёки қисман бюджетга олиниши. Маълум бир харажатларни амалга оширмасдан олинган барча даромадлар давлатнинг ихтиёрига ўтиши керак. Бу принципнинг таъсири остига субъектлар маъмуриятининг нотўғри, ноқонуний ҳаракати (масалан, давлат стандартларини бузиш ва бошқалар) натижасида олинган даромадлар ҳам киритилмоғи лозим;

– ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бошқа мақсадлар учун корхонанинг режалаштирилган эҳтиёжидан ортган суммаларни бюджетга олиш. Бу принцип давлат бюджети даромадларини давлат корхоналарининг маблағлари ҳисобидан ташкил этишда қўлланилиши мумкин. У давлат корхоналарининг молиявий ҳолатини тартибга солади ва бир вақтнинг ўзида ижтимоий эҳтиёжларни қондиришда давлатнинг манфаатларини таъминлайди;

– бюджет механизмининг рағбатлантирувчи таъсирини таъминлаш. Маблағларни субъектлар ихтиёрида бюджетга ўтказилиши уларнинг самарали фаолият кўрсатишга рағбатлантириши керак. Бунда мақсад фақат давлат бюджети даромадларини миқдорий жиҳатдан таъминлаш эмас, балки шу йўл билан корхонада фаолият кўрсатаётган меҳнат жамоаларининг манфаатларига, улар фаолиятининг сифат кўрсаткичларига тўловларнинг таъсирчанлигини кучайтиришдир;

– бюджет даромадларини шакллантиришда улушли иштирок этиш. Бу принцип бюджет даромадларини аҳоли маблағлари ҳисобидан шакллантиришда қўлланилиб, унинг натижасида аҳоли даромадлари даражасига боғлиқ равишда бир қисми бюджетга ўтказилади.

Давлат бюджетининг даромадлари ўзларининг манбалари, ижтимоий-иқтисодий характери, мулкчилик шакли, солиқ ва тўловларнинг тури, маблағларнинг тушиш шакли ва уларни бюджетга ундириш методларига мувофиқ классификация қилиниши мумкин.

Давлат бюджетининг даромадлари ўз манбаларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- солиқли даромадлар;
- солиқсиз даромадлар;
- тикланмайдиган (қайтарилмайдиган) тарзда ўтказилмайдиган пул маблағлари.

Бюджетнинг солиқли даромадлари таркиби мамлакат солиқ қонунчилигига мувофиқ умумдавлат солиқлари ва йиғимлари, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, божхона божлари, бож йиғимлари ва бошқа бож тўловлари, давлат божи, пеня ва жарималардан иборат.

Солиқсиз даромадлар таркибига қуйидагилар киради:

- давлат мулкидан фойдаланиш туфайли олинган даромадлар (солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тўланган солиқ ва йиғимлардан сўнг);
- бюджет ташкилотлари томонидан кўрсатилган тўловли хизматлардан келган даромадлар (солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тўланган солиқ ва йиғимлардан сўнг);
- фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ва жиноий чораларни қўллаш натижасида олинган маблағлар, жумладан, жарималар, мусодаралар, товон тўлашлар ва давлат субъектларига етказилган зарарларни тиклаш бўйича олинган маблағлар ҳамда мажбурий ундирилган бошқа маблағлар;
- молиявий ёрдам кўринишидаги даромадлар (бюджет ссудалари ва бюджет кредитларидан ташқари);
- бошқа солиқсиз даромадлар.

Тушумларнинг қуйидаги кўринишлари ҳам бюджет даромадларининг таркибида ҳисобга олиниши мумкин:

- давлат мулкни вақтинчалик фойдаланишга бериш натижасида ижара ҳақи ёки бошқа кўринишда олинадиган маблағлар;
- кредит муассасаларидаги ҳисобварақларда бюджет маблағларининг қолдиғи бўйича фоизлар кўринишида олинадиган маблағлар;
- давлат мулкига тегишли бўлган мол-мулкни гаровга ёки ишончли бошқарувга беришдан олинадиган маблағлар;
- қайтариш ва ҳақ олиш асосида бошқа бюджетларга, хорижий давлатларга ёки бошқа юридик шахсларга берилган бюджет маблағларидан фойдаланганлик учун ҳақ;
- давлатга қисман тегишли бўлган хўжалик жамиятлари устав капиталининг ҳиссасига ёки акциялар бўйича дивидендларга тўғри келадиган фойда кўринишидаги даромадлар;
- давлат унитар корхоналари фойдасининг бир қисми (солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тўланган солиқ ва йиғимлардан сўнг);
- давлатга тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинадиган қонунчиликда кўзда тутилган бошқа даромадлар.

Бюджетнинг даромадлар қисмини тўлдиришнинг манбаларидан бири бюджет тизимида бошқа даражада турган дотациялар, субвенциялар ва субсидиялар ёки маблағларни қайтарилмаслик ва тикламасликнинг бошқа шаклларида олинадиган молиявий ёрдамдир. Бундай молиявий ёрдамлар маблағларни олувчи бюджетнинг даромадларида ўз ифодасини топиши керак. Жисмоний ва юридик шахслардан, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар ҳукуматларидан қайтарилмайдиган ёки тикланмайдиган шаклда ўтказилаётган маблағлар ҳам бюджетнинг шундай даромадлари таркибига киради.

Ҳозирги амалиётда давлат бюджетининг даромадлари қуйидаги тартибда классификацияланади:

1. Тўғри (бевосита) солиқлар. Уларнинг таркибига юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ; савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар; ягона солиқ тўловидан (микрофирмалар ва кичик корхоналар билан биргаликда)

Давлат бюджетига ажратмалар; жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқлар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган қатъий солиқлар киради.

2. Эгри (билвосита) солиқлар. Бу солиқларнинг таркиби қўшилган қиймат солиғи; акцизлар; божхона божлари; жисмоний шахслардан олинадиган ягона бож тўлови; транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинадиган солиқдан иборат.

3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи. Бу гуруҳга кирувчи солиқлар ва тўловлар мол-мулк солиғи; ер солиғи; ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ўз ичига олади.

4. Устама фойдадан олинадиган солиқ.

5. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ.

6. Бошқа даромадлар.

Ўзининг ижтимоий-иқтисодий белгисига кўра давлат бюджетининг даромадлари икки гуруҳга бўлиниши мумкин:

– хўжалик юритувчи субъектлардан олинадиган даромадлар;

– аҳолидан тушумлар.

Мулкчилик шаклига кўра давлат бюджетининг даромадлари қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

– нодавлат сектордан олинадиган даромадлар;

– давлат хўжаликларидан олинадиган даромадлар;

– аҳолидан олинадиган маблағлар.

Бюджет даромадларининг юқорида санаб ўтилган ҳар бир гуруҳлари даромадларнинг манбалари, тўловларнинг турлари ва ҳоказолар бўйича кичик гуруҳларга бўлиниши ҳам мумкин. Масалан, давлат хўжаликларидан олинадиган даромадларга давлат корхона ва ташкилотларининг тўловлари, давлат мулкани сотишдан олинадиган даромадлар, давлат ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлардан олинадиган даромадлар киради. Аҳолидан бюджетга келиб тушадиган маблағлар эса солиқлар ва бошқа ихтиёрий тўловлардан иборат бўлиши мумкин. Ўз навбатида, ҳар бир кичик гуруҳларга бириктирилган давлат бюджетининг даромадлари

тушумларнинг алоҳида туридан иборат. Масалан, давлат корхоналари томонидан бюджетга ўтказиладиган даромадларнинг таркибига қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, даромад (фойда) солиғи ва бошқалар киради. Шунингдек, давлат мулкidan олинадиган даромадлар таркиби божхона даромадларидан, эгасиз ва мусодара қилинган мол-мулкни, талаб қилиб олинмаган юклар ва почта жўнатмаларини, мерос ҳуқуқи бўйича давлатга ўтган мол-мулкларни реализация қилишдан олинган тушумлардан иборат. Давлат ташкилотлари ва муассасалари томонидан кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадларга давлат автомобил инспекциялари томонидан ундириладиган йиғимлар, товар белгиларини қайд этганлик учун йиғимлар, ўлчов асбобларини давлат текширувидан ўтказилганлиги учун ҳақ, суд ва арбитраж органлари ҳамда нотариал идоралари томонидан аҳолига кўрсатилган хизматлар учун олинадиган ҳақ ва бошқалар киради.

Давлат бюджетининг даромадлари мажбурий ёки ихтиёрий тарзда жалб қилиниши мумкин. Бунда даромадларни мажбурий шаклда жалб қилиш ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ихтиёрий шаклдаги тўловларга давлат облигацияларини ва пул-буюм лотереяларини реализация қилишдан олинган тушумлар киради. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги мажбурийлик юридик ва жисмоний шахслар томонидан маълум бир маблағлар белгиланган муддатларда бюджетга ўтказилиши зарурлигини англатади. У ёки бу тўловни қонун томонидан мажбурий деб эътироф этилиши тўланмаган суммаларнинг мажбурий ундирилишини кўзда тутди. Бу ҳолат бюджетнинг ижроси учун жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, маблағларни тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга жалб этишга йўналтирилган.

Субъектларнинг даромадлари Давлат бюджети ихтиёрига икки хил методларни қўллаб, олиниши мумкин:

- 1) солиқли методлар;
- 2) носолиқли методлар.

Солиқли методлар учун маблағларнинг давлат бюджети фойдасига аниқ белгиланган миқдорларда ва олдиндан ўрнатилган муддатларда ундирилиши характерлидир. Солиқларнинг ундирилиши мамлакат ялпи ички (миллий)

маҳсулоти ва миллий даромадининг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши билан боғлиқ. Улар ёрдамида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолига тегишли бўлган маблағларнинг бир қисми давлат ихтиёрига ўтказилади. Солиқларнинг таркибига қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, даромад (фойда) солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи ва бошқа солиқлар киради.

Носолиқли даромадлар давлатга тегишли бўлган корхона ва ташкилотлардан олинган тўловлардир.

Давлат мулкига айланган ва қайтаришни талаб этмайдиган маблағлар ҳам давлат бюджетининг даромадлари бўлиши мумкин. Бироқ айрим тўловлар давлатнинг ихтиёрига вақтинчалик фойданиш учун ўтказилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда давлат олинган маблағларни сарф этса-да, у бу маблағларни белгиланган муддатларда ва тўлиқ равишда қайтаришга мажбур. Ана шундай бюджет даромадларининг кўринишларидан бири давлат облигацияларини реализация қилишдан олинган тушумлар ҳисобланади. Давлат бюджетининг даромадларига улар шартли равишда, фақат шу йилнинг бюджети даромадлари нуқтаи назаридан киритилиши мумкин.

Давлат бюджети даромадларининг деярли барчаси сарфланиш нуқтаи назаридан олдиндан мўлжалланган мақсадларга эга эмас. Улар умумий фондга туширилади ва одатдаги молиялаштириш тартибда фойдаланилади. Бюджет даромадларининг фақат баъзи бир-ларигина олдиндан белгиланган мақсадлар учун мўлжалланган. Уларнинг таркибига ижтимоий суғурта бадалларини киритиш мумкин.

Солиқлар, тўловлар, йиғимлар, божлар ва мажбурий ажратмалар-нинг алоҳида шакллари ва турларининг йиғиндиси давлат бюджети даромадларининг ягона тизимини шакллантиради. Турли субъектлардан келиб тушадиган Давлат бюджетининг даромадлари умумдавлат эҳтиёжларини таъминлаб, бир-бири билан ўзаро боғлангандир.

Давлат бюджети даромадларининг таркиби ва унинг тузилмаси доимий эмас. Улар мамлакат тараққиёти ва давлатнинг олдидаги вазифаларнинг ўзгаришига мувофиқ равишда ўзгариб боради.

Миллий иқтисодиётда қўлланилаётган Давлат бюджети даро-мадлари тизимининг самарадорлиги маблағларнинг бюджетга тушумини ташкил этишга бевосита боғлиқ. Бу нарса ўз ичига қуйидагиларни олади:

- бюджетга тегишли бўлган даромадларни (солиқлар, тўловлар, божлар, ажратмалар ва бошқалар) ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш;
- маблағлар тушумининг ҳажми ва муддатларини аниқлаш тартиби;
- даромадларни (тўловларни) бюджетга ўтказиш тартиби;
- бюджетга даромад ўтказувчиларни ҳисобга олиш;
- бюджетга даромад ўтказувчиларнинг жавобгарлиги;
- бюджетга даромадларни ўз вақтида ва тўлиқ ўткази-лишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими;
- бюджетга даромадларни ундиришда солиқ орган-ларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Юқоридагиларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат ва бюджетга даромадларни тўловчилар ўртасидаги манфаатларнинг оқилоналигини таъминлашга катта эътибор бермоқ лозим³⁷.

16.3. Давлат бюджетининг харажатлари

Давлат бюджетининг харажатлари умумий молиявий категория бўлган бюджетнинг кўринишларидан бири бўлиб, унга тегишли бўлган умумий хусусиятларга эгадир. Яъни улар тақсимлаш характериға эга, ифодаланишнинг пул шакли хос, пул фондларининг амал қилиши билан боғланган ва давлат томонидан ташкил қилинади. Шу билан биргаликда Давлат бюджетининг харажатлари бир бутуннинг ўзига хос қисми бўлганлиги учун улар давлатнинг марказлаштирилган пул фондлари маблағларидан фойдаланиш ва тегишли фондларни шакллантириш билан боғлиқдир. Бу тақсимлаш муносабатларининг моддий-буюмлашган шакли турли

³⁷ Бюджет даромадларига оид ушбу параграфда кўтарилган масалаларнинг аксарияти, маълум маънода бироз такрорлашлар бўлишига қарамасдан, дарсликнинг 17-боби доирасида батафсилроқ кўриб чиқилади.

соҳаларга йўналтирилаётган бюджет маблағларининг ҳаракатидан иборат.

Давлат бюджетининг харажатлари харажатларнинг конкрет турлари орқали намоён бўлади. Бюджет харажатлари конкрет турларининг хилма-хиллиги эса, ўз навбатида, қуйидаги омилларнинг мавжудлиги билан белгиланади: давлатнинг иқтисодий табиати ва функциялари; мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси; бюджетнинг миллий иқтисодиёт билан боғланганлиги; иқтисодий муносабатларнинг ривожланганлик даражаси; бюджет маблағларининг намоён бўлиш шакллари ва ҳ.к.

Жамиятнинг иқтисодий ҳаётида бюджет харажатларининг роли ва аҳамиятини аниқлаш учун уларни маълум белгиларга кўра туркумлаштириш мақсадга мувофиқ. Улар ўзларининг иқтисодий мазмуни, ижтимоий такрор ишлаб чиқаришдаги роли, ишлаб чиқариш тармоқлари ва фаолият турлари, ижтимоий мўлжалланганлиги бўйича ва маълум мақсадларига кўра алоҳида гуруҳларга ажратилиши мумкин.

Иқтисодий мазмунига кўра Давлат бюджетининг харажатлари капитал ва жорий харажатларга бўлинади.

Бюджетнинг капитал харажатлари инновацион ва инвестицион фаолиятга йўналтирилган харажатлардир. Бу харажатларнинг таркибига:

а) тасдиқланган инвестицион дастурга мувофиқ ҳаракатдаги ёки янгидан ташкил этилаётган юридик шахсларга инвестициялар учун мўлжалланган харажатлар;

б) юридик шахсларга инвестицион мақсадлар учун бюджет кредитлари сифатида бериладиган маблағлар;

в) кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган капитал таъмирлашни амалга ошириш харажатлари ва шу билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар;

г) амалга оширилиши давлат мулкига тегишли бўлган мулкни ошириш ёки уни янгидан яратишга олиб келадиган харажатлар;

д) Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий туркумланишига мувофиқ бюджетнинг капитал харажатлари таркибига киритиладиган бошқа харажатлар.

Давлат бюджетининг капитал харажатлари таркибида Тараққиёт бюджети шакллантирилиши мумкин.

Давлат ҳокимият органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари, бюджет ташкилотларининг жорий фаолиятини таъминлашга йўналтирилган бюджет харажатлари, бошқа бюджетлар ва иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларига дотация, субсидия ва субвенция шаклида кўрсатиладиган, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва Давлат бюджети харажатларининг туркумланишига мувофиқ капитал харажатларнинг таркибига киритилмаган бошқа харажатлар бюджетнинг жорий харажатлари дейилади.

Такрор ишлаб чиқаришдаги ролига кўра Давлат бюджетининг харажатлари миллий иқтисодиётга (хўжаликка) қилинадиган харажатлар ва ижтимоий соҳа ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларига бўлинади. Бу харажатларга, дастлаб, давлат корхоналари ва давлат улуши бор бўлган корхоналарнинг устав капиталини шакллантириш, уларни янада кенгайтириш ва ривожлантириш, давлат моддий захираларини яратиш харажатлари киради. Бюджетнинг ижтимоий соҳа ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ҳам ижтимоий жиҳатдан зарур бўлган харажатлардир. Бу харажатлар истеъмол фондларини шакллантириш билан боғлиқ. Уларнинг бир қисми жамият аъзоларининг шахсий бошқа бир қисми эса бутун жамиятнинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. Бунда Давлат бюджетининг харажатлари ижтимоий истеъмол фондларини (мамлакатнинг мудофаа фонди, илмий тадқиқотлар фонди ва бошқалар) шакллантиришни тўлиқ, шахсий истеъмол фондларини эса қисман (марказлаштирилмаган молиявий ресурслар билан биргаликда) таъминлайди. Шу билан биргаликда, бюджет маблағларининг катта қисмидан шахсий истеъмол фондларининг ижтимоий истеъмол фондларига (маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот, аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар баҳоси ўртасидаги фарқларни қоплаш, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга нафақалар фондлари ва бошқалар) тегишли бўлган қисмини шакллантиришда кенг фойдаланилади.

Давлат бюджети харажатларининг тармоқ белгиси бўйича гуруҳларга ажратишга асос қилиб миллий иқтисодиёт (хўжалик)нинг умумэътироф этилган тармоқларга бўлиниши

қабул қилинган. Шунга мувофиқ равишда бюджет харажатлари саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот, давлат бошқаруви, мудофаа ва ҳ.к. харажатларига бўлиниши мумкин. Бюджет харажатлари миллий иқтисодиёт (хўжалик) тармоқларининг пул фондларини шакллантиришда мустаҳкам молиявий асосни яратиш билан биргаликда, харажатларнинг тармоқлараро бўлиниши молиявий ресурсларни тақсимлашдаги нисбатларини аниқлашга ҳам имкон беради, миллий хўжаликнинг тармоқ таркибий тузилишини керакли йўналишга ўзгартиради. Масалан, ҳозирги пайтда мамлакатимизда яратилган миллий даромаднинг ҳажми бюджет маблағларининг катта қисмини ижтимоий соҳа ва аҳолини бевосита ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш имконини бераяпти. Бир вақтнинг ўзида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини (машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, электроэнергетика ва бошқалар) кенг кўламларда бюджетдан молиялаштирилиши ҳам таъминланмоқда.

Ижтимоий йўналиши бўйича Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий гуруҳларга ажратилиши давлатнинг тоифаси ва у томонидан бажарилаётган функцияларни ўзида акс эттиради. Ана шунга мувофиқ Давлат бюджетининг барча харажатларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий-қўллаб-қувватлаш харажатлари;
- миллий хўжаликка (иқтисодиётга) харажатлар;
- мудофаа харажатлари;
- бошқарув харажатлари.

Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ўз таркибига маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан, ижтимоий таъминот, аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар баҳоларидаги фарқларни бюджетдан қоплаш ва оилаларга ижтимоий нафақаларни олади. Давлатнинг ижтимоий функциясини ўзида акс эттириб, бу гуруҳдаги бюджетнинг харажатлари халқ таълими тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, фан ва маданиятни молиялаштиришга, аҳолининг тиббий

хизматга бўлган талабини қондиришга, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминотни амалга оширишга кенг йўл очиб беради.

Миллий хўжаликка (иқтисодиётга) бюджетдан харажат қилиниши давлатнинг хўжалик юритувчи асосий субъектлардан бири эканлигидан дарак беради. Айнан бу харажатлар кенг миқёсларда янги саноат корхоналарини қуриш, замонавий индустрия асосида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, транспорт, алоқа ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини техника воситалари билан қайта таъминлашга имкон яратади. Шунинг учун ҳам Давлат бюджетининг бу харажатлари орасида иқтисодиёт ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Давлат бюджетининг мудофаа харажатлари ҳам давлатнинг функцияларидан келиб чиқади. Улар ҳар бир давлатнинг ўз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаши зарурлиги билан боғлиқдир. Қуролли Кучларнинг барча турлари бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Бошқарув шаклидаги фаолият турининг давлат томонидан амалга оширилиши, унинг хўжалик-ташкilotчилик функцияси Давлат бюджетидан бошқарув харажатлари деб номланган алоҳида харажатлар ажратилишини тақозо этади. Бошқарув (давлат ҳокимияти органлари, суд ва прокуратура фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органлари) харажатлари давлат органлари фаолиятининг молиявий асосини ташкил этиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларига раҳбарлик қилишга имкон яратади.

Давлат бюджетининг барча харажатлари юқоридаги тўртта гуруҳдан қайси бирига киришидан қатъи-назар, улар ўзларининг аниқ мақсадларга мўлжалланганлиги бўйича ҳам бир неча қисмларга бўлинади. Бу қисмлар Давлат бюджети харажатларининг аниқ турларидан таркиб топади. Капитал қўйилмалар, дотациялар, субвенциялар, субсидиялар, бюджет ссудалари, иш ҳақи, овқатланиш харажатлари, капитал ва жорий ремонт, канцелярия ва хўжалик харажатларини Давлат бюджети харажатларининг аниқ турлари сифатида кўрсатиш мумкин. Бюджет харажатларининг маълум аниқ мақсадларга мўлжалланганлиги бўйича туркумланиши бюджет

маблағларидан оқилона фойдаланишга шароит яратади, бюджет ассигнованияларидан фойдаланиш устидан самарали ва таъсирчан молиявий назоратни амалга оширишнинг зарурий асоси ҳисобланади.

Давлат бюджетини иқтисодий нуқтаи назардан туркумларга аж-ратиш билан бирга харажатларнинг ташкилий жиҳатидан ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин. Бунинг асосида юқори ташкилотлар (вазирликлар, уюшмалар, ассоциациялар, бирлашмалар, концернлар, компаниялар ва ҳ.к.) Давлат бюджети харажатлари ва ҳудудий белгилар ётиши мумкин. Бюджет харажатларининг юқори ташкилотлар бўйича гуруҳланиши бюджет маблағларини аниқ олувчиларни кўрсатади ва улар тармоқ ичида пул фондларини шакллантиришда масъул бўлиб, ажратилган бюджет ассигнованияларидан ўз вақтида, самарали ва қонуний фойдаланиш устидан жавобгардирлар.

Давлат бюджети харажатларини ҳудудий белгига мос ҳолда бўлиниши уларнинг марказлашувининг турли даражаларини ўзида акс эттиради. Шу муносабат билан, давлат бошқаруви даражасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлари республика ва маҳаллий бюджетларнинг харажатларидан таркиб топади.

Республика бюджетидангина молиялаштириладиган харажатларга қуйидагилар киради:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Сена-ти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Марказий сайлов комиссияси, ижроия ҳокимиятнинг республика ва ҳудудий органлари фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва умумдавлат бошқаруви характеридаги бошқа харажатлар;

б) республика суд, прокуратура, ҳуқуқ-тартибот органлари тизими;

в) умумдавлат манфаатлари учун халқаро фаолиятни амалга ошириш;

г) миллий мудофаа ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, саноатнинг мудофаа тармоқлари конверсиясини амалга ошириш;

д) фундаментал тадқиқотлар ва илмий-техника тараққиётини молиялаштириш;

- е) темир йўл, ҳаво ва дарё транспортини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- ё) иқтисодиётнинг базавий тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- ж) республика ёки давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган муассасаларни сақлаш;
- и) республика мулкани шакллантириш;
- й) Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзига хизмат қилиш ва уни қайтариш;
- к) давлатнинг қимматбаҳо металлари ва моддий захираларини тўлдириш;
- л) сайловлар ва референдумлар ўтказиш;
- м) ҳукумат инвестицион дастурларини молиялаштириш;
- н) республика ҳукуматининг қарорлари бажарилишини таъминлаш;
- о) республика субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш;
- п) бошқа харажатлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида Давлат бюджетининг харажатлари унинг даромадлари билан узвий боғлангандир. Бундай ўзаро боғлиқлик харажатларнинг миқдорий жиҳатдан даромадларга мувофиқ келиши ва уларнинг бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатиши орқали ифодаланади. Бир томондан, аксарият ҳолларда, бюджет харажатларининг ҳажми бюджет даромадларининг ҳажми билан чекланади. Ўз навбатида, бюджет даромадларининг ҳажми эса давлатнинг иқтисодий имкониятлари билан аниқланади. Шунинг учун ҳам бу ерда бюджет харажатларининг шундай ҳажмини ва миллий хўжалиқда пул фондларини шакллантиришда бюджет маблағларидан фойдаланишнинг шундай муддатларини ўрнатиш керакки, улар минимал харажатлар қилиб максимал самарага эришиш орқали давлат олдидаги ижтимоий-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли бажарилишини таъминласин. Бошқа томондан эса, ишлаб чиқаришнинг ўсишига ижобий таъсир қилиш, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш ва миллий хўжалиқдаги пропорцияларни оптималлаштириш орқали Давлат бюджетининг харажатлари унинг даромадлари даражасининг ортишига ўз таъсирини кўрсатади.

Давлат бюджети харажатлари ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бориши уларни миллий хўжаликнинг самарадорлиги нуқтаи назаридан баҳолашни долзарб муаммога айлантириб қўяди. Бунда миллий хўжаликнинг якуний натижасини баҳолаб, фақат унга тегишли бўлган даромадларнинг қўшимча равишда ўсганлигига эътибор бериш билан чекланиш мақсадга мувофиқ эмас. Бунда, бир вақтнинг ўзида, жамиятнинг ижтимоий тараққиёт даражаси, ижтимоий муаммоларнинг қай даражада ҳал этилганлиги ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Албатта, миллий хўжаликнинг якуний натижаси бюджет харажатларининг умумий ҳажмига, уларнинг таркибий тузилишига, бюджет маблағларидан тўғри, тежамли ва самарали фойдаланишга бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда бюджет харажатларининг илмий асосланган ҳолда режалаштирилишига, бюджет ассигнованияларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратнинг бутун тизимига алоҳида эътибор бериш лозим.

Миллий хўжаликни молиявий тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бири ҳам Давлат бюджетининг харажатларидир. Молиявий тартибга солиш дейилганда, миллий хўжаликдаги оқилona пропорцияларни таъминлаш мақсадида бюджет маблағларини тармоқлар ва ҳудудлар бўйича тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг шакллари ва методлари мажмуи тушунилади. Миллий хўжаликни молиявий тартибга солишнинг объектив зарурлиги катта ўзгарувчанлик билан характерланадиган, унинг мураккаб организи турли қисмларида молиявий ресурсларни жамғариш суръатларининг турличалиги билан изоҳланади. Бюджет ресурсларини сарф қилиш орқали давлат пул маблағларини тақсимлашда вужудга келган пропорцияларни ўзгартириши ва бунинг оқибатида баъзи бир тармоқларнинг (ҳудудларнинг) ривожланишини тезлаштириши ва бошқаларининг ривожланишини рағбатлантирмасдан, миллий хўжаликнинг ривожланишини тартибга солиши мумкин. Бюджет маблағларининг катта қисмини муҳим ишлаб чиқариш-ҳудудий комплексларни ривожлантиришга сарфлаш секин-асталик билан чуқур сифат ўзгаришларининг содир бўлишига – ижтимоий ишлаб чиқариш таркибий тузилмасининг ўзгаришига олиб келади.

Мамлакат миллий хўжалигини молиявий жиҳатдан тартибга солиш Давлат бюджети даромадларини режалаштириш ва бюджетдан молиялаштириш жараёнлари давомида амалга оширилади. Режалаштириш жараёнининг ўзидаёқ Давлат бюджети харажатларининг умумий ҳажми горизонталига (тармоқ, вазирлик ва мақсадли йўналишларга) ва вертикалига (бошқарувнинг турли даражаларига мувофиқ равишда) тақсимланиб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг содир бўлиши учун тегишли шароит яратилади. Бюджетдан молиялаштириш жараёнида эса давлат ўзининг ихтиёрига келиб тушаётган пул маблағларини режалаштирилган тадбирлар доирасида ва ундан ташқарида кенг харажат қилиш имконига эга бўлади. Маблағларни конкрет тақсимловчиларга бюджет кредитларини очиш, бюджет ассигнованияларини бериш ва улардан самарали фойдаланишни назорат қилиб, молия органлари иқтисодиётнинг ривожланиши устидан кузатув олиб борадилар ва зарур ҳолатларда тақсимланаётган бюджет маблағларининг пропорцияларини ўзгартирадилар.

Даромадларни давлат бюджетидаги харажатларнинг аниқ турлари ва йўналишлари бўйича бириктирилиши принципи бўлмаганлиги учун бу ерда бюджет ресурсларини кенг миқёсда ўтказиш ва шунга мувофиқ равишда давлатнинг ихтиёрига келиб тушувчи пул маблағларидан ҳар қандай зарур йўналишларда фойдаланилиши мумкин.

Давлат бюджети харажатларининг таркиби ва унинг тузилмаси давлатнинг табиатига, у томонидан бажарилаётган функцияларга, миллий хўжаликнинг эҳтиёжларига боғлиқ ҳамда бюджет механизми орқали ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг баъзи бир омилларига давлатнинг таъсирчанлигини таъминлаш кабилар билан белгиланади.

Давлат бюджетининг харажатларидан фойдаланиш бюджетдан молиялаштириш орқали амалга оширилади. Шу муносабат билан, бюджетдан молиялаштириш дейилганда режада кўзда тутилган тад-бирларни амалга ошириш учун субъектларга бюджетдан маблағларни тақдим этиш тизими тушунилади. У пул маблағларини тақдим этишнинг ўзига хос бўлган шакл ва методлари билан характерланади ҳамда маълум бир принципларга таянади. Бюджетдан молия-

лаштиришнинг принциплари, шакллари ва методлари бу тизимнинг таркибий элементлари бўлиб ҳисобланади ва унинг амал қилиш натижаларига ўз таъсирини кўрсатади. Муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифалар ҳал этилаётган пайтда бюджетдан оқилона ва самарали молиялаштириш тизимининг аҳамияти янада ортади.

Бюджетдан молиялаштиришнинг оқилона тизимини ташкил этиш-да, энг аввало, молиялаштириш принциплари муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги амалиётда фойдаланилаётган бюджетдан молиялаштиришнинг принципларини умумий ва хусусий гуруҳларга бўлиш мумкин. Умумий принциплар бюджетдан маблағ оладиган барча субъектларнинг фаолиятига тегишлидир. Хусусий принциплар эса субъектлар фаолиятининг ташкил этилишига боғлиқ равишда бюджет маблағларининг тақдим этилиш тартибини белгилаб беради.

Бюджетдан молиялаштиришнинг умумий принциплари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- минимум харажатлардан максимум самара олиш;
- бюджет ассигнованияларидан фойдаланишнинг мақсадли характердалиги;
- кўзда тутилган режаларнинг бажарилиши ва олдин берилган ассигнованиялардан фойдаланилганлигини инобатга олган ҳолда бюджет маблағларини тақдим этиш.

Бюджетдан молиялаштириш амалиётида умумий принциплар билан биргаликда хусусий принциплардан ҳам фойдаланилади. Уларнинг таркибига қуйидагилар киради:

- бюджет ассигнованияларини фақат ишлаб чиқаришни кенгайтириш харажатларига ажратиш;
- бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда “қолдиқ” ёндашувидан фойдаланиш;
- бюджетдан молиялаштириш режалаштирилаётган харажатлардан кредит методини таъминлаш билан биргаликда фойдаланиш;
- корхоналарнинг молиявий ҳолатини бюджетли тартибга солиш принципи ва бошқалар.

Амалиётда бюджетдан молиялаштиришнинг турли шаклларида фойдаланилади. Сметали молиялаштириш, дотация, субвенция, субсидия, бюджет ссудалари,

баҳолардаги фарқни қоплаш ва бошқалар бюджетдан молиялаштиришнинг шакллари³⁸.

16.4. Бюджет дефицити³⁹ ва уни молиялаштириш

Назарий жиҳатдан олиб қаралганда бюджетнинг соғлом (нормал) фаолият кўрсатиши унга тегишли бўлган даромадлар ва харажатларнинг тенглигини тақозо этади. Ҳақиқатдан ҳам у ёки бу миқдордаги харажатларни амалга ошириш учун бюджет шу миқдордаги даромадларга эга бўлиши керак. Акс ҳолда бу харажатларни амалга оширишнинг иложи бўлмайди. Бюджет даромадлари ва харажатларининг тенглиги бюджетнинг баланслаштирилганлигидан далолат беради.

Амалиётда бюджет даромадлари ва харажатларининг тенглигига ҳамма вақт ҳам эришилавермайди. Айрим ҳолларда бюджетнинг даромадлари унинг харажатларидан кўп бўлиши мумкин. Бундай бюджет профицитли бюджет дейилади. Аксинча, баъзи ҳолларда эса бюджетнинг харажатлари унинг даромадларидан кўпроқ бўлади. Шунга мувофиқ равишда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан кўп бўлишига бюджет дефицити дейилади.

Бошқа ҳоллар тенг бўлган шароитда, бюджет дефицити вужудга келишининг энг умумий сабаблари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- иқтисодиётни ривожлантириш учун йирик давлат капитал қўйилмаларини амалга оширишнинг зарурлиги;

³⁸ Бюджет харажатларига оид ушбу параграфда кўтарилган масалаларнинг аксарияти, маълум маънода бироз такрорлашлар бўлишига қарамасдан, дарсликнинг 18-боби доирасида янада батафсилроқ кўриб чиқилади.

³⁹ Ўзбек тилида “бюджет дефицити” иборасининг ўрнида кўпчилик ҳолларда “бюджет камомади”, “бюджет тақчиллиги”, “бюджет етишмовчилиги” каби иборалар ишлатилмоқда. Бу ибораларнинг мавжудлиги она тилимизнинг ниҳоятда бой эканлигини яна бир бор кўрсатса-да, бизнинг фикримизча, бу ишлатилаётган ибораларнинг ҳеч бири “бюджет дефицити” ибораси билан мазмун-маъно ва моҳият жиҳатидан тенг кучга эмас. Шунинг учун вазият, ҳолат, жараён ёки воқеликнинг асл ҳолда акс эттирилишини назарда тутиб, ўзбек тилида ҳам бу ўринда “бюджет дефицити” иборасини ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Муаммони ҳал этишга айнан шу тарзда ёндашиш ўзбек тилининг софлигига зиён етказмайди. Аксинча, жаҳон ҳамжамиятида ва халқаро майдонда барча халқларнинг тилида деярли бир хил шаклда қўлланилиб, бир хил маънони англатиб келаётган яна бир халқаро ибора билан она тилимизни бойитган ва бир-биримизни бир хил тушунишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган бўлур эди.

- фавқулдда ҳодисаларнинг мавжудлиги;
 - иқтисодиётдаги кризисли ҳолатлар, унинг емирилиши;
 - молия-кредит алоқаларининг етарли даражада самарали эмаслиги;
 - ҳукуматнинг мамлакатдаги молиявий ҳолатни етарли даражада назорат қилолмаслиги;
 - ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги нисбатан пастлиги;
 - ташқи иқтисодий алоқаларнинг натижаси нисбатан камлиги;
 - бюджет харажатлари таркибий тузилиши (структураси)-нинг оқилона эмаслиги;
 - мамлакат миқёсида мавжуд бўлмаган маблағлар ҳисобидан яшашга интилиш;
 - йирик давлат инвестицияларини амалга ошириш амалиётининг мавжудлиги;
 - ҳарбий харажатлар даражасининг нисбатан катталиги;
 - реал ички имкониятни етарли даражада ҳисобга олмаган ҳолда бошқа мамлакатларга ёрдам берилиши;
 - давлатга иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга рағбатлантирувчи сифатида фойдаланиш имконини бермайдиган ва етарли даражада самарали бўлмаган бюджет механизмнинг мавжудлиги;
 - бошқа сабаблар.
- Бюджет дефицити вужудга келганда унга нисбатан стратегик ёндашув (стратегия) қуйидагиларга алоҳида эътибор берилишини тақозо этади:
- бюджет дефицитининг мавжудлигини математик йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилмаслик керак. Чунки, бу ҳолда иқтисодиётнинг “даволаниш”и ўрнига “касаллиги” кучаяди;
 - бюджетнинг баланслилиги, даромадларнинг харажатлардан кўплиги соғлом ва узлуксиз ривожланаётган иқтисодиётдан далолат бермайди. Бюджет дефицити бўлиши мумкин:
 - бюджет дефицитининг миқдори (даражаси), одатда, мамлакат ялпи миллий маҳсулотининг 2-3%идан ошмаслиги лозим. Ана шу чегарадан ошилса, уни тезроқ қисқартириш (ёки шу даражага келтириш) чораларини кўриш керак;

- бюджет дефицитини қоплаш учун, энг аввало, давлат кредитининг турли шаклларида фойдаланмоқ лозим. Шунингдек, давлат қимматбаҳо қоғозларини молиявий бозорга жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Аксинча, миллий пул бирлиги белгиларини зарб этув-чи ускунани (станокни) ишга солмаслик керак;

- бюджет дефицитининг даражасини камайтириш ёки унга барҳам бериш учун, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг ўзини “даволамоқ” лозим. Акс ҳолда, ана шу мақсадга эришиш учун кўзда тутилган ҳар қандай тадбир, албатта, муваффақиятсизликка учрайди.

Бюджет дефицитининг даражасини камайтириш ёки унга барҳам бериш борасидаги амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг энг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- бюджет харажатларининг (маблағларининг) инвестицион йўналишини ўзгартириш, уларни энг кўп самара берадиган йўналишларга йўналтириш;

- хўжалик юритишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи молиявий имтиёз ва жазолардан кенг фойдаланиш;

- давлатдан молиялаштириш ва давлат иқтисодиёти соҳасини қисқартириш, хорижий давлатларга ёрдам кўрсатишни кескин камайтириш;

- ҳарбий харажатларни қисқартириш;

- энг муҳим ижтимоий дастурларнигина молиялаштиришни сақлаб қолиш, йирик бюджет харажатларини талаб этувчи дастурларни қабул қилишни тўхтатиб туриш;

- Марказий банкнинг қарзларни давлат қимматбаҳо қоғозлари шаклида расмийлаштирмасдан туриб ҳукумат органларига кредит беришини тақиқлаб қўйиш;

- хорижий сармояларни жалб этиш;

- ва бошқалар.

Бюджет дефицити вужудга келган пайтда уни молиялаштириш манбаларини аниқлаб олмоқ зарур. Уни молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири давлатнинг қарз олишидир.

Давлатнинг қарз олиши жисмоний ва юридик шахслар, хорижий давлатлар, халқаро молиявий ташкилотлардан жалб қилинадиган заём ва кредитларни олишдан иборат бўлиб,

ҳукумат олдида қарз оловчи ёки бошқа қарз олганларнинг қарзларни қайтариши бўйича кафолатчи сифатидаги мажбуриятлари вужудга келади.

Давлатнинг ички қарз олиши жисмоний ва юридик шахслар, хорижий давлатлар, халқаро молиявий ташкилотлардан жалб қилинадиган заём ва кредитларни олишдан иборат бўлиб, улар бўйича қарз оловчи ёки бошқа қарз олганларнинг қарзларни қайтариш бўйича ҳам кафолатчи сифатида ҳукуматнинг ўз миллий валютасида ифодаланган қарзий мажбуриятлари пайдо бўлади.

Давлатнинг ташқи қарз олиши жисмоний ва юридик шахслар, хорижий давлатлар, халқаро молиявий ташкилотлардан жалб қилинадиган заём ва кредитларни олишдан иборат бўлиб, улар бўйича қарз оловчи ёки бошқа қарз олганларнинг қарзларни қайтариш бўйича кафолатчи сифатида ҳукуматнинг хорижий валютада ифодаланган қарзий мажбуриятлари вужудга келади.

Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг барча манбалари жалб қилинган маблағларнинг асосий турлари бўйича навбатдаги молиявий йилга мўлжалланган бюджет тўғрисидаги қонунда қонунчилик ҳокимияти органлари томонидан, албатта тасдиқланиши керак.

Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг манбаи сифатида мамлакат Марказий банкининг кредитлари ва Марказий банк томонидан ҳукуматнинг сотиб олинган қарзий мажбуриятлари майдонга чиқиши мақсадга мувофиқ эмас.

Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг барча манбаларини икки гуруҳга бўлиш қабул қилинган:

- 1) ички манбалар;
- 2) ташқи манбалар.

Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг ички манбалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- мамлакат ҳукумати томонидан шу мамлакатнинг миллий валютасида кредит ташкилотларидан олинган кредитлар;
- мамлакат ҳукумати номидан қимматбаҳо қоғозларни чиқариш орқали амалга оширилаётган давлат заёмлари;
- давлат мулкига тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинган тушумлар;

- давлат захиралари ва резервлар бўйича даромадларнинг харажатлардан ўсган қисми суммаси;

- бюджет маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғининг ўзгариши;

- ва бошқалар.

Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг ташқи манбалари қаторига қуйидагилар киради:

- мамлакат ҳукумати номидан қимматбаҳо қоғозларни чиқариш орқали хорижий валютада амалга оширилган давлат заёмлари;

- хорижий валютада тақдим этилган ва мамлакат ҳукумати томонидан жалб қилинган хорижий давлатлар, банклар ва фирмалар, халқаро молиявий ташкилотларнинг кредитлари.

Юридик ва жисмоний шахслар, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари олдидаги (давлат кафолатлари бўйича мажбуриятларни қўшган ҳолда) мамлакат ҳукуматининг қарзий мажбуриятлари ҳукуматнинг давлат қарзини вужудга келтиради. Бу қарз давлат хазинасини ташкил этадиган давлат мулки билан тўлиқ ва ҳеч қандай шартсиз таъминланиши керак. Бунда давлат ҳокимияти органлари мамлакат ҳукуматининг қарзий мажбуриятлари ва давлат қарзига хизмат қилиш учун республика бюджетининг даромадларини шакллантириш бўйича барча ваколатлардан фойдаланадилар.

Мамлакатнинг қарзий мажбуриятлари қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- қарз олувчи сифатида мамлакат ҳукумати номидан кредит ташкилотлари, хорижий давлатлар ва халқаро молиявий ташкилотлар билан тузилган кредит битимлари ва шартномалари;

- мамлакат ҳукумати номидан қимматбаҳо қоғозларни чиқариш орқали амалга оширилган давлат заёмлари;

- мамлакат ҳукумати томонидан давлат кафолатини бериш тўғрисидаги шартномалар;

- ўтган йиллардаги мамлакатнинг қарзий мажбуриятларини реструктуризация қилиш ва муддатини

ўзгартириш тўғрисидаги мамлакат ҳукумати номидан тузилган (шу жумладан, халқаро) битимлар ва шартномалар;

- ва бошқалар.

Мамлакатнинг қарзий мажбуриятлари ўзининг муддатига қараб қисқа муддатли (бир йилгача), ўрта муддатли (бир йилдан ортиқ ва беш йилгача) ва узоқ муддатли (беш йилдан юқори) бўлиши мумкин. Улар заёмнинг конкрет шартларига мувофиқ равишда (заём шартларини, жумладан, тўлов муддатлари, фоиз тўловларининг миқ-дори, муомала муддатларини ўзгартирмасдан) қайтарилиши керак.

Мамлакат ҳукуматининг давлат ички қарзлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ҳукуматнинг давлатни қимматбаҳо қоғозлари бўйича қарзининг асосий номинал суммаси;
- ҳукуматга тақдим этилган кредитлар бўйича асосий қарзнинг ҳажми;
- мамлакат ҳукумати томонидан берилган кафолатлар бўйича мажбуриятлар ҳажми;
- ва бошқалар.

Ўз навбатида, ҳукуматнинг давлат ташқи қарзлари:

- хорижий давлатлар ҳукуматлари, кредит ташкилотлари, фирмалар ва халқаро молиявий ташкилотларга мамлакат ҳукумати томонидан тақдим этилган давлат кафолатлари бўйича мажбуриятлар ҳажми;
- хорижий давлатлар ҳукуматлари, кредит ташкилотлари, фирмалар ва халқаро молиявий ташкилотлардан ҳукумат олган кредитлар бўйича асосий қарз ҳажмидан иборат бўлади.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Давлат бюджети нималарга боғлиқ ҳолда вужудга келади ва ривожланади?
- Давлат бюджети ўзида қандай муносабатларни ифодалайди?
- Давлат бюджети учун қандай характерли хусусиятлар хос?
- “Давлат бюджети” тушунчасига терминологик жиҳатдан яна қандай тушунчалар қўшилади?

- Мамлакатнинг ялпи ички (миллий) маҳсулоти Давлат бюджети орқали тақсимланганда қандай босқичларни босиб ўтади?
- Бюджет фондини шакллантиришда қандай икки тушунчалар фойдаланилади?
- Қандай бюджет категорияларини биласиз?
- Давлат бюджетининг иқтисодий мазмуни нималардан иборат?
- Мамлакатнинг асосий молиявий режаси дейилганда нима назарда тутилади?
- Давлат бюджети деб нимага айтилади?
- Давлат бюджетининг моҳияти нималар орқали намоён бўлади?
- Давлат бюджети бошқа иқтисодий (молиявий) категориялар билан қандай боғланган?
- Давлат бюджети қандай функцияларни бажаради?
- Давлат бюджетининг тақсимлаш ва назорат функциялари қандай характерли хусусиятларга эга?
- Давлат бюджетининг тақсимлаш ва назорат функцияларининг миқдорий ва сифат томонлари нималардан иборат?
- Бюджет механизми дейилганда нималар тушунилади?
- Давлат бюджетининг аҳамияти нималарда намоён бўлади?
- Давлат бюджети мамлакатнинг молия тизимида қандай ўринни эгаллайди?
- Давлат бюджетининг даромадлари нима учун оралиқ харак-терга эга?
- Давлат бюджети даромадларининг моддий-буюмлашган шаклини нималар ташкил этади?
- Бюджет даромадларини шакллантириш жараёнининг асосий принциплари нималардан иборат?
- Давлат бюджетининг даромадлари қандай мезонлар асосида классификация қилиниши мумкин?
- Давлат бюджетининг даромадлари ўз манбаларига кўра қандай гуруҳларга бўлинади?
- Бюджетнинг солиқли даромадлари таркиби нималардан иборат?

- Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари таркибига нималар киради?
- Тушумларнинг қандай турлари (кўринишлари) бюджет даромадларининг таркиби ҳисобига олинishi мумкин?
- Ҳозирги амалиётда Давлат бюджетининг даромадлари қан-ай тартибда классификация қилинапти?
- Тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқларнинг таркиби нималардан иборат?
- Ўзининг ижтимоий-иқтисодий белгисига кўра Давлат бюджетининг даромадлари қандай гуруҳларга бўлиниши мумкин?
- Мулкчилик шаклига кўра Давлат бюджетининг даромадлари қандай кўринишларга эга бўлиши мумкин?
- Субъектларнинг даромадлари қандай методларни қўллаш эвазига Давлат бюджети ихтиёрига олинапти?
- Ҳозирги шароитда Давлат бюджети даромадларининг таркиби нималардан иборат ва унинг тузилмаси қандай?
- Миллий иқтисодиётда қўлланилаётган Давлат бюджети даромадлари тизимининг самарадорлиги бевосита нимага боғлиқ ва у ўз ичига нималарни олади?
- “Давлат бюджети даромадлари” ва “Давлат даромадлари” тушунчалари ўртасига баробарлик (тенглик) белгисини қўйиш мумкинми?
- Давлат бюджетининг харажатлари қандай характерли белгиларга эга?
- Давлат бюджети харажатлари конкрет турларининг хилма-хиллиги нималар билан изоҳланади?
- Давлат бюджетининг харажатлари қандай белгиларга кўра туркумлаштирилади?
- Иқтисодий мазмунига кўра Давлат бюджетининг харажатлари қандай харажатларга бўлинади?
- Давлат бюджетининг капитал харажатлари дейилганда нималар тушунилади ва уларнинг таркиби нималардан иборат?
- Давлат бюджетининг жорий харажатлари дейилганда нималар тушунилади ва уларнинг таркибига нималар киради?
- Такрор ишлаб чиқаришдаги ролига кўра Давлат бюджетининг харажатлари қандай гуруҳларга бўлинади?

- Давлат бюджети харажатларининг тармоқ белгиси бўйича гуруҳларга ажратишнинг асосида нималар ётади?
- Ижтимоий йўналиши бўйича Давлат бюджетининг харажатлари қандай гуруҳлардан ташкил топган?
- Давлат бюджети харажатларининг конкрет турлари нималардан таркиб топади?
- Давлат бюджетининг харажатлари ташкилий жиҳатдан қандай гуруҳларга ажратилади?
- Давлат бюджетининг харажатлари ҳудудий белгиларига мувофиқ қандай гуруҳлардан ташкил топади?
- Фақат Республика бюджетидан молиялаштириладиган харажатларга нималар киради?
- Бозор иқтисодиёти шароитида Давлат бюджетининг харажатлари унинг даромадлари билан узвий боғланганми?
- Ҳозирги шароитда Давлат бюджети харажатларининг конкрет таркиби нималардан иборат ва уларнинг тузилмаси қандай?
- Бюджетдан молиялаштириш дейилганда нималар тушунилади?
- Бюджетдан молиялаштиришнинг умумий принциплари нималардан иборат?
- Амалиётда бюджетдан молиялаштиришнинг қандай шаклларидан фойдаланилмоқда?
- “Давлат бюджетининг харажатлари” ва “Давлат харажатлари” иборалари бир хил маъно-мазмунни англатадими?
- Бюджет дефицити деб нимага айтилади?
- Бюджет дефицитининг вужудга келишидаги энг умумий сабаблари нималардан иборат?
- Бюджет дефицити вужудга келганда унга нисбатан стратегик ёндашув (стратегия) нималарга алоҳида эътибор беришни тақозо этади?
- Бюджет дефицити даражасини камайтириш ёки унга барҳам бериш борасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?
- Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг асосий манбаларига нималар киради?

- Давлатнинг ички ва ташқи қарзлари дейилганда нималар тушунилади?
- Давлатнинг ички қарзларининг таркиби нималардан иборат бўлиши мумкин?
- Давлат ташқи қарзлари таркибига нималар киради?
- Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг барча манбалари қандай гуруҳлардан ташкил топади?
- Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг ички манбаларига нималар киради?
- Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг ташқи манбалари нималардан иборат?
- Мамлакатнинг қарзий мажбуриятлари қандай шаклларда бўлиши мумкин?
- “Бюджет дефицити”, “Бюджет камомади”, “Бюджет тақчиллиги”, “Бюджет етишмовчилиги” ибораларининг маъно-мазмуни бир хилми?

17-боб. Бюджет даромадлари

17.1. Бюджет даромадларининг мазмун-моҳияти ва уларни шакллантириш принциплари

Бюджет даромадлари давлатни марказлаштирилган молиявий ресурсларининг бир қисми бўлиб, давлат функцияларини бажариш учун зарурдир. Улар пул маблағлари фондларини шакллантириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий (молиявий) муносабатларни ўзида ифода этади ва турли даражадаги ҳокимият органларининг ихтиёрига келиб тушади.

Қайд этилганларни инобатга олган ҳолда унга бюджет даромадларининг маъно-мазмунини ифодаловчи қуйидаги таърифларни бериш мумкин: пул маблағлари фондларини шакллантириш жараёнида вужудга келувчи иқтисодий (молиявий) муносабатларни ўзида ифода этадиган, ҳокимият органларининг турли даражалари ихтиёрига келиб тушадиган, давлатнинг функцияларини бажариш учун зарур бўлган давлат марказлаштирилган молиявий ресурсларининг бир қисми бюджет даромадлари дейилади.

Мамлакатларнинг давлат тузилишига боғлиқ равишда бюджет даромадлари қуйидагича фарқланади:

- 1) марказий (давлат) бюджет(и) даромадлари;
- 2) унитар (ягона) давлатлардаги маҳаллий бюджетлар даромадлари.

Федератив (иттифоқчилик) тузилиш(и)га эга бўлган давлатларда бюджет даромадларининг бу икки кўриниши федерация аъзолари бюджетларининг даромадлари билан тўлдирилади.

Бюджет даромадлари давлат даромадларига нисбатан торроқ даражадаги тушунчадир. Чунки давлат даромадлари ҳокимиятнинг барча даражадаги бюджетларининг молиявий маблағлари билан биргаликда яна ўзининг таркибига давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалар ва барча давлат

секторига тегишли бўлган бошқа ресурсларни ҳам қамраб олади.

Бюджет даромадларининг асосий моддий манбаи миллий даромаддир. Агар давлатнинг молиявий эҳтиёжларини қондириш учун миллий даромад етарли бўлмаса, давлат бундай эҳтиёжни қондиришга миллий бойликни жалб этиши мумкин. Бу ерда миллий бойлик дейилганда маълум бир даврда жамиятнинг ихтиёрида бўлган, ҳозирги ва ўтган авлоднинг меҳнатлари эвазига яратилган моддий неъматлар ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган табиий ресурслар мажмуи назарда тутилаяпти.

Миллий даромадни давлат ихтиёрига ўтказиш турли методлар ёрдамида амалга оширилади. Солиқлар, давлат кредити ва пул эмиссияси давлат ҳокимияти органлари томонидан миллий даромадни қайта тақсимлаш ва бюджет даромадларини шакллантириш учун фойдаланилаётган методларнинг асосийлари бўлиб ҳисобланади. Бу методлар ўртасидаги нисбат мамлакатлар ва даврлар бўйича турлича бўлиб, мамлакатдаги иқтисодий вазият, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа қарама-қаршилиқларнинг кучлилик даражаси, давлатнинг молиявий сиёсати ва молиявий аҳволи билан белгиланади.

Миллий даромадни қайта тақсимлашнинг асосий методи солиқ-лар ҳисобланади. Улар ёрдамида бюджет даромадларининг асосий салмоғи таъминланади. Турли мамлакатлар марказий бюджетларининг даромадларида солиқ тушумлари қарийб 90%ни ташкил этади. Федерация аъзолари ва маҳаллий бюджетлар даромадларида солиқларнинг салмоғи нисбатан пастроқдир. Бу бюджетлар бириктирилган (тегишли бюджетларнинг ўз даромадлари) ва тартибга келтирувчи (бюджет тизимининг юқори бўғинидан қуйи бўғинига бериладиган даромадлар) даромадлар ҳисобидан шакллантирилади.

Ўзининг молиявий аҳамиятига кўра давлат кредитлари ҳам бюджет даромадлари ҳисобланади. Келгуси йил учун бюджет тузилаётган пайтда бюджет дефицити мавжуд бўлса (вужудга келса), давлат ана шу методдан фойдаланади. Давлат мамлакатда молиявий аҳволнинг мураккаблашиши ва бюджет

дефицити ҳажмининг ошишига мувофиқ равишда давлат кредитига мурожаат қилади. Бундай кредитларни олишнинг икки йўли мавжуд:

1) давлат номидан қимматли қоғозлар чиқариш йўли билан жисмоний ва юридик шахслардан давлат қарзларини олиш;

2) Марказий банк ва бошқа кредит ташкилотларидан олинган кредитлар.

Давлат кредит операциялари ҳажмининг ошиши давлат қарзининг ошишига олиб келади. Ўз навбатида, давлат қарзлари солиқлар билан чамбарчас боғлиқ. Уни узиш (қайтариш) ва фоизларини тўлаш, асосан, солиқ тўловлари ёки давлатнинг янги кредит операциялари ҳисобидан амалга оширилади.

Фавқулодда ҳолатларда, солиқ тўловлари ва давлат кредитларини олиш мураккаблашганда давлат қоғоз пуллар эмиссиясига мурожаат қилади. Бу бюджет даромадларини тўлдиришнинг энг ноқулай методидир. Чунки бу методнинг қўлланилиши тегишли тартибда товар билан таъминланмаган пул массасининг ўсишига ва инфляцион жараёнларнинг кучайишига, пировардида эса, оғир ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бюджет даромадлари мамлакат ялпи ички (миллий) маҳсулотини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш умумий жараёнининг элементларидан бири бўлиб, оралиқ (транзит) характерга эга. Улар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган даромадлар ва жамғармаларнинг бир қисмини бюджетга ўтказилиши натижасида вужудга келади. Бюджет даромадларининг моддий-буюмлашган мазмунини давлатнинг ихтиёрига бориб тушган пул маблағлари ташкил этади. Бу молиявий (бюджет) категориянинг намоён бўлиш шакли бюджетга бориб тушувчи турли солиқлар, тўловлар, йиғимлар, божлар ва ажратмалардан иборат.

Миқдорий жиҳатдан бюджетнинг даромадлари яратилган (ишлаб чиқарилган) ялпи ички (миллий) маҳсулотда (миллий даромадда) давлатнинг улушини кўрсатади. Уларнинг абсолют ҳажми ва салмоғи мамлакатнинг ялпи ички (миллий) маҳсулоти (миллий даромади)нинг умумий ҳажми, у ёки бу даврда давлатнинг олдида турган сиёсий, иқтисодий,

ижтимоий, мувоффа ва бошқа вазифалар билан белгиланади. Ана шуларга мувофиқ равишда бюджетга маблағларни тўплаш йиғиш миқдори ва уларни ундиришнинг шакл ва методлари аниқланади.

Бюджет даромадларини шакллантириш жараёнининг қуйидаги принципларга асосланиши мақсадга мувофиқдир:

– субъектларнинг мустақил фаолият кўрсатишига риоя этиш (шароит яратиш). Бунинг маъноси шундаки, субъектларга тегишли бўлган маблағларнинг бир қисмини бюджетга олиниши уларнинг мустақил ривожланишига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Бу чегарадан ошиб кетиш субъектларнинг мустақиллигини йўқотишига, касодга учраш ҳолларининг вужудга келишига, ички резервларни қидириб топишга ва ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини таъминлашга интилишнинг сусайишига, хуфёна иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади;

– субъектларнинг хатти-ҳаракати ва интилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келган даромадларнинг тўлиқ ёки қисман бюджетга олиниши. Маълум бир харажатларни амалга оширмасдан туриб олинган барча даромадлар субъектларнинг ихтиёрига қолдирилмасдан давлатнинг ихтиёрига ўтиши керак. Бу принципнинг таъсири остига субъектлар маъмуриятининг нотўғри, ноқонуний ҳаракати (масалан, давлат стандартларини бузиш ва бошқалар) натижасида олинган даромадлар ҳам киритилмоғи лозим;

– ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бошқа мақсадлар учун корхонанинг режалаштирилган эҳтиёжидан ортган суммаларни бюджетга олиш. Бу принцип бюджет даромадларини давлат корхоналарининг маблағлари ҳисобидан ташкил этишда қўлланилиши мумкин. У давлат корхоналарининг молиявий ҳолатини тартибга солади ва бир вақтнинг ўзида ижтимоий эҳтиёжларни қондиришда давлатнинг манфаатларини таъминлайди;

– бюджет механизмининг рағбатлантирувчи таъсирини таъминлаш. Субъектлар ихтиёридан маблағларнинг бюджетга олиниши уларнинг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантириши керак. Бу ерда қўйилган вазифа фақатгина бюджет даромадларини миқдорий жиҳатдан таъминлаш эмас, балки шу орқали корхонада фаолият кўрсатаётган меҳнат

жамоаларининг манфаатларига, улар фаолиятининг сифат кўрсаткичларига тўловларнинг таъсирчанлигини кучайтиришдир;

– бюджет даромадларини шакллантиришда улушли иштирок этиш. Бу принцип аҳоли маблағлари ҳисобидан бюджет даромадларини шакллантиришда қўлланилиб, унинг натижасида аҳоли даромадларининг бир қисми улар олган даромадларининг даражасига боғлиқ равишда бюджетга ўтказилади.

Бюджет даромадларининг асосий қисми солиқлар ёрдамида ундирилиши туфайли бу жараёнда қуйидаги принциплардан фойдаланилади:

- солиқларнинг бюджетга олиниши мамлакат миллий бойлиги манбаларининг тугашига олиб келмаслиги керак;
- солиқлар уларни тўловчилар ўртасида тенг (адолатли) тақсимланмоғи лозим;
- солиқларнинг ишлаб чиқарувчилар айланма фондлари ҳажмига таъсир кўрсатмаслиги;
- солиқларнинг соф даромадга нисбатан ҳисобланиши;
- давлат учун солиқларнинг ундирилиши иложи борича арзонроқ бўлиши лозим;
- солиқларнинг ундирилиш жараёни хусусий секторни сиқиб чиқармаслиги керак.

17.2. Бюджет даромадларининг таркибий тузилиши ва уларнинг классификацияси

Бюджет даромадлари ўзларининг манбалари, ижтимоий-иқтисодий характери, мулкчилик шакли, солиқ ва тўловларнинг тури, маблағларнинг тушиш шакли, уларни бюджетга ундириш методлари ва ҳоказоларга мувофиқ классификация қилиниши мумкин.

Бюджет даромадлари ўз манбаларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- солиқли даромадлар;
- солиқсиз даромадлар;
- тикланмайдиган (қайтарилмайдиган) тарзда ўтказилмайдиган пул маблағлари.

Бюджетнинг солиқли даромадлари таркиби мамлакат солиқ қонунчилигига мувофиқ умумдавлат солиқлари ва йиғимлари, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, божхона божлари, бож йиғимлари ва бошқа бож тўловлари, давлат божи, пеня ва жарималардан иборат.

Солиқсиз даромадлар таркибига қуйидагилар киради:

- давлат мулкидан фойдаланишдан олинган даромадлар (солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тўланган солиқ ва йиғимлардан сўнг);

- бюджет ташкилотлари томонидан кўрсатилган тўловли хизматлардан келган даромадлар (солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тўланган солиқ ва йиғимлардан сўнг);

- фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ва жиной чораларни қўллаш натижасида олинган маблағлар, жумладан, жарималар, мусодаралар, компенсациялар ва давлат субъектларига етказилган зарарларни тиклаш бўйича олинган маблағлар ва мажбурий ундирилган бошқа маблағлар;

- молиявий ёрдам кўринишидаги даромадлар (бюджет ссудалари ва бюджет кредитларидан ташқари);

- бошқа солиқсиз даромадлар.

Бюджет даромадларининг таркибига тушумларнинг қуйидаги кўринишлари ҳисобга олиниши мумкин:

- давлат мулкни вақтинчалик фойдаланишга бериш натижасида ижара ҳақи ёки бошқа кўринишда олинадиган маблағлар;

- кредит муассасаларидаги ҳисобварақларда бюджет маблағларининг қолдиғи бўйича фоизлар кўринишида олинадиган маблағлар;

- давлатга тегишли мол-мулкни гаровга ёки ишончли бошқарувга беришдан олинадиган маблағлар;

- қайтариш ва ҳақ олиш асосида бошқа бюджетларга, хорижий давлатларга ёки бошқа юридик шахсларга берилган бюджет маблағларидан фойдаланганлик учун ҳақ;

- давлатга қисман тегишли бўлган хўжалик жамиятлари устав капиталининг ҳиссасига ёки акциялар бўйича дивидендларга тўғри келадиган фойда кўринишидаги даромадлар;

- давлат унитар корхоналари фойдасининг бир қисми (солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тўланган солиқ ва йиғимлардан сўнг);

- давлатга тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинadиган қонунчиликда кўзда тутилган бошқа даромадлар.

Бюджетнинг даромадлар қисмини тўлдиришнинг манбаларидан бири бюджет тизимида бошқа даражада турган бюджетдан дотациялар, субвенциялар ва субсидиялар ёки маблағларни қайтарилмаслик ва тикламасликнинг бошқа шаклларида олинadиган молиявий ёрдамдир. Бундай молиявий ёрдамлар маблағларни олувчи бюджетнинг даромадларида ўз ифодасини топиши керак. Жисмоний ва юридик шахслардан, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар ҳукуматларидан қайтарилмайдиган ёки тикланмайдиган шаклда ўтказилаётган маблағлар ҳам бюджетнинг шундай даромадлари таркибига киради.

Амалиётда давлат бюджетининг даромадлари қуйидаги тартибда классификацияланади:

1. Тўғри (бевосита) солиқлар. Уларнинг таркибига юридик шахсларнинг фойдасидан олинadиган солиқ; савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар; ягона солиқ тўловидан (микрофирмалар ва кичик корхоналар билан биргаликда) Давлат бюджетига ажратмалар; жисмоний шахсларнинг даромадидан олинadиган солиқ ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадидан олинadиган қатъий солиқ киради.

2. Эгри (билвосита) солиқлар. Бу солиқларнинг таркиби қўшилган қиймат солиғи; акцизлар; божхона божлари; жисмоний шахслардан олинadиган ягона бож тўлови; транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинadиган солиқдан иборат.

3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи. Бу гуруҳга кирувчи солиқлар ва тўловлар мол-мулк солиғи; ер солиғи; ер ости бойликларидан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни ўз ичига олади.

4. Устама фойдадан олинadиган солиқ.

5. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ.

6. Бошқа даромадлар.

Шунингдек, юридик нуқтаи назардан, бюджет даромадлари уч гуруҳга ажратилиши мумкин:

- давлат бюджети даромадлари;
- республика бюджети даромадлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари.

Давлат бюджети даромадларига Ўзбекистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонунининг 11-моддасига мувофиқ, қуйидагилар киритилади:

- қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- давлатнинг молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Ўзбекистон Республикасининг бюджети таркибига қуйидаги даромадлар киради (юқоридаги қонуннинг 15-моддаси):

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ва нормативлар асосидаги умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;
- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

- резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар;

- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетлар даромадлари қуйидагилар ҳисобидан шакллантирилиши мумкин (“Бюджет тизими тўғрисида” ги қонуннинг 18-моддаси):

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

- юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;

- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Ўзининг ижтимоий-иқтисодий белгисига кўра бюджет даромадлари икки гуруҳга бўлиниши мумкин:

- хўжалик юритувчи субъектлардан олинладиган даромадлар;

- аҳолидан тушумлар.

Мулкчилик шаклига кўра бюджет даромадлари қуйидаги кўринишларни олиши мумкин:

- нодавлат сектордан олинладиган даромадлар;

- давлат хўжаликларидан олинадиган даромадлар;
- аҳолидан олинадиган маблағлар.

Бюджет даромадларининг юқорида санаб ўтилган ҳар бир гуруҳлари даромадларнинг манбалари, тўловларнинг турлари ва ҳоказолар бўйича кичик гуруҳларга бўлиниши ҳам мумкин. Масалан, давлат хўжаликларидан олинадиган даромадларга давлат корхона ва ташкилотларининг тўловлари, давлат мулкини сотишдан олинадиган даромадлар, давлат ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлардан олинадиган даромадлар киради. Аҳолидан бюджетга келиб тушадиган маблағлар эса солиқлар ва бошқа ихтиёрий тўловлардан иборат бўлиши мумкин. Ўз навбатида, ҳар бир кичик гуруҳларга бириктирилган бюджет даромадлари тушумларнинг алоҳида туридан иборат. Масалан, давлат корхоналари томонидан бюджетга ўтказиладиган даромадларнинг таркибига қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, даромад (фойда) солиғи ва бошқалар киради. Шунингдек, давлат мулкидан олинадиган даромадлар таркиби божхона даромадларидан, эгасиз ва мусодара қилинган мол-мулкни, талаб қилиб олинмаган юklar ва почта жўнатмаларини, мерос ҳуқуқи бўйича давлатга ўтган мол-мулкларни реализация қилишдан олинган тушумлардан иборат. Давлат ташкилотлари ва муассасалари томонидан кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадларга йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан ундириладиган йиғимлар, товар белгиларини қайд этганлик учун йиғимлар, ўлчов асбобларини давлат текширувидан ўтказилганлиги учун ҳақ, суд ва арбитраж органлари ҳамда нотариал идоралари томонидан аҳолига кўрсатилган хизматлар учун олинадиган ҳақ ва бошқалар киради.

Бюджет даромадлари мажбурий ёки ихтиёрий тарзда жалб қилиниши мумкин. Даромадларни мажбурий шаклда жалб қилиш ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ихтиёрий шаклдаги тўловларга давлат облигацияларини ва пул-буюм лотереяларини реализация қилишдан олинган тушумлар киради. Бюджет даромадларини шакллантиришдаги мажбурийлик юридик ва жисмоний шахслар томонидан маълум бир маблағлар белгиланган муддатларда бюджетга ўтказилиши зарурлигини англатади. У ёки бу тўловни қонун

томонидан мажбурий деб эътироф этилиши тўланмаган суммаларнинг мажбурий ундирилишини кўзда тутди. Бу ҳолат бюджетнинг ижроси учун жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, маблағларни тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга жалб этишга йўналтирилган.

Субъектларнинг даромадлари бюджет ихтиёрига икки хил методларни қўллаш эвазига олиниши мумкин:

- 1) солиқли методлар;
- 2) солиқсиз методлар.

Солиқли методлар учун маблағларнинг бюджет фойдасига аниқ белгиланган миқдорларда ва олдиндан ўрнатилган муддатларда ундирилиши характерлидир. Солиқларнинг ундирилиши мамлакат ялпи ички (миллий) маҳсулоти ва миллий даромадининг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши билан боғлиқ. Улар ёрдамида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолига тегишли бўлган маблағларнинг бир қисми давлат ихтиёрига ўтказилади. Солиқларнинг таркибига қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, даромад (фойда) солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи ва бошқалар киради.

Солиқсиз даромадлар давлатга тегишли бўлган корхона ва ташкилотлардан олинадиган тўловлардир.

Давлат мулкига айланадиган ва қайтарилиши талаб этилмайдиган маблағлар ҳам бюджетнинг даромадлари бўлиши мумкин. Бироқ айрим тўловлар давлатнинг ихтиёрига вақтинчалик фойданиш учун ўтказилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда давлат олинган маблағларни сарф этса-да, бу маблағларни белгиланган муддатларда ва тўлиқ равишда қайтаришга мажбур. Ана шундай бюджет даромадларининг кўринишларидан бири давлат облигацияларини реализация қилишдан олинган тушумлар ҳисобланади. Бюджет даромадларига улар шартли равишда, фақат шу йилнинг бюджети даромадлари нуқтаи назаридан киритилиши мумкин.

Бюджетларнинг барча даромадлари у ёки бу бюджетларга бириктирилишига қараб иккига бўлиниши мумкин:

- 1) бюджетнинг ўз даромадлари;
- 2) бюджетнинг тартибга келтирувчи даромадлари.

Мамлакат солиқ қонунчилигига мувофиқ доимий асосда тегишли бюджетга тўлиқ ёки қисман бириктирилган

даромадлар бюджетнинг ўз даромадлари дейилади. Уларга тегишли бюджетларга бириктирилган солиқли ва солиқсиз даромадлар киради.

Навбатдаги молиявий йил (ёки узоқ муддатли давр асосида, одатда 3 йилдан кам бўлмаган ҳолда) учун бошқа даражадаги бюджетларга ажратмалар нормативи ўрнатиладиган солиқлар ва бошқа тўловлар бюджетнинг тартибга келтирувчи даромадлари дейилади.

Бюджет даромадларининг деярли барчаси сарфланиш нуқтаи назаридан олдиндан мўлжалланган мақсадларга эга эмас. Улар умумий фондга туширилади ва улардан одатдаги молиялаштириш тартибида фойдаланилади. Бюджет даромадларининг фақат баъзи бирларигина олдиндан белгиланган мақсадлар учун мўлжалланган. Уларнинг таркибига ижтимоий суғурта бадалларини киритиш мумкин.

Солиқлар, тўловлар, йиғимлар, божлар ва мажбурий ажратмаларнинг алоҳида шакллари ва турларининг йиғиндиси бюджет даромадларининг ягона тизимини шакллантиради. Турли субъектлардан келиб тушадиган бюджет даромадлари умумдават эҳтиёжларини таъминлаб, бир-бири билан ўзаро боғлангандир.

Бюджет даромадларининг таркиби ва унинг тузилмаси доимий бўлмасдан, мамлакат тараққиёти ва давлатнинг олдидаги вазифаларнинг ўзгаришига мувофиқ равишда ўзгариб боради. Масалан, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлари учун қуйидаги таркиб ва тузилма шаклланган: мамлакатимиз Давлат бюджетининг даромадлари сўнги йилларда тўғри (бевосита) солиқлар, эгри (билвосита) ва ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи, устама фойдадан олинadиган солиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ ва бошқа даромадлардан таркиб топмоқда. Давлатимиз бюджетининг даромадларини таркибий тузилмасида эгри (билвосита) солиқлар, яъни қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, божхона божлари, жисмоний шахслардан олинadиган ягона бож тўлови ва транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинadиган солиқлар ҳал қилувчи рол ўйнамоқда. Айнан шу гуруҳга кирувчи солиқлар ҳисобидан

Давлат бюджети даромадларининг ярми (50,23%) шаклланаёпти. Бу солиқлар орасида қўшилган қиймат солиғи (28,15%) ва акцизлар (16,47%) Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Биргина қўшилган қиймат солиғи ёрдамида Давлат бюджети даромадларининг $\frac{1}{4}$ қисмидан кўпроғи шаклланаётганлиги бу солиқнинг бюджет даромадлари тузилмасидаги ўрнининг қандай эканлигини яққол кўрсатаёпти.

Шунингдек, Давлат бюджети даромадларининг таркибий тузилмасида тўғри (бевосита) солиқлар ҳам ўз ўрнига эга. Улар ёрдамида бюджет даромадларининг $\frac{1}{4}$ қисми ташкил топаёпти. Унинг асосий қисми (жами тўғри (бевосита) солиқларнинг 49,4%) эса жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳиссасига тўғри келаяпти. Бу ерда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳам шу гуруҳга кирувчи бошқа солиқларга нисбатан бюджет даромадларини шакллантиришда алоҳида рол (5,2%) ўйнамоқда.

Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи ёрдамида Давлат бюджети даромадларининг 15,95% ташкил топаёпти. Унинг асосий қисми (шу гуруҳга кирувчи солиқларнинг 61,6%) ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиққа тўғри келаяпти.

17.3. Солиқлар ва солиқ тизими

Бюджет даромадларини шакллантиришда солиқлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган маблағларнинг бир қисмини давлат ихтиёрига мажбурий ва қайтарилмайдиган тарзда ўтказувчи тўловларга солиқлар дейилади. Улар мамлакат миллий даромадининг бир қисми бўлиб, бюджет тизимининг барча бўғинлари бўйлаб жалб қилинади, қонунга мувофиқ олдиндан белгиланган миқдорда ва муддатларда давлатнинг ихтиёрига бориб тушувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбурий тўловларидан иборатдир. Солиқлар ҳисобидан давлатнинг функциялари ва вазифаларини бажариш учун молиявий асос яратилади. Солиқларсиз давлат фаолият кўрсатолмайди. Чунки улар бозор муносабатлари ва хусусий мулкчилик

ҳукмронлиги шароитида даромадларни бюджетга жалб қилишнинг асосий методи бўлиб ҳисобланади.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида аҳоли кенг қатламлари даромадларининг 40% гачаси солиқлар орқали давлатнинг ихтиёрига ўтмоқда. Мамлакатлар ялпи ички (миллий) маҳсулоти ва миллий даромадида солиқлар салмоғи ортиб, унинг даражаси ўртача 18% дан 30-50% гача етиб борди.

Солиқлар ялпи ички маҳсулот ва унинг таркибий қисми бўлган миллий даромадни қайта тақсимлашда иштирок этиб, ягона такрор ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми, ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзига хос шакли ҳисобланади. Булар солиқларнинг ижтимоий мазмунини шакллантиради. Солиқлар жамиятдаги тақсимлаш муносабатларининг таркибий қисми сифатида ишлаб чиқариш қонуниятларини ўзида ифода этади.

Ижтимоий мазмундан ташқари солиқлар моддий асосга (мазмунга) ҳам эгадир, яъни улар жамиятнинг давлат томонидан жалб қилинадиган пул маблағларининг аниқ суммасини ҳам ифодалайди. Миллий даромадни қайта тақсимлашда солиқлар давлат ҳокимият органларини пул шаклидаги янги қийматнинг бир қисми билан таъминлайди. Мажбурий равишда ва солиқлар шаклида мамлакатнинг бутун аҳолисидан ўзлаштирилган миллий даромаднинг бу қисми давлатнинг марказлаштирилган молиявий ресурслари фондига айланади. Ўзига хос тарзда мажбурий четлаштиришдан иборат бўлган бу жараён эквивалент алмашувсиз қийматнинг бир томонлама (солиқ тўловчидан давлатга) ҳаракатини ифодалайди.

Давлатнинг солиқли даромадлари ишлаб чиқариш жараёнида (меҳнат, капитал ва табиий ресурслар иштирокида) яратилган янги қиймат ҳисобидан шакллантирилади. Улар давлатнинг мулкига айланади ҳамда ҳарбий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тадбирларда фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш муносабатларининг алоҳида соҳаси (таркибий қисми) сифатида солиқлар қатъий ички хусусиятлари, ривожланиш қонуниятлари ва намоён бўлишнинг фарқланувчи шаклларига эга бўлган ўзига хос

тарздаги иқтисодий категориядир. Солиқлар миллий даромад қийматининг бир қисмининг умумдавлат эҳтиёжлари фойдасига олиниши жараёнида намоён бўладиган ва аниқ мавжуд пул муносабатларини ифодалайди. Солиқ муносабатлари молиявий муносабатларнинг таркибий қисми сифатида доимий равишда ўзгаришда бўлади.

Солиқлар фақат иқтисодий категория бўлиб қолмасдан, бир вақтнинг ўзида молиявий категория ҳамдир. Улар молиявий муносабатларга хос бўлган умумий хусусиятларни ифода этади, ўзининг фарқланувчи белгилари ва хусусиятларига, ўз ҳаракат шаклига, яъни молиявий муносабатларнинг барча тўпламидан ажратиб турадиган функцияларига эга.

Солиқларнинг функциялари уларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва ички мазмунини очиқ беради. Ҳозирги шароитда солиқлар икки функцияни бажаради:

- 1). Фискаль функция;
- 2). Тартибга солиш (рағбатлантириш) функцияси.

Бу функцияларнинг ҳар бири солиқларнинг молиявий категория сифатида алоҳида томонларини намоён этади.

Солиқларнинг фискаль функцияси уларнинг асосий функцияси бўлиб, бу барча давлатлар учун характерлидир. Бу функция ёрдамида давлат пул фондлари, яъни давлатнинг фаолият кўрсатиши учун моддий асос яратилади. Худди шу функциянинг ўзи миллий даромад қийматининг бир қисмини жамиятнинг энг кам таъминланган ижтимоий қатламлари фойдасига қайта тақсимлаш учун реал имкониятни вужудга келтиради.

Жамият ривожланиши иқтисодий даражасининг ошиб боришига мувофиқ равишда солиқларни фискаль функциясининг аҳамияти ҳам ўсиб боради. Инсоният тараққиётининг XX асри ва XXI асрининг бошлари солиқларни ундириш ҳисобидан давлат даромадларининг жуда катта ўсиши билан характерланадики, бу нарса, ўз навбатида, давлат функцияларининг кенгайиши ва ҳокимият тепасида бўлган айрим ижтимоий гуруҳлар томонидан маълум бир сиёсатнинг ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқдир. Кейинги йилларда давлат иқтисодий ва ижтимоий тадбирларга, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва бошқарув аппаратини сақлашга катта миқдордаги молиявий

маблағларни сарфламоқда. Айниқса, иккинчи жаҳон урушидан сўнг дунёнинг ривожланган мамлакатларига солиқли даромадлар ўсишининг юқори суръатлари хос бўлиб, бу нарса фақатгина иқтисодиётнинг тикланиши билан эмас, балки ўтган асрнинг 60-70-йилларида Ғарбнинг жуда кўп мамлакатларида такрор ишлаб чиқариш шароитларининг ёмонлашуви билан ҳам изоҳланади. XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида солиқ тушумлари секинлашди ва уларнинг миллий даромаддаги салмоғи барқарорлашди. Аммо, шундай бўлишига қарамасдан, миллий даромадни қайта тақсимлашда давлат салмоғининг юқорилиги ҳамон сақланиб қолмоқда.

Солиқларнинг фискаль функцияси иқтисодий муносабатларга давлатнинг аралашуви учун объектив шарт-шароит яратади, яъни у тартибга солиш функциясини тақозо этади.

Тартибга солиш (рағбатлантириш) функцияси қайта тақсимлаш жараёнларининг фаол иштирокчиси сифатида солиқларнинг такрор ишлаб чиқаришга унинг суръатларини рағбатлантириб ёки тўсқинлик қилиб, капиталнинг жамғарилишини кучайтириб ёки сусайтириб, аҳолининг тўловга қобилиятли талабини кенгайтириб ёки қисқартириб, кескин таъсир кўрсатиши мумкинлигини англатади. Миллий даромадни жалб қилишнинг солиқ методини давлат томонидан кенгайтирилиши орқали солиқларнинг ишлаб чиқариш жараёни иштирокчилари билан доимий равишда тўқнаш келишига сабаб бўлиб, бу нарса унга мамлакат иқтисодиётига ва такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларига таъсир кўрсатиши учун реал имконият яратади.

Илмий-техника тараққиёти шароитида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши давлатни ишлаб чиқариш жараёнига аралашуви учун эҳтиёжни вужудга келтиради. Бу нарса солиқни тартибга солишни (рағбатлантиришни) янги поғонага кўтарди. Даромадларни солиққа тортишнинг кенгайиши билан корхоналарнинг фойдаси ва аҳолининг даромадлари асосий солиқ объектларига, жисмоний ва юридик шахслар эса, асосий солиқ субъектларига айланади.

Солиқлар жами талаб даражаси ва унинг тузилмасига таъсир кўрсатади. Улар, бир вақтнинг ўзида, талабнинг бозор механизми орқали ишлаб чиқаришнинг ривожланишига таъсир кўрсатиши ёки унинг ривожланишига тўсқинлик

қилиши мумкин. Солиқларнинг миқдори (ҳажми) меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини аниқлашга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Чунки улар солиқ тўловларининг таркибига киритилади. Тадбиркорлар учун ишлаб чиқариш қувватларини реализация қилиш ёки улардан фойдаланиш жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ва хизматлар баҳоси билан ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги нисбат ҳам солиқларга боғлиқ.

Солиқлар ва уларнинг функциялари базис муносабатларини ўзида акс эттиради. Улардан давлат солиқ механизмини ташкил этадиган турли хилдаги воситалар (солиқ ставкалари, солиққа тортиш усуллари, солиқ имтиёзлари ва шунга ўхшашлар) орқали солиқ сиёсатини юргизишда фойдаланади.

Солиқларнинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

- солиқ субъекти – қонун бўйича солиқни тўловчи шахс (юридик ёки жисмоний);
- солиқ объекти – мавжудлиги эгасини солиққа тортишга асос бўладиган предмет (мол-мулк, ер ва бошқалар);
- солиқ манбаи – ҳисобидан солиқ тўланадиган даромад (иш ҳақи, фойда, фоиз ва бошқалар);
- солиққа тортиш бирлиги – солиқ объектини ўлчаш бирлиги (масалан, ер солиғи бўйича ернинг бир гектари);
- солиқ ставкаси – солиққа тортиш бирлигига нисбатан ўрнатилган солиқнинг миқдори (ўлчами). Улар регрессив, пропорционал ва прогрессив ставкаларга бўлинганлиги учун солиқлар ҳам регрессив, пропорционал ва прогрессив бўлади. Регрессив солиқларда даромаднинг ўсиб бориши билан уни солиққа тортиш фоизи камаяди. Товарларнинг баҳосидан ундириладиган эгри (билвосита) солиқлар доимо регрессивдир. Пропорционал солиқларда даромаднинг миқдорига (ўлчамига) боғлиқ бўлмаган ҳолда улар бир хил ставкада ундирилади. Прогрессив солиқларда эса даромадларнинг ортиб боришига қараб солиқнинг ставкаси ҳам ортиб боради. Прогрессиялар оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Оддий прогрессияда солиқнинг ставкаси даромаднинг барча қисми учун ортади (ошади). Мураккаб прогрессияда эса солиқ тўловчининг даромади қисмларга

бўлинади ва унинг ҳар бир қисмига нисбатан тегишли солиқ ставкаси қўлланилади;

- солиқ тизими – мамлакат территориясида амал қиладиган солиқлар, уларнинг тузилиши методлари ва принциплари мажмуи.

- солиқ имтиёзлари – амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқ тўловчини солиқ тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш;

- солиққа тортиладиган база (асос, негиз) – унга нисбатан солиқ ставкаси қўлланиладиган даромад. Солиқ тўловчининг ялпи даромадидан амалдаги қонунчилик бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзларини чегириш орқали аниқланади;

- солиқ оклади – унинг субъекти томонидан тўланадиган солиқ суммаси;

Солиққа тортишни бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий нормалари ва методлари мажмуига солиқ механизми дейилади. Давлат солиқ механизмига солиқ қонунчилиги орқали юридик шакл беради ва у орқали иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатиб, уни тартибга солиб туради.

Солиқ механизмидан фойдаланишнинг самарадорлиги давлат томонидан солиқларнинг ички моҳияти, уларнинг ҳаракатланиш қонунлари ва қарама-қаршиликлари қандай ҳисобга олинганлигига боғлиқ. Бир томондан, солиқлар ва уларнинг функциялари, иккинчи томондан, солиқ сиёсати ва солиқ механизмнинг чегараланганлиги солиқларнинг объективлигини ва давлат фаолиятининг субъективлигини тушунишга имкон беради.

Солиқ сиёсати ва солиқ механизми жамиятда солиқларнинг ўрнини аниқлаб беради ва у давлатнинг фаолияти билан узвий боғлангандир. Уларнинг ҳар иккаласи доимий ҳаракатда бўлиб, давлатнинг иқтисодий сиёсатига бевосита боғлиқ бўлади. Янги иқтисодий концепцияларга мувофиқ равишда солиқ сиёсати ва солиқ механизми қайта кўриб чиқилади.

Умумдавлат солиқлари ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, уларни ўрнатиш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг принцип, шакл ва методлари, тўлаш ва уларнинг тўланишини таъминлаш бўйича чораларни қўллаш, солиқ назоратини

амалга ошириш, жавобгарликка тортиш ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик чоралари мажмуига солиқ тизими дейилади. Замонавий солиқ тизими ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг талабларига асосланади.

Замонавий солиқ тизими мамлакат ҳудудида амал қиладиган солиқлар тўпламидан иборат бўлиб, солиқларнинг кўплиги билан характерланади. Солиқ тўловчилар даромад солиғидан ташқари яна кўплаб эгри (билвосита) солиқларни, ижтимоий суғуртага ажратмалар, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлайди.

Солиқ тизимининг таркибий тузилмаси давлат тузилишига боғлиқ. Унитар давлатларда солиқ тизими таркиби қуйидагича:

- давлат солиқлари;
- маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Федератив давлатларда эса солиқ тизими уч бўғиндан таркиб топади:

- давлат (федерал) солиқлари;
- федерация аъзоларининг бюджетларига бириктирилган солиқлар;
- маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Бюджетга тушумларнинг катта қисмини таъминлайдиган асосий солиқлар Давлат бюджетига бириктирилади. Одатда, бундай асосий солиқлар таркибига қуйидагилар киритилиши мумкин:

- қўшилган қиймат солиғи;
- акцизлар;
- аҳолидан олинадиган даромад солиғи;
- корпорацияларнинг (корхоналарнинг) даромадидан (фойдасидан) олинадиган солиқ;
- божхона божлари.

Ғарбнинг ривожланган мамлакатларида бюджет даромадларини шакллантиришда аҳолидан олинадиган даромад солиғи муҳим роль ўйнаб, унинг ёрдамида бюджет даромадларининг 25-45% таркиб топмоқда. Бу солиқ мураккаб прогрессия принципи бўйича прогрессив ставкаларда ундирилади. Даромад солиғи ёрдамида аҳоли даромадлари солиққа тортилаётган пайтда солиққа

тортилмайдиган минимум (солиқ тўловчи даромадининг солиққа тортилмайдиган қисми) қўлланилади.

Ривожланган мамлакатлардаги солиққа тортишга хос бўлган муҳим тенденциялардан бири корпорациялар (корхоналар) даромади (фойдаси)дан олинадиган солиқ бўйича тушумлар салмоғининг пасайишидир. Бу нарса доимий ва узлуксиз равишда солиқ имтиёзларини кенгайтириш ва солиқ ставкаларини пасайтириш эвазига қўлга киритилаяпти.

Солиқ тизимида қўшилган қиймат солиғи ва акцизлар ўзига хос ўринга эга. Қўшилган қиймат солиғи Европа Иттифоқининг барча мамлакатларида амал қилади. Етакчи хорижий мамлакатлардан фақат АҚШ ва Японияда бу солиқ қўлланилмайди.

Бюджет даромадларини шакллантиришда божхона божлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар товарлар экспорти ва импортида олинадиган солиқлардир. Кейинги йилларда дунё хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви ва халқаро меҳнат тақсимотининг янада ривожланиши натижасида божхона божларининг бюджет даромадларини шакллантириш манбаи сифатидаги роли ҳам бирмунча пасайиб бормоқда. Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатлар бюджетлари даромадларининг ўртача 1-4% шу солиқ ҳисобидан таркиб топяпти.

Давлат фискал монополиялари ёки фискал монопол солиқларда давлат оммавий истеъмолга эга бўлган қандайдир бир маҳсулотни (ароқ, сигарет ва шунга ўхшашлар) ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш устидан монополия ўрнатади ва ўрнатилган монопол баҳодан тадбиркорлик даромади билан бир қаторда йирик солиқлар ҳам ундиради. Давлат бюджетига келиб тушадиган фискал монопол солиқлар Франция, Италия, ГФР ва Япония каби мамлакатларда қўлланилади.

Маҳаллий бюджетларга фискал нуқтаи назаридан етарли даражада самарали бўлмаган ва иккинчи даражали аҳамият касб этувчи солиқлар бириктирилади. Маҳаллий бюджетларнинг ихтиёрига келиб тушадиган солиқларнинг асосийси мол-мулк солиғидир.

Федератив тузилишга эга бўлган давлатларда федерация аъзолари бюджетларининг даромадларига тегишли бўлган масала турлича ҳал қилинган. Масалан, АҚШда штатларнинг бюджетлари эгри (билвосита) солиқларга таянган бўлиб, уларнинг орасида сотувдан олинадиган солиқ асосий ўрин тутди. ГФРда эса аҳолидан олинадиган даромад солиғи ва корпорациялар фойдасидан олинадиган солиқ бўйича тушумлар маълум фоизларда федерал ва ер бюджетлари ўртасида бўлинади. Жуда кўп мамлакатларда маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган солиқларга нисбатан устамалар (қўшилмалар) қўллаш амалиёти жорий этилган.

Шундай бўлишига қарамасдан маҳаллий ҳокимият органларининг ўз функцияларини тўлиқ амалга оширишлари учун солиқлар, аксарият ҳолларда, етарли эмас. Шу сабабли маҳаллий бюджетларга юқори бюджетдан дотация, субвенция, кредит ва бошқа шаклларда маблағлар йўналтирилади.

Ўзбекистон ҳудудида қирқдан ортиқ солиқ ва йиғимлар ундирилади. Улар сонининг кўплиги хилма-хил вазифаларни ечиш ва турли-туман функцияларни бажариш (амалга ошириш) имконини берса-да, бир вақтнинг ўзида бу нарса, уларни ундириш бўйича хара-жатларнинг ортишига олиб келади ва солиқларни тўлашдан бўйин товлашга шароит яратади.

Замонавий солиқ тизими қуйидагиларга қаратилган бўлиши керак:

1) бюджет даромадларини тўлиқ ва ўз вақтида жалб қилинишини таъминлаш. Чунки бусиз давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга ошириш мумкин эмас;

2) ёппасига ва хўжалик юритишнинг алоҳида соҳалари бўйича ишлаб чиқариш ва истеъмолни тартибга солиш учун шароит яратиш. Бунда аҳолининг турли гуруҳлари даромадларини шакллантириш ва қайта тақсимлашнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниши керак.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими қуйидаги белгилар билан характерланади:

- ҳуқуқий асосга эгаллиги ва нисбатан бўлса-да, барқарорлиги (солиқлар ва солиққа тортишнинг барча масалаларига нисбатан эмас); даромадларни тақсимлаш ва

қайта тақсимлаш билан боғлиқ барча иқтисодий муносабатларга кириб боради. Барча солиқлар ва йиғимларни жорий этиш ва уларни бекор қилиш фақат давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади;

- солиқларни ҳисоблаш ва ундиришнинг ягона принциплари ва механизми. Барча солиқлар ва йиғимлар устидан ягона назорат Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қўйи органлари томонидан амалга оширилади;

- янги солиқларнинг жорий қилинганлиги (қўшилган қиймат солиғи ва бошқалар) ҳамда солиқ имтиёзлари ва олдин амал қилган солиқлар базасини ҳисоблаш тартибида кескин ўзгаришларнинг содир этилганлиги;

- солиқ календарига мувофиқ қонунчилик йўли билан солиқларни тўлашда аниқ кетма-кетлик ўрнатилганлиги. Масалан, юридик шахслар биринчи навбатда умумдавлат солиқларини, ундан кейин эса маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлашга мажбурдирлар;

- барча солиқ тўловчиларга нисбатан тенг талабларнинг қўлла-нилиши ва солиқлар рўйхатини аниқлаш, ставкаларни унификация қилиш, имтиёзлар ва уларни тақдим этиш механизмини тартибга солиш ҳамда маблағлардан фойдаланиш ҳуқуқига аралашмаслик йўли билан ишлаб, топилган маблағлардан фойдаланиш учун тенг шароитларнинг яратилганлиги;

- солиқларнинг иккита асосий тури биргалиқда қўлланилаётганлиги: тўғри (даромадларга ва мол-мулкка) ва эгри (товарлар ва хизматларга). Аввал эгри (билвосита) солиққа тортиш Ватанимиз иқтисодий амалиётида тўлиқ инкор қилинган эди;

- аввало, жисмоний эмас, юридик шахсларнинг солиққа тортилиши. Бу Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг ривожланган хорижий мамлакатлар солиқ тизимларидан фарқини кўрсатади. Барча юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар солиқ органларида рўйхатдан ўтишга мажбур. Солиқ органларида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотномани олмасдан туриб банклар уларга ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эга эмаслар.

- солиқ қонунчилигини бузганлиги учун жуда қаттиқ санкцияларнинг, шу жумладан, молиявий, маъмурий ва жиной жавобгарлик чораларининг қўлланилаётганлиги;

- солиқ тўловчилар учун уларнинг илтимосига кўра жорий йил доирасида солиқлар ва йиғимларни бюджетга тўлаш, шунингдек, молиявий санкциялар суммалари (агар уларни тўлаш корхонани касодга учрашга олиб келса – 6 ой муддатгача), бўйича тўлов муддатларини кечиктириш ёки узайтириш имкониятининг мавжудлиги.

Солиққа тортиш жараёнлари солиқ тизимининг асосий принциплари ёрдамида тартибга солинади. Бундай принциплар таркибига қуйидагилар кириши мумкин:

- солиқлар жамият ва давлатнинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини молиявий таъминлаш мақсадида ўрнатилади;

- ўрнатилган тартибга кўра солиқ тўловчи бўлган ҳар бир шахс (юридик ёки жисмоний) солиқ қонунчилигига биноан белгиланган солиқларни тўлашга мажбурдир;

- солиқлар сиёсий, мафкуравий, этник, конфессионал ва шунга ўхшаш бошқа мезонлар асосида қўлланилмаслиги лозим;

- мамлакатнинг солиқ тизими ва ягона иқтисодий маконини бузишга хизмат қиладиган солиқлар ўрнатилмаслиги керак;

- солиқ тўловчининг мулкчилик шакли, ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий мақоми, жисмоний шахснинг фуқаролиги, шунингдек, устав капитали ёки мулкнинг келиб чиқиш давлати, минтақаси ёки географик жойлашувига боғлиқ бўлган ҳолда қўшимча солиқларни жорий этиш, солиқ ставкалари ва имтиёзларини ошириш ёки уларни табақалаштиришга йўл қўйилмайди.

Етарли даражада тажрибанинг йўқлиги, нобарқарор иқтисодиёт шароитида аниқ ишлаб чиқилган солиқ сиёсатининг йўқлиги ва солиқ аппаратининг етарли даражада тайёр эмаслиги натижасида яратилган солиқ тизими баъзи бир нуқсонларга эга бўладики, бу нарса солиқ тўловчиларни ҳам, солиқ органларини ҳам қониқтира олмайди. Уларнинг айримлари қуйидагилардан иборат:

- солиққа тортишда фискаль ёндашувнинг устуворлиги. Солиқлар тўғрисидаги муаммони ҳал этишда бюджетнинг

даромадлилиги биринчи ўринга қўйилади ва солиқларнинг тартибга солувчи ролига етарли даражада эътибор қаратилмайди;

- юридик шахсларни солиққа тортишнинг юқори даражадалиги. Жами солиқ тўловлари, турли баҳолашларга кўра, юридик шахслар даромадининг (фойда ва меҳнат ҳақининг) 40% дан 80% гачасини ташкил этаяпти. Эгри (билвосита) солиқларнинг (ҚҚС ва акцизлар) юки ҳам оғир бўлиб, айнан улар инфляцион жараёнларнинг генератори бўлиб майдонга чиқмоқда. Баъзи бир мутахассисларнинг баҳоларига кўра ялпи ички маҳсулотга нисбатан солиқ босими 30% атрофида бўлиб, бу нарса жаҳон амалиётидагига нисбатан анча юқоридир;

- солиққа тортишни мураккаблаштирадиган солиқлар, йиғимлар, ажратмалар, бадаллар (умумдавлат, минтақавий, маҳаллий, мақ-садли ва ҳ.к.) сонининг кўплиги;

- солиқ қонунларининг нобарқарорлиги, солиқларни ҳисоблаш тартибининг тез-тез ўзгартириб турилиши, солиқ қонунларининг айрим моддалари пухта ишланмаганлиги ва уларнинг ўзаро зиддиятлилиги. Солиқ қонунларининг қайтарилувчан (орқа муддатга) кучга эга бўлиш ҳолларининг мавжудлиги. Солиқ амалиётининг нисбатан кучсиз информацион базага эга эканлиги;

- солиқ ваколатларининг марказ ва жойларда аниқ чегараланмаганлиги натижасида улар ўртасида турли нифоқларнинг келиб чиқаётганлиги;

- қонунда белгиланган даврда бир объектнинг бир неча марта солиққа тортилаётганлиги кабилар;

- ва бошқалар

Солиқ тизимидаги бундай камчиликлар уни ислоҳ қилишини тақозо этади. Солиқ ислохотларини амалга ошириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- молиявий йил давомида солиқлар ва солиқсиз тўловларнинг ягоналиги, зиддиятсизлиги ва ўзгармаслигини таъминловчи барқарор солиқ тизимини вужудга келтириш;

- етарли даражада тушум бермайдиган мақсадли солиқларни бекор қилиш ва уларни йириклаштириш билан солиқлар сонини камайтириш;

- пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш йўналиши ва бюджетнинг даромадли қисмини шакллантиришнинг норматив тартибини сақлаб қолган ҳолда давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларини давлат бюджетига консолидация қилиш;

- маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларга нисбатан солиқ юкининг оғирлигини енгиллаштириш ва бир вақтнинг ўзида солиқларнинг ундирилиш даражасини оширувчи механизмни жорий этишни аниқ белгилаш асосида икки марта солиққа тортилишга йўл қўймаслик;

- бюджетларнинг турли даражаларига ҳар бир солиқдан тушумнинг минимал ҳиссаларини ўрнатиш орқали солиқ федерализминини ривожлантириш;

- солиқ имтиёзларини камайтириш ва уларни солиққа тортишнинг умумий тартибидан (режимидан) чиқариш;

- акцизларнинг ўзига хос ставкаларини ўрнатиш амалиётини кенгайтириш;

- минерал хом ашёнинг алоҳида турларидаги акцизларни ресурс тўловлари билан алмаштириш;

- экологик солиқлар ва жарималарнинг салмоғини ошириш;

- ва бошқалар.

Бунда асосий вазифа, солиқларнинг ундирилиш (йиғилиш) даражасини ошириш ҳисобига ялпи ички (миллий) маҳсулотда солиқ тушумлари ҳиссасининг ўсишини таъминлашга эришишдир.

Мамлакатнинг солиқ тизими бир неча белгилар ва омилларга мувофиқ қуйидагича классификация қилиниши мумкин:

1. Солиққа тортишнинг объекти ҳамда солиқ тўловчи ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларга боғлиқ равишда солиқлар тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқларга бўлинади.

Тўғри (бевосита) солиқлар субъектга тегишли бўлган бевосита даромадлар ва мол-мулкдан олинади. Уларнинг таркибига корхоналарнинг даромади (фойдаси)дан олинadиган солиқ, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи,

корхонанинг мол-мулкидан олинадиган солиқ ва бошқаларни киритиш мумкин.

Эгри (билвосита) солиқлар товарлар ва хизматларга нисбатан ўрнатилади ва товар тўланадиган баҳо ёки хизматнинг тарифи таркибида бўлади. Товар ёки хизматнинг эгаси уларни реализация қилганда солиқ суммаларини олади ва уларни давлат хазинасига ўтказди. Товар ёки хизматни сотиб олувчи бундай солиқларнинг ҳақиқий тўловчилари бўлиб ҳисобланади. ҚҚС, акцизлар ва божхона бождари эгри (билвосита) солиқларнинг таркибига кириди.

2. Фойдаланилиши бўйича солиқлар умумий ва махсус (мақсадли) солиқлардан иборат бўлиши мумкин.

Турли-туман тадбирларни молиялаштириш учун бюджетга тушадиган солиқлар умумий солиқлар дейилади. Махсус (мақсадли) солиқлар эса олдиндан белгиланган маълум бир мақсадларга мўлжалланган бўлади. Масалан, транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинадиган солиқ йўлларни қуриш, реконструкция қилиш ва жорий ремонт қилишга мўлжалланган.

3. Олиниши ва қайси органга тегишлилигига қараб, умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар фарқланади.

Ҳозирги даврда бюджет даромадларини белгилашда тўртта солиқ ҳал қилувчи рол ўйнамоқда. Булар қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, корхоналарнинг даромади (фойдаси) дан олинадиган солиқ ва жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқдир. Улар ҳисобидан бюджет даромадларининг $\frac{3}{4}$ қисми шаклланмоқда.

17.4. Умумдавлат солиқлари

Солиқ қонунчилигига мувофиқ равишда ўрнатиладиган ва мамлакатнинг барча ҳудудларида ундириладиган солиқларга умумдавлат солиқлари дейилади. Уларнинг таркибига қуйидагилар кириши мумкин:

- қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС);
- акцизлар;
- корхоналарнинг даромади (фойдаси)дан олинадиган солиқ;

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- божхона бождлари;
- ва бошқалар.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ҳозирги давр солиқ тизимида энг муҳим солиқлардан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда унинг ҳисобидан бюджет даромадларининг 25-30% ташкил топмоқда. ҚҚС фискаль нуқтаи назардан энг самарали солиқ ҳисобланади. Уни жорий этувчи мамлакат бирданига жуда катта миқдордаги даромадни бюджетга олиш имконияга эга бўлади. Бу солиқ мамлакатимизда 1992 йилнинг 1 январидан жорий этилган бўлиб, у хорижда ўтган асрнинг 50-йиллариданоқ мавжуд эди.

Ижтимоий-иқтисодий моҳиятига кўра ҚҚС ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматнинг барча босқичларида яратилган қиймат ўсганининг бир қисмини маҳсулот (иш, хизмат)нинг реализация қилинишига мувофиқ равишда бюджетга олиниш шакли бўлиб ҳисобланади. У реализация қилинган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қиймати билан ишлаб чиқариш ва муомала харажатларининг таркибига киритилган моддий харажатларнинг қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Бу солиқ ёрдамида маҳсулотнинг барча айланмаси эмас, балки қийматнинг ортган қисми солиққа тортилади. Қўшилган қиймат дейилганда корхона ишчи-ходимларига тўланадиган меҳнат ҳақи (ажратма тариқасида ҳисобланган суммалар билан биргаликда) ва ялпи фойданинг йиғиндиси тушунилади.

ҚҚС баҳоларни шакллантирувчи омил ҳисобланади. Унинг миқдорига мос равишда маҳсулотларнинг баҳоси автоматик равишда ортади.

Собиқ СССРда 1930-1932 йилларда ўтказилган солиқ ислохотларига мувофиқ равишда жорий этилган оборот солиғи ва баҳолар устидан қаттиқ давлат назорати бўлган бир пайтдагидан фарқли ўлароқ 1991 йилнинг 1 январидан киритилган сотувдан олинадиган солиқдан фарқли ўлароқ ҚҚС бир неча муҳим афзалликларга эга. Афзалликларнинг баъзи бирлари қуйидагилардан иборат:

- ҚҚС оборот солиғига нисбатан самаралироқ ҳисобланади. Чунки у товар айланмасининг барча босқичларини қамраб

олади. Шунга мувофиқ равишда солиққа тортиладиган база кенгайиб, бюджетга тушумлар ортиши мумкин;

- алоҳида олинган ишлаб чиқарувчи учун бу солиқ нисбатан камроқ оғирликни ўзида мужассам этади. Чунки бунда солиққа тортишга бутун товар айланмаси эмас, балки қиймат ўсувининг бир қисми жалб қилинади ва унинг оғирлиги ишлаб чиқариш ва муомаланинг бутун занжири бўйлаб тақсимланади. Бунинг натижасида бозор муносабатларининг барча иштирокчилари учун тенг ҳолатнинг яратилишига эришилади;

- ҚҚС солиққа тортишнинг нисбатан оддийроқ шаклидир. Чунки барча бу солиқ тўловчилар учун мамлакатнинг бутун ҳудуди бўйича ягона солиқ ундириш механизми жорий этилган бўлади;

- давлат учун ҳам устуворлик касб этади. Чунки уни тўлашдан бош тортиш ёки бўйин товлаш анча мураккаб бўлиб, молиявий интизом бузилиш ҳолатлари камаяди;

- ҚҚС тадбиркор даромадининг ўсишидан манфаатдорликни юқори даражага кўтаради. Чунки у автоматик равишда корхонанинг ишлаб чиқариш харажатларини солиққа тортилишдан озод қилади.

Расмий равишда ҚҚС ишлаб чиқарувчилар ва савдо қилувчилардан ундирилади. Бироқ унинг ҳақиқий тўловчилари маҳсулотларни сотиб олувчилар, яъни аҳолининг кенг қатлами ҳисобланади. Улар товарни сотиб олиш билан бирга товар баҳосининг таркибида ҚҚС ни ҳам тўлайдилар.

Қуйидагилар ҚҚСни тўловчилар ҳисобланади:

- мулкчилик шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш ва бошқа тижорий фаолиятни амалга оширувчи барча юридик шахслар (хорижий инвестицияли корхоналар билан биргаликда);

- мамлакат ҳудудида жойлашган ва мустақил равишда маҳсулот (иш, хизмат)ларни реализация қилаётган якка (оилавий) тартибдаги барча хусусий корхоналар, уларнинг филиаллари, бўлинмалари ва корхонанинг бошқа шакллари.

ҚҚСнинг объекти товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар айланмасидир. Товарларни реализация қилишда ўзида ишлаб чиқарилган ва четдан сотиб олинган товарлар ҳисобга олинади. Бажарилганда ишлар эса

қурилиш-монтаж, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, технологик каби ишлар инобатга олинади. Шунингдек, хизматлар реализация қилинганда алоқа, транспорт, уй-жой-маиший хўжалик, реклама, инновацион ва бошқа шунга ўхшаш корхоналарнинг хизматларни кўрсатишдан олинган тушумлар назарда тутилади. Солиққа тортиладиган айланманинг таркибига корхона томонидан олинган барча пул маблағлари (агар уларнинг олинishi товар (иш, хизмат)ларни тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар билан боғлиқ бўлса), шу жумладан, бошқа корхоналардан олинган молиявий ёрдамлар, махсус мақсадларга мўлжалланган фондларни тўлдириш, аванс тўловлари, маҳсулотларни етказиб бериш бўйича шартномаларнинг бузилганлиги учун олинган жарималар, пенялар ва шунга ўхшашлар киради.

ҚҚС орқали солиққа тортишда солиқ имтиёзлари кўзда тутилади. Масалан, қуйидагилар ҚҚС бўйича солиққа тортишдан озод қилиниши мумкин:

- корхонанинг устав фондига ўтказилган маблағлар;
- экспорт қилинадиган товарлар ва хизматлар;
- пул, валюта, банкнота ва қимматли қоғозлар муомаласи билан боғлиқ бўлган операциялар;
- маданият ва санъат муассасаларининг хизматлари;
- квартира ҳақи
- ва бошқалар.

ҚҚСнинг ставкалари 10 ва 20% даражасида ўрнатилган. 10% ли ставка истеъмол товарлари (акцизости товарларидан ташқари) ва мамлакат ҳукумати томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича болалар учун товарларга, 20% ли ставка эса қолган бошқа товарлар, ишлар ва хизматларга (акцизости истеъмол товарлари билан биргаликда) нисбатан амал қилади.

Товар (иш, хизмат)ларнинг солиққа тортиладиган айланмаси аниқланиб, солиқ имтиёзлари ва солиқ ставкаси ўрнатилганидан сўнг солиққа тортиладиган айланмани солиқ ставкасига кўпайтириш йўли билан ҚҚСнинг суммаси ҳисоблаб, топилади. Амалиётда ҚҚСни тўловчи бюджетга реализация қилинган товар (иш, хизмат)лар учун сотиб олувчидан олинган солиқ суммаси ва моддий бойликлар учун мол етказиб берувчига тўланган солиқ суммаси ўртасидаги

фарқни тўлайди, яъни ҳисобга олиш механизми амал қилади. Бу ерда ҳисобга олиш механизми корхонага мол етказиб берувчига сотиб олинган товар (иш, хизмат)лар учун тўланган ҚҚС суммасини сотиб олувчига товар – (иш, хизмат)лар реализация қилинганда олинган ҚҚС суммасидан чегириб ташлаш имконини беришни англатади. Тадбиркорлар қуйидаги шартлар бажарилганда ҳисобга олиш (бюджетдан қоплаш) ҳуқуқига эгадирлар:

- сотиб олинган товар (иш, хизмат)лар мол етказиб берувчига тўланган бўлиши, яъни бошланғич ва ҳисоб-китоб ҳужжатларида ҚҚСнинг суммаси алоҳида қаторда белгиланмоғи лозим;

- сотиб олинган товар (иш, хизмат)лар кириш қилинган, яъни балансда акс эттирилган бўлиши керак;

- сотиб олинган моддий бойликлардан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилган бўлмоғи лозим;

- мол етказиб берувчидан счё-фактуралар олинганда.

ҚҚСни тўлаш муддатлари солиқ суммасининг ҳажмига боғлиқ: солиқ суммаси қанчалик катта бўлса, уни тўлаш муддати шунчалик тез бўлмоғи лозим. Айрим ҳолларда ҚҚСни тўлашнинг қуйидаги уч муддатлари белгиланиши мумкин:

- йирик корхона ва ташкилотлар солиқни уч муддатда (15, 25 ва кейинги ойнинг 5-кунларида) тўлаши мумкин;

- ўрта корхоналар – ҳар ойда бир марта (кейинги ойнинг 20-кунидан кечикмаган ҳолда);

- унча катта бўлмаган ва кичик корхоналар – ҳар чорақда (ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунидан кечикмаган ҳолда).

ҚҚСни тўловчилар ҳисобот даврида тўланган солиқ суммалари тўғрисида ўзлари жойлашган жойдаги солиқ органига белгиланган муддатларда ва тартибда ҳисоб-китобларни тақдим этишлари керак.

Акцизлар. Умумдавлат солиқларининг турларидан яна бири акцизлардир. Улар маҳсулотлар ва хизматларнинг баҳосидан ундирилади. Акцизлар тегишли маҳсулотнинг баҳоси, хизматнинг ҳақи ёки тарифнинг таркибига киритилади. Одатда, юқори рентабелли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг юқори фойдасини бюджетга олиш

учун сотилаётган маҳсулотларнинг сотиш баҳосига давлат томонидан ўрнатилади. Мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган акциз тўланадиган маҳсулотларга акциз солиғи солинади. Бу солиқ бўйича солиққа тортиш объекти акцизоти маҳсулотларнинг (ичимлик спирти, вино-ароқ, тамаки, мўйна, икра, заргарлик буюмлари, енгил автомобиллар, маиший-кимё буюмлари, нефть ва нефть маҳсулотлари ва бошқалар) қийматидир. (қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда)

Акциз тўланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган ёки бундай маҳсулотларни импорт қилаётган юридик ва жисмоний шахслар бюджетга акциз солиғини тўловчилар бўлиб ҳисобланади. Акциз тўланадиган маҳсулотлар рўйхати ва акциз солиғининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Уларнинг ставкалари, одатда, 5% дан (енгил автомашиналар учун) 90% гача (ичимлик спирти) тебраниши мумкин. Акциз солиғининг асосий қисми нефть ва газга нисбатан ўрнатилган акцизлар ҳисобидан шаклланади.

Акциз солиғи бюджетга ойнанинг акциз тўланадиган маҳсулот реализация қилинган 10 кунлиги туганидан кейин (агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса) уч кундан кечиктирмай ўтказилиши лозим.

Корхона ва ташкилотларнинг даромади (фойдаси)дан олинадиган солиқ. Бозор муносабатлари шароитида даромад (фойда)нинг роли кескин ошиши муносабати билан ундан олинадиган солиқ нафақат фискаль функцияни бажариши, балки ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ҳам таъсир кўрсатиши керак. Бу солиқ бюджетнинг муҳим даромадларидан бири ҳисобланади. Қуйидагилар уни тўловчилардир:

- юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари ҳам), шунингдек, мамлакат ҳудудида хорижий капитал иштирокида тузилган юридик шахслар ҳам;
- корхоналарнинг алоҳида тугалланган баланси ва ҳисоб варағи бўлган филиаллари ва шунга ўхшаш бошқа бўлинмалари;
- солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтмаган кичик корхоналар.

Бу солиқ учун корхоналарнинг ялпи даромади (фойдаси) солиққа тортиш объекти бўлиб хизмат қилади. Унинг таркиби қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- маҳсулотни сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишдан олинган даромад (фойда);
- асосий фондлар ва бошқа мол-мулкни сотишдан олинган да-ромад (фойда);
- реализациядан ташқари операциялардан олинган даромад (фой-да)лар (бу операциялар бўйича харажатлар чегирилган).

Маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан олинган даромад (фойда) маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан олинган тушум билан (ҚҚС ва акцизларсиз) маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Маҳсулот (иш, хизмат) таннархига киритиладиган харажатлар таркиби мамлакат ҳукумати томонидан тасдиқланган “Харажатлар таркиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ белгиланади. Солиққа тортиш мақсадларида аниқланадиган асосий фондлар ва бошқа мол-мулкни сотишдан олинган даромад (фойда) шу фондлар ва мол-мулкларнинг сотиш баҳоси ва уларнинг бошланғич (ёки қолдиқ) қиймати ўртасидаги фарқ (инфляция индексига оширилган қайта баҳоланиш ҳисобига олган ҳолда) кўринишида ҳисобланади. Реализациядан ташқари операциялардан олинган даромад (фойда)ларнинг таркибига бош-қа корхоналарнинг фаолиятига ҳиссали иштирок этишдан, мол-мулк-ни ижарага беришдан олинган даромад (фойда)лар ҳамда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан олинган бошқа даромад (фойда)лар киради.

Корхоналарга тегишли бўлган даромад (фойда)ни солиққа тортишда солиқ имтиёзлари муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Шу муносабат билан солиқни ҳисоблашда солиққа тортиладиган база қуйидаги суммаларга камайтиради:

- ишлаб чиқариш мақсадларига мўлжалланган капитал қуйилмаларни молиялаштиришга, худди шу мақсадлар учун олинган ва фойдаланилган банк кредитларини қайтаришга

(фоизларини ҳам қўшган ҳолда) йўналтирилган даромад (фойда)нинг суммасига;

- иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари учун уй-жой қурилишини молиялаштиришга йўналтирилган даромад (фойда) нинг суммасига;

- маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тасдиқланган нормативларга мувофиқ равишда ижтимоий-маданий соҳа объектлари ва уй-жой фондини сақлашга йўналтирилган корхоналарнинг ҳақиқий харажатлари суммасига;

- хайрия фондларига бадаллар суммаси ва бошқаларга.

Корхоналарнинг даромади (фойдаси)дан олинадиган солиқнинг ставкаси “Бюджет тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ўрнатилади. Бу солиқ жорий этилган дастлабки йилда унинг ставкаси 38% даражасида белгиланган бўлса, унинг даражаси 2007 йилда 10% га тенг бўлган.

Солиқнинг суммаси солиқ тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида (йил бошига нисбатан ўсиб бориш тартибида), мустақил равишда аниқланади. У бюджетга солиқ тўловчи томонидан чораклик ҳисоб-китоблар бўйича чораклик бухгалтерия ҳисоботини тақдим этиш муддати учун белгиланган кундан беш кунлик муддатда, йиллик ҳисоб-китоблар бўйича эса йиллик бухгалтерия ҳисоботи ва балансини тақдим этиш муддати учун белгиланган кундан ўн кунлик муддатда ўтказилади. Чорак давомида бу солиқни тўловчилар ҳар ойнинг 15-кунидан кечиктирмасдан чораклик солиқ суммасининг 1/3 қисми миқдорида аванс тўловларини амалга оширишлари керак.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

Бу солиқ жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларнинг асосийсидир. Одатда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи мураккаб прогрессия принципи бўйича ўрнатилган прогрессив ставкаларда ундирилади. Бу солиқ ёрдамида солиққа тортишнинг икки тизими мавжуд:

1) шедуляр ёки инглизча тизим. Бундай тизим узоқ давр мобайнида Буюк Британия ва дунёнинг бошқа мамлакатларида қўлланилиб келинапти. У солиқ тўловчи даромадининг жами

бўйича эмас, балки унинг қисмлари бўйича даромад манбаида амалга оширилади;

2) глобалъ тизим. Бунда даромад солиғи орқали солиққа тортиш солиқ тўловчининг жами даромади бўйича амалга оширилади ва у Ғарб мамлакатларида асосий тизим ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда даромад солиғи орқали жисмоний шахсларнинг даромадлари солиққа тортилаётганда солиққа тортилмаслик минимуми қўлланилади ва унинг миқдори қонунчиликка мувофиқ равишда ўрнатилади.

Молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар бу солиқнинг тўловчилари ҳисобланади. У қуйидаги шаклларда тўланиши мумкин:

- даромад манбаидан, яъни асосий иш жойидан ва бошқа иш берувчилардан;
- агар даромад бир неча манба ҳисобидан олинса ва қонуний тарзда белгиланган даромаднинг йиллик суммасидан ошса, даромадлар тўғрисидаги декларация кўринишида;
- тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадни солиққа тортиш шаклида.

Жами йиллик даромад билан қонунда белгиланган чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган солиқ солинадиган даромад солиққа тортиш объектидир. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадига солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёки бошқа маблағлар, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлар, жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромади ва тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромади киради.

17.5. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар фискаль нуқтаи назардан етарли даражада самарали бўлмаган ва иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган солиқлар ва йиғимлардир. Мамлакатнинг солиқ қонунчилигига, давлат ҳокимияти органларининг қарорларига ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг меъёрий-ҳуқуқий актларига мувофиқ ўрнатиладиган ҳамда тегишли маҳаллий ҳудудда тўланиши шарт бўлган солиқ ва йиғимларга маҳаллий солиқлар ва йиғимлар дейилади.

Давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ваколатига, ўзларининг фискал аҳамиятига ва амал қилиш даврига қараб маҳаллий солиқ ва йиғимлар иккига бўлинади:

1) ҳокимиятнинг қонунчилик органи томонидан жорий этиладиган ва мамлакатнинг барча ҳудудларида амал қиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар;

2) маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг қарорига мувофиқ жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Биринчи гуруҳга кирувчи маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг таркиби қуйидагилардан иборат:

- жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ;
- ер солиғи;
- реклама солиғи;
- савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим;
- ва бошқалар.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича ушбу конкрет ставкалар давлат ҳокимият органларининг қарорига мувофиқ белгиланади. Уларни ундириш ва тўлаш тартиби тегишли орган (масалан, Давлат солиқ қўмитаси) томонидан ишлаб чиқилган йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

Ўз навбатида, иккинчи гуруҳга кирувчи маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг таркиби қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- компьютерлар, ҳисоблаш техникалари ва автомобилларни олиб-сотганлик учун солиқ;
- автотранспортлар тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим;
- ҳудудларни ободонлаштириш учун йиғим;
- маориф ташкилотларининг эҳтиёжлари учун йиғим;
- фуқароларнинг бошқа мақсадли йиғимлари;
- ва бошқалар.

Иккинчи гуруҳга кирувчи маҳаллий солиқлар ва йиғимларга нисбатан ягона йўриқноманинг бўлиши мумкин эмаслиги сабабли тегишли ваколатли органлар (Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқалар) алоҳида олинган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича намунавий

низом (йўриқнома) ишлаб чиқишлари ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тегишли қарорлар қабул қилишда ундан фойдаланиш тавсия этилмоғи лозим.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Бюджет даромадлари деб нимага айтилади?
- Нима учун бюджет даромадлари оралиқ характерига эга?
- Бюджет даромадлари нима учун зарур?
- Бюджет даромадлари қандай жараёнда вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ўзида ифода этади?
 - Бюджет даромадлари қандай органларнинг ихтиёрига келиб тушади?
 - Мамлакатларнинг давлат тузилишига боғлиқ равишда бюджет даромадлари қандай фарқланади?
 - Қайси тушунча бир-биридан катта: давлат даромадларими ёки бюджет даромадлари? Нима учун?
 - Бюджет даромадларининг моддий-буюмлашган шаклини нималар ташкил этади?
 - Бюджет даромадларининг асосий моддий манбаини нима ташкил этади?
 - Давлатнинг эҳтиёжларини қондиришга миллий бойлик ҳам жалб этилиши мумкинми? Қандай ҳолларда?
 - Миллий даромадни давлат томонидан давлатлаштириш (давлат ихтиёрига ўтказиш) қандай методлар ёрдамида амалга оширилади?
 - Давлат кредитига нималар инобатга олинган ҳолда мурожаат қилинади?
 - Давлат кредитини олишнинг қандай икки йўли мавжуд?
 - Қандай вазиятларда давлат қоғоз пуллар эмиссиясига мурожаат қилади?
 - Бюджет даромадлари категориясининг намоён бўлиш шакллари нималардан иборат?
 - Миқдорий жиҳатдан бюджетнинг даромадлари ўзида нимани ифодалайди?
 - Бюджет даромадларининг абсолют ҳажми ва салмоғи қандай омилларга боғлиқ?

- Бюджет даромадларини шакллантириш жараёнининг асосий принциплари нималардан иборат?
 - Бюджет даромадларининг асосий қисми солиқлар ёрдамида бюджетга ундирилиши туфайли уларга нисбатан бу жараёнда қандай принциплардан фойдаланилади?
 - Бюджет даромадлари қандай мезонлар асосида классификация қилиниши мумкин?
 - Бюджет даромадлари ўзларининг манбаларига кўра қандай гуруҳларга бўлинади?
 - Бюджетнинг солиқли даромадлари таркиби нималардан иборат?
 - Бюджетнинг солиқсиз даромадлари таркибига нималар киради?
 - Тушумларнинг қандай турлари (кўринишлари) бюджет даромадларининг таркибига олиниши мумкин?
 - Амалиётда Давлат бюджетининг даромадлари қандай тартибда классификация қилинаёпти?
 - Тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқларнинг таркиби нималардан иборат?
 - Ўзининг ижтимоий-иқтисодий белгисига кўра бюджет даромадлари қандай гуруҳларга бўлиниши мумкин?
 - Мулкчилик шаклига кўра бюджет даромадлари қандай кўринишларга эга бўлиши мумкин?
 - Юридик нуқтаи назардан, бюджет даромадлари қандай гуруҳлардан ташкил топади?
 - Давлат бюджети даромадларига “Бюджет тизими тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11-моддасига мувофиқ қандай даромадлар киритилган?
 - Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети қандай даромадларни ўз таркибига олади?
 - Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари қандай даромадлар ҳисобидан шакллантирилиши мумкин?
 - Бюджетларнинг барча даромадлари у ёки бу бюджетларга бириктирилишига қараб, қандай гуруҳларга бўлиниши мумкин?
 - Бюджет даромадлари қай тарзда (шаклда) жалб қилиниши мумкин?

- Қандай методларни қўллаш эвазига субъектларнинг даромадлари бюджет ихтиёрига олинапти?
- Ҳозир Давлат бюджети даромадларининг таркиби нималардан иборат ва унинг тузилмаси қандай?
- Миллий иқтисодиётда қўлланилаётган бюджет даромадлари тизимининг самарадорлиги бевосита нимага боғлиқ ва у ўз ичига нималарни олади?
- “Бюджет даромадлари” ва “Давлат даромадлари” тушунчалари ўртасига тенглик белгисини қўйиш мумкинми?
 - Солиқ (лар) деб нима(лар)га айтилади?
 - Солиқларнинг ижтимоий мазмуни нимадан иборат?
 - Солиқларнинг моддий асосини нималар ташкил этади?
 - Солиқлар қандай характерли белгиларга эга?
 - Солиқлар қандай функцияларни бажаради?
 - Солиқларнинг фискаль функциясининг мазмуни нималардан иборат?
 - Солиқларнинг тартибга солиш (рағбатлантириш) функциясига характеристика беринг.
 - Солиқларнинг асосий элементлари таркибига нималар киради?
 - Солиқ субъекти нима?
 - Солиқ объекти нималардан иборат бўлиши мумкин?
 - Солиқ манбаи таркибига нималар киради?
 - Солиққа тортиш бирлиги деб нимага айтилади?
 - Солиқ ставкаси нима ва унинг қандай кўринишлари бўлиши мумкин?
 - Солиқ имтиёзлари дейилганда нималар тушунилади?
 - Солиққа тортиладиган база (асос, негиз) нима?
 - Солиқ оклади дейилганда нима назарда тутилади?
 - Солиқ тизими деб нимага айтилади?
 - Солиқ механизмнинг таърифини айтиб беринг.
 - Унитар давлатларда солиқ тизими ўз ичига қандай солиқларни олади?
 - Федератив давлатларда солиқ тизими неча бўғиндан таркиб топади?
 - Бюджетга тушумларнинг катта қисмини таъминлайдиган қандай асосий солиқлар Давлат бюджетига бириктирилади?

- Замонавий солиқ тизими нималарга қаратилган бўлиши керак?
- Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими қандай белгилар билан характерланади?
- Солиққа тортиш жараёнлари билан тартибга солинадиган солиқ тизимининг асосий принциплари нималардан иборат?
- Сизнингча, ҳозирги шароитда солиқ тизимида қандай нуқсонлар бўлиши мумкин?
- Солиқ ислохотларини амалга ошириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари умумий кўринишда нималардан иборат бўлиши мумкин?
- Мамлакатнинг солиқ тизими қандай белгилар ва омилларга мувофиқ классификация қилинади?
- Солиққа тортишнинг объекти ҳамда солиқ тўловчи ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларга боғлиқ равишда солиқлар қандай гуруҳларга бўлинади?
- Нега солиқларнинг бир гуруҳи тўғри (бевосита) ва иккинчи гуруҳи эса эгри (билвосита) солиқлар деб юритилади?
- Қандай солиқлар тўғри (бевосита) солиқларнинг таркибига киради?
- Эгри (билвосита) солиқларнинг таркиби нималардан иборат?
- Фойдаланилиши бўйича солиқлар қандай солиқлардан иборат бўлиши мумкин?
- Олиниши ва тегишлилиги қайси органга боғлиқлигига қараб, солиқлар қандай солиқларга фарқланади?
- Умумдавлат солиқлари деб нимага айтилади ва уларнинг таркибига қандай солиқлар киради?
- Қўшилган қиймат солиғи деганда нима тушунилади?
- Бошқа солиқларга нисбатан қўшилган қиймат солиғи қандай афзалликларга эга?
- Кимлар қўшилган қиймат солиғини тўловчилар ҳисобланади?
- Қўшилган қиймат солиғи орқали солиққа тортишда қандай солиқ имтиёзлари кўзда тутилади?

- Одатда, қўшилган қиймат солиғини тўлашнинг қандай муддатлари белгиланиши мумкин?
- Акциз солиғи нима ва қандай маҳсулотларга акциз солиғи солинади?
- Корхона ва ташкилотларнинг даромади (фойдаси)дан олинadиган солиқнинг аҳамияти нимадан иборат ва кимлар унинг тўлов-чилари ҳисобланади?
- Корхона ва ташкилотларнинг даромади (фойдаси)дан олинadиган солиқ учун солиққа тортиш объекти бўлиб нима хизмат қилади ва унинг таркиби қандай элементлардан ташкил топган?
- Корхоналарга тегишли бўлган даромад (фойда)ни солиққа тортишда қандай солиқ имтиёзлари берилади ва солиқни ҳисоблашда солиққа тортиладиган база қандай суммаларга камайтиради?
- Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи қандай ўрнатилган прогрессив ставкаларда ундирилади ва бу солиқ ёрдамида солиққа тортишнинг қандай икки тизими мавжуд?
- Кимлар бу солиқнинг тўловчилари ҳисобланади ва у қандай шаклларда тўланиши мумкин?
- Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар деб нимага айтилади ва уларнинг таркиби нималардан иборат?
- Давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ваколатига, ўзларининг фискал аҳамиятига ва амал қилиш даврига қараб маҳаллий солиқ ва йиғимлар қандай икки гуруҳга бўлинади ва улар ҳар бирининг таркибига нималар киради?

18-боб. Бюджет харажатлари

18.1. Бюджет харажатлари: мазмун-моҳияти, таркиби, тузилмаси ва классификацияси

Давлатнинг ўз функциялари ва вазифаларини бажариши билан боғлиқ равишда вужудга келган чиқимлар бюджет харажатлари дейилади. Бу чиқимлар давлатнинг марказлаштирилган пул фондлари маблағларидан турли йўналишлар бўйича фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

Бюджет харажатлари умумий молиявий категория бўлган бюджетнинг кўринишларидан бири бўлиб, унга тегишли бўлган умумий хусусиятларга эгадир, яъни улар тақсимлаш характерига эга, ифодаланишнинг пул шакли хос, пул фондларининг амал қилиши билан боғланган ва давлат томонидан ташкил қилинади. Шу билан биргаликда бюджет харажатлари бир бутуннинг ўзига хос қисми бўлганлиги учун улар давлатнинг марказлаштирилган пул фондлари маблағларидан фойдаланиш ва тегишли фондларни шакллантириш билан боғлиқдир. Бу тақсимлаш муносабатларининг моддийбуюмлашган шакли турли соҳаларга йўналтирилаётган бюджет маблағларининг ҳаракатидан иборат.

Бюджет харажатларининг иқтисодий моҳияти унинг турли-туман кўринишлари (турлари) орқали намоён бўлади. Харажатларнинг ҳар бир тури ўзининг миқдорий ва сифат характеристикасига эга. Уларнинг сифат характеристикаси воқеликнинг иқтисодий табиатини ифодалаб, бюджет харажатларининг мўлжалланганлигини, миқдорий характеристика эса уларнинг ўлчамини (миқдорини, ҳажмини) аниқлашга имкон беради.

Бюджет харажатлари чиқимларнинг конкрет турлари орқали намоён бўлади. Бюджет харажатлари конкрет турларининг хилма-хиллиги эса, ўз навбатида, қуйидаги омилларнинг мавжудлиги билан белгиланади: давлатнинг иқтисодий табиати ва функциялари; мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси; бюджетнинг миллий иқтисодиёт

билан боғланганлиги; иқтисодий муносабатларнинг ривожланганлик даражаси; бюджет маблағларининг намоён бўлиш шакллари ва ҳ.к. Бу омилларнинг қўшилиши ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг маълум бир босқичида ҳар қандай давлат бюджет харажатларининг у ёки бу тизимини вужудга келтиради.

Жамиятнинг иқтисодий ҳаётида бюджет харажатларининг роли ва аҳамиятини аниқлаш учун уларни маълум белгиларга кўра туркумлаштириш мақсадга мувофиқ. Назария ва амалиётда бюджет харажатларини классификация қилишнинг бир неча белгилари мавжуд. Улар ўзларининг иқтисодий мазмуни, функционалиги, ижтимоий такрор ишлаб чиқаришдаги роли, ишлаб чиқариш тармоқлари ва фаолият турлари ёки идоровий бўлиниши, ижтимоий мўлжалланганлиги бўйича, ҳудудий туркумланиши, маълум мақсадлари ва юридик нуқтаи назардан ёки давлат бошқаруви даражасига кўра алоҳида гуруҳларга ажратилиши мумкин.

Иқтисодий мазмунига кўра бюджет харажатлари капитал ва жорий харажатларга бўлинади. Бу харажатлар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига уларнинг қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини ифодалайди.

Бюджетнинг капитал харажатлари инновацион ва инвестицион фаолиятга йўналтирилган харажатлардир. Бу харажатларнинг таркибига:

а) тасдиқланган инвестицион дастурга мувофиқ ҳаракатдаги ёки янгидан ташкил этилаётган юридик шахсларга инвестициялар учун мўлжалланган харажатлар;

б) юридик шахсларга инвестицион мақсадлар учун бюджет кредитлари сифатида бериладиган маблағлар;

в) кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган капитал таъмирлашни амалга ошириш харажатлари ва шу билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар;

г) амалга оширилиши давлат мулкига тегишли бўлган мулкни ошириш ёки уни янгидан яратишга олиб келадиган харажатлар;

д) бюджет харажатларининг иқтисодий туркумланишига мувофиқ бюджетнинг капитал харажатлари таркибига киритиладиган бошқа харажатлар киради.

Бюджетининг капитал харажатлари таркибида Тараққиёт бюджети шакллантирилиши мумкин.

Давлат ҳокимият органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, бюджет ташкилотларининг жорий фаолиятини таъминлашга йўналтирилган бюджет харажатлари, бошқа бюджетлар ва иқтисодиёт алоҳида тармоқларига дотация, субсидия ва субвенция шаклида кўрсатиладиган, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва бюджет харажатларининг туркумланишига мувофиқ, капитал харажатларнинг таркибига киритилмаган бошқа харажатлар бюджетнинг жорий харажатлари дейилади.

Аниқроқ равишда бюджетнинг жорий харажатлари таркиби қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- давлат истеъмоли харажатлари (иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмани, миллий хўжаликнинг давлат тармоқларини сақлаш, фуқаролик ва ҳарбий характердаги товарлар ва хизматларни сотиб олиш, давлат муассасаларининг жорий харажатлари);

- ҳокимиятнинг қуйи органлари, давлат корхоналари ва хусусий корхоналарга жорий субсидиялар;

- трансферт тўловлари;

- давлат қарзлари бўйича фоизларни тўлаш;

- бошқа харажатлар.

Бу харажатлар оддий бюджетда ёки жорий харажатлар ва даромадлар бюджетида акс этган чиқимларга мос келади.

Такрор ишлаб чиқаришдаги ролига кўра бюджет харажатлари миллий иқтисодиётга (хўжаликка) қилинадиган харажатлар ва ижтимоий соҳа ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларига бўлинади. Бу харажатларга, энг аввало, давлат корхоналари ва давлат улуши бор бўлган корхоналарнинг устав капиталини шакллантириш, уларни янада кенгайтириш ва ривожлантириш, давлат моддий захираларини яратиш харажатлари киради. Бюджетнинг ижтимоий соҳа ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ҳам ижтимоий жиҳатдан зарур бўлган харажатлардир. Бу харажатлар истеъмол фондларини шакллантириш билан боғлиқ. Уларнинг бир қисми жамият аъзоларининг индивидуал эҳтиёжларини, бошқа бир қисми

эса бутун жамиятнинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. Бу ерда бюджет харажатлари ижтимоий истеъмол фондларини (мамлакатнинг мудрофаа фонди, илмий тадқиқотлар фонди ва бошқалар) шакллантиришни тўлиқ, шахсий истеъмол фондларини эса қисман (номарказлаштирилган молиявий ресурслар билан биргаликда) таъминлайди. Шу билан биргаликда, бюджет маблағларининг катта қисми шахсий истеъмол фондларининг ижтимоий истеъмол фондларига (маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот, аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар баҳоси ўртасидаги фарқларни қоплаш, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга нафақалар фондлари ва бошқалар) тегишли бўлган қисмини шакллантиришда кенг фойдаланилади.

Функционал нуқтаи назардан бюджет харажатларининг классификация қилиниши пул маблағларини ижтимоий фаолият соҳаларига йўналтирилганлигини акс эттиради. Бунда бюджет харажатлари қуйидаги йирик гуруҳларга бўлиниши мумкин:

- давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш;
- суд ҳокимияти;
- халқаро фаолият;
- миллий мудрофаа;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;
- фундаментал тадқиқотлар ва илмий-техника тараққиётини таъминлаш;
- саноат, энергетика ва қурилиш;
- қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик;
- атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, гид-рометеорология, хариташунослик ва геодезия;
- транспорт, йўл хўжалиги, алоқа ва информатика;
- уй-жой коммунал хўжалиги;
- маориф;
- соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия;
- маданият, санъат ва кинематография;
- оммавий ахборот воситалари;

- давлат қарзига хизмат қилиш;
- бошқа даражадаги бюджетларга молиявий ёрдам;
- мақсадли бюджет фондлари;
- давлат захиралари ва резервларини тўлдириш;
- ижтимоий сиёсат;
- бошқа харажатлар.

Бюджет харажатларининг юқоридаги тартибда классификация қилиниши давлатнинг ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларидаги ролини кўрсатади.

Бюджет харажатларининг тармоқ белгиси бўйича гуруҳларга ажратишнинг асос қилиб миллий иқтисодиёт (хўжалик)нинг умумэътироф этилган тармоқларга бўлиниши қабул қилинган. Шунга мувофиқ, бюджет харажатлари саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот, давлат бошқаруви, муҳофаа ва ҳ.к. харажатларига бўлиниши мумкин. Бюджет харажатлари миллий иқтисодиёт (хўжалик) тармоқларининг пул фондларини шакллантиришда мустаҳкам молиявий асос яратиш билан биргаликда харажатларнинг тармоқлараро бўлиниши молиявий ресурсларни тақсимлашдаги нисбатларни аниқлашга ҳам имкон беради, миллий хўжаликнинг тармоқ таркибий тузилишини керакли йўналишда ўзгартиради. Масалан, ҳозирги пайтда мамлакатимизда яратилган миллий даромаднинг ҳажми бюджет маблағларининг катта қисмини ижтимоий соҳа ва аҳолини бевосита ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш имконини бераяпти. Бир вақтнинг ўзида иқтисодиётнинг устувор тармоқларининг (машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, электроэнергетика ва бошқалар) катта кўламларда бюджетдан молиялаштирилиши ҳам таъминланаяпти.

Идоравий белгига кўра бюджет харажатларининг классификация қилиниши бюджет ассигнованияларини олувчи вазирлик, бошқа давлат муассасаси ёки юридик шахснинг ажратиб олиншига имкон беради. Бюджет харажатларининг ана шундай классификация қилиниши натижасида бошқарув тизимининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган харажатлар тузилмасидаги ўзгаришлар ўз вақтида кўрсатилади.

Ижтимоий мўлжалланганлиги бўйича бюджет харажатларининг иқтисодий гуруҳларга ажратилиши давлатнинг тоифаси ва у томонидан бажарилаётган функцияларни ўзида акс эттиради. Ана шунга мувофиқ равишда бюджетнинг барча харажатларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;
- миллий хўжаликка (иқтисодиётга) харажатлар;
- ҳарбий (мудофаа) харажатлар(и);
- бошқарув харажатлари;
- ривожланаётган мамлакатларга субсидиялар ва кредитлар тақдим этиш харажатлари.

Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ўз таркибига маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, фан, ижтимоий таъминот, аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар баҳоларидаги фарқларни бюджетдан қоплаш ва оилаларга ижтимоий нафақаларни олади. Давлатнинг ижтимоий функциясини ўзида акс эттириб, бу гуруҳдаги бюджетнинг харажатлари халқ таълими тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, фан ва маданиятни молиялаштиришга, аҳолининг тиббий хизматга бўлган талабини (эҳтиёжини) қондиришга, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминотни амалга оширишга кенг йўл очиб беради.

Таълим ва соғлиқни сақлашнинг текинлиги ҳамон устуворлигича қолаёпти. Умумий таълимни текин ва касбий таълимни танлов асосида олиш кафолатланганлигича қолмоқда. Аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда. Иш ҳақининг энг кам даражасини ошириш, ишсизлик бўйича берилиши лозим бўлган нафақаларнинг миқдорини кўпайтириш, мактаб ёшигача бўлган болалар, мактаб ўқувчилари, студентларнинг овқатланиш харажатларини компенсация қилиш, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини тартибга солиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Миллий хўжаликка (иқтисодиётга) бюджетдан харажатларнинг қилиниши давлатнинг ҳамон хўжалик юритувчи асосий субъектлардан бири эканлигидан дарак

беради. Айнан бу харажатлар катта кўламларда янги саноат корхоналарини қуриш, замонавий индустриал асосда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш, транспорт, алоқа ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини техникавий қайта қуролланишини таъминлашга имкон яратади. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда бюджетнинг бу харажатлари орасида иқтисодиётга харажатлар ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Ҳозирги шароитда такрор ишлаб чиқариш жараёнларига ва ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга бюджетнинг маълум мақсадларга йўналтирилган таъсирчанлиги кучаймоқда. Бюджет харажатлари иқтисодиёт ривожига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидаги (масалан, Германия, Япония, Жанубий Корея, Тайван ва бошқа мамлакатларда) “иқтисодий мўъжиза” айнан давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаши натижасида содир бўлди.

Бюджетнинг миллий хўжаликка (иқтисодиётга) йўналтирилган харажатлари таркиби илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари, иқтисодий ва ижтимоий инфратузилма, қишлоқ хўжалигини ва иқтисодиётнинг давлат тармоқларини қўллаб-қувватлаш, миллий хўжаликнинг айрим тармоқлари ва мамлакат минтақаларида бандликни таъминлаш, экспортни рағбатлантириш харажатларидан иборат.

Кейинги йилларда давлат капитал қуйилмаларининг ҳажми кескин ошмоқда. Хусусий фирмаларга, айниқса, тараққиёт минтақаларига берилаётган субсидиялар миқдори купаймоқда. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида унинг айрим тар-моқларида давлат кафолати остида давлат субсидиялари ёки имтиёзли банк кредитлари кўринишида танланма ёрдам кўрсатилаяпти.

Иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги тармоғига бюджетдан катта миқдордаги маблағлар тақдим этилаяпти. Бу тармоқ устувор равишда қўллаб-қувватланиши лозим бўлган тармоқ ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига бериладиган субсидиялар икки кўринишда тақдим этилмоқда:

1) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига кафолатланган баҳоларни қўллаб-қувватлаш;

2) ишлаб чиқариш мақсадлари – қишлоқ хўжалиги машиналари, минерал ўғитлар сотиб олиш ва омборхоналар қуриш учун.

Миллий маҳсулотларни экспорт қилувчи фирмалар фаолиятига бюджетдан ёрдам кўрсатилиши жаҳон бозорларидаги шиддатли рақобат шароитида уларнинг аҳволини анча енгиллаштиради.

Давлатнинг бюджет харажатлари орқали иқтисодиётга арала-шуви иқтисодий ўсишнинг нисбатан юқори суръатларда бўлишини рағбатлантирибгина қолмасдан, балки унинг даврий тебранишини ҳам юмшатади (секинлаштиради).

Бюджетнинг ҳарбий (мудофаа) харажатлар(и) ҳам давлатнинг функцияларидан келиб чиқади. Улар ҳар бир давлатнинг ўз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаши билан боғлиқдир. Бюджет маблағлари ҳисобидан Қуролли Кучларнинг барча турлари молиялаштирилади.

Ҳарбий (мудофаа) харажатлар(и) тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) харажатларга бўлинади. Тўғри (бевосита) ҳарбий харажатлар стратегик қуролларни ишлаб чиқариш ёки сотиб олиш, Қуролли Кучларнинг шахсий таркибини тайёрлаш ва сақлаш, ҳарбий характердаги илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш харажатларидан иборат бўлиши мумкин. Бу турдаги ҳарбий (мудофаа) харажатлар(и) уруш ҳаракатлари содир этилаётган пайтда ва мамлакат иқтисодиётининг милитаризациялашуви шароитида кескин ошади.

Эгри (билвосита) ҳарбий (мудофаа) харажатлар(и)га уруш ногиронлари ва вафот этганлар оилаларига бериладиган пенсия ва нафақалар, фуқаролик идораларининг моддалари бўйича ўтадиган харажатларнинг (масалан, йўл ва стратегик объектларни қуриш харажатлари) бир қисми киради.

Давлат томонидан бошқарув шаклидаги фаолият турининг амалга оширилиши, унинг хўжалик-ташкилотчилик функцияси бюджетдан бошқарув харажатлари деб номланган алоҳида харажатлар қилинишини тақозо этади. Бошқарув (давлат ҳокимияти органлари, суд ва прокуратура органлари,

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув органлари) харажатлари давлат органлари фаолиятининг молиявий асосини ташкил этиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларига раҳбарлик қилишга имкон яратади.

Ривожланаётган мамлакатларга субсидиялар ва кредитлар бериш ривожланган мамлакатларнинг бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади. Бундай ёрдам фақат иқтисодий омиллар билан эмас, балки сиёсий жиҳатлари билан характерланади. Имтиёзли шартларда кредитлаштириш ва қайтарилмайдиган тарзда ёрдам кўрсатиш унинг кўринишларидандир.

Бюджетнинг барча харажатлари юқоридаги бешта гуруҳдан қайси бирига киришидан қатъи-назар, улар ўзларининг маълум аниқ мақсадларга мўлжалланганлиги бўйича ҳам бир неча қисмларга бўлинади. Бу қисмлар бюджет харажатларининг аниқ турларидан таркиб топади. Капитал қуйилмалар, дотациялар, субвенциялар, субсидиялар, бюджет ссудалари, иш ҳақи, овқатланиш харажатлари, капитал ва жорий ремонт, канцелярия ва хўжалик харажатларини бюджет харажатларининг конкрет турлари сифатида кўрсатиш мумкин. Бюджет харажатларининг маълум аниқ мақсадларга мўлжалланганлиги бўйича туркумланиши бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга шароит яратади, бюджет ассигнованияларидан фойдаланиш устидан самарали ва таъсирчан молиявий назоратни амалга оширишнинг зарурий асоси ҳисобланади.

Бюджет харажатларини иқтисодий нуқтаи назардан туркумларга ажратилиши билан бир қаторда ташкилий жиҳатдан ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин. Бунинг асосида бюджет харажатларини юқори ташкилотлар (вазирликлар, уюшмалар, ассоциациялар, бирлашмалар, концернлар, компаниялар ва ҳ.к.) ва ҳудудий белгилари ётиши мумкин. Бюджет харажатларининг юқори ташкилотлар бўйича гуруҳланиши бюджет маблағларини аниқ олувчиларни кўрсатади ва улар тармоқ ичида пул фондларини шакллантиришда масъул бўлиб, ажратилган бюджет ассигнованияларидан ўз вақтида, самарали ва қонуний фойдаланиш устидан жавобгардирлар.

Бюджет харажатларининг ҳудудий белгига мувофиқ бўлиниши уларнинг марказлашувини турли даражаларини ўзида акс эттиради. Шу муносабат билан, давлат бошқаруви даражаси ва юридик нуқтаи назардан, бюджет харажатлари уч гуруҳга кирувчи харажатлардан таркиб топади:

- Давлат бюджети харажатлари;
- Республика бюджети харажатлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюд-жетларнинг харажатлари.

“Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасига мувофиқ Давлат бюджети харажатлари қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- бюджетдан маблағ олувчиларнинг жорий харажатлари;
- жорий бюджет трансфертлари;
- капитал харажатлар (асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради)ни давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқариш, чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олиш, давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олиш, давлат захираларини вужудга келтириш харажатлари);
- капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган трансфертлар;
- резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари;
- давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари;
- қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа харажатлар.

Ўз навбатида, Республика бюджети харажатларининг таркиби қуйидагилардан иборат (юқоридаги қонуннинг 16-моддаси):

- республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағи олувчиларнинг жорий харажатлари;
- жорий бюджет трансфертлари;
- капитал харажатлар (асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб

чиқариш, чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олиш, давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олиш, давлат захираларини вужудга келтириш харажатлари);

- капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;

- резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари;

- давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари;

- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари қуйидаги шаклларда амалга оширилади (тегишли қонуннинг 19-моддаси):

- Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари;

- жорий бюджет трансфертлари;

- капитал харажатлар (асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқариш, давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олиш);

- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида бюджетнинг харажатларининг даромадлари билан узвий боғлангандир. Бундай ўзаро боғлиқлик харажатларнинг миқдорий жиҳатдан даромадларга мувофиқ келиши ва уларнинг бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатиши орқали ифодаланади. Бир томондан, аксарият ҳолларда, бюджет харажатларининг ҳажми бюджет даромадларининг ҳажми билан чекланади. Ўз навбатида, бюджет даромадларининг ҳажми эса давлатнинг иқтисодий имкониятлари билан аниқланади. Шунинг учун ҳам бу ерда бюджет харажатларининг шундай ҳажмини ва миллий хўжалиқда пул фондларини шакллантиришда бюджет маблағларидан фойдала-нишнинг шундай муддатларини

ўрнатиш керакки, улар минимал харажатлар қилиб, максимал самарага эришиш орқали давлат олдидаги ижтимоий-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли бажарилишини таъминласин. Бошқа томондан эса, ишлаб чиқаришнинг ўсишига ижобий таъсир қилиш, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш ва миллий хўжаликдаги пропорцияларни оптималлаштириш орқали бюджетнинг харажатлари унинг даромадлари даражасининг ортишига ўз таъсирини кўрсатади.

Бюджет харажатлари ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бориши уларни миллий хўжаликнинг самарадорлиги нуқтаи назаридан баҳолашни жуда долзарб муаммога айлантириб қўяди. Бунда миллий хўжаликнинг якуний натижасини баҳолаб, фақат унга тегишли бўлган даромадларнинг қўшимча равишда ўсганлигига эътибор бериш билан чекланиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу ерда, бир вақтнинг ўзида, жамиятнинг ижтимоий тараққиёт даражаси, ижтимоий муаммоларнинг қай даражада ҳал этилганлиги ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Албатта, миллий хўжаликнинг якуний натижаси бюджет харажатларининг умумий ҳажмига, уларнинг таркибий тузилишига, бюджет маблағларидан тўғри, иқтисод қилиб ва самарали фойдаланишга бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда бюджет харажатларининг илмий асосланган ҳолда режалаштирилишига, бюджет ассигнованияларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратнинг бутун тизимига алоҳида эътибор бериш лозим.

Миллий хўжаликни молиявий тартибга солишнинг муҳим воси-таларидан бири ҳам бюджетнинг харажатларидир. Бу ерда, одатда, молиявий тартибга солиш дейилганда, миллий хўжаликдаги оқилона пропорцияларни таъминлаш мақсадида бюджет маблағларини тармоқлар ва ҳудудлар бўйича тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг шакллари ва методлари мажмуи тушунилади. Миллий хўжаликни молиявий тартибга солишнинг объектив зарурлиги катта ўзгарувчанлик билан характерланадиган унинг мураккаб организми бўлган турли қисмларида молиявий ресурсларни жамғариш суръатларининг турличалиги билан изоҳланади. Бюджет ресурсларини сарф қилиш орқали давлат пул маблағларини тақсимлашда вужудга келган пропорцияларни ўзгартириши ва бунинг

оқибатида баъзи бир тармоқларнинг (ҳудудларнинг) ривожланишини тезлаштириши ва бошқаларининг ривожланишини рағбатлантирмасдан, миллий хўжаликнинг ривожланишини тартибга солиши мумкин. Бюджет маблағларининг катта қисмини муҳим ишлаб чиқариш-ҳудудий комплексларни ривожлантиришга сарфлаш секин-асталик билан чуқур сифат ўзгаришларининг содир бўлишига – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмасининг ўзгаришига олиб келади.

Мамлакатнинг миллий хўжалигини молиявий жиҳатдан тартибга солиш бюджет даромадларини режалаштириш ва бюджетдан молиялаштириш жараёнлари давомида амалга оширилади. Режа-лаштириш жараёнининг ўзидаёқ бюджет харажатларининг умумий ҳажми горизонталига (тармоқ, вазирлик ва мақсадли кесимларда) ва вертикалига (бошқарувнинг турли даражаларига мувофиқ равишда) тақсимланиб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг содир бўлиши учун тегишли шароит яратилади. Бюджетдан молиялаштириш жараёнида эса давлат ўзининг ихтиёрига келиб тушаётган пул маблағларини режалаштирилган тадбирлар доирасида ва ундан ташқарида кенг манёвр қилиш имконига эга бўлади. Маблағларни аниқ тақсимловчиларга бюджет кредитларини очиш, бюджет ассигнованияларини бериш ва улардан самарали фойдаланиш устидан назорат қилиб, иқтисодиётнинг ривожланиши устидан молия органлари диққат билан кузатувни амалга оширадилар ва зарур ҳолларда тақсимланаётган бюджет маблағларининг пропорцияларини ўзгартирадилар.

Бюджетда даромадларни харажатларнинг конкрет турлари ва йўналишлари бўйича бириктирилиши принципи бўлмаганлиги учун бу ерда бюджет ресурслари билан кенг манёвр қилиш ва шунга мувофиқ равишда давлатнинг ихтиёрига келиб тушувчи пул маблағларидан ҳар қандай зарур йўналишда фойдаланилиши мумкин.

Бюджет харажатларининг таркиби ва унинг тузилмаси давлатнинг табиатига, у томонидан бажарилаётган функцияларга, миллий хўжаликнинг эҳтиёжларига боғлиқ ҳамда бюджет механизми орқали ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг баъзи бир омилларига давлатнинг

таъсирчанлигини таъминлаш кабилар билан белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг таркиби ва унинг тузилмаси кейинги йилларда қуйидаги маълумотлар билан характерланиши мумкин: Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг ярмидан кўпроғини (56,55%) ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ташкил этмоқда. Бу харажатларнинг таркибида асосий ўринни маориф (32,65%), соғлиқни сақлаш (11,82%) ва оилаларга ижтимоий нафақалар (9,56%) эгалламоқда. Умумий ҳолда эса ана шу уч гуруҳдаги харажатлар Давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллабқувватлашга мўлжалланган маблағларнинг 95,02%га тенг бўлмоқда.

Умуман олганда, Давлат бюджетининг бу гуруҳга кирувчи харажатлари ёш авлодни тарбиялаш ва уларга замонавий билимларни бериш, миллий хўжалик учун зарур бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлаш, аҳолига малакали тиббиёт хизмати кўрсатиш, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминотни янада яхшилаш, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги мураккаб шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига Ўзбекистонда қандай эътибор берилаётганлигини яққол кўрсатмоқда.

Иқтисодиёт харажатлари ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари ўзларининг салмоғига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлари таркибий тузилмасида кейинги ўринни эгаллаб, уларнинг ҳар бирига, мос равишда, бюджет харажатларининг 11,97% ва 7,51% қисмлари тўғри келаяпти. Бу рақамлар бюджет маблағлари ҳисобидан мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, унинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш ва ўзгартириш, миллий хўжалик секторларида иқтисодий самарадорликнинг ўсишини таъминлаш, илмий-техника тараққиётининг ўсиш суръатларини тезлаштириш, ягона техникавий сиёсатни юргизишга жиддий эътибор берилаётганлигидан дарак беради.

18.2. Бюджетдан молиялаштириш: таърифи, принциплари, шакллари ва методлари

Бюджетнинг харажатларидан фойдаланиш бюджетдан молиялаштириш орқали амалга оширилади. Шу муносабат билан, бюджетдан молиялаштириш дейилганда режада кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун субъектларга бюджетдан маблағларни тақдим этиш тизими тушунилади. У пул маблағларини тақдим этишнинг ўзига хос шакл ва методлари билан характерланади ҳамда маълум бир принципларга таянади. Бюджетдан молиялаштиришнинг принциплари, шакллари ва методлари бу тизимнинг таркибий элементлари бўлиб ҳисобланади ва унинг амал қилиш натижаларига ўз таъсирини кўрсатади. Муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифалар ҳал этилаётган ҳозирги пайтда оқилна ва самарали бюджетдан молиялаштириш тизимининг аҳамияти янада ортади.

Бюджетдан молиялаштиришнинг оқилна тизимини ташкил этишда, энг аввало, молиялаштириш принциплари муҳим роль ўйнайди. Амалиётда фойдаланилаётган бюджетдан молиялаштиришнинг принципларини умумий ва хусусий гуруҳларга бўлиш мумкин. Умумий принциплар бюджетдан маблағ оладиган барча субъектларнинг фаолиятига тегишлидир. Хусусий принциплар эса субъектлар фаолиятининг ташкил этилишига боғлиқ равишда бюджет маблағларининг тақдим этилиш тартибини белгилаб беради.

Бюджетдан молиялаштиришнинг умумий принциплари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- **минимум харажат қилиб, максимум самара олиш.** Бюджет маблағлари улардан фойдаланишнинг энг юқори самараси таъминлангандагина тақдим қилиниши керак. Бундай самара, бир томондан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг турли вазифаларини ечиш, иккинчи томондан эса, бюджет ассигнованияларини олувчиларнинг даромадлари ўсиши ҳисобидан пул маблағларининг бюджетга қайта оқиб келиши билан ифодаланиши мумкин;

- **бюджет ассигнованияларидан фойдаланишнинг мақсадли характердалиги.** Юридик шахслар олдиндан мақсадлари аниқланган ва тасдиқланган бюджет асосида

бюджетдан маблағ олиши мумкин. Бу принципга қатъий риоя қилиш бюджет ассигнованияларидан самарасиз фойдаланишга тўсқинлик қилади;

- **кўзда тутилган режаларнинг бажарилиши ва олдин берилган ассигнованияларнинг фойдаланилганлигини инобатга олган ҳолда бюджет маблағларини тақдим этиш.** Бюджетдан молиялаштириш кўрсаткичларнинг бажарилишига боғлиқлиги молиявий органларга корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолияти устидан самарали ва таъсирчан назоратни амалга оширишга имкон беради;

- **бюджет ассигнованияларининг қайтарилувчан эмаслиги.** Бюджет ассигнованиялари субъектларга уларни мажбурий равишда бюджетга қайтармаслик шарти билан тақдим этилади;

- **бюджет ассигнованияларининг текинлиги.** Бюджетдан ассигнованиялар субъектларга фоиз кўринишида қандайдир даромадларни давлатга тўламасдан ёки ассигнованияларни тўлашнинг бошқа кўринишларисиз, ажратилади.

Бюджетдан молиялаштириш амалиётида умумий принциплар билан биргаликда хусусий принциплардан ҳам фойдаланилади. Уларнинг таркибига қуйидагилар киради:

- бюджет ассигнованияларини фақат ишлаб чиқаришни кенгайтириш харажатларига ажратиш;

- бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда “қолдиқ” ёндашуvidан фойдаланиш;

- бюджетдан молиялаштиришдан режалаштирилаётган харажатларни кредит методи орқали таъминлаш билан биргаликда фойдаланиш;

- корхоналарнинг молиявий ҳолатини бюджетли тартибга солиш принципи ва бошқалар.

Бюджетт ассигнованиялари амалиётида бюджетдан молиялаштиришнинг турли усулларида фойдаланилади. Унинг қуйидаги икки усулини алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин:

- **“нетто-бюджет” тизими бўйича молиялаштириш.** Пул маблағларини тақдим этишнинг бу усули шу билан характерланадики, унга кўра бюджет ассигнованиялари

тасдиқланган бюджетда кўзда тутилган харажатларнинг чекланган бир қисмига ажратилади;

- **“брутто-бюджет” тизими бўйича молиялаштириш.** Бу усул бюджетдан тўлиқ молиялаштириладиган корхона ва ташкилотлар учун қўлланилади. Бюджет ассигнованиялари бу ҳолда бюджет ташкилотини жорий сақлаш ва унинг фаолиятини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг барча турлари учун ажратилади.

Пул маблағларини тақдим этишнинг юқорида келтирилган усуллари бюджетдан молиялаштиришнинг қуйидаги шакллари ёрдамида амалга оширилади:

- бюджет ташкилотини сақлаш учун ассигнованиялар;
- давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг шартномалари бўйича юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилган товарлар, ишлар ва хизматларни тўлаш учун маблағлар;
- аҳолига трансфертлар;
- жисмоний ва юридик шахсларга субвенция ва субсидиялар;
- қуйи бюджетларга ва давлатнинг бюджетдан ташқари жам-ғармаларига дотация, субвенция ва субсидиялар;
- ҳаракатдаги (амалдаги) ёки янгидан ташкил этилаётган юридик шахслар устав капиталига инвестициялар;
- нархлардаги фарқни қоплаш.

Амалиётда бюджетдан молиялаштириш, юридик нуқтаи назардан, қуйидаги икки кўринишда амалга оширилади:

1) харажатларни республика бюджетидан молиялаштириш;

2) харажатларни Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш.

Ўзбекистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонунининг 22-моддасига кўра республика бюджетидан харажатларни молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- фан, таълим, маданият, соқлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт (республикага бўйсунадиган ташкилотлар бўйича);

- ижтимоий таъминот;

- мудофаа, миллий хавфсизлик ва жамоат тартибини хизматларини сақлаш;
- судлар ва прокуратура органлари фаолиятини таъминлаш;
- давлат ва сафарбарлик захираларини вужудга келтириш ҳамда уларни сақлаш;
- давлатнинг марказлаштирилган инвестицияларини амалга ошириш;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Респуб-ликасининг чет эллардаги дипломатик ваколат-хоналари ҳамда миссиялари фаолиятини таъминлаш;
- иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги республикага бўйсунадиган бюджет ташкилотларини сақлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш;
- ер тузиш, мелиоратив, табиатни муҳофаза қилиш ва эпизоотияга қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш;
- гидрометеорология, табиий офатларга қарши кураш чора-тадбирлари;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидагиларга мўлжалланган харажатлар молиялаштирилади (юқоридаги қонуннинг 23-моддаси):

- фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт (Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича);
- ижтимоий таъминот;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;

- Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш;

- иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджет ташкилотларини сақлаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Маблағларни бюджетдан тақдим этишнинг методлари бюджетдан молиялаштиришнинг муҳим элементи бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ёрдамида молия органлари бюджетда кўзда тутилган тадбирларни пул маблағлари билан таъминлайди, пул маблағларидан фойдаланишда юқорироқ натижаларга эришиш учун маблағларни қайта ўзгартириб, тақдим этишни амалга оширади, молиявий ресурсларни тақсимлашда таркиб топаётган пропорцияларни тартибга солади.

Давлат томонидан моддий ишлаб чиқариш соҳаси ва уй-жой, коммунал хўжалигига қилинадиган харажатлар мамлакат иқтисодиётини молиялаштириш харажатларига киради. Бунда бюджет маблағлари вазирликлар, идоралар ва корхоналарга ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича харажатларга (капитал қуйилмаларга), оддий такрор ишлаб чиқаришни таъминлашга (субсидиялар, дотациялар ва трансфертлар), операцион харажатларга ва бошқа харажатларга берилади.

Мамлакат иқтисодиётини молиялаштириш харажатлари вазирликлар, идоралар ва корхоналар бўйича режалаштирилади ҳамда бир вақтнинг ўзида маълум мақсадларга мўлжалланганлиги бўйича кўзда тутилади. Бунда бюджет маблағларининг асосий қисми иқтисодиётнинг устувор тармоқларига, яъни саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва транспортга йўналтирилади.

Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш нуқтаи назаридан капитал қуйилмаларни молиялаштириш иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадларига

мўлжалланган асосий фондларнинг янгиларини яратиш ва ҳаракатдагиларини кенгайтиришга учун пул маблағларини тақдим этишга капитал қўйилмаларни молиялаштириш дейилади. Бюджет ресурслари чекланганлиги учун улар инвестицияларнинг чекланган доирасига, яъни мақсадли дастурларга киритилган ёки ҳокимиятнинг ижроия органлари қарори бўйича амалга оширилаётган инвестицияларга берилади.

Иқтисодиёт харажатларини молиялаштиришнинг муҳим йўналиши юридик шахсларга турли субсидиялар, дотациялар ва субвенциялар беришдир. Бу кўринишдаги бюджет маблағлари давлат, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ва хусусий корхоналар (и) нинг турли жорий харажатлари ва зарарларини қоплаш учун ажратилади. Ана шундай харажатларнинг асосий қисми ёқилғи-энергетика саноати, агросаноат комплекси, уй-жой коммунал хўжалиги, шаҳар транспорти ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига йўналтирилади.

Бюджетнинг ижтимоий эҳтиёжларга мўлжалланган харажатлари давлат томонидан ижтимоий функциянинг бажарилиши билан боғлиқ. Бу харажатлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- маориф;
- маданият, санъат ва кинематография;
- оммавий ахборот воситалари;
- соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия;
- ижтимоий сиёсат.

Ижтимоий эҳтиёжлар харажатлари сметали режалаштириш принциплари асосида аниқланади. Бу харажатлар конкрет тадбирлар ва харажатларнинг турлари бўйича молиялаштирилади. Харажатлар ҳажми бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ижтимоий соҳа ташкилотларида ишлаб чиқиладиган смета ва молия органларида тузилган ассигнованиялар ҳисоб-китоби асосида аниқланади. Ҳисоб-китоблар асосида хизмат кўрсатиладиган контингентларни характерловчи ташкилотлар фаолиятининг кўрсаткичлари (масалан, ўқувчилар, гуруҳлар, синфлар сони ва ҳ.к.) ётади. Бунда уларнинг йил давомида фаолият кўрсатиш вақти ҳам ҳисобга олинади. Бу кўрсаткичлар ҳисоб-китоб бирликлари бўлиб хизмат қилади. Ҳисоб-китоб

бирлигига тўғри келувчи пулли харажат бюджет ташкилотининг фаолият кўрсатишини ва ривожланишини таъминлайдиган норма бўйича ўрнатилади.

18.3. Бюджет нормалари (меъёрлари), харажатлар сметаси ва бюджет кредити

Бюджет нормалари (меъёрлари). Бюджет маблағларини сарф қилишнинг асосий принципи уларнинг мўлжалланганлиги ва вақт бўйича қаттиқ тартибга солинганлигидир. Ташкилот пул маблағларидан сметада кўзда тутилмаган мақсадлар учун фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Бюджет ташкилоти сметасининг харажатлари уларнинг ёпиқ рўйхатини ўз ичига олиб, таркибига қуйидагилар киради:

- ходимларнинг меҳнат ҳақини тўлаш;
- давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига бадаллар;
- аҳолига трансфертлар (қонунга мувофиқ равишда белгиланган пенсиялар, стипендиялар, нафақалар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловлар);
- хизмат сафари харажатлари ва ходимларга берилган бошқа компенсацион тўловлар;
- сотиб олиниши керак бўлган товарлар, бажарилиши лозим бўлган ишлар ва кўрсатилажак хизматларни ҳақ тўлаш.

Юқорида кўрсатилган харажатлар аниқ эҳтиёжни қондириш ўлчови сифатида пул маблағларининг маълум суммасида ифодаланган харажатлар нормаси асосида амалга оширилади. Амалиётда пулли нормаларнинг ҳар хил турларидан фойдаланилади:

- моддий бойликлардан фойдаланишнинг натурал кўрсаткичларига асосланган нормалар (овқатланиш, тиббиёт ускуналари дори-дармонларни сотиб олиш, юмшоқ инвентарлар ва ҳ.к.лар харажатлари нормаси). Бундай нормалар моддий нормаларнинг пулдаги ифодасини намоён этади;
- умумлаштирилган яқка тартибдаги тўловлар – иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, хизмат сафари харажатлари ва бошқалар;

- ўтган даврларда маблағларнинг сарфланиш кўрсаткичларини умумлаштириш асосида тажриба-статистика усули ёрдамида ва бюджетнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда вужудга келтирилган нормалар.

Ўзининг мураккаблик даражасига қараб, бюджет нормалари иккига бўлинади:

1) оддий нормалар (харажатларнинг оддий ёки аниқ турига тегишли бўлган нормалар);

2) комбинациялаштирилган ёки йириклаштирилган нормалар (бир неча харажатлар турларини қамраб оладиган, алоҳида бир харажатлар моддасини ва ўхшаш харажатлар моддаларини шакллантирадиган ёки муассасанинг барча харажатларини қамраб оладиган нормалар).

Ҳозирги шароитда ижтимоий соҳа ташкилотларининг барча турдаги харажатларини қамраб оладиган йириклаштирилган нормалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай нормалардан фойдаланиш муассасалар ишини юқори якуний натижаларга эришишга йўналтиради: болаларни ўқитиш, мутахассисларни тайёрлаш, беморларга ёрдам кўрсатиш ва ҳ.к. Бундан ташқари, йириклаштирилган нормаларнинг қўлланилиши турли харажатлар йўналишида бюджет маблағларидан фойдаланиш бўйича ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтиради ва ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланишда уларнинг манфаатдорлигини кучайтиради.

Бюджет нормалари жуда кўп омиллар таъсири остида ўзгариб туриши мумкин. Масалан, баҳо ва тарифлар тизимининг ўзгариши, миллий хўжалиқда иш ҳақининг ўсиши, маҳаллий бюджетларда харажатларни молиялаштириш бўйича қўшимча имкониятларнинг пайдо бўлишига.

Харажатлар сметаси. Харажатлар сметаси бюджет ташкилотнинг молиявий режаси ҳисобланади. Бюджет ташкилотини молиялаштириш даромад бўлмасдан, фақат ташкилотнинг харажатлари ҳажми ва уларнинг мақсадли йўналтирилганлигига тенг бўлган маблағларнинг тушувидан иборат бўлганлиги учун смета даромадлар қисмига эга эмас. Смета асосида молия органлари ижтимоий эҳтиёжлар учун харажатларнинг ҳажмини аниқлайди ва у нарса жорий

йилнинг бюджети таркибига киритилади. Бунда қуйидаги ҳолатларга алоҳида эътибор берилиши керак:

1. Ижтимоий эҳтиёж харажатларининг бир қисми бюджетдан бошқачароқ тарзда молиялаштирилади. Масалан, ана шундай тарзда оммавий ахборот воситалари ва театр-томоша корхоналарининг етишмаган маблағлари таъминланади. Бу корхоналарнинг хизматлари тўловли (ҳақли) бўлса-да, ўз даромадлари уларнинг барча харажатларини қоплашга етмайди. Бундай корхоналарнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги етишмаган фарқ бюджетдан қопланиши керак.

2. Илм-фанни молиялаштириш бюджет харажатларининг мустақил гуруҳи ҳисобланади. Улар учун бюджетдан маблағлар энг муҳим истиқболли назарий изланишлар ва умумдавлат мақсадли илмий-техникавий дастурлар бўйича йўналтирилади. Ана шу мақсадлар учун маблағлар бевосита илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш билан шуғулланувчи Фанлар Академияси, тармоқ академиялари, олий ўқув юртлари, архивлар ва бошқа ташкилотларга ажратилади.

3. Илмий ташкилотларни молиялаштириш сметали тартибда амалга оширилади. Барча ташкилотларда аниқ мавзулар бўйича харажатлар сметаси тузилади. Харажатларни режалаштириш ва молиялаштириш тартиби бу ерда ижтимоий-маданий эҳтиёжлар харажатларида қўлланиладиган услуб билан бил хилдир.

4. Миллий мудофаа харажатлари давлатнинг функцияларидан келиб чиқади. Мудофаа харажатларининг умумий миқдори ва даражаси қуйидаги турли хилдаги ички ва ташқи омилларга боғлиқ:

- халқаро вазият;
- мамлакат ҳудудининг катталигига боғлиқ бўлган чегараларнинг узунлиги ва характери;
- ҳарбий ишнинг замонавий тараққиёти ва армиянинг техникавий жиҳатдан қуролланганлик аҳволи;
- шахсий таркиб турмуш даражасини юқори поғонага кўтаришнинг ва Қуролли Кучларда ижтимоий-маданий тадбирларни амалга оширишнинг зарурлиги;
- мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари;

- ва бошқалар.

Мудофаа харажатлари объектив зарурат бўлишига қарамасдан улар ноишлаб чиқариш характериغا эга. Шунинг учун ҳам давлатлар тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошира бориб, ҳарбий харажатларни қисқартиришга ҳаракат қилади.

Бюджетда кўзда тутилган миллий мудофаа харажатларининг гуруҳи, асосан, Мудофаа вазирлиги орқали ўтадиган тўғри (бевосита) ҳарбий харажатларни ўз ичига олади. Бу харажатларнинг таркибига армияни сақлаш, қурол-яроғ ва ҳарбий техника сотиб олиш, капитал қурилиш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, ҳарбий хизматчиларга маош, пенсия ва нафақалар бериш ва бошқа харажатлар киради. Бу харажатларнинг барчаси Мудофаа вазирлигининг махсус сметасида ўз аксини топади ва республика бюджетининг харажатлари таркибига киритилади.

Миллий мудофаа харажатларини режалаштиришнинг ўзига хос бўлган хусусияти шундан иборатки, бу ерда биринчи навбатда, Мудофаа вазирлиги бўйича харажатларнинг умумий ҳажми аниқланади. Ундан сўнг эса ҳарбий округлар ва ҳарбий қисмларнинг сметалари тузилади. Бундай тартиб амал қилиш ҳарбий харажатларнинг катта қисмини (қурол-яроғ, ҳарбий техника, ёқилғи, озиқ-овқат ва шунга ўхшашлар) Мудофаа вазирлиги орқали молиялаштирилиши билан изоҳланади.

Тўғри (бевосита) ҳарбий харажатларнинг бошқа бир қисми бюджет харажатларининг бошқа бўлинмалари бўйича молиялаштирилади. Масалан, ички ва чегара қўшинларини сақлаш харажатлари ҳамда хавфсизлик органларининг фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва давлат хавфсизлигини таъминлаш бўлими орқали молиялаштирилади. Бу харажатларни режалаштириш ва молиялаштириш сметали тартибда амалга оширилади.

Эгри (билвосита) ҳарбий харажатлар бюджетда, асосан, Қуролли Кучлар фахрийлари ва уларнинг оилаларига тўланадиган пенсия ва нафақалардан иборат. Бу харажатлар бюджетнинг ижтимоий ҳимоя бўлими бўйича молиялаштирилади.

5. Бюджетнинг бошқарув харажатлари қуйидаги гуруҳлардаги харажатлардан иборат:

- ҳуқуқ-тартибот органлари, судлар ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари. Бу харажатлар жамоатчилик хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга;

- давлат ҳокимият органларини сақлаш харажатлари. През-дент Девони, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Конституциявий суд, вазирликлар, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, дипломатик муассасалар ва бошқа идораларни сақлаш харажатларини ўз ичига олади;

- сайловлар ва референдумларни ўтказиш харажатлари. Ўз ичига депутатлар, Президент, маҳалла оқсоқолларини сайлаш, референдумлар ўтказиш харажатларини олади.

Бошқарув харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш худди ижтимоий эҳтиёж харажатлариникидек тартибда амалга оширилади.

Бюджет кредити. Ҳозирги пайтда сарфланган маблағлари бюджетга қайтарилмайдиган (тикланмайдиган) бюджетдан молиялаштириш билан бир қаторда бюджет кредитларини бериш орқали корхоналарни кредитлаштириш ривожлана бошлади. Бюджет кредитлари тижорат банклари кредитлари ва бюджет ассигнованиялари ўртасида оралиқ ҳолатни эгаллайди. Бир томондан, бюджетдан молиялаштиришдан фарқли равишда бу кредитлар қайтарилиш ва тикланиш шарти билан берилса, иккинчи томондан, бу ссудалар бўйича фоизлар умуман олинмайди ёки олинса, уларнинг даражаси банк кредитларининг фоизлари даражасидан анча паст бўлади.

Бюджет кредитлари давлат корхоналарига ва шунингдек, хусусий юридик шахсларга ҳам берилиши мумкин. Биринчи ҳолатда бюджет кредитлари бюджетда кўзда тутилган лимитлар чегарасида ва шартларда тақдим этилади. Иккинчи ҳолатда эса бюджет кредити шартнома асосида ва фақат қарз олувчи томондан кредитни қайтариш бўйича ўз мажбуриятини бажариш борасида таъминот таъминланган шартдагина берилиши мумкин. Бюджет кредитини қайтариш бўйича мажбуриятни ижро этишни таъминлашнинг усуллари

фақат берилаётган бу кредитнинг 100% – дан кам бўлмаган миқдордаги банк кафолатлари, мол-мулк гарови, шу жумладан, акциялар, бошқа қимматли қоғозлар, бадаллар кўришидаги гаровлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Мажбуриятларни ижро этиш таъминоти юқори даражадаги ликвидликка эга бўлган бўлиши керак. Молия органлари томонидан қарз олувчининг молиявий аҳволини олдиндан текшириш ва олдин берилган бюджет кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзларнинг мавжуд эмаслиги бюджет кредитларини тақдим этишнинг мажбурий шартларидир.

Навбатдаги йил учун бюджет тасдиқланаётган пайтда бюджет кредитлари берилаётган мақсадлар, уларни тақдим этишнинг шартлари ва тартиби кўрсатилади. Бир вақтнинг ўзида, ана шулар билан биргаликда бюджет йили доирасидаги муддатда ва ундан четга чиқадиган муддатларда тақдим этилиши мумкин бўлган бюджет кредитларининг лимитлари ҳамда қарз олувчи субъектлар бўйича чекланмалар ўрнатилади.

18.4. Бюджет харажатларини сарфлаш масалалари ва вазифалари

Масалалар. Ҳозиргача бюджет харажатлари бўйича бир неча камчилик-нуқсонлар мавжуд. Уларнинг асосийлари куйидагилардан иборат:

- бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги нисбатан паст;
- бюджет маблағларини мақсадсиз сарфлаш амалиёти кенг тарқалган;
- бюджет даромадлари бўйича режалар бажарилмаган шароитда харажатлар айрим йўналишларининг молиялаштирилиши непропорционалдир;
- бюджет харажатлари давлат ижтимоий сиёсатининг пишиб етилган муаммоларини ҳал эта олмаяпти;
- субъектларга тўловлар бўйича қарзлар доимий равишда ошиб бораяпти;
- миллий хўжаликка давлат инвестициялари минимум даражагача қисқарди;

- ва бошқалар.

Бюджет харажатлари бўйича бажарилиши лозим бўлган вазифалар. Юқоридаги камчилик-нуқсонларнинг мавжудлиги бюджет харажатлари бўйича бажарилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб олишни ва уларнинг ўз вақтида бажарилишини тақозо этади. Ҳозирги шароитда бундай вазифаларнинг қаторига қуйидагилар кириши мумкин:

- энг самарали ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларга бюджет маблағларини қонцентрация қилиш, ижтимоий харажатларни молиялаштиришнинг устуворлигини таъминлаш;
- субъектларга тўловлар бўйича қарзларни кескин қисқартириш ва уларнинг тўлиқ қайтарилишига эришиш;
- иқтисодиётнинг устувор соҳаларида инвестицияларни давлат томонидан молиялаштиришни кенгайтириш;
- лойиҳаларни молиялаштиришнинг давлат-тижорий амалиётини кенгайтириш асосида инвестицион жараёнларнинг номарказлашувини давом эттириш;
- давлат аппаратини сақлаш харажатлари ва давлат қарзларини бошқариш бўйича харажатларни қисқартириш;
- ҳарбий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш асосида миллий мудофаага мўлжалланган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- айрим тармоқларнинг зарарларини қоплашга йўналтирилаётган дотацияларни камайтириш;
- мақсадли дастурлар ва харажатларнинг айрим мақсадли моддалари бўйича харажатларни қисқартириш;
- бюджет харажатларини энг самарали чиқимларга қонцентрация қилиш (тўплаш, сарфлаш);
- фан, маданият, тиббий хизмат ва маориф харажатларининг устувор молиялаштирилишини таъминлаш;
- бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш;
- бюджет харажатларини молиялаштиришнинг ғазначилик тизимига ўтишни тез суръатларда тугатиш;
- ва бошқалар.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Бюджет харажатлари деб нимага айтилади ва улар ўзида қандай муносабатларни ифодалайди?
- Бюджет харажатлари қандай характерли белгиларга эга?
- Бюджет харажатларининг аниқ турларини хилма-хиллиги нималар билан изоҳланади?
- Бюджет харажатлари қандай белгиларга кўра туркумлаштирилади?
- Ўзининг иқтисодий мазмунига кўра бюджет харажатлари қандай харажатларга бўлинади?
- Бюджетнинг капитал харажатлари дейилганда нималар тушунилади ва уларнинг таркиби нималардан иборат?
- Бюджетнинг жорий харажатлари дейилганда нималар тушунилади ва уларнинг таркибига нималар киради?
- Такрор ишлаб чиқаришдаги ролига кўра бюджет харажатлари қандай гуруҳларга бўлинади?
- Бюджет харажатларининг тармоқ белгиси бўйича гуруҳларга ажратишнинг асосида нима ётади?
- Ижтимоий мўлжалланганлиги бўйича бюджет харажатлари қандай гуруҳлардан ташкил топган?
- Бюджет харажатларининг аниқ турлари нималардан таркиб топади?
- Бюджет харажатлари ташкилий жиҳатдан қандай гуруҳларга ажратилади?
- Бюджет харажатлари ҳудудий белгисига мувофиқ қандай гуруҳлардан ташкил топади?
- Фақат Республика бюджетидан молиялаштириладиган харажатларга нималар киради?
- Бозор иқтисодиёти шароитида бюджетнинг харажатлари унинг даромадлари билан узвий боғланганми?
- Ҳозирги шароитда Давлат бюджети харажатларининг конкрет таркиби нималардан иборат ва уларнинг тузилмаси қандай?
- “Бюджет харажатлари” ва “Давлат харажатлари” иборалари бир хил маъно-мазмунни англатадими?

- Бюджетдан молиялаштириш дейилганда нима тушунилади?
- Бюджетдан молиялаштиришнинг умумий принциплари нималардан иборат?
- Бюджетдан молиялаштириш амалиётида умумий принциплар билан биргаликда яна қандай хусусий принциплардан фойдаланилади?
- Бюджет ассигнованиялари амалиётида бюджетдан молиялаштиришнинг қандай усулларида фойдаланиш мумкин?
- “Нетто-бюджет” тизими бўйича молиялаштириш нима билан характерланади?
- “Брутто-бюджет” тизими бўйича молиялаштириш қандай кор-хона ва ташкилотлар учун қўлланилади?
- Амалиётда бюджетдан молиялаштиришнинг қандай шаклларида фойдаланилмоқда?
- Бюджетдан молиялаштириш, юридик нуқтаи назардан, қандай икки кўринишда амалга оширилади?
- Республика бюджетидан харажатларни молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қандай йўналишларда амалга оширилади?
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нималарга мўлжалланган харажатлар молиялаштирилади?
- Маблағларни бюджетдан тақдим этишнинг методлари нималардан иборат?
- Иқтисодиётни бюджетдан молиялаштиришнинг харажатлари таркибига нималар киради?
- Бюджетнинг ижтимоий эҳтиёжларга мўлжалланган харажатлари нима билан боғлиқ ва улар қандай гуруҳларга бўлинади?
- Ижтимоий эҳтиёжлар харажатлари қандай принцип асосида аниқланади?
- Бюджет нормалари (меъёрлари) дейилганда нималар тушунилади?
- Бюджет ташкилоти сметасининг харажатлари таркибига нималар киради?

- Амалиётда пулли нормалар (меъёрлар)нинг қандай турларидан фойдаланилади?
- Ўзининг мураккаблик даражасига қараб бюджет норма – (меъёр) лари нималарга бўлинади?
- Комбинациялаштирилган ёки йириклаштирилган норма – (меъёр) ларнинг афзалликлари нималардан иборат?
- Бюджет норма (меъёр)лари қандай омиллар таъсири остида ўзгариб туриши мумкин?
- Харажатлар сметаси нима ва у қандай қисмга эга эмас?
- Молия органлари смета асосида ижтимоий эҳтиёжлар учун харажатларнинг ҳажмини аниқлаётган ва у жорий йилнинг бюджети таркибига киритилаётганда қандай ҳолатларга алоҳида эътибор берилиши керак?
- Мудофаа харажатларининг умумий миқдори ва даражаси қандай ички ва ташқи омилларга боғлиқ?
- Бюджет кредити нима ва у қандай афзалликларга эга?
- Ҳозирда бюджет харажатлари бўйича қандай камчилик-нуқсонлар мавжуд ва уларнинг асосийлари нималардан иборат?
- Бюджет харажатлари бўйича бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг таркибига нималар киради?

19-боб. Бюджет тизими ва бюджет тузилмаси⁴⁰

19.1. Бюджет тизими: таърифи, принциплари, бошқариш соҳасидаги ваколатлар

Турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини ифодаладиган, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатлар мажмуига бюджет тизими дейилади. Кўпчилик ҳолларда, соддароқ тарзда, бюджет тизими дейилганда эса мамлакатдаги мавжуд бюджетлар тўплами (мажмуи) тушунилади.

Бюджет тизими мамлакат бюджет тузилишининг таркибий қисми бўлиб, унинг маълум бир қисмини ўзида ифода этади. Шу маънода, бюджет тизими бюджетнинг ўзаро боғлиқликда бўлган бўғинларининг ўзаро йиғиндисидан иборатдир. Мамлакатнинг бюджет тизими жамиятнинг сиёсий тузилишига (қурилишига), давлатнинг иқтисодий тизимига ва унинг маъмурий-ҳудудий бўлинишига бевосита боғлиқ.

У ёки бу мамлакатнинг бюджет тизими икки ёки уч бўғинли бўлиши мумкин. Унитар давлатлар деб юритиладиган мамлакатларда бюджет тизими икки бўғиндан (марказий ва маҳаллий бюджетлар), федератив давлатлар деб юритиладиган мамлакатларда эса уч бўғиндан (марказий бюджет, федерация аъзолари бюджетлари ва маҳаллий бюджетлар) иборат бўлиши мумкин.

Ҳар бир мамлакатнинг бюджет тизими маълум бир принципларга таянади. Бундай принципларнинг таркибига қуйидагилар кириши мумкин:

- бюджет тизимининг ягоналиги;
- бюджет тизимининг даражалари ўртасида даромадлар ва харажатларнинг чегараланганлиги;

⁴⁰ Дарснинг 19-20-бобларини ёзишда 2000 йилнинг 14 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни ва унга кейинги йилларда киритилган ўзгаришлар асос қилиб олинди.

- бюджетларнинг мустақиллиги;
- давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджетлари, бюджетлар даромадлар ва харажатларининг тўлиқ акс этиши;
- бюджетларнинг баланслилиги;
- бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва тежамлилиги;
- бюджет харажатларини қоплашнинг умумийлиги;
- ошкоралик;
- бюджетнинг ҳаққонийлиги;
- бюджет маблағларининг манзиллилиги ва мақсадли характердалиги.

Бюджет тизимининг ягоналиги принципи ҳуқуқий базалар, пул тизими, бюджет ҳужжатлари шакллари, бюджет жараёни принциплари, бюджет қонунчилигини бузганлик учун санкцияларнинг ягоналиги, мамлакат бюджет тизими барча даражалари бюджетлари харажатларини молиялаштириш ва бюджет маблағлари бухгалтерия ҳи-собини юргизиш тартибининг ягоналиги билан белгиланади.

Бюджет тизимининг даражалари ўртасида даромадлар ва харажатларнинг чегараланганлиги принципи тегишли даромадлар турларини (тўлиқ ёки қисман) ва харажатларни амалга ошириш бўйича ваколатларни мамлакатнинг ҳокимият органлари, мамлакат субъектларининг ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига бириктирилганлигини кўзда тутди.

Бюджетларнинг мустақиллиги принципи қонунчилик ва давлат ҳокимиятининг ижроия органлари ҳамда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг мамлакат бюджет тизимининг тегишли даражаларида бюджет жараёнини мустақил амалга ошириш борасидаги ҳуқуқларини билдиради. Бу принципнинг амал қилиши қонунчиликка мувофиқ мамлакат бюджет тизимининг ҳар бир даражасида бюджетлар даромадларининг ўз манбаларига эгаллигини, бюджетларнинг тартибга келтирувчи даромадларини, қонунчиликка мувофиқ равишда тегишли бюджетларнинг даромадларини шакллантириш бўйича ваколатларни, давлат ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонунчиликка мувофиқ равишда тегишли

бюджетлар харажатларининг сарфланиш йўналишларини мустақил аниқлаш ҳуқуқини қонуний бириктирилишини, бюджет тўғрисидаги қонунларни ижро этиш жараёнида олинган қўшимча даромадлар, бюджет даромадларининг харажатларидан ошган қисми суммалари ва бюджет харажатлари бўйича иқтисод қилинган суммаларни олишнинг мумкин эмаслигини, бюджет тўғрисидаги қонунларнинг ижро этилиши жараёнида вужудга келган даромадлардаги йўқотмалар ва қўшимча харажатларни бюджет тизимининг бошқа даражалари ҳисобидан компенсация қилишга йўл қўймасликни (қонунчиликнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда вужудга келган ҳолатлардан ташқари) тақозо этади.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларида бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари тўлиқ акс этиши, солиқ ҳамда бу борадаги қонунларга мувофиқ белгиланган бошқа мажбурий тушумлари тўлиқ ҳажмда ўз аксини топиши керак. Барча умумдавлат ва маҳаллий харажатлар мамлакат бюджет тизимида ўз аксини топган бюджетлари ва давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Солиқ кредитлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича кечиктиришлар ва муддатларнинг ўзгартирилиши бюджетлар ва давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг бюджетлари даромадлари ва харажатлари бўйича тўлиқ равишда алоҳида ҳисобга олинади.

Бюджетларнинг баланслилиги принципи бюджетда кўзда тутилган харажатларнинг ҳажми бюджет даромадлари ва унинг дефицитини молиялаштириш манбаларидан тушадиган тушумларнинг жами ҳажмига тенг бўлиши кераклигини билдиради.

Бюджетни тузиш, тасдиқлаш ва ижро этиш жараёнида ваколатли органлар бюджет дефицити миқдорини минималлаштириш за-рурлигидан келиб чиқишлари керак.

Бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва тежамлилиги принципининг маъномазмуни шундан иборатки, унга мувофиқ равишда ваколатли органлар ва бюджет маблағларини олувчилар бюджетларни тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашда, аввало, кўзда тутилган

мақсадларга эришишда маблағларнинг камроқ ҳажмидан ёки маълум бир ҳажмдаги маблағлардан фойдаланган ҳолда юқори натижага эришиш зарурлигидан келиб чиқиши керак.

Бюджет харажатларини қоплашнинг умумийлиги принципи унинг барча харажатларини шу бюджетнинг барча даромадларини умумий суммаси ва унинг дефицитини молиялаштириш манбалари ҳисобидан тушган тушумлардан қопланиши кераклигини англатади. Бюджет даромадлари ва унинг дефицитини молиялаштиришнинг манбаларидан тушумлар бюджетнинг маълум харажатлари билан боғланган бўлиши мумкин эмас (мақсадли бюджет фондларининг даромадлари, мақсадли хорижий кредит маблағлари, мамлакат бюджет тизимида бошқа даражадаги бюджетлар маблағларининг марказлаштирилиш ҳолатлари бундан мустасно).

Бюджет тизимидаги *ошкоралик принципи* очиқ матбуотда тасдиқланган бюджет ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни, албатта, эълон қилинишини, бюджет ижроси жараёнида маълумотларнинг тўлиқ ва тўғри берилишини, давлат ҳокимияти қонунчилик органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг қарорларига оид бошқа маълумотларни олиш имкониятининг яратилганлигини, бюджет лойиҳаси бўйича қарорларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартибларининг (жумладан, давлат ҳокимияти қонунчилик органи ичида ёки давлат ҳокимиятининг қонунчилик ва ижроия органлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни ифодаловчи масалалар бўйича ҳам) жамият ва оммавий ахборот воситалари учун ал-батта, очиқ бўлишини кўзда туттади.

Махфий моддаларни тасдиқлаш, одатда, фақат республика бюджети таркибида амалга оширилади.

Бюджетнинг ҳаққонийлиги принципи тегишли ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиши башорат кўрсаткичларининг ишончли ҳамда бюджет даромадлари ва харажатлари ҳисоб-китобларининг ҳаққоний бўлиши кераклигини тақозо этади.

Бюджет маблағларининг манзиллилиги ва мақсадли характердалиги принципи бюджет маблағларини конкрет олувчилар ихтиёрига уларнинг аниқ мақсадларни

молиялаштирилиши олдиндан белгиланган ҳолда бўлиб берилишини назарда тутлади. Бюджетда кўзда тутилган маблағлар манзиллилигини ёки йўналишини кўзда тутилмаган мақсадларга ўзгартириш борасидаги ҳар қандай хатти-ҳаракат мамлакат бюджет қонунчилигини бузиш ҳисобланади.

Мамлакат бюджет тизимини бошқариш соҳасида тегишли ҳокимият органлари алоҳида ваколатларга эгадир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этиш;

- Давлат бюджетининг ижросини ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва давлат бошқарувининг бошқа органларини Давлат бюджетини ижро этиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

- Давлат мақсадли фондлари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш;

- Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва жойлардаги давлат ҳокимият органлари ҳам бюджет тизимини бошқариш соҳасида бир неча ваколатларга эга. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари учун бу борада қуйидаги ваколатлар хосдир:

- тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни қабул қилиш, шунингдек, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар миқдорларини ҳамда улар бўйича имтиёзларни белгилаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши ва тегишли ҳокимиятлар эса:

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари қабул қилиши учун тақдим этиш ҳамда уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш;

- бюджетга тушумларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушиши ҳамда унинг маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланилиши устидан назоратни ташкил этиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириши мумкин.

Ўз навбатида, мамлакат бюджет тизимини бошқаришда Ўзбе-кистон Республикаси Молия вазирлиги муҳим рол ўйнаб, у бу соҳада қуйидаги ваколатларга эгадир:

- давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш;

- давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи тартибини белгилаш ҳамда улар устидан назоратни амалга ошириш;

- республика бюджети харажатларини амалга ошириш;

- бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини руйхатдан ўтказиш;

- бюджетдан маблағ олувчиларнинг Давлат бюджети маблағларидан фойдаланишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, умуммажбурий тусдаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

19.2. Бюджет тузилмаси ва классификацияси

Давлат бюджетини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар мажмуига (унинг ички бўлинмалари таркиби ва тузилмаси, улардан фойдаланиш соҳаларининг функционал чекланганлиги, ўзаро бўйсунувчанлиги, ўзаро алоқадорлиги ва таъсирчанлиги ҳамда ҳуқуқий томонларини инобатга олган ҳолда) бюджет тузилмаси дейилади. Ҳар бир мамлакатнинг

бюджет тузилмаси унинг миллий-давлат ёки маъмурий-худудий тузилиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети:

- Республика бюджетини;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади.

Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда шу республикага бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади. Вилоятлар бюджети эса вилоят бюджетидан, вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан иборатдир. Шунингдек, туманларга бўлинадиган шаҳарларнинг бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини ўз ичига олади. Ва ниҳоят, туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджетидан ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетларидан таркиб топади.

Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари ўзларининг манбалари, маълум мақсадларга мўлжалланганлиги ва бошқа белгиларига кўра хилма-хилдир. Бир вақтнинг ўзида улар умумий белгиларга ҳам эга. Бутун мамлакат миқёсида бюджет даромадлари ва харажатларининг тўғри режалаштирилиши ва ҳисобга олинишини таъминлаш учун улар классификация қилинади.

Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатлари, шунингдек, унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳларга ажратишда ёки гуруҳлашда бюджет классификацияси муҳим рол ўйнайди. Ундан Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини ягона бир тизимга келтириш учун фойдаланилади ва бюджет классификацияси бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан таққосланиши-ни таъминлайди. Шу маънода, маълум бир тизимга келтирилган ва ўрнатилган тартибда код (шифр)лаштирилган бюджет даромадлари ва харажатларининг бир хил белгилари бўйича илмий асосланган

иқтисодий гуруҳланишига бюджет классификацияси дейилади.

Одатда, бюджет классификациясининг асосида даромадлар бўйича уларнинг манбалари, харажатлар бўйича эса маблағларнинг мақсадли сарфланиш йўналишлари ётади.

Бюджет классификацияси ўзининг кенг йўналиши билан ажралиб туради. Унинг бўлинмаларига қатъий риоя этган ҳолда бюджет режалаштирилиши амалга оширилади, бюджет ташкилотларининг индивидуаль ва умумий ҳамда йиғма тармоқ сметалари тузилади, маҳаллий, республика ва Давлат бюджетининг ишлаб чиқилиши амалга оширилади.

Бюджетнинг мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режалари, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг юқори ташкилотларини молиявий режалари билан боғлиқлигини таъминлашда, бир турдаги бюджет ташкилотларининг харажатлари ва алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликларнинг бюджетларини таққослашда, ижтимоий-маданий характердаги у ёки бу эҳтиёжларнинг қондирилиш даражасини аниқлашда бюджет классификацияси муҳим роль ўйнайди.

Бюджет ижроси жараёнида ҳам бюджет классификацияси алоҳида аҳамиятга эга. Тасдиқланган бюджет ва бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасида кўзда тузилган тадбирларнинг мақсадли молиялаштирилишини таъминлашда у зарурий шарт ҳисобланади. Бюджет классификацияси молия органларида, бюджет ташкилотларида ва бошқа муассасаларда бюджет даромадлари ва харажатларининг синтетик ва аналитик ҳисоби ягоналигининг асосини ташкил этади. У Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш учун зарурдир.

Бюджет классификациясида белгиланган даромадлар ва харажатларнинг иқтисодий гуруҳланиши бюджетни тузиш ва ижро этиш ҳамда унинг ресурсларидан фойдаланишда молия-бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилишга имкон беради.

Бюджет классификацияси ташкилий аҳамиятга ҳам эгадирки, бу унинг бўлинмаларига мувофиқ равишда

бюджетни тузиш ва ижросини таъминлаш борасида катта ишларнинг амалга оширилиши орқали намоён бўлади. Бу яна шу нарса орқали ифодаланадики, бюджет тасдиқланганидан сўнг барча хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг юқори органлари бюджет даромадлари тушумининг тўлиқлигини таъминлашга ва тасдиқланган бюджетдаги классификациянинг бўлинмаларига мувофиқ равишда харажатларни амалга оширишга мажбурдирлар. Демак, бюджет классификациясининг ташкилий аҳамияти бюджетни режалаштириш ва унинг ижросини таъминлашга бир хилда тегишлидир.

Тасдиқланган Давлат бюджети қонун кучига эга бўлганлиги ва унинг кўрсаткичларини барча хўжалик юритувчи субъектлар аниқ ва тўлиқ бажаришга мажбур бўлганлиги учун бюджет классификацияси ҳуқуқий аҳамият ҳам касб этади.

Бюджет классификацияси ўз ичига қуйидагиларни олади:

- давлат бюджети даромадларининг классификацияси;
- давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий классификацияси;
- давлат бюджети дефицитини молиялаштириш манбаларининг классификацияси.

Давлат бюджети даромадларининг классификацияси уларни турлари ва манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат. Бунда тармоқ ва вазирлик (раҳбарлик органи) белгилари инобатга олиниши мумкин. Одатда, бунда даромадлар бюджет классификациясига мувофиқ бўлинмалар, боблар, параграфлар ва моддаларга бўлинади. Бўлинмалар – даромадларнинг алоҳида турларини, боблар – даромадларни тўловчиларни, параграфлар – даромадларни тўловчиларнинг тоифаларини, моддалар эса – жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқларнинг алоҳида турларини кўрсатиши мумкин.

Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатдан классификацияси давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимият органлари, шунингдек, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган вазифалар бўйича харажатларни гуруҳлашдан таркиб топади. Уларнинг ташкилий классификацияси бюджетдан ажратиладиган

маблағлар, уларни бевосита олувчилар ўртасида тақсимла-нишини акс эттирувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбирлар турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади. Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий классификацияси эса тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборатдир. Умумий тарзда, бу ерда харажатлар бюджет классификациясига мувофиқ равишда гуруҳларга, бўлинмаларга, бобларга, параграфларга ва моддаларга бўлиниши мумкин. Гуруҳлар – бюджет маблағларининг асосий йўналишларини, бўлинмалар – миллий иқтисодиёт тармоқларини, боблар – вазирлик ва идоралар бўйича харажатларни, параграфлар – бир типдаги корхоналар ва тадбирлар бўйича сарфларни, моддалар эса – харажатларнинг алоҳида турларини кўрсатади.

Давлат бюджети дефицитини молиялаштириш манбалари классификацияси дефицитни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Бюджет классификацияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Бюджет тизими деб нимага айтилади?
- Мамлакатнинг бюджет тизими нималарга боғлиқ бўлади?
 - У ёки бу мамлакатнинг бюджет тизими неча бўғинли бўлиши мумкин?
 - Ҳар бир мамлакатнинг бюджет тизими қандай принципларга таянади?
 - Бюджет тизимининг ягоналиги принципи нималар билан белгиланади?
 - Бюджет тизимининг даражалари ўртасида даромадлар ва харажатларнинг чегараланганлиги принципи нималарни кўзда тутаяди?
 - Бюджетларнинг мустақиллиги принципи нималарни тақозо этади?

- Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджетлари, бюджетларнинг даромадлар ва харажатларининг тўлиқ акс этиши принципи нималарни англатади?
- Бюджетларнинг баланслилиги принципи нималарни билдиради?
- Бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва тежамлилиги принципининг маъно-мазмуни нималардан иборат?
- Бюджет харажатларини қоплашнинг умумийлиги принципи нимани англатади?
- Бюджет тизимидаги ошкоралик принципи нималарни кўзда туттади?
- Бюджетнинг ҳаққонийлиги принципи нималарни тақозо этади?
- Бюджет маблағларининг манзиллилиги ва мақсадли характердалиги принципи нимани назарда туттади?
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари нималардан иборат?
- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бюджет тизимини бошқариш соҳасида қандай ваколатлар хос?
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимиятлар бюджет тизимини бошқариш соҳасида қандай ваколатларга эга?
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатларининг таркибига нималар киради?
- Бюджет тузилмаси деб нимага айтилади?
- Ҳар бир мамлакатнинг бюджет тузилмаси нима билан белгиланади?
- Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ўз таркибига нималарни (қандай бюджетларни) олади?
- Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланадими?
- Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети қандай бюджетлардан таркиб топган?

- Вилоятлар бюджетининг таркибига қандай бюджетлар киради?
- Туманларга бўлинадиган шаҳарларнинг бюджети қандай бюджетлардан таркиб топади?
- Ўзига бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети қандай бюджетлардан иборат?
- Бюджет даромадлари ва харажатларини классификация қилишдан мақсад нима?
- Бюджет классификацияси деб нимага айтилади?
- Одатда, бюджет классификациясининг асосида нималар ётади?
- Бюджет классификациясининг аҳамияти нималардан иборат?
- Ҳозирги пайтда бюджет классификацияси ўз ичига нималарни олади?
- Давлат бюджети даромадларининг классификацияси нималардан иборат?
- Давлат бюджети харажатларининг вазифаси, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан классификацияси нималардан иборат?
- Давлат бюджети дефицитини молиялаштириш манбалари классификацияси қандай гуруҳлардан ташкил топади?
- Бюджет классификацияси ким томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади?

20-боб. Бюджет жараёни

20.1. Бюджет жараёни: таърифи, босқичлари, вазифалари, иштирокчилари ва принциплари

Бюджет лойиҳасини тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш), кўриб чиқиш (муҳокама қилиш), қабул қилиш (тасдиқлаш) ва ижро этиш, унинг ижро этилишини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек, Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинишига тегишли бўлган давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда жараён иштирокчиларининг фаолиятига бюджет жараёни дейилади. Унинг мазмуни мамлакатнинг давлат ва бюджет тузилиши (қурилиши), тегишли органлар ва юридик шахсларнинг бюджет ҳуқуқлари билан белгиланади. Шунингдек, бюджет жараёнининг мазмунини белгилашда бюджетни тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш) тартиби, унинг норматив-ҳуқуқий ва ташкилий асоси, мамлакат бюджетини тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш)нинг назарий ва услубий масалалари муҳим роль ўйнайди.

Бюджет жараёни, одатда, бюджет фаолиятининг қуйидаги тўрт босқичини ўз ичига олади:

- бюджет лойиҳасини тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш);
- бюджетни кўриб чиқиш (муҳокама қилиш) ва тасдиқлаш;
- бюджетни ижро этиш;
- бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш

ва уни тасдиқлаш.

Бюджет жараёнининг давомийлиги юқоридаги тўрт босқичнинг барчасидан иборат бўлиб, одатда, уч йилга яқин давом этади. Бунинг бир йилга яқини бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш (яратиш, тузиш), уни муҳокама қилиш (кўриб чиқиш) ва тасдиқлаш (қабул қилиш)га, бир календарь йили (1 январдан 31 декабргача) бюджетни ижро этишга (бюджет

даври) ва саккиз ойга яқини бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлашга ва уни тасдиқлашга тўғри келади.

Бюджет жараёнининг олдига қуйидаги муҳим вазифалар қўйилади:

- мувозанатлаштирилган бозор сари кескин тараққиётга эришиш мақсадида барча моддий ва молиявий резервларни қидириб топиш;

- алоҳида солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг башоратлари ва мақсадли дастурларига мувофиқ бюджет даромадлари ва уларнинг умумий ҳажмини аниқлаш;

- мақсадга мўлжалланганлиги бўйича, шунингдек, бюджетда кўзда тутилган умумдават аҳамиятига эга бўлган барча тадбирларни узлуксиз молиялаштириш эҳтиёжини инобатга олган ҳолда бюджет харажатлари ва уларнинг умумий ҳажмини белгилаш (ўрнатиш);

- иқтисодиётдаги инфляциян тенденциялар ва пул-кредит таназзулини бартараф этишга, миллий пул бирлигининг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган молиявий бақарорлаштиришнинг умумий дастурини бюджет билан мувофиқлаштириш;

- иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган манбалар ҳисобидан бюджет дефицитига барҳам бериш ёки уни қисқартириш;

- иқтисодий минтақалар, хўжалик соҳалари ва бюджетлар ўртасида давлат даромадларининг манбаларини қайта тақсимлаш йўли билан турли даражадаги бюджетларни баланслаштириш мақсадида бюджетли тартибга солишни амалга ошириш;

- кенг кўламли барча ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг баланслилиги ва пропорционаллигини таъминлашга имкон берадиган истиқболли бюджетли режалаштиришнинг ролини ошириш;

- солиқ мажбуриятларини бажаришда алоҳида фуқаролар даромадлари ва юридик шахсларнинг молиявий фаолиятлари устидан назоратни таъминлаш;

- замонавий электрон ҳисоблаш техникаларидан кенг фойдаланиш асосида ва молиявий ҳисоб-китобларнинг

автоматлаштирилган тизими орқали бюджетларни тузиш ва ижро этиш жараёнларини автоматлаштириш ва бошқалар.

Умумий тарзда, бюджет жараёнининг иштирокчилари қуйидагилар ҳисобланади:

- мамлакат Президенти ва қонунчилик (вакиллик) ҳокимият органлари;
- ижроия ҳокимият органлари (мамлакат субъектларининг юқори мансабдор шахслари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари раҳбарлари, молия органлари, бюджет даромадларини ундириш билан шуғулланадиган органлар ва бошқа ваколатли органлар);
- пул-кредит тизимини тартибга солиш органлари;
- давлат ва маҳаллий назорат органлари;
- давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари;
- бюджет маблағларини Бош тақсимловчилар, тақсимловчилар ва бошқалар.

Бюджет жараёнини ташкил этишда қуйидаги принципларга риоя қилинади:

- ягоналик;
- мустақиллик;
- баланс методи.

Ягоналик принципи бу ерда ягона ҳуқуқий база, ягона бюджет классификацияси, мамлакатнинг консолидациялаштирилган бюджетини тузишда зарур бўладиган статистик ва бюджет маълумотлари учун бюджет ҳужжатлари шаклларининг ва пул тизимининг ягоналиги орқали ифодаланади.

Мустақиллик принципи бюджет жараёнини амалга оширишда унинг ҳар бир иштирокчиси учун мустақил бўлганлиги билан белгиланади. Унга мувофиқ, бу жараённинг иштирокчилари даромадларнинг ўз ва тартибга солувчи манбалари ҳамда улардан фойдаланишнинг йўналишларини мустақил равишда аниқлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Баланс методи принципи бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасида тўғри нисбатлар ўрнатишда гавдаланади. Унга риоя қилиниши бюджетнинг барқарорлигини ва хўжалик соҳалари ўртасида маблағларни тақсимлашда зарурий пропорцияларни таъминлаши керак. Бу методнинг муҳим шарти бюджет харажатларининг даро-

мадларига мувофиқлиги ва молиявий резервларни яратишидир. Бу принцип молиявий сиёсатнинг бош мақсади ҳисобланади.

20.2. Бюджет лойиҳасини тузиш

Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш) бюджет жараёнининг энг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда қуйидаги масалалар ечилади ёки уларга аниқлик киритилади:

- бюджетнинг ҳажми;
- навбатдаги (келгуси) йил учун солиқ ва пул-кредит сиёсати;
- бюджет маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва бюджет дефицитини қоплаш методлари;
- даромадларни бюджет тизимининг бўғинлари ўртасида тақ-симлаш.

Давлат бюджетининг лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш) бўйича ишлар янги бюджет йилининг бошланишидан, масалан, ГФР да – 6 ой, Японияда – 8 ой, Францияда – 14 ой, АҚШда – 18 ой, Ўзбекистонда – 7 ой олдин бошланади. Унинг лойиҳасини тузиш ижроия ҳокимият органлари, одатда, Молия вазирлиги (Ғазначилик) томонидан амалга оширилади.

Баъзи бир мамлакатларда бюджет лойиҳасини тузиш давлат ижроия ҳокимияти бошлиғи (раҳбари)нинг келгуси йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг умумий йўналишлари муам-молари бўйича чиқишидан (маърузасидан) бошланади. Масалан, АҚШда Президент Америка халқига Бюджетнома билан мурожаат қилиб, унда молия-пул сиёсатининг асосий вазифалари, келгуси бюджет йили ва навбатдаги тўрт йил учун федераль бюджет даромад ва харажатларининг ҳукумат баҳоси шакллантирилади.

Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да қуйидаги мақсадлар кун тартибига қўйилади:

- иқтисодиётнинг самарадорлигини оширишда бюджетнинг фаол таъсирчанлигини таъминлаш;
- молиявий ва бошқа ресурсларнинг ҳукумат иқтисодий ва ижтимоий дастур-башоратлари билан мувофиқлигига эришиш;

- маблағларни сарфлашда зарурий пропорциялар ва устуворликлар ўрнатиш;
- бюджет дефицитини қоплаш учун манбаларни қидириб топиш.

Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)дан олдин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига:

– тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли фондларини тайёрлаш учун – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, давлат мақсадли фондларини тақсимловчи органларга;

– бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга буюртмалар тузиш учун – республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўрови юбориши керак.

Ўз навбатида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, давлат мақсадли фондларини тақсимловчи органлар бюджет сўрови олганидан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш (ишлаб чиқиш, яратиш), ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилмоғи зарур.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия бошқармалари юқорида кўрсатилган қарорлар қабул қилинганидан сўнг уч кун муддат ичида:

– тегишли бюджетлар лойиҳаларини тайёрлаши учун – туман ва шаҳар ҳокимликларига;

– Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағлари олишга буюртмалар тузиш учун - Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўровлари юбориши керак.

Юқоридагиларга мос равишда вилоятга бўйсунадиган шаҳарларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳамда шаҳарлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳокимликлари бюджет сўрови

олинганидан кейин уч кун муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, бу лойиҳаларни тайёрлаш тартиби ва муддатларини белгилаш юзасидан тегишли қарорларни қабул қилмоғи лозим. Ўз навбатида, туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия органлари юқоридаги қарорлар қабул қилинганидан кейин уч кун муддат ичида туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларидан бюджет маблағларини олиш учун асосланган буюртмалар тузиш учун шу туман ва шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчиларга бюджет сўровларини юборишлари керак.

Бюджет лойиҳасини тайёрлаш муддатлари ҳар бир мамлакатнинг амалдаги қонунчилигида ўз аксини топади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни бюджет лойиҳасини тайёрлашнинг қуйидаги муддатларини белгилайди:

а) келгуси молия йилига бюджетдан ажратиладиган маблағлар олишга буюртмалар:

– Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан – жорий йилнинг 1 июнидан кечикмай тегишли молия органларига;

– республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан – жорий йилнинг 1 июлидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилиши керак.

б) келгуси молия йилига тегишли бюджетлар лойиҳалари:

– туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари молия органлари томонидан – маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари белгиланган тартибда ва муддатларда, бироқ жорий йилнинг 25 июнидан кечиктирмасдан юқори молия органларига;

– Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, давлат мақсадли фондларини тақсимловчи органлар томонидан – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда, бироқ жорий йилнинг 1 июлидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилмоғи лозим.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджетининг лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

тайёрлаб, жорий йилнинг 15 сентябргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети лойиҳасини бюджетдан маблағ олувчилар тақдим этган буюртмаларга ва давлат бюджетининг тузилмасига кирувчи бюджетлар лойиҳаларига мувофиқ тайёрлайди.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси ўз ичига қуйидагиларни олмоғи лозим:

- бюджет таснифига мувофиқ акс эттириладиган Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари;
- умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларига ажратмалар нормативлари, шунингдек, мазкур бюджетларнинг даромадлари, шу жумладан, бюджет дотациялари ва субвенциялари ҳамда харажатлари миқдори;
- Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларининг айланма касса меъёри миқдорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари захира фондларининг назарда тутилмаган харажатларни қоплашга тегишли бюджет маблағлари йўналтирилиши мумкин бўлган доирадаги миқдори;
- Давлат бюджети дефицитининг энг юқори миқдори ва уни молиялаштириш манбалари;
- давлат ички ва ташқи қарзларининг, давлат томонидан бериладиган кредитлар ҳамда кафолатли фонднинг энг юқори миқдорлари.

Бир вақтнинг ўзида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакил қилинган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, шунингдек, тегишли ташкилотлар билан биргаликда қуйидагиларни ўз ичига олган бюджетнома лойиҳасини ишлаб чиқиши ва 15 сентябргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиши керак:

- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий яқунлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилги яқунларининг башорат баҳоси;

- ўтган йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва жорий йилги Давлат бюджетининг кутилаётган ижроси баҳоси;

- келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тузишда асос бўлган келгуси йилнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари;

- мамлакат бюджет ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишларига шарҳлар;

- давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳамда улар бўйича харажатларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

- келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси.

Юқоридагиларни ўз ичига олган бюджетнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йил-нинг 15 октябридан кечиктирилмасдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилмоғи лозим.

Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да:

- мамлакатнинг истиқболдаги иқтисодий ривожланиши;
- инфляция даражаси;
- аҳолининг бандлик даражаси;
- ижтимоий қўллаб-қувватлашдан фойдаланаётган аҳоли сони ҳисобга олинади.

Шунингдек, бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш) да қуйидаги турли методлардан фойдаланилади:

- иқтисодий таҳлил методи – бу методдан фойдаланган ҳолда ўтган йилги бюджетнинг бажарилиш даражаси аниқланади ва жорий йил учун бюджетнинг бажарилиш даражаси ўрнатилади, фарқланиш сабаблари аниқланади;

- норматив метод – бу методнинг асосида давлат томонидан тақдим этилаётган хизматларнинг бирлигига тўғри келувчи молиявий харажатларнинг нормативи ётади. Натурал бирликни нормативга кўпайтириб ҳар бир Бош тақсимловчи, тақсимловчи ва бюджет ташкилоти бўйича маблағ харажатларининг суммаси аниқланади.

- экстраполяция методи – унга кўра олдинги йилларнинг ҳисобот маълумотлари динамикаси асосида молиявий кўрсаткичлар аниқланади ва улар келгуси йил учун экстраполяция қилинади.

20.3. Бюджетни муҳокама қилиш (кўриб чиқиш) ва тасдиқлаш (қабул қилиш)

Мамлакатнинг олий ижроия органи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланганидан сўнг Давлат бюджетининг лойиҳаси муҳокама қилиш (кўриб чиқиш) ва тасдиқлаш (қабул қилиш) учун қонунчилик органи бўлган Олий Мажлисга тақдим этилади. Одатда, бюджетнинг лойиҳаси Олий Мажлиснинг ҳар бир палатасида (олдин қуйи палата бўлган Қонунчилик палатасида ва юқори палата саналган Сенатда) алоҳида-алоҳида муҳокама қилинади.

Мамлакат парламентининг ҳар бир палатасида аниқ бюджет масалалари билан шуғулланувчи махсус қўмиталар ва комиссиялар фаолият кўрсатади. Улар бюджет лойиҳасининг тегишли моддаларини атрофлича таҳлил қиладилар, зарур ҳолларда ўзгартиришларни таклиф қиладилар ва тушунтирув хати билан биргаликда бюджетнинг лойиҳасига хулоса берадилар.

Олий Мажлиснинг ҳар бир палатасида бюджет лойиҳаси қабул қилинганидан сўнг, ҳар икки палата ўртасида бюджет лойиҳаси бўйича келишмовчиликлар мавжуд бўлмаса, мамлакат парламентининг бюджет тўғрисидаги умумий қарори қабул қилинади. Агар палаталар ўртасида бюджет лойиҳаси бўйича келишмовчиликлар вужудга келса, ҳар икки палатанинг вакилларида иборат бўлган мувофиқлаштирувчи комиссия уларни бартараф этиши керак.

Парламентда бюджет лойиҳасини муҳокама этиш (кўриб чиқиш) да бюджет ташаббускорлигининг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Бюджет ташаббускорлиги дейилганда парламент аъзоларининг ҳукумат томонидан тақдим этилган бюджет лойиҳасига нисбатан ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи назарда тутилади⁴¹.

⁴¹ Масалан, баъзи бир мамлакатларда (Франция, Буюк Британия ва бошқаларда) ҳукумат аъзоси бўлмаган парламент аъзолари бюджет лойиҳасида кўзда тутилган харажатларни ошириш ёки янги солиқларни жорий этиш (ўрнатиш) бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга эмас. Бундай тартибнинг ўрнатилганлиги мамлакатдаги тез ўзгариб турувчи иқтисодий вазиятга ҳукуматнинг таъсир этиш имкониятларини кенгайтира-ди. АҚШда эса Конгресснинг бюджет ҳуқуқи анча кенгдир. Парламент бюджет ҳуқуқининг чекланганлиги яна шунда кўринадими,

Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади.

Давлат бюджетига мувофиқ:

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин икки ҳафталик муддат ичида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллик органлари томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида туман ёки шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

- шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар бюджетлари – белгиланган муддатларда маҳаллий ҳокимиятнинг юқори турувчи вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

Давлат бюджети қабул қилингандан сўнг унинг маблағлари бюджетдан маблағ олувчиларга ўрнатилган тартибга мувофиқ равишда етказилиши керак. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари эътиборига Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари даромадлари ва харажатлари миқдорларини, шунингдек, келгуси молия йили учун уларга республика бюджетидан ажратиладиган бюджет дотациялари ва субвенциялари миқдорини ва бюджетга оид бошқа кўрсаткичларни – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида;

- Республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар, шунингдек, Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар эътиборига улар учун белгиланган даромадлар ва харажатлар миқдорини – Давлат бюджети

қонунчилик ҳокимияти бюджетни яхлит ҳужжат сифатида қабул қилмасдан, фақат бюджет йўлланмалари тўғрисида ҳар йиллик қарорларни қабул қилиш билан чекланади. Бунда мамлакат президентиға маълум мақсадларға маблағларни сарф қилиш ваколоти юқори чегарани белгилаган ҳолда тақдим этилади. Бюджетнинг айрим моддалари эса, умуман, кўриб чиқилмасдан, автоматик равишда тасдиқланади.

қабул қилинганидан кейин 10 кунлик муддат ичида етказмоғи лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин тегишли молия органлари бир ҳафталик муддат ичида:

- Давлат солиқ хизматининг тегишли маҳаллий органлари эътиборига – Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюд-жетлар даромадларининг тасдиқланган миқдорини;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар эътиборига – улар учун белгиланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдорларини етказиши керак.

20.4. Бюджетни ижро этиш

Бюджетни ижро этиш уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиқлагандан ва мамлакат Президенти имзолагандан сўнг, бошланади. Ўзбекистон ҳукумати қуйи ижроия органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан мувофиқлаштирилган ҳолда бюджет ижроси тартибини ташкил қилади. Бюджет жараёнининг бу босқичи ўз ичига бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмининг бажарилишини қамраб олади.

Бюджетни ижро этишнинг энг муҳим вазифаси иккиёқламалик характерга эга бўлиб, у бир томондан, солиқлар ва бошқа тўловларнинг ёппасига ҳамда ҳар бир манбалар бўйича тўлиқ ва ўз вақтида тушиб туришини таъминлашни, иккинчи томондан эса, бюджет тасдиқланган йил учун шу молиявий йил давомида бюджетда тасдиқланган суммалар чегарасида барча тадбирларни молиялаштирилишни тақозо этади.

Бюджет ижроси давомида давлат ишлаб чиқаришни интенсификациялаш ва самарадорлигини ошириш ҳисобидан ресурсларнинг ошишидан, маблағларни сарфлашда иқтисод режимига риоя қилинишидан, солиқли даромадларнинг тўлиқ жалб қилинишидан манфаатдордир.

Давлат бюджетининг ижросини таъминлашда қуйидаги масалаларнинг ҳал этилишига жиддий эътибор бермоқ лозим:

- давлат бюджети даромадларини шакллантириш;
- давлат бюджети маблағларини сарфлаш;
- қабул қилинган Давлат бюджети бўлмаган тақдирда бюджетни ижро этиш;
- бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар киритиш;
- давлат бюджетини белгиланган параметрлар доирасида ижро этиш;
- давлат бюджети даромадлари ва харажатларини бошқариш;
- давлат бюджетининг касса ижросини таъминлаш;
- давлат бюджети ижросини назорат қилиш.

Бюджет ижросига оид бевосита ишлар Молия вазирлиги ва унинг тегишли бўлинмалари ҳамда органлари, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитаси ва уларнинг жойлардаги органлари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, бу жараёнда Молия вазирлигининг муҳим таркибий тузилмаларидан бири бўлган Давлат ғазначилик тизими ва унинг қуйи органлари алоҳида рольни ўйнайди⁴².

Давлат ғазначилик тизими бюджет ижроси бўйича қуйидагиларни амалга оширади:

- бюджет даромадларининг тушишини қайд этиш;
- бюджет мажбуриятларини, яъни бюджет тўғрисидаги қонунга мувофиқ равишда вужудга келадиган маълум муддат давомида харажатларни сарфлаш мажбуриятини қабул қилиш муддатлари ва ҳажмларини тартибга солиш;
- ажратилган бюджет мажбуриятлари лимити доирасида харажатларни амалга ошириш ҳуқуқига рухсат ёзувларини содир этиш;
- бюджетдан маблағ олувчилар номидан тўловларни амалга ошириш;
- ва бошқа функциялар.

⁴² Бюджет ижросининг ғазначилик тизими алоҳида курсда ўрганилганлиги учун бу ерда батафсил тўхталиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилди.

Бюджет ижроси давомида барча операциялар ва бюджетнинг маблағлари Ғазначиликнинг баланс ҳисобварақларида акс эттирилади. Бу ҳисобварақлари Марказий банк ва кредит ташкилотларида жойлашган. Ғазначилик тизими бюджет маблағларига нисбатан кассанинг ягоналиги принципини таъминлайди. Бу принцип барча келиб тушувчи даромадлар ва бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларидан тушумларни ҳамда кўзда тутилган барча харажатларни амалга оширишни бюджетнинг ягона ҳисобварағидан амалга оширилишини тақозо этади. Мамлакат бюджет тизими барча даражаларининг бюджетлари кассанинг ягоналиги принципи асосида ижро этилиши керак.

Бюджетнинг даромадлар бўйича ижро этилиши куйидагиларни кўзда тутлади:

- даромадларни бюджетнинг ягона ҳисобварағига ўтказиш ва ёзиш;
- тасдиқланган бюджетга мувофиқ равишда тартибга келтирувчи (солувчи) даромадларни тақсимлаш;
- бюджетга ортиқча тўланган даромадлар суммасини қайтариш;
- бюджет даромадларини ҳисобга олиш ва даромадлар тўғрисида ҳисобот тузиш.

Харажатлар бўйича бюджетлар ижроси бюджетнинг ягона ҳисоб варағида бюджет маблағларининг ҳақиқатда мавжудлиги доирасида ҳамда молиялаштириш ва санкциялаштиришнинг кетма-кет мажбурий амалга ошириладиган тартибларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Бюджет харажатларининг ижроси давомида санкциялаштиришнинг асосий босқичлари куйидагилар ҳисобланади:

- бюджет харажатлари рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш;
- бюджет ассигнованиялари тўғрисидаги хабарномани тасдиқлаш ва уларни бюджет маблағларини олувчилар ҳамда тақсимловчиларга етказиш, шунингдек, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш;
- бюджет мажбуриятларининг лимитлари тўғрисидаги хабарномани тасдиқлаш ва уни бюджет маблағларини олувчилар ва тақсимловчиларга етказиш;

- бюджет маблағларини олувчиларнинг пулли мажбуриятларини қабул қилиш.

Бюджетни харажатлар бўйича ижро этиш ҳар бир Бош тақсимловчи (қуйи идоралар ва бюджет маблағларини олувчилар бўйича бюджет маблағларини тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган давлат ҳокимияти органлари) ва бюджет маблағларини тақсимловчилар (идоравий белгиси бўйича бюджет маблағларини олувчиларга бюджет маблағларини тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган давлат ҳокимияти органлари ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари) учун Ғазначиликнинг ягона ҳисоб регистрида очиладиган шахсий ҳисобварақларидан фойдаланиш ёрдамида амалга оширилади.

Ғазначилик тизими бюджетга келиб тушаётган даромадлар ва бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларидан тушумлар билан боғлиқ бўлган барча операцияларни, шунингдек, бюджет харажатларини молиялаштириш ва санкциялаштиришни ўзининг Бош дафтарида қайд этади.

Бюджет даромадлари қисмининг ижросини солиқлар ва бошқа тўловларни бюджетга ундириш билан шуғулланадиган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳамда уларнинг қуйи органлари таъминлайди.

Молиявий йил жорий йилнинг 31 декабрида ниҳоясига етиши керак. Бюджет мажбуриятларининг лимитлари ҳам ўзларининг ҳаракатини 31 декабрда тўхтатади. Одатда, 25 декабрдан сўнг пулли мажбуриятларнинг қабул қилинишига йўл қўйилмаслиги керак. Бюджетнинг ижросига оид фойдаланилган ҳисобварақлар 31 декабрда ёпилиши зарур.

Давлат бюджетининг ижросини таъминлаш жараёнида унинг даромадларини шакллантириш Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонуни, Солиқ кодекси, Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Бунда ҳисоблаб чиқарилган, бироқ жорий йилнинг 31 декабригача Давлат бюджетига тўланмаган даромадлар келгуси йилда Давлат бюджетига ўтказилиши керак.

Тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида ва харажатлар сметасига мувофиқ Давлат бюджети маблағлари бюджет маблағлари олувчилар томонидан молия йили мобайнида босқичма-босқич, тайинлаш сертификатини муайян даврга ва тегишли суммага расмийлаштириш йўли билан:

- Республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича – тегишли молия органлари томонидан сарфланади.

Тайинлаш сертификатларини тайёрлаш, расмийлаштириш, бериш, ижро этиш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Давлат бюджетининг ижросини таъминлаш жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва барча даражадаги маҳаллий бюджетлар ҳисобварақларидаги бюджет маблағлари қолдиқлари тасдиқланган миқдорда айланма касса маблағи меъёрини шакллантиришга йўналтирилиши керак. Қолдиқларнинг айланма касса маблағи меъёрининг тасдиқланган миқдоридан ортиқ қисми Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда тегишли ҳокимликларнинг қарорига кўра қўшимча харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши мумкин.

Бюджет ташкилотлари ҳисобварақларидаги бюджет маблағлари қолдиқлари олиб қўйилмаслиги ва бюджет ташкилотларининг махсус маблағлари ҳисобварақларига ўтказилмоғи лозим (капитал қўйилмаларини молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно). Бюджет ташкилотларининг махсус маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Айрим вазиятларда турли сабабларга кўра йил бошлангунга қадар келгуси молия йили учун Давлат бюджети қабул қилинмаслиги мумкин. У ҳолда Давлат бюджети қабул қилингунга қадар бўлган даврда давлат харажатлари қуйидаги шартларга риоя этилган ҳолда амалга оширилиши мумкин:

- бошланган молия йилидаги харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда бюджет маблағларининг аввалги молия йили сўнги 3 ойининг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган миқдорларда ҳар ойда амалга оширилмоғи лозим;

- аввалги молия йилида қилинмаган бюджет харажатлари амалга оширилмаслиги керак;

- аввалги молия йилида амалда бўлган солиққа тортиш ва мажбурий тўловларни тўлаш тартиби Давлат бюджети қабул қилингунга қадар ўз кучини йўқотмаслиги зарур.

Юқоридагиларни инобатга олиб Давлат бюджетидан молия йили бошланганидан кейин қабул қилинган харажатларнинг умумий суммаси молия йили давомида қабул қилинган Давлат бюджети кўрсаткичларига мувофиқлаштирилиши керак.

Баъзи ҳолларда Давлат бюджетининг ижроси давомида бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар киритиш зарурияти пайдо бўлиши мумкин. Бундай вазиятда бюджетдан ажратиладиган маблағларга молия йили мобайнида ўзгартиришлар киритиш бир бюджет маблағларини олувчи учун бюджет маблағларининг камайтирилиши бошқа бюджет маблағларини олувчиси учун бюджет маблағларининг тегишли равишда кўпайтирилишини назарда тутган тартибда:

1) тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг 10% га қадари:

- давлат бюджетидан кўрсатилган бюджет маблағларини олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

- Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тегишли молия органларининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар томонидан (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно);

2) тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг 10% дан ортиғи:

- давлат бюджетида кўрсатиб ўтилган бюджет маблағларини олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан;

- Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланадиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар учун – тегишли молия органларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси ҳамда жойлардаги тегишли ҳокимият вакиллик органлари томонидан (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно) амалга оширилади.

Бюджет маблағини олувчининг сўровига биноан молия йили учун унга назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар айрим моддалар бўйича (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно) бюджетдан ажратиладиган маблағлар тенг миқдорда камайтирилган ва мазкур маблағларини олувчи учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг умумий ҳажми сақлаб қолинган ҳолда дастлабки ҳажмининг 10% га қадар камайтирилиши мумкин. Бу ҳолда бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар:

- Республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларига – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган бюджет маблағларига – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган тартибда тегишли молия органлари томонидан киритилади.

Давлат бюджетини белгиланган параметрлар доирасида ижро этиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари, агар муайян ҳаракатлари бюджет тақчиллигининг қонун ҳужжатларида белгиланган энг юқори даражасидан ошиб кетишига олиб келадиган бўлса, Давлат бюджети даромадларини қисқартирувчи ёки харажатларини оширувчи бирор-бир ҳаракат қилишга ҳақли эмаслар. Шунга мос равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетлари ҳамда маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида айрим турлар бўйича бюджет даромадларини қис-қартиришга олиб келувчи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг қарори, агар унда бошқа турлар бўйича даромадларни кўпайтириш ва (ёки) бюджет харажатларининг тегишли миқдорда қисқартирилиши керак бўлган моддалар назарда тутилган тақдирдагина, қабул қилиниши ва амалга киритилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида тегишли бюджет харажатлари қисқартирилишига ва (ёки) даромадлари кўпайишига олиб келувчи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг қарори қабул қилишда ҳосил бўладиган ортиқча маблағлар мазкур қарор қабул қилинган даражадаги бюджетга маблағларни қайта тақсимлаш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиб қўйилади.

Агар Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин молия йили давомида Давлат бюджетидан олинган бюджет маблағларини кўпайтириш (камайтириш) тўғрисида қарор қабул қилинадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия органлари томонидан тегишли даражадаги бюджетлар ҳажмига ўзгаришлар киритилиши мумкин. Харажатларни кўпайтириш ёки қисқартириш бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиш йўли билан амалга оширилади. Ўз навбатида, бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Солиқлар ва бюджет тўловлари интизомини мустаҳкамлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга тасдиқланган кўрсаткичлардан ташқари тушган қўшимча даромадлар айланма касса маблағи меъёри тасдиқланганидан кам бўлмаган миқдорда сақланиб қолган тақдирда қабул қилинган бюджетдагидан ташқари харажатларга йўналтирилиши мумкин. Ушбу масалага доир тегишли қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар томонидан қабул қилинади.

Бюджет ижросини таъминлашда Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини бошқариш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджети ва унинг тузилмасига кирувчи бюджетларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичлар доирасида бажарилиши учун жавобгардир. Шунинг учун ҳам Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Молия ва-зирлиги томонидан амалга оширилади.

Агар йил мобайнида давлат даромадлари анча қисқарган ва Давлат бюджетининг олдиндан белгиланган тақчиллиги қонун ҳуж-жатларида белгиланган чегара миқдоридан ошадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг харажатларини алоҳида моддалар бўйича қисқартириш тўғрисида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига таклиф киритади.

Турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик тафовутни тўғрилаш мақсадида молия йили давомида уларга тегишли бюджетлардан бюджет ссудалари ажратилиши мумкин. Бюджет ссудаларини беришнинг энг кеч муддати ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Шунингдек, турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик фарқни молия йили давомида айланма касса маблағи меъёри ҳисобига, уни молия йили охиригача тасдиқланган ҳажмга қадар тиклаган ҳолда, бюджет маблағларининг фойдаланилмаган қолдиқлари ҳисобига ва қонун ҳуж-

жатларида белгиланган тартибда давлатнинг қисқа муддатли қимматли қоғозларини чиқариш ҳисобига ҳам қоплаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджети ижросининг назорат қилинишини амалга ошириш давомида:

- турли даражадаги бюджетлар ижроси яқунларини кўриб чиқади;
- турли даражадаги бюджетларга маблағлар тушуми тўғрисида солиқ ва божхона органларидан, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлардан ахборот олади;
- бюджет маблағларини олувчилардан бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тушуми ва сарфи тўғрисида маълумотлар талаб қилиб, олади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ банклардан бюджет маблағлари ҳаракати тўғрисида маълумотлар олади;
- бюджет маблағлари олувчиларнинг молия-хўжалик фаолиятини ўз ваколатлари доирасида тафтиш қилади ва текширувдан ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йилнинг ҳар чорагида Давлат бюджети ижросининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этадиган яқунларини кўриб чиқади.

20.5. Бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва уни тасдиқлаш

Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот бюджет ижросининг якуни (натижалари)ни ўзида ифода этади. Шу муносабат билан Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, шу вазирлик белгилаган муддатларда тақдим этиши керак. Шунга мос равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли молия органларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

томонидан белгиланган муддатларда тақдим этмоқлари лозим.

Туманларнинг, шунингдек, республика (Қорақалпоғистон), вилоят бўйсунувидаги шаҳарларнинг молия органлари шаҳар, туман бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли ҳокимликларга ҳамда юқори молия органларига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган муддатларда тақдим этиши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия органлари тегишли бюджетларнинг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва тегишли ҳокимликларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, шу вазирлик белгилаган муддатларда тақдим этмоғи лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиб, маъқулланганидан кейин бу ҳисоботларни тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Давлат бюджетига ҳисобот давридаги тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этишлари шарт.

Давлат солиқ хизматининг жойлардаги солиқ органлари солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Давлат бюджетига ҳисобот давридаги тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни ҳар ойда тегишли молия органларига, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этиб туришлари керак.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ҳисобот даврида давлат мақсадли жамғармаларига маблағлар тушуми ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги

ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, шу вазирлик белгилаган муддатларда тақдим этиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майдан кечиктирмай, тақдим этиши керак. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майдан кечиктирмай, тақдим этиши керак.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Шунга мос равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Бюджет жараёни деб нимага айтилади?
- Бюджет жараёнининг мазмуни нималар билан белгиланади ва унда нималар муҳим роль ўйнайди?
 - Бюджет жараёни, одатда, бюджет фаолиятининг қандай босқичларини қамраб олади?
 - Бюджет жараёнининг олдида қандай муҳим вазифалар қўйилади?
 - Умумий тарзда, бюджет жараёнининг иштирокчилари кимлар (қандай субъектлар) ҳисобланади?
 - Бюджет жараёнини ташкил этишда қандай принципларга риоя қилинади?
 - Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш) жараёнида қандай масалалар ечилади ёки уларга аниқлик киритилади?
 - Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да қандай мақсадлар кун тартибига қўйилади?

- Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)дан олдин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига қандай органларга бюджет сўровини юбориши керак?

- Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида” ги қонуни бюджет лойиҳасини тайёрлашнинг қандай муддатларини белгилайди?

- Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджетининг лойиҳасини ким тайёрлайди ва у қачонгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилиши керак?

- Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджет лойиҳаси ўз ичига нималарни олмоғи лозим?

- Бюджетнома лойиҳасини ким ишлаб чиқади ва унда нималар акс эттирилади?

- Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да нималар ҳисобга олинади?

- Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш)да қандай методлардан фойдаланилади?

- Давлат бюджетининг лойиҳаси муҳокама қилиш (кўриб чиқиш) ва тасдиқлаш (қабул қилиш) учун қандай органга тақдим этилади?

- Давлат бюджети ким томонидан қабул қилинади?

- Давлат бюджетига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари, шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетлари қандай органлар томонидан қабул қилинади?

- Давлат бюджети қабул қилингандан сўнг унинг маблағлари бюджетдан маблағ олувчиларга қандай тартибда ва муддатларда етказилиши керак?

- Бюджетни ижро этиш қачондан бошланади?

- Бюджет жараёнининг бу босқичи нималарнинг бажарилишини қамраб олади?

- Бюджетни ижро этишнинг муҳим вазифаси иккиёқламалик характериға эғалиги нималарда намоён бўлади?

- Давлат бюджетининг ижросини таъминлашда қандай масалаларнинг ҳал этилишиға жиддий эътибор бермоқ лозим?

- Бюджет ижросига оид бевосита ишлар қандай органлар томонидан амалға оширилади?

- Давлат ғазначилик тизими бюджет ижроси бўйича нималарни амалға оширади?

- Бюджетнинг даромадлар бўйича ижро этилиши нималарни кўзда тутди?

- Бюджет харажатларининг ижроси давомида санкциялаштиришнинг асосий босқичлари нималар?

- Тайинлаш сертификати нима?

- Давлат бюджети қабул қилинмаган давр ичида давлат харажатлари қандай шартларға риоя этилган ҳолда амалға оширилиши мумкин?

- Давлат бюджетининг ижроси давомида бюджетдан ажратиладиган маблағларға ўзгартиришлар киритиш тартиблари қандай?

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджети ижросининг назорат қилиниши давомида қандай ишларни амалға оширадилар?

- Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ўзида нимани ифода этади?

- Республика бюджетидан молиялаштирилдиган бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратилдиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни қачон тақдим этиши керак?

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилдиган бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратилдиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни кимларға тақдим этмоқлари лозим?

- Республика (Қорақалпоғистон), вилоят бўйсунувидаги шаҳарларнинг молия органлари шаҳар, туман бюджетининг

ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кимларга тақдим этиши керак?

- Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия органлари тегишли бюджетларнинг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кимларга ва қайси орган белгилаган муддатларда тақдим этмоғи лозим?

- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Давлат бюджетига ҳисобот давридаги тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни қандай муддатда ва кимга тақдим этишлари шарт?

- Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ҳисобот даврида давлат мақсадли жамғармаларига маблағлар тушуми ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни кимга ва қандай орган белгилаган муддатларда тақдим этиши лозим?

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қачондан кечиктирмай тақдим этиши керак?

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қачонгача тақдим этиши мумкин?

- Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ким (қандай орган) томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади?

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар кимлар томонидан (қандай орган) кўриб чиқилади ва тасдиқланади?

21-боб. Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари

21.1. Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари марказий ва маҳаллий давлат бошқарув органлари ихтиёридаги қатъий мақсадли хусусиятга эга бўлган молиявий маблағлар йиғиндисидир. Улар ҳар бир алоҳида давлат молия тизимининг ажралмас бўғини ҳисобланади. Бу жамғармаларни молиявий маблағларининг шаклланиши, тақсимланиши ва ресурслардан мақсадли фойдаланиши бевосита молиявий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мувофиқлаштирилади ва тартибга солинади.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ижтимоий-иқтисодий хусусиятига кўра, муайян бир аҳоли қатлами ёки инвестицион дастур эҳтиёжларини назарда тутиб, мамлакатда яратилаётган миллий даромадни қайта тақсимлаш орқали ташкил этилади. Давлат умумжамият аҳамиятига молик бўлган ижтимоий-иқтисодий чоратадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш учун жисмоний ва юридик шахсларда шаклланаётган молиявий ресурсларнинг бир қисмини Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ихтиёрига молиянинг тақсимлаш функцияси орқали жалб қилади.

Тарихий маълумотларнинг дарак беришича, давлат бюджет ташқари жамғармаларининг дастлабки шакллари ҳозирги давлатчиликнинг ягона марказлашган фонди ҳисобланган давлат бюджетидан аввалмахсус фондлар кўринишида шаклланган. Маълумки, давлатнинг фаолият кўлами кенгайган сари унинг харажатларга бўлган талаби ҳам ошиб бораверган. Ушбу харажатларни молиялаштириш учун давлат ёхуд унинг ваколатига эга бўлган муайян орган молиявий маблағларни махсус фондларда марказлаштирган ва

мақсадли объектларни молиялаштириш учун йўналтирган. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, ўша пайтлар марказлашган Давлат фондлари давр тақозосига мувофиқ, вақтинчалик характериға эға бўлган. Яъни давлат зарур чора-тадбирларни амалға ошириб, молиялаштиришни тугатгандан кейин ушбу фондлар фаолияти ўз-ўзидан тугатилган. Шу боис, махсус фондларнинг миқдори ва шакли доимо ўзгариб турган, яъни давр тақозоси ва муайян заруриятдан келиб чиқиб, эҳтиёж қолмаганлари тугатилган, янгилари пайдо бўлган. Лекин, тарихий тенденция шунини намоён қиляптики, муайян мамлакатда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ва мамлакат ҳудудининг кенгайиши муносабати билан давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг миқдори ҳам, ҳажми ҳам ўсиш хусусиятиға эға бўлган.

Ўз навбатида, Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари миқдорининг ортиши (кўпайиши) маълум бир қийинчилик ва ноқулайликларни келтириб чиқарган. Хусусан, жамғарма қатъий мақсадли хусусиятға эға бўлгани боис, айрим жамғармаларда молиявий ресурслар керагидан ортиқ бўлса, айримларида етишмовчиликлар пайдо бўлган. Шунингдек, давлат уларни бошқариш ва мувофиқлаштиришни молиялаштириш учун қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилишға мажбур бўлган. Бу, ўз ўрнида, жисмоний ва юридик шахсларға қўшимча молиявий юк ҳисобланиб, улар ўртасида маълум бир норозиликларнинг пайдо бўлишиға ҳам олиб келган. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун марказлаштирилган давлат шаклланишиға зарурат туғилган.

Марказлаштирилган давлатнинг қарор топиши бир қатор давлат фондларини уйғунлаштириб, бир неча муаммоларнинг олдини олиш имкониятини туғдирган. Жумладан, бир фондда ортиқча бўлган молиявий маблағларни иккинчи бир фонддаги етишмаётган молиявий маблағлар ўрниға жалб қилиш имконияти ҳосил бўла бошлаган. Давлатнинг ҳар хил фондларининг уйғунланиши асосида улкан бир марказлаштирилган фонд, яъни Давлат бюджетининг ташкил этилишиға асос солинган. Давлат бюджети секин аста ҳар томонлама мустаҳкамланиб бориб, мамлакатнинг олий органи уни кўриб чиқиб, тасдиқлагандан кейин қонун кучиға кириб,

ижро этиш мажбурияти сезила бошланди (бу ҳақда мазкур ўқув қўлланмасининг олдинги бобларида батафсил тўхталиб ўтилган).

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб, мамлакатда Давлат бюджетини мустаҳкамлаш билан бирга, Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларини ҳам ташкил этишга зарурат туғилди. Бу жамғармаларни ташкил этишга бир қатор омиллар таъсир этади, албатта. Уларнинг асосийлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- иқтисодиёт қисман нобарқарор бўлган бир шароитда, тижорат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, зарур бўлган шароитларда уларнинг молиявий операцияларини рағбатлантириш учун давлат бошқарув органлари ортиқча молиявий ресурслар ҳисобидан янги шаклдаги қўшимча Давлат фондларини ташкил этади;

- Давлат бюджетидан холи бўлган Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари муайян бир муаммони бартараф этиш ёхуд мавжуд муаммолар кўламини қисқартиришга қаратилган бўлиб, давлат томонидан қатъий эътиборга молик бўлади. Айнан ушбу жамғармалар қатъий мақсадли хусусиятга эга бўлиб, уларнинг молиявий ресурсларини ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланишни давлат томонидан самарали назорат қилиш имконияти туғилади;

- Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари муайян бир шароитларда, яъни даромадларига нисбатан харажатлари кам бўлган ҳолларда, ортиқча маблағлардан Давлат бюджети дефицитини кредит шаклида қисқартиради ёки молиявий бозордан фоиз ва дивиденд шаклида манба олиб, даромадлар ҳажмини янада кенгайтиради.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларини ташкил этиш тартиби ва шакллантириш методлари. Ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларига таяниб айтиш мумкинки, одатда Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари қуйидаги шартли икки йўл орқали ташкил этилади:

1. Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан муҳим умумжамият аҳамиятига эга бўлган муаммоларни ҳал этиш учун маълум бир харажатларни ташкил этиш;

2. Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармасини шахсий (ўзлик), махсус ажратма ва бадал маблағлари ҳисобидан шакллантириш.

Масалан, қатор давлатларда даромади чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджети кўмагида махсус ижтимоий суғурта фондлари ташкил этилган. Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларини ташкил этиш, муқаддам маълум бўлмаган, аммо ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, хизмат кўрсатиш кўламининг кенгайиши ва молиявий сиёсатнинг ўзгариши натижасида пайдо бўладиган муаммоларни мақсадли ва манзил бартараф этиш мақсадида амалга оширилади. Шундай вазият шаклланганда ҳукумат давлат бюджетдан ташқари жамғармасини ташкил этиш учун махсус қарор қабул қилади. Бизда ҳам юқорида қайд этилган вазиятга ўхшаш ҳолат вужудга келиши ва мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиши муносабати билан 2004-2009 молия йилларини ўзида қамраб олган давлатнинг бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ташкил этилди.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳар қандай мақсадли хусусиятга эга бўлиб, одатда унинг номида қандай мақсад учун ташкил этилаётганлиги акс этади. Масалан, Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Мактаб таълими жамғармаси ва ҳ.к.

Молия тизимининг бошқа бўғинлари каби Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларини ташкил этишнинг моддий манбалари миллий даромад ҳисобланади. Бундай жамғармаларнинг аксарият қисми миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида вужудга келади.

Амалиётда миллий даромадни қайта тақсимлаш жараёни орқали Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадини шакллантиришнинг асосий методлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Махсус солиқлар, йиғимлар ва ажратмалар;
2. Давлат бюджети маблағлари ва заёмлар.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадларини ташкил этишнинг асосий методи махсус солиқлар, йиғимлар ва аж-ратмалар ҳисобланади. Ушбу

манбалалар ҳисобидан жамғармалар даромадларининг 80-90% ва ҳатто 100% ҳам шаклланиши мумкин.

Давлат бюджети ҳисобидан шаклланаётган маблағлар амалиётда қайтариб бермаслик шарти билан дотация ва субвенция кўринишида берилади. Айрим ҳолларда фонд даромадларига ҳар хил муддат ва қийматда (фоизли, фоизсиз) бўлган заёмлар ҳам жалб қилиниши мумкин.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг молиявий муносабатлари. Алоҳида мамлакатларда Давлат бюджетидан ташқари Давлат жамғармаларининг мавжудлиги фонд ичида, фондлараро ва молия тизимининг бошқа бўғинлари ўртасида мураккаб ҳамда кўп қиррали молиявий муносабатларни амалга оширишни тақозо этади. Амалиётдаги бундай молиявий муносабатлар бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама бўлиши мумкин.

Бир томонлама молиявий муносабатлар. Бундай муносабатлар, одатда, жамғарманинг даромадларини шакллантиришда ёки унинг харажатларини амалга оширишда намоён бўлади. Масалан, кўпчилик мамлакатларда валюта фондининг ташкил этиш манбаи марказлаштирилган бюджет маблағларидан қайтариб берилмайдиган суб-сидия шаклидаги ресурслар ҳисобланади. Бир томонлама молиявий алоқалар фонд даромадининг бир қисмини молия тизимининг бошқа бўғинига дотация ёки субсидия сифатида ўтказганда ҳам вужуд-га келади. АҚШда ташкил этилган Йўл жамғармаси махсус солиқлар ҳисобига ташкил этилади, аммо даромадлар харажатлардан ортиқ бўлган даврларда Федераль бюджетга заём шаклида тақдим этилади.

Икки томонлама молиявий муносабатлар. Бундай муносабатлар амалиётда молиявий ресурсларнинг оқими фондлараро ва молия тизимининг бошқа бўғинлари ўртасида содир бўлганда вужудга келади. Масалан, Пенсия жамғармаси нафақат махсус ажратмалар ҳисобига ташкил этилади, балки республика бюджетидан олинаётган дотация ҳисобидан ҳам қисман шаклланади. Бир вақтнинг ўзида, агар фонд даромадида актив сальдо вужудга келса, у ортиқча молиявий ресурслар ҳисобига қисқа муддатли давлат хазина қимматли қоғозларини харид қилиб, бюджет дефицитини

камайтириши ёхуд Давлат бюджетга кредитор сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Кўп томонлама молиявий муносабатлар. Бунда битта давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаси бир вақтнинг ўзида бир нечта фондлар ҳамда молия тизимининг бошқа бўғинлари билан ўзаро алоқада бўлади. Яъни, пул маблағлари турли хил ва ранг-баранг йўналишларда ҳаракат ва оқимда бўлади.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бир қатор вазифаларни бажаради. Уларнинг кўлами кенг, аммо асосийлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- иқтисодиётнинг устувор соҳаларини қўшимча молиявий ресурслар билан таъминлаш (экология фондлари, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ва бошқалар);
- ҳар хил махсус жамғармалар кўмагида аҳолига ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бевосита давлат ихтиёрида бўлса-да, алоҳида шаклда фаолият юритади ва давлат томонидан молиявий ресурсларини дафъатан олиб қўйишга рухсат берилмайди. Уларнинг Давлат бюджети ва унга тенглаштирилганлардан фарқли томони шундаки, бу фондларнинг молиявий ресурсларидан фойдаланиш **қатъий мақсадли** хусусиятга эга.

Амалиётда ҳар бир Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармасининг молиявий манбалари ҳар хил бўлади. Лекин шартли равишда уларнинг қуйидаги гуруҳлардан ташкил топиши жаҳон тажрибасида намоён бўлмоқда:

- мос равишдаги фондлар учун давлат томондан ўрнатилган махсус мақсадли солиқлар, йиғимлар ва ажратмалар;
- хўжалик субъектларининг иқтисодий-молиявий самарасидан ажратмалар;
- Давлат бюджети маблағлари;
- фондларни юридик шахс сифатида тижорат фаолияти (молия бозори)дан олган фойдалари;
- тижорат банкларининг кредит ресурслари.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг клас-сификацияси. Давлатнинг бюджетдан ташқари

жамғармаларини ўзларининг иқтисодий мазмуни ва ташкил этиш заруратига кўра иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ижтимоий хусусият касб этувчи жамғармалар.

Буларнинг таркибига Пенсия жамғармаси, Бандликни қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармаси, Мактаб таълими жамғармаси, Мажбурий тиббиёт суғуртаси жамғармаси, Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва бошқалар киреди;

2. Иқтисодий хусусият касб этувчи жамғармалар.

Буларнинг таркиби Республика Йўл жамғармаси, Тараққиёт ва тикланиш захира жамғармаси ва бошқалардан иборат.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳуқуқий мақомига мувофиқ ҳам классификацияланади. Одатда, улар федератив сиёсий тузумга асосланган давлатларда 3 тага, унитар сиёсий тузумга асосланган мамлакатларда эса 2 тага бўлинади. Жумладан, Федератив мамлакатларда Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалар қуйидагилардан иборат:

1. Федерал бошқарув мулкида бўлган Давлат жамғармалари;

2. Федерация таркибида бўлган штат, республика, ер, кантонлар ва бошқалар мулкидаги минтақавий жамғармалар;

3. Маҳаллий бошқарув қарамоғидаги маҳаллий аҳамият касб этувчи жамғармалар.

Унитар сиёсий тузумга асосланган давлатларда эса бу жамғармалар:

1) республика тасарруфида бўлган жамғармалардан ва

2) маҳаллий ҳокимият ихтиёри ва бошқарувида бўлган жамғармадан ташкил топади.

Бундан ташқари дунёнинг жуда кўп давлатларида идоралар, вазирликлар ва йирик хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида ҳам кўплаб жамғармалар ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларини ташкил этиш ва уларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда даврга мослаштириш чора-тадбирлари амалга оширилиб келинмоқда. 2002 молия йилига қадар Бундай жамғармаларнинг алоҳида молиявий ресурсларини шакллантириш ва улардан мақсадли йўналишларда фойдаланиш кенг қўлланилиб келинар эди. Аммо айрим

бюджетдан ташқари жамғармаларда ўз вақтида ва тўлиқ молиявий ресурсларни шакллантирмаслик, аҳолига берилаётган ва тарқатилаётган молиявий ресурсларда кечикиш, узилиш ҳоллари тез-тез учрай бошлади. Бунинг олдини олиш мақсадида 2002 йилдан бошлаб умумдавлат аҳамия-тига эга бўлган айрим давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасарруфида бўлиши маъқул деб топилди. Аммо шуни алоҳида қайд этиш лозимки, уларнинг мухториятлилиги тўлиқ сақланиб қолинди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида бир қатор Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалар мавжуд. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Йўл жамғармаси.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг бандлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси (2004-2009 йилларга мўл-жалланган).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги “Суғориладиган ерларни мелиоратив яхшилаш” жамғармаси.

6. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси.

21.2. Пенсия жамғармаси

Умумдавлат молияси таркибидаги бўғинлар ичида давлат бюджетидан кейин ҳажми ва истеъмолчиларни қамраб олиш кўлами ҳамда ижтимоий аҳамияти бўйича иккинчи ўринда турадиган марказлашган жамғармалардан бири бу бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Респуб-

ликаси ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Пенсия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 459-сонли қарорига мувофиқ асос солинган. Ҳар бир янги ташкил этилган марказлашган жамғарма олдига муайян мақсад қўйилгани боис, ушбу жамғарма олдига ҳам зарур мақсад қўйилди. Жумладан, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг бош мақсади – давлат томонидан кафолатланган пенсия таъминоти тизимида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, даромадларга мўлжалланган мажбурий бадал, йиғим ва ажратмаларни тўлиқ йиғилишини таъминлаш, шунингдек, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш учун молиялаштириш чора-тадбирларини ўз вақтида ва тўлиқлигича таъминлашга эришиш ҳисобланади

2007 йил маълумотларига мувофиқ, пенсионерлар сони – 2,8 млн. нафар, ногиронлар сони 812 минг нафар: шулар жумласидан, болалиқдан ногиронлар 235 минг нафар, ногирон болалар 122 минг нафар, ўзгалар ёрдами ва қаромоғига муҳтож ёлғизлар 30 минг нафарни ташкил этмоқда. Ушбуларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва манзилли ёрдам бериш, ўз навбатида, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини ташкил этишга асос бўлади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган “Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган. Қайд этилган қонуннинг 2-моддасида қуйидаги кўринишдаги давлат пенсиялари зикр этилган:

- ёшга қараб;
- ногиронлиги бўйича;
- боқувчисини йўқотганлигига кўра.

1995 йил 20 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1289–сонли Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармонда 1996 йил 1 январдан бошлаб, ишлаётган, хизмат кўрсатаётган ва иш бажараётган пенсионерлар учун мўлжалланган, белгиланган пенсиянинг 50% тўланиши назарда тутилган. Аммо, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ёхуд шуларга тенглаштирилганлар, 1-2-гурух ногиронлари, Чернобиль ҳалокатини бартараф этишда иштирок этиб, ишлаётган пенсионерлар бундан мустаснодир. Улар учун

белгиланган пенсиялар тўлиқ 100% миқдорда олиниши белгиланган.

2000 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 498-сонли “Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва харажат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди. Ушбу Низомда Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини мувофиқлаштириб туришга хизмат қиладиган умумий қоидалар, Пенсия жамғармасининг асосий вазифалари ва уни ҳаётга татбиқ этиш, жамғарманинг даромадларини шакллантириш ва харажатларини амалга ошириш, жамғарманинг даромад ва харажатлар тартибини кўриб чиқиш ва прогнозлар бўйича масъул вазирликлар билан келишиш, жамғарманинг даромад ва харажат маблағлари бўйича мажбуриятлар, жамғармага кирим ва чиқим қилинаётган маблағлар устидан назорат қилиш каби талаблар мавжуд бўлиб, уларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигига, унинг даромадларини шакллантириш эса Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига юклатилди. Молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан умумий назорат “Нуроний” жамғармаси ҳузуридаги “Назорат кенгашига” юклатилди.

2005 молия йили бошлангунга қадар Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси дастлаб Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, сўнгра вазирлик Меҳнат вазирлиги билан умумлаштирилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

2004 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 490-сонли “Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошқарувини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ Пенсия жамғармаси 2005 йил 1 январдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси мақомини олди. Шунингдек, ушбу қарор билан Бюджетдан ташқари Пенсия жам-

фармасини бошқарув кенгаши ва унинг таркиби ҳам белгиланди.

Бошқарув кенгаши таркибиги қуйидаги вазирлик ва идора раҳбарлари ёки уларнинг муовинлари киритилган. Жумладан:

- Кенгаш раиси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазири;
- Кенгаш раиси муовини, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири;

Аъзолари:

– Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг муовини;

– “Халқ банки” бошқаруви раиси;

– “Ўзбекистон почтаси” Очиқ акциядорлик компанияси бош директори;

– “Нуроний” республика жамғармаси бошқаруви раиси.

Қайд этилган қарорга мувофиқ Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини тезкор мувофиқлаштириб турувчи Ижроия дирекция тасдиқланган.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларининг шаклланиш тартиби ва манбалари. Жамғарма даромадлари қуйидаги манбалар ҳисобига шаклланади:

1. Мажбурий ажратма ва бадаллар

– мулк шаклидан қатъий назар, юридик шахс мақомида бўлган хўжалик субъектларининг иш ҳақи жамғармасига нисбатан ўрнатилган ягона ижтимоий тўлов;

– алоҳида юридик шахслардан ижтимоий суғурта бадаллари;

– юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслардан ижтимоий суғурта бадаллари;

– фуқароларнинг иш ҳақидан суғурта бадаллари;

– корхона, ташкилот ва муассасалар товар (иш, хизмат) ларининг реализация ҳажмидан ажратмалар.

2. Бошқа тўловлар

– дехқон хўжалиги аъзолари томонидан ихтиёрий равишда тўланаётган суғурта бадаллари;

– мажбурий ажратма, тўлов ва бадалларни ўз вақтида тўламаган юридик шахслардан ундириладиган жарима ва пенялар;

– қонун бўйича тақиқланмаган бошқа манбалар, шунингдек, хорижий инвестициялар ва кредитлар, ихтиёрий тўланадиган бадаллар.

Пенсия, нафақа ва тўлов харажатларини молиялаштириш тартиби. Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ Пенсия жамғармаси қуйидаги йўналишларга харажат қилинади.

1. Ишламаётган фуқароларга, жумладан:

– ижтимоий таъминот бўлими томонидан белгиланган пенсиялар;

– давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаган меҳнатга лаёқатсиз, нуроний ва болалиқдан ногирон бўлган фуқароларга нафақалар;

– қонунга мос равишда жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган бошқа компенсацион (товон) тўловлар(и).

2. Ишлаётган фуқароларга, хусусан:

– ижтимоий таъминот бўлими томонидан белгиланган пенсиялар;

– вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги учун нафақалар;

– ҳомиладорлик ва туғиш учун нафақалар;

– фарзанд туғилганлиги учун суюнчи нафақаси;

– мотам маросимларини бажариш учун бериладиган нафақа;

– 16 ёшга тўлмаган, болалиқдан ногирон фарзандларнинг ота-онасидан бирига қўшимча бериладиган ойлик тўлов;

– қонунга мос равишда Пенсия жамғармаси маблағларидан молиялаштириладиган бошқа компенсацион (товон) тўловлар(и).

Ишлайдиган ва ишламайдиган фуқаролар учун пенсия, нафақа ва бошқа компенсация тўловларини молиялаштириш учун Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлимларида ҳисоб-китоб рақами очилади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳар ойнинг 10-санасигача ишлайдиган ва ишламайдиган

фуқароларга пенсия, нафақа ва компенсация тўловларига зарур бўлган молиявий маблағлар ҳажмини аниқлайди ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижрочи дирекциясига буюртма беради.

Буюртмага асосланган ҳолда Ижрочи дирекция жамғарма маблағини Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳисоб рақамига қуйидаги тартибда ўтказди:

– жорий тўлов ойининг 5-санасигача – буюртмада кўрсатилган молиявий маблағнинг 40 фоизи;

– жорий тўлов ойининг 20-санасигача – буюртмада кўрсатилган молиявий маблағнинг қолган қисмини.

Меъёрий ҳужжатларда кўрсатилмаган мақсадлар учун жамғарма маблағларини ўтказиш ёки ундан вақтинчалик фойдаланиш қатъиян ман этилади. Фақат жамғарма бошқарув кенгашининг махсус қарорига мувофиқ, ижрочи дирекция жамғарма маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланиши мумкин. Яъни ижобий сальдо вужудга келган шароитда инвестицион объектларга иқтисодий самара олиш мақсадида жойлаштириш мумкин.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатлари ва даромадлари ҳисобини олиб боришга бир қатор вазирлик ва идоралар жавобгардир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари прогноз бўйича жамғармага зарур бўлган солиқ, ажратма, бадал ва тўловларни ўз вақтида ва тўлиқлигича жамғарма даромадларига келиб тушишига масъулдирлар.

Ижрочи дирекция кўзда тутилган пенсия, нафақа ва компенсацияларни ўз вақтида молиялаштиришга жавобгардир. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлимлари жамғарма маблағларини қатъий мақсадли сарфланишига масъулдирлар.

21.3. Йўл жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси географик жойлашувига мувофиқ, океан ва денгиз бандаргоҳларига тўғридан-тўғри чиқиш учун камида иккита мустақил мамлакатнинг давлат чегарасини

босиб ўтиши лозим. Бундай ҳолат, ўз навбатида, денгиз транспортини ташкил этиш ва ундан фойдаланишга имконият бермайди, албатта. Бу нарса бизда ҳаво йўли тарнспорти, темир йўл тарнспорти, қувур транспорти ва энг асосийси автомобиль йўл транспортини бошқа давлатлардаги (Россия Федерацияси, Украина, Япония, Буюк Британия, АҚШ ва бир қатор Форс ҳамда Араб мамлакатлари)га қараганда жадал ва тез ривожлантиришни объектив зарурат қилиб қўяди. Ушбуни теран ҳис этган мамлакатимиз раҳбарияти мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларни қуриш, қайта таъмирлаш, реконструкция қилиш чоратadbирларига катта аҳамият бериб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё минтақасида транзит транспорт ташувлари чорраҳасида жойлашуви бевосита автомобиль йўлларини муттасил янгиланишини ва давр талабига мос ривожланишини талаб этади.

Республикамиз транспорт сиёсатининг бирламчи мақсади – маҳаллий истеъмолчилар билан бирга, хорижий мамлакатлар фойдаланадиган энг яхши, қулай ва юқори иқтисодий самарадорликка эга бўлган транспорт йўлакларини республика ҳудудидан ўтказишни таъминлашдан иборатдир.

Автомобиль йўлларини давр талабига мос равишда ташкил этиш-дан кўзланган асосий мақсад - халқаро транспорт йўлакларини ривожлантиришга эришиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини халқаро бозорларга етказиш бўйича тарнспорт харажатларини камайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини халқаро бозорларда рақобатбардошлигини таъминлашдир. Автомобиль йўлларини мана шундай ижтимоий ва иқтисодий хусусиятларини инобатга олиб, 1992 йил 3 июль куни Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 10-моддаси бевосита йўл ишларини молиялаштиришга бағишланган бўлиб, унинг биринчи бандида шундай талаблар акс этган: “Умумий фойдаланишдаги йўл ишларини (автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш) молиялаштириш тартиби Йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади”.

Қонунда акс этган ушбу банднинг ўзи республикада махсус йўл жамғармасини ташкил этишни тақозо қилиб қўймоқда. Шу боис, 1990 йилларнинг бошларидаёқ “Ўзавтойўл” давлат концерни база-сида Республика Йўл жамғармаси ташкил этилган эди. Пировардида, республикамизда халқаро ва минтақавий аҳамият касб этадиган умумий йўллар барпо этилди, кўплаб жаҳон андозаларига мос келадиган йўл кўприклари қурилди ва қўрилмоқда.

Мамлакатнинг изчил ривожланиши ва жаҳон интеграциясига яқинлашиши, Республика Йўл жамғармаси молиявий ресурсларини шакллантириш ва молиялаштиришни самарали ташкил этишни талаб қила бошлади. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августида “Ўзбекистон Республикиси Молия вазирлиги ҳузурида Республика йўл жамғармаси ва “Ўзавтойўл” давлат акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 361-сонли Қарори эълон қилинди. Мазкур қарорнинг 5-иловасига мувофиқ, Республика йўл жамғармаси фаолиятини мувофиқлаштирувчи йўриқнома ишлаб чиқилди. Йўриқномада Республика йўл жамғармасининг умумий қоидалари, мақсади, асосий вазифалари ва функциялари, жамғарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жамғармани бошқарув кенгаши ҳақида ва ижрочи органи фаолиятини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар акс этган.

Жамғармани бошқарув кенгаши Республика йўл жамғармасининг олий органи ҳисобланади. Жамғармани бошқарув кенгаши тар-киби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланади. Бошқарув кенгашининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;
- жамғарманинг ижрочи дирекцияси ва “Ўзавтойўл” ДАК маблағларни қандай сарф этиш бўйича таклифларини кўриб чиқиб, зарурат туғилган шароитда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- ижрочи дирекциянинг қилган ишлари бўйича ҳисоботларини тинглаш;

– Давлат солиқ қўмитаси ва жамғарма даромадларини шакллантиришда иштирок этадиган бошқа идора ва қўмиталарнинг молиявий ресурсларнинг ўз вақтида ва тўлиқлигича таъминлаб бераётганлиги бўйича ҳисоботларини тинглаш;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига жамғарманинг даромадларини шакллантириш ва харажатларини самарали ташкил этиш бўйича таклифлар киритиш;

– Республика Йўл жамғармасининг молиявий ресурсларидан мақсадли фойдаланаётганлиги устидан назорат қилиш ва бошқалар.

Республика Йўл жамғармасида шаклланадиган молиявий ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва мақсадли фойдаланишини бевосита мувофиқлаштириб турувчи тезкор орган унинг ижрочи дирекциясидир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Йўл жамғармаси олдига қўйилган мақсад ва мақсадга тўлиқ эришиш учун режалаштирилган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш учун даромадларни тўлиқ шакллантириш ва харажатларни самарали ташкил этиш давр талабидир.

21.4. Бандликни қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармаси

Бозор иқтисодиёти асосида миллий иқтисодиётини ташкил этаётган барча мамлакатларда бандлик (ишсизликни олдини олиш)ни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармалари ташкил этилади. Жамғарманинг ҳажми, молиялаштириш манбалари ва харажат йўналишлари ҳар бир алоҳида давлатнинг олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатидан келиб чиқади. Бюджетдан ташқари бандликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси мақсадли хусусиятга эга бўлиб, давлат тасарруфи ва унинг жойлардаги ваколатини олган органларда ташкил этилади.

“Ўзбекистон Республикасида Бандликни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 606-

сонли Қарори 1992 йил 31 декабрда қабул қилинди. Ушбу Қарор жамғарма даромадларини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланишини мувофиқлаштириб турувчи меъёрий ҳужжат бўлиб ҳисобланди. Давр ўтиши билан ва бозор иқтисодиёти принциплари ва қонунлари миллий иқтисодиётга босқичма-босқич жорий этиши жадаллашиши билан бирга, бандликни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ҳам мос равишда ижобий ўзгаришлар ҳамда қўшимчалар киритилиб борилди.

1998 йил 1 май куни Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунни қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши Бандликни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг мавқеини янада кучайтиришга туртки бўлди. Чунки қонуннинг 6-моддасида меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолати деб номланишининг ўзиёқ жамғармани янада такомиллаштиришга, ресурсларини мақсадли ишлатилишига замин яратди.

2003 йил 2 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Бандликни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш бўйича 173-сонли Қарори эълон қилинди. Мазкур Қарор бевосита “Аҳоли бандлиги тўғрисида” ва “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонунлар негизида ишлаб чиқилди.

Бандликни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфида бўлиб, унинг даромадлари қуйидаги манбалардан ташкил топади:

⇒ корхона, муассаса ва ташкилотлар меҳнат ҳақи жамғармасидан мажбурий ажратмалар. Мажбурий ажратма ҳажми (ўлчами) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилади;

⇒ Республика ва маҳаллий бюджетлар маблағларидан дотация;

⇒ меъёрий тартиб-қоидаларни бузганларга ўрнатиладиган жарима ва пенялар (мажбурий ажратмаларни ўз вақтида ва тўлиқ тўламаганлар назарда тутилмоқда);

⇒ янги иш ўринларини ташкил этиш учун тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини

кредитлаштириш мақсадида очилган кредит линиялари бўйича олилган фоишли даро-мадлар;

⇒ юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хорижий давлатлардан ихтиёрий равишдаги бадаллар;

⇒ меъёрий ҳужжатларда тақиқланмаган бошқа молиявий манбалар.

Жамғармада шаклланган молиявий ресурслар ҳисобидан қуйидаги чора-тадбирлар молиялаштирилади:

⇒ меҳнат биржасида рўйхатга олинган ишсизлар ёки иш ўринларини излаётган шахсларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта ихтисослаштириш тадбирларини молиялаштириш;

⇒ ишсизлик бўйича тўланадиган нафақалар;

⇒ меҳнат бўлимнинг таклифига мувофиқ, фуқарони бошқа ҳудудга ишга ўтганлиги муносабати билан тўланадиган компенсациялар;

⇒ қонунга мувофиқ, ишсизларга бериладиган моддий ёрдам;

⇒ ишсизларга муддатидан олдин пенсия тайинлангани муносабати билан пенсия жамғармаси харажатларини қоплаш;

⇒ алоҳида ҳудудларда ишсизликни олдини олиш чора-тадбирларига бағишланган социологик сўровлар бўйича харажатлар;

⇒ меҳнат бўлимларининг биноларни қуриш, реконструкция қилиш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

⇒ реклама, нашриёт ва информацион сўров ишларини амалга ошириш харажатлари;

⇒ аҳоли бандлиги билан боғлиқ муаммолар бўйича халқаро ҳамкорлик харажатларини молиялаштириш;

⇒ фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари, кичик бизнес субъектлари ва хўжалик субъектларига қисқа ва ўрта муддатли кредитларни тақдим этиш бўйича харажатлар;

⇒ қонунчиликда назарда тутилган бошқа харажатларни молиялаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг тасарруфида бўлган

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлинмалари ҳамда уларнинг туманлардаги меҳнат бўлимлари жамғарманинг молиявий ресурсларини тўлиқ шаклланиши ва мақсадли фойдаланиши учун жавобгардирлар.

Иш берувчилар томонидан мажбурий ажратмаларни тўлиқ жамғарма даромадига ўтишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг тасарруфида бўлган бўлинмалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига юклатилган.

Бандликни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига топширилган. Зарурат туғилганда, мустақил аудиторлар ёки аудитор фирмаларни жалб этиб, молиявий ресурслардан қонунга мос равишда фойдаланилаётганлигини текшириш мумкин.

21.5. Мактаб таълими жамғармаси

Дунё иқтисодий тажрибаларидан маълумки, давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бир қатор хусусиятлари билан бир-биридан, жумладан, ҳудудий бўйсунушига қараб, мақсадидан, муайян бир соҳа ёки тармоққа хизмат кўрсатиш ва ниҳоят, доимий ёхуд вақтинчалик хусусиятга эга эканлиги билан фарқланиб туради. Ана шу туркумланишларнинг сўнггисидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида вақтинчалик хусусиятга эга бўлган жамғармага асос солинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги 2004 йил 21 майда ПФ-3431-сонли Фармони билан бюджетдан ташқари "Мактаб таълими жамғармаси" ташкил этилди. Мактаб таълими жамғармаси юридик мақомига мувофиқ, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида юритади.

Қайд этилган жамғарманинг асосий мақсади – молиявий маблағларнинг жамланишини таъминлаш, мактабларни тиклаш, уларни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, мактаб парталари ва мебеллар билан жиҳозлаш ишларини ўз вақтида таъминлаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ижро этиш ва ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадида 2004 йил 7 июнда Вазирлар Маҳкамасининг бюджетдан ташқари “Мактаб таълими жам-ғармасини ташкил этиш чора–тадбирлари тўғрисида”ги 263-сонли Қарори эълон қилинди. Ушбу Қарорда Мактаб таълими жамғарма-сининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- бюджет ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағларини, хорижий кредитлар ва грантларни 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини рўёбга чиқаришда мақсадли фойдаланиш учун жамлаш;

- Мактаб таълимини ривожлантириш дастурида назарда тутилган, бузиб ташланадиган мактаблар ўрнига янги мактаблар қуриш, мактабларни мукамал реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш, уларни ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, мактаб парталари ва мебеллар, спорт анжомлари билан жиҳозлаш ҳажмларини молиялаштириш;

- жамғарма маблағларидан Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун қатъий мақсадли фойдаланилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминлаш.

Мактаб таълими жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг асосий молиявий манбалари қуйидагилар ҳисобидан вужудга келади:

- давлат бюджетидан алоҳида сатрда назарда тутилган бюджет маблағлари;

- маҳаллий бюджетларнинг солиқлар ва йиғимлар бўйича прог-ноздан ортиқча тушумларини жалб этишдан олинган маблағлари;

- халқаро молия ташкилотлари ва институтларининг грантла-ри ва кредитлари;

➤ Ўзбекистон Республикасининг резидент ва норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик ёрдами;

➤ Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

➤ қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Мактаб таълими жамғармаси маблағларини сарфлаш қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

⇒ намунавий лойиҳалардан фойдаланган ҳолда лойиҳа смета ҳужжатлари мавжуд бўлган шароитда айнан тасдиқланган манзилли рўйхатларга биноан, бузиладиган мактаблар ўрнига янги мактаблар барпо этишни, мактабларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини молиялаштириш;

⇒ мактаб муассасаларини давр талабига мос келадиган ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси ҳамда тех-нологиялари билан жиҳозлаш;

⇒ мактаб мебеллари ва ўқув парталарини харид қилиш;

⇒ таълим муассасаларини спорт анжомлари ва жисмоний тарбия қуроллари билан таъминлаш ва бошқа зарурий жорий харажатларни молиялаштириш.

Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси молиявий маблағларини умумий бошқариш учун кенгаш ташкил этилади. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Кенгаш раиси этиб белгиланади. Кенгаш раиси ўринбосарлари этиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири тайинланади, шунингдек, кенгаш 10 аъзодан таркиб топади.

Мактаб таълими жамғармасини бошқариш Кенгагининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

➤ хорижий инвестициялар, грантлар ва ҳомийлик маблағларини жалб этишда Жамғармага кўмаклашиш;

➤ Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишга манфаатдор давлат ташкилотларини, нодавлат ташкилотларни ва жамоат ташкилотларини жалб этиш;

➤ Жамғарма даромадлари ва харажатларининг прогноз параметрларини тасдиқлаш;

➤ ижро этувчи дирекциянинг фаолияти, айниқса, даромадлар манбаларини шакллантириш, ўз вақтида

молиялаштириш ва Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланишга доир фаолияти устидан назоратни амалга ошириш ва ҳ.к.

Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси молиявий ресурсларини тезкор бошқариш Ижро этувчи дирекция томонидан амалга оширилади.

Мактаб таълими жамғармасини Ижро этувчи дирекциясининг асосий вазифалари қуйидагилар этиб белгиланган:

➤ Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини ва унинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш;

➤ молия органлари, халқ таълими органларининг, шунингдек бошқа ташкилотларнинг Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга оширишга йўналтирилган биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

➤ Дастурда ҳар йили асосий бўлимлар бўйича назарда тутилган тадбирларга Жамғарма маблағларидан фойдаланиш йўналишларини даромадлар манбалари билан боғлиқ ҳолда белгилаш;

➤ Жамғарма маблағларидан қатъий мақсадли (йўналишлар бўйича) ва самарали фойдаланилишини таъминлаш ва бошқалар.

Мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси бўйича 2004-2009 йилларда бузиб ташланадиган умумтаълим мактаблари ўрнига янги мактаблар қуриш, уларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Жумладан, 2 888 311 та ўқувчилар ўрнига режалаштирилган 8476 та мактаб давр талабига мос равишда ўқувчи ва ўқитувчилар ихтиёрига топширилади. Бу, ўз вақтида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ижобат бўлишига, шунингдек, ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва уни давр талабига мос равишда тарбиялаш жараёнини тезлаштиришга яқиндан ёрдам беради.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари деб нимага айтилади?

- Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари қандай хусусиятларга эга?
- Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларини ташкил этишнинг объектив зарурлиги ва шарт-шароитлари нималар билан белгиланади?
- Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларини ташкил этишга қандай омиллар таъсир этади ва уларнинг асосийлари нималар ҳисобланади?
- Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларини ташкил этиш тартиби қандай ва уларни шакллантириш методлари нималардан иборат?
- Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг молиявий муносабатлари қандай кўринишларда бўлиши мумкин?
- Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари қандай вазифаларни бажаради ва уларнинг асосийлари нималар?
- Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг қандай молиявий манбалари мавжуд ва уларни қандай гуруҳларга ажратиш мумкин?
- Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ўзларининг иқтисодий мазмуни ва ташкил этиш заруратига кўра қандай гуруҳлардан ташкил топади?
- Ижтимоий хусусиятга икўра давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари таркибига қандай жамғармалар киради?
- Иқтисодий хусусиятига кўра давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари таркиби қандай жамғармалардан иборат?
- Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида қандай бюджетдан ташқари жамғармалари мавжуд ва уларнинг асосийлари қайсилари?
- Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг бош мақсади нимадан иборат?
- Давлат пенсияларининг қандай кўринишлари мавжуд?
- Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларининг шаклланиш тартиби қандай ва манбалари нималардан иборат?

- Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан пенсия, нафақа ва тўлов харажатларини молиялаштириш тартиби қандай?
- Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларининг асосий кўрсаткичлари таркибига нималар киради?
- Бюджетдан ташқари Йўл жамғармасининг олдига қўйилган мақсад ва вазифалар нималардан иборат?
- Йўл жамғармаси Бошқарув кенгашининг асосий вазифаларига нималар киради?
- Республика Йўл жамғармасига мажбурий ажратма ва йиғимларнинг таркиби нималардан ташкил топади?
- Бюджетдан ташқари Йўл жамғармаси даромадларига нималар киради?
- Бюджетдан ташқари Йўл жамғармаси харажатлари нималардан ташкил топади?
- Бандликни қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармасининг олдига қандай мақсадлар қўйилган?
- Унинг даромадлари қандай манбалар ҳисобидан ташкил топади?
- Жамғармада шаклланган молиявий ресурслар ҳисобидан қандай чора-тадбирлар молиялаштирилади?
- Жамғарма молиявий ресурсларининг тўлиқ шаклланиши ва мақсадли фойдаланиши учун қайси органлар жавобгар ҳисобланади?
- Иш берувчилар томонидан мажбурий ажратмаларни тўлиқ жамғарма даромадига ўтишини назорат қилиш кимларнинг зиммасига юклатилган?
- Жамғарманинг асосий мақсади нималардан иборат?
- унинг асосий вазифалари қилиб нималар белгиланган?
- Жамғарма маблағларини шакллантириш қандай асосий молиявий манбалар ҳисобидан вужудга келади?
- Жамғарма маблағларини сарфлаш қандай йўналишлар бўйича амалга оширилади?
- Мактаб таълими жамғармасини бошқарув Кенгашининг асосий вазифалари нималардан иборат?
- Мактаб таълими жамғармаси Ижроия дирекцияси асосий вазифаларининг таркибига нималар киради?

- Мактаб таълими жамғармаси даромадларининг турлари ва харажатларининг асосий йўналишлари нималардан иборат?

22-боб. Ижтимоий таъминот

22.1. Ижтимоий таъминотнинг иқтисодий асослари ва тамойиллари

Мамлакатнинг Конституцияси, одатда, ёш бўйича, касал, ногирон ёки боқувчисини йўқотганда, болаларни тарбиялаш учун ва қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда ҳар бир кишининг ижтимоий таъминотини кафолатлайди. Иқтисодий категория сифатида ижтимоий таъминотга қуйидагича таъриф бериш мумкин: жараёнида фуқароларни моддий таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш учун миллий даромаднинг бир қисми ҳисобидан пул маблағларининг ижтимоий фондларини шакллантирадиган ва улардан фойдаланадиган тақсимлаш муносабатлари тизимига ижтимоий таъминот дейилади. Мана шундай кенг маънода, ижтимоий таъминот фондларини шакллантириш манбалари ва таъминотни ташкил этишга боғлиқ бўлмаган ҳолда жамият барча аъзоларининг тегишли тарзда таъминланишини ўз ичига қамраб олади.

Пулли пенсия ва нафақа тўловлари ижтимоий таъминот бўйича харажатларнинг асосий кўришлари ҳисобланади.

Пенсия – бу қарилик, ногиронлик, хизмат қилган йиллари ва боқувчисининг йўқотилганлиги муносабати билан (боғлиқ равиш-да) фуқароларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун маълум пул суммаларининг даврма-давр тўланмаларидан иборат. Пенсиянинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

- қарилик пенсияси;
- ногиронлик пенсияси;
- хизмат қилган йиллари учун пенсия;
- боқувчисини йўқотганлиги учун пенсия.

Фуқароларнинг айрим тоифалари учун ижтимоий пенсиялар деб аталадиган пенсиялар ҳам тўланади.

Нафақаларнинг қуйидаги асосий кўринишлари бўлиши мумкин:

- вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун;

- ҳомиладорлик ва туғиш бўйича;
- фарзанд туғилганда;
- бола парвариши бўйича;
- муддатли ҳарбий хизматчиларнинг болаларига;
- ишсизлик бўйича;
- таъзия ҳолатлари бўйича.

Юқоридагилар билан бир қаторда таъминотнинг бошқа қуйидаги шакллари ҳам амал қилади:

- касбий-техникавий ўқитиш;
- ишсизларни қайта ўқитиш;
- ногиронларни қайта ўқитиш ва ишга жойлаш;
- қариялар ва ногиронлар учун интернат-уйларида меҳнатга қобилиятсизларни текинга сақлаш;
- ногиронларни протезлаш ва уларни мото-велоколяскалар ва атомобиллар билан таъминлаш;
- уйга ёрдамнинг кўп кўринишларини ташкил қилиш ва бошқалар.

Ижтимоий таъминот меҳнат қилиш қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотган шахс хусусида давлат ва жамият ғамхўрлиги, инсон-парварликнинг намоён бўлиш шаклидир. Меҳнат фаолиятининг тўхтатилиши муносабати билан инсоннинг моддий аҳволи ёмонлашганда, ўз меҳнат қобилияти йўқотилганлиги инсон онгига кучли салбий таъсир кўрсатаётган бир пайтда ижтимоий таъминот давлат ва жамият томонидан унинг унутилмаганлигини ва ўз ҳолига ташлаб қўйилмаганлигини кўрсатади.

“Ижтимоий таъминот” категориясининг мазмунига оид иқти-содчилар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас. Муаллифларнинг баъ-зи бирлари “ижтимоий таъминот” тушунчасини кенг маънода талқин қилиб, унинг таркибига она ва болани, фуқароларни қариллик чоғида ва меҳнат қобилиятини йўқотганда текин таъминланиши, даволаш ва тиббий хизматларнинг текинлиги билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий тадбирлар мажмуининг барчасини киритадилар. Бошқа бир тоифадаги муаллифлар “ижтимоий таъминот” ва “иж-тимоий суғурта”ни ягона тартибдаги иқтисодий категориялар сифатида кўриб чиқадилар. Учинчи гуруҳ муаллифлари “ижтимоий таъминот” тушунчасини тор

маънода тасаввур қилиб, ижтимоий суғурта билан қамраб олинмайдиган таъминотнинг турларинигина унинг таркибидан иборат деб ҳисоблайдилар. Ва ниҳоят, тўртинчи гуруҳга кирувчи муаллифлар ҳам мавжудки, уларнинг фикрича, меҳнатга қобилиятсизликни таъминлашнинг турли шакллари ва кўринишлари, шу жумладан, ижтимоий суғуртани ҳам қамраб олувчи ягона “ижтимоий таъминот” тушунчаси мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг меҳнат қилиш, дам олиш, соғлигини муҳофаза қилиш ҳуқуқларига, қариганда, касал бўлганда, меҳнат қобилиятини вақтинчалик ёки тўлиқ йўқотганда ва боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот, уй-жойга эгалик қилиш, маълумот олиш, маданият ютуқларидан фойдалариш ҳуқуқларига, давлат ва жамоатчилик ишларини бошқариш ҳуқуқига эга эканлигини кафолатлайди. Шу муносабат билан ва “ижтимоий таъминот” тушунчасини кенг талқин қилиш позициясидан нафақат текин тиббий хизмат кўрсатиш ва даволаш, балки Конституцияда кўзда тутилган текин билим олиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий тадбирлардан баҳраманд бўлиш кабиларни ҳам унинг таркибига киритиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки бу ҳуқуқларнинг ҳар бири фуқароларнинг турли эҳтиёжларини қондиришни назарда тутиб, Конституцияда кўзда тутилган тегишли тадбирлар ва маблағлар билан таъминланади. Масалан, қарилик чоғида, касаллик пайтида ва меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман юқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлгандаги моддий жиҳатдан таъминланиш ҳуқуқи ижтимоий таъминотнинг турли шакллари орқали амалга оширилади. Соғлиқни муҳофаза қилиш ҳуқуқини таъминлаш, яъни текин тиббий хизмат кўрсатиш ва даволаниш бўйича махсус шакллар кўзда тутилган. Бошқача қилиб айтганда, фуқароларнинг турли эҳтиёжлари уларни қондиришнинг ўзига хос бўлган ўз шаклларига эгадир. Шуларга мувофиқ равишда пул маблағлари фондлари ҳам шакллантирилади. Булардан кўриниб турибдики, “ижтимоий таъминот” тушунчасини бундан ҳам кенгроқ тарзда талқин қилиш ўзининг етарли даражадаги асосига эга эмас.

Бир вақтнинг ўзида, “ижтимоий таъминот” ва “ижтимоий суғурта”ни параллел равишда амал қилувчи, мустақил бир тартибли иқтисодий категориялар сифатида талқин қиладиган, ижтимоий таъминотга давлат бюджетининг тўғридан-тўғри ассигнованиялари ҳисобидан амалга ошириладиган, ижтимоий суғуртага эса фақат ижтимоий суғурта фонди маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирлар киради, деб ҳисоблайдиган қарашларни асосланган дейиш мумкин эмас.

Ижтимоий таъминотга тўғридан-тўғри ассигнованиялар ҳисобидан Давлат бюджетидан, Пенсия фондидан ва ижтимоий суғурта фондидан қилинадиган харажатларнинг йўналишларида принципиал характердаги фарқлар йўқ. Бир вақтнинг ўзида ҳам тўғридан-тўғри бюджет ажратмалари, ҳам Пенсия жамғармаси ва Ижтимоий суғурта жамғармалари ҳисобидан қариллик, ногиронлик, ишлаган йиллари учун, боқувчисини йўқотгандаги пенсиялар, фарзанд туғилганда, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўланиши мумкин. Бу ерда фарқлар фақат таъминланаётганларнинг контингентига нисбатан бўлади, холос. Пенсия ва Ижтимоий суғурта жамғармалари маблағларидан ишчи ва хизматчилар, илмий ходимлар, бевосита бюджетдан эса Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Божхона органлари ва бошқа бир неча тоифадаги бошлиқлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар таъминланади.

Шунинг учун ҳам ижтимоий суғуртани ижтимоий таъминотга боғлиқ бўлмаган ҳолда параллел равишда мавжуд бўлган, мустақил категория деб ҳисоблашга асос мавжуд эмас. Аксинча, ижтимоий суғурта яхлит бутуннинг бир қисми сифатида ижтимоий таъминотга тегишли бўлиб, унинг шаклларида бири ҳисобланади.

Ижтимоий таъминотнинг иқтисодий манбалари хусусида гапирилганда айрим иқтисодчилар ижтимоий истеъмол фондларини (пенсия тўловларини бирга қўшган ҳолда) шакллантиришнинг манбаини қўшимча маҳсулот, бошқалари эса ижтимоий истеъмол фондларини зарурий маҳсулот билан боғлайди.

Турли ижтимоий таъминот фондлари ва улардан тўланмаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг

баъзиларининг манбаи зарур маҳсулот бўлса, бошқалариники эса қўшимча маҳсулотдир. Масалан, вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотгандаги нафақа тўланмалари, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар, ногиронларни ўқитиш ва ишга жойлаштириш харажатлари, ишсизларни қайта ўқитиш харажатларининг манбаи бўлиб зарур маҳсулот ҳисобланади. Бу тўланмаларнинг йўналиши вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотган пайтда ёки ишсизлик даврида ходимга зарур бўлган ҳаётини неъматларни бериш билан белгиланади. Бу тўланмалар ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш харажатлари билан бевосита боғлиқдир.

Пенсия тўланмаларига нисбатан вазият (ҳолат) бошқача. Бу тўланмалар меҳнатга қобилиятсизларга тўланмалардир. Меҳнат фаолияти бошлангунга қадар мамлакатнинг ҳар бир ёш авлоди ҳам зарурий маҳсулот (ота-оналарнинг меҳнат ҳақи тўловлари шаклида) ва ҳам қўшимча маҳсулот (ижтимоий истеъмол фондларидан хизматлар ва имтиёзлар шаклида) ҳисобидан сақланади. Меҳнат фаолияти бошланганидан то пенсияга чиққунга қадар (35-40 йил ичида) бу авлод ошиб борувчи ҳажмларда ижтимоий маҳсулотни (зарурий ва қўшимча) яратади. Жамғармага йўналтирилган қўшимча маҳсулотнинг қисми анча ошади. Бунинг натижасида миллий бойликнинг ҳажми тез ўсади. Демак, кўриниб турибдики, ҳар бир янги авлод ўзининг навбатдаги авлодига ўзининг олдинги аждодларидан олган миллий бойликка нисбатан каттароқ ҳажмдаги миллий бойликни қолдиради. Ана шу асосда ҳар бир янги авлод ўз меҳнати билан ялпи маҳсулотни ишлаб чиқаришни оширади. Бунда моддий бойлик ишлаб чиқариш соҳаси ходимларининг шахсий эҳтиёжларини қондиришга фойдаланиладиган зарурий маҳсулотнинг ҳам ҳажми ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳамда ижтимоий истеъмол фондларини шакллантиришга, шу жумладан, жамиятнинг меҳнатга қобилиятсиз аъзоларини таъминлашга йўналтирилади қўшимча маҳсулотнинг ҳажми ҳам ўсади.

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда пенсия тўланмалари кўп йиллар давомида, асосан, меҳнаткашларнинг иш ҳақларидан ажратмалар ёрдамида шакллантириладиган пенсия жамғармалари ҳисобидан амалга

оширилади. Шунинг учун ҳам бу ерда пенсия жамғармалари зарурий маҳсулотнинг резервлаштирилган қисмидан иборат бўлиб, уни ходим қарилик ёки ногиронлик бўйича пенсияга чиққандан сўнг, ола бошлайди.

Мамлакатимизда қариганда, касаллигида, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда моддий таъминлаш ҳуқуқи мамлакат Конституциясига мувофиқ ижтимоий таъминотнинг турли шакллари билан кафолатланган. Меҳнаткашлар ўзларининг иш ҳақларидан 1% миқдоридан ўзларининг кел-гуси пенсияларига ажратмаларни ўтказадилар. Келгуси даврнинг пенсионерлари учун пенсия жамғармаси давлат маблағлари ҳисобидан ҳам олдиндан шакллантирилмайди. Меҳнатга қобилиятсизларни таъминлаш учун фондлар ЯИМ ва МДни тақсимлаш жараёнида ҳар йили ажратилади ва улардан фойдаланилади.

Ишламовчи пенсионерлар зарурий ва қўшимча маҳсулотни яратмаганлиги ва уларнинг меҳнат фаолияти даврларида пенсия жамғармаси улар учун шакллантирилганлиги туфайли ҳар йили шакллантирилиши лозим бўлган пенсия жамғармаларининг манбаи ишлаётган авлоднинг қўшимча меҳнати эвазига яратилган ЯИМ ва МД қисми, яъни қўшимча маҳсулот ҳисобланади.

Ижтимоий таъминотнинг ўзига хос бўлган муҳим хусусияти уни вужудга келтиришнинг (яратишнинг, қуришнинг, тузишнинг) принципларидир. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Энг умумийлик принципи – жинси, ёши, миллати, ирқи, иши-нинг жойи ва характери, меҳнатга ҳақ тўлашнинг шаклидан қатъий назар, ёши ёки ногиронлиги туфайли меҳнатга лаёқатсизлиги содир бўлганда ижтимоий таъминотнинг барча меҳнаткашларга нисбатан қўлланилишини англатади. Бундан ташқари, энг умумийлик принципи меҳнаткашларнинг барча тоифаларига, яъни ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, ҳарбийлар, ўқувчилар ва бошқа фуқароларга нисбатан қўлланилади. Шунингдек, ижтимоий таъминот боқувчиси вафот этган оиланинг меҳнатга қобилиятсиз барча аъзоларига (балоғат ёшига етмаган болалар, ака-укалар, опа-сингиллар, набиралар, қариялар

ёки меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин), ота, она, бобо, буви ва бошқалар) нисбатан ҳам тегишлидир.

2. Ҳаммага мумкинлик (лозимлик) принципи – барча учун мумкин бўлган у ёки бу пенсияни аниқлаш (белгилаш) ҳуқуқини берувчи шарт. Масалан, ҳаётнинг ўртача давомийлиги 70 йил бўлганда қариллик бўйича пенсия ҳуқуқи эркакларда 60 ёшда, аёлларда эса – 55 ёшда, меҳнатнинг оғир турларида банд бўлганлар учун эса эркакларда 50-55 ёшда, аёлларда эса – 45-50 ёшда вужудга келади. Бу пенсияни олиш учун зарур бўлган меҳнат стажи эркаклар учун 25 йил, аёллар учун эса – 20 йил, меҳнатнинг оғир турларида банд бўлганлар учун бундан ҳам пастроқ қилиб белгиланган. Демак, барча холис (сидқидилдан) хизмат қилувчилар учун бу стажга қариллик ёшига етгундан анча олдин эришиш мумкин.

3. Таъминот ўлчами ва шаклларининг ўтган (қилинган) меҳнатга нисбатан боғланган ҳолда ўрнатиш (белгилаш) принципи – бу ижтимоий таъминотнинг стажнинг давомийлиги, ишнинг шарт-шароити, иш ҳақи ва меҳнат ҳамда ижтимоий фаолиятнинг бошқа омилларга нисбатан боғлиқ равишда амалга оширилишини тақозо этади. Бу принцип ижтимоий таъминотда иш ҳақи орқали ўз ифодасини топади, чунки унга кўра пенсия ва нафақаларнинг кўплаб турлари иш ҳақига нисбатан ҳисобланади.

4. Тақдим этилаётган таъминот турлари ва хизматларнинг жуда хилма-хиллиги принципи – бу пенсия ва нафақалар, ишга жойлаштириш, соғлиқни мустаҳкамлаш бўйича турли-туман тадбирлар, касалланишдан огоҳлантириш, унинг олдини олиш ва уни камайтириш, ногиронлар ва қарияларни интернат-уйларга жойлаштириш, мото-велоколяскалар ва автомобиллар билан таъминлаш, протезлаштириш ва ҳ.к.лар орқали намоён бўлади.

5. Ижтимоий таъминотни бошқариш ва ташкил қилишнинг демократик характердалиги принципи – бу ижтимоий таъминотнинг барча масалаларини ечишда намоён бўлади. Бунда касаба уюшмаларининг роли, айниқса, юқоридир. Уларнинг вакиллари пенсия тайинлаш комиссияларининг ишида бевосита иштирок этади. Маҳаллий ҳокимият органларининг ижтимоий таъминот ва

соғлиқни сақлаш бўйича доимий комиссиялари ҳам меҳнаткашларнинг ижтимоий таъминоти бўйича катта ишларни амалга оширади.

22.2. Давлат пенсияси ва жамғариб бориладиган пенсия фонди

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чораларнинг таркибида давлат пенсиялари муҳим ўрин эгаллайди. Пенсия таъминотининг ижтимоий аҳамияти шу билан аниқланадики, ҳозирги пайтда Ўзбекистондаги кўплаб қариялар, ногиронлар ва уларнинг оила аъзолари, боқувчисини йўқотганларнинг ҳаётий муҳим манфаатларига ўз таъсирини кўрсатади.

Бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан давлат пенсия тизими мураккаб аҳволга тушиб қолди. Пензионерларнинг даромадлари доимий равишда баҳоларнинг даражасидан ортда қолмоқда. Қарилик бўйича пенсиянинг ўртача миқдори ҳаётнинг яшаш даражасидан анча паст. Шу муносабат билан иқтисодий ислохотларни амалга ошириш шароитида фуқароларнинг пенсия таъминоти бўйича ҳуқуқларини давлат томонидан кафолатланишини кучайтириш ва пенсия тизимини барқарор ривожлантириш шарт-шароитларини яратиш мақсадида мамлакатда пенсия тизими ислоҳ қилинмоқда.

Пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг негизида пенсия тўланмаларини молиялаштиришнинг жамғариладиган принциплари асосида ташкил қилиш ётади. Унга мувофиқ равишда пенсияларнинг қуйидаги уч даражасини ўрнатиш кўзда тутилмоқда:

- жамғариладиган пенсиялар – ёлланиб ишлайдиганларга берилади, бутун меҳнат фаолияти давомида олинган иш ҳақиға нисбатан ажратмалар ва бу ажратмаларни сақлаб ўз оборотида фойдаланганлиги учун улар томонидан тўланадиган фоизлар ҳисобидан амалга оширилади;
- ижтимоий пенсиялар – ўзларига пенсия тўланмаларининг тўланиши учун зарур бўлган маблағларни жамғармаган ва ҳаёт кечириш учун зарурий маблағларга эга бўлмаган шахсларга умумий солиқлар ҳисобидан тўланади;

- қўшимча пенсиялар – алоҳида тоифадаги иш берувчилардан ундириладиган ёки иш берувчилар ва ходимлар томонидан ихтиёрий равишда ўтказилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Секин-асталик билан, охир-оқибатда, жамғариладиган пенсия пенсиянинг асосий кўринишига (турига) айланмоғи лозим.

Ҳозирги пайтда давлат пенсияси тўғрисидаги қонунга мувофиқ пенсиянинг қуйидаги турлари қўлланилиб келинапти:

- қарилик пенсияси;
- ногиронлик пенсияси;
- боқувчисини йўқотганлиги учун пенсия;
- хизмат қилган йиллари учун пенсия;
- ижтимоий пенсия.

Қарилик пенсияси Пенсия жамғармасининг харажатларида асосий ўрин эгаллайди. Бу пенсия 25 йилдан кам бўлмаган, умумий меҳнат стажига эга бўлган ва 60 ёшга етган эркакларга, 20 йилдан кам бўлмаган, умумий меҳнат стажига эга бўлган ва 55 ёшга етган аёлларга белгиланади. Шахсларнинг алоҳида тоифалари (Иккинчи Жаҳон уруши ногиронлари ва уларга тенглаштирилганлар, 5 ва ундан кўп бола туғиб, тарбиялаган аёллар, кўриш бўйича 1 гуруҳ ногиронлари ва бошқалар) учун қарилик пенсияси имтиёзли тарзда тайинланади.

Пенсия ёшига етган, лекин тўлиқ меҳнат стажига эга бўлмаганларга, агар у 5 йилдан кам бўлмаса, тўлиқсиз стаж бўйича қарилик пенсияси белгиланади.

Қарилик пенсияси иш ҳақининг 55%и ва пенсияни белгилаш учун талаб қилинадиган умумий меҳнат стажидан ортиқча бўлган ҳар бир тўлиқ йил учун иш ҳақининг 1% миқдорида қўшимча ўрнатади. Юқоридаги тартибда ҳисобланган пенсиянинг миқдори иш ҳақининг 75% дан ошмаслиги лозим.

Тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб қилинадиган умумий меҳнат стажига эга бўлинганда минимал пенсия миқдорининг минимал иш ҳақидан паст бўлмаслиги қонунчиликда кўзда тутилиши керак. Ўз навбатида, тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб қилинадиган умумий меҳнат стажига эга бўлинганда

пенсиянинг максимал миқдори минимал пенсиянинг миқдоридан уч баравар кўп даражада ўрнатилмоғи лозим. Ер остида ва меҳнатнинг зарарли (зиёнли) шароитлари – ишлаганлар учун ҳам пенсия минимал пенсиянинг уч ярим баробари миқдорида ўрнатилади.

Тўлиқсиз стажга эга бўлинганда пенсиянинг миқдори эркаклар-га нисбатан 25 йил ва аёлларга нисбатан 20 йил қилиб белгиланган тўлиқ стажларга мувофиқ равишда тайинланган тўлиқ пенсияларга пропорционал равишда белгиланиши керак. Бироқ бундай пенсиянинг миқдори ижтимоий пенсиянинг миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

Қариллик пенсияси бўйича қуйидаги устамалар белгиланиши мумкин:

- пенсионерга қаралганда (хизмат қилинганда), агар у даволаш муассасасининг хулосасига кўра 1 гуруҳ ногирони ёки доимий равишда ташқи ёрдамга ва назоратга муҳтож бўлса, ёки у 80 ёшга кирган бўлса – минимал пенсиянинг $2/3$ миқдорида;

- меҳнатга лаёқатсиз боқимандалар мавжудлиги учун, агар уларнинг ўзи пенсия олмаса (пенсионер ишламаган ҳолда) – минимал пенсиянинг $2/3$ миқдорида, Ш гуруҳ ногирони бўлган боқимандалар учун эса – минимал пенсиянинг $1/3$ миқдорида.

Ногиронлик бўйича пенсия меҳнат қобилияти доимий ёки узоқ муддатда йўқотилганда тайинланади. Бу пенсиянинг миқдори меҳнат қобилиятининг йўқотилиш даражасига (ногиронлик гуруҳига), ногиронлик сабабларига ва иш ҳақининг даражасига боғлиқ.

Умумий тарзда ногиронлик пенсияси қуйидаги ҳолларда ногиронлик содир бўлганда белгиланади: меҳнат ногиронлиги; касбий касалланиш; умумий касалланиш.

Меҳнат ногиронлиги ва касбий касалланиш бўйича ногиронлик пенсияси умумий меҳнат стажига боғлиқ бўлмаган ҳолда тайинланади. Шунингдек, умумий касалланиш оқибатида 20 ёшгача ногирон бўлиб қолган фуқаролар учун ҳам ногиронлик пенсияси стажга боғлиқ бўлмаган тарзда белгиланади. Қолган ҳолатларда эса умумий касалланишдан ногиронлик бўйича пенсия ногиронлик содир бўлган пайтда меҳнат стажи мавжуд бўлгандагина тайинланади.

Ногиронлик пенсияси (ҳарбий шикастланишлар натижасида вужудга келган ногиронликдан ташқари) қуйидаги миқдорларда бел-гиланади:

- 1 ва П гуруҳ ногиронлари учун – иш ҳақининг 75% миқдорида;
- Ш гуруҳ ногиронлари учун – иш ҳақининг 30% миқдорида.

1 ва П гуруҳ ногиронлари учун ногиронлик пенсиясининг минимал даражаси қариллик пенсиясининг минимал даражасида, Ш гуруҳ ногиронлари учун эса шу пенсиянинг 2/3 қисми даражасида ўрнатилади. Шунингдек, I ва П гуруҳ ногиронлари учун ногиронлик пенсиясининг максимал даражаси қариллик пенсиясининг максимал даражасида ва Ш гуруҳ ногиронлари учун эса шу пенсиянинг минимал даражаси миқдорида белгиланади.

I ва П гуруҳ ногиронларининг ногиронлик пенсияларига пенсионерларга қаралганлиги ёки уларнинг қарамоғида меҳнатга лаёқатсиз боқимандалар мавжуд бўлса, қариллик пенсияси бўйича қандай устамалар белгиланган бўлса, худди шундай устамалар бу ерда ҳам амал қилади.

Ногиронлик пенсияси ногиронлик белгиланган (аниқланган) давр мобайнида ўрнатилади.

Боқувчисини йўқотганлиги учун пенсия вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган ва унинг меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига тайинланади. Бу пенсиянинг миқдори қуйидагиларга боғлиқ:

- вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган ва меҳнатга лаёқат-сиз оила аъзоларининг сони;
- вафот этган шахснинг ўлими сабаблари;
- вафот этган шахснинг иш шароити;
- вафот этган шахснинг иш ҳақи миқдори.

Оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзоларининг таркиби қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- 18 ёшга етмаган (ёки ундан катта ёшда бўлган, лекин 18 ёшга етгунга қадар ногирон бўлиб қолган) ва меҳнатга лаёқатли ота-оналари бўлмаган вафот этганнинг болалари, унинг ака-укалари, опа-сингиллари ва набиралари. 18 ёшгача ва ундан катта бўлган ўқиётган болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар кундузги ўқув юртларида касбий

Ўқишларининг тугагунига қадар, лекин 23 ёшгача пенсия олиш ҳуқуқига эга;

- ота, она, хотин (эр), агар улар тегишли ёшга етган (эркаклар – 60 йил, аёллар – 55 йил) ёки ногирон бўлса;

- ота-она, эр-хотин, бобо, буви ёки опа-сингиллардан бири, ёши-дан ва меҳнатга лаёқатлилигидан қатъи назар, агар улар вафот этган боқувчининг 14 ёшга етмаган ва ишламаётган болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларининг парвариши билан банд бўлса;

- бобо ва буви – қонун бўйича уларга хизмат қилиши лозим бўлган шахслар мавжуд бўлмаса.

Вафот этганнинг қарамоғида бўлмаган ота-она ва эр-хотинлар, агар улар кейинчалик ҳаёт кечириш манбаларидан маҳрум бўлсалар, пенсия ҳуқуқига эгадир.

Агар оила аъзолари вафот этган шахснинг тўлиқ қарамоғида бўлса ёки ундан ёрдам олган бўлсалар-у, бу ёрдам улар учун ҳаёт кечиришнинг доимий ва асосий манбаи саналган бўлса, бундай оила аъзолари вафот этган шахснинг қарамоғида бўлганлар деб ҳисобланади. Вафот этган шахснинг болалари унинг қарамоғи бўлганлиги инobatга олинади ва у исбот талаб этмайди.

Боқувчининг ўлими меҳнат жараёнида шикастланиш, касбий ёки умумий касалланиш оқибатида содир бўлган бўлса, пенсия умумий тартибда тайинланади. Агар боқувчининг ўлими ҳарбий шикастланиш ёки ҳарбий хизмат даврида касалланиш натижасида рўй берган бўлса, у ҳолда ҳарбий хизматчилар учун белгиланган тартибга мувофиқ пенсия белгиланади.

Меҳнат жараёнида шикастланиш ва касбий касалланиш оқибатида белгиланиши лозим бўлган боқувчисини йўқотганлиги учун пенсия боқувчининг меҳнат стажини давомийлигига боғлиқ бўлмаган тарзда тайинланади. Умумий касалланиш оқибатида тайинланиши лозим бўлган боқувчисини йўқотганлиги учун пенсия белгиланаётган пайтда боқувчининг вафот этган кунда ногиронлик пенсиясини тайинлаш учун зарур бўлган умумий меҳнат стажига эга бўлганлиги инobatга олинади.

Пенсия (ҳарбий шикастланиш бўйича пенсиядан ташқари) ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига боқувчининг иш

ҳақининг 30%, ота-онасини ҳам йўқотган болаларнинг ҳар бирига қарилик пенсияси минимал даражасининг бир ярим баробари миқдорида ўрнатилади.

Пенсиянинг минимал миқдори, шу жумладан, тўлиқ бўлмаган умумий меҳнат стажидан ҳам, ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига нисбатан ҳисобланган минимал қарилик пенсиясининг $2/3$ қисмидан паст бўлмаслиги керак. Бу пенсиянинг максимал миқдори ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари учун қарилик пенсиясининг минимал даражасида, ота-онасини йўқотган болалар учун эса – шундай пенсиянинг бир ярим баробар миқдорида белгиланади.

Боқувчининг умумий меҳнат стажи тўлиқ бўлмаган ҳолда пенсия мавжуд стажга пропорционал бўлган тўлиқ стаж асосида аниқланади.

Ҳарбий жароҳат натижасида боқувчи йўқотилганда пенсия максимал даражада тайинланади.

Вафот этган пенсионерларнинг оиласи учун пенсия боқувчининг умумий меҳнат стажига боғлиқ бўлмаган ҳолда белгиланади.

Хизмат йиллари учун пенсия ер остида ва зарарли ҳамда оғир шароитларда узоқ вақт меҳнат қилиниши, шунингдек, бир неча бошқа касбий фаолият турларига (ўқитувчилар, шифокорлар, фуқаролик авиациясининг учиш ва учиш-синов таркиби ва бошқалар) боғ-лиқ равишда ўрнатилади.

Ер ости ва очиқ тоғ ишларида банд бўлган ходимлар учун пенсия хизмат йиллари учун талаб қилинган иш ҳақининг 75% миқдорида, шундай ҳуқуққа эга бўлган бошқа ходимлар учун эса иш ҳақининг 55%дан 75%гача миқдорида белгиланади. Унинг минимал даражаси қарилик пенсиясининг минимал даражаси миқдорида ўрнатилади. Пенсия тайинлаш учун талаб қилинадиган умумий меҳнат стажидан кўп бўлган ҳар бир йил учун пенсиянинг ҳажми 1%га оширилади (20%дан ортиқ бўлмаган ҳолда). Бу пенсиянинг максимал миқдори қарилик пенсиясининг умумий максимал даражасига нисбатан аниқланади - уч минимал миқдордаги қарилик пенсияси даражасида, ер остидаги, зарарли меҳнат шароитидаги ва бошқа шунга ўхшаш ишлар билан боғлиқ

бўлган пенсиялар - минимал миқдордаги пенсияларнинг уч ярим баробари миқдорида белгиланади.

Ижтимоий пенсиялар меҳнат ёки бошқа ижтимоий фойдали фаолиятига боғлиқ равишда, баъзи бир сабабларга кўра пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлмаганларга тайинланади. Тегишли ҳолатларда бундай пенсиялар уни олишга мурожаат қилган томоннинг хоҳишига кўра меҳнат пенсиясининг ўрнига ҳам тайинланиши мумкин.

Ижтимоий пенсия қуйидагиларга нисбатан ўрнатилади:

- I ва II гуруҳ ногиронларига, шу жумладан, болалиқдан ногиронларга, шунингдек, III гуруҳ ногиронларига;
- 16 ёшгача бўлган ногирон болаларга;
- ота-онасида бирини ёки ҳар иккаласини йўқотган 18 ёшгача бўлган болаларга;
- 60 ёшга кирган эркак ва 55 ёшга кирган аёл фуқароларга.

Ижтимоий пенсия қуйидаги миқдорларда ўрнатилади:

- болалиқдан I ва II гуруҳ ногиронлари, I гуруҳ ногиронлари, ногирон болалар, ота-оналарини ҳар иккаласини ҳам йўқотган бо-лалар учун - минимал даражадаги қариллик пенсияси миқдорида;
- III гуруҳ ногиронлари (болалиқдан ногиронлардан ташқари), ота-оналаридан бирини йўқотган болалар, мос равишда 65 ва 60 ёш-га етган эркак ва аёллар учун – минимал даражадаги қариллик пенсиясининг $\frac{2}{3}$ қисми миқдорида;
- III гуруҳ ногиронлари учун – минимал даражадаги қариллик пенсиясининг $\frac{1}{2}$ қисми миқдорида.

Пенсияни ҳисоблаш ўртача ойликка нисбатан ўрнатилган меъёрларга мувофиқ равишда амалга оширилади. Пенсия тайинлашда ўртача ойлик (пенсия учун мурожаат қилганнинг хоҳиши бўйича) пенсия учун мурожаат қилишдан олдинги ишнинг 24 ойи ёки шундан олдинги барча меҳнат фаолиятининг кетма-кет исталган 60 ойи учун аниқланади. Агар фуқароларга иш ҳақи бўйича пенсия тайинлашнинг иложи бўлмаса, у ҳолда пенсия миқдори тегишли пенсияларнинг минимал даражасида ўрнатилади.

Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий таъминотини янада яхшилаш ва пенсионерларнинг фаровонлигини қўшимча

маблағлар билан таъминлаш мақсадида 2004 йилдан бошлаб «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун амал қилиб келмоқда. Бу қонунга биноан куйидагилар белгиланган:

- 2005 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг амалдаги давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий этилди;

- 2005 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақами фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади;

- фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромад)нинг бир фоизи миқдорида ўтказилади;

- жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида қатнашадиган фуқаролар томонидан шахсий пенсия ҳисоб рақамларига бадаллар миқдори ва тўлаш муддатлари мустақил равишда белгиланиши ҳам мумкин ва бошқалар.

22.3. Ижтимоий нафақалар

Ижтимоий нафақаларнинг турли кўринишлари аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Уларнинг таркиби ҳомиладорлик ва туғиш, фарзанд туғилганда, бола парвариши ва бошқа ҳолатлар бўйича вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун нафақалардан иборат бўлиши мумкин.

Вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотиш меҳнат жараёнида шикастланиш ёки касбий касалланиш натижасида содир бўлган бўлса, бу бўйича нафақалар ишчи ва хизматчиларга иш стажининг узлуксизлигини ҳисобга олмаган ҳолда иш ҳақининг 100% миқдорида берилади. Қолган бошқа ҳолатларда эса нафақа берилаётган пайтда иш стажининг узлуксизлиги ҳисобга олинади.

Барча ҳолатларда вақтинчалик меҳнат қобилиятини юқотганлиги учун бериладиган нафақанинг минимал

даражаси минимал иш ҳақининг 90% миқдорида белгиланган.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа куйидагиларга берилади:

- ижтимоий суғурта қилинувчи аёлларга, корхона, ташкилот ва муассасанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан бўшатирилган аёлларга – ишсиз деб топилганидан сўнг 12 ой давомида;

- бошланғич, ўрта, олий ва олий ўқув юртидан сўнгги касбий билим берувчи таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган аёлларга;

- ички ишлар органларида шартнома ва оддий ҳамда раҳбарлик таркибида ҳарбий хизматни ўтаётган аёлларга;

- юқорида келтирилган аёллардан болаларни фарзандликка қабул қилиб олаётган аёлларга.

Бу нафақа туғишгача бўлган 70 календарь куни ва фарзанд туғилгандан кейин яна 70 календарь кунини эътиборга олган ҳолда ҳомиладорлик ва туғиш даври таътили учун берилади. Таътил ана шу кунлар жами бўйича ҳисобланади ва туғишгача фойдаланилган кунларга боғлиқ бўлмаган ҳолда тўлиқ тақдим этилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақанинг миқдори куйидагича белгиланган:

- ижтимоий суғурта қилинувчи аёлларга – иш жойидаги ўртача иш ҳақи (даромади) миқдорида;

- корхона, ташкилот ва муассасанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан бўшатирилган аёлларга – ишсиз деб топилганидан сўнг 12 ой давомида – иш ҳақининг минимал миқдорида;

- бошланғич, ўрта, олий ва олий ўқув юртидан сўнг касбий билим берувчи таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган аёлларга – стипендия миқдорида;

- ички ишлар органларида шартнома ва оддий ҳамда раҳбарлик таркибида ҳарбий хизматни ўтаётган аёлларга – пулли тўлов миқдорида.

Фарзанд туғилганда (ёки у уч ойликлигигача фарзандликка олинган) бир марта бериладиган нафақа ота-оналардан бирига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсга берилади. Икки

ва ундан ортиқ фарзанд туғилса (фарзандликка олинса) нафақа ҳар бир фарзанд учун тақдим этилади. Агар ҳомила ўлик туғилса, у ҳолда нафақа берилмайди. Нафақа фарзанд туғилган кундаги минимал иш ҳақининг даражасини инобатга олган ҳолда тўланади.

Бола парвариши бўйича боланинг бир ярим ёшга етгунига қадар таътил давридаги нафақа қуйидагиларга берилиши мумкин:

- давлат ижтимоий суғурта қилинувчи, амалда болани парваришловчи ота, она, бошқа қариндош ёки фарзандликка олувчига;

- бошланғич, ўрта, олий ва олий ўқув юртидан сўнгги касбий билим берувчи таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган оналарга;

- ички ишлар органларида шартнома ва оддий ҳамда раҳбарлик таркибида ҳарбий хизматни ўтаётган оналарга.

Бола парвариши бўйича таътил давридаги ҳар ойлик нафақалар иш ҳақининг минимал даражаси миқдорида, болаларнинг сонига боғлиқ бўлмаган ҳолда берилади. Бу таътил умумий ва узлуксиз стажга қўшилади. Таътил даврида иш жойи сақланиб қолинади.

Бола учун ҳар ойлик нафақа ота-оналардан бирига ҳар бир бола учун улар 16 ёшга етгунга қадар (умумтаълим муассасаларида ўқиётганлар учун – ўқиш даври тугагунча, лекин 18 ёшдан ошмаган ҳолда) берилади.

Ишсизлик нафақаси амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда ишини йўқотган ва иш ҳақидан маҳрум бўлганларга нисбатан тайинланади. Ушбу нафақани тайинлаш тўғрисидаги қарор аҳоли бандлиги хизмати томонидан қабул қилинади ва бир вақтнинг ўзида тегишли шахс қонунга мувофиқ ишсиз деб топилади. Нафақа бандлик хизмати томонидан фуқарони ишсиз деб топилган биринчи кундан бошлаб ишсизликнинг ҳақиқий календарь кунлари (дам олиш ва байрам кунларини ҳисобга олган ҳолда) учун ҳисобланади. Бундан нафақанинг ўртача кунлик миқдори ҳисобга олинади.

Ишсизлик нафақасининг миқдори фуқароларнинг ишсиз деб топилиш тоифаларига мувофиқ равишда дифференциация қилинади.

Ишсиз фуқаронинг қарамоғида меҳнатга лаёқатсизлар мавжуд бўлса, аҳоли бандлик хизмати органлари томонидан унинг ишсизлик даврида унга моддий ёрдам ва мактабгача болалар муассасаларидан, уй-жойдан, коммунал хизматлардан, жамоатчилик транспортдан, соғлиқни сақлаш ва умумий овқатланиш муассасаларининг хизматларидан фойдаланганлиги учун дотациялар кўринишида бошқа ёрдамлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Ишсизлик бўйича нафақадан даромад солиғи ундирилади ва суд қарорлари бўйича ушланмалар ушлаб қолинади. Бу нафақани тўлашнинг давомийлиги қонунда белгиланган муддатдан ошиб кетмаслиги керак.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Ижтимоий таъминот деб нимага айтилади?
- Ижтимоий таъминот бўйича харажатларнинг асосий кўринишлари нималардан иборат?
- Пенсиянинг қандай кўринишлари мавжуд?
- Нафақаларнинг қандай асосий кўринишлари бўлиши мумкин?
- Ижтимоий таъминотнинг яна қандай шакллари ҳам амал қилади?
- “Ижтимоий таъминот” тушунчасининг кенг маънода талқини нималардан иборат?
- “Ижтимоий таъминот” тушунчаси тор маънода қандай тасаввур қилинади?
- Ижтимоий таъминотнинг иқтисодий манбалари нималардан иборат?
- Ижтимоий таъминотни вужудга келтиришнинг (яратишнинг, қуришнинг, тузишнинг) принциплари таркибига нималар киради?
- Ҳозирги пайтда пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг асосий негизида қандай принцип ётади ва унга мувофиқ пенсияларнинг қандай даражаларини ўрнатиш кўзда тутилмоқда?
- Давлат пенсияси тўғрисидаги қонунга мувофиқ пенсиянинг қандай турлари қўлланилиб келинапти?

- Қарилық пенсиясыга хос бұлган хусусиятлар нималардан иборат?
- Ногиронлык пенсияси қандай ҳолатда тайинланади ва унинг миқдорига нималар ўз таъсирини кўрсатади?
- Боқувчисини йўқотганлиги учун пенсия кимларга мўлжалланган ва унинг даражаси нималарга боғлиқ?
- Хизмат қилган йиллари учун пенсия қандай омилларга боғлиқ равишда ўрнатилади?
- Ижтимоий пенсия кимлар учун белгиланади?
- Ижтимоий нафақаларнинг таркиби нималардан иборат бўлиши мумкин?
- Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар кимларга берилади?
- Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақанинг миқдори қандай белгиланади?
- Боланинг бир ярим ёшга етгунига қадар парвариши бўйича таътил даврида бериладиган нафақа кимларга берилиши мумкин?

23-боб. Давлат кредити

23.1. Давлат кредитининг мазмун-моҳияти ва функциялари

Давлат кредити ҳокимият ва бошқарув органлари орқали, бир томондан, давлат ва иккинчи томондан, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат бўлиб, унда давлат қарз олувчи, кредитор (қарз берувчи) ва кафил сифатларида майдонга чиқади. Бундай иқтисодий (кредит) муносабатлар(и)нинг мумтоз (классик) шаклида давлат, одатда, маблағларни қарз олувчи бўлиб ҳисобланади.

Агар давлат юридик ва жисмоний шахсларга қайтариш ва ҳақ (тўлов, тўлаш) асосида маблағларни тақдим этиб, кредитор (қарз берувчи) саналса, унда амалга оширилиши лозим бўлган операциялар ҳажми анча камаяди (пасаяди).

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан олинган қарзларни узиш (қайтариш) ёки уларнинг бошқа мажбуриятларини бажариш жавобгарлигини давлат ўз зиммасига олган ҳолатда, у кафилга айланади. Марказлаштирилган пул фондларининг ўлчамига бевосита таъсир кўрсатувчи кредит муносабатларининг дастлабки икки кўринишидан (қарз олувчи ва кредитор) фарқ қилган ҳолда давлат томонидан кафолатнинг берилиши ўша марказлаштирилган пул фондининг, албатта, ўзгаришига олиб келмаслиги мумкин. Агар қарздор ўзининг зиммасига юклатилган мажбуриятлар бўйича тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишни уддалай олса, кафил ҳеч қандай қўшимча харажатларни амалга оширмайди. Бироқ амалиётда етарли даражада ишончли бўлган қарз олувчилар давлат кафолатига муҳтож бўлмайди. Улар мустақил равишда кредит бозоридан маблағларни жалб қилишга қодирдир. Одатда, давлат кафолатлари етарли даражада ишончли бўлмаган қарз олувчиларга нисбатан қўлланилади ва бу нарса шунга мос равишда, марказлаштирилган пул фондидан харажатларнинг ўсишига олиб келади.

Давлат кредити иқтисодий категория сифатида икки кўринишдаги – молия ва кредит – пул муносабатларининг ўртасида жойлашган бўлиб, шунга мос равишда, у ҳам молияга, ҳам кредитга тегишли бўлган хусусиятларга эгадир. Молия тизимининг алоҳида олинган бўғини сифатида эса давлат кредити давлатнинг марказлаштирилган пул фондларини (бюджет ва бюджетдан ташқари фондларни) шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнига хизмат қилади.

Кредитнинг бир тури сифатида давлат кредити классик (мумтоз) молиявий категориялардан, масалан, солиқлардан фарқ қилувчи бир неча ўзига хос бўлган қуйидаги хусусиятларга эгадир:

- давлат кредити солиқларга нисбатан ихтиёрийлик характерига эга. Айрим ҳолларда амалиётда, у ёки бу давлатлар тарихида бу принципдан чекиниш ва давлат заёмларини жойлаштиришда мажбурийлик ҳолатларига ҳам йўл қўйилади;

- агар солиқлар фақат бир йўналишда - солиқ тўловчилардан бюджетга ёки бюджетдан ташқари жамғармаларга - ҳаракат қилса (бунга тескари йўналишдаги ҳаракат фақат ортиқча тўланган ёки хато ундирилган солиқлар қайтарилаётгандагина содир бўлиши мумкин), қайтарувчанлик ва ҳақлилиқ (тўловлилиқ) давлат кредитининг асосини ташкил этади. Ҳақиқатдан ҳам давлат кредитига маълум бир вақт ўтганидан сўнг ўтказилган сумма фоизи билан қайтарилиши керак.

Умуман олганда, давлат кредити бошқа молиявий категориялардан ўзининг қуйидаги характерли хусусиятлари билан фарқланади:

- агар банк кредитини тақдим этишда таъминланганлик элементи сифатида конкрет бойликлар – омбордаги товарлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва бошқа шунга ўхшашлар майдонга чиқадиган бўлса, давлат томонидан маблағлар қарзга олинаётганда унинг эгалигида бўлган барча мол-мулк, маълум бир ҳудудий бирликнинг мулки ёки унинг қандайдир бир даромади давлат кредитининг таъминланганлик элементи бўлиши мумкин;

- Марказий ҳукумат даражасида давлат кредити аниқ мақсадли характерга эга бўлмайди. Шундай бўлишига қарамасдан, ҳокимиятнинг қуйи даражаларида олинган қарзий маблағлар аниқ ифодаланган мақсадли характерга йўналтирилган бўлади. Масалан, янги йўлларни ва турар-жой массивларини қуриш учун олинган қарз маблағлари ана шундай характерга эгадир⁴³;

- ҳар қандай қарз олувчи сингари давлат ҳам маблағларни олдиндан белгиланган муддатларга жалб қилади ва бу муддатлар давлат кредитининг аниқ шартларида ўз ифодасини топади.

Давлат кредитининг мазмун-моҳияти унинг бажарадиган функциялари орқали яққол намоён бўлади. Молиявий категория сифатида давлат кредити қуйидаги функцияларни бажаради:

- тақсимлаш;
- тартибга солиш;
- назорат.

Давлат кредитининг тақсимлаш функцияси орқали давлатнинг марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ёки муддатлилик, ҳақлилик ва қайтарувчанлик принциплари асосида улардан фойдаланиш амалга оширилади. Давлат қарз олувчи (қарздор) сифатида майдонга чиқиб, ўз харажатларини молиялаштиришни қўшимча маблағлар билан таъминлайди. Саноати тараққий этган мамлакатларда давлат қарзлари бюджет дефицитини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда давлат қарзлари орқали олинадиган тушумлар бюджет харажатларини молиялаштиришнинг солиқлардан кейинги иккинчи методидир. Бу нарса солиқ тушумларининг ошишига нисбатан бюджет харажатлари ўсиш суръатларининг юқорилиги билан изоҳланади.

Капитал характердаги харажатларни қарзга олинган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш маълум чегараларда ижобий аҳамиятга эга. Масалан, мактаб ёки кутубхона энг камида 30-50 йил хизмат қилганлиги учун бир эмас, бир неча авлоднинг эҳтиёжларини қондириши мумкин. Шундай экан,

⁴³ Афсуски, бундай характердаги давлат кредитлари бизнинг мамлакатимизда ҳамон айтишга арзиғулик даражада таркиб топмаган.

нега уларнинг қурилиши мактаб ва кутубхонанинг хизматидан фойдаланишга улгурмайдиганларнинг солиқлари ҳисобидан бир неча йилга тўланиши керак? Бундай ҳолатларда ана шунга ўхшаган объектларни қуриш билан боғлиқ бўлган молиялаштириш масалаларини уларнинг хизматларидан фойдаланиши мумкин бўлган барча авлоднинг зиммасига юклаш оқилонадир. Ўз навбатида, молиялаштириш манбаларини вақт нуқтаи назаридан узайтириш (чўзиш) ўша муддатга заёмлар чиқариш йўли билан таъминланиши мумкин. Бу ҳолда мактаб ёки кутубхона қураётган авлод кейинги авлод билан бир хил молиявий юкни ўз елкасида кўтаришига эришилади. Чунки бу ҳолда улар томонидан тўланадиган солиқлар ҳисобидан асосий қарз, улар бўйича фоизлар ҳам қайтарилади.

Шундай қилиб, давлат кредити тақсимлаш функциясининг ижобий таъсири натижасида, вақт нуқтаи назаридан, солиқ юки оғирлигининг нисбатан текисроқ тақсимланишига эришилади. Давлат қарзлари ҳисобидан харажатларни молиялаштириш даврида олинаётган солиқлар миқдори ошмайди ва унинг оғирги ортмайди. Акс ҳолда, яъни харажатларни молиялаштиришга давлат томонидан қарзга олинган маблағлар жалб қилинмаса, бу нарсани, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, фақат солиқлар миқдорини ошириш ва унинг оғирлигини орттириш эвазига молиялаштириш мумкин. Шунинг учун ҳам олинган кредитлар қайтарилаётган пайтда солиқлар уларни тўлаш учун олинмасдан, балки қарзлар бўйича фоизларни қайтариш учун ҳам олинади.

Давлат қарзига хизмат қилиш ва уни қайтариш билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштиришда солиқлар асосий, лекин ягона манба эмас. Бундай харажатларни молиялаштириш манбалари маблағлардан фойдаланишнинг йўналишларига боғлиқ. Агар давлат томонидан жалб қилинган капиталлар унумли жойлаштирилса, қуриб битказилган объект ишга тушганидан сўнг фойда келтира бошлайдики, унинг ҳисобидан, жумладан, олинган қарзлар қайтарилиши мумкин. Бу ҳолда солиқ юки оғирлигининг кучайтирилишига ҳеч қандай ҳожат қолмайди.

Давлат қарзларини жалб қилиш эвазига олинган капиталлардан унумсиз фойдаланилса, масалан, улар ҳисобидан ҳарбий ёки ижтимоий харажатлар молиялаштирилса, уларнинг қайтаришнинг ягона манбаи солиқлар ёки янги қарзлар бўлиши мумкин. Олдин чиқарилган заёмларни қайтариш учун давлатнинг янги заёмларини жойлаштирилишига давлат қарзларини қайта молиялаштириш дейилади.

Давлатнинг қарз олиши натижасида солиқ оғирлигининг кучайиши уларнинг муддатига ва қарз олувчи томонидан тўланадиган кредитларнинг фоизлари даражасига боғлиқ. Инвестор учун давлат қарзининг даромадлилик даражаси қанча юқори бўлса, давлат шунчалик катта солиқлар қисмини уларни қайтариш учун йўналтиришга мажбур. Давлат қарзининг ўлчами қанчалик катта бўлса, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, уларга хизмат қилиш учун йўналтирилаётган маблағларнинг салмоғи шунча юқори бўлади.

Давлат ўз кредити орқали кредит муносабатларига кириша туриб, ихтиёрий ёки ихтиёрсиз равишда пул муомаласининг ҳолатига, пуллар ва капиталлар бозоридаги фоиз ставкаларининг даражасига, ишлаб чиқаришга ва аҳоли бандчилигига таъсир кўрсатади. Иқтисодиётни тартибга солиш воситаси сифатида давлат кредитидан онгли равишда фойдаланиб, у ёки бу молиявий сиёсатни амалга ошириши мумкин.

Давлат қарзларни инвесторларнинг турли гуруҳлари ўртасида жойлаштириб, пул муомаласини тартибга солади; жисмоний шахсларнинг маблағларини жалб қилиб, уларнинг тўловга қобилиятли талабини камайтиради. Давлат кредити ҳисобидан ишлаб чиқариш харажатлари, масалан, инвестициялар молиялаштирилса, муомаладаги нақд пул массасининг мутлақ қисқариши содир бўлади. Шунингдек, давлат кредити ҳисобидан ўқитувчилар ва тиббиёт ходимларининг иш ҳақлари молиялаштирилса, аҳолининг тўловга қобилиятли талабининг таркибий тузилиши ўзгарсада муомаладаги нақд пул массаси ўзгармасдан қолаверади.

Давлат қимматли қоғозларини сотиш-сотиб олиш ёки уларнинг гарови асосида кредитлар бериш бўйича Марказий банк томонидан амалга ошириладиган операциялар мамлакат

тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Молиявий бозорда қарз олувчи сифатида майдонга чиқиб, давлат қарзий маблағларга бўлган талабни оширади ва бунинг ҳисобидан кредит баҳоларининг ортишига ўз таъсирини кўрсатади. Давлатнинг талаби қанча юқори бўлса, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, ссуда фоизининг даражаси шунча юқори бўлади ва тадбиркорлар учун кредит шунчага қимматлашади. Қарз маблағларининг қимматлиги ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорлар инвестицияларининг қисқаришига мажбур қилади ва бир вақтнинг ўзида, у давлат қимматли қоғозларини сотиб олиш кўринишидаги жамғармаларни рағбатлантиради.

Маълум чегарага етгунга қадар бу жараён ишлаб чиқаришга кес-кин салбий таъсир кўрсатмайди. Агар мамлакатда эркин капиталлар етарли даражада бўлса, улар тўлиқ кўшиб олингунга қадар салбий таъсир даражаси нолга тенг бўлиб қолаверади. Шундан кейингина молиявий бозордаги давлатнинг фаоллиги ссуда фоизининг ўсишида ўз ифодасини топади, пул жамғармаларининг катта қисмини унумсиз фойдаланишга жалб қилиниши эса иқтисодий ўсиш суръатларини сусайтиради. Давлат кредитор ва кафил сифатида фаолият кўрсатиб, хориждан қарзга олинган маблағлар ҳисобидан миллий ишлаб чиқариш маҳсулотларига талабни вужудга келтириб, ишлаб чиқариш ва аҳоли бандчилигига ижобий таъсир кўрсатади. Саноати тараққий этган мамлакатларда кичик бизнес, маҳсулот экспорти ёки ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши кузатилаётган алоҳида минтақаларда тегишли дастурларга мувофиқ банклар томонидан берилаётган кредитларни давлат томонидан кафолатланиши йўли билан ишлаб чиқаришни рағбатлантириш тизими кенг тарқалган.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг касодга учраши содир бўлганда давлатнинг кичик тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар бўйича банкларга бўлган қарзларни қайтаришни ўз зиммасига олинишини англатади. Дунёнинг саноати ривожланган кўплаб мамлакатларида давлат ёки яримдавлат компаниялари фаолият кўрсатадики, улар миллий маҳсулотларни экспорт қилувчиларнинг тўловга

қобилиятсиз рискларини паст ставкалар бўйича суғурта қилдилар. Шу йўл билан миллий маҳсулотнинг янги бозорларни ўзлаштириши рағбатлантирилади.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашни рағбатлантиришда ҳудудлар бюджетлари ва бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан бериладиган кредитлар катта роль ўйнайди. Уларнинг ёрдамида маълум бир минтақалар ва у ёки бу ҳудудлар иқтисодиёти керакли йўналишларининг юқори суръатлар билан ривожланиши таъминланади.

Давлат кредитининг назорат функцияси молиянинг назорат функцияси билан органик равишда қўшилиб кетган. Лекин унинг бу функцияси шу категориянинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан қуйидаги характерли белгиларга эга:

- давлатнинг фаолияти ва марказлаштирилган пул маблағлари фондининг аҳволи билан узвий боғланган;
- қийматнинг икки томонлама ҳаракатини қамраб олади, чунки маблағлар олинишининг қайтарилиши ва тикланишини тақозо этади;
- фақат молиявий таркибий тузилмалар томонидан эмас, балки кредит институтлари томонидан ҳам амалга оширилади.

Давлат кредитининг назорат функцияси орқали маблағлар мақсадли фойдаланилиши, уларнинг қайтарилиш муддатлари ва фоизларнинг ўз вақтида тўланиши назорат остига олинади.

23.2. Давлат кредити классификацияси

Бюджет дефицитини молиялаштириш учун давлат бошқарув органлари қарз маблағларини, қарзларни жалб қилишга мажбурдир.

Қарз маблағларини, қарзларни жалб қилиш, одатда, қарз шартномаси асосида амалга оширилади. Унга кўра, бир томон (қарз берувчи) иккинчи томоннинг (қарз олувчининг) мулкига маълум белгиларга эга бўлган пул маблағлари ёки бошқа буюмларни беради, қарз олувчи эса шу суммадаги пул маблағлари (қарз суммаси) ёки тенг миқдор ва сифатдаги буюмларни қарз берувчига қайтариш мажбуриятини олади.

Шартнома бўйича қарз олувчи давлат ёки унинг субъектлари, қарз берувчилар эса фуқаролар ёки юридик шахслар ҳисобланади. Давлат қарзлари ихтиёрий бўлиб, муомалага чиқарилган қарзларнинг шартларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Давлат кредити қуйидаги бир неча белгиларга кўра классификация қилинади:

1) эмитентлар бўйича:

- марказий бошқарув органлари томонидан жойлаштирилладиган қарзлар;
- ҳудудий бошқарув органлари томонидан жойлаштирилладиган қарзлар;

2) жойлаштирилиш жойига қараб:

- ички қарзлар;
- ташқи қарзлар.

3) бозорда айланишига қараб:

- бозорли қарзлар;
- бозорсиз қарзлар.

Бозорли қарзлар эркин сотилади ва сотиб олинади. Улар бюджет дефицитини молиялаштиришда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Бозорсиз қарзлар эркин равишда ўз эгаларини алмаштириши мумкин эмас. Улар қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлмайди. Маълум бир инвесторларни жалб қилиш учун бундай қарзлар давлат томонидан чиқарилади ва шу инвесторларнинг ўзига хос бўлган манфаатларига мос келади. Масалан, ғарб мамлакатларида бозорсиз давлат облигациялари давлат пенсия фондлари, суғурта компаниялари ва кичик инвесторларнинг маблағларини жалб қилиш учун чиқарилади.

4) маблағларни жалб қилиш муддатига кўра:

- қисқа муддатли (бир йилгача қайтариш муддати билан);
- ўрта муддатли (бир йилдан беш йилгача);
- узоқ муддатли (беш йил ва ундан юқори).

Қисқа муддатли қарзлардан бюджет даромадларининг келиб тушиши ва харажатларини амалга оширишдаги қисқа муддатли узилишларни молиялаштириш учун фойдаланилади. Одатда, бундай мақсадлар учун векселлар чиқарилади. Италияда ғазначилик векселлари 3, 6, 12 ойлик муддатларда, Японияда – 60 кунлик, Буюк Британияда – 91

кунлик муддатларда чиқарилади. Ғазначилик векселлари муддатларда икки йилгача бўлган Германия бундан мустаснодир.

Баъзи бир мамлакатларда нисбатан узоқ муддатлар учун маблағларни жалб қилишда ғазначилик ноталаридан фойдаланилади ва улар векселларга нисбатан камроқ тарқалгандир. Италияда бундай ғазначилик ноталари 2-3 йиллик қайтарилиш муддати билан, АҚШ да – бир йилдан ўн йилгача қайтарилиш муддатларида чиқарилади. Узоқ муддатлар учун маблағларни жалб қилиш, одатда, облигациялар ёрдамида амалга оширилади.

5. Қарз мажбуриятлари таъминланганлигига қараб:

- гаровли;
- гаровсиз бўлади

Гаровли облигациялар мутлақ ёки аниқ мулк билан таъминланади. Хорижнинг ривожланган мамлакатларида тез-тез маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бундай облигациялар муомалага чиқарилади. Гаровсиз облигацияларда аниқ бир нарса таъминланмайди: унинг таъминланиш асоси бўлиб давлатнинг ёки маҳаллий ҳокимият органларининг жами мулки ҳисобланади. Марказий бошқарув органлари, одатда, гаровсиз облигацияларни муомалага чиқаришади. Уларнинг ишончлилиги жуда юқори бўлганлиги учун улар қўшимча кафолатга эҳтиёж сезмайди.

6. Тўланадиган даромаднинг характери бўйича:

- ютуқли қарз мажбуриятлари;
- фоизли қарз мажбуриятлари;
- ноль купонли қарз мажбуриятлари.

Ютуқли облигациялар бўйича даромадларнинг тўланиши лотарейалар асосида амалга оширилади. Бу облигациялар катта талабга эга эмас. Чунки инвесторлар тасодифга таяниб эмас, балки барқарор даромад олишга интиладилар. Ютуқ олишни истаганлар эса лотарейа чипталари сотиб олишни ихтиёр этадилар. Бу турдаги қарз мажбуриятларининг асосийси фоизли облигациялар бўлиб, улар бўйича даромад купонлар асосида йилда бир, икки ёки тўрт марта тўланади. Инвесторларнинг кўпчилиги ана шундай қарз мажбуриятларини маъқул кўришади.

Давлатнинг қисқа муддатли қарз инструментлари купонларга эга эмас. Улар номиналидан чегирмалаш асосида сотилади ва номинал бўйича сотиб олинади. Айрим узоқ муддатли қарз мажбуриятлари ҳам купонларга эга бўлмаслиги мумкин. Улар бўйича барча даромадлар асосий қарзнинг суммаси билан биргаликда тўланади. Худди қисқа муддатли облигациялар сингари улар ҳам номиналидан чегирмалаш орқали сотилади ва номинали бўйича сотиб олинади. Амалиётда бундай облигациялар ноль купонли облигациялар номини олган.

7. Даромадларни аниқлаш методига кўра:

- барқарор (қатъий) даромадли қарз мажбуриятлари;
- “сузувчан” даромадли қарз мажбуриятлари.

Айрим ҳолларда қимматли қоғозлар бўйича қатъий ставкалар фоизларни тўлаш борасида давлат харажатлари ўсишининг сабаблари бўлиши, бошқа бир ҳолларда эса улар фоиз даражасининг ошишини кутиб ўтирган инвесторларни кўрқитиб юбориши мумкин.

Бюджет дефицитини қоплаш учун қарзларни нисбатан юқорида даражада бўлган фоиз ставкаларида жойлаштиришга тўғри келади. Қарз муддати, одатда, 20-30 йилни ташкил этаётган қарз даври давомида ўзининг қарз мажбуриятлари бўйича ана шундай фоизни ўрнатиб, давлат солиқ тўловчиларнинг зиммасига қўшимча харажатларни юклайди. Амалиётда бундай вазиятдан чиқиб кетишнинг икки варианты мавжуд:

1) пул маблағларига бўлган эҳтиёжни қисқа ёки узоқ муддатли қарзлар ва узоқ муддатли қарзларни (фоиз стакаси пасайиб кетган пайтда) чиқариш билан қоплаш. Бироқ бу ҳолда қарз олувчи яна битта қарзни чиқариш, жойлаштириш ва уни қайтариш (узиш) билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатларни амалга оширишга мажбур бўлади. Бундан ташқари, инвесторлар фоиз ставкасининг (кўтарилишини) кутиб, иккинчи чиқарилган қарзга нисбатан қизиқиш билдирмаслик эҳтимоли ҳам ерда бор;

2) қимматли қоғозлар бўйича тўланадиган фоизларни узлуксиз равишда қайта кўриб бориш. Бу ҳолда юқорида келтирилган барча муаммолар ҳал қилинади. Ҳисоб-китоб асоси сифатида, одатда, мамлакатдаги банклараро кредитлар

бўйича фоиз ставкасидан фойдаланилади. Бироқ бундай қарзлар жуда катта камчиликка эга, яъни қарздор ўз харажатларини режалаштириш имконияга эга бўлмайди.

8. Қарз чиқарилган пайтда белгиланган (ўрнатилган) қарзни қайтариш муддатларига қатъий риоя қилиш бўйича қарздорнинг мажбуриятларига мувофиқ:

- муддатидан олдин қайтариш ҳуқуқига эга бўлган мажбуриятлар;
- муддатидан олдин қайтариш ҳуқуқига эга бўлмаган мажбуриятлар.

Молиявий бозорда кескин ўзгаришлар содир бўлган пайтда қарз мажбуриятларини муддатидан олдин қайтариш (узиш) масаласи алоҳида долзарблик касб этади. Масалан, қарз олувчи йиллик қатъий даромадли 12%ли облигациялар чиқарган ва бир йилдан сўнг фоиз ставкаси пасайиб, 6%га тенг бўлган бўлсин. Бундай вазиятда қарз-дор кескин йўқотишларга, инвестор эса аксинча, катта ютуқларга эга бўлади. Агар облигациялар муддатидан олдин қайтариш ҳуқуқига эга ҳолда чиқарилган бўлса, янги қарзни чиқариш ва уларни жойлаштириш ҳамда эски қарзни қайтариб, инвестор ўз йўқотмаларини камайтириши мумкин.

Қарзларни қайтаришнинг икки усули бўлиши мумкин:

- бир вақтнинг ўзида;
- қисмларга бўлиб.

Агар қарзлар қисмларга бўлиниб қайтарилаётган бўлса, қайтариш муддатлари бўйича қарз суммаларининг тақсимланишига кўра қуйидаги уч вариант бўлиши мумкин:

1) аниқланган давр, масалан, 4 йил ичида тенг қисмларга бўлиб қайтариш. Бу ҳолда, масалан, қарзнинг суммаси 10 млн. сўм бўлса, ҳар йили 2,5 млн. сўмдан қайтарилади;

2) ошиб бориладиган қисмларда. Масалан, биринчи йил 1 млн. сўм, иккинчи йилда – 2 млн. сўм, учинчи йилда – 3 млн. сўм ва тўртинчи йилда – 4 млн. сўм. Қарздорнинг даромадлари йилдан-йилга ўсиб (ошиб) бораётган пайтда бу тизим жуда қулай ҳисобланади. Масалан, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, ишбилармонлик фаоллигининг ошиши натижасида солиқ тушумлари ўсиши кўзда тутилади ёки қурилишга қарз маблағлари жалб қилинган объект, секин-асталик билан ўз

қувватига эга бўла бориб, йилдан-йилга каттароқ суммада фойда келтира бошлайди;

3) пасайиб борадиган қисмларда. Масалан, биринчи йилда – 4 млн. сўм, иккинчи йилда – 3 млн. сўм, учинчи йилда – 2 млн. сўм ва ҳ.к. Бундай тизим қарздорнинг даромадларини пасайиши ёки харажатларининг ортиши кутилаётган пайтда афзалликларга эга ва устувор аҳамият касб этади.

23.3. Давлат кредитини бошқариш

Давлат кредитини бошқаришни кенг ва тор маъноларда кўриб чиқиш мумкин. **Кенг маънода** давлат кредитини бошқариш дейилганда қарздор, кредитор ва гарант (кафил) сифатида давлатнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган унинг молиявий сиёсати йўналишларидан бирини шакллантириш тушунилади.

Молиявий сиёсатнинг йўналишларидан бири сифатидаги давлат кредитини бошқариш давлатнинг бошқарув ва ҳокимият органлари қўлидадир. Фақат улар бюджет дефицитининг умумий ҳажмини ва демак, уни молиялаштириш учун зарур бўлган қарзларнинг ҳажмини, пул муомаласи, кредит, ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигига таъсир қилишнинг асосий йўналишлари ва мақсадларини ҳамда кичик бизнес ва мамлакат айрим минтақаларини қўллаб-қувватлаш бўйича умумдавлат дастурларини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлайди.

Давлат бюджетининг доимий ёки хронологик тарзда дефицитлилиги ва юқори даражадаги давлат қарзларининг мавжудлиги ҳозирги шароитда саноати ривожланган барча давлатларга хосдир. Давлатнинг кредит экспансияси натижасида бошқа қарз олувчилар молиявий бозордан сиқиб чиқарилаяпти, кредитга нисбатан бўлган юқори фоиз ставкалари ҳамон сақланиб қолмоқда. Давлат қарзларига хизмат қилиш бўйича катта харажатлар солиқ тушумларининг катта қисмини ўзига тортаяпти. Шунинг учун ҳам бюджет дефицити ва давлат қарзини қисқартириш саноати ривожланган мамлакатлар бошқарув органлари томонидан энг долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этилаяпти.

Тор маънода давлат кредитини бошқариш дейилганда давлатнинг қарз мажбуриятларини муомалага чиқариш ва жойлаштириш, давлат қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш, давлат қарзига хизмат кўрсатиш ва уни қайтариш (узиш), ссуда ва гарантиялар тақдим этиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар мажмуи тушунилади.

Давлат кредитини бошқариш жараёнида қуйидаги вазифаларни ечиш кўзда тутилади:

- қарздорнинг қарзи қийматини минималлаштириш;
- бозорни давлатнинг қарз мажбуриятлари билан ортиқча тўлиб кетишига ва улар курсининг кескин тебранишига йўл қўймаслик;
- жалб қилинган маблағлардан самарали фойдаланиш ва ажратилган кредитларнинг мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- кредитларнинг ўз вақтида қайтрилишини таъминлаш;
- молиявий сиёсат билан аниқланган вазифаларни максимал ечиш.

Давлат кредитини бошқаришни бошқарув органлари, молия ва кредит институтлари амалга оширади. Уни тезкор бошқариш эса мамлакат ҳукуматининг раҳбарлиги остида Молия вазирлигининг Марказий банк билан ҳамкорлигида таъминланади.

23.4. Давлат қарзи. Ички ва ташқи қарзлар

Давлат томонидан қарзий фаолиятнинг амалга оширилиши натижасида давлат қарзи вужудга келади. Жисмоний ва юридик шахслар, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари олдида вужудга келган ҳукуматнинг қарзий мажбуриятларига давлат қарзи дейилади. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонунида давлат қарзига “давлат қарзи – давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси”дир деб, таъриф берилган.

Жойлаштирилиш жойига қараб давлатнинг қарзлари иккига бўлинади:

- давлат ички қарзлари;

- давлатнинг ташқи қарзлари.

Давлат томонидан ички маблағларни жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндисига давлат ички қарзлари дейилади. Давлат ташқи қарзлари дейилганда эса давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси тушунилади. Бу қарзлар қарзий инструментлари, жойлаштирилиш шартлари, кредиторларининг таркиби ва қарзнинг валютасига нисбатан бир-биридан фарқ қилади.

Давлатнинг ички қарзлари давлат томонидан ички маблағларни жалб қилиш жараёнида вужудга келади. Давлат томонидан ички маблағларни жалб қилиш активларни ички манбалардан (резидент-юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келишини англатади.

Шунга ўхшаш, давлатнинг ташқи қарзлари ҳам давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш жараёнида вужудга келади. Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш активларни хориж манбаларидан (хорижий давлатлардан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятларининг вужудга келишини билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси келгуси молия йили учун мамлакатнинг Давлат бюджетини қабул қилаётган пайтда давлат ички ва ташқи қарзларининг энг юқори миқдорларини тасдиқлайди.

Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилишга ҳамда давлат қарзининг кўпайишига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан амалга оширилади.

Амалдаги тартибга мувофиқ давлат томонидан ички ва ташқи маблағларни (қарзларни) жалб қилиш қўйидаги мақсадлар учун амалга оширилиши мумкин:

- иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, шу жумладан, давлат инвестиция дастурларини молиялаштириш;
- давлат бюджетининг даромадлари билан харажатлари ўртасидаги тушумлар вақтга кўра мувофиқ эмаслиги туфайли келиб чиққан йиллик ички тафовутни (фарқни) тўғрилаш;
- мавжуд қарзларни қайта молиялаштириш;
- бюджет дефицитини молиялаштириш;
- табиий офат ва бошқа фавқулодда вазиятлар туфайли маблағларга бўлган эҳтиёжларни қоплаш.

Давлат томонидан ички ва ташқи қарз маблағларини жалб қилишда қарз мажбуриятларининг бир неча турларидан фойдаланиш мумкин. Уларнинг асосийлари ва муҳимлари таркибига қўйидагилар киради:

- қисқа муддатли (бир йилгача бўлган даврга чиқариладиган), ўрта муддатли (бир йилдан беш йилгача бўлган даврга чиқариладиган) ва узоқ муддатли (беш йилдан ортиқ даврга чиқариладиган) давлат қимматли қоғозлари;
- кредитлар (қисқа, ўрта ва узоқ муддатли);
- Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари;
- бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик фарқни қоплаш учун қисқа муддатли ссудалар;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа турлар.

Хорижий инвесторлар томонидан бир қисми сотиб олиниши мумкин бўлишига қарамасдан шу давлатнинг резидентлари ҳисобланган юридик ва жисмоний шахслар давлат ички қарзлари бўйича асосий кредиторлар ҳисобланади. Бу қарзлар, одатда, миллий валютада муомалага чиқарилади. Ички қарз маблағларини жалб қилиш учун миллий фонд бозорида талабга эга бўлган қимматли қоғозлар эмитация қилинади. Инвесторларни қўшимча рағбатлантириш учун эса турли солиқ имтиёзларидан фойдаланилади.

Давлатнинг ташқи қарзлари бошқа мамлакатларнинг валютасида хорижий фонд бозорларида жойлаштирилади. Бундай қарзларни жойлаштиришда жойлаштирилиши лозим

бўлган мамлакат инвесторларининг ўзига хос бўлган манфаатлари ҳисобга олинади.

Амалиётда қарзий маблағларни жалб қилиш, асосан, икки йўл билан амалга оширилади:

- қарзий қимматли қоғозларни жойлаштириш;
- ихтисослаштирилган молия-кредит институтларидан кредитлар олиш.

Қарзий қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва уларни жойлаштириш тартиби ҳар бир мамлакатнинг тегишли қонуни орқали тартибга солиб турилади. Ана шу қонунга мувофиқ фақат мамлакат ҳукуматининг номидан чиқарилган қимматли қоғозлар давлат қимматли қоғозлари деб эътироф этилади.

Давлат қимматли қоғозлари билан операциялар фонд бозорининг таркибига кирувчи давлат қимматли қоғозлар бозорида амалга оширилади. Бу бозор қуйидаги вазифаларни бажаришга имкон беради:

- бюджет дефицитини молиялаштириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш турган маблағларини қарзга олиш;
- Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати ўтказишни таъминлаш;
- тижорат банклари ва молиявий институтларнинг ликвидлигини тартибга солишни амалга ошириш.

Қимматли қоғозлар эмиссияси натижасида вужудга келган ва мамлакатнинг ички қарзини ташкил этувчи ҳукуматнинг мажбуриятлари шу мамлакатнинг миллий валютасида ифодаланиши ва шу валютада тўланиши керак. Шунга ўхшаш, қимматли қоғозлар эмиссияси натижасида вужудга келган ва мамлакатнинг ташқи қарзини ташкил этувчи ҳукуматнинг мажбуриятлари хорижий валютада ифодаланиши ва шу валютада тўланмоғи лозим.

Ҳар бир мамлакатда давлат томонидан қарзий маблағларни жалб қилишнинг ягона ҳисобга олиш ва қайд этиш тизими мавжуд. Бунинг учун Молия вазирлиги ҳукуматнинг давлат ички ва ташқи қарзлари китобини юргизади.

23.5. Давлат – гарант (кафил) ва кредитор сифатида

Гарант (кафиллик) ҳуқуқий мажбуриятларни таъминлаш усули бўлиб, унга мувофиқ кафолат берувчи кафолат берилган томоннинг (шахснинг) мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман учинчи томон (шахс) олдида ижро этилишига (бажарилишига) жавоб бериши учун мажбуриятни ёзма равишда ўз зиммасига олади. Кафолатлар, одатда, танлов асосида тақдим этилиши керак. Давлат томонидан миллий ва хорижий валютада берилаётган кафолатлар (кафилликлар) ўзининг юқори чегарасига эга бўлмоғи лозим. Мамлакатнинг миллий валютасида ифодаланган кафолатларнинг умумий суммаси давлатнинг ички қарзлари таркибига, унинг хорижий валютада ифодаланган суммаси эса давлатнинг ташқи қарзлари таркибига киритилади. Кафолатлар тақдим этилаётган пайтда, албатта, уни олувчиларнинг (унга эга бўлаётганларнинг) молиявий аҳволи текширилмоғи керак.

Анъанавий равишда давлат аҳолининг “Халқ банки”даги омонатларини кафолатлайди. Кейинги йилларда бозор муносабатларининг ривожланишига мувофиқ равишда давлат турли юридик шахсларнинг қарзий мажбуриятлари бўйича ҳам кафолатловчи (кафиллик берувчи) сифатида майдонга чиқмоқда.

Мамлакатда молиявий интизомни мустаҳкамлаш ва кафолатлар беришнинг асосланган механизмини жорий этиш мақсадида бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарзлари мавжуд бўлган субъектларга кафолатлар берилмайди. Шунингдек, кафолатларни танлов асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Резидент-юридик шахсларнинг мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан содир этилади. Жисмоний шахсларнинг мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари берилмайди. Кафолатлар бериш тартиби, шунингдек, кафолатлар берилганлиги учун кафолатлар олувчидан ҳақ олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (“Бюджет тизими

тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 41-моддаси).

Давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишга ҳамда давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятларидан келиб чиқувчи тўловларни амалга ошириш учун маблағларни жамлашга шарт-шароит яратиш мақсадида республика бюджет таркибида кафолат жамғармаси тузилиши мумкин. Бу жамғармани ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (ўша қонуннинг 42-моддаси).

Бозор муносабатларининг ривожлана бориши билан ички бозорда давлатнинг кредитор сифатидаги фаоллиги ҳам аста-секинлик билан кучаймоқда. Агар аввал бюджетдан молиялаштиришга асосий эътибор қаратилган бўлса, кейинги йилларда оғирлик марказининг кредит муносабатлари томон ўзгараётганлиги сезилиб турибди. Чунки кредит муносабатлари маблағлардан фойдаланишда бюджет ресурсларининг катта қисмини тежашга имкон берадиган ва самарали усул ҳисобланади.

Давлатнинг кредитор сифатидаги ўрни унинг ички ва ташқи кредитлари билан белгиланади. Одатда, ички кредитлар икки кўринишга эга:

- бюджет кредитлари;
- бюджет ссудалари.

Бюджет кредитлари харажатларни бюджетдан молиялаштириш шакли бўлиб, у юридик шахсларга қайтарилиш ва тиклаш асосида маблағ берилишини кўзда туттади. Бюджет ссудаси эса юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент-юридик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағдир.

Бюджетдан қарз маблағларини олувчилар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- бюджет ташкилотлари. Амалда бюджет ташкилотлари кредит ташкилотларидан ҳамда юридик ва жисмоний шахслардан кредит олиш ҳуқуқига эга эмас (бюджет ва

бюджетдан ташқари жамғармалардан олинадиган ссудаларни мустасно қилганда);

- давлат унитар корхоналари;
- бюджет ташкилоти ва давлат унитар корхонаси бўлмаган юридик шахслар;
- ижроия ҳокимият органларининг қуйи бюджетлари.

Бюджет кредитларини қайтариш бўйича ижрони таъминлашнинг усуллари фақат банк кафолатлари, мол-мулк гарови бўлиши мумкин. Юридик шахсларга берилган бюджет маблағларини қайтариш ва улардан фойдаланганлик учун ҳақини тўлаш бюджет тўловларига тенглаштирилади. Бюджет кредитлари фақат қайтарилиш асосида олдин берилган бюджет маблағлари бўйича тўлов муддати ўтиб кетган қарзлари бўлмаган юридик шахсларга берилиши мумкин.

Молия вазирлиги келгуси йил учун бюджет лойиҳаси тайёрланаётган пайтда ташкилотларга берилиши мумкин бўлган бюджет кредитларининг умумий ҳажмини аниқлайди ва инвестицион лойиҳаларнинг танловини ўтказиш учун келгуси молия йилининг бошланишидан тўрт ой олдин уларни тегишли вазирликларнинг ихтиёрига етказди.

Лойиҳаларни танловга тақдим этиш жараёнида бюджетнинг марказлаштирилган инвестицион ресурсларини танлов асосида жойлаштиришда инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашда талаб қилинадиган ҳужжатларга қўшимча равишда яна қуйидагилар тақдим қилиниши лозим:

- ижроия ҳокимият органларининг импорт бўйича сотиб олиниши режалаштирилаётган асбоб-ускунани мамлакат корхоналарида тайёрлашнинг иложи йўқлиги ва уларни импорт бўйича сотиб олиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;
- ссудаларни қайтаришни таъминлаш манбалари кўрсатилган ҳолда қарз маблағларини тўлиқ қайтаришнинг молиявий ҳисоб-китоблари;
- даъвогарда аванс тўловларини амалга ошириш учун ўз маблағлари борлигининг тасдиқланганлиги.

Ссудалар мамлакат тижорат банклари кафолатлари, ҳокимият органлари ва барқарор молиявий-иқтисодий аҳволга эга бўлган учинчи шахсларнинг илтимосномалари ҳамда юқори ликвидли қимматли қоғозлар гарови асосида тақдим

этилади. Таъминотнинг бундай турлари рискнинг баҳоланишига боғлиқ бўлган ҳолда турли комбинацияларда қўлланилиши мумкин.

Ссудаларнинг миқдори танловдан ўтган лойиҳа учун уни молиялаштириш ресурслари ҳажмининг маълум бир қисмидан (одатда, унинг 40%дан) ошмаслиги лозим. Молиялаштиришнинг бошқа қисми бюджет манбаларига муқобил бўлган манбалар ҳисобидан қопланиши керак.

Ижтимоий соҳада давлат функцияларининг бажарилиши билан боғлиқ ва нотижорий характерга эга бўлган инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ташкилотларга шундай лойиҳалар ҳажмини 100% молиялаштириш миқдорида тақдим этилиши мумкин.

Давлат томонидан хорижий давлатларга, уларнинг юридик шахсларига ва халқаро ташкилотларга тақдим этилаётган кредитлар дейилганда улар бўйича хорижий давлатлар, уларнинг юридик шахслари ва халқаро ташкилотларнинг кредитор сифатида давлат олдида вужудга келган қарз мажбуриятлари тушунилади.

Хорижий давлатларнинг қарз мажбуриятлари уларнинг бошқа давлат олдидаги қарзларини шакллантиради. Одатда, бюджет тўғрисидаги қонунда бу қарзларга тегишли бўлган қуйидагилар тасдиқланиши керак:

- хорижий давлатларнинг қарзлари бўйича қайтарилиш (узилиш) суммалари ва фоизларининг тўлови;
- молиявий йилнинг охиридаги хорижий мамлакатлар қарзларининг миқдори;
- хорижий давлатларга тақдим этиладиган давлат кредитларининг максимал ҳажми;
- молиявий йилда уларнинг олувчилари, мақсадлари ва кредитлаштириш миқдорлари кўрсатилган ҳолда кредитлар рўйхатидан иборат бўлган хорижий давлатларга давлат кредитларини тақдим этиш дастури.

23.6. Давлат қарзларини бошқариш

Ўзбекистон Республикасида давлат қарзини бошқаришнинг олий органи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидир. Олий Мажлис бюджет дефицитини молиялаштириш учун

жалб қилиниши лозим бўлган маблағлар ва бюджет маблағлари ҳисобидан кредитлаштиришнинг максимал миқдорларини белгилайди. У ёки бу кўринишдаги қимматли қоғозларни чиқаришнинг чегаравий ҳажмини Ўзбекистон Республикаси ҳукумати – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўрнатади.

Давлат ички ва ташқи қарзларини бошқаришни оптималлаштириш учун икки дастурни ишлаб чиқмоқ мақсадга мувофиқ:

- ташқи қарзларни олиш давлат дастури;
- ички қарзларни олиш давлат дастури.

Бу дастурлар мақсадлари, манбалари ва қайтарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда навбатдаги молиявий йилда олиниши лозим бўлган қарзлар рўйхатидан иборатдир. Дастурлар навбатдаги йил бюджетининг лойиҳаси билан Олий Мажлисга тақдим этилади ва тасдиқланиши керак.

Хусусан, ташқи қарзлар олиш давлат дастурида икки гуруҳга бўлиб, акс эттирилади:

- боғланмаган (молиявий) қарзга олишлар (қарзлар);
- мақсадли хорижий қарзга олишлар (қарзлар).

Буларнинг ҳар иккаласи учун ҳам юқоридаги дастурда алоҳида-алоҳида қуйидагилар ўз ифодасини топиши керак:

- боғланмаган (молиявий) қарзга олишлар:
(қарзлар) бўйича:
 - а) жалб қилиш манбалари;
 - б) қарзга олиш суммалари;
 - в) қайтариш муддатлари.
- мақсадли хорижий қарзга олишлар:
(қарзлар) бўйича:
 - а) якуний олувчи;
 - б) қарзга олишнинг мақсади ва фойдаланиш йўналиши;
 - в) қарзга олиш манбаси;
 - г) қарзга олиш суммаси;
 - д) қарзни қайтариш муддатлари;
 - е) маблағларни бюджетга қайтариш бўйича учинчи шахснинг кафолати;
 - ё) навбатдаги молиявий йил бошлангунга қадар фойдаланилган маблағлар ҳажмининг баҳоланиши;

ж) навбатдаги молиявий йилда маблағларнинг фойдаланиш ҳажми прогнози (башорати).

Ўзбекистон Республикаси номидан давлат қимматли қоғозларининг ягона эмитенти бўлиб, Молия вазирлиги ҳисобланади ва у Ўзбекистон ҳукумати томонидан аниқланган чегараларда уларнинг чиқарилиш муддатлари ва ҳажмини белгилайди.

Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларини мақсадли ва барқарор сарфланишини таъминлаш, бюд-жетдан молиялаштири-лаётган ташкилотларнинг қарзларини камайтириш мақсадида ижроия ҳокимият органларига давлатнинг қим-матли қоғозларини чиқариш, кредитлар ва қарзлар олиш йўли би-лан қарз маблағларини жалб қилиш тақиқланган (ҳукумат томонидан тўғридан-тўғри ўрнатилган ҳоллардан ташқари). Бу жиҳат давлатнинг бюджетдан ташқари жамғарларига ҳам тегишлидир.

Давлатнинг ички қарзларига хизмат қилиш бўйича бош вакил функциясини мамлакатнинг Марказий банки бажаради. Ҳар бир облигацияни чиқариш эмиссиясида барча ягона ва жамланма сертификатлар Молия вазирлиги томонидан сақлаш ва ҳисобга олиш учун депозитарийга берилиши керак. Депозитарий функциясини Марказий банк ёки у томонидан ваколати белгиланган бошқа ташкилот бажариши мумкин. Марказий банк Молия вазирлигининг топшириғига кўра ва республика бюджетининг маблағлари ҳисобидан облига-цияларнинг эгаларига бу облигациялар қайтарилаётган пайтда тўловларни амалга оширади.

Давлат қимматли қоғозларини тартибга солиш ҳукуматнинг Молия вазирлиги ва Марказий банк билан ҳамкорликдаги энг муҳим ва масъулиятли функцияларидан биридир. Ҳозирги амалиётда давлат қимматли қоғозларини тартибга солиш чораларини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- “оловли” чоралар – қайта молиялаштириш ва ломбард ставкаларини ошириш (кўтариш), қимматли қоғозлар ва валюта бозорларида Марказий банкнинг интервенцияси. Бироқ бундай чоралар қисқа вақт – 2 ёки 3 кун учун таъсирчан ҳисобланади;

- хорижий қарзга олиш. Қимматли қоғозлар бозорига таъсир кўрсатиш учун қарз олишнинг ўзи эмас, балки кредитларнинг олиниши тўғрисида ишонч бўлишининг ўзи етарлидир. Юқоридаги чоралар сингари бу гуруҳга кирувчи чоралар ҳам, маълум даражада ва маънода, таназзулни орқага сурувчи ва унинг илдизларига барҳам бермовчи “оловли” чоралар ҳисобланади;

- давлат қимматли қоғозлар миллий бозори нобарқарорлигининг олдини олишга самарали ва узоқ муддатли таъсир кўрсатишга узоқ муддатли мониторинг чораларга молиявий бозорнинг чегарасидан четга чиқувчи чоралар (хусусан, солиқ тизими ва солиқларнинг ундирилишини тартибга солиш, бюджет дефицитини қисқартириш, иқтисодиётнинг ўсишига эришиш ва ҳ.к.лар) қўлланилсагина, эришиш мумкин.

Давлат қарзларини бошқариш мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатлари ва сифатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган Ўзбекистон Республикаси бюджет сиёсатининг муҳим қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда давлат қарзларини бошқаришда аниқ бир концепцияга эга бўлиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу концепцияда давлат қарзларини бошқариш ҳамда пул-кредит сиёсати ва валюта сиёсати ўртасидаги алоқаларни давлат қарзларининг давлат молия тизимидаги ўрнини, ташқи ва ички давлат қарзларининг бир-бирлари билан боғлиқлигини аниқлаш жуда муҳимдир. Давлат қарзларини бошқариш концепциясини ишлаб чиқишда эски мажбуриятларни уларнинг янгиларини жалб этиш ҳисобидан қайтарилиши етарли даражада хавфли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги инобатга олинмоғи керак. Шунингдек, давлат қарзларини тартибга солишнинг ягона концепцияси ишлаб чиқиляётган пайтда бу қарзлар ҳажмининг асосланмаган тарзда оширилиб юборилиши иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йўлида таъсирчан тўсиқ бўлиши мумкинлиги ҳам назардан четда қолмаслиги лозим.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Давлат кредитининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

- Давлат кредити қандай субъектлар ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат ва унда давлат қандай сифатларда майдонга чиқади?
- Давлат кредитида давлат қачон кафилга айланади?
- Давлат томонидан кафолатнинг берилиши марказлаштирилган пул фондининг, албатта, ўзгаришига олиб келмаслиги мумкинми? Бу қандай ҳолатларда содир бўлиши мумкин?
- Кредитнинг бир тури сифатида давлат кредити классик (мумтоз) молиявий категориялардан, масалан, солиқлардан фарқ қилувчи қандай ўзига хос бўлган хусусиятларга эга?
- Умуман олганда, давлат кредити бошқа молиявий категориялардан ўзининг қандай характерли хусусиятлари билан фарқланади?
- Давлат кредити қандай функцияларни бажаради?
- Давлат кредитини тақсимлаш функциясининг мазмуни нимадан иборат?
- Давлат кредитининг тартибга солиш функциясини характерловчи мисоллар келтиринг.
- Иқтисодиётни тартибга солиш восита сифатида давлат кредитидан онгли равишда фойдаланиш нималарни англатади?
- Давлат кредити назорат функциясининг мазмуни нимадан иборат ва у кимлар томонидан амалга оширилади?
- Давлат кредитининг назорат функцияси қандай характерли белгиларга эга?
- Давлат кредити қандай белгиларга кўра классификация қилинади?
- Эмитентлар бўйича давлат кредити қандай гуруҳларга бўлинади?
- Жойлаштирилиш жойига қараб давлат кредити нималардан ташкил топади?
- Бозорда айланишига қараб давлат кредитининг таркиби нималардан иборат бўлади?
- Бозорли ва бозорсиз қарзлар дейилганда нималар назарда тутилади?
- Маблағларни жалб қилиш муддатига кўра давлат кредити қандай гуруҳларга бўлинади?

- Қарз мажбуриятларининг таъминланганлигига қараб давлат кредити нималардан ташкил топади?
- Гаровли ва гаровсиз облигациялар нималари билан фарқланади?
- Тўланадиган даромаднинг характери бўйича давлат кредити қандай классификация қилинади?
- Ютуқли облигациялар бўйича даромадларнинг тўланиши нималар асосида амалга оширилади?
- Ноль купонли облигациялар дейилганда нима тушунилади?
- Давлатнинг қандай қарзий инструментлари купонларга эга эмас?
- Даромадларни аниқлаш методига кўра давлат кредити қарз мажбуриятларининг қандай турларидан иборат?
- Қарз чиқарилган пайтда белгиланган қарзни қайтариш муддатларига қатъий риоя қилиш бўйича қарздорнинг мажбуриятларига мувофиқ давлат кредити қарзий мажбуриятларнинг қандай кўринишларидан таркиб топади?
- Қарзларни қайтаришнинг қандай усуллари бўлиши мумкин?
- Кенг ва тор маънода давлат кредитини бошқариш деб нималарга айтилади? Улар нималари билан фарқ қилади?
- Давлат кредитини бошқариш жараёнида қандай вазифаларни ечиш кўзда тутилади?
- Давлат кредитини бошқариш қандай органлар томонидан амалга оширилиши мумкин?
- Уни тезкор бошқариш кимнинг раҳбарлиги ва ҳамкорлигида таъминланади?
- Давлат томонидан қандай фаолият амалга оширилиши натижасида давлат қарзи вужудга келади?
- Давлат қарзи деб нимага айтилади?
- Жойлаштирилиш жойига қараб давлат қарзлари қандай қарзларга бўлинади?
- Давлатнинг ички ва ташқи қарзлари деб нималарга айтилади ва улар нималари билан фарқланади?
- Амалдаги тартибга мувофиқ давлат томонидан ички ва ташқи маблағларни (қарзларни) жалб қилиш қандай мақсадлар учун амалга оширилиши мумкин?

- Давлат томонидан ички ва ташқи қарз маблағларини жалб қилишда қарзий мажбуриятларнинг қандай турларидан фойдаланиш мумкин ва уларнинг асосийлари ва муҳимлари таркибига нималар киради?

- Амалиётда қарз маблағларини жалб қилиш, асосан, қандай йўллар билан амалга оширилади?

- Давлатнинг қимматли қоғозлар бозори қандай вазифаларни бажаришга имкон беради?

- Гарант (кафиллик) дейилганда нима тушунилади?

- Нималар бўйича қарзлари бўлган субъектларга кафолатлар (кафиллик) берилмайди?

- Жисмоний шахсларнинг мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари бериладими?

- Резидент-юридик шахсларнинг мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг кафилликлари қандай орган томонидан со-дир этилади?

- Давлатнинг ички кредитлари қандай кўринишларга эга?

- Бюджет кредитлари ва бюджет ссудалари нима, улар бир-бирларидан нималари билан фарқланади?

- Бюджетдан қарз маблағларини олувчилар сифатида кимлар майдонга чиқиши мумкин?

- Лойиҳаларни танловга тақдим этиш жараёнида бюджетнинг марказлаштирилган инвестицион ресурсларини танлов асосида жойлаштиришда инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашда талаб қилинадиган ҳужжатларга қўшимча равишда яна нималар тақдим қилиниши лозим?

- Ўзбекистон Республикасида давлат қарзини бошқаришнинг олий органи ким ва у нималарнинг умумий миқдорини белгилайди?

- У ёки бу кўринишдаги қимматли қоғозларни чиқаришнинг чегаравий ҳажмини ким ўрнатади?

- Давлат ички ва ташқи қарзларини бошқаришни оптималлаштириш учун қандай дастурларни ишлаб чиқмоқ мақсадга мувофиқ?

- Ташқи қарзларни олиш давлат дастурида қарзлар қандай гуруҳларга бўлиб, акс эттирилади?

- Давлат ички ва ташқи қарзларини бошқаришни оптималлаштириш учун ишлаб чиқилган дастурларда алоҳида-алоҳида нималар ўз ифодасини топиши керак?

- Ўзбекистон Республикаси номидан давлат қимматли қоғозларининг ягона эмитенти ким ҳисобланади?
- Давлат ички қарзларига хизмат қилиш бўйича бош вакил функциясини ким бажаради?
- Ҳозирги амалиётда давлат қимматли қоғозларини тартибга солиш чораларини шартли равишда қандай гуруҳларга ажратиш мумкин?

24-боб. Суғурта

24.1. Суғуртанинг иқтисодий моҳияти

Суғурта фуқаролар ва корхоналарнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ манфаатларини ҳимоя этувчи самарали восита сифатида инсоният тараққиётининг барча босқичларида мавжуд бўлган. Бизгача етиб келган манбаларга қараганда, дастлабки суғурта шартномалари бундан VI-VII аср муқаддам Византия ерларида пайдо бўлган. Баъзи олимлар, хусусан, проф. Ҳ.Р. Собиров суғуртанинг вужудга келиши билан боғлиқ муаммога ўз муносабатини билдириб шундай деб ёзади: “Суғурта тушунчаси пул ва кредит тушунчаларидан олдин шакллана бошлаган. Дастлабки жамоа тузуми даврида ҳар бир оила ҳаёт учун энг зарур озиқ-овқат захираларини ғамлаш заруриятини тушуна бошлаганда, захиралар етарли бўлмаса ёки бирор ҳодиса туфайли кўшимча моддий неъматларга эҳтиёж сезилса, кўшнилардан қарз олинган, бузилган иморатлар ҳашар йўли билан тикланган”⁴⁴. Тўғри, суғурта ҳимоя воситаси сифатида пул ва кредит тушунчаларидан олдин пайдо бўлиши мумкин. Суғурта захиралари натура шаклида шаклланган. Бу анча қийинчиликларни келтириб чиқарган. Чунки, захираларни натура шаклида жамғариш уларни узоқ муддат сақлаш имкониятини бермаган. Товар-пул муносабатларининг пайдо бўлиши суғурта захираларини пул кўринишида шакллантиришга замин яратган.

Маълумки, пулнинг асосий функцияларидан бири тўлов вазифасини бажаришидир. Пулнинг пайдо бўлиши муносабати билан суғурта захирасига йиғиладиган суғурта мукофотлари пул кўринишида тўланадиган бўлган. Ҳозирги кунда суғурта захираларини фақат пул кўринишида шакллантирилиши қонунда белгилаб қўйилган. Суғурта мукофотлари ҳам пул кўринишида тўланади.

⁴⁴ Собиров Ҳ.Р. Ўзбекистон суғурта тарихидан. – “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” журнали, 2000 йил №10, 57-б.

Суғурта мустақил иқтисодий категория сифатида пул муносабатлари тизимида муҳим ўрин тутди. У молия, кредит каби иқтисодий категориялар билан чамбарчас боғлиқдир. Молия ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида вужудга келадиган мақсадли пул фондларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатларини ифодаласа, кредит аҳоли, корхона ва ташкилотлар ихтиёридаги вақтинча бўш турган маблағларни жалб этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари йиғиндисидир. Суғурта олдиндан кўриб бўлмайдиган табиий ва бошқа ҳодисалар рўй бериши натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш билан боғлиқ мақсадли пул фондларини шаклланиши ва ундан фойдаланиш бўйича пул муносабатлари йиғиндисидир.

Илмий ва иқтисодий адабиётларда суғуртанинг иқтисодий моҳиятини ёритишда турлича ёндашувлар мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, проф. Собиров Ҳ.Р тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “кўпчилик адабиётларда суғурта сўзи хавф-хатар, даҳшат, ваҳима маъносида ишлатилади, чунки кўрсатилган табиий офатлар ва бахтсиз ҳодисалар натижасида жамият ҳаётига моддий зарар етказилади. Лекин суғурта деганда ана шу руҳий ҳолатлар эмас, балки булар орасида вужудга келган ва пайдо бўлиши мумкин бўлган фавқулодда зарарлар ва уларни кучини қирқишга қаратилган тадбирлар, зарар натижасида вужудга келган камомаднинг ўрнини тўлдириш, бу йўналишда юзага келадиган суғурталовчи ташкилотлар ва суғурталанувчилар ўртасидаги муносабатлар кўзда тутилади”⁴⁵. Фикримизча, бу ерда келтирилган таъриф суғуртанинг иқтисодий моҳиятини тўлиқ очиқ беролмайди. Бунинг устига профессор Собиров Ҳ.Р томонидан юқорида берилган таъриф узундан-узоқ бўлиб, суғуртанинг моҳиятини тезда илғаб олишни қийинлаштиради. 2002 йилнинг 5 апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги қонуннинг 3-моддасида шундай дейилади: “Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта

⁴⁵ Собиров Ҳ.Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб.-Т.: “Меҳнат” нашриёти, 1998 йил. 8-9-бетлар.

мукофотларидан шаклантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади”⁴⁶. Суғурта тушунчасига берилган бу таъриф россиялик иқтисодчи, профессор Б.Ю.Сербиновский берган таърифга яқиндир: “суғурта юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта бадаллари (мукофотлари)дан шаклландиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) рўй берганда ушбу шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича муносабатлар тизимидир”⁴⁷. Аммо шуни ёддан чиқармаслик зарурки, суғурта нафақат юридик ёки жисмоний шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя этувчи восита, балки жисмоний шахсларнинг ҳаётига, соғлигига бахтсиз ҳодисалар содир бўлиши натижасида шикаст етказилганда, уларга суғурта суммаларини бериш йўли билан ҳимоя этувчи воситадир. Шу боис, профессор Сербиновский Б.Ю берган таърифни ҳам тўлиқ деб бўлмайти. Яна бир иқтисодчи олима Н.В.Бендина суғуртанинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш мақсадида қуйидагиларни таъкидлайди: “юридик ва жисмоний шахслар зарар кўрганда кўрилган зарарни кўпчилик шахслар ўртасида тақсимлаш орқали уни қоплаш усулидир”⁴⁸. Ушбу олиманинг фикри эътиборни ўзига тортишини эътироф этиш жоиз. Дарҳақиқат, суғурта фонди кўпчилик жисмоний ва юридик шахсларнинг тўлайдиган суғурта мукофотлари ҳисобига шаклланиб, ушбу фондни шаклантиришда иштирок этган шахсларнинг мулкӣ манфаатларига табиий ҳодисалар натижасида зарар етганда, ушбу фонддан суғурта қопламаси берилади. Яна бир марта таъкидлаш лозимки, у фақат шу фондни ташкил этишда қатнашган шахсларгагина берилади. Яъни, бир шахс кўрган зарар кўпчилик ўртасида тақсимланади. Шу маънода, Н.В.Бендина томонидан берилган таъриф суғуртанинг иқтисодий моҳиятини қисман ёритиб бера олади. Бунга ўхшаш таърифларни кўплаб келтириш мумкин. Су-

⁴⁶ “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни.-“Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил, 28 май.

⁴⁷ Сербиновский Б.Ю. Страхование дело. – М. “Феникс”, 2000 г. с.7.

⁴⁸ Бендина Н.В. Страхование. – М.: “Приор”, 2000 г. с. 3.

ғуртанинг иқтисодий моҳиятини теран англаш учун суғуртани иқтисодий категория сифатидаги фундаментал принципларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Суғурта иқтисодий категория сифатида қуйидаги принципларга асосланади:

а) суғурта рискининг мавжудлиги. Риск бўлмаса, суғурталашга ҳожат қолмайди. Риск – суғуртавий пул муносабатларининг асосини ташкил этади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ва фуқароларнинг ҳаётига турли рисклар доимо таъсир кўрсатиб турадики, бу ўз навбатида ушбу рискларни рўй бериши натижасида юзага келадиган, эҳтимол тутилган зарарлардан ҳимояланиш заруриятини келтириб чиқаради. Рискларнинг юз бериши тасодифийлик характерига эга ва у инсон онгига боғлиқ бўлмайди.

б) суғурта муносабатларининг қайта тақсимлаш характерига эгаллиги. Гап шундаки, суғуртанинг иқтисодий категорияси ёрдамида корхоналар ва аҳоли даромадларининг бир қисми қайта тақсимланади. Молия категориясидан фарқли ўлароқ, суғурта ялпи ички маҳсулотни бирламчи тақсимланишида иштирок этмайди, балки иккиламчи тақсимланишида иштирок этади. Корхоналар ва аҳоли даромадлари бир қисмини қайта тақсимланиши натижасида қатъий мақсадли йўналишда фойдаланиладиган суғурта фонди шаклланади. Бу хусусият суғуртани молия категорияси тушунчасига мос келишини билдиради.

в) зарарларни муайян макон ва замонда тақсимланиши. Зарарларни ҳудудлараро тақсимлаш объектларни суғуртага олиш етарли даражада қамраб олинганда рўй беради. Зарарларни маълум бир вақтда тақсимлаш суғурта ҳодисаларнинг нотекис содир бўлиши билан изоҳланади. Ҳақиқатан ҳам бир пайтда барча объектларни ўз ичига қамраб олган суғурта ҳодисаси юз бериши амри маҳол. Тажрибанинг кўрсатишича, суғурта ҳодисалари муайян бир даврда рўй бермаслиги, аммо бошқа йили рўй бериши мумкин. Шунинг учун, суғурта ташкилотлари ўз зиммаларига олинган мажбуриятларни бажариш мақсадида етарли миқдорда суғурта фондига эга бўлиши даркор.

г) суғурта мукофотларининг қайтарилиш характерига эгаллиги. Суғурта мукофотлари ҳисобидан шаклланган суғурта фондидаги маблағлар фақат суғурта ҳодисаси рўй берганда

суғурталанувчига қайтарилиб берилади. Суғуртанинг иқтисодий моҳиятини англатувчи бу принцип суғуртани иқтисодий категория сифатида кредит тушунчасига яқинлаштиради. Кредитнинг асосий принципларидан бири ажратилган кредитларнинг ўз вақтида банкка қайтарилишидир.

Юқорида баён этилган принциплар жамламаси суғуртанинг иқтисодий категория сифатидаги моҳиятини очиб беради.

Суғуртанинг иқтисодий табиати унинг функцияларида ўз аксини топади. Молия, кредит каби иқтисодий категориялар билан бир қаторда суғурта ҳам бир қатор функцияларни бажаради. Таъкидлаш лозимки, иқтисодий адабиётларда суғуртанинг функциялари бир неча кўринишда талқин этилади. Масалан, профессор В.М.Родионова раҳбарлигида чоп этилган “Финансы” ўқув қўлланмасида суғурта иккита функцияни бажариши кўрсатиб ўтилган. Бу функциялар қуйидагилардан иборат: қайта тақсимлаш ва назорат функцияси⁴⁹. Проф. Ҳ.Р.Собиров суғурта қуйидаги функцияларни бажаришини қайд этади: “хавф-хатар, огоҳлантириш, инвестиция, омонат, ахборот”⁵⁰.

Кўришиб турибдики, проф.Ҳ.Р.Собиров суғуртанинг 5 та функцияга эгаллигини қайд этади. Лекин бу фикрга тўлиқ қўшилиш қийин. Чунки, бу функцияларнинг баъзилари тегишли баҳс-мунозарани талаб этади. Хусусан, суғуртанинг инвестиция функцияси. Инвестиция суғурта ташкилотлари учун функция эмас, балки асосий суғурта фаолиятига қўшимча равишда амалга ошириладиган фаолиятдир. Инвестициясиз ҳам суғурта ташкилотлари фаолият кўрсатишлари мумкин. Аммо, суғурта ташкилотлари вақтинча бўш турган маблағларини инвестиция қилиш орқали қўшимча даромад олади. Функция доимийлик характериға эга ва у ўзгармасдир. Собик совет ҳокимияти даврида давлат суғурта органларининг маблағлари инвестиция қилинмас эди. Бозор муносабатларига ўтиш туфайли суғурта ташкилотларида инвестиция фаолияти билан шуғулланишга имконият туғилди.

⁴⁹ Финансы. Учебник. Под ред. проф. Родионовой В.М. – М.: “Финансы и статистика”, 1992. с.179.

⁵⁰ Собиров Ҳ.Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб. – Т.: “Меҳнат”, 1998 йил. 16-бет.

Шунинг учун инвестицияни суғуртанинг функцияси бўла олмайди, деб тасдиқлаш мумкин.

Айни шундай фикрларни ахборот функцияси ҳақида ҳам гапириш ўринлидир. Суғурталанувчиларга суғурта ташкилотлари ҳақида маълумот бериш бу суғуртанинг ахборот функцияси мавжудлигини англатмайди. Суғурта ташкилотларининг тижорат сирига кирувчи маълумотлари умуман ахборот сифатида берилмайди. Суғуртага ахборот функцияси хослиги унчалик ҳам ўз исботини топмаган.

Суғурта қуйидаги функцияларни бажаради:

- суғурта фондини ташкил этиш билан боғлиқ функция.
- суғурта фондидан фойдаланиш билан боғлиқ функция.
- назорат функцияси.

Юқорида қайд этилган функциялар суғурта фаолиятида доимий ҳисобланади ва ҳар қандай шароитда ўзгармасдир. Суғурта фаолиятини амалга ошириш учун, албатта, суғурта ташкилотда етарли миқдорда пул маблағлари фонди бўлиши лозим. Агар, суғурталовчи пул фондини, яъни суғурта фондини ташкил этмаса, унинг молиявий аҳволи мураккаблашиши тайин. Ташкил этилган суғурта фондининг маблағлари қатъий мақсадли характерга эга бўлиб, суғурта ҳодисалари рўй берганда қоплама бериш учунгина ишлатилади. Суғурта фондининг маблағларини махсус ваколатли давлат органи белгилаган тартибда ва шартларда инвестиция қилишдан ташқари бошқа мақсадларда ишлатиш ман этилади. Суғурта фонди маблағлари давлат томонидан олиб қўйилиши ва солиққа тортилиши мумкин эмас.

Суғурта ихтиёрий ва мажбурий шаклларда амалга оширилади. Ихтиёрий суғурта турлари бўйича хизматлар жисмоний ва юридик шахсларга, уларнинг розилиги билан кўрсатилади. Ихтиёрий суғурта турларига юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки суғуртаси, транспорт воситалари суғуртаси, ҳаёт суғуртаси, молиявий ва тадбиркорлик рисклари суғуртасини мисол тариқасида келтириш мумкин. Ихтиёрий суғуртадан фарқли равишда мажбурий суғурта қонунчилик ҳужжатларига асосан ўтказилади ва бунда кўрсатилган юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг манфаати уларнинг ирода-сидан қатъи назар, мажбурий суғурта

қилинади. Масалан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси мажбурий шаклда амалга оширилади. Бундан ташқари, умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, автомобиль транспортидаги йўловчилар ҳам мажбурий суғурта қилинади. Шу ерда алоҳида таъкидлаш зарурки, мажбурий суғурта турлари билан бир қаторда мажбурий давлат суғурта турлари ҳам мавжуд. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ҳарбий хизматчилари бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилинадилар. Шунингдек, Давлат солиқ органлари ходимлари ҳам мажбурий давлат суғуртасига олинади. Мажбурий давлат суғуртаси бўйича суғурта хизмат ҳақлари – суғурта мукофотлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Суғуртанинг иқтисодий моҳияти ҳақида фикр юритар эканмиз, суғуртанинг мақсад ва вазифалари мустақиллик йилларида том маънода ўзгарганлигини таъкидлаш жоиз. 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда 26 та суғурта ташкилоти фаолият кўрсатаёпти. Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги “Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига муво-фиқ, мулк шаклидан қатъи назар, ҳамма суғурта ташкилотлари, 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод этилди⁵¹. Фармонда кўрсатилганидек, солиққа тортишдан бўшаб қолган пул маблағлари биринчи навбатда суғурта ташкилотларини моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланган. Шунингдек, ушбу пул маблағлари минтақаларда суғурта агентликлари тармоқларини кенгайтиришга, кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишга йўналтирилган. Шундай йул тутилиши мамлакат суғурта бозорининг ривожланишига катта имкониятлар яратди.

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. – “Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил 1 февраль.

24.2. Суғуртанинг ривожланиш босқичлари

Суғурта кишилик жамиятининг турли босқичларида мавжуд бўлган ва узоқ тарихга эга. Суғурта инсоният ва унинг мол-мулкини ишончли ҳимоялашнинг муҳим воситаси сифатида ўз ривожланиш тарихида икки босқични бошидан кечирган.

1. Тижоратга асосланмаган суғурта.
2. Тижоратга асосланган суғурта.

Тижоратга асосланмаган суғурта ибтидоий жамоа, қулдорлик ва феодал жамиятларига хос бўлиб, унда суғурталовчилар иттифоқи ўз олдига фойда олишни мақсад қилиб қўйишмаган.

Ибтидоий жамоа тузумида қабила шаклида турмуш кечирган инсонлар қурғоқчилик ва бошқа табиий офатлардан сақланиш учун озиқ-овқат, сув захираларини шакллантирганлар. Кейинчалик, қўл меҳнатининг такомиллашиши ва ишлаб чиқариш жараёнида асбоб-ускуналардан фойдаланиш (техник, ижтимоий хавф-хатарлар) ва аста-секинлик билан табиий бойликларни саноат усулида ўзлаштирилиши қўшимча хавф-хатарларни: ишлаб чиқариш, техник омилларни пайдо бўлишига олиб келди.

Дастлаб, инсонлар турли табиий офатлар ва бошқа олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳодисалар рўй беришини олдини олиш мақсадида худоларга сиғинишган. Стихияли ҳодисаларнинг рўй бериши, бу табиий ҳол эканлигини англаган инсонлар қулдорлик давридаёқ, ёнғин, қурғоқчиликдан сақланиш учун натура шаклидаги суғурта фондларини ташкил этишган.

Тарихий ҳужжатларга кўра, нотижорат суғуртанинг дастлабки шакллари, эрамиздан 2000 йил олдин Вавилон подшоҳи Хаммурапи қонунларида, шунингдек, Форс кўрфази, Қадимги Греция ва Миср, Қадимги Римдаги савдогарларнинг ўзаро тузган битимларида ўз аксини топган. Бу битим шартларига мувофиқ, умумий карвон сафида савдо қилувчи савдогарлардан бирортаси стихияли ҳодисалар ёки қароқчилар ҳужуми оқибатида зарар кўрса, бу зарарлар бошқа савдогарлар томонидан қопланиши белгиланган. Бу даврларда

махсус суғурта ташкилотлари бўлмаган ва суғурта бадаллари тўланмаган.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижасида суғуртанинг мазмуни такомиллашиб, унинг янги турлари пайдо бўлган. Хусусан, Қадимги Римда касбий (савдогарлар, ҳунармандлар, ҳарбийлар) ва диний белгиларга кўра, ўз уставларига эга бўлган коллегия, иттифоқлар бўлган. Коллегия ёки иттифоқ аъзолари суғурта бадалларини тўлашган ҳамда Уставда қайд этилган шартларда кўрилган зарарни қоплаш учун қопламалар олиш ҳуқуқига эга бўлган. Қадимги Римда эрамиздан 133 йил олдин Ланувийлар коллегияси ташкил топган ва фаолият юритган.

Ланувийлар Уставига мувофиқ, унга аъзо бўладиган шахслар 100 систерн миқдорида кириш бадалини тўлашган. Ойлик бадал суммаси – 5 ассани ташкил этган. Мабодо, коллегия аъзоси вафот этса, унинг меросхўрига 300 систерн ажратилган. Агар, коллегия аъзоси ўзини-ўзи ўлдирса ёки вафот этиш арафасида ойлик бадаллар тўлаш муддати 6-10 ой чўзилган бўлса, бундай ҳолатда унинг меросхўрларига суғурта суммаси тўланмаган.

Қадимги Римда нотижорат суғуртанинг ривожланганлигига яна бир мисол келтириш мумкин. Ҳарбий коллегияга аъзо бўлган шахслар кассага 750 динарий (1 динарий 4 систерн) тўлашган. Бу бадал бир маротаба тўлиқ тўланмасдан, ой-ой тўланишига рухсат этилган. Тўланган бадал эвазига, коллегия аъзоси хизмат юзасидан кўтарилса, унга 500 динарий; бошқа легионга ўтказилганда 500 динарий; вафот этса, унинг меросхўрига 500 динарий тўланган.

X-XIII асрларда суғурта гильдия ва цехлар томонидан амалга оширила бошланди. Масалан, X асрда Англияда гильдия аъзоларига тегишли ўғирланган ҳайвонларни қоплаш учун англосаксония Гильдияси ташкил этилган. XI асрда Данияда гильдия аъзолари, улардан қайси бири кема авариясига учраса ёки асирга тушса, унга умумий касса ҳисобидан зарар қопланган ёки асирдан қутқариш учун сотиб олинган. Кейинчалик гильдия суғуртаси ҳимоя қилувчи ва касбий гильдияларга бўлинишган. Ҳимоя қилувчи гильдиялар ўз аъзоларининг мол-мулкини турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилишган.

Хунармандчилик билан шуғулланувчи шахслар цехларга бирлашишган. Цех ўз аъзоларига бахтсиз ҳодисалар рўй берганда, қариллик туфайли меҳнат қобилиятини йўқотганда ва вафот этганда ёрдам кўрсатган. Цех ҳалок бўлган аъзосининг оиласини боқиш мажбуриятини олган.

Нотижорат шаклдаги суғурта Қадимги Русда ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, агар округ ҳудудида ўлим ҳодисаси рўй бериб, қотил аниқланмаса: князлик эркаги учун - 80 гривен (1 гривен - 409,536 гр. оғирликка эга кумуш қўйилмаси), оддий фуқаро учун эса - 40 гривен қоплама тўланган.

1. Европада тижорат суғуртаси пайдо бўлишининг биринчи босқичлари (XV-XVI аср охири).

2. Тижорат суғуртаси ривожланишининг иккинчи босқичи (XVI аср охири - XX аср охири).

3. Тижорат суғуртасининг учинчи босқичи (XX асрнинг охири - XX асрнинг ўрталари).

Тижорат суғуртаси пайдо бўлишининг биринчи босқичида суғурта хизмати олди-сотди объектига айланди; иккинчидан, суғурта фаолияти шаклланаётган бозор хўжалигининг муҳим тармоғига айланди; учинчидан, суғурта битимлари шартнома асосида тузиладиган бўлди.

XV асрда Италияда, суғурта операцияларини амалга ошириш орқали фойда олиш, денгиз орқали юк ташиш амалиётида жорий этилган. Ўша даврда Ўрта ер денгизи орқали юкларни ташишда Италия устун мавқега эга бўлган. Денгиз суғуртаси ривожланганлигини, 1393 йилда биргина нотариус орқали бир ҳафтада 80 та суғурта шартномаси тузилганлиги билан тушунтириш мумкин.

Бу даврларда денгиз суғуртаси Испания ва Португалияда ҳам тараққий эта бошлаган. Биринчи суғурта полиси 1347 йилда Барселонада берилган. 1468 йилда денгиз суғуртаси бўйича Венеция кодекси яратилади.

Кейинчалик, XVI асрга келиб денгиз суғуртаси бўйича хизмат кўрсатиш Англияга кўчади. 1601 йилда бу ерда денгиз суғуртасида юзага келадиган низоларни кўриб чиқадиган судлар ташкил этилган. XVI асрда саноат ишлаб чиқаришининг мануфактура шакли ўз ўрнини фабрика шаклига берди. Бу, ўз навбатида, суғурта янада ривожланиши учун катта имкониятлар яратди.

Тижорат суғуртаси шаклланишининг иккинчи босқичида мулк суғуртасининг бир шакли сифатида денгиз суғуртаси асосий тур сифатида ўз мавқеини сақлаб қолди.

Денгиз суғуртаси бўйича дастлабки жамият 1668 йилда Францияда ташкил этилган. XVI аср охирларида Лондонда хусусий суғурталовчиларнинг уюшмаси ташкил этилган. 1871 йилгача ушбу уюшма “Лондон ллойди” номи билан фаолият кўрсатиб келган. Германиядаги дастлабки суғурта жамиятлари 1765 йилда Гамбург ва Берлинда тузилган.

Денгиз суғуртасини пайдо бўлиши ва ривожланишига стихияли ҳодисалар, қурғоқчилик таъсир кўрсатган бўлса, Европа мамлакатларидаги урбанизация мулк суғуртасининг бошқа турларини вужудга келишига олиб келган. 1666 йилда Лондонда катта ёнғин бўлган ва натижада 70,0 минг киши ҳалок бўлган. Бу Европада ёнғиндан суғурталашни пайдо бўлишига шароит яратган. Англияда кўплаб ёнғиндан суғурталаш билан шуғулланувчи жамиятлар барпо этилган.

Германияда дастлабки ёнғиндан суғурталаш бўйича акциядорлик суғурта жамияти 1812 йилда тузилган.

Ҳаётнинг суғуртаси бўйича биринчи суғурта жамияти “Эквигебл” номи билан 1762 йилда ташкил этилган. 1830 йилга келиб, Англияда ҳаёт суғуртаси бўйича 35 та йирик жамиятлар фаолият кўрсатган. Ҳаётни суғурталаш бўйича дастлабки акциядорлик суғурта жамиятлари 1787 йилда Францияда ташкил этилган. Германияда эса 1806 йилга келиб, ҳаёт суғуртаси бўйича акциядорлик жамияти тузилган.

XVI аср охири ва XX асрнинг бошларига келиб саноат ишлаб чиқарилишининг ривожланиши мулк ва шахсий суғуртанинг тараққий этишини анча тезлаштирди. XX аср охирларида саноат соҳасидаги туб ўзгаришлар, хусусан, ишлаб чиқаришда илмий-техника ютуқларидан, электр энергиясидан кенг фойдаланиш технологик характердаги рискларни келтириб чиқарди.

1776 йили Россияда Давлат банки ҳузурида суғурта экспедицияси ташкил этилган.

1800 йилда Император фармони билан кема ва товарларни суғурталаш бўйича суғурта жамияти ташкил этилди, бироқ унинг мижозлари бўлмаганлиги учун тугатилган. Бу суғурта жамиятини қўллаб-қувватлаш учун Россия ҳукумати унга энг

асосий губерналарда суғурта ишини мутлақ амалга ошириш учун 20 йил муддатга ҳуқуқ берган.

1835 йилда иккинчи-ёнғиндан суғурталаш бўйича жамият тузилган. 1890-1900 йилларга келиб, ўзаро суғурталаш бўйича шаҳар жамиятлари бўлган ва ривожланган. 1909 йилда маркази Петербург шаҳрида бўлган ўзаро суғурталаш жамиятларининг Россия иттифоқи ташкил этилиб, 1914 йилда унинг таркибида 300 га яқин суғурта ташкилоти бўлган. 1894 йилда Россия Ички ишлар вазирлигига суғурта жамиятлари устидан назорат олиб бориш юклатилади. 1917 йилга қадар, Россияда суғурта иши рақобатга асосланган ҳолда ривожланишнинг юқори даражасига эришган эди.

Инсоният тараққиётининг дастлабки босқичларида ҳам суғурта тушунчаси билан боғлиқ муносабатларнинг мавжуд бўлганлиги тарихдан бизга маълум. Ибтидоий жамоа тузумида уруғ ва қабила шаклида ҳаёт кечирган шахслар олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳар хил ҳодисалардан сақланиш мақсадида озиқ-овқат захираларини яратганлар. Айримлар эса, содир бўлган сув тошқинлари ва қурғоқчилик каби нохуш ҳодисаларни худонинг қарғиши деб қабул қилганлар. Нима бўлганда ҳам, ўша даврларда кутилмаган ва бехосдан бўладиган, бир сўз билан айтганда, инсон иродасига боғлиқ бўлмаган вақеа-ҳодисалар рўй берганда кўриладиган зарарларни қоплаш учун захираларни ташкил этганликлари, шубҳасиз.

Инсоният цивилизацияси бошланган даврдан то бугунги кунгача бир неча минг йиллар ўтди. Аммо, суғуртанинг фундаментал, илмий асосланган принципларидан бири бўлган турли ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарларни қоплаш мақсадида захираларнинг шакллантирилиши бугунги кунда ҳам сақланиб қолган. Бу, ўз навбатида, бизга суғурта муносабатлари кўп минг йиллик тарихга эга деб таъкидлашимиз учун асос бўлади.

Кўпчилик мутахассислар, жумладан мана шу соҳага яқин баъзи мутахассисларимиз суғуртани ҳимоя воситаси сифатида тушунишади. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Суғуртани, фақат фалокат юз бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш нуқтаи назаридан ҳимоя воситаси деб талқин этиш унчалик ҳам тўғри эмас. Бунинг боиси, суғурта хоҳ у корхона,

ташкилот бўладими ёки фуқароларми, ҳамма учун ҳимоя воситаси бўла олмайди. Демак, кимлар суғурта ҳимоясида бўлиши мумкин? Фақат шундай юридик ёки жисмоний шахслар суғурта ҳимоясига олиниши мумкинки, улар албатта, суғурта захирасини ташкил этишда иштирок этган бўлиши лозим. Соддароқ қилиб айтганда, фуқаро ёки корхоналар маълум бир ҳақ эвазига суғурта хизматини сотиб оладилар. Улар тўлаган ҳақнинг бир қисми суғурта фаолиятини амалга оширувчи махсус ташкилот – суғурта ташкилоти барпо этадиган захира фондида сақланади. Олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зиён, шубҳасиз, унинг иштирокида шаклланган суғурта захира фонди ҳисобидан қопланади. Кўриниб турибдики, суғурта ҳимоясига фақат суғурта ташкилоти хизматини сотиб олган шахсларгина муяссар бўлишлари мумкин. Кимки, у юридик ёки жисмоний шахс бўлишидан қатъи назар, суғурта ташкилоти хизмати учун ҳақ тўламаса, яъни суғурта полисини сотиб олмаса, ўз-ўзидан уларга кўрилган зарарларни қоплаш учун маблағ берилмайди.

Суғурта ўзи нима деган саволга жавобан таъкидлаш жоизки, кутилмаган нохуш ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш учун мақсадли пул захираларини шакллантирилиши ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларга суғурта дейилади. Лекин, айтиш керакки айрим суғурта ҳодисаларини рўй бериши олдиндан маълум бўлади. Масалан, фуқароларнинг ҳаётини суғурта қилишда унинг маълум бир ёшга етиши суғурта ҳодисаси сифатида баҳоланади.

Иқтисоди тараққий этган давлатларда суғурта кундалик ҳаётнинг ажралмас бир бўлагига айланганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Бугунги кунда АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи давлатларида кўпчилик фуқаролар фақат ўз ҳаётларинигина эмас, балки бутун мол-мулкни, фарзандларини тўлиқ суғурталагани айна ҳақиқатдир. Бу бежиз эмас, албатта. Улар суғуртани «тинч ҳаёт кечириш учун тўлов» деб талқин этишади.

Суғурта ривожланган давлатлар иқтисодиётида муҳим ўрин тутишини қуйидаги рақамлардан ҳам англаб олиш мумкин. Япония ялпи ички маҳсулотида суғурта

хизматларининг ҳажми қарийб 12 фоизни ташкил этади. Кунчиқар мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи ўз ҳаётларини суғурта қилишган.

Суғурта мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги босқичга кўтарилди. Агар, ўша собиқ совет даврида мамлакат ичкарасидаги барча суғурта ишлари фақат «Госстрах» деб аталмиш давлат суғурта органлари томонидан амалга оширилган бўлса, бугунги суғурта бозорида 23 та суғурта ташкилоти 150 дан ортиқ суғурта хизматларини кўрсатишмоқда.

Биринчидан, биз ўз мол-мулкимизни суғурталасак, мабодо суғурталанган мол-мулк бирор олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳодисаларни юз бериши натижасида шикастланса, кўрилган зарар миқдори суғурта ташкилоти томонидан қопланади. Демак, ўз мол-мулкни суғурта қилдирган шахс суғурта ташкилоти тўлаган суғурта қопламаси эвазига йўқотилган моддий бойликлар қийматини тиклайди. Агар, суғурталовчи тегишли суғурта қопламасини бермаганида, эҳтимол, зарар кўрган шахс ўз мол-мулки қийматини тиклай олмаслиги мумкин эди.

Иккинчидан, суғурталанган шахсга тўланган суғурта қопламалари ва суммалари солиққа тортилмайди. Бу жуда муҳим. Гапнинг очиғи кўпчилик фуқароларимиз, суғуртанинг мана шу хусусиятидан тўлиқ хабардор эмаслар. Амалдаги солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ, фуқаролар ва корхоналар оладиган даромадлар белгиланган тартибда даромад (фойда) солиғига тортилиши лозим, улар учун берилган имтиёзлар бундан мустасно. Аммо, суғурта ҳодисалари рўй бериши натижасида кўрилган зарарларни қоплаш учун суғурта ташкилотлари томонидан тўланган пул маблағлари фуқаро ёки корхоналарнинг даромади сифатида баҳоланмайди.

Учинчидан, корхона ва ташкилотларнинг ўз мол-мулки ёки бошқа манфаатларини ихтиёрий суғурта қилиш билан боғлиқ харажатлари даромад (фойда) солиғи базасидан чиқарилади. Алоҳида таъкидлаш керакки, 2002 йилнинг бошларига қадар корхона ва ташкилотлар ўз мол-мулкни ихтиёрий суғурта қилиш бўйича тўлаган суғурта мукофотлари солиққа тортиладиган базага киритилар эди. Бу ҳолат уларни

ихтиёрий суғуртага бўлган манфаатдорлигини янада пайсантирар эди. Мамлакатимиздаги мавжуд корхона ва ташкилотларнинг анчагина қисми суғурта ҳимоясига олинмаганлигининг омилларидан бири ҳам ана шунда.

Тўртинчидан, суғурта қилиш йўли билан тўпланган суғурта мукофотларини катта қисми суғурта захираларида сақланади ва у суғурта ташкилотларини иқтисодиётни турли тармоқларини инвестиция ресурслари билан таъминловчи йирик инвесторга айлантиради. Бир сўз билан айтганда, суғурта ҳимоя воситаси бўлиш билан бирга иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминловчи омиллардан ҳамдир.

Юқорида қайд этилганидек, кутилмаган воқеа-ҳодисаларнинг рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш мақсадида инсонлар ўз ҳаётларини бахтсиз ҳодисалардан, корхона ва ташкилотлар эса табиий ҳамда бошқа хавф-хатарларнинг рўй бериш ҳолатларидан суғурта қилишади.

Умуман, суғуртанинг инсоният ҳаётидаги ва иқтисодиётни узлуксиз ривожланишини таъминлашдаги аҳамияти беқиёс. Буни эътиборга олиб, мамлакатимизда бозор инфратузилмасининг ушбу бўғинини ривожлантиришга катта эътибор берилляпти. 2002 йилда суғурта соҳасини ривожлантириш юзасидан давлат даражасида бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, 2002 йилнинг 31 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг эълон қилиниши суғурта тизимини тараққий эттириш йўлида муҳим қадам бўлди. Мазкур Фармонга мувофиқ, мулк шаклидан қатъи назар барча суғурта ташкилотлари 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 27 ноябрда қабул қилган Қарори соҳани ривожлантиришда катта аҳамият касб этди. 2002 йилнинг 5 апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Суғурта фаолияти тўғрисида» янги қонун қабул қилди. Бу қонуннинг қабул қилиниши суғурта муносабатларида иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқ ва

манфаатларини қонуний жиҳатдан ҳимоялашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Суғурта соҳасини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжати нормалари халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Жумладан, ривожланган чет эл мамлакатларидагидек, бизда ҳам суғурта хизматлари бозори иккига ажратилди: ҳаётни суғурта қилиш билан боғлиқ хизматлар бозори ва умумий суғурта хизматлари бозори. Ҳаётни суғурта қилишга ихтисослашган ташкилотлар умумий суғурта турларини ўтказиш, аксинча, умумий суғурта турларини амалга оширувчи ташкилотлар ҳаётни суғурталаш ҳуқуқига эга бўлмайди. Тўғри, бизда ҳаётни суғурта қилиш, айниқса узоқ муддатли суғурта турларини ривожлантиришда баъзи муаммолар мавжуд. Бу суғурта турини амалга ошириш учун фуқароларда суғурта ташкилотларига ишонч бўлиши билан бир қаторда етарли миқдорда маблағ ҳам бўлиши зарур. Фақат ҳаёт суғуртаси билан боғлиқ хизматларни кўрсатишда эмас, балки корхона ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳамда бошқа ихтиёрий суғурта турларини ўтказишда ҳам муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни ҳал этиш суғурта ташкилотлари ва уларнинг салоҳиятли мижозлари бўлмиш кўп минг сонли аҳоли, юридик шахслар раҳбарларининг ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ. Жамиятда аҳоли ва корхона ҳамда ташкилот раҳбарларининг суғуртага бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш лозим. Бу, ўз навбатида, суғурта ташкилотлари томонидан фаол тушунтириш, тарғибот ишларини олиб боришни тақозо этади.

24.3. Суғуртанинг ҳуқуқий асослари

Жамиятда фуқаролар ва уларнинг жамоаси ўз фаолиятлари жараёнида бир-бирлари билан тегишли ижтимоий муносабатда бўладилар. Ушбу муносабатларни бир қолипга солиш учун уларни тартибга келтириш яъни фуқаролар ва ташкилотларнинг хатти-ҳаракати доирасини белгилаш зарур. Баён этилганлар тўлалигача суғуртага ҳам тааллуқлидир. Суғурта ижтимоий-иқтисодий қонуният сифатида ҳуқуқий томондан мустақамланишни талаб этади. Суғурта фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинади.

Суғурта соҳасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар таркибига киради. Бундай муносабатлар фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, шартнома мажбуриятларини, шунингдек, мулкӣ ҳамда шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

Суғурта соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

- фуқаролар ва суғурта ташкилотлари ўртасида шаклландиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар;
- суғурта ташкилотлари ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлар;
- фуқаролар ва махсус давлат органлари ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар;
- суғурта ташкилотлари ва махсус ваколатли давлат органи ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар.

Фуқаролар ва суғурта ташкилотлари ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тегишли шартнома қоидаларига асосланади. Бунда бир томондан, суғурта ташкилотининг фуқаро олдида, иккинчи томондан, фуқаронинг суғурта ташкилоти олдидаги бурч ва мажбуриятлари пайдо бўлади. Яъни, тузилган шартномага кўра, фуқаро ўз вақтида суғурта мукофотини тўлаши шарт. Суғурта ҳодисаси рўй берганда эса, суғурта ташкилоти суғурта шартномасида қайд этилган шарт ва муддатларда суғурта қопламаси (суммасини) фуқарога тўлаб бериши лозим. Кўриниб турибдики, шартнома-фуқаролик-ҳуқуқий ҳужжат сифатида тарафларнинг ўзаро муносабатини ҳуқуқий тартибга соляпти.

Суғурта ташкилотларининг бир-бирлари ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари суғурта пули ва қайта суғурта қилиш билан боғлиқ тузилган шартномалар доирасида шаклланади. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, суғурта ташкилоти молиявий барқарорликни, бинобарин, суғурталанувчилар олдида ўз мажбуриятини бажаришни таъминлаш мақсадида суғурта пулида иштирок этиши ёхуд бошқа суғурта ташкилотлари ёки ихтисослашган қайта суғурта

ташкilotлари билан шартномавий муносабатларга кириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 959-моддасида «суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи ўз зиммасига олган суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш хавфи унинг томонидан тўлиқ ёки қисман бошқа суғурталовчида (суғурталовчиларда) у билан тузилган қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин» деб алоҳида қайд этилган.

Қайта суғурта қилиш шартномасига нисбатан, агар бунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Фуқаролик кодексининг тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш борасида қўлланиши лозим бўлган қоидалари татбиқ этилади. Қайта суғурта қилиш шартномасини тузган суғурта шартномаси (асосий шартнома) бўйича суғурталовчи кейинги шартномада суғурта қилдирувчи ҳисобланади.

Фуқаролар ва махсус давлат органлари ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар махсус ваколатли давлат органининг суғурталанувчилари бўлган фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этиш билан боғлиқдир. Амалиётда шундай ҳолатлар бўладики, суғурта ташкilotи суғурталанувчига суғурта ҳодисаси туфайли кўрилган зарарни қоплашдан асоссиз воз кечади мумкин. Бундай пайтда ўз манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя этиш мақсадида суғурталанувчи махсус ваколатли давлат органига мурожаат этиши мумкин.

Суғурта ташкilotлари ва махсус ваколатли давлат органи ўртасида пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Махсус ваколатли органнинг суғурта ташкilotларига нисбатан пайдо бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Суғурта фаолияти» тўғрисидаги қонунда ўз аксини топган. Махсус ваколатли давлат органи қонунда белгиланган тартибда суғурта ташкilotларининг фаолиятини назорат этиб боради. Зарурият бўлганда эса, суғурталанувчиларнинг манфаатини ҳимоя этиш мақсадида ундан суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни чақириб олиш ҳуқуқига эга.

Суғуртани ҳуқуқий тартибга солиш давлат томонидан суғурта муносабати қатнашчиларининг хатти-ҳаракатини ҳуқуқий нормалари воситасида амалга оширилади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларини суғуртавий ҳимоя қилиш учун кўпчилик шахслар томонидан ташкил этиладиган махсус фонд ҳисобидан амалга ошириладиган суғурта фаолияти жараёнида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатлар мавжуд. Ушбу муносабатларни тартибга соларидиган нормалар йиғиндисига суғурта ҳуқуқи дейилади.

Суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини икки турга бўлиш мумкин:

- суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунлар;
- суғурта фаолиятини тартибга солувчи умумий қонунлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йилнинг 5 апрелида қабул қилинган ва шу йилнинг 28 майида амалиётга жорий этилган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонун суғурта фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун ҳисобланади.

Суғурта муносабатларида иштирок этувчи томонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида 1993 йили Олий Мажлис «Суғурта тўғрисида» қонун қабул қилган эди. Ўтган йиллар мобайнида мазкур қонунга икки марта қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Табиийки, бу қонун ўша пайтда мавжуд бўлган иқтисодий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Яъни ушбу қонун суғурта муносабатлари қатнашчилари учун бироз юмшатиш ҳолатида амал қилди. Жумладан, унда суғурта ташкилотлари тугатилган тақдирда уларнинг суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятини бажариш тартиби тўлиқ ёритилмаган. Шунингдек, бу қонунда қонунчилик талабларини бузганлик учун томонларнинг жавобгарлиги ўз аксини топмаган ҳамда давлат суғурта назорати органининг суғурта ташкилотларига нисбатан таъсир қилиш имконияти кескин чегараланган эди.

Баён этилган ҳолатлар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичи талабларини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги «Суғурта тўғрисида»ги қонунни янгилаш ва такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқарди. Шунинг эътиборга олиб, 2002 йилнинг 4-5 апрель кунлари бўлиб ўтган

иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги янгидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан атрофлича муҳокама этилди ва қабул қилинди.

2002 йил апрель ойигача амалда бўлган суғурта соҳасини ҳуқуқий тартибга солувчи қонун “Суғурта тўғрисида”ги қонундир. Фикр-мулоҳаза юритмоқчи бўлган қонун эса “Суғурта фаолияти тўғрисида” дейилади. Талабаларимизда суғурта ва суғурта фаолияти тушунчалари ўртасида фарқ борми? деган ҳақли савол туғилиши мумкин: Саволга жавоб шу уларнинг орасида фарқ бор. Суғуртанинг моҳиятини оддий тил билан ифодалайдиган бўлсак, у ҳар хил тасодифий ҳодисалар рўй бериши оқибатида юридик ва жисмоний шахслар кўрадиган зарарларни суғурта ташкилоти томонидан қоплаш билан боғлиқ муносабат. Шунинг унутмаслик лозимки, суғурта ташкилоти ўз хиз-матини мижозларга тегишли ҳақ - суғурта мукофоти тўлаш эвазига кўрсатади. Суғурталовчи мижозлардан келиб тушган суғурта мукофотлари ҳисобидан мақсадли пул жамғармаларини ташкил этади ва бу жамғарма маблағлари фақат суғурта ҳодисалари туфайли кўрилган зарарларни қоплайди. Эътибор берган бўлсангиз, суғурта муносабатларида иккита томон иштирок этаяпти: суғурта ташкилоти (суғурталовчи) ва юридик ҳамда жисмоний шахслар (суғурталанувчилар). Суғурта фаолияти эса қонунда таъкидланишича, суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фақат суғурталовчи ва суғурталанувчидан иборат эмас. Унда қайта суғурталовчилар, қайта суғурталанувчилар, суғурта брокерлари ва агентлари ҳам иштирок этади.

Янги қонуннинг 4-моддасида суғурталовчиларнинг суғуртани амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмаслиги қайд этилган. Қайд этиш жоизки, суғурта фаолияти ҳам тадбиркорликнинг бир кўриниши. Мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш жараёнлари кечаётган ва тадбиркорлик ҳаракатларига кенг йўл очилаётган бир пайтда, тадбиркорлик тизимининг муҳим бўғинларидан бўлган суғурталовчилар учун бундай чекловнинг қонун йўли билан

белги-ланишига сабаб нима? Ўтган йиллар тажрибаси шундан далолат берадики, кўпгина суғурта ташкилотлари “суғурталовчи” ниқоби остида турли тижорат операцияларини, хусусан, савдо-воситачилик ишларини амалга оширдилар. Юридик ва жисмоний шахсларни суғурта қилиш ҳисобига келиб тушган суғурта мукофотлари, қоидага кўра, суғурта қопламаларини тўлашга мўлжалланган захира жамғармаларини ташкил этишга сарфланмасдан, балки суғурта фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга сарфланган ҳолатлар ҳам бўлган. Суғуртанинг асосий принципларидан бири-суғурталовчиларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришни таъминлайдиган суғурта захираларига эга бўлишидир. Таассуфки, баъзи суғурталовчилари, бундай захираларни шакллантирмаганликлари оқибатида мураккаб молиявий ҳолатни бошдан кечирган. Бу эса кўп минг сонли суғурталовчилар учун ноқулай вазиятларни вужудга келтиради.

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг диққатга сазовор томони, унинг 10-моддасида суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини аниқ кўрсатиб қўйилганлигидир. Маълумки, қонун ҳужжатларига мувофиқ, акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган. Аммо, 1998 йилнинг биринчи ярмигача суғурта фаолиятини тартибга солиш ваколати берилган давлат суғурта назорати органининг ташкил этилмаганлиги ва илгари Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган ташкилотларнинг фаолияти назорат қилинмаганлиги оқибатида янги ташкил этилган суғурта ташкилотларини давлат рўйхатига олишда муаммолар пайдо бўлган.

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонун 29 та моддадан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 52-боби суғуртавий ҳуқуқий муносабатларга бағишланган. Унда жами 47 та модда мавжуд. Кодекс суғурта ташкилотлари билан суғурталовчилар ўртасидаги, «Суғурта фаолияти

тўғрисида»ги қонун суғурта ташкилотлари ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Мустақиллик қўлга киритилгач, Президентимизнинг суғурта фаолияти билан боғлиқ бир қанча Фармонлари қабул қилинди. Улардан бири 1995 йилнинг 26 июлида ташкил этилган «Мадад» суғурта агентлиги фаолияти билан боғлиқ Президент Фармонидир. Ушбу Фармонга кўра, агентликнинг фаолият йўналишлари кўрсатилган ҳамда уни 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилганлиги таъкидланган. Президентнинг «Мадад» суғурта агентлигини ташкил этиш билан боғлиқ Фармонининг ижросини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси Қарор қабул қилди. Шу билан бир қаторда 1997 йил 18 февралда «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини, 1997 йилнинг 25 феврилида эса «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш бўйича Президент Фармонлари қабул қилинди. Бу Фармонларда қайд этилган компаниялар 5 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2002 йилнинг 31 январидида «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу Фармон суғурта хизматлари соҳасидаги эркинлаштириш жараёнини янада ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, республикада суғурта бозорини тараққий эттиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, суғурта ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган эди. Шунингдек, Фармонда 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб, мулкчилик шаклларида қатъи назар, суғурта ташкилотлари 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилиниши ва бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда мазкур ташкилотларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга, минтақаларда кенг тармоқли агентлик шохобчаларини ташкил этишга, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, шу жумладан, уларни чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йўналтирилиши аниқ белгилаб қўйилган.

Шуниси эътиборлики, солиқ олишдан бўшайдиган маблағлар-ни таркибида давлат улуши бўлган суғурта ташкилотлари устав жамғармаларини кўпайтиришга йўналтириш чоғида мазкур маблағлар давлатга тегишли улуш миқдорига қўшиб ҳисобланади. 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб тўрт йил мобайнида суғурта ташкилоти тугатилган ёки у суғурта фаолиятини тўхтатган ҳолларда даромад (фойда) солиғининг суммаси ушбу Фармонга мувофиқ берилган бутун имтиёзли давр учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

Фармонда белгилаб қўйилдики, юридик шахсларнинг ихтиёрий суғурта турлари бўйича сарф-харажатлари даромад (фойда) солиғини ҳисоб-китоб қилиш чоғида қонунчиликда белгиланган меъёрлар доирасида солиққа тортиладиган база ҳисобидан чегириб ташлана-ди. 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб хўжалик юритувчи субъект-лар харидорларга хизмат қиладиган банкларнинг кафолатлари ёки экспорт шартномаларининг сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда олдиндан ҳақ олмасдан ва аккредитив очмасдан, эркин алмаштириладиган валютага товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишлари мумкин.

24.4. Мулкий ва шахсий суғурта. Жавобгарлик суғуртаси

Мулкий суғурта ҳаёт суғуртасидан ташқари умумий суғурта тармоғида энг асосий суғурта турларини ўз таркибига олади. Маълумки, ҳар қандай корхона, ташкилот ёки фуқаро ўз мол-мулкани авайлаб-асрашга ҳаракат қилади. Аммо, кўнгилсиз воқеаларнинг тасо-дифан содир бўлиши оқибатида бу мол-мулклар зарарларланади ёки бутунлай нобуд бўлади. Режали иқтисодиёт тизимида барча корхоналар давлат тасарруфида бўлганлиги боис бундай воқеаларнинг рўй бериши натижасида етказилган зарарлар, аксарият ҳолатларда, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланган. Аммо иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш билан боғлиқ иқтисодий ислохотлар мулкий муносабатларни тубдан ўзгартириб юборди. Мулклар давлат тасарруфидан чиқарилиши туфайли хусусий

ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар барпо этилди. Табиийки, янги шароитда давлат хусусий сектордаги корхона ва ташкилотларнинг мулкий манфаатларига етказилган зарарлар учун масъулиятни ўз зиммасига олмайди. Бир томондан, бозор шароитида рақобатнинг мавжуд бўлиши ҳамда турли ички ва ташқи хавф-хатарлар тадбиркорлик фаолиятини бир маромда амалга оширишга таҳдид солса, иккинчи томондан, юқори фойда олишга интилиш катта таваккалчиликларни талаб этади.

Суғурта корхона ва ташкилотларнинг мулкий манфаатларини ишончли ҳимоя этувчи самарали восита сифатида бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади. Аммо ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда юридик шахсларнинг мулкий манфаатларини суғурта ҳимоясига олиш катта қийинчиликка учрайди. Бунга бир қатор омиллар таъсир кўрсатади:

- юридик шахслар тўлов қобилиятининг паст даражада бўлиши;
- суғурта ташкилотларига бўлган ишончнинг камлиги;
- юридик шахслар раҳбарларининг суғуртанинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тўлиқ тушуниб етмаслиги.

Ҳар қандай юридик ва жисмоний шахсда ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сақлаш, авайлаб-асрашдан манфаатдор бўлади. Бу мулкий манфаат суғурта объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 916-моддасида суғурталашга йўл қўйилмайдиган қуйидаги манфаатлар келтирилган:

- ғайриқонуний манфаатларни суғурталашга йўл қўйилмайди;
- қимор, лотереялар ва гаров ўйинларида иштирок этишда кўриладиган зарарни суғурталашга йўл қўйилмайди;
- гаровга олинганларни озод қилиш мақсадида шахс мажбуран қилиши мумкин бўлган харажатларни суғурталашга йўл қўйилмайди.

Юридик шахсларнинг қуйидаги мол-мулклар билан боғлиқ мулкий манфаати суғурта объекти сифатида қабул қилиниши мумкин:

- бинолар, иншоотлар, тугалланмаган қурилиш объектлари;

- ишчи машиналар, узатиш қурилмалари, қувват берувчи ускуналар;
- инвентарь;
- товар захиралари, хомашё, материаллар, ёқилғи ва бошқалар.

Суғурталанувчига мулк ҳуқуқи сифатида тегишли бўлган мол-мулклар ҳам, ижара ва кейинчалик эгалик ҳуқуқини бериш шarti билан қабул қилинган мол-мулклар ҳам суғурталаниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 915-моддасига кўра, мулкый суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкый манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Мулкый суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар суғурталаниши мумкин:

– муайян мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфи;

– фуқаролик жавобгарлиги хавфи – бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек, шартномалар бўйича жавобгарлик хавфи;

– тадбиркорлик хавфи – тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятидан кутилган даромадларни ололмаслик хавфи.

Юридик шахсларнинг мол-мулкни суғурталаш шартномаси уларнинг ёзма аризасига асосан тузилади. Мол-мулкни суғурталаш шартномаси тузилаётганида суғурталовчи суғурта қилинаётган мол-мулкни кўздан кечиришга, зарурият

бўлган тақдирда унинг ҳақиқий қийматини белгилаш мақсадида экспертиза тайинлашга ҳақли. Мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурта қилишда, агар суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, суғурта пули уларнинг ҳақиқий қийматидан (суғурта шартномасини тузиш куни турган жойидаги ҳақиқий қиймати) ошмаслиги лозим.

Суғурталовчиларнинг фаолияти тижоратга асосланган, бинобарин, фойда олишга қаратилган экан, улар ҳар қандай рискларни суғуртага қабул қилавермайди. Бошқача сўз билан айтганда, рисклар танланади. Рискларни танлаш суғурта шартномасини тузиш бўйича мижозлардан келиб тушган таклифларни таҳлил этишга қаратилган суғурта компаниясининг фаолиятидир. Суғурта компаниясининг мувозанатлашган суғурта портфелини шаклланишида рискларни танлаш иборасини амалий жиҳатдан ишлатиш муҳимдир. Суғурта амалиётида рискларни танлаш ишини сюрвейерлар амалга оширади. Рискларни танлаш риск менежмент соҳасида олиб бориладиган чора-тадбирларнинг бир қисмидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли Қарорига биноан “Суғурта фаолияти классификатори” тасдиқланган. Ушбу классификаторнинг 8 ва 9-класслари мос равишда “Мол-мулкни оловдан ва та-биий офатлардан суғурта қилиш” ҳамда “Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш” деб аталади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, суғурта шартномаси тузишдан олдин, суғурта ташкилотининг вакили суғурта ҳимоясига олинажак асосий воситаларни диққат билан кўздан кечириши шарт. Аммо ҳамма жойда ҳам бу муҳим қоидага риоя этилмайди. Оқибатда, баъзи суғурталовчилар суғурта объекти ҳақида нотўғри маълумотлар тақдим этиши мумкин. Мабодо, суғурталовчи мол-мулк ҳақида суғурта ташкилотига нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги маълум бўлса, бундай ҳолатда суғурталовчи суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта қопламасини тўламаслик ҳуқуқига эга бўлади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкни суғурта қилиш бўйича шартномалар тузишдан олдин, уларда бўш маблағ бор ёки йўқлигини билиш муҳим аҳамиятга эга. Тажрибанинг кўрсатишича, тегишли шартномалар тузилади, лекин корхоналарда маблағ етишмаслиги туфайли улар юридик кучга кирмасдан қолади. Суғурта шартномаси томонлар имзолагандан сўнг кучга киради, ammo суғурта ташкилотининг суғурта ҳодисаси рўй бериши оқибатида кўрилган зарарни қоплаш мажбурияти унинг ҳисоб-китоб рақамига суғурта мукофоти келиб тушгандан сўнг бошланади. Бу ҳақда шартномада алоҳида кўрсатилади. Сабаби, суғурта мукофоти келиб тушмасдан суғурта қопламасини тўлаш мантиқсиздир ва суғурта назариясининг фундаментал принципларига мос келмайди.

Юридик шахсларнинг мол-мулкни ва бошқа асосий воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш қоидаларига кўра, корхоналарга суғурта полиси улар томонидан суғурта ташкилотининг ҳисоб-китоб рақамига суғурта мукофоти келиб тушгандан кейин шартномада келишилган муддатда берилади. Суғурта полиси - суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта полисида қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт: суғурта компаниясининг юридик манзили, суғурталанувчининг номи, суғурта объекти, суғурта мукофотининг миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати. Суғурта қопламасини тўлашда суғурталанувчи суғурта полисини суғурта компаниясига тақдим этиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” 2002 йилнинг 27 ноябридаги 413-сонли Қарорида “Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш” 8-классга оид эканлиги кўрсатилган. Ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқнинг чўкиши, емирилиш, ер ости сувлари, сел, яшин уриши, зилзила, ядро энергияси таъсири натижасида мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турларининг жами ҳукумат қарори билан тасдиқланган “Суғурта фаолияти классификатори”нинг 8-классига мос келади. Дўл, қалин қор ёғиши ёки қаттиқ совуқ тушиши, бузиб кириб, ўғирлик қилиш ва бошқа воқеалар натижасида мол-

мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари 9-класс доирасида амалга оширилади.

Суғурта ҳодисалари суғурталанувчиларнинг эҳтиётсизлиги, атайдан қилинган хатти-ҳаракати натижасида содир этилса ва унинг натижасида мол-мулкка зарар етказилса, бу зарарлар суғурталовчи томонидан қопланмайди. Шу ерда сиёсий рискларни содир бўлиши оқибатида кўрилган зарарлар ҳам қопланмаслигини эслатиб ўтиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Юридик шахслар мол-мулкни суғуртаси бўйича суғурта суммаси мол-мулк баланс қийматига нисбатан фоизларда ҳисобланади. Тариф ставкасини аниқлашда мол-мулкнинг жойлашган ўрни, эскирганлик ва риск даражаси каби омиллар ҳисобга олинади.

Ҳар қандай шартномада бўлгани каби, юридик шахслар мол-мулкни суғурталаш шартномасида ҳам унда иштирок этувчи томонлар тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Чунончи, суғурталовчининг ҳуқуқига қуйидагиларни киритиш мумкин: суғурталанган мол-мулкнинг ҳолатини, сақланишини бутун суғурта шартномаси амалда бўлган даврда текшириш, суғурталанувчи томондан суғурта шартномаси шартлари бажарилмаганда уни бекор қилиш, мол-мулкларнинг зарарланиши ва нобуд бўлишида айбдор бўлган шахслар аниқланганда суғурта қопламасини улардан ундириб олиш ва бошқалар. Суғурта шартномасига мувофиқ, суғурталовчи шартномада белгиланган муддатда суғурта полисини суғурталанувчига бериши, суғурта ҳодисаси туфайли кўрилган зарарларни аниқлаш ва уни қоплаш чоратадбирларини кўриши шарт. Суғурта ташкилоти суғурталанувчининг мол-мулки ҳолатига оид маълумотларини сир сақлаши талаб этилади.

Юридик шахслар-суғурталанувчилар сифатида суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчидан маслаҳатлар олиш, суғурталаш қоидалари билан танишиш каби ҳуқуқларга эга. Айти пайтда, суғурталанган корхоналар мол-мулки зарарланганда ёки нобуд бўлганда унинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриши зарур, суғурта шартномасида кўрсатилган муддатда суғурта мукофотини тўлашга мажбур. Акс ҳолда, суғурта шартномаси ўз кучини йўқотиши мумкин.

Шахсий суғурта – бахтсиз ҳодисалар ёхуд табиий ҳодисалар рўй бериши оқибатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига шикаст етказилиши билан боғлиқ уларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоялашга қаратилган суғуртанинг мустақил тармоғи. Шахсий суғурта фуқаролар бошига кулфат тушганда уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу маънода, шахсий суғурта ижтимоий ҳимоянинг ҳаётӣ тажрибада синалган ишончли шаклидир.

Шахсий суғуртанинг, хусусан унинг ажралмас бўғини бўлган фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғуртасининг жорий этилиши бир неча асрлик тарихга эга. 1541 йилда Европада мавжуд бўлган денгиз ҳуқуқи қоидаларига кўра, кема эгалари шу кема капитанларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталашлари шарт бўлган.

Шахсий суғуртанинг баъзи белгилари қадимги римликларда ҳам маълум бўлган. Ўша пайтда Диана ва Антони мухлисларининг диний жамияти бўлган. Унга аъзо бўлиб кирган шахслар аъзолик бадалини тўлашган. Жамият аъзоларидан бири вафот этганда уни кўмиш билан боғлиқ харажатлар жамият ҳисобидан амалга оширилган ва ҳатто, пул маблағларининг муайян қисми вафот этган шахснинг меросхўрларига берилган.

1699 йил Англияда шахсий суғурта билан шуғулланадиган дастлабки суғурта ташкилоти барпо этилган ва у аввало бева аёллар ҳамда етим болалар суғуртасини амалга оширган. Бу жамиятнинг номи “Экватебл” деб аталган. XVIII асрда эса Германияда суяк синиши ҳолатларидан ҳимоялаш бўйича ўзаро ёрдам уюшмалари ташкил этилган. 1849 йили Англияда темир йўлларда бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича дастлабки “Railway Death Rassengers Company” номли суғурта компанияси тузилди.

Ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс шахсий суғурта бўйича суғурталанувчи бўлиши мумкин.

Шахсий суғурта бу инсон ҳаётига, унинг меҳнат қобилияти ва саломатлигига таҳдид соладиган турли хавф-хатарлардан ҳимояланишнинг муҳим шаклидир. Ҳозирги пайтда шахсий суғурта суғурта фаолиятининг йирик тармоғи сифатида жаҳон амалиётида кенг қўлланилади. Тараққий этган давлатларда

шахсий суғурта турлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари бошқа суғурта турлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотларига нисбатан юқори салмоққа эга. Масалан, АҚШ да жами йиғилган суғурта мукофотлари ҳажмида шахсий суғуртанинг ҳиссаси 50,0 фоиздан юқоридир.

Ўтган асрнинг бошларида Ўзбекистон ҳудудида Россия суғурта ташкилотларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатган ва улар аҳолига шахсий суғурта хизматларини кўрсатишган. 1917 йилдан 1990 йилгача мамлакатимизда шахсий суғурталаш ишлари давлат суғурта органлари (Госстрах) томонидан амалга оширилган. Ана шу даврда суғурта шартлари, қоидалари ва тарифлари марказда - Москвада ишлаб чиқилар ва аксарият ҳолларда маҳаллий шарт-шароитлар ҳамда хусусиятлар ҳисобга олинмас эди.

1991 йилда Ўзбекистоннинг ўз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини қўлга киритиши ҳаётимизнинг барча жабҳалари қаторида суғурта соҳасини ҳам бозор муносабатлари тамойилларига мос равишда ривожланиши учун шароит яратди. Тўғри, мустақилликнинг дастлабки йилларида иқтисодиётда рўй берган кескин ўзгаришлар қисқа муддат бўлса-да, пулнинг қадрсизланишига, пировардида, аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетишига олиб келди. Шубҳасиз, бу ҳолат шахсий суғуртанинг аҳоли ўртасидаги оммавийлигига путур етказди. Натижада, бу суғурта турлари бўйича суғурта шартномалари сони ва суғурта мукофотлари миқдори камайди. Масалан, 1993 йилда шахсий суғуртанинг алоҳида тури бўлган ҳаёт суғуртаси бўйича жами 1770356 дона шартнома тузилган ҳолда бу кўрсаткич 1994 йилда 406864 донага камайган.

Бундай салбий вазиятни олдини олиш ва аҳолининг шахсий су-уртага бўлган ишончини тиклаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида” 1995 йилнинг 20 декабрида ПФ № 1327-сон Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга биноан, 1996 йилдан бошлаб аҳолининг 1992 йил 1 январгача бўлган ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган Давлат суғурта бош бошқармаси муассасаларида турган ҳаётни, болаларни суғурта қилиш, никоҳ кунда бериладиган узоқ

муддатли суғурта шартномалари тўловларини босқичма-босқич индексация қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Давлат суғурта муассасалари томонидан 1996 йилнинг 1 январидан 1 июлигача бўлган муддатда фуқароларнинг 400,0 мингдан зиёд шартномалари индексация қилинди.

Ўзбекистон Республикасида шахсий суғуртани амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари Фуқаролик кодексининг 921-моддасида акс эттирилган. Унга кўра, шахсий суғурта шартномаси бўйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг ҳаёти ёки соғлигига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки вақт-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади. Шунингдек, кодексда шахсий суғурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс суғурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади, деб кўрсатилган.

Шахсий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

- суғурталанган шахс тўғрисида;
- суғурталанган шахс ҳаётида юз бериши эҳтимол тутилиб, суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;
- суғурта пули миқдори тўғрисида;
- суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;
- шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Тарафларнинг келишувига биноан шартномага бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Агар суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи ҳисобланган фуқаронинг аҳволини қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларни ўз ичига олса, шартноманинг ана шу шартлари ўрнига қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари қўлланилади.

Суғурталанувчининг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти билан боғлиқ мулкӣ манфаатлари шахсий суғуртанинг объекти ҳисобланади. Суғурталовчи ва суғурталанувчилар ҳамда суғурталанган шахслар шахсий суғурта субъектларидир.

Шахсий суғурта, одатда, фуқароларни қуйидаги хавф-хатарлардан ҳимояланишини назарда тутди:

- суғурталанувчининг ёки суғурталанган шахснинг вафот этиши;
- меҳнат қобилиятини вақтинчалик йўқотиши;
- нафақа ёшига етиши билан фуқаронинг фаол меҳнат фаолиятини тугаши.

Юқорида қайд этилган ҳамма ҳолатларда суғурта ҳодисасини рўй бериши суғурталанувчининг ёки суғурталанган шахснинг даромадини камайишига сабаб бўлади.

Илмий-иқтисодий адабиётларда шахсий суғурта турлича таснифланади. Мутахассислар ўртасида кенг тарқалган фикрларга кўра, шах-сий суғурта 2 та кичик тармоққа бўлинади:

- ҳаёт суғуртаси;
- соғлиқни суғурталаш;

Соғлиқни суғурталаш, ўз навбатида, 2 та гуруҳга бўлинади:

- бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;
- тиббий суғурта.

Шахсий суғуртанинг ҳаёт суғуртасига ва соғлиқ суғуртасига бў-линишига асосий сабаб, суғурта суммаларини жамғарилиб борили-шидир. Ҳаёт суғуртаси узоқ муддатли бўлиб, унда шартнома бўйи-ча белгиланган суғурта суммаси ҳар йили жамғарилиб борилади.

Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталашда суғурта сум-малари жамғарилмайди, муддати 1 йилдан ошмайди.

2002 йилнинг 28 майидан эътиборан “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан суғурта 2 та тармоққа бўлинди:

- ҳаёт суғуртаси;
- умумий суғурта.

Қонунга асосан суғурталовчиларнинг фаолияти суғуртанинг қайси тармоғига ихтисослашганлигига қараб алоҳида лицензияланадиган бўлди. Ҳаёт суғуртасини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган суғурталовчилар умумий суғурта турларини ўтказишга ҳақли эмас ёки аксинча.

Шахсий суғурта ихтиёрий ва мажбурий шаклларда амалга оширилади.

Ихтиёрий шахсий суғурта турларига қуйидагилар киради:

- ҳаёт суғуртаси;
- фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;
- фуқароларнинг соғлиғини ва касалликлардан суғурталаш;
- фуқарони маълум ёшгача суғурталаш;
- вафот этиш ҳолатидан узоқ муддатли суғурталаш;
- тиббий суғурталаш;
- чет элга чиқувчи фуқароларни касалликлардан суғурталаш;
- мактаб ўқувчиларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш.

Мажбурий тарзда амалга ошириладиган шахсий суғурта турларига қуйидагилар киради:

- йўловчиларни бахтсиз ҳодисалардан мажбурий суғурталаш;
- солиқ органлари ходимларини бахтсиз ҳодисалардан мажбурий давлат суғуртаси;
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларини бахтсиз ҳодисалардан мажбурий давлат суғуртаси.

Мажбурий давлат суғуртасини 2003 йил 1 январдан бошлаб “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ўтказиб келмоқда. Ушбу суғурта турлари бўйича суғурта тарифи бир суғурталанувчига бир йилга энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридан белгиланган. Суғурта мукофотлари суғурталанувчи учун республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари, асосан, қуйидаги суғурта турларини амалга оширади:

- бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;
- ихтиёрий тиббий суғурта ва касал бўлиш ҳолатидан суғурта;
- чет элга кетаётган шахсларнинг суғуртаси;
- ҳаёт суғуртаси.

Юқорида қайд этилган суғурта турлари ичида бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш кенг тарқалган бўлиб, улар “Ўзбекинвест” ЭИМСК, “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниялари, “Мадад” суғурта агентлиги каби бир қатор суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Шахсий суғуртанинг ихтиёрий турлари бўйича тариф ставкалари суғурта ташкилоти томонидан бозордаги талаб ва таклиф, мижознинг ёшини ҳисобга олган ҳолда актуар ҳисоб-китоблар асосида ишлаб чиқилади. Шахсий суғуртанинг мажбурий турлари бўйича тариф ставкалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, ҳукумат томонидан белгиланади.

Суғурта бозорида мижозларни жалб этиш бўйича рақобат бўлганлиги туфайли ихтиёрий шахсий суғурта турлари бўйича тариф ставкалари доимо ўзгариб туради. Масалан, “Ўзбекинвест” компаниясида 20-25 ёшлардаги шахсларни 100,0 минг сўмга суғурталаш учун тариф ставкаси ана шу суғурта суммасига нисбатан 1,125 фоизни, ёши 55-60 да бўлган фуқаролар учун эса тариф ставкаси 1,575 фоизни ташкил этади. “Ўзагросуғурта” суғурта компаниясида мактаб ўқувчиларини бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш бўйича тариф ставкаси суғурта суммасига нисбатан 0,2 фоиз миқдорида белгиланган.

“Кафолат” суғурта компаниясида талабаларни бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғуртаси бўйича тариф ставкаси суғурта сумма-сига нисбатан 0,5 фоизни ташкил этади.

Шахсий суғурта турлари таркибида фуқароларни бахтсиз ҳоди-салардан ихтиёрий суғурталаш алоҳида ўринга эга. Шу боис, биз ушбу суғурта тури билан яқиндан танишамиз. Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш бўйича шартнома қонунга кўра юридик ва жисмоний

шахсларни ёзма аризаси асосида тузилади. Шартнома тузишдан олдин суғурта ташкилоти ўз мижозларига суғурта хизматини таклиф этади. Юридик ва жисмоний шахслар суғурта шартномаси тузишдан олдин, албатта, суғурталовчининг молиявий ҳолати, лицензияси мавжудлиги билан қизиқиши лозим.

Суғурта шартномаси тузишдан олдин суғурта ташкилоти вакили суғурталаётган фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш қоидалари билан таништириши лозим. Мазкур суғурта тури бўйича фуқароларни бахтсиз ҳодиса рўй бериш натижасида соғлиғи ва ҳаётини сақлаш билан боғлиқ манфаати суғурта объекти ҳисобланади. Суғурталовчи, одатда, асаб ва руҳий касалликка дучор бўлган, шол, кўзи ожиз шахслар, эшитиш қобилияти заиф бўлган ва ногирон шахслар билан суғурта шартномасини тузмайди.

Суғурталанган шахснинг ҳаётига ва соғлиғига қуйидаги бахтсиз ҳодисаларнинг рўй бериши натижасида шикаст етганда суғурта суммалари берилиши мумкин: жароҳат олганда; суякларнинг синиши, чи-иши; ички органларнинг зарарланиши; куйиш; тери қатламларининг совуқ уриши; электр токи таъсирида жароҳатланиш; кимёвий моддалар ва зарарли ўсимлик таъсирида зарарланиш; тиш синиши.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган ҳолатлар натижасида ўлим ҳолати юз берганда ҳам суғурта суммаси тўланади.

Қуйидаги ҳодисаларнинг рўй бериши оқибатида суғурталанган шахснинг ҳаёти ва соғлиғига шикаст етказилса ёхуд ўлимга олиб келса суғурта суммаси тўланмайди: ядро портлаши; радиация ва нурланиш; суғурталанган шахснинг атайин хатти-ҳаракати натижасида бахтсиз ҳодисалар юз берганда, ўз жонига қасд қилганда ва жиноий ҳаракатлар натижасида рўй берганда.

Суғурта мукофоти суғурта ташкилотининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушгандан сўнг, у шартномада кўрсатилган муддат ичида фуқароларга суғурта полисини бериши шарт. Агар суғурта полиси йўқотилган тақдирда суғурта ташкилоти суғурталанган шахсга унинг дубликатини беради.

Суғурталанувчиларнинг ҳуқуқларига қуйидагилар киради: суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталанган

шахс суғурта ташкилотидан суғурта масалалари бўйича маслаҳатлар олиш; суғурта полиси йўқотилганда унинг дубликати олиш.

Фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталашда суғурталанган шахслар яна қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин: суғурта суммасини олишда низолар пайдо бўлганда мустақил экспертни жалб этиш; суғурталовчи билан келишилган ҳолда амалдаги суғурта шартномасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш; суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш.

Суғурталанувчининг мажбуриятларига қуйидагилар киради: суғурта шартномасида кўрсатилган муддат ва шартларда суғурта мукофотини тўлаш; суғурталанган шахсларга суғурта шартномаси шартлари тўғрисида маълумотлар бериш.

Суғурталовчининг ҳуқуқлари эса қуйидагилар киради: суғурта ҳодисалари суғурталовчи томонидан тан олинмаганда суғурта суммаларини тўламаслик; суғурта шартномасида кўрсатилган муддатда суғурта мукофоти тўланмаса, суғурта шартномасини бекор қилиш. Унинг мажбуриятларига қуйидагилар киради: суғурталанувчини фуқароларнинг бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш қоидалари ва суғурта шартномаси шартлари билан таништириш; суғурта шартномасида кўрсатилган муддатда суғурта полисини бериш; суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта суммасини тўлаш; суғурта суммасини тўлашдан воз кечилганда, шартномада кўрсатилган муддатда бу ҳақда суғурталанувчига ёзма равишда хабар бериш.

Суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурталанган шахслар воқеа тафсилотлари ҳақида қисқа муддатда суғурталовчига хабар бериши лозим. Суғурта суммасини олиш учун суғурталанган шахслар суғурталовчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

1. Суғурта полиси.

2. Даволаш-профилактика муассасасидан суғурталанган шахснинг даволанганлигини тасдиқловчи маълумотнома.

Зарурият бўлганда суғурталовчи суғурта суммасини тўлаш масаласини ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни сўрашга ҳам ҳақли.

Бахтсиз ҳодисалар натижасида ўлим ҳодисаси рўй берганда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Суғурта полиси.
2. ФХДЁдан фуқаронинг вафот этганлигини тасдиқловчи маълумотнома.
3. Меросхўрлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.
4. Агар ўлим ҳодисаси йўл-транспорт ҳодисаси натижасида рўй берган бўлса, йўл ҳаракати хавфсизлиги идорасидан олинган маълумотнома.
5. Фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат.

Суғурталовчи зарурият бўлганда юқоридаги ҳужжатлардан ташқари бошқа ҳужжатларни сўрашга ҳам ҳақли.

Суғурталовчи томонидан суғурта суммасини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинганда суғурта суммаси шартномада кўрсатилган муддат ичида миқдор ёки унинг меросхўрига тўланади.

Ўзбекистон Республикасида кенг қамровли иқтисодий ислохотларни амалга ошириш турли мулкчилик шаклига эга суғурта ташкилотларининг вужудга келиши билан бир қаторда янгидан-янги суғурта хизматларини кўрсатишга шарт-шароит яратди. Ана шундай суғурта хизматларидан бири – жавобгарликни суғурта қилишдир.

Кўпгина иқтисодий адабиётларда жавобгарлик суғуртаси суғуртанинг мустақил тармоғи сифатида ёритилади. Жумладан, профессор В.В.Шаховнинг таъкидлашича “Жавобгарликни суғурталаш мулк ва шахсий суғуртадан фарқ қилиб, суғурталовчининг учинчи шахсларга зарар етказиш юзасидан жавобгарлигини назарда тутди”. Суғурта соҳасидаги тажрибали мутахассислардан бири доцент М.А Сафронов жавобгарлик суғуртасига қуйидагича таъриф беради: “бир шахс томонидан бошқа бир шахс мулккий манфаатларига зарар етказиш – жавобгарликни суғурталовчи ихтиёрига ўтиши тушунилади»⁵².

Бозор муносабатларига ўтишга қадар, бошқа собиқ иттифоқ рес-публикалари каби Ўзбекистонда ҳам жавобгарлик суғуртаси бўлмаган. Суғурта соҳасида давлат монополиясининг тугатилиши ва бунинг натижасида

⁵² Сафронов А. Страхование ответственности. – “Страхование дело”, №2 1997 г. стр.12.

рақобатнинг вужудга келиши янги хизмат турларини, хусусан, жавобгарликни суғурталаш турларининг жорий этилишини талаб қилди.

Жавобгарлик суғуртаси – тасодифан ва олдиндан кўзда тутилмаган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар томонидан учинчи бир шахсларга етказилган зарарни суғурта воситасида қоплаш билан боғлиқ муносабатлар йиғиндисидир.

Жавобгарликни суғурталаш суғуртанинг энг ёш ва мустақил тармоғидир. Унинг пайдо бўлганлигига 100 йилдан ошди⁵³. Жавобгарликни суғурталаш ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олиб, унинг ривожланиши фан ва техника тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур суғурта турларининг иқтисодий моҳияти шундаки, суғурталанувчининг учинчи шахсларга етказган зарарларини тўлаш мажбуриятини суғурталовчи ўз зиммасига олади. Суғурталанувчи сифатида ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс майдонга чиқиши мумкин. Баъзи ҳолатларда учинчи шахсларга етказилган зарар жуда катта миқдорни ташкил этади ва айбдор уни тўлиқ қоплаш имкониятига эга бўлмайди. Агар, учинчи шахсга зарар етказган шахс ўзининг жавобгарлигини суғурталаган бўлса, унинг учун моддий зарарни суғурталовчи тўлайди.

Жавобгарлик суғуртасининг айрим унсурларини қадимги Римда ҳам кўриш мумкин. Римда “денгиз хатарларидан ҳимояланиш бўйича жамият” ташкил этилган ва унинг вазифаси жамият аъзолари денгиз қароқчилари томонидан ўғирланганда уни сотиб олиш харажатларини тўлашдан иборат бўлган. Грек ҳуқуқида ҳам жавобгарлик суғуртасининг айрим жиҳатлари назарга ташланади.

Жавобгарлик суғуртасининг ҳозирги замон шаклига ўхшаш турлари илк марта XIX асрнинг биринчи ярмида Францияда пайдо бўлган. У от ва машина эгаларини бахтсиз ҳодисалардан ва каско-суғуртасидан ташкил топган.

Мустақил соҳа сифатида жавобгарликни суғурталаш саноатнинг ривожланиши билан янги босиқичга кўтарилди. Ишлаб чиқаришнинг фабрика усулига ўтилиши ишлаб чиқариш воситалари ишлатишда юзага келадиган рискларни вужудга келишига олиб келди. Транспорт воситаларини

⁵³ Основы страховой деятельности. Учебник (отв.ред. проф. Т.А.Федорова). – М.: «БЕК», 2001 г. с. 549.

яратилиши, шубҳасиз, йўл ҳаракати иштирокчиларининг манфаатига дахлдор бўладиган рискларни пайдо бўлишига сабаб бўлди. Транспорт воситасини бошқариш натижасида фуқарони жабрланиши билан боғлиқ дастлабки ҳодиса 1897 йил Лондонда бўлган. Бунда соатига 7 км тезликда келаётган машина йўловчига тан жароҳати етказган⁵⁴.

Жавобгарлик ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан учга бўлинади:

- ижтимоий жавобгарлик;
- маънавий жавобгарлик;
- ҳуқуқий жавобгарлик.

Ижтимоий жавобгарлик умумий тушунча бўлиб, жамиятдаги барча жавобгарликни ўз ичига олади. Фуқароларнинг ўзаро муомаласида ахлоқий нормаларнинг бузилиши маънавий жавобгарликни келтириб чиқаради. Ҳуқуқий жавобгарлик эса давлат томонидан ўрнатилган қонуний нормаларнинг бузилиши оқибатида юзага келади.

Ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзи бир қанча турларга бўлинади. Жумладан, интизомий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, моддий жавобгарлик, жиноий жавобгарликка бўлинади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган жавобгарликлар ичида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ўзига хос ўрин эгаллайди. Зеро, жавобгарликни суғурталаш фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик билан чамбарчас боғлиқ. Бу жавобгарлик, одатда, бир шахс томонидан иккинчи бир шахсга мулкӣ зарар етказганда юзага келади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қуйидаги иккита турга бўлинади:

- шартномавий жавобгарлик;
- шартномасиз жавобгарлик.

Шартномавий жавобгарлик шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида юзага келади. Бунда бир томон иккинчи томоннинг айби билан зарар кўради.

Шартномасиз жавобгарлик деганда айбдор томонидан жабрланувчига у билан шартнома муносабатларида бўлмаган

⁵⁴ Основы страховой деятельности. Учебник (отв.ред. проф. Т.А.Федорова). – М.: «БЕК», 2001 г. с. 550.

ҳолда зарар етказиш тушунилади. Масалан, автомобиль транспорти эгаси ўзига тегишли бўлган транспорт воситасини нотўғри бошқариш оқибатида тасодифан учинчи шахс ҳисобланувчи йўловчига тан жароҳати етказди. Бунда томонлар муқаддам шартнома муносабатларида бўлмаган.

Ўзида бир нечта суғурта турларини мужассамлаштирган ҳамда суғурта соҳасининг мустақил тармоғи бўлган жавобгарлик суғуртасининг моҳияти шундан иборатки, у жисмоний ва юридик шахсларга суғурталанувчи томонидан етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилгандир. Жавобгарлик суғуртаси ўзида мол-мулк ва шахсий суғурта турларининг айрим қирраларини намоён этган. Яъни, агар зарар юридик ёки жисмоний шахснинг мол-мулкига етказилган бўлса – мол-мулк суғуртасини; агар зарар жисмоний шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган бўлса, шахсий суғурта турларини қамраб олади.

Жавобгарлик суғуртасида, суғурталанувчининг учинчи шахсларга етказган зарарларини қоплаш билан боғлиқ мулкӣ манфаатлари суғурта объекти бўлиб ҳисобланади. Суғурталанувчининг учинчи шахсларга етказган зарарларини қоплаш билан боғлиқ жавобгарлиги тузилган суғурта шартномасига мувофиқ муайян ҳақ тўлаш эвазига суғурталовчига ўтказилади. Суғурта ҳодисаси рўй берганда, яъни суғурталанувчи учинчи шахсларга зарар етказганда, бу зарарлар суғурталовчи томонидан қопланади.

Айни чоғда, мол-мулк ва шахсий суғурта турларидан фарқли равишда, жавобгарлик суғуртаси биринчи навбатда суғурталанувчи томонидан учинчи шахсларга етказилган зарарларни қоплаш ва бир вақтнинг ўзида суғурталанувчининг мулкӣ манфаатларини ҳимоя этиш воситасидир. Суғурталанувчининг мулкӣ манфаатлари деганда, учинчи шахсларга етказилган зарарларни қоплаш юзасидан у кўрадиган зиённи тушуниш керак. Агар, суғурталанувчининг учинчи шахсларга зарар етказиш жавобгарлиги суғурталанган бўлса, зарар суғурталовчи томонидан келишилган суғурта суммаси доирасида қопланади.

Маълумки, мол-мулк суғуртасида суғурта суммаси шу мол-мулкнинг бутун қиймати доирасида ёки унинг бир қисми

сифатида аниқланиши мумкин. Жавобгарликни суғурталашда эса томонлар ўзаро келишган ҳолда учинчи шахсларга зарар етказилганда уларга тўланадиган суғурта қопламаси суммасини, яъни жавобгарлик лимитини белгилайдилар. Шунинг учун жавобгарлик суғуртасида “суғурта суммаси” тушунчаси ўрнига “жавобгарлик лимити” деган тушунча қўлланилади. Қоидага кўра, жавобгарликни суғурталаш шартномаларида бир йиллик жавобгарлик лимити кўрсатилади. Шунингдек, шартномада ҳар бир суғурта ҳодисаси бўйича ҳам жавобгарлик лимити белгиланади.

Суғурталовчилар суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирдагина суғурта қопламасини тўлайди. Суғурталанувчи томонидан учинчи шахсларга зарар етказилиб, бу зарарни айбдор томонидан мажбурий қопланиши хусусида қонун кучига эга суд қарори қабул қилингандагина суғурта қопламаси тўланиши мумкин.

Суғурталанувчининг тасодифан ва ўзи билмаган ҳолда учинчи шахсларга етказган зарарини аниқроқ ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин:

- учинчи шахс бўлган фуқаронинг ҳаётига, соғлиғига жароҳат етказилиши ёки ўлим ҳолатининг рўй бериши;
- учинчи шахс бўлган фуқаро ёки юридик шахснинг мол-мулкига зарар етказилиши.

Жавобгарликни суғурталаш орқали учинчи шахсларга етказилган мулкӣ зарар қопланади, аммо бу билан айбдор шахс жиноий ёки маъмурий жавобгарликдан озод этилмайди. Масалан, автомобиль эгаси йўл-транспорт ҳодисаси рўй бериши натижасида фуқаронинг фожиали ҳалок бўлишига сабабчи бўлди. Бу бахтсиз ҳодиса автомобиль эгасининг атайин ёки қасддан қилган хатти-ҳаракатлари натижасида эмас, балки тасодифан ва бехосдан содир бўлди. Суғурталовчи мазкур ҳолатни муайян ўрганишлардан сўнг суғурта ҳодисаси сифатида тан олиши ва шунга кўра суғурта қопламаси тўлаши мумкин. Аммо, суғурталовчи томонидан жабрланган шахсга суғурта қопламасини тўланиши айбдор шахс маъмурий ва жиноий жазодан озод этилди, деган маънони келтириб чиқармайди. Бу ерда фуқаролик жавобгарлигини жиноий жавобгарликдан фарқлаш зарур. Фуқаролик жавобгарлиги учинчи шахсларга етказилган зарар-

ни қоплашни назарда тутса, жинойй жавобгарлик эса қасддан жинойт қилган шахсни жазолашдир.

Жавобгарликни суғурталаш ихтиёрий ва мажбурий шаклларда амалга оширилади. Ривожланган чет эл давлатларида жавобгарликни суғурта қилишнинг мажбурий шакллари анча тараққий этган.

Жавобгарлик суғуртасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти суғуртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти билан чамбарчас боғлиқ десак, хато бўлмайди.

Суғурта фаолиятини амалга ошириш учун, албатта, суғурта ташкилотида етарли миқдорда пул маблағлари фонди бўлиши лозим. Агар, суғурталовчи пул фондини, яъни суғурта фондини ташкил этмаса, унинг молиявий аҳволи мураккаблашиши мумкин. Ташкил этилган суғурта фондининг маблағлари қатъий мақсадли характерга эга бўлиб, у фақат суғурта ҳодисалари рўй берганда қоплама бериш учун ишлатилади. Суғурта фондининг маблағларини бошқа мақсад-ларда ишлатиш мумкин эмас. Суғурта фонди маблағлари давлат томонидан олиб қўйилиши ва солиққа тортилиши мумкин эмас.

2. Автотранспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси.

Бозор муносабатлари шароитида юридик ва жисмоний шахсларнинг учинчи шахслар манфаатига зарар етказиш хавфи кучаяди. Бу хавфнинг рўй бериши натижасида етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарар етказган шахсларнинг жавобгарлигини суғурта қилиш мамлакатимизда ўз ривожини топмоқда. Ана шундай жавоб-гарликни суғурта қилишнинг кенг тарқалган турларидан бири – транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахсларга зарар етказишдаги фуқаролик жавобгарлигини суғурталашдир.

Маълумки, транспорт юқори хавфни келтириб чиқарувчи манбалардан бири ҳисобланади. Транспорт ҳайдовчиси транспорт воситасини бошқариш жараёнида учинчи шахсларнинг муайян манфаатларига, соғлиғига зарар етказиши мумкин.

Йўл транспорт ҳодисаси натижасида зарар кўрган шахслар, кўп ҳолатларда айбдорлардан зарарни ундириб

ололмайдилар. Ғайри қонуний ҳаракат туфайли юридик ёки жисмоний шахсларнинг соғлиғи, ҳаёти ёки мол-мулкига етказилган зарар айбдор шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Қонун ҳужжатларида зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсга юклатилиши мумкин. Зарар етказган шахс, агар зарар ўз айби билан етказилмаганлигини исботласа, зарарни тўлашдан озод этилиши мумкин.

Бугунги кунда аҳоли турмуш даражасининг доимо ошиб бориши, транспорт воситаларининг янада такомиллашиши жаҳонда ав-омобиллар сонининг мунтазам ўсишига олиб келаяпти. Ўзбекистон Республикасида 2005 йилда автотранспорт воситалари сони, айрим ҳисоб-китобларга кўра 3 млн.га етган. Шубҳасиз бунга “UZDEWOO АВТО” автомобиль заводи томонидан ва яқин ҳамда узоқ хориж мамлакатларидан халқаро стандартларга мос келадиган автомобилларнинг келиши ҳисобига эришилган. Транспорт воситалари сонининг кўпайиши табиий ҳолда йўл-транспорт билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ҳам кўпайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмлар эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси тўғрисида” 1994 йил 30 декабрда қабул қилган 632-сонли Қарорига (бу Қарорга Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси-да” 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон Қарори билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган) мувофиқ, 1995 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчиликнинг барча шаклларидаги транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртасига жалб қилинадилар.

Фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртасининг жорий этилганлиги йўл-транспорт ҳаракати иштирокчилари манфаатларини ҳимоя этишга ва уларни ижтимоий муҳофаза этишга қаратилган.

Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг анчагина қисми жавобгарликни суғурталаш бўйича шартномага эга эмас. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, кўпгина автотранспорт ҳайдовчилари суғуртани иккинчи даражали, кераксиз восита сифатида тушунишади. Ҳатто йўл автотранспорт ҳодисалари рўй берганда суғурта ташкилотларига мурожаат қилишни ҳам унутишади.

Автотранспорт ҳайдовчиларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ихтиёрий тартибда ҳам ўтказилади. Бозор иқтисодиёти шароитида бу суғурта турини амалга ошириш бир томондан, транспорт ҳайдовчиси учун, иккинчи томондан эса йўл транспорт ҳодисаси натижасида зарар кўрган жабрланувчи учун ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки транспорт ҳайдовчисида жабрланувчига моддий ёрдам кўрсатиш учун маблағ бўлмаслиги мумкин. Агар у учинчи шахсларга зарар келтириш жавобгарлигини суғурталаш бўйича шартномага эга бўлса, суғурта қопламаси суғурта ташкилоти томонидан қопланади.

Автотранспорт ҳайдовчиларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бунда суғурта ташкилоти ва суғурталовчидан ташқари учинчи шахс ҳам иштирок этади.

Аммо фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси бўйича шартнома суғурталовчи ва суғурталанувчи (транспорт воситаси ҳайдовчиси) ўртасида тузилади. Учинчи шахс эса шартномада иштирок этмайди, аммо шарнома унинг фойдасига тузилади.

Тажриба шуни кўрсатадики, автотранспорт ҳайдовчиларига нисбатан суд орқали белгиланган жабрланувчига тўланиши лозим бўлган зарар миқдори ҳайдовчининг бир йиллик иш ҳақининг ярмидан кўпини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳорижий автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида бўлишининг қўшимча шартлари тўғрисида”ги 2000 йил 12 январь 11-сонли Қарорига биноан, Қозоғистон Республикаси ва Турк-манистоннинг транспорт воситалари, бошқа ўзиюрар машина ва механизмларининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига кириб келишига тегишли лицензияга эга бўлган суғурта

ташкilotларининг ҳайдовчиларнинг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик мажбурияти суғурталанганлиги тўғрисидаги полиси мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади. Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг суғурта ташкilotлари билан биргаликда божхона постларида транспорт воситалари, бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлиги суғуртасини амалга оширади. Бу жавобгарлик суғурта турининг жорий этилишига сабаб шуки, чегарадош мамлакатлар томонидан бир томонлама қуйидаги чоратадбирлар жорий қилинган: Қозоғистон Республикасида – ташувчининг йўловчи олдидаги фуқаролик, ҳуқуқий жавобгарлиги учун турли автотранспорт воситаларидан суғурта йиғимлари қўлланилаётганлиги; Туркменистонда – Туркменистон ҳудудига кириб келаётган автотранспорт воситалари эгаларидан Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган йиғимларга тенг бўлмаган йиғимлар белгиланган. Шунинг эътиборига олган ҳолда 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб, Қозоғистон ва Туркменистон Республикаларидан кириб келадиган транспорт воситалари учун автофуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси жорий этилди. Суғурта суммаси миқдори Қозоғистон Республикаси автотранспорти учун:

- мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун – 400 АҚШ доллари;

- ўлим ҳолатига олиб келган зарарни қоплаш учун – 600 АҚШ доллари.

Туркменистон автотранспорти учун:

- мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун – 1000 АҚШ доллари;

- ўлим ҳолатига олиб келган зарарни қоплаш учун – 2000 АҚШ долларида белгиланган.

Суғурта мукофотлари божхона органлари томонидан бевосита божхона постларида эркин алмаштириладиган валютада ундирилади ва маблағлар кейинчалик шартнома асосида суғурта ташкilotларининг ҳисоб рақамларига ўтказилади. Суғурта мукофоти тўлангандан сўнг, ҳорижий транспорт воситаси ҳайдовчиларига суғурта полиси берилади.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига кириб келаётган хорижий транспорт воситалари ҳайдовчиларининг учинчи шахслар (жисмоний ва юридик шахслар)нинг соғлиғига ва мол-мулкига етказилган зарар учун фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилиш объекти ҳисобланади. Бундай тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тожикистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг учинчи шахслар олдида Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жавобгарлиги тўғ-рисида” 2000 йил 18 февралдаги 59-сон қарорига (Мазкур Қарорга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.11. 2002 й. 413-сон Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган) мувофиқ, Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари учун ҳам жорий этилган.

Тожикистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси автотранспорти учун суғурта суммалари миқдорлари:

- 1000 АҚШ доллари – мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун;
- 2000 АҚШ доллари – ўлимга олиб келган зарарни қоплаш учун.

Хорижий транспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан учинчи шахсга етказилган зарарнинг суғурталовчи томонидан тўланишини назарда тутувчи воқеа ёки тасодиф суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

Уларга қуйидагилар киради:

- фуқароларнинг соғлиғига, ҳаётига зарар етказилиши;
- транспорт воситасининг, шунингдек, мол-мулкнинг шикастланиши, нобуд бўлиши.

Зарар миқдорига шикастланган транспорт воситасини энг яқин жойдаги техник хизмат кўрсатиш станциясигача етказиш ва уни тузатиш харажатлари ҳам киритилади.

Суғурта қопламаси, агар йўл-транспорт ҳодисаси ёки бахтсиз воқеа оқибатида:

- жабрланувчи майиб бўлса ёки унинг соғлиғига бошқа тарзда шикаст етказилса;
- жабрланувчи вафот этса;

– учинчи шахсларнинг мол-мулки нобуд бўлса, йўқ қилинса ёки шикастланса, суғурталовчи томонидан тўланади.⁵⁵

Транспорт воситасининг ҳаракатланиши натижасида етказилган зарарларга, шунингдек:

– транспорт воситасига йўловчилар чиқариш ёки тушириш пайтида;

– транспорт воситаси йўлда тўхтаб турган ёки тузатилаётган вақтда келиб чиққан зарарлар ҳам киритилади.

Суғурталовчи:

– айбдор шахснинг транспорт воситасида бўлган юкка;

– йўл-транспорт ҳодисаси натижасида атроф-муҳитга;

– ёнғин келиб чиқиши туфайли ўрмонларга, дарахт-зорларга ва боғларга етказилган зарар учун;

– нақд пул, қимматли қоғозлар, ҳар қандай турдаги ҳужжатлар, шунингдек, филателистик, нумизматик ва бошқа коллекциялар ва бойликлар йўқолганлиги учун жавоб бермайди.

Агар жабрланувчи томонидан қасддан жиноят содир этилган бўлса, суғурта товони тўланмайди. Зарар миқдори суд орқали аниқланади.

Шахсга етказилган зарар учун суғурта суммаси жабрланувчига, унга бошқа суғурта шартномалари бўйича тўланадиган суммалардан қатъи назар, тўланади.

Жабрланувчининг соғлиғига етказилган зарар учун товон миқдори даволаш-профилактика муассасасининг тегишли ҳужжатида кўрсатиб ўтилган зарар даражасига қараб ёки вафот этганлик тўғрисидаги далолатнома асосида белгиланади.

Саломатликка етказилган зарар учун товон суғурта суммасига мутаносиб равишда, бироқ унинг жами миқдорининг 60 фоизидан (вафот этган тақдирда) кўп бўлмаган миқдорда тўланади. Учинчи шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилганлиги ёки нобуд бўлганлиги учун

⁵⁵ Келтирилган жумлалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида бўлишининг қўшимча шартлари тўғрисида”ги 2000 йил 12 январь 11-сонли Қароридан олинган.

суғурта қопламаси суғурта суммасига мутаносиб равишда, бироқ унинг жами миқдорининг 40 фоизидан (мол-мулк тўлиқ нобуд бўлган тақдирда) кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

Мол-мулкка етказилган зарар учун ёки жабрланувчиларнинг соғлигига зиён етказганлик учун суғурта тўлови ҳар бир аниқ, суғурта ҳодисаси бўйича бир вақтда тўланади.

Суғурта қопламасини суғурталовчи барча зарур ҳужжатлар олингандан сўнг, 72 соат мобайнида тўлайди. Суғурта қопламасини тўлаш суғурталовчининг айби билан кечиктирилса, у ҳар бир кечиккан кун учун ҳисоблаб чиқилган суғурта товони суммасининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

Йўл-транспорт ҳодисаси (бахтсиз ҳодиса) рўй берган тақдирда суғурталовчи:

- йўл-транспорт ҳодисаси (бахтсиз ҳодиса) юз берган жойда ҳа-ракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли чоралар кўришга, воқеа оқибатларини енгиллаштириш, шунингдек, мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш чораларини кўришга;

- имкони борича зарарнинг кўпайишини бартараф этишга;

- жабр кўрган шахсларга фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномасини тузган суғурталовчи тўғрисида зарур маълумотлар беришга;

- воқеа рўй берган жойдаги суғурталовчинини дарҳол хабардор қилишга ёки воқеа рўй бергандан кейинги иш кунидан кечиктирмай суғурталовчига зарур ахборот ва тушунтириш хати тақдим этишга мажбурдир.

Транспорт воситаси эгаси, ҳайдовчи ёки даъво қилувчи шахс суғурта ташкилотига йўл-транспорт ҳодисаси (бахтсиз ҳодиса)га тааллуқли мавжуд далилларни тақдим этиши ҳамда суғурталовчининг юз берган воқеа тафсилотларини ва етказилган зарар миқдорини аниқланишини таъминлаши, шунингдек, суғурталовчи томонидан йўл-транспорт ҳодисаси (бахтсиз ҳодиса) айбдорларига қарши даъволарни текширишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Йўл-транспорт ҳодисаси (бахтсиз ҳодиса) тўғрисида хабар олингандан сўнг суғурталовчи зарар миқдорини, ҳодисанинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш мақсадида ҳаракат қилади ҳамда суғурта далолатномасини ва манфаатдор шахслар

иштирокида белгиланган намунадаги ҳисоб-китоб сметасини тузади.

Суғурталовчи транспорт воситаси эгасини ва даъво қилувчи шахсни тўланадиган зарар миқдорини аниқлаш учун қандай ҳужжатлар тақдим этиш зарурлиги ҳақида хабардор қилади.

Жабрланувчи ёки унинг топшириғига кўра ваколатли шахс транспорт воситаси томонидан етказилган зарар тўғрисида суғурталовчини хабардор қилади.

Агар зарар номаълум транспорт воситаси томонидан етказилган бўлса, у ҳолда жабрланувчи милицияга ёки Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, суғурталовчига дарҳол хабар бериши ва зарар номаълум транспорт воситаси томонидан етказилганлиги тўғрисида тергов органларининг хулосасини олиши шарт.

Жабрланувчи томонидан ушбу шартлар бажарилмаган тақдирда суғурталовчи воқеанинг муҳим ҳолатлари аниқланмай қолганлиги учун товон тўлашга мажбур эмас.

Қуйидаги ҳайдовчи:

– учинчи шахсга зарар етказилишини қасддан юзага келтирган;

– транспорт воситасини спиртли ичимлик ичиб ёки гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиб, бошқарган ва бу билан суғурта воқеасини юзага келтирган;

– транспорт воситасини бошқаришга рухсатномаси бўлмаган;

– транспорт воситасидан унинг эгасининг рухсатсиз фойдаланган ва ушбу транспорт воситаси билан зарар етказган ҳайдовчи тўланган суғурта қопламасини суғурталовчига қайтаришга мажбурдир.

Агар суғурталанувчи суғурталовчига зарар етказилганлиги тўғрисида хабар бермаса ёки ўз вақтида хабар бермаса, у ҳолда суғурталовчи бундай хабар бермаслик ёки ўз вақтида хабар бермаслик оқибатида келиб чиққан қўшимча харажатлар ва суд чиқимларини қоплаш юзасидан суғурталанган шахсга нисбатан даъво қўзғаш мумкин.

3. Аудиторлар, нотариуслар ва баҳоловчиларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш механизми

Касбий жавобгарликни суғурталаш учинчи шахсларга етказилган зарарни тўлиқ ёки қисман қоплаш бўйича

суғурталовчининг мажбуриятларини кўзда тутувчи суғурта турларини ифода этади. Бундай ҳолат жисмоний шахснинг мулкӣ манфаатлари суғурта объекти ҳисобланади. Ушбу объектни суғурта қилиш тўғрисида фуқаролик қонунчилиги томонидан белгиланган тартибда жисмоний шахснинг учинчи шахс томонидан суғурталанган касбий фаолиятни амалга ошириш муносабати билан етказилган зарарни қоплаш мажбуриятларига боғлиқ суғурта шартномаси тузилади. Касбий фаолиятга талаблар ва уни амалга ошириш тартиби тегишли қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади.

Касбий жавобгарликни суғурталаш касбий фаолиятни амалга оширишда учинчи шахсга зарар етказиши мумкин бўлган турли шахслар тоифаларининг мулкӣ манфаатларини суғурта қилиш турларини бирлаштиради. Кўпинча шифокорлар, нотариуслар, баҳоловчилар, экспертлар, қўриқчилар, адвокатлар ва бошқаларнинг касбий жавобгарлиги суғурта қилинади.

Касбий жавобгарликни суғурталашда бошқа суғурта турларидан фарқли ўлароқ суғурта ҳодисасининг бошланиши ташқи омилларга (табиий офатлар ва кескин ўзгаришлар, учинчи шахс ҳаракатлари ва ҳоказолар) эмас, балки муайян касбий фаолиятни амалга оширадиган шахс малакасига боғлиқ. Суғурталанувчи суғурта шартномаси тузганидан сўнг ўз касбий фаолиятини амалга оширишда эҳтиёткорлик билан иш тутиши ва касбий кўникмаларни намоён этиши лозим.

Кўпчилик ҳолатларда суғурта ҳодисасининг бошланиши суднинг суғурталанувчининг мижозга моддий зарар етказганлиги ва унинг миқдори учун мулкӣ жавобгарлигини белгиловчи қарори қонуний кучга киргандан кейин тан олинади. Бундан ташқари, суғурталанувчининг учинчи шахсга етказган зарари учун жавобгарлигининг белгиланиши ҳам фақат суғурталанувчи томонидан етказилган зарар аниқ исботланганда, суғурта ҳодисаси сифатида тан олиниши мумкин. Бунда суғурта шартномасида суғурталанувчи жавобгарлигининг пайдо бўлиши асосли эканлигини тан олиш ва зарарни қоплаш миқдорини аниқлаш суғурталовчи ёки унинг ваколатли вакили иштирокида амалга оширилиши келишиб олинади.

Касбий жавобгарликни суғурталашнинг ҳар бир тури маълум бир касбнинг ўзига хос хусусиятлари билан асосланган ўз хусусиятларига эга. Ҳар бир касбнинг ўзига хос хусусиятлари касбий жавобгарликни суғурталаш шартномасини тузишда ҳисобга олинади. Суғурталанувчининг ўз касбий мажбуриятларини бажаришга виждонан, мулоҳаза билан ва асосли ёндашуви касбий жавобгарликни суғурталашда умумий принцип саналади. Акс ҳолда, суғурталовчи суғурта қилиш шартномаси бўйича ўз жавобгарлигидан озод этилиши мумкин.

Хорижий амалиётда касбий жавобгарликни суғурталашнинг айрим турлари мажбурий асосда амалга оширилади, яъни юридик ёки жисмоний шахслар (масалан, шифокорлар, риэлторлар, баҳоловчилар, нотариуслар ва бошқалар) касбий жавобгарликни суғурталаш полисисиз маълум бир касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас. Бу борада суғурталанувчи – касбий фаолиятни амалга оширадиган юридик ёки жисмоний шахс ва суғурталовчи - суғурта фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этилган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган ҳамда корхонанинг касбий жавобгарликни суғурталаш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга юридик шахс суғуртавий ҳуқуқий муносабат субъекти ҳисобланади. Ушбу суғурта субъектлари суғурта мажбуриятларининг асосий томонлари, яъни суғурта шартномаси иштирокчиларидир. Бундан ташқари, жабр кўрган шахс (суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган) ҳам касбий жавобгарликни суғурталаш субъектлари сирасига киради. Одатда, жабр кўрган, агарда суғурта шартномасида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, етказилган зарар миқдоридида суғурта қопламаси олишга ҳаққи бор.

Касбий жавобгарликни суғурталаш шартномасини тузишда жабр кўрганлар (фойда олувчилар) суғурталанувчига ҳам, суғурталовчига ҳам маълум бўлмайди. Ушбу ҳолатда, суғурта шартномасида бу шартнома кимнинг фойдасига тузилганлиги айтилмаган ёки у суғурталанувчи ёхуд бошқа шахс фойдасига тузилган бўлсада, суғурта қопламаси олиш ҳуқуқига фойда олувчи ёки суғурталанувчи олдида жавобгар бўлган шахсгина (ёки унинг меросхўри) ҳисобланади.

Касбий жавобгарликни суғурталаш шартномаси шартларида суғурталовчининг суғурталанувчи ёки унинг

ходимининг ваколатига нисбатан кафолатлари кўзда тутилмаган.

Суғурталанувчи томонидан учинчи шахсга қонуний ва меъёрий ҳужжатларнинг бузилиши, суғурталанувчининг атайин қилган ҳаракатлари натижасида зарар етказилса, суғурталанувчининг мажбуриятлари бўйича суғурталовчи жавобгар ҳисобланмайди. Суғурталанувчининг ҳаракатларидаги ниятни исботлаш суғурталовчи зим-масига юклатилади. Суғурталанувчининг нияти суднинг қонуний куч-га кирган қарори, ҳукми билан аниқланади. Агарда суғурталанувчига нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, суғурта қопламаси тўғрисидаги масала суд қарори ва ҳукмигача тўхтатилади.

Ўзбекистонда касбий жавобгарликни суғурта қилиш ўз ривожланишининг дастлабки босқичида бўлиб, бу йўналишда бир қатор муаммолар мавжуд. Биринчидан, меъёрий-ҳуқуқий базанинг шаклланмаганлиги ва айрим касбларга нисбатан стандартларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, иккинчидан эса, касб эгаларига билдириладиган эътироз, даъволар бўйича статистик маълумотларнинг юритилмаслигидир. Шундан келиб чиққан ҳолда айрим касб эгаларига жабр кўрган шахслар томонидан билдирилган даъволарни ҳисобга олиш бўйича статистик базани шакллантиришни таклиф этамиз.

Мамлакатимизда амал қилаётган қонунчилик базасига мувофиқ, касбий жавобгарлик суғуртаси шартномасида, фақат касбий фаолият билан якка тартибда шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг касбий жавобгарлиги суғурталаниши мумкин. Юридик шахслар ўз касбий жавобгарлигини суғурталай олмайдилар, сабаби касбга эга эмаслар. Аммо, улар ўзларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарликларини суғурталашлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонуни-нинг 20-моддасига биноан шахсий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз касбий фаолиятини суғурталаш бўйича шартнома тузишга мажбур. Нотариус ўз мажбуриятларини суғурта шартномасини тузмасдан туриб, бажариш ҳуқуқига эга эмас.

Нотариуснинг қонунчилик томонидан белгиланган тартибда учинчи шахсга нотариал фаолиятни амалга оширишда

етказилган зарарни қоплашга доир мажбуриятлари билан боғлиқ мулкӣ манфаатлари суғурта объекти ҳисобланади.

Нотариусларнинг касбий жавобгарликни суғурталаш шартно-маси шартларига мувофиқ суғурталовчи суғурталанувчи томонидан суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта мукофотини тўлаганидан кейин суғурталанувчига суғурта шартномасининг амал қилиниш даврида аҳамиятга эга бўлган нотариал ҳаракатларни қонунга хилоф равишда амалга оширган (ёки керакли нотариал ҳаракатларни бажармаган) суғурталанувчи ўз касбий мажбуриятларини тегишли тарзда бажармагани оқибатида юзага келган эътирозлар бўйича зарарни қоплаш мажбуриятларини қабул қилади.

Суғурталовчининг зарарни қоплаш мажбурияти нотариус томонидан миждларига касбий мажбуриятларини амалга оширишдаги эътиборсиз ҳаракатлари, хатолари ёки керакли нотариал хатти-ҳаракатларни бажармаганлиги натижасида зарар етказилган ҳолатларда пайдо бўлади. Суғурталовчи, одатда, амалдаги қонунчиликка зид тарзда амалга оширилган нотариал ҳаракатлар ёки суғурталанувчининг ғаразли ниятда керакли нотариал ҳаракатларни бажармаслиги натижасида етказилган зарарни қопламайди. Нотариуснинг ғараз нияти суднинг қонуний кучга кирган қарори ва ҳукми билан аниқланади. Бунда суғурталанувчининг ҳаракатларида ғараз ният борлигини исботлаш суғурталовчи зиммасига юкланади.

Суғурталовчининг зарарни қоплаш мажбурияти у томонидан суғурта ҳодисаси тан олинган пайтдан бошланади. Одатда, суғурта ҳодисаси нотариусга учинчи шахсга у томонидан бажарилган ноқонуний нотариал ҳаракатлар, хатолар ёки керакли нотариал ҳаракатларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашни юклайдиган суд идорасининг қарори кучга киргач, тан олинган ҳисобланади. Суғурта шартномасида суғурта ҳодисасини тан олиш ва мижднинг нотариусга зарарни қоплаш талаби билдирилган эътирози асосли бўлганда, уни суғурта йўли билан тўлаш мажбурияти кўзда тутилади. Суғурта ҳодисасини аниқлаш суғурта шартномасида аниқ баён этилиши шарт.

Нотариуснинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномаси нотариус касбий фаолиятини амалга оширишда ўз ҳаракатлари учун жавоб бергандагина, шахслар фойдасига тузилган ҳисобланади. Суғурта шартномасини тузишда фойда олувчилар суғурталанувчи ёки суғурталовчига маълум қилинмайди. Шундай бўлсада, суғурта шартномасида у кимнинг фойдасига тузилгани айтилмаган бўлса ёки шартнома нотариус ёхуд бошқа шахс фойдасига тузилган бўлса ҳам, суғурта қопламаси олиш ҳуқуқига эга фойда олувчи фақат нотариус унинг олдида жавобгар бўлган шахс бўлиши мумкин.

Суғурта шартномаси, одатда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилади. Суғурта шартномаси, агарда, шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, суғурталанувчи томонидан суғурта мукофотлари тўлиқ тўланганидан кейин, кучга киради.

Суғурта шартномасининг амал қилиниши шартномада кўрсатилган муддатда ёки суғурталанувчи томонидан суғурта суммаси бўйича суғурта қопламаси тўлиқ тўланган ҳолатда тўхтатилади. Суғурталанувчининг суғурта манфаати нотариус ўз ваколатини тўхтатганда йўқотилган саналади. Ушбу ҳолатда суғурталанувчи суғурталовчига бу ҳақда ёзма билдиришнома ва суғурта манфаати йў-қолганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади. Шартномани суғурталанувчининг суғурта манфаати йўқотганлиги натижасида муд-датидан олдин тўхтатишда суғурталовчи суғурталанувчига суғурта мукофотини суғурта шартномаси бекор қилинишининг ҳақиқий санасидан унда кўрсатилган амал қилиш санасигача қолган муддатга мутаносиб тарзда қайтаради.

Одатда, суғурта шартномасига кўра, суғурталанувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади: суғурта ҳодисасининг сабаблари, унинг бориши ва оқибатларини аниқлаш учун барча имкони бор ва мақсадга мувофиқ чоратadbирларни амалга ошириш; суғурталовчини унга суғурта ҳодисаси муносабати билан билдирилаётган барча эътироз ҳақида кечиктирмасдан (суғурта шартномасида келишилган муддатда) хабардор қилиш; суғурталовчига суғурта ҳодисаси сабаблари ва оқибатлари, етказилган зарар хусусиятлари ва

миқдори ҳақида муҳокама қилиш имконини берадиган барча ахбо-ротлар ҳамда ҳужжатларни тақдим этиш.

Суғурта шартномасига мувофиқ суғурталовчи унга суғурталанувчи номидан зарарни ундириш тўғрисида талаб қайд этилган эътирозлар билдирилган ҳолатда музокаралар олиб бориши ва етказилган зарарни қоплаш ҳақида битим тузиш, суғурта ҳодисаси сабабларини ёки суғурталанувчининг розилигини кутмасдан, зарар миқдорини аниқлаш учун чоралар кўриш, шунингдек, суд ва бошқа ваколатли органларда суғурталанувчи номидан ҳамда унинг топшириғи бўйича иш юритиш ҳуқуқига эга.

Агарда нотариус суғурталовчига зарур маълумотларни бермаса ёки бошқа тарзда қайд этилган ҳаракатларни амалга оширишга тўсқинлик қилса, суғурталовчи суғурта қопламасини тўлашдан бош тортиши мумкин.

Нотариуснинг касбий жавобгарлигини суғурталаш шартномасида суғурта мукофотини тўлаш муддатлари белгиланади. Суғурта мукофотининг миқдори суғурта шартномасига мувофиқ, белгиланади ва суғурта суммаси миқдорига боғлиқ бўлади.

Суғурта мукофоти тариф ставкаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва суғурта суммасига боғлиқ бўлади. Суғурта тарифлари статистика маълумотлари, суғурта бозори конъюнктураси шароити, риск даражаси, суғурта қилиш муддати ва суғурта суммаси миқдори ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Бундан ташқари, суғурта мукофоти миқдори нотариус томонидан касбий ҳаракатларнинг амалга оширилиши ва амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлар турлари муносабати билан эътирозларни қонунда белгиланган тартибда қондириш тўғрисида маълумотлар етарлигига боғлиқ бўлади. Нотариус ижро хатларини амалга ошириш чоғида суғурталовчи оширувчи коэффицентларни қўллаши мумкин.

Ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофоти суғурталанувчи томонидан бир йўла ёки қисман нақд ёхуд нақд пулсиз шаклда, шартнома тузилган кундан бошлаб, келишилган муддат ичида тўланади. Суғурта мукофоти тўлиқ тўланмаган ҳолда эса суғурта суммаси суғурта мукофотининг тўланган қисмига мутаносиб равишда камаяди.

Республикамизнинг қатор суғурта компаниялари айна пайтда аудиторларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилишни амалга ошироқда. Ушбу ҳолатда қуйидагилар суғурталанувчилар ҳисобланади: аудиторлик фирмалари - юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ташкил этилган ва аудиторлик хизматларини кўрсатадиган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва тегишли лицензияга эга юридик шахслар.

Суғурталанувчининг миждо олдидо аудиторлик текширувини ўтказиш учун улар ўртасидо тузилган шартнома ва амалдоги қонунчиликдан келиб чиқадиган мулкый жавобгарлиги суғурта объекти ҳисобланади. Суғурталовчи суғурта шартномасига мувофиқ суғурталанувчига амалдоги қонунчиликка мос келмайдиган аудиторлик ҳаракатларини амалга оширишдо (ёки керакли аудиторлик ҳаракатларини амалга оширмаганда) суғурталанувчининг ўз касбий мажбуриятларини тегишли равишдо бажармаганлиги ёки ўз лавозим мажбуриятлари доирасидо фаолият юритаётган суғурталанувчининг ёхуд у профессионал хизмат кўрсатиш учун хизматларидан фойдаланган бошқа шахсларнинг эҳтиётсизлиги, хатолари, камчиликлари туфайли билдирилган эътирозлар бўйича зарарни қоплаш мажбуриятини қабул қилади. Бундан ташқари, суғурталовчи томонидан суғурталанувчининг эътирозиларни ҳал қилиш бўйича барча сарфхаражатлари ҳам қопланиши мумкин.

Суғурталовчининг зарарни қоплаш мажбуриятлари аудитор миждолари ёки бошқа учинчи шахсга аудитор томонидан ўз касбий мажбуриятларини амалга оширишдо эътиборсиз ҳаракатлар, хатолар, камчиликлар, шунингдек, керакли аудиторлик хатти-ҳаракатларини бажармаслик натижасидо зарар етказилган ҳолатлардо пайдо бўлади. Суғурталовчи, одатдо, амалдоги қонунчиликка мос келмайдиган аудиторлик ҳаракатларни ёки керакли аудиторлик ҳаракатларини суғурталанувчининг ғаразли нияти борлигида бажармаслик натижа-сидо етказилган зарарни қопламайди. Аудиторнинг ғаразли нияти суднинг қарори, ҳукми қонуний кучга киргач, аниқланади. Суғурталанувчининг ҳаракатларида ғаразли ниятлар борлигини исбот қилиш суғурталовчи зиммасига юклатилади.

Одатда, суғурта ҳодисаси ваколатли давлат органларининг сифатсиз ўтказилган аудит ёки суғурталанувчининг аудиторлик ҳисоботи ёки хулосасида акс эттирилган, атайлаб йўл қўйилган хатолар оқибатида суғурталанувчи билан аудиторлик текшируви ўтказиш учун шартнома тузган учинчи шахсга жарима ёхуд бошқа моддий санкциялар юклаш қарори, шунингдек, аудиторнинг зиммасига у томонидан амалга оширилган ноқонуний аудиторлик ҳаракатлар, хатолар, камчиликлар ёки керакли аудиторлик ҳаракатлари амалга оширилмагани сабабли, учинчи шахсга етказилган зарарни қоплашни юклайдиган суд органи қарори кучга киргач, содир этилган ҳисобланади.

Агарда суғурта шартномасида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, суғурталовчи суғурта ҳодисаси форс-мажор вазиятлар, яъни қонунлар, қарорлар, идора ва ишлаб чиқариш қоидалари, йўриқномалар, бошқа меъёрий ҳужжатлар бузилганда, ишлаб чиқаришда иштирок этишга ваколати йўқ ёки инструктаж, қайта тайёрланиш вақтини ўтказиб юборган ходимларнинг, шунингдек, руҳий хасталиклар, тутқаноқ ва ишга лаёқатлилигини чекловчи бошқа касалликларга дучор бўлган шахсларнинг ишлаб чиқаришда иштироки (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш), суғурталанувчи ёки унинг ваколатли вакилига маълум бўлган, бироқ суғурталовчига маълум қилинмаган суғурта ҳодисаси рискинни оширувчи ҳолатлар оқибатида содир этилганда суғурта қопламаси тўлашдан озод этилади. Шунингдек, суғурта шартномасида суғурталовчинини суғурта қопламаси тўлашдан озод этишнинг бошқа ҳолатлари ҳам кўзда тутилган бўлиши мумкин.

Одатда, суғурталанувчи томонидан учинчи шахсларнинг тадбиркорлик таваккалчилиги билан боғлиқ аудиторлик хулосаси ёки ҳисоботи асосида амалга оширилган хўжалик операциялари натижасида уларга етказилган зарар тан олинмайди. Суғурта шартномаси бўйича суғурта суммаси томонларнинг келишувига биноан суғурталанувчининг аудиторлик хизматлари кўрсатиши бўйича ялпи маблағ айланмасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Томонларнинг келишувига биноан суғурта шартномасида барча суғурта ҳодисалари ёки битта ҳодиса бўйича қопламалар тўлашнинг

энг кам суммаси белгиланиши мумкин. Суғурталовчи тузилган суғурта шартномасига кўра шартномада кўрсатилган суғурта суммаси доирасида жавобгар ҳисобланади. Бир қанча суғурта ҳодисалари бўйича тўловларнинг умумий қиймати суғурта суммасидан ошмаслиги керак.

Мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий алоқалар соҳасидаги муносабатлари жадал ривожланиб бормоқда. Чет мамлакатлардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кўплаб импорт товарлари кириб келмоқда. Экспорт-импорт операцияларини амалга ошираётган корхона ва ташкилотларнинг товарларни божхонада расмийлашти-руви махсус лицензияга эга бўлган божхона брокерлари томонидан амалга оширилмоқда. Божхона брокерлари ўзлари билмаган ҳолда ёки касбий малакасининг пастлиги оқибатида учинчи шахслар бўлган корхона ва ташкилотларнинг манфаатига зарар етказишлари мумкин. Тўғри, ҳозирги пайтда бир қатор етакчи суғурталовчилар томонидан божхона брокерларининг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлиги суғурталанмоқда, аммо у етарли даражада эмас. Ушбу суғурта туринининг бир томондан суғурталанувчилар, яъни божхона брокерлари учун, иккинчи томондан, учинчи шахс бўлган корхона ва ташкилотлар учун иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олиб, божхона брокерларига, касбий жавобгарликги суғурталанганлиги тўғрисидаги полис мавжуд бўлгандагина, ушбу фаолият билан шуғулланишга рухсат беришни жорий этиш лозим.

Ўзбекистон суғурта бозорида жавобгарликни суғурта қилишнинг қуйидаги турлари амалга оширилмоқда.

- Транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахс олдидаги фуқаролик жавобгарлигини мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш.

- Юк ташувчиларнинг учинчи шахс олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш.

- Лизингга олувчининг лизинг тўловларини тўлай олмаслик жавобгарлигини ихтиёрий суғурта қилиш.

- Қурилиш-монтаж ишларини олиб боришда учинчи шахсларга зарар етказиш жавобгарлигини мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш.

- Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг контрактация ва фьючерс шартномалари бўйича ажратилган аванс маблағларини ўз вақтида қайтара олмаслик жавобгарлигини суғурта қилиш.

- Акциядорлик жамиятларининг инвесторлар олдидаги жавобгарлигини суғурта қилиш.

- Аудиторларнинг касбий жавобгарлигини ихтиёрий суғурта қилиш.

- Божхона брокерларининг жавобгарлигини суғурта қилиш.

- Тиббий хизмат ходимларининг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш.

- Адвокатларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш.

- Нотариусларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш.

- Баҳоловчиларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш ва бошқалар.

24.5. Суғурта бозори

Ўзбекистонда суғурта бозорининг шаклланиши иқтисодий бозор муносабатларига ўтказиш жараёни билан ҳамма вақт боғлиқдир. Мазкур жараён халқ хўжалигида узоқ йиллар ҳукм сурган яққоқимлик тамойилидан воз кечишни, мулкларни давлат тасарруфидан чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни тақозо этди. Бундай шароитда, шубҳасиз ҳар хил мулк шакллариغا асосланган хўжалик субъектларининг молиявий хизматларга, шу жумладан, суғурта хизматиغا бўлган талаби кескин ошади. Хўжалик, ташкилот ва муассасалар ўзларининг эҳтиёжига мос келадиган суғурта хизматини фақат суғурта бозорига мурожаат қилиш натижасидагина олиши мумкин. Фикримизча, шу ерда суғурта бозори нима ва унда кимлар харидор ёки сотувчи сифатида намоён бўлиши мумкин, деган саволларга жавоб бериш ўринлидир.

Маълумки, ҳар қандай бозорда сотувчи ва харидор бўлади ҳамда улар ўртасида тегишли товарлар (хизматлар) айирбошланади. Суғурта бозорида ҳам сотувчи (суғурталовчи) ва харидор (потенциал суғурталанувчи)

иштирок этади. Бу ерда потенциал суғурталанувчи тушунчасини қандай изоҳлаш мумкин? Гап шундаки, башарти, потенциал суғурталанувчини тўғридан тўғри суғурталанувчи, деб атасак, катта хатога йўл қўйган бўламиз. Негаки, амалдаги қонунларга мувофиқ, суғурта компаниялари билан бевосита шартнома тузган, фуқаролик салоҳиятига эга бўлган жисмоний ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган юридик шахслар суғурталанувчилар дейилади. Аксинча, суғурта “маҳсулотини” сотиб олишга эҳтиёжи бор, аммо ҳали суғурталовчилар билан тегишли суғурта муносабатларига киришмаган шахслар потенциал суғурталанувчилар деб аталади. Энди, суғурталовчилар ҳақида гапирадиган бўлсак, суғурталовчи-ар мамлакат ҳудудида суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилган юридик шахслардир. Суғурта компанияси тегишли фаолиятни амалга ошириш учун ваколатли давлат органининг лицензиясига эга бўлиши ва суғурта билан боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаслиги зарур. Бу «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонунда ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Аммо, қонун суғурта ташкилотларига махсус ваколатли давлат органи белгилаган шартларда инвестиция фаолияти билан шуғулланишлари ҳамда суғурта агенти сифатида воситачилик ва суғурта соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш-рига рухсат беради⁵⁶.

Суғурта ташкилоти ўз маҳсулотини бозорда сотар экан, зиммасига катта масъулият олганлигини унутмаслиги керак. Чунки, суғурталовчи озгина суғурта мукофоти эвазига йирик миқдордаги рискни қабул қилиб олади ва суғурта ҳодисаси рўй берганда зиммасидаги суғурта қопламасини тўлаши шарт. Суғурта ташкилотига мурожаат қилишни истаган ёки муайян суғурта хизматига эҳтиёж сезган шахслар суғурта шартномасини тузишдан олдин суғурта ташкилотининг молиявий аҳволи, баланси билан танишиб чиқишлари шарт.

Суғурталовчилар бозорга ўзларининг ишлаб чиқарган маҳсулоти – суғурта хизматини таклиф этадилар. Ушбу хизматлар юзлаб, минглаб суғурта компаниялари томонидан сотилиши мумкин. Ўз-ўзидан, бу ҳолат суғурта бозорида

⁵⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни. - “Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил 28 май.

потенциал мижозларни жалб этиш учун суғурта компаниялари ўртасида рақобатнинг кучайишига олиб келади ва “маҳсулот”нинг сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Асосийси, потенциал суғурталанувчи ўзининг талабини ҳар томонлама қондирадиган “маҳсулот”га эга бўлади. Баён этилганлар бугунги кунда иқтисоди тараққий этган мамлакатлар бозорида рўй бераётган оддий ҳақиқатдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, бошқа товарлар ва хизматлар каби суғурта хизматининг ҳам баҳоси талаб ва таклиф асосида пайдо бўлади ҳамда бу баҳо ўзининг пастки ва юқори чегараларига эга. Суғурта тушумларининг миқдори суғурта тўловлари ва суғурта ташкилотлари харажатлари миқдорига тенг бўлиши суғурта баҳосининг пастки чегарасини билдиради. Бундай шароитда суғурта компанияси асосий фаолиятдан фойда ололмайди. Кўп ҳолларда суғурта бозоридаги кескин рақобат суғурта ташкилотларининг потенциал мижозларни жалб этиш мақсадидаги тариф ставкаларини камайтиришга мажбур этади. Чет мамлакатларда суғурталовчилар суғурта фаолиятдан зарар кўрганда, бу зарар инвестициядан келадиган даромад ҳисобидан қопланади.

Суғурта хизмати баҳосининг юқори чегараси талаб ҳажми ва банк фоизининг миқдори билан аниқланади. Суғурта хизматининг маълум бир турига етарли даражада талаб мавжуд бўлганда, суғурта ташкилоти мазкур хизмат баҳосини юқори даражада сақлаб туриши мумкин. Лекин, вақт ўтиши билан бозорда суғурта хизмати кўрсатиш турларининг кўпайиши билан, ўз-ўзидан тариф ставкалари камаяди.

Суғурта бозори ҳудудий жойлашувига қараб халқаро, минтақавий ва миллий суғурта бозорларига бўлинади. Миллий суғурта бозори бирон-бир мамлакат ҳудудидаги суғурта муассасаларини ва уларнинг фаолиятини ўз таркибига олади. Жаҳондаги энг йирик миллий суғурта бозори Америка Қўшма Штатларидадир. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда йиғиладиган суғурта тушумларининг 43 фоиздан ортиғи АҚШ ҳиссасига тўғри келади. Бу ерда ҳаётни суғурта қилувчи ва бошқа умумий турдаги суғурта хизматларини кўрсатувчи бир неча мингта суғурта компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Улардан баъзи бирлари дунё суғурта бозорида ҳам олдинги ўринлардадир. Масалан, “Пруденшиал

оф Америка” компанияси мамлакат ички бозорида биринчи ва 1992 йил бошида мавжуд активлари, тўплаган суғурта мукофотлари бўйича жаҳонда учинчи ўринни эгаллаган.

Минтақавий суғурта бозори деганда савдо, иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан ўзаро яқин муносабатда бўлган бир нечта мамлакатларнинг ички бозори тушунилади. Европа Иттифоқининг суғурта бозори йирик минтақавий бозордир.

Халқаро суғурта бозори деганда дунё миқёсида суғурта фаолиятини олиб борувчи алоҳида мамлакатларнинг ички бозори тушунилади. Жумладан, ҳозирги вақтда Япония суғурта бозорининг халқаро даражада муҳим ўрни бор ва кейинги ўн йилликда Япония суғурталовчилари дунё бозорида етакчилик қилиб келишмоқда. Маълумотларга қараганда, 1992 йили жаҳондаги энг йирик 20 та ҳаётни суғурта қилувчи компаниялар ичида 9 таси ёки 45 фоизи Японияга тегишли бўлган. Бу компанияларнинг молиявий салоҳияти 869 млрд. АҚШ доллари миқдорида баҳоланган.

Суғурта бозорлари ҳудудий бўлиниш билан бир қаторда суғурта турларига қараб ҳам хилма-хил бўлиши мумкин. Иқтисоди ривожланган мамлакатлар амалиётида суғурта бозори иккига бўлинади:

1) Ҳаётни суғурта қилиш билан боғлиқ суғурта хизматлари бозори,

2) Умумий суғурта хизматлари бозори.

Шуни таъкидлаш керакки, суғурта бозорининг институционал таркиби, нафақат суғурталовчидан ва суғурталанувчилардан иборат, балки яна шундай субъектлар ҳам мавжудки, уларнинг иштирокисиз суғурта бозорини, яъни унинг инфратузилмасини тасаввур қилиш қийин.

Суғурта бозорида суғурта ташкилотларининг мавқеи ниҳоятда каттадир. Ўз навбатида, суғурталовчилар мулкий шаклига қараб, бир нечта турда бўлади (давлат, акциядорлик, давлат-акциядорлик ва ҳоказолар). Суғурта бозорида қайд этилган қатнашчилардан ташқари ўзаро суғурталаш жамиятлари ҳам фаолият кўрсатишлари мумкин.

Бу жамиятларнинг бошқа суғурталовчилардан фарқи шундаки, улар фойда олиш учун интилмасдан, кўрилган зарарни ўзаро ҳамкорликда қоплашни назарда тутди. Статистик маълумотлар бўйича, ўзаро суғурталаш

жамиятлари халқаро суғурта бозорида тўплаган суғурта мукофоти ҳамда активлари жиҳатидан салмоқли ўринга эга. АҚШ ва Япония миллий суғурта бозорларида ўзаро суғурталаш жамиятларининг сони жами суғурта компанияларининг 50 фоиздан кўпроғини ташкил этади.

Чет мамлакатлар суғурта бозорининг муҳим таркибий қисмларидан бири суғурта брокерларидир. Брокерлар суғурта агентларидан фарқли ўлароқ, бир томондан, суғурталовчининг, иккинчи томондан эса суғурталанувчининг манфаатларини ҳимоя қилади. АҚШ ва Буюк Британияда суғурта брокерлари институти ниҳоятда тараққий этган.

Жаҳон суғурта бозори қайта суғурталовчи ташкилотлар мавжудлиги билан ҳам ранг барангдир. Суғурта операцияларини амалга оширувчи ташкилотлар тўғридан тўғри қайта суғурталовчиларсиз, қиймати юқори турадиган объектларни суғурта ҳимоясига ололмайди. Негаки, бундай объектларнинг қиймати алоҳида бир суғурта ташкилотининг бутун молиявий қудратидан юз марталаб кўп бўлиши мумкин. Замонавий ҳаво лайнерлари ва сув кемалари, атом электр станцияларини бунга мисол сифатида келтириш мумкин. Халқаро суғурта бозорида “Колония” (Германия), “Кёльн қайта суғурталаш жамияти” (Германия) ва Швейцария қайта суғурталаш жамияти ўз нуфузига эга ва ишончли ҳамкор сифатида катта обрў-эътибор қозонган.

Шундай қилиб, суғурта бозори деганда, ўзига хос товар бўлган “суғурта хизматлари”ни олди-сотдиси билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тушунилади.

Суғурта бозори профессионал ва профессионал бўлмаган иштирокчиларга бўлинади. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни 5-моддасида “Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолиятининг субъектлари ҳисобланади. Суғурталовчилар, суғурта воситачилари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ҳисобланадилар”, деб қайд этилган.

Суғурта бозорининг асосий профессионал иштирокчиси – суғурталовчи. Суғурталовчига қуйидагича таъриф бериш мумкин: суғурта шартномасига мувофиқ, суғурта товони

(суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олган юридик шахс суғурталовчи дейилади.

Суғурталовчи суғурта ҳодисалари юзага келишини бартараф этиш ва олдини олишга оид чора-тадбирларни махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ва шартларда молиялаштиришга ҳақли.

Суғурталовчилар суғуртани амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас. Қуйидагилар бундан мустаснодир:

- махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартиб ва шартлардаги инвестиция фаолияти;

- суғурта соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ фаолият;

- суғурта агенти сифатидаги суғурта воситачилиги.

Суғурта бозори профессионал иштирокчилари таркибига суғурта брокери ва суғурта агентини ҳам киритиш мумкин. Суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс суғурта брокери ҳисобланади.

Ўзбекистонда суғурта брокерларининг роли деярли йўқ. Суғурта хизматларининг аксарияти уларнинг иштирокисиз амалга оширилмоқда.

Суғурта компаниялари ўртасида ўзаро ёки ихтисослашган қайта суғурта компаниялари орасида қайта суғурталаш хизматларини кўрсатишда воситачи ролини бажарувчи қайта суғурталаш брокерлари фаолият юритиши мумкин. Ўз номидан ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи тариқасида иштирок этувчи суғурталовчининг топшириғига биноан қайта суғурта қилиш шартномасининг тузилишини ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик шахс қайта суғурта брокери ҳисобланади.

Ўзбекистон суғурта воситачилиги тизимида суғурта брокерларидан фарқли равишда суғурта агентлари фаол хизмат кўрсатаёпти. Суғурталовчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва

ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс суғурта агенти ҳисобланади.

Суғурталовчининг бошқарув органлари раҳбарлари суғурта агенти бўла олмайдилар.

Суғурталовчилар ўзлари ваколат берган суғурта агентларининг реестрларини юритишлари лозим.

Қайта суғурта компаниялари суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси сифатида суғурта ташкилотларининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Қайта суғурталовчи – суғурталанган рискни қайта суғурталаш учун қабул қилиб оладиган юридик шахс. Қайта суғурталовчи ёрдамида рискни иккиламчи тақсимлаш амалга оширилади. Суғурта компанияси ҳам қайта суғурталовчи бўлиши мумкин. Жаҳондаги энг йирик қайта суғурталовчилар гуруҳига Мюнхен, Швейцария Кёльн қайта суғурталаш жамиятлари киради. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда қайта суғурталаш компаниялари ташкил этилмаган.

Суғурта бозорининг асосий профессионал иштирокчилари бўлган суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг устав фондининг энг кам миқдори қуйидагиларга тенг бўлиши зарур:

- умумий суғурта тармоғида фаолият кўрсатувчи суғурталовчилар учун – 500,0 минг АҚШ доллари эквивалентидаги суммада;

- ҳаётни суғурта қилиш тармоғида фаолият юритувчи суғурталовчилар учун - 750,0 минг АҚШ доллари эквивалентидаги суммада.

Суғурталовчилар Молия вазирлигидан суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олаётган пайтда уларнинг устав капитали юқорида кўрсатилган миқдорда шакллантирилган бўлиши шарт. Устав капиталининг камида 90 фоизи нақд пул кўринишида бўлиши зарур. Мажбурий суғурта турларини амалга ошириш учун суғурталовчилар устав капиталининг энг кам миқдори 1,0 млн. АҚШ доллари эквивалентидаги миллий валютада шакллантирилган бўлиши талаб этилади.

Фаолияти фақат қайта суғурталашдан иборат бўлган қайта суғурталаш компаниялари учун энг кам устав фонди 3,0

млн. АҚШ долларига тенг миллий валютадаги суммада бўлиши керак.

24.6. Қайта суғурта

Қайта суғурталаш суғурталаш учун риск қабул қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими (рискларни бирламчи жойлаштириш)дир. Суғурталовчи мувозанатлашган суғурта портфелини яратиш ва суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискни бир қисмини ўзаро келишилган ҳолда бошқа суғурталовчига бериши (рискни иккиламчи жойлаштириш) лозим. Қайта суғурталаш операцияларини асосан, ихтисослашган қайта суғурталаш компаниялари амалга оширади. Қайта суғурталаш актив (рискни бериш) ва пассив (рискни қабул қилиб олиш) кўринишида, нисбий ва нонисбий шаклда бўлади.

Айрим ҳолатларда қайта суғурталаш операцияларини амалга оширувчи брокер иккита томон, яъни суғурта компанияси ва қайта суғурталовчининг компанияси ўртасидаги воситачидир.

Қайта суғурта қилиш шартномалари бир томондан, суғурта компаниялари ўртасида ўзаро тузилиши ёки иккинчи томондан, суғурта компанияси ва ихтисослашган қайта суғурта қилиш компанияси ўртасида тузилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 354 - моддасида "икки ёки бир неча шахснинг фуқа-ролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади" – деб кўрсатилган. Дастлаб, суғурта компанияси ўзининг молиявий қобилиятини мутаҳкамлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискни бир қисмини бошқа суғурта компаниясида ёки ихтисослашган қайта суғурта қилиш компаниясида суғурталаш тўғрисида қарор қабул қилади. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида суғурталовчи ихтисослашган суғурта компаниясига мурожаат қилади. Агар қайта суғурталовчи компания рискни қайта суғурта қилишга розилик билдирса, улар ўртасида қайта суғурталаш шартномаси тузилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, шартнома шартларида, унда

иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, олинган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан жавобгарлик, шартномани кучга кириши, амал қилиш ва бекор этилиши қоидалари мужассам бўлиши керак. Шунингдек, шартномада қайта суғурталаш мукофоти миқдори ва жавобгарлик ҳажми кўрсатилиши зарур. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, қайта суғурта қилишда суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш учун асосий суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчи олдида ушбу шартномага кўра суғурта компанияси жавобгар бўлиб қолаверади. Бироқ асосий суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчи ҳисобланган суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси юз беришидан олдин тугатилган тақдирда, унинг ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларининг қайта суғурта қилинган қисми қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчига ўтади.

Қайта суғурта қилиш шартномалари бир қатор ўзига хос белгиларга эга бўлиб, савдо ва бошқа турдаги шартномалардан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам қайта суғурта қилиш соҳасини назарий жиҳатдан қайси суғурта тармоғига киритиш ёхуд уни мустақил суғурта соҳаси сифатида қараш анча баҳс-мунозарани талаб қилади.

Агар суғурта ҳодисаси рўй берса, бу ҳақда суғурта компанияси қайта суғурталовчи компанияга дарҳол хабар қилиши керак. Ўз навбатида, қайта суғурталовчи компания шартномада кўзда тутилган қопламани тўлаши шарт. Қайта суғурта қилиш компанияси шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўла-тўқис бажарса, у ҳолда шартнома ижро этилган ҳисобланади.

Цедент рискни иккиламчи жойлаштиришни амалга оширувчи, яъни рискни қайта суғурталаш учун берувчи суғурта компаниясидир. Иккиламчи цедент ретроцедент деб аталади. Қайта суғурталашда цессия атамаси ҳам кенг қўлланилади. Цессия суғурта рискни қайта суғурталашга бериш жараёнидир.

Қайта суғурталашнинг факультатив, облигатор ва факультатив-облигаторли қайта суғурталаш каби турларини учратиш мумкин. Факультатив қайта суғурталаш – нисбий қайта суғурталаш шартномасининг бир тури. Факультатив қайта

суғурталашда ҳар бир берилаётган риск бўйича алоҳида шартнома тузилади. Цедент ҳар бир риск бўйича қайта суғурталаш зарур ёки зарур эмаслик масаласини мустақил кўриб чиқади. Ўз навбатида, қайта суғурталовчи ҳам цедентнинг таклифини қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги мумкин.

Облигаторли қайта суғурталаш халқаро амалиётда икки хил маънони билдиради:

1) қайта суғурталашнинг мажбурий шакли. Айрим мамлакатлар қонунчилигига кўра, ушбу мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча суғурта компаниялари қабул қилган рискларининг бир қисмини мажбурий равишда қайта суғурталаш компаниясига беради. Бу чора қайта суғурталаш орқали чет элга валюта чиқиб кетишининг олдини олади;

2) суғурта компанияси (цедент) маълум бир суғурта тури бўйича рискни қайта суғурталовчига беришини ва ўз навбатида, қайта суғурталовчи, рискни қабул қилишни назарда тутувчи қайта суғурталаш шартномаси. Факультатив-облигатор шартномаси - цедент қайта суғурталовчи билан келишган тоифадаги ҳар қандай суғурта рискинни бериши, қайта суғурталовчи эса уларни қабул қилиши шарт эканлиги ҳақидаги қайта суғурталаш шартномаси.

Қайта суғурта қилиш операциялари нисбий ва нонисбий шаклда амалга оширилади. Нонисбий қайта суғурта қилишга нисбатан нисбий қайта суғурталаш анча илгари пайдо бўлган. Шу нуқтаи назардан қараганда нисбий қайта суғурталашни, баъзан, анъанавий қайта суғурталаш деб ҳам аташ қабул қилинган.

Нисбий қайта суғурта қилишнинг асосий моҳияти шундаки, қайта суғурталовчи компаниянинг рискни тақсимлашдаги улуши суғурта компанияси аниқлаган нисбат асосида, олдиндан аниқланади. Ушбу нисбатга қараб, қайта суғурталаш мукофотининг ва суғурта компаниясининг тегишли улуши аниқланади. Нисбий қайта суғурта қилишнинг принципи "қайта суғурталовчи цедентнинг рискинни бўла-ди" деган маънодан иборат.

Суғурта иши амалиётида нисбий қайта суғурталашнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

* квотали қайта суғурта қилиш;

- * эксцедент қайта суғурта қилиш;
- * квотали-эксцедент қайта суғурта қилиш.

Нонисбий қайта суғурта қилишда қайта суғурталовчининг суғурта мукофоти ва қопламасидаги фоизлардаги иштироки принципи қўлланилмайди. Нисбий қайта суғурта қилишда томонларнинг манфаати бир-бирига мос келади.

Қайта суғурта қилиш шартномасига хос бўлган белгилардан бири қайта суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотларини қайтариб олиш характериға эға эканлигидир. Қайта суғурта қилиш муносабатларининг узоқ йиллик ривожланиши жараёни давомида халқаро ва миллий даражаларда фойдаланиладиган қайта суғурта қилиш шартномаларининг бир неча хиллари шаклланган. Улар қуйидагилардир:

- * факультатив қайта суғурта қилиш;
- * облигаторли қайта суғурта қилиш;
- * факультатив-облигаторли қайта суғурта қилиш;

Юқорида қайд қилинган қайта суғурта қилиш шартномаларидан энг оммавийси ва узоқ йиллардан бери қўлланиб келинаётгани факультатив қайта суғурта қилиш шартномаларидир. Мазкур шартноманинг ижобий томони, рискни қайта суғуртаға берувчи – суғурта компанияси ҳам, қайта суғурталовчи компания ҳам қанча миқдордаги рискни ўзига олиб қолиш ёки қабул қилиш масалаларини мустақил ҳал қиладилар. Аксинча, облигаторли қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта компанияси қабул қилиб олинган ҳар бир рискнинг тегишли қисмини қайта суғурта компаниясига бериши шарт.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Суғуртанинг иқтисодий моҳияти нимадан иборат?
- Суғурта қандай пул муносабатларининг йиғиндиси ҳисобланади?
- 2002 йилнинг 5 апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида суғуртаға қандай таъриф берилган?
- Суғурта иқтисодий категория сифатида қандай принципларға асосланади?

- Суғуртага қандай функциялар хос?
- Суғурта қандай шаклларда амалга оширилади?
- Суғуртанинг мақсад ва вазифалари мустақиллик йилларида том маънода қандай ўзгарди?
- Суғурта ўз ривожланиш тарихида қандай босқичлардан ўтган?
 - тижоратга асосланмаган суғуртанинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
 - тижорат суғуртаси пайдо бўлишининг босқичлари қандай даврларни ўз ичига олади?
 - Суғурта соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар қандай йўналишларда намоён бўлади?
 - Суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қандай турларга бўлиш мумкин?
 - «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг асосий мазмуни нималардан иборат?
 - Юридик шахсларнинг қандай мол-мулклари билан боғлиқ мулк манфаати суғурта объекти сифатида қабул қилиниши мумкин?
 - Юридик шахслар мол-мулкнинг суғуртасида суғурта объекти бўлиб нима хизмат қилади?
 - Юридик шахслар мол-мулкни суғурталаш бўйича шартнома нималар асосида тузилади?
 - Юридик шахсларнинг мол-мулки қандай ҳодисаларнинг рўй бериши натижасида етказилган зарардан суғурта қилинади?
 - Мол-мулкларни суғурта қилиш суғурта фаолияти классификаторининг қайси классларида кўрсатилган?
 - Юридик шахслар мол-мулкни суғуртаси бўйича тузилган суғурта шартномасига мувофиқ суғурталанувчи қандай ҳуқуқларга эга?
 - Юридик шахслар мол-мулкни суғуртаси бўйича тузилган шартнома қайси ҳолатларда бекор этилиши мумкин?
 - Юридик шахсларнинг мол-мулки суғуртасида суғуртачининг суғурта қопламасини тўлаш бўйича мажбурияти қачон бошланади?
 - Суғурта ҳодисаси рўй берганда корхона қандай чора-тадбирларни амалга оширади?

- Суғурта қопламаси юридик шахсга қайси ҳужжатлар асосида тўланади?
- Юридик шахсларнинг мол-мулки суғуртасини ривожлантириш муаммолари ҳақида сўзлаб беринг.
- Мулкӣ суғурта шартномаси бўйича нималар суғурталаниши мумкин?
- Шахсий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида нималар тўғрисида келишувга эришилиши лозим?
- Шахсий суғурта, одатда, фуқароларни қандай хавф-хатарлардан ҳимояланишини назарда тутди?
- Ихтиёрий шахсий суғурта турларига нималар киради?
- Мажбурий тарзда амалга ошириладиган шахсий суғуртанинг турлари нималардан иборат?
- Суғурта суммасини олиш учун суғурталанган шахслар суғурталовчига қандай ҳужжатларни тақдим этиши шарт?
- Жавобгарлик суғуртаси нима?
- Жавобгарлик суғуртаси мазмун-моҳияти жиҳатидан нечтага бўлинади?
- Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қандай турлардан иборат?
- Ўзбекистон суғурта бозорида жавобгарликни суғурта қилишнинг қандай турлари амалга оширилмоқда?
- Суғурта бозори деганда нима тушунилади?
- Суғурта бозори қандай иштирокчиларга бўлинади?
- Суғурта бозори профессионал иштирокчилари таркибига яна кимларни киритиш мумкин?
- Суғурта бозорида суғурта компанияларининг мавқеи қандай?
- Қайта суғурта ёки қайта суғурталаш дейилганда нималар назарда тутилади?
- Қайта суғурта қилиш шартномалари қандай ўзига хос белгиларга эга?
- Цедент ва ретроцедент нима?
- Факультатив, облигатор ва факультатив-облигаторли қайта суғурталаш дейилганда нималар тушунилади?
- Суғурта иши амалиётида нисбий қайта суғурталашнинг қандай шакллари мавжуд?

25-боб. Уй хўжаликлари молияси

25.1. Молия муносабатларининг умумий тизимида уй хўжаликлари молияси

Уй-хўжаликлари молияси ҳар бир давлат молия тизимининг ажралмас таркибий қисми (элементи) ҳисобланади. Бозор муносабатлари тизимида уй хўжаликларининг молиявий аҳамияти унинг иқтисодий жиҳатдан нимага мўлжалланганлиги билан белгиланади. Бир томондан, уй хўжаликлари ишлаб чиқариш омилларининг (меҳнат, ер, капитал, тадбиркорлик қобилияти ва бошқаларнинг) хусусий эгалари ҳисобланади ва худди шу асосда ўзларининг даромадлар манбалари ва молиявий тушилмаларини шакллантиради. Бошқа бир томондан эса, уй хўжаликлари иқтисодиётда товарлар ва хизматларни истеъмол қилувчилар сифатида майдонга чиқади ва демак, бозор талабини белгилаб (аниқлаб) беради. Бир вақтнинг ўзида, уй хўжаликлари жамият ялпи даромадининг бир қисмини жамғаради, реал ва молиявий активларни сотиб олиш орқали молиявий резервларни яратишда иштирок этади, солиқ тўловлари орқали эса давлатнинг марказлаштирилган молиявий фондларини шакллантиришда катта (муҳим) роль ўйнайди.

Одатда, “уй хўжалиги” атамасидан миллий статистикада аҳолидан (кишилар тўпамидан) иборат бўлган институциональ бирликни ифодалаш учун фойдаланмоқ керак. Шунинг учун ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан тавсия этилган Миллий ҳисоблар тизимининг (МҲТ) замонавий халқаро андозаси (стандарти) уй хўжалигини ягона (бир) яшаш майдончасида (майдонида) биргалиқда яшаётган, умумий фондга ўзларининг даромадлари ва бойликларини тўлиқ ёки қисман ўтказётган (бераётган) ва айрим товарлар ҳамда хизматларни, энг асосан уй-жой ва истеъмол маҳсулотларини умумий тарзда

(биргаликда) истеъмол қилаётган кишиларнинг катта бўлмаган гуруҳи, деб таърифлайди (аниқлайди)⁵⁷.

Айрим ҳолларда ўзбек иқтисодий адабиётида “уй хўжалиги” атамасининг “хонадон” ёки “оила” атамалари билан алмаштирилишига йўл қўйилмоқда. Шунга мос равишда “уй хўжалиги молияси” иборасининг ўрнига “хонадон молияси” ва “оила молияси” иборалари ҳам эквивалент ёки синоним иборалар шаклида ишлатилмоқда⁵⁸. Шу муносабат билан “оила” ёки “хонадон”ни “уй хўжалиги”дан ажратмоқ (фарқламоқ) лозим. Энг аввало, “уй хўжалиги” аниқлилик даражасининг “оила”га нисбатан камроқ даражада чекланган характерга эга эканлигини қайд этиб ўтмоқ лозим. Масалан, ўзларининг ўғилларига тегишли бўлган жойда (бинода) яшаётган кекса ота-оналар уй хўжалигининг аъзолари бўлсалар-да, унинг оиласи бўлаолмайди. Худди шунингдек, бир хонани ижарага олган талаба уй-жой эгасининг уй хўжалиги таркибига киради, лекин унинг оиласи таркибига кираолмайди ва ҳ.к. Бошқача айтганда, уй хўжалиги қариндош бўлмаганларни ҳам ўз ичига олиши ёки бир кишидан (шахсдан) иборат ҳам бўлиши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, уй хўжалигининг иқтисодий жиҳатдан аниқлигини (аниқланишини) белгилашда оилавий алоқалар асосий омил бўлаолмайди. Бунинг устига, уй хўжалигининг миқдорий таркиби ҳам ўзига хос бўлган хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар, энг аввало, шу билан белгиланадики, биргаликда яшаётган ва умумий хўжаликни юритаётган шахслар (кишилар) гуруҳи ҳам ва бир вақтнинг ўзида, ўзининг истеъмолини мустақил равишда таъминлаётган ягона бир

⁵⁷ Бу тўғрида батафсил қаранг: Финансово-кредитный энциклопедический словарь / Под общ. ред. А.Г.Грязновой. – М.: 2002. с. 299.

⁵⁸ Минг афсуски, бундай ҳолатларда ўзбек тилининг бойлиги, унинг ранг-баранглиги ва серқирралиги, асоссиз равишда, суъистеъмол қилинмоқда. Она тилимизда турли шакл ва мазмунда ишлатилиши лозим бўлган ҳамда шунга мос равишда турли маъно ва моҳиятларни англатишга хизмат қилувчи сўз, ибора, атама ва тушунчалар ўртасида етти ўлчаб, бир кесилмасдан, охир-оқибатини сира ўйламасдан, масъулиятсизлик билан баробарлик ёки тенглик белгисининг қўйиб юборилаётганлиги, турли чалкашликларни, ноаниқликларни ва етарли даражада асосланмаган, айрим ҳолларда эса, мутлақо хато бўлган хулосаларни келтириб чиқариб, фанимизнинг, жумладан, молия фанининг ривожланишига ҳам жиддий зарар етказмоқда, ўқувчиларни нотўғри йўлга бошлаб юбормоқда.

шахс (киши) ҳам уй хўжалиги бўлиб ҳисобланиши мумкин. Уй хўжалигини хўжалик юритишнинг мустақил иқтисодий ва молиявий бирлиги сифатида ажратилиши қуйидаги меъзонлар асосида амалга оширилмоғи лозим:

- биргалиқда (бир жойда) яшаш;
- умумий бюджетнинг мавжудлиги;
- иқтисодий қарорларни биргалиқда (ҳамкорликда) қабул қилиш.

Уй хўжаликлари молияси молия тизимининг муҳим элементи ҳисобланади. Иқтисодий категория сифатида у уй хўжаликларида истеъмол мақсадлари ва жамғариш учун пул маблағлари фондларини шакллантириш, уларни тақсимлаш ва фойдаланишга тегишли (оид) бўлган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборатдир. Ана шуни эътиборга олган ҳолда уй хўжаликлари молиясига қуйидагича таъриф бериш мумкин: уй хўжаликларида истеъмол мақсадлари ва жамғариш учун пул маблағлари фондларини шакллантириш, уларни тақсимлаш ва фойдаланишга тегишли (оид) бўлган иқтисодий (молиявий) муносабатлар мажмуига уй хўжаликлари молияси дейилади (1).

Иқтисодий фанларда социал-иқтисодий фаолиятнинг алоҳида олинган соҳасида бир хилда ва доимий равишда вужудга келадиган муносабатлар мустақил иқтисодий категориянинг мазмунини ташкил этиши умумэътироф этилган. Бу ўринда гап “уй хўжаликлари молияси” категориясининг социал-иқтисодий мазмуни тўғрисида кетаётир. Ана шуни инобатга олган ҳолда уй хўжаликлари молиясига қуйидагича таъриф ҳам бериш мумкин: ўзларининг социал-иқтисодий фаолиятлари жараёнида уй хўжаликлари ва уларнинг алоҳида аъзолари иштирокида пул маблағлари мақсадли фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш борасида вужудга келадиган пул муносабатларининг мажмуи уй хўжаликлари молияси деб аталади (2)⁵⁹.

⁵⁹ Ушбу бетда келтирилган (1) ва (2) таърифлар шаклан бир-биридан бироз фарқ қилса-да, мазмунан ёки моҳиятан бир нарсага – уй хўжаликлари молиясининг моҳиятини, унинг социал-иқтисодий мазмунини очиб беришга - хизмат қилади ва бир-бирини тўлдиради, бойитади.

Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжаликлари ўзларининг ичида ва ўзларига нисбатан ташқи бозор субъектлари саналганлар билан молиявий муносабатда бўлади. Шунга мувофиқ равишда уй хўжаликларида мавжуд бўлган молиявий муносабатлар мажмуини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- ички;
- ташқи.

Индивидлар – уй хўжалиги аъзоларининг эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида зарурий (керак бўлган) пул фондларини (жорий истеъмол даражасини, пул резервларини, инвестициялаштиришни ушлаб (сақлаб) туриш учун ва ҳ.к.) шакллантириш ва улардан фойдаланишга оид унинг иштирокчилари (аъзолари) ўртасида вужудга келадиган муносабатлар уй хўжалигининг ички молиявий муносабатлари ҳисобланади.

Уй хўжаликларининг ташқи молиявий муносабатлари уларнинг бошқа иқтисодий субъектлар билан бўлган ўзаро алоқалари орқали намоён бўлади. Корхоналар ва ташкилотлар молияси билан уй хўжаликлари бевосита ўзаро боғланган: фирмаларга иқтисодий ресурсларни тақдим этиб (бериб), уларнинг эгалари сифатида уй хўжаликлари яратилган маҳсулотнинг қийматидан ўз ҳиссаларини (улушларини) оладилар ва демак, улар шу билан ялпи маҳсулотни бирламчи тақсимлашда иштирок этадилар. Бу муносабатлар ўзининг яна бир муҳим иқтисодий томонига эга: улар иқтисодиётда аҳоли даромадларининг бошланғич даражасини белгилаб берадики, бу нарса, ўз навбатида, истеъмолнинг шаклланиши, кўлами ва таркибий тузилмасига, тўловга лаёқатли талабнинг шаклланишига ва ниҳоят, уй хўжаликлари томонидан жамғариш функциясининг амалга оширилишига тўғридан-тўғри ўз таъсирини кўрсатади.

Давлат ва уй хўжаликлари ўртасидаги молиявий муносабатлар ҳам тўғридан-тўғри (бевосита) ва қайтарма (яна орқага қайтарилувчи) алоқалар асосида қурилади (вужудга келади) ва улар бюджет ҳамда нобюджет фондларни шакллантириш ва улардан фойдаланишдаги муносабатларни ифодалайди. Уй хўжаликларининг даромадлари ва мол-мулклари солиққа тортилиш объекти

сифатида майдонга чиқади ва демак, бюджет тизими даромадлар базасининг тузилмавий элементи ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида солиқлар, пенсия тизими, социал трансфертлар орқали давлат молиявий оқимларни уй хўжалиқларининг турли гуруҳлари ўртасида қайта тақсимлайди. Уй хўжалиқлари ва давлат ўртасидаги молиявий муносабатларни амалга ошириш жараёнида миллий даромаднинг иккиламчи қайта тақсимланиши содир бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат уй хўжалиқларига тегишли бўлган даромаднинг тақсимланиш жараёнига тўғридан-тўғри таъсир қилиш инструментларига эга эмас. Молиявий муносабатларнинг бу соҳаси давлат томонидан энг кам даражада регламентация қилинади. Бунинг сабаби шундаки, уй хўжалиқлари пул фондларини шакллантиришнинг зарурлиги, усули ва мақсади тўғрисида, уларни сарфлашнинг ўлчами ва вақти хусусида қарорлар қабул қилишда мустақилдир. Шу билан биргаликда давлат уй хўжалиқларига тегишли бўлган даромад ва якуний (охирги) истеъмолнинг ўлчамига (кўламига) таъсир қилишга қодир. Бу нарса, жумладан, қуйидагилар орқали амалга оширилиши мумкин:

- солиқли тартибга солиш (тартиблаш);
- меҳнат ҳақини тўлаш ставкаларини ўрнатиш (белгилаш);
- биринчи даражали зарурий маҳсулотлар баҳоларини тартибга солиш (тартиблаш);
- имтиёзлар тизими;
- соғлиқни сақлаш ва маорифни бюджетдан молиялаштириш орқали социал таъминотни ривожлантириш;
- ва бошқалар⁶⁰.

Уй хўжалиқларининг ўзлари ўртасидаги (уй хўжалиқлариаро) молиявий муносабатлар уй хўжалиқлари секторининг ичида молиявий ресурсларнинг ҳаракатланиши жараёнида вужудга келадиган муносабатлар сифатида

⁶⁰ Кейинги йилларда айрим мамлакатларда натурал шаклдаги социал трансфертлар уй хўжалиқлари охирги (якуний) истеъмоли таркибий тузилишининг 15%дан кўпроқ бўлган қисмини ташкил этаётир. Бу уй хўжалиқларига хизмат кўрсатаётган давлат муассасалари ва нотижорий ташкилотларнинг маориф, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалиги, маданият ва санъатдаги тақдим этилган моддий имтиёзларидан иборат.

қаралади. Бу ерда ушбу жараён ҳамма вақт ҳам ойдинлашмаган ва кучсиз тартибга солинувчи ҳисобланади. Молиянинг бу соҳасига, жумладан, қуйидагиларни киритиш мумкин:

- фермер хўжалиklarининг ҳамкорликдаги мақсадли фондлари;
- истеъмол кооперациясига хизмат кўрсатувчи фондлар;
- уй хўжалиklари ўртасидаги норасмий кредит муносабатлари;
- уй хўжалиklари сектори доирасида (чегарасида) ҳамкорликдаги пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш хусусидаги бошқа муносабатлар.

Уй хўжалиklarининг молиявий институтлар билан ўзаро алоқалари молиявий муносабатларнинг алоҳида гуруҳини ифодалайди. Уларнинг кредит муассасалари билан муносабатлари уй хўжалиги бюджети дефицитини тўлдириш (истеъмол кредити воситасида, ёрдамида), бўш турган пул маблағларини банк ҳисоб варақларида жойлаштириш ёки уларни сақлаш ва жамғариш мақсадида бошқа молиявий активларга қўйиш орқали намоён бўлади. Уй хўжалиklarининг суғурта компаниялари билан бўладиган муносабатлари эса турли кўринишдаги суғурта фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнида гавдаланади.

Молиянинг моҳияти унинг функциялари орқали намоён бўлганлиги учун уй хўжалиklари молиясининг моҳияти ҳам унинг функциялари ёрдамида ифодаланади⁶¹. Уй хўжалиklари молиясининг функциялари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин⁶²:

⁶¹ Бир вақтнинг ўзида шу нарсани таъкидлаш керакки, иқтисодий адабиётларда уй хўжалиklари молиясининг функциялари айрим ҳолларда кенг маънода, бошқа бир ҳолларда эса, тор маънода талқин қилинмоқда. Тор маънода уй хўжалиklари молиясининг функциялари уй хўжалиklаридаги иқтисодий муносабатларда, хусусан, молиянинг функциялари (тақсимлаш ва назорат) орқали очиб берилаяпти. Кенг маънода эса, бу ерда умуман молияга тегишли (хос) бўлган функциялар ажратилиб кўрсатилиши билан биргаликда, уй хўжалиklари молиясининг ўзига хос бўлган хусусиятларини ифодаловчи функцияларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

⁶² Бу ерда уй хўжалиklари молиясига тегишли бўлган функциялар сонининг олтитага етказилганлигидан “Бир бутун молиянинг ўзи икки функцияни бажариши, асосан, умумий эътироф этилган бир пайтда, унинг таркибий қисми бўлган уй

- тақсимлаш;
- такрор ишлаб чиқариш;
- назорат;
- тартибга солиш (тартиблаш);
- рағбатлантириш;
- социал.

Уй хўжаликлари молиясининг бу функциялари ўзаро боғланган ва бир-бирини доимий равишда тўлдириб туради. Бир вақтнинг ўзида, маълум маънода ва маълум даражада улар ўзларининг намоён бўлишига қараб молиянинг умумий функцияларидан биров фарқланиши ҳам мумкин.

Маълумки, уй хўжалиklarининг молияси тақсимлаш жараёнини охирги босқичгача, яъни аниқ индивидгача ёки уй хўжалигининг ҳар бир аъзосигача етказди. **Уй хўжаликлари молияси тақсимлаш функциясининг** амалга оширилиши аҳоли ҳаётини маблағлари фондини шакллантиришни тақоза этади, инсонни такрор ишлаб чиқариш учун иқтисодий (молиявий) асос яратади.

Маълумки, уй хўжалиklarининг иштирокчилари қаторига балоғат ёшига етмаганлар ёки етган бўлса-да, турли сабабларга кўра ишламаётган оила аъзолари ҳам киради. Уй хўжалиklarининг ҳиссасига тўғри келган миллий даромаднинг бир қисми уй хўжаликлари молиясининг тақсимлаш функцияси доирасида унинг барча иштирокчилари ўртасида у ёки бу нисбатларда (пропорцияларда) тақсимланади. Уй хўжалиklarининг молияси тақсимлаш функциясини бажара бориб, ҳар бир шахсни (кишини) унинг ҳаётининг учун керак бўлган ресурслар билан таъминлаб, охир оқибатда, ишчи кучи такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди. Бу ўринда тақсимлаш функциясининг таъсир объекти уй хўжалигига тегишли бўлган (уй хўжалиги эгаллик қилаётган) даромад ҳисобланади. Тақсимлаш жараёнининг

хўжаликлари молияси қандай қилиб олти функцияни бажариши мумкин?” деган хулоса келиш мақсадга мувофиқ эмас. Жиддий эътибор бериб, атрофлича таҳлил қилинса, бу ерда келтирилган уй хўжалиги молиясига тегишли бўлган олти функция, охир оқибатда, молияга хос бўлган икки функцияга бориб тақалиши мумкинлигини аниқлаш, унчалик кўп бўлмаган ақлни талаб этмаслиги маълум бўлади. Шунинг учун ҳам “молиянинг икки функцияси” ва “уй хўжаликлари молиясининг олти функцияси” ўртасида кескин фарқларнинг бўлиши мумкинлигини исботлашга уриниш беҳудага вақтни сарфлаш билан баробардир.

субъектлари сифатида эса уй хўжаликларининг барча иштирокчилари майдонга чиқади.

Уй хўжаликлари молиясининг тақсимлаш функцияси турли шаклларда, жумладан, инвестицион-тақсимлаш функцияси сифатида амалга оширилиши мумкин. Унинг бу (инвестицион-тақсимлаш) шакли шу билан характерланадики, уй хўжаликлари иқтисодиёт учун молиявий ресурсларни асосий етказиб берувчилардан бири ҳисобланади. Уй хўжаликлари даромадларининг ўсиши бу функция бажарилишининг моддий асосини ташкил этади. Кўпчилик ҳолларда уй хўжаликларининг инвестицион функцияси фақат капиталлаштириладиган даромадларнинг салмоғи, яъни даромаднинг жамғарма сифатида фойдаланиладигани (маблағларни турли молиявий институтларга ва ҳақиқий ишлаб чиқаришга жойлаштириш) билан боғланади. Бироқ бундай ёндошув бир томонламалик характериға эға. Ҳақиқатда эса, ўз навбатида, истеъмол салмоғининг ошиши ҳам иқтисодиётға инвестицияларнинг ўсишиға таъсир кўрсатадиган омил ҳисобланади.

Бир вақтнинг ўзида, юқоридаги асосларда такрор ишлаб чиқариш жараёни ишчи кучи ва шунингдек, уй хўжаликларининг пул маблағлари билан таъминланади. Бу ерда **уй хўжаликлари молиясининг такрор ишлаб чиқариш функцияси** алоҳида роль ўйнайди. Уй хўжаликлари даромадлари, харажатлари ва жамғармаларининг ўсиши жамиятдаги такрор ишлаб чиқариш жараёни учун моддий асос бўлиб хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжаликлари мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади, яъни уй хўжаликлари аъзоларининг турмуш даражаси унинг ҳиссасиға тўғри келаётган даромаднинг ўлчамиға тўлиқ боғлиқдир. Турли омиллар таъсири натижасида бу ўлчам ортиши ёки қисқариши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам истеъмолнинг одатдаги даражасини ушлаб (сақлаб) туришни олинган даромадларнинг турли фондларға тақсимланиши ва уларнинг мақсадли фойдаланиши устидан назоратсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунингдек, уй хўжаликларининг фаровонлигини қўллаб-қувватлаш ва уларни тараққий эттириш (ривожлантириш) учун улар бюджетларининг ҳолатлари,

уларга тегишли бўлган даромадларнинг тақсимланиши, даромад манбаларининг динамикаси устидан назорат ҳам объектив равишда зарур. Ана шуларда **уй хўжаликлари молиясининг назорат функцияси** ўзини намоён этади.

Уй хўжаликлари молияси тартибга солиш (тартиблаш) функциясининг намоён бўлишини қуйидаги икки нуқтаи-назардан қараш мақсадга мувофиқ:

- макроиқтисодиёт;
- микроиқтисодиёт.

Макроиқтисодий ёндошув нуқтаи-назаридан уй хўжаликлари молияси, бир вақтнинг ўзида, давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг (тартиблашнинг) объекти ва инструменти ҳисобланади. Уй хўжаликлари молиясини тартибга солавериш (тартиблаш), давлат, энг аввало:

- бозор муносабатларига хос бўлган даромадларни дифференциация қилиш (табақалаштириш) муаммосининг ўткирлигини камайтиради;

- аҳоли даромадлари манбаининг таркибий тузилиши ва динамикасидаги (ўзгаришидаги) тенденцияларни шакллантиради;

- истеъмолнинг минимал (энг кам) даражасини тартибга солади (тартиблашди);

- уй хўжаликларининг инвестицион потенциалига (салоҳиятига) таъсир кўрсатади.

Микроиқтисодий ёндошув нуқтаи-назаридан эса уй хўжаликларининг иқтисодиёти унинг турли иштирокчилари ўртасидаги етарли даражада мураккаб бўлган муносабатлар комплексига асосланади. Бу муносабатлар ёш борасидаги фарқлар, характернинг белгилари, одамларнинг қилиқлари, улар даромадлари ва эҳтиёжларининг хилма-хил даражаси билан белгиланади. Шу билан биргаликда, фақат унинг иштирокчилари иқтисодий (молиявий) қарорлар қабул қилишда ўзаро тушунишга эга (якдил) бўлсаларгина, уй хўжаликларининг соғлом (нормал) ривожланиши содир бўлиши мумкин. Ўз навбатида, уй хўжаликларининг турли иштирокчилари иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштириш уларни тартибга солиш орқали амалга оширилади. Бу ерда “уларни тартибга солиш” дейилганда, уй хўжалигининг бир аъзосига тўғри келадиган даромад бир қисмининг

ўзгартирилиши назарда тутилаяпти. Демак, бундан уй хўжаликлари молиясининг яна бир функцияни – иқтисодий бирлик сифатида уй хўжалигининг баланслаштирилган (мувозанатли) тарзда ривожланишини қўллаб-қувватловчи тартибга солиш функциясини – бажариши яққол кўриниб турибди.

Уй хўжаликлари молиясининг рағбатлантирувчи функцияси турли шакл ва мазмунда ўзини ифода этади. Бир томондан, у ўз ўсиб борувчи эҳтиёжларини (эҳтиёжларнинг ўсиб бориши объектив иқтисодий қонунининг ҳаракатига мувофиқ равишда) қондириш учун зарур бўлган даромадларни уй хўжаликлари томонидан оширишга интилиш туфайли намоён бўлади. Бошқа бир томондан эса, уй хўжаликлари даромадларининг ўсиши меҳнат фаолиятининг сифати ва натижаларига асосланган бўлмоғи лозим.

Уй хўжаликлари молиясининг рағбатлантирувчи функцияси аҳоли реал даромадларининг ўсишига йўналтирилган ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланишига ва самарали бюджет сиёсатига асосланган рағбатлантирувчи молия механизмини (молиявий механизмни) яратиш орқали амалга оширилади.

Уй хўжаликлари молияси амал қилишининг социал аспектлари (йўналишлари, жиҳатлари) унга тегишли бўлган юқоридаги барча функцияларнинг таҳлилида кузатилади. Шундай бўлишига қарамасдан, **социал функция**нинг уй хўжаликлари молиясига тегишли бўлган алоҳида функция сифатида қаралишини, маълум маънода, етарли даражада асосланган деб ҳисоблаш мумкин. Чунки уй хўжаликларининг даромадлари, харажатлари ва жамғармалари аҳоли ва унинг алоҳида гуруҳлари социал-иқтисодий ҳолатини бевосита акс эттиради, шахснинг шаклланиши ва демографик жараёнларга ўз таъсирини кўрсатади. Ана шу маънода, уй хўжаликлари молияси жамият барча аъзоларининг ҳаётий таъминланиш даражасини шакллантириш ва истеъмол талаби таркибий тузилишининг хусусиятларини аниқлайди, аҳоли даромадларини тақсимлашдаги боғлиқликларни ифодалайди, жамият социал-иқтисодий стратификациясига таъсир кўрсатувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Молиявий

индикаторлар (масалан, ўртача жон бошига тўғри келувчи пул даромадлари, аҳоли даромадларининг дифференциацияланиш (табақаланиш) коэффициенти, ҳаёт кўриш (яшаш) минимуми, минимал иш ҳақи ва бошқалар) тараққиёт (ривожланиш) социал-иқтисодий дастурларининг мажбурий элементи ҳисобланади, давлат социал сиёсатининг ишлаб чиқилиши учун асос бўлиб хизмат қилади, жамиятнинг фаровонлик даражасини баҳолашга имкон беради.

Уй хўжаликлари молиясининг самарали фаолият кўрсатиши уй хўжаликларидаги молиявий муносабатларнинг масштаби, бу муносабатлар намоён бўлиши хилма-хиллигининг тўлиқлиги ва уларнинг ривожланишини таъминловчи механизмларга боғлиқдир.

25.2. Уй хўжаликларида молиявий қарорлар қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Уй хўжалиги иқтисодий ва молиявий қарорларни мустақил равишда қабул қилувчи хўжалик юритувчи субъектдир. Бир вақтнинг ўзида, у фаолияти бутун уй хўжалигининг жами ва унинг ҳар бир иштирокчисининг социал намоён бўлиши ва ривожланишига хизмат қилувчи микросоциум ҳам ҳисобланади. Социал-иқтисодий тизимдаги уй хўжалигининг бундай ўрни (позициялари) унинг мақсадга йўналтирилганлиги фаолияти ва у томонидан қабул қилиниши лозим бўлган қарорларнинг ўзига хослигини белгилаб беради.

Болалар тарбияси, билимлилик даражасининг ўсиши, соғлиқни сақлаш масалалари, дам олишни ташкил этиш, уй хўжалиги кекса аъзолари тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва бошқа социал мақсадлар уй хўжалигида биринчи даражали аҳамият касб этади. Айнан ана шулар уй хўжалиги ичида маълум бир ўзаро ҳамкорликнинг (таъсирнинг) нормалари (меъёрлари) ва қарорлар қабул қилишнинг кўзга кўринмайдиган механизмларини (ҳаётий тажриба, анъаналар, субъектив равишда устуворлик бериш, жамоатчилик фикри ва шунга ўхшашларни) шакллантиради. Амалга оширилиши унинг иштирокчилари ҳаётий фаолиятини таъминлаб (ушлаб) туриш учун зарур бўлган тўланмаган ишлар салмоғининг анча катталиги уй хўжалигининг ўзига хос бўлган хусусиятларидан

биридир. Тўланган ва тўланмаган ишлар кўринишлари ўртасидаги нисбат тарихий жиҳатдан ўзгариб боради ва у уй хўжалигининг социал таркиби ҳамда бутун жамиятнинг социал тараққиёт (ривожланиш) даражасига боғлиқ.

Уй хўжалиги томонидан молиявий қарорлар қабул қилинадиган нормалар ва қоидалар ташқи омиллар таъсири натижасида шаклланади. Бундай ташқи омилларга қуйидагилар киради:

- ижтимоий муносабатларни меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш;
- умумий иқтисодий вазият;
- таркибий ўзгаришлар;
- инфляцион кутилишлар;
- инвестицион муҳит;
- давлатнинг социал сиёсати;
- ва бошқалар.

Ташқи омиллар молиявий қарор қабул қилишда институционал чегараларни аниқлаб (белгилаб) беради. Бир вақтнинг ўзида, иқтисодий фаолиятнинг субъекти сифатида уй хўжаликлари мақсад ва унга эришиш воситаларини танлашда мустақил ҳисобланадилар ва қабул қилинган иқтисодий ва молиявий қарорлар учун масъулдирлар (жавобгардирлар).

Уй хўжалигининг молиявий хатти-ҳаракати қуриладиган (яратиладиган, вужудга келтириладиган) ички меъёрлар тизими қуйидагиларга боғлиқ:

- социо-маданий муҳит, хусусан, социал ҳолати, билимлилик (саводхонлик) даражаси, уй хўжалигидан ташқаридаги ва унинг ичидаги социал алоқалар (контактлар), дам олиш шакллари ва бошқаларга;

- уй хўжалиги фаолиятининг иқтисодий ва ҳуқуқий тавсифномаси, шу жумладан, иқтисодий хатти-ҳаракатнинг типига (ўз-ўзини таъминлаш, ҳаёт учун кураш ёки ривожланиш режимига), тадбиркор мақомининг юридик жиҳатдан муҳрланганлигига ва бошқаларга;

- ахлоқий принципларга, шахсий салоҳиятига – бунга фикр юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, риск томон қадам ташлашга қодирлиги ва ҳ.к.лар киради.

Уй хўжалигининг молиявий қарорини ресурс жиҳатдан таъминлаш қуйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

- дастлабки (бошланғич) манбалар;
- жамғариладиган манбалар;
- жорий манбалар.

Ресурслар дастлабки (бошланғич) манбаларининг таркиби мерос бўйича ёки кўчмас мулк, нақд пуллар (нақдиналар), молиявий активларнинг ҳада этилиши натижасида берилган бойликларнинг турли моддий шаклларидан иборат. Уй хўжаликларининг жамғармалари ва инвестицион қуйилмалари ресурсларнинг жамғариладиган манбасини ташкил этади. Ресурсларнинг жорий манбаларига доимий тушилмалар (меҳнат ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар, социал трансфертлар) ва нодоимий пулли даромадлар (масалан, истеъмол кредити, лотереядаги ютуқлар) киради.

Керакли фондларни шакллантириш учун уй хўжалигининг ихтиёрига келиб тушувчи пул маблағларининг барча манбалари уй хўжалигининг молиявий ресурсларини ташкил этади. Функциональ мўлжалланганлигига кўра уй хўжаликларининг молиявий ресурслари қуйидаги таркибий тузилмага эга бўлиши мумкин:

- жорий харажатлар учун мўлжалланган пул маблағлари – озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини (пояфзал, уст-бош) сотиб олиш харажатлари, даврий равишда истеъмол қилинадиган хизматларнинг ҳақи ва ҳ.к.;

- капитал харажатлар учун мўлжалланган пул маблағлари – узоқ давр фойдаланишга мўлжалланган товарлар (мебель, уй-жой, транспорт воситалари) учун харажатлар, уй хўжалиги аъзолари томонидан истеъмол қилинадиган хизматларнинг (маориф, тиббий хизмат кўрсатиш, сайёҳлик йўлланмалари) ҳақини тўлаш;

- пул жамғармалари.

Уй хўжаликлари маълум даврдаги молиявий қарорларининг мажмуи уларнинг молиявий хатти-ҳаракатини белгилаб (аниқлаб) беради. Молиявий қарорларни қабул қилишда субъектив мотивлар, устуворликлар ва чекланмалар

ролининг катта бўлганлиги учун бундай хатти-ҳаракат жуда хилма-хилдир. Бунинг устига, уй хўжаликларининг молиявий хатти-ҳаракати динамикали, тез ўзгарувчан жараён ҳисобланади. Шу муносабат билан уй хўжаликларининг молиявий қарорлари миқдорий ва сифат позицияларидан (шу жумладан, маркетингли), иқтисодиёт, социология ва социал психология нуқтаи-назарларидан тадқиқ этилади. Бу нарса уй хўжалигининг жамғарма ва инвестицион салоҳиятини ўрганиш, унинг истеъмол, қарз ва кредитга оид хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш учун зарур. Жаҳон амалиётида бундай тадқиқотлар ижтимоий устуворлик, фикр ва кутилмаларда содир бўлаётган трансформацияланишни аниқлаш мақсадида доимий равишда олиб борилади.

Уй хўжалигидаги молиявий қарорлар, қандай бўлишидан қатъий-назар, барибир уларнинг пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ. Шу нуқтаи-назардан, уй хўжаликларининг молиявий қарорлари бир-бири билан узвий равишда боғланган қуйидаги блокларни қамраб олади:

- уй хўжалигининг даромадларини шакллантириш;
- истеъмол харажатларининг ҳажми ва таркибий тузилмаси (уй хўжалигининг истеъмол фонди);
- жамғариладиган фондларни яратиш имконияти ва зарурлиги.

Юқорида келтирилган иккинчи ва учинчи йўналишлар, кўриниб турибдики, пул фондларидан фойдаланишга доир молиявий қарорларни қамраб олади. Энди ҳар бир блокка (йўналишга) тегишли бўлган уй хўжаликларида молиявий қарорлар қабул қилишнинг хусусиятлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Яқуний истеъмолнинг манбаи ва харажатларда бюджет чекланмаларини аниқлаб берганлиги учун уй хўжаликларида даромадларни шакллантириш жараёни⁶³ принципиал жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Даромадлар қанча катта

⁶³ Гап бу ерда уй хўжаликларининг соф даромади, яъни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейинги даромади хусусида кетаяпти. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича молиявий қарорлар уй хўжаликларининг ваколатига кирмайди ва улар мавжуд меъёрий-ҳуқуқий базасига (асосга), аҳолининг ижтимоий маданияти ва фуқаролик мажбуриятларига боғлиқ бўлади.

(юқори, кўп) бўлса, уй хўжаликларининг молиявий имкониятлари шунча юқори ва молиявий қарорлар диапазони шунча кенг бўлади. Молиявий қарорлар уй хўжаликларининг активларини ҳисобга олган ҳолда келгуси давр даромадларининг таркибий тузилмасини шакллантиришга ҳам тегишли бўлиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжаликларининг даромадларини шакллантириш бўйича молиявий қарорлар қабул қилиш асосида (негизида) мулкчилик муносабатлари ётади. Ишлаб чиқариш омилларига нисбатан бўлган мулкчилик даромадларни функциональ (бирламчи) тақсимланишини аниқлаб беради ва уй хўжаликлари молиявий салоҳиятининг ўсиши учун иқтисодий асос бўлиб хизмат қилади. Бир вақтнинг ўзида даромаднинг функциональ тақсимланиши ёлланиб меҳнат қилувчи шахс ва капитал эгасининг социал мақоми бир тарзда (бир хилда) идентификация қилинган шароитдагина уни фуқаролар ўртасида реал тақсимланишини ифодалайди. Чунки замонавий иқтисодий тизимларнинг ўзига хос хусусияти социал мақомнинг аралашиб (қоришиб) кетганлиги билан характерланади. Унга кўра, ёлланма ишчилар қимматли қоғозларнинг турли кўринишларини эгаллаб, капиталнинг эгасига айланиши, кўчмас мулкка эга бўлиб, ўзининг бизнесини ташкил қилиши мумкин. Бошқача сўзлар билан айтганда, уй хўжаликлари даражасида даромадларни шакллантириш бўйича молиявий қарорлар қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

- мол-мулк ва ундан фойдаланиш (буюмлашган ёки пул шаклида) имкониятининг мавжудлигига;
- уй хўжалиги иштирокчилари иш вақти фондининг тақсимланишига – уй хўжалиги аъзолари ишловчиларининг сони, уларнинг иш жойлари, иш вақти режими ва ҳ.к.;
- уй хўжалиги аъзоларининг ташаббускорлигига, фаоллигига ва инсон капиталидан фойдаланишга;
- уй хўжалиги фаолият кўрсатадиган ташқи муҳитга.

Даромадларни шакллантириш омиллари ва баҳоларнинг даражаси бу ерда чекланмалар (чекланишлар) сифатида амал қилади, яъни истеъмол танланмасининг йўл қўйилиши мумкин бўлган вариантлари мажмуини белгилаб (аниқлаб)

беради. Ана шу нуқтаи-назардан уй хўжаликларининг истеъмол фонди минимал ва рационал истеъмол бюджетлари ёки янада деталлаштирилган тарзда қуйидагича классификация қилиниши мумкин:

- ҳаётий минимум бюджети;
- минимал истеъмол бюджети;
- оптимал истеъмол бюджети.

Ҳаётий минимум бюджети ўз ичига уй хўжалиги аъзоларининг минимал, одатда, физиологик эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ва хизматлари тўпламини қамраб олувчи истеъмол саватчаси асосида аниқланади.

Минимал истеъмол бюджети уй хўжалиги аъзоларининг нисбатан кенгроқ бўлган эҳтиёжларини қондиришга имкон беради ва истеъмолнинг тикланувчи (тикланувчан) даражасини таъминлайди.

Оптимал истеъмол бюджети эса уй хўжалиги даражасида (доирасида) инсон капиталини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш ва ривожлантиришга молиявий имконият яратади. Чунки бу бюджет инсоннинг фақат зарурий эҳтиёжларини эмас, балки ундан ҳам юқорироқ (олийроқ) бўлган эҳтиёжларини қондиради. Оптимал истеъмол бюджетини қуйидаги икки даражадаги бюджетларга бўлиш (ажратиш) мумкин:

- ўртача даражадаги етарлилик бюджети;
- юқори даражадаги етарлилик бюджети.

Истеъмолга харажатларнинг ҳар қандай кўриниши ва унинг умумий ҳажмига оид ҳар қандай молиявий қарорлар уй хўжаликлари маълум кўринишдаги бюджетлари доирасидаги рационал танлашга асосланади. Агар уй хўжалигининг даромади фақат ҳаётий минимумни қоплашга етадиган бўлса, у ҳолда молиявий қарорлар уй хўжалиги истеъмол фондини минималлаштиришга ва бир вақтнинг ўзида даромадларнинг янги манбаларини қидириб топишга ҳамда ҳаёт кечиришнинг (чидашнинг) мослаштирилган механизмларини (ўз-ўзини таъминлаш, иккиламчи бандлик, қариндошлар ва давлатнинг ёрдами, майда-чуйда савдо ва бошқалар) “ёқиш”га қаратилган бўлиши керак. Даромадларнинг ўсиши билан истеъмолнинг ўлчами (ҳажми)

ошади (ўсади, ортади) ва унинг таркибий тузилмаси ўзгаради. Бироқ, бу ҳолда ҳам истеъмолнинг ўсиш суръатлари даромаднинг ўсиш суръатларидан пастлигича қолавериши лозим. Бундай қонуният иқтисодий адабиётда Ж.М.Кейнс⁶⁴ томонидан ифодаланган “асосий психологик қонун” номини олган. Молиявий қарорларда бу уй хўжалиги истеъмол фонди ва жамғармалар йўналишини оптималлаштириш тенденцияси сифатида намоён бўлади.

Жамғариладиган фондларни (жамғармаларни) шакллантириш бўйича уй хўжалиқларининг молиявий қарорлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинаётган пайтда қуйидагилар ҳисобга олиниши керак:

- эга бўлинган даромад пасайган пайтда жорий истеъмолнинг одатдаги даражасини сақлаб туриш учун суғурта резервлари яратишнинг зарурлиги;

- узоқ муддатга фойдаланишга мўлжалланган қиммат турувчи предметларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган капитал харажатлар даражасини ошириш (кўпайтириш) учун пул резервларини яратиш кераклиги;

- пенсия резервларининг лозимлиги;

- уй хўжалигининг даромадлилик даражасини ошириш мақсадида келгусида инвестициялаштириш учун пул фондини вужудга келтиришнинг зарурлиги.

Даромадлар ва устувор йўналишларни шакллантириш ҳамда улардан фойдаланишда умумиқтисодий ўлчамлардан (параметрлардан) ташқари уй хўжалигининг истеъмол ва молиявий хатти-ҳаракатида, жамғариладиган фондларни яратишда социал ва психологик жиҳатлар (аспектлар) муҳим роль ўйнайди. Уларга қуйидагилар киради:

- давлат ва молиявий институтларга нисбатан бўлган ишонч даражаси;

- ўтмишдаги (олдинги йиллардаги) молиявий хатти-ҳаракат тажрибаси ва унинг субъектив баҳоси;

- асосий молиявий инструментларни билиш;

- қуйилмаларнинг имкониятлари тўғрисида маълумотларга эгаллик қилиш.

⁶⁴ Қаранг: Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М., 1999. с.96.

Жамғариладиган фондларни шакллантириш бўйича уй хўжаликлари молиявий хатти-ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятлари жамғарма стратегияларининг элементлари ва турларини (кўринишларини) ажратиб кўрсатишга имкон беради. Уй хўжалигининг ҳар қандай жамғариладиган стратегияси мустақил бўлган уч компонентдан таркиб топади:

- жамғариш нормаси (меъёри), яъни уй хўжалиги жами даромадининг жамғаришга йўналтириладиган ҳиссаси (улуши) асосида жамғаришнинг амалга оширилиши;
- риск ва даромадлиликнинг диверсификацияланиш ўлчамларини (параметрларини) ҳисобга олган ҳолда инвестицион инструментни танлаш;
- пул маблағларини қуйиш (жойлаштириш) муддатлари.

Юқоридаги (кўрсаткич)ларнинг комбинация қилиниши уй хўжалигининг жамғариш стратегиясини белгилаб (аниқлаб) беради. Унинг қуйидаги турлари (кўринишлари) бўлиши мумкин:

- “0”ли стратегия – жамғариш амалга оширилмайди, барча даромадлар жорий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилади;
- юқори риск стратегияси – қуйилмалар фақат юқори рискли молиявий активларга йўналтирилади;
- реал стратегия – маблағлар паст ва бўлиши мумкин бўлган рискли активларга қўйилади, рисклар диверсификация қилинади.

Уй хўжаликларида молиявий қарорлар қабул қилиш жараёнига, шунингдек, банк тизими ва молиявий бозорларнинг ривожланганлик даражаси, яъни ташқи муҳит ҳам кескин таъсир кўрсатиши мумкин. Бунда қимматли қоғозлар бозоридаги операциялар, банк операциялари, пенсия таъминоти, суғурта иши ва шу кабиларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланганлик даражаси ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги пайтда турли молиявий инструментларнинг даромадлилигида яқинлашиш тенденцияси пайдо бўлаяпти. Бу қуйилмалар рискинни пасайтириш ва молиявий активлар портфелининг барқарорлигини ошириш мақсадида уй хўжаликлари активлари портфелини диверсификациялашга асосланган реал жамғариш стратегиясининг шаклланганлигида намоён бўлмоқда.

25.3. Уй хўжаликлари даромадлари

Маълум бир даврда уй хўжалиklarининг ихтиёрига келиб тушувчи пул маблағлари суммалари **уларнинг даромадлари** дейилади. Бундай даромадлар турли шаклларда намоён бўлади, миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тизими билан ўлчанади, иқтисодий мазмунига кўра турли манбалардан таркиб (ташкил) топади.

Энг умумий кўринишда, **уй хўжалиklarининг жами даромадларини** икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- уй хўжалиklarининг натурал шаклдаги даромадлари;
- уй хўжалиklarининг пул шаклидаги даромадлари.

Натурал даромадлар товар шаклига эга эмас ва улар ўз-ўзини таъминлашга мўлжалланган уй хўжалиги аъзолари меҳнатининг натижасидан иборат бўлади. Уларнинг таркибига қуйидагилар кириши мумкин:

- шахсий ёрдамчи хўжалиқдан олинган маҳсулотлар;
- уй хўжалиklarида истеъмол қилинадиган ва қишлоқ хўжалиги корхоналаридан олинган натурал тўловлар.

Расмий (шаклий) белгисига кўра (маблағлар тушумининг натурал шакли бўйича) уй хўжаликлари даромадларининг бу гуруҳига натурал шаклдаги социал трансфертларни ва иш берувчи томонидан тақдим этилган (берилган) натурал кўринишдаги имтиёзларни ҳам киритиш мумкин. Бироқ молиявий нуқтаи-назардан, бу маблағлар уй хўжалиklarининг ўз-ўзини таъминлаш функциясини ифодаловчи натурал даромадлар бўлаолмайди ва улар пул маблағларининг дефицитлиги шароитида компенсацион инструментлар сифатида хизмат қилади.

Умуман олганда, уй хўжалиklarининг жами даромадларида натурал даромадларнинг салмоғи унча катта бўлмаган қисмни ташкил этади. Шундай бўлишига қарамасдан, унинг даражаси (салмоғи) алоҳида олинган уй хўжалиklarининг анъаналари, устуворликлари, афзалликлари, демографик ва социал тавсифномаларига мувофиқ равишда ўзгариб туриши мумкин. Шу муносабат билан қайд этиш жоизки, аҳолининг камбағал қатламлари ва қишлоқ аҳолисида натурал даромадларнинг салмоғи анъанавий

равишда нисбатан юқорироқ бўлади. Бир вақтнинг ўзида уй хўжалигининг натураллашганлиги ташқи муҳитнинг (масалан, урушлар даврида, тизимли трансформацияланиш жараёнларида ва ҳ.к.) ноқулай шарт-шароитларига ўзига хос тарзда мослашиш механизми ҳам бўлиб ҳисобланади.

Турли манбалар ҳисобидан уй хўжаликларининг ихтиёрига келиб тушувчи пул маблағларининг барча суммаси **пул даромадлари** дейилади. Бозор муносабатлари тараққий этган (ривожланган) шароитда айнан пул даромадлари уй хўжаликларининг ҳаётийчанлигини таъминлаш ва улар ривожланишининг асоси ҳисобланади. Уй хўжаликлари пул даромадларини таҳлил қилишнинг асоси аҳолининг шахсий даромадлари ҳисобланадики, улар қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида ҳисобланади (ўлчанади):

- номинал даромадлар;
- эга бўлинган даромадлар;
- реал даромадлар.

Уй хўжалиги аъзоларининг маълум даврдаги шахсий (индивидуал) даромадлари мажмуининг (тўпламининг) пулдаги ифодасига **номинал даромадлар** дейилади. Бу кўрсаткич солиққа тортиш даражаси ва баҳолар динамикасига боғлиқ бўлмаган ҳолда даромадларни тавсифлайди. Уй хўжаликлари номинал даромадларининг ЯИМдаги салмоғи ҳар бир мамлакат миллий хўжалигининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб, тараққий этган мамлакатларда унинг даражаси 65-75% атрофида тебранади. Бир вақтнинг ўзида, ҳисобланган номинал даромадлар ва ҳақиқатда олинган номинал даромадлар ўртасидаги фарқни англамоқ (кўра билмоқ) лозим. Улар бир-бирларидан шу даврда ҳисобланган, лекин тўланмаган даромадлар, шунингдек, ўтган (олдинги) даврлар учун қарзларнинг қайтарилиши натижасида олинган даромадлар ўлчамига (миқдорига, суммасига) фарқланади. Иш ҳақи бўйича тўлаш муддати ўтиб кетган қарздорликнинг мавжуд бўлиши ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар учун долзарб муаммолардан биридир.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг уй хўжалигининг ихтиёрида қоладиган даромадларнинг пулдаги ифодасига уй хўжалигининг **эга бўлинган даромади**

дейилади. Бу даромад якуний истеъмом ва жамғариш учун мўлжалланган. Ёппасига (жамига) ўлчанишда (ўлчанганда) эга бўлинган даромад аҳолининг ихтиёрига бориб тушувчи ЯИМнинг тегишли қисмига мос (тенг) келади. Уй хўжаликлари эга бўлинган даромадларининг ўсиши аҳолининг молиявий имкониятларини салоҳиятли равишда кенгайтиради, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг бозор механизмларини фаоллаштиради. Ривожланган мамлакатларда уй хўжаликлари эга бўлинган даромадларининг ЯИМдаги салмоғи 70%ни ташкил этаяпти.

Баҳолар даражасига нисбатан ўзгартирилган (корректировка қилинган) эга бўлинган даромад уй хўжаликларининг **реал эга бўлинган даромади** дейилади. Бу кўрсаткич номинал даромадларнинг реал сотиб олиш қобилиятини ўзида акс эттиради. Унинг динамикаси (ўзгариши) эса, маълум даврдаги эга бўлинган даромадлар ва истеъмом баҳолари индекси (ёки баҳолар индексига тескари бўлган пулнинг сотиб олиш қобилияти индекси) ўсиш суръатларининг нисбатига боғлиқ бўлади. Агар баҳоларнинг ўсиш суръати номинал эга бўлинган даромадларнинг ўсиш тезлигидан паст бўлса, уй хўжаликларининг реал эга бўлинган даромадлари ўсади. Баҳоларнинг юқори суръатларда ўсиши шароитида реал даромадлар қисқаради. Бу нарса, ўз навбатида, аҳоли истеъмом талаби ва сотиб олиш қобилиятининг пасайишига олиб келади. Бу жараён иқтисодиётнинг барча секторларидаги ишбилармонлик фаоллигига салбий таъсир кўрсатади.

Уй хўжаликларининг пул даромадлари турли манбалар ҳисобидан шаклланади ва уларнинг бюджетларига келиб тушади. Уларнинг энг асосийлари қаторига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- меҳнат ҳақи;
- социал тўланмалар;
- тадбиркорлик фаолиятидан келувчи даромадлар;
- мол-мулкдан келувчи даромадлар.

Меҳнат (иш) ҳақининг таркибига қуйидагилар киради:

- бажарилган ишлар баҳоси, тариф ставкалари ва мансаб окладлари бўйича иш ҳақининг ҳисобланган суммалари;
- рағбатлантирувчи устама ва қўшимчалар;

- иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсацион тўланмалар;
- мукофотлар ва бир марталик рағбатлантирувчи тўланмалар;
- ҳар йиллик ва қўшимча меҳнат таътилларини тўлашлар;
- сафар харажатлари;
- берилган махсус кийим-бош ва махсус овқатланишнинг қиймати;
- ва бошқалар.

Уй хўжаликлари даромадларининг таркибий тузилмасида меҳнат ҳақи асосий ўринни эгаллайди. Шундай бўлишига қарамадан, бозор муносабатларига ўтилиши билан уй хўжаликлари даромадларининг таркибида унинг салмоғи бироз пасайди. Бу меҳнат муносабатлари ва молиявий муносабатлар тизимида содир бўлган сифат ўзгаришлари билан боғлиқдир. Бир томондан, қисман иш ҳақининг ўрнини босувчи ва ундан ҳаёт кечиришнинг ягона манбаи сифатидаги юкломани олиб ташловчи янги имкониятлар (масалан, молия соҳасида) ва даромадларнинг янги манбалари (масалан, тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши) пайдо бўлди.

Бошқа бир томондан эса, ишсизлик, иш ҳақининг паст даражаси, уни тартибга солишнинг етарли даражада самарали бўлмаган давлат сиёсати, пинҳона (хуфёна) айланманинг (иқтисодиётнинг) ўсиши меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин, расмий равишда инобатга (ҳисобга) олинмаган шаклларининг пайдо бўлишига олиб келди⁶⁵. Иқтисодиёт тармоқлари (масалан, нефть-газ саноатида иш ҳақининг даражаси маориф ва қишлоқ хўжалигидаги унинг даражасидан бир неча баробар юқори) ва турли мулкчилик

⁶⁵ Иш ҳақининг яширин шакллари қуйидагилар кириши мумкин: а) тўлов ведомостларини расмийлаштирмасдан туриб пул тушумларидан тўланмалар; б) суғурта тизими ва банкларнинг депозит ҳисоб варақларидан бериладиган пул ёрдамлари, кредитлар ва тўланмалар; в) ходимларга кўчмас мулк, узоқ муддатларда фойдаланилиши мумкин бўлган предметларни сотиб олиш йўли билан натурал шаклда бериладиган тўланмалар; г) ва бошқалар. Расмий статистикада меҳнатга ҳақ тўлашнинг хуфёна шаклларининг миқдори билвосита, баланс методи ёрдамида аҳолининг пул харажатлари ва жамғармалари ҳамда расмий ҳисобга олинган даромадлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланиши мумкин.

шаклларидаги корхоналар (хусусан, бошқа мулкчилик соҳалари корхоналаридаги иш ҳақиға нисбатан бюджет соҳасининг корхоналарида иш ҳақи анча паст) бўйича иш ҳақининг табақаланиши⁶⁶ ўткир муаммога айланган.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг қуйи чегараси давлат томонидан ўрнатилади (аниқланади) ва уни давлат меҳнатга ҳақ тўлашнинг минимал миқдори (МҲТММ) деб қайд этади. МҲТММнинг таркибига устамалар, мукофотлар ва бошқа рағбатлантирувчи тўланмалар киритилмайди. Бюджет манбалари ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотлар учун МҲТММ тегишли бюджетлар ҳисобидан, бошқа субъектлар учун эса уларнинг ўз манбалари ҳисобидан таъминланади.

Бюджет соҳаси ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳозирги пайтда ислоҳ қилинмоқда. Бу нарса ушбу соҳада йиғилиб қолган муаммолар билан (меҳнатга ҳақ тўлашнинг ходимлар малакаси ва улар ишларининг ҳақиқий натижалари билан кучсиз боғланганлиги, марказдан туриб бюджет соҳаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш жараёни устидан тўлиқ назоратни амалга оширишнинг иложи йўқлиги ва бошқалар) боғлиқдир.

Социал тўланмалар (социал трансфертлар) ўзининг аҳамиятига кўра уй хўжаликлари пул даромадларининг таркибий тузилмасида иккинчи ўринни эгаллайди. Уларни турли белгилар ва асослар бўйича классификация қилиш (таснифларга ажратиш, таснифлаш) мумкин. Хусусан, классификация меъзонлари сифатида қуйидагиларни қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

- иқтисодий мазмунига кўра;
- социал тўланмаларнинг шакли бўйича;
- молиялаштириш манбаларига кўра.

⁶⁶ Бунинг айнан шундай эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун қуйидаги ҳолатга эътибор беришнинг ўзи етарли: молия-банк соҳасидаги ўртача ойлик иш ҳақи бошқа соҳалардаги ўртача иш ҳақидан нисбатан анча юқори ҳисобланади. Шундай бўлишига қарамасдан, ҳатто шу соҳанинг ўзида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кескин тебраниш бўлаётганлигини аниқлашимиз мумкин. Хусусан, давлат мулкига тегишли бўлган молиявий муассасаларда иш ҳақининг даражаси аралаш ва ҳамкорликдаги мулкчилик шаклида бўлган худди шундай муассасалардаги иш ҳақидан анча пастдир.

Иқтисодий мазмунига кўра социал тўланмаларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

- меҳнат пенсиялари билан боғлиқ бўлган тўланмалар - меҳнат, социал ва ҳарбий пенсиялар;
- социал характердаги (тавсифдаги) тўланмалар – кам таъминланган оилаларга, бола парвариши бўйича, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича);
- индивидуал фойдаланиш хизматлари билан боғлиқ бўлган тўланмалар – соғлиқни сақлаш, маориф, бошқа нотижорий ташкилотлар хизматларини тўлаш;
- чекланган ҳаракатга эга бўлган тўланмалар – ишсизлик бўйича нафақалар, стипендиялар.

Ўзларининг шакли бўйича социал тўланмалар қуйидаги кўринишларга эга бўлиши мумкин:

- пенсиялар – меҳнат, социал ва ҳарбий пенсиялар;
- нафақалар – кам таъминланган фуқароларга нафақалар, оналик нафақаси, ишсизлик бўйича нафақа ва бошқалар;
- стипендиялар – олий, ўрта-махсус ва касбий таълим, курслар ўқувчиларига, аспирантларга стипендиялар;
- имтиёзли тўланмалар, компенсациялар, субсидиялар – уй-жой-коммуналь хизматларига, транспорт хизматлари, санатория-курорт даволашлари ва даволаш воситалари билан таъминлаш хизматларини тўлаш, уй-жой сотиб олишга субсидия ва бошқалар;
- суғурта қопламалари – кўзда тутилмаган сабаблар бўйича суғурта ҳодиса рўй бергандаги тўланмалар;
- моддий ёрдам – ишсизлар, қочоқлар ва мажбурий кўчиб ўтганларга бир марталик тўланмалар ва бошқалар.

Молиялаштириш манбаларига кўра социал тўланмаларнинг қуйидаги кўринишлари бор:

- барча даражадаги бюджетлардан молиялаштириладиган социал тўланмалар: республика бюджетидан – уруш иштирокчилари ва ногиронларини, жанговор ҳаракатлар фахрийларини социал жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чоралари; минтақавий ва маҳаллий бюджетлардан – меҳнат фахрийлари, фронт орти меҳнаткашларини социал жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чоралари, турли хилдаги устама ва қўшимчалар;

- давлат нобюджет фондларининг бюджетларидан молиялаштириладиган социал тўланмалар: Пенсия фондининг бюджети ҳисобидан – меҳнат, социал пенсиялар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига пенсиялар; Социал суғурта фонди маблағлари ҳисобидан – вақтинчалик меҳнат қобилиятини юқотганлиги учун нафақалар, оилавий ва оналик нафақалари ва ҳ.к.

- корхоналарнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган социал тўланмалар – пенсияларга устамалар, пенсияга чиқадиганларга бир марталик нафақалар ва бошқалар;

- касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган социал тўланмалар – оилавий ҳолатларга кўра турли бир марталик нафақалар ва бошқалар.

Яхлит олинганда уй хўжаликлари даромадларининг социал тўланмалар кўрсаткичи пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бошқа социал ва суғурта тушилмаларини ўзида бирлаштиради. Социал тўланмаларни моддий-буюмлашган таркибига кўра уч кўринишга ажратиш мумкин:

- пул маблағлари билан ёрдамлашув;
- имтиёзлар;
- натурал кўринишдаги ёрдам.

Бу соҳадаги барча имтиёзларни қонуний тарзда тартибга келтириш энг камида қуйидаги уч вазифанинг ечилишини кўзда тутди:

- имтиёзларнинг тақдим этилиш шаклларини ўзгартириш (натурал имтиёзларни пул компенсациялари билан алмаштириш) ва бюджет ресурсларининг чекланганлиги учун молиялаштирилишининг иложи бўлмаган кўплаб имтиёзларни бекор қилиш;

- объектив равишда муҳтож бўлган, касбий меъзонлари ва алоҳида хизматлари белгилари бўйича манзилли қўллаб-қувватлашга ўтиш;

- социал қўллаб-қувватлаш чораларининг молиялаштириш манбаларини қаттиқ (кескин) чегаралаш.

Юқорида келтирилган вазифаларнинг бажарилиши социал трансфертларни (тўланмаларни) тақдим қилишнинг янги моделларига ўтишнинг самарали адаптацион (мослашувчан) шаклларидан фойдаланишни талаб қилади.

Тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромадлар уй хўжаликлари даромадларининг таркибий тузилишида навбатдаги муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бундай даромадларнинг таркибига хусусий бизнесни юритиш ва уй хўжалигида тўпланган мулкнинг (бойликнинг) камайиши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келувчи даромадларнинг ҳар қандай шакллари киради. Бу даромадлар бизнеснинг ташкил қилинган (қайд этилган корхона) ва ташкил қилинмаган шакллари доирасида вужудга келади.

Кейинги йилларда уй хўжаликларининг даромадлари таркибида **мулкдан олинадиган даромадлар**нинг салмоғи ошиб бораётир. Бундай даромадлар уй хўжаликларининг мулкида бўлган молиявий ва номолиявий ноишлаб чиқариш активларидан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган пул даромадларидан иборат. Бунда молиявий активлардан олинадиган даромадлар пул маблағларини банк омонатларига, қимматли қўғозларга, хорижий валюталар билан операцияларга жойлаштириш натижасида вужудга келади. Номолиявий ноишлаб чиқариш активлардан олинадиган даромадлар уй хўжаликларига тегишли бўлган уй-жой бинолари ва ер участкаларини сотиш ёки ижарага бериш натижасида пайдо бўлади.

Шундай қилиб, кўриниб турибдики, уй хўжаликларининг мулкдан олинадиган даромадлари қуйидаги кўринишларда амал қилади:

- фоизлар;
- дивидентлар;
- ренталар.

Молиявий воситачилик, фонд бозори, патент ҳуқуқи бозори, хусусий мулкчилик, шу жумладан, ерга бўлган хусусий мулкчилик институтларининг ривожланиши уй хўжаликлари даромадларининг умумий суммасида мулкдан олинадиган даромадларнинг янада ўсишига олиб келишга ўз таъсирини кўрсатади.

Уй хўжаликлари турли гуруҳлари даромадларининг таркиби, таркибий тузилмаси ва динамикаси бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Бунда даромадларнинг табақаланиши (дифференциация қилиниши) жуда кўп

объектив ва субъектив омиллар таъсири остида содир бўлади. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилардир:

- мулкчилик омили (унинг нотенг тақсимланганлиги);
- оилавий социоиқтисодий аҳвол (оиланинг келиб чиқиши, ўлчами (кўлами), социал мақоми, жамғарилган (тўпланган) бойлиги;
- инсон капиталига қўйилмалар (маълумоти, малакаси, касбий маҳорати, уларнинг ўсиш салоҳияти).

Фаровонликнинг умумий даражасига боғлиқ бўлмаган ҳолда даромадларнинг дифференциация қилинганлиги (табақаланган-лиги) барча мамлакатлар учун хос. Жамиятда жами даромадларнинг тақсимланишидаги нотенгликни Жини коэффициенти (даромадларнинг концентрациялашуви индекси) яққол кўрсатади. Унинг умумий кўтарилиши (юқорилиги) жамиятнинг чуқур социал қатламларга бўлинганлигидан дарак беради. Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг ўсиши, социал-иқтисодий ривожланишда барқарор позитив (ижобий) тенденцияларнинг шаклланиши, даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг самарали инструментлари, камбағалликни (қашшоқликни) огоҳлантириш механизмлари уй хўжаликларида эга бўлинган реал пул даромадларининг ўсишига, даромадларнинг нотенглиги муаммосини силлиқлаштиришга (юмшатишга) ўз таъсирини кўрсатади.

25.4. Уй хўжаликлари харажатлари

Уй хўжаликлари томонидан истеъмолга, мажбурий тўловларни амалга оширишга ва жамғаришга йўналтириладиган пул маблағлари уй хўжаликлари бюджетларининг харажатлар қисмини ташкил этиб, уларнинг харажатлари дейилади. Иқтисодий адабиётларда уй хўжаликларининг харажатлари қуйидагилар бўйича классификация қилинади:

- даврийлик нуқтаи-назаридан;
- харажатларнинг турлари (кўринишлари) бўйича;
- харажатларнинг функционал мўлжалланганликка боғлиқлигига кўра;
- мажбурийлик даражаси бўйича;

- тўловларнинг автономлилик характериға кўра;
- истеъмол ва жамғаришға йўналтирилаётган реал пул харажатларининг турлари (кўринишлари) бўйича.

Даврийлик нуқтаи-назаридан уй хўжаликларининг харажатлари қуйидагиларға бўлинади:

- қисқа муддатли харажатлар;
- ўрта муддатли харажатлар;
- узоқ муддатли харажатлар.

Харажатларнинг турлари (кўринишлари) бўйича уй хўжаликларининг харажатлари қуйидагилардан таркиб топади:

- жорий харажатлар;
- капитал харажатлар.

Уй хўжаликларининг харажатлари **функционал мўлжалланганлигига кўра** қуйидагилардан иборат:

- шахсий истеъмол харажатлари;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- пул тўпланмалари ва жамғармалар.

Автономлилик характериға кўра уй хўжаликларининг харажатлари иккига бўлинади:

- даромадларнинг ўлчамига (кўламига) боғлиқ бўлмаган ва ҳаётий минимум даражасига расман мувофиқ келувчи автоном (қатъий, қаттиқ) харажатлар;
- даромадларнинг динамикасига боғлиқ бўлган эластик харажатлар.

Айрим ҳолларда уй хўжаликлари харажатларининг ана шундай классификацияланиши доирасида кам эластикли харажатлар алоҳида гуруҳға ажратилади ва унинг таркибига уй-жой-коммунал хизматлари ва транспорт чиқимларини тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади.

Реал пул харажатларининг турлари (кўринишлари) бўйича ҳам уй хўжаликларининг харажатлари икки гуруҳдан ташкил топади:

- истеъмолға йўналтирилган харажатлар;
- жамғаришға йўналтирилган харажатлар

Уй хўжаликларининг истеъмолға йўналтирилган харажатлари (истеъмол харажатлари) улар томонидан якуний товарлар ва хизматларни сотиб олишға сарф

қилинадиган эга бўлинган даромаднинг бир қисмидан иборат. Истеъмол харажатларининг кўлами қуйидагилар боғлиқ:

- эга бўлинган даромадга;
- баҳолар даражасига;
- истеъмолчиларнинг мол-мулкларига;
- реал фоиз ставкаларига;
- истеъмол бўйича қарздорликнинг миқдорига;
- истеъмолчиларнинг солиққа тортилиш даражасига.

Уй хўжаликлари бюджетларидаги истеъмол харажатлари субъектив омилларга ҳам таъсирчан бўлиб, уларнинг орасидан қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- истеъмол қилишга бўлган интилишнинг чегараси;
- баҳоларнинг ўзгаришига нисбатан истеъмолчиларнинг кутувчанлиги;
- пул даромадлари;
- солиқлар;
- товарларнинг мавжудлиги;
- ва бошқалар.

Макроиқтисодий нуқтаи-назардан уй хўжаликлари бюджетларининг истеъмол харажатлари икки энг муҳим хусусиятга эга:

- биринчидан, истеъмол харажатлари ялпи маҳсулот доиравий айланиши моделида ялпи талаб ва ялпи харажатларни ташкил қилишнинг энг катта қисми ҳисобланади;
- иккинчидан, уй хўжаликлари бюджетларининг истеъмол харажатлари қисқа муддатли даврда бандлик ва инвестициялар даражасини тартибга солиш орқали таъсир этиш мумкин бўлган ялпи талабнинг нисбатан барқарор таркиб топтирувчисидир.

Уй хўжаликлари бюджетлари харажатлари таркиби, таркибий тузилмаси ва динамикасини таҳлил қилиш, одатда, аҳолининг даромадлари ва харажатлари баланси асосида амалга оширилади. Бу баланснинг энг умумий кўриниши қуйидагича бўлиши мумкин (навбатдаги бетга қаранг):

Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси

Даромадлар	Харажатлар ва жамғармалар
<ol style="list-style-type: none"> 1. Меҳнатга ҳақ тўлаш 2. Меҳнат ҳақидан бошқа корхона ва ташкилотлардан олинadиган ёлланма ишчиларнинг даромадлари 3. Дивидентлар 4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинadиган тушумлар 5. Пенсия ва нафақалар 6. Стипендиялар 7. Молия тизимидан олинadиган тушумлар (суғурта қопламалари, омонатларнинг фоизлари, лотерея ютуқлари ва б.) 8. Хорижий валютани сотишдан келган аҳолининг даромадлари 9. Бошқа тушумлар <ol style="list-style-type: none"> а) коммиссион магазинлар орқали буюмларни сотиш б) чиқинди ашё, металл ва бошқаларни сотиш 10. Ўтказмалар бўйича олинган пуллар 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Товарларни сотиб олиш ва хизматларни тўлаш 2. Мажбурий тўловлар ва ихтиёрий бадаллар: <ol style="list-style-type: none"> а) солиқлар ва йиғимлар; б) суғурта бўйича тўловлар; в) жамоатчилик ва кооператив ташкилотларга бадаллар; г) ссудаларни қайтариш; д) лотерея чипталарини сотиб олиш; е) товар кредити учун фоизлар; ё) пенсия фондларига суғурта бадаллари; 3. Омонатлар ва қимматли қоғозлардаги жамғармаларнинг ўсиши 4. Уй-жой биноларини сотиб олиш 5. Хорижий валютани сотиб олиш бўйича аҳоли харажатлари 6. Ўтказмалар бўйича жўнатилган пуллар
<p>Жами пул даромадлари</p>	<p>Жами пул харажатлари ва жамғармалар</p>
<p>Харажатларнинг даромадлардан ошиши</p>	<p>Даромадларнинг харажатлардан ошиши</p>
Баланс	Баланс

Уй хўжаликлари бюджетлари харажатлари ҳисобидан товарларни сотиб олиш ва хизматларни тўлаш (истеъмол харажатлари) ўз ичига қуйидагиларни олади:

- уй-жой ва коммунал хизматларни, маиший хизматларни, маориф тизими хизматларини тўлаш;
- дам олиш уйлари, санаторийлар, туристик йўлланмалар харажатлари ва тибий хизматларни тўлаш;
- кино, театр ва бошқа тамошалар харажатлари;
- пассажир транспортининг барча турларини тўлаш харажатлари;
- алоқа хизматларини тўлаш;
- қолган бошқа хизматларни тўлаш.

Мажбурий тўловлар ва ихтиёрий бадаллар уй хўжаликлари бюджетлари харажатларининг муҳим элементи ҳисобланади. Бу харажатлар, ҳозирги шароитда, ўсиш тенденциясига эга бўлиб, улар қуйидаги омиллар билан боғланган:

- биринчидан, аҳоли тадбиркорлик ташаббусининг кенгайиши яқка тартибдаги тадбиркорларнинг хўжалик ва савдо фаолиятдан олиндиган (ундириладиган) солиқ, бошқа мажбурий тўловлар ва йиғимларнинг ҳам кенгаши (кўпайиши) билан кузатилмоқда;

- иккинчидан, суғурта тизимининг ривожланиши, нотижорий секторнинг ўсиши (масалан, турли жамоатчилик ташкилотлари, бирлашмалари ва иттифоқлари), бир томондан, суғурта бўйича бадалларни оширса, иккинчи томондан, нотижорий ташкилотларга ажратмаларни кўпайтиради;

- учинчидан, истеъмол ва ипотека кредитининг ривожланиши уй хўжаликлари бюджетларининг харажатларида “ссудаларни қайтариш” ва “товар кредити бўйича фоизлар” моддаларининг оширилишига олиб келади.

Суғурта бозорининг интенсиф ривожланиши, банк хизматлари амалиётида истеъмол кредити ва у билан боғлиқ бўлган операцияларнинг кенгайиши натижасида келажакда уй хўжаликлари бюджетлари харажатларининг бу йўналишлари фақат ўсиш тенденциясига эга бўлиши мумкин. Шунингдек, молиявий бозорнинг ривожланиши ва пенсия тизимининг ислоҳ қилиниши уй хўжаликлари бюджетларида

“пенсия фондига суғурта бадаллари” харажатлар моддасининг ҳам ўсишига олиб келади.

Уй хўжаликлари бюджетлари харажатлар қисмининг мажбурий тўловларида солиқлар ва йиғимлар каттагина ҳиссани ташкил этади. Уй хўжаликлари даромадларининг солиққа тортилиши улар реал даромадларини қисқартиради. Шундай бўлишига қарамасдан, давлат молиясининг тақсимлаш функцияси доирасида жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мулкдан олинadиган солиқлар муҳим вазифаларни ечишга хизмат қилади. Биринчидан, бу солиқлар мамлакат бюджет тизимининг турли бюджетлари даражаларида даромадларнинг етарли тушишини таъминлайди. Иккинчидан, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқлар олинган даромадлардан рационал фойдаланишни рағбатлантириш ва уларни шакллантириш йўллари билан уй хўжаликлари бюджетларининг таркибий тузилмасига ўз таъсирини кўрсатади. Учинчидан, солиқлар воситасида даромадларнинг бир қисми жамият ва уй хўжаликларининг социал муаммоларини ечиш учун қайта тақсимланади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ мамлакат фуқаролари даромадларидан, мол-мулкдан (шу жумладан, ер солиғи ва ер учун ижара ҳақи) солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва йиғимлар (масалан, маъмурий жарималар, жисмоний шахслардан олинadиган хилма-хил маҳаллий йиғимлар) ва давлат божларини тўлайди. Бир вақтнинг ўзида, уй хўжаликларининг реал даромадларига, аҳоли даромадлари ва харажатларининг балансида мажбурий тўловлар сифатида ҳисобга олинмайдиган эгри (билвосита) солиқлар ҳам ўзининг таъсирини кўрсатади. Чунки бу солиқлар (акцизлар, қўшилган қиймат солиғи, божхона божлари ва бошқалар) товар баҳосининг таркибида бўлиб, улар товар сотиб олинаётганда тўланади. Товарлар баҳосининг даражасини фақат эгри (билвосита) солиқлар ошириб қолмасдан, балки айрим тўғри (бевосита) солиқлар (ягона социал солиқ, корхоналарнинг фойдасидан олинadиган солиқ, ташкилотларнинг мол-мулкдан олинadиган солиқ ва бошқалар) ҳам оширадими, улар ҳам қисман ёки тўлиқ товарлар баҳоси орқали компенсация қилинади.

Аҳоли даромадлари ва харажатлари баланси харажатлар қисмининг бошқа моддалари (“омонатлар ва қимматли қоғозлардаги жамғармаларнинг ўсиши”, “хорижий валюталарни сотиб олиш бўйича аҳоли харажатлари” ва бошқалар) жамғариш жараёни доирасида уй хўжалиқларининг молиявий муносабатларини акс эттирадики, уларнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари ушбу бобнинг навбатдаги параграфида кўриб чиқилади.

25.5. Жамғармаларни шакллантириш ва йўналтириш

Барча мажбурий харажатлар амалга оширилганидан, зарурий товарлар ва хизматлар сотиб олинганидан сўнг қолган бўш пул маблағлари уй хўжалиқларининг жамғармаларини ташкил этади. Жамғармалар, кечиктирилган истеъмол демакдир. Уй хўжалиқлари жамғармалари ташкил топиши жараёнининг асосида эҳтиёжнинг амалда мавжуд бўлган даражаси ва уларни қондиришнинг иложи йўқлиги ўртасидаги зиддият ётади. Эҳтиёжлар даражасини қондиришнинг ташқи чекловчиси (чегараловчиси) товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш имкониятининг чекланганлиги ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти барқарор ривожланган мамлакатларда уй хўжалиқларининг жамғармаларига ҳам алоҳида роль ажратилган. Чунки иқтисодий ўсиш инвестицияларнинг муҳим манбаи бўлган жами жамғармаларнинг даражаси билан узвий боғланган. Ўз навбатида, жамғармаларнинг мавжудлиги эса мамлакат бойлигининг белгиларидан биридир. Жамғарма муносабатлари соҳасида қуйидаги кўптомонламали алоқалар, манфаатлар ва мақсадлар вужудга келади ва қўшилиб кетади:

- такрор ишлаб чиқариш алоқалари, манфаатлари ва мақсадлари. Бунда жамғармалар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим компоненти (таркибий қисми, элементи) сифатида майдонга чиқади;
- уй хўжалиқлари жамғармаларининг айланиши ва миллий иқтисодиёт молия-банк секторининг фаолият кўрсатиши билан боғланган пул-молиявий алоқалар, манфаатлар ва мақсадлар;

- аҳоли турмуш даражасининг ўсишига йўналтирилган социал алоқалар, манфаатлар мақсадлар.

Уй хўжаликларининг жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг параметрлари (ўлчамлари), мувозанат ва тараққиётнинг умумий мароиктисодий пропорциялари (нисбатлари) билан белгиланади (аниқланади). Жамғармаларнинг динамикасига (ўсиш суръатларига, ўзгаришига) аҳоли номинал ва реал даромадларининг ўсиш суръатлари, инфляция, якуний истеъмолга мўлжалланган харажатларнинг ўзгариши таъсир кўрсатади. Уй хўжаликлари жамғармаларининг ўсиши, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш инвестицион фаолликни ошириш, иқтисодий тараққиёт ва аҳоли турмуш даражасининг ўсиши муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган давлат макроиктисодий ва молия-кредит сиёсатинининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жамғармаларни қуйидаги турли белгиларга кўра классификация қилиш (таснифлаш) мумкин:

- жамғариш(ма) жараёнининг мақсадларига кўра;
- сабаблари нуқтаи-назаридан;
- жамғармаларни аккумуляция қилиш (тўплаш) шакллари бўйича.

Жамғариш(ма) жараёнининг мақсадларига кўра жамғармаларни қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- жорий жамғарма фондлари (узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарларни сотиб олиш);
- суғурта жамғарма фондлари;
- инвестицион жамғарма фондлари.

Жамғармаларнинг жорий фондлари қисқа муддатли характерга эга, нақд маблағларни (нақдиналарни) қўшиб олган ҳолда, юқори ликвидли активларда жамғарилади (тўпланади).

Суғурта жамғарма фондлари кўзда тутилмаган ҳолатлар (вазиятлар) ва қарилик учун мўлжалланган жамғармалардан иборат бўлиб, улар узоқ муддатли ҳисобланади ва уларни жамғариш жараёни тугамагунга қадар камроқ (пастроқ) ликвидли бўлиши мумкин.

Инвестицион жамғарма фондлари истеъмол эҳтиёжлари учун мўлжалланилмайди. Уларнинг бош мақсади даромад келтирувчи активларга инвестиция қилишдан иборатдир.

Сабаблари нуқтаи-назаридан уй хўжалиklarининг жамғармалари мотивлаштирилган ва мотивлаштирилмаган бўлиши мумкин. Бу классификацияга (таснифлашга) мувофиқ мақсадли жамғармалар мотивлаштирилган жамғармалар сифатида талқин қилинади. Бироқ жамғармаларнинг сабабларини ҳамма вақт ҳам аниқлашнинг иложи бўлмаслиги мумкин. Улар эҳтиёжнинг даражасига нисбатан қиёслаганда тўловга лаёқатлилик имкониятининг ошиши ва ишлаб чиқаришнинг имкониятлари натижасида вужудга келиши мумкин. Бундай жамғармалар мотивлаштирилмаган жамғармалар дейилади. Агар тўловга лаёқатли талаб ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси тизимли характерда бир-бирига мос келмаса, улар мажбурий жамғармалар номини олиши мумкин.

Аккумуляция қилиш (тўплаш) шакллари бўйича жамғармаларни боғланмаган (ташқил қилинмаган) ва боғланган (ташқил қилинган) шаклларга ажратиш мумкин. Нақдиналар (нақд пуллар) шаклида уй хўжалиklари бўш пул мабларининг жамғарилиши жамғармаларнинг боғланмаган (ташқил қилинмаган) шакли ҳисобланади. Агар жамғармаларни аккумуляция қилиш (тўплаш) молиявий бозор инструментларига жойлаштириш, шу жумладан, банк омонатлари ва бошқа инвестицион институтлари ёрдамида амалга оширилса, уй хўжалиklари жамғармаларининг бундай шакли боғланган (ташқил қилинган) жамғармалар дейилади. Жамғармаларнинг боғланмаган (ташқил қилинмаган) шакллари устувор тарзда пулли шаклда бўлса, уларнинг боғланган (ташқил қилинган) шакллари турли қуйидаги кўринишларда намоён бўлиши мумкин:

- маблағларни ишлаб чиқаришга тўғридан-тўғри (бевосита) жойлаштириш (масалан, корхоналарнинг акциялари, облигациялари ва иштирок этиш салмоғини сотиб олиш шаклида, кўчмас мулк сотиб олиш ва бошқалар);

- маблағларни ишлаб чиқаришга билвосита жойлаштириш. Бунда маблағларни тўплаш (аккумуляция қилиш) ва уларни сўнг жойлаштириш билан

ихтисослаштирилган молиявий институтлар шуғулланади. Бунга мисол тариқасида давлат қимматли қоғозларини сотиб олиш, банк депозитлари, инвестицион фондларнинг ҳиссасини (салмоғини) сотиб олиш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги пайтда уй хўжаликларида маблағларни жамғариш жараёни, маълум даражада, зиддиятли ҳисобланади. Бир томондан, кейинги йилларда унда баъзи бир позитив (ижобий) тенденциялар кўзга ташланаяптики, хусусан, улар қуйидагиларда намоён бўлаяпти:

- кейинги йиллар давомида уй хўжаликларига тегишли бўлган молиявий активларнинг абсолют ўсиши бир неча мартага ошди;

- боғланган (ташқил қилинган) жамғармалар абсолют ва нисбий жиҳатдан ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган;

- мамлакатда тегишли инвестицион муҳит мавжуд бўлса, жамғармаларга эга бўлган ва уларни инвестицияларга жойлаштириши мумкин бўлган уй хўжалиklarининг гуруҳлари шаклланди;

- уй хўжаликлари жамғармаларини инвестицияларга трансформация қилувчи (айлантирувчи) молиявий инструментарийлар (воситалар, дастаклар) кенгаймоқда: ипотекавий кредитлаштириш ривожланаяпти; инвестицион фондлар, нодавлат пенсия фондлари, суғурта компаниялари фаол фаолият кўрсатаяпти;

- тижорат банклари (шу жумладан, “Халқ банки” ва бошқа банклар) ўртасидаги рақобатнинг кучайиши аҳоли маблағларини жалб қилиш шакллари ва методларининг ривожланишига ўз ижобий таъсирини кўрсатди: тақдим этиладиган хизматлар доираси (спектри) кенгайди, омонатларнинг янги турлари (кўринишлари) ишлаб чиқилди (яратилди) ва бошқалар;

- жисмоний шахслар омонатларини қисман компенсация қилишни кўзда тутувчи хусусий (шахсий) омонатларни мажбурий суғурта қилиш тизимининг яратилиши банк тузилмаларига бўлган ишончнинг ўсишига ўз таъсирини кўрсатади ва уй хўжаликлари жамғармалар боғланган (ташқил қилинган) шакллариининг имкониятларини кенгайтиради;

- жамғарма жараёнларида фойдаланиладиган молиявий инструментлар даромадлигининг бир-бирига яқинлашуви янги молиявий пирамидаларни яратиш йўлига тўсиқ бўлиб хизмат қилади.

Бир вақтнинг ўзида жамғармалар ҳамон ўзларининг инвестицион потенциални (салоҳиятини) тўлиқ амалга оширмапти ва уй хўжаликлари даромадларининг қўшимча манбаларига тўлиқ айланмаяпти. Бунинг устига, советлар (шўролар) давридан кейинги йилларда уй хўжаликлари жамғарма фондларининг ўсиши истеъмол фонди ҳисобидан, яъни даромадлар таркибий тузилмасининг сифат жиҳатидан ўзгариши натижасида эмас, балки истеъмолнинг иқтисод қилиниши ҳисобидан амалга оширилаётир.

Жамғариш жараёнининг соғломлаштирилиши (нормаллашуви) иқтисодиёт ва социал соҳа ривожланишини мувозанатлаштириш (баланслаштириш) ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш билан узвий боғланган. Бу нарса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ва истеъмол, даромадларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, молия пул муомаласи соҳаларидаги сақланиб қолган номутаносибликларга (диспропорцияларга) барҳам берилиши тақоза этади.

Ҳозирги шароитда уй хўжаликлари жамғармалари механизмини такомиллаштириш қўйидаги бир неча йўналишлар орқали амалга оширилиши керак:

- аҳоли реал даромадлари ва сотиб олиш қобилиятининг ўсишини таъминлаш. Бу нарса уй хўжаликлари жамғармаларга нисбатан мойиллигининг ўсишига ўз таъсирини кўрсатади;

- маблағларни инвестицион жараёнларга жалб қилиш учун валюталарни сотиб олишга харажат қилинадиган жамғармаларнинг боғланган (ташқил қилинган) шакллари ролини кўтариш ва молиявий оборотга (айланмага) “аҳоли қўлидаги пулларнинг ўсиши” моддаси бўйича маблағларни киритиш;

- жамғармаларни инвестицион ресурсларга айлантирадиган (трансформация қиладиган) институтлар ва инструментларни ривожлантириш. Бунинг учун банк ва молия хизматларини диверсификация қилиш ва кенгайтириш, энг аввало, бадалли инвестицион фондлар ва суғурта

компаниялари сингари жамоа инвесторлари институтлари ривожланишини янги сифат даражага ўтказиш, корпоратив облигациялар бозорини шакллантириш керак ва ҳ.к.;

- яхлит олган ҳолда инвестицион “иқлим”ни ва жамғармалар бозорининг инвестицион муҳитини яхшилаш. Бу йўналиш бўйича инвестицион жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантиришнинг роли юқори бўлмоғи лозим.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Уй хўжалиги деб нимага айтилади?
- Уй хўжалигига тегишли бўлган характерли хусусиятлар нималардан иборат?
 - Уй хўжаликлари молияси ҳар бир давлат молия тизимининг ажралмас таркибий қисми (элементи) ҳисобланадими ва унинг молиявий аҳамияти нима билан белгиланади?
 - “Уй хўжаликлари молияси”нинг социал-иқтисодий моҳияти нимадан иборат?
 - “Уй хўжалиги”, “хонадон” ёки “оила” атамалари бири-бирига тенгми? Улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар нималар билан белгиланади?
 - “Уй хўжалиги молияси” иборасининг ўрнига “хонадон молияси” ва “оила молияси” ибораларини эквивалент ёки синоним иборалар шаклида ишлатса бўладими? Уларнинг фарқли томонлари нималардан иборат?
 - Уй хўжалигини хўжалик юритишнинг мустақил иқтисодий ва молиявий бирлиги сифатида ажратилиши қандай меъзонлар асосида амалга оширилмоғи лозим?
 - Уй хўжаликлари молияси деб нимага айтилади?
 - Уй хўжаликларида мавжуд бўлган молиявий муносабатлар мажмуини қандай гуруҳларга бўлиш мумкин?
 - Қандай муносабатлар уй хўжалигининг ички молиявий муносабатлари ҳисобланади?
 - Уй хўжаликларининг ташқи молиявий муносабатлари нималар орқали намоён бўлади?

- Корхоналар ва ташкилотлар молияси билан уй хўжаликларининг ўзаро боғланганлиги нималарда кўринади?
- Давлат ва уй хўжаликлари ўртасидаги молиявий муносабатлар нималардан иборат?
- Давлат уй хўжаликларига тегишли бўлган даромад ва якуний (охирги) истеъмолнинг ўлчамига (кўламига) қандай таъсир қилиши мумкин? Улар қандай шаклларда амалга оширилади?
- Уй хўжаликларининг ўзлари ўртасидаги (уй хўжаликлариаро) молиявий муносабатлар қандай ҳолларда вужудга келади ва молиянинг бу соҳасига нималарни киритиш мумкин?
- Уй хўжаликларининг молиявий институтлар билан ўзаро алоқалари нималардан иборат?
- Уй хўжаликлари молияси қандай функцияларни бажаради?
- Уй хўжаликлари молияси тақсимлаш функциясининг мазмуни нималардан иборат?
- Уй хўжаликлари молиясининг такрор ишлаб чиқариш функцияси нималарда намоён бўлади?
- Қай ҳолларда уй хўжаликлари молияси назорат функциясини бажаради?
- Уй хўжаликлари молияси тартибга солиш (тартиблаш) функциясининг намоён бўлишини қандай нуқтаи-назардан қараш мақсадга мувофиқ?
- Уй хўжаликлари молиясини тартибга солавериб (тартиблаб), давлат, энг аввало, қандай ишларни амалга оширади?
- Уй хўжаликлари молиясининг рағбатлантирувчи функцияси нималар орқали намоён бўлиши мумкин?
- Уй хўжаликлари молияси социал функциясининг мазмуни нималардан иборат?
- Уй хўжаликлари молиясининг самарали фаолият кўрсатиши нималарга боғлиқ?
- Уй хўжаликларида молиявий қарорлар қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, энг аввало, нималар билан белгиланади?

- Уй хўжалиги томонидан молиявий қарорлар қабул қилинадиган нормалар ва қоидаларнинг ташқи омилларига нималар киради?
- Уй хўжалигининг молиявий хатти-ҳаракати қуриладиган (яратиладиган, вужудга келтириладиган) ички меъёрлар тизими нималарга боғлиқ?
- Уй хўжалигининг молиявий қарорини ресурс жиҳатдан таъминлаш қандай манбалар ҳисобидан амалга оширилади?
- Уй хўжалиги ресурслари дастлабки (бошланғич) манбаларининг таркиби нималардан иборат?
- Уй хўжалиги ресурсларининг жамғариладиган манбасини нималар ташкил этади?
- Уй хўжалиги ресурсларининг жорий манбаларига нималар киради?
- Уй хўжалигининг молиявий ресурсларини нималар ташкил этади?
- Функциональ мўлжалланганлигига кўра уй хўжаликларининг молиявий ресурслари қандай таркибий тузилмага эга бўлиши мумкин?
- Уй хўжаликларининг молиявий қарорлари бир-бири билан узвий равишда боғланган қандай блоklarни қамраб олади?
- Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжаликларининг даромадларини шакллантириш бўйича молиявий қарорлар қабул қилиш асосида (негизида) нима ётади?
- Уй хўжаликлари даражасида даромадларни шакллантириш бўйича молиявий қарорлар нималарга боғлиқ бўлади?
- Уй хўжаликларининг истеъмол фонди минимал ва рационал истеъмол бюджетлари ёки янада деталлаштирилган тарзда қандай классификация қилиниши мумкин?
- Ҳаётининг минимум бюджети қандай аниқланади?
- Минимал истеъмол бюджети нимага имкон беради ва ниманинг даражасини таъминлайди?
- Оптимал истеъмол бюджети нимага имконият яратади?
- Оптимал истеъмол бюджетини қандай икки даражадаги бюджетларга бўлиш (ажратиш) мумкин?

- Молиявий қарорларда “асосий психологик қонун” нима сифатида намоён бўлади?

- Жамғариладиган фондларни (жамғармаларни) шакллантириш бўйича уй хўжалиқларининг молиявий қарорлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинаётган пайтда нималар ҳисобга олиниши керак?

- Уй хўжалигининг истеъмол ва молиявий хатти-ҳаракатида, жамғариладиган фондларини яратишда муҳим роль ўйнайдиган социал ва психологик жиҳатларга (аспектларга) нималар киради?

- Уй хўжалигининг ҳар қандай жамғариладиган стратегияси мустақил бўлган қандай уч компонентдан таркиб топади?

- Уй хўжалиги жамғариш стратегиясининг қандай турлари (кўринишлари) бўлиши мумкин?

- Ҳозирги пайтда турли молиявий инструментларнинг даромадлилигида қандай тенденция пайдо бўлаяпти ва у нимада намоён бўлмоқда?

- Уй хўжалиқлари даромадлари деб нимага айтилади?

- Энг умумий кўринишда, уй хўжалиқларининг жами даромадларини қандай икки гуруҳга ажратиш мумкин?

- Уй хўжалиқлари натурал даромадлари ниманинг натижасидан иборат бўлади ва унинг таркиби нималардан таркиб топади?

- Уй хўжалиқларининг натурал даромадлари нималарга мувофиқ равишда ўзгариб туриши мумкин?

- Уй хўжалиқларининг пул даромадлари деб нимага айтилади ва улар қандай кўрсаткичлар ёрдамида ҳисобланади (ўлчанади)?

- Номинал даромадлар деб нима айтилади? Бу кўрсаткич қандай даромадларни тавсифлайди?

- Уй хўжалиқлари номинал даромадларининг ЯИМдаги салмоғи ниманинг даражасига боғлиқ?

- Ҳисобланган номинал даромадлар ва ҳақиқатда олинган номинал даромадлар ўртасида қандай фарқни мавжуд?

- Эга бўлинган даромадлар дейилганда нималар назарда тутилади? Бу даромадлар нималарга мўлжалланган?

- Реал даромадлар нималардан иборат бўлади? Бу кўрсаткич нималарни ўзида акс эттиради?
- Реал даромадларнинг динамикаси (ўзгариши) нимага боғлиқ бўлади?
- Агар баҳоларнинг ўсиш суръати номинал эга бўлинган даромадларнинг ўсиш тезлигидан паст бўлса, уй хўжалиқларининг реал эга бўлинган даромадлари ўсадими ёки камаяди?
- Баҳоларнинг юқори суръатларда ўсиши шароитида реал даромадлар қисқарадими ёки кўпаяди?
- Уй хўжалиқлари пул даромадларининг энг асосийлари қаторига нималарни кўрсатиш мумкин?
- Меҳнат ҳақининг (иш ҳақининг) таркибига нималар киради?
- Бозор муносабатларига ўтилиши билан уй хўжалиқлари даромадларининг таркибида меҳнат ҳақи салмоғи бироз пасайганлигининг сабаблари нимада?
- Ҳозирги шароитда иш ҳақининг яширин шаклларига нималар кириши мумкин?
- Меҳнатга ҳақ тўлашнинг қуйи чегараси ким томонидан ўрнатилади (аниқланади), у нима деб аталади ва унинг таркибига нималар кирмайди?
- Бюджет соҳаси ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда ҳозирги пайтда қандай муаммолар мавжуд?
- Социал тўланмаларни классификация меъзонлари сифатида нималарни кўрсатиш мумкин?
- Иқтисодий мазмунига кўра социал тўланмаларнинг қандай кўринишлари мавжуд?
- Ўзларининг шакли бўйича социал тўланмалар қандай кўринишларга эга бўлиши мумкин?
- Молиялаштириш манбаларига кўра социал тўланмаларнинг қандай кўринишлари бор?
- Социал тўланмаларни моддий-буюмлашган таркибига кўра қандай кўринишларга ажратиш мумкин?
- Тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган уй хўжалиқлари даромадларининг таркибига нималар киради?
- Уй хўжалиқларининг мулкдан олинадиган даромадлари қандай кўринишларда амал қилади?

- Уй хўжаликлари турли гуруҳлари даромадларининг табақаланиши (дифференциация қилиниши) қандай объектив ва субъектив омиллар таъсири остида содир бўлади?
- Уй хўжалиқларида эга бўлинган реал пул даромадларининг ўсишига, даромадларнинг нотенглиги муаммосини силлиқлаштиришга (юмшатишга) нималар ўз таъсирини кўрсатади?
- Уй хўжалиқларининг харажатлари деб нимага айтилади?
- Уй хўжалиқларининг харажатлари нималар бўйича классификация қилинади?
- Даврийлик нуқтаи-назаридан уй хўжалиқларининг харажатлари нималарга бўлинади?
- Харажатларнинг турлари (кўринишлари) бўйича уй хўжалиқларининг харажатлари нималардан таркиб топади?
- Функционал мўлжалланганлигига кўра уй хўжалиқларининг харажатлари нималардан иборат?
- Автономлилик характериға кўра уй хўжалиқларининг харажатлари қандай гуруҳларга бўлинади?
- Реал пул харажатларининг турлари (кўринишлари) бўйича уй хўжалиқларининг харажатлари қандай икки гуруҳдан ташкил топади?
- Истеъмол харажатларининг кўлами нималар боғлиқ?
- Уй хўжалиқлари бюджетларидаги истеъмол харажатлари субъектив омилларға ҳам таъсирчан бўлганлиги учун уларнинг орасидан нималарни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин?
- Макроиқтисодий нуқтаи-назардан уй хўжалиқлари бюджетларининг истеъмол харажатлари қандай икки энг муҳим хусусиятға эга?
- Аҳоли даромадлари ва харажатлари балансининг энг умумий кўриниши қандай бўлиши мумкин?
- Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари балансининг даромадлар қисмиға нималар киради?
- Аҳоли пул даромадлари ва харажатлари балансининг харажатлар қисми нималардан ташкил топади?
- Уй хўжалиқлари бюджетлари харажатлари ҳисобидан товарларни сотиб олиш ва хизматларни тўлаш (истеъмол харажатлари) ўз ичига нималарни олади?

- Уй хўжаликлари бюджетлари харажатларининг муҳим элементи сифатида мажбурий тўловлар ва ихтиёрий бадалларнинг ўсиш тенденциясига эга эканлиги қандай омиллар билан боғланган?

- Давлат молиясининг тақсимлаш функцияси доирасида жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мулкдан олинадиган солиқлар қандай муҳим вазифаларни ечишга хизмат қилади?

- Уй хўжаликларининг жамғармалари қачон пайдо бўлади ва унинг асосида қандай зиддият ётади?

- Жамғарма муносабатлари соҳасида қандай кўптомонламали алоқалар, манфаатлар, мақсадлар вужудга келади ва қўшилиб кетади?

- Уй хўжаликларининг жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш нималар билан белгиланади?

- Жамғармаларнинг динамикасига нималар таъсир кўрсатади?

- Жамғармаларни қандай турли белгиларга кўра классификация қилиш (таснифлаш) мумкин?

- Жамғариш(ма) жараёнининг мақсадларига кўра жамғармаларни нималарга ажратиш мумкин?

- Сабаблари нуқтаи-назаридан уй хўжаликлари жамғармаларининг қандай кўринишлари бўлиши мумкин?

- Аккумуляция қилиш (тўплаш) шакллари бўйича уй хўжаликлари жамғармаларининг қандай шакллари мавжуд?

- Жамғармаларнинг боғланган (ташкил қилинган) шакллари қандай турли кўринишларда намоён бўлиши мумкин?

- Ҳозирги пайтда уй хўжаликларида маблағларни жамғариш жараёнида кўзга ташланаётган позитив (ижобий) тенденциялар нималардан иборат?

26-боб. Халқаро молия

26.1. Халқаро молиянинг асослари ва ривожланиш тенденциялари

Халқаро молия халқаро молия бозорлари, халқаро банк фаолияти, халқаро корпорацияларнинг молияси, қимматли қоғозлар портфелини бошқариш ва шулар билан боғлиқ муносабатларни ўрғанади. Бундан ташқари, халқаро молия умумжаҳон даражасидаги молиявий операциялар ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги, йирик индустриал давлатлар, ривожланаётган ёки ўтиш давлатларида уларнинг қандай хусусиятлар касб этишини ва улардаги доимий ўзгаришларни тушунтиради.

“Халқаро молия”га доир хорижий адабиётларда халқаро молия бозорлари ва рискларни бошқариш, ТНК ва тўғридан-тўғри инвестициялар, халқаро қарз инқирозларига асосий урғу берилади. Шунингдек, халқаро молия доирасида дунё мамлакатларининг халқаро молия тизимидаги ўрни, ҳолати, ташқи молиялаштириш механизми, ривожланаётган молия бозорларининг хусусиятлари кўриб чиқилади.

XX асрнинг сўнгги йилларида собиқ Иттифоқнинг парчаланиши, мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг сифат жиҳатдан янги босқичга чиқиши, миллий хўжалик алоқаларининг интеграциялашуви билан, глобализация жараёнларининг жадаллашуви юз берди. Глобализация натижасида жаҳон хўжалигининг таркибий қисмига айланиб бораётган мамлакатларнинг сони ортиб бормоқда. Бу миллий даражадаги ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда технологик тўсиқлар йўқолишига, унинг ўрнига халқаро иқтисодий хўжаликнинг умумий иқтисодий қонуниятлари ва халқаро хўжаликнинг функционал алоқаларини татбиқ этилишига олиб келмоқда.

Мамлакатлар ҳаётидаги глобализация – иқтисодий муносабатлардаги товарлар, хизматлар, капитал ҳамда фонд бозорларидаги савдо ва сиёсатга доир тартибларнинг тобора эркинлашуви орқали намоён бўлмоқда. Ташқи савдо

алоқалари эркинлаштирилаётган мамлакатлар сони йил сайин ортиб бормоқда.

Жаҳон иқтисодий ва молиявий муҳитининг шаклланишига таъсир этган сезиларли ўзгаришлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) 1957 йили Лондонда Британия ҳукуматининг фунт стерлинг устидан назорат ўрнатишига жавоб тариқасида евродоллар бозорининг юзага келиши;

2) 1958 йилда дастлаб, «Умумий бозор» деб аталган Европа Иқтисодий Ҳамкорлиги (ЕИҲ) – ҳозирги Европа Иттифоқининг (ЕИ) ташкил топиши;

3) Америка корпорациялари хорижий фаолиятларини кенгайтиришга интилиши (1950 йиллардан бошлаб). Жаҳон бозорида Европа ва Япония корпорациялари фаолиятининг сезиларли ўсиши, шунингдек, халқаро майдонда Америка корпорациялари билан ушбу мамлакатлар ўртасида рақобатнинг кучайиши;

4) Ўтган асрнинг 60-йилларида Япония иқтисодиётини тез суръатлар билан ўсиши, Узоқ Шарқ бизнес фаолиятида янги имкониятларнинг ортиши;

5) 1971-1973 йилларда Бреттонвуд тизимини қулашига олиб келган жаҳон молия инқирозлари, валютанинг белгиланган курси тизимидан, сузувчи валюта курсларига ўтиш;

6) 1971-1979 йиллардаги биринчи ва иккинчи нефть инқирозлари жаҳон иқтисодий тизимига босим ўтказиши. Ушбу саналарда нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) нефть нархини сезиларли даражада оширши;

7) Ривожланаётган мамлакатларнинг 1982 йилда ташқи қарзларга хизмат кўрсатиши билан боғлиқ жаҳон қарздорлик инқирозининг бошланиши;

8) 1980 йилларда Япониянинг халқаро молиявий куч ва жаҳон капиталининг манбаси сифатида етакчи мамлакатга айланиши;

9) 1987 йилда еттита мамлакатнинг («Катта еттилик») Парижда Лувр битимини имзолаши. Улар ўз валюта курсларининг долларга нисбатан тор тебраниш доирасида сунъий равишда алмаштириш орқали, кучсизланиб бораётган

долларни қўллаб-қувватлашни режалаштирдилар. Шунингдек, ушбу мамлакатлар келишилган иқтисодий сиёсат юритишни мўлжалладилар;

10) 1987 йилда ЕИХ ягона Европа актини қабул қилиш орқали 1992 йилда яхлит Европа бозорини ташкил қилишни режалаштирилиши. Бунда, мазкур ташкилотнинг Ғарбий Европа молиявий ва иқтисодий ҳолатига сезиларли таъсир этиши кутилди;

11) 1989-1992 йилларда Шарқий Европа мамлакатлари ўз сиёсий йўналишларини ўзгартириши. Уларнинг коммунистик дунёқарашдан кўп партиявийликка, марказдан режалаштириладиган иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига ўтиши, жаҳондаги сиёсий, иқтисодий ва молиявий ҳолатга чуқур таъсир этди;

12) 1992 йилдан кейин яхлит Европа бозорининг юзага келиши, 1993 йил ноябр ойидан эркин савдо бўйича Шимолий Америка битимининг кучга кириши, 1993 йилда Осиё-тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги конференцияси ва бошқа жараёнлар, ўтган асрнинг 90-йилларида ҳудудий ривожланишни жадаллаштирди.

13) Европа Иттифоқининг ягона валютаси – Евронинг муомалага киритилиши, хорижий валюта захираларининг диверсификация даражаси, валютавий битимлар ҳажми ва кўламига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Шунингдек, евродаги ҳосилавий молиявий воситалар ҳажми дунёда етакчи ўринни эгаллади.

XXI аср бўсағасида жаҳон иқтисодиётида тўртта асосий таркибий тенденциялар кузатилди:

Биринчидан, хом-ашё экспортига асосланган ҳамда саноати ривожланган мамлакатлар ўртасидаги муносабатлардаги ўзгаришлар. Хом-ашё етказиб берувчи мамлакатлар ва саноати ривожланган мамлакатлар ўртасида анъанавий иқтисодий алоқалар мавжуд бўлиб, уларнинг ўзаро муносабатлар модели қуйидагича эди: хом-ашё етказиб берувчи мамлакатлар, хом-ашёни экспорт қилиб, олинган валюта тушумларидан саноат маҳсулотлари импортини молиялаштирганлар.

Ўтган асрнинг 70-йилларида «Рим клуби» номи билан машҳур Ғарбий Европа олимлари «дунё миқёсида тез орада

табий ресурсларнинг глобал тақчиллиги юзага келади», деб башорат қилган эдилар.

Ушбу мулоҳазаларга асосланиб кўпгина хом-ашё етказиб берувчи мамлакатлар хом-ашё сотиш эвазига валюта тушумини ошириш мақсадида картелларга бирлашдилар. Аммо, саноат технологияси ва қишлоқ хўжалик соҳасининг кескин ривожланиши, хом-ашёга бўлган талабнинг қисқаришига таъсир кўрсатди ва натижада хом-ашё баҳосининг пасайиши юз берди.

Иккинчидан, саноати ривожланган мамлакатларда қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқаришдан, билим ва малакага асосланган ишлаб чиқаришга ўтилди.

Жаҳон иқтисодий тузилмасидаги ушбу ўзгаришлар натижасида бандлик таркибида юқори малака талаб қилувчи мутахассисларга эҳтиёж ортиб, нисбатан паст малакали мутахассисларга талаб пасайиб борди. Ахборот алмашувининг осонлиги – тадбиркорлик фаолиятини, кичик бизнес ва шахсий ташаббусни рағбатлантирди.

Илмий-техника прогресси ютуқларидан фойдаланиш, билимни ва юқори малакани талаб қилди, шунинг учун ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатбардошликни ошириш учун, инсон капиталига инвестиция қилиш муҳимлиги ортди.

Учинчидан, жаҳон савдосида халқаро капитал ҳаракатининг сезиларли даражада ортиши. Ушбу ўзгариш халқаро савдога нисбатан халқаро капитал ҳаракатининг тез суръатда ўсиши билан юз берди. Халқаро молия статистикасининг маълумотларига кўра, жаҳон экспорти ҳажми, 1981 йилдаги 2000 млрд. АҚШ долларидан 1991 йилда 3447 млрд. АҚШ доллари даражасигача ўсган. Шу вақт оралиғида халқаро облигациялар эмиссияси 23 млрд.дан 342 млрд. АҚШ долларига ўсди. Бундан ташқари, учта етакчи халқаро молия бозорларида кўплаб хорижий валюталар айланмаси сезиларли даражада ўсди. 1986 йилдан 1992 йилгача Лондонда хорижий валютанинг кунлик ўртача айланмаси 90 млрд.дан 303 млрд. АҚШ долларигача ортди. Шу даврда Нью-Йоркдаги кунлик айланма 50 млрд.дан 192 млрд.га, Токиода 48 млрд.дан 128 млрд. АҚШ долларига ортган.

Халқаро кредитлар ҳажмининг сезиларли даражада ортиши нафақат халқаро айирбошлаш кўламининг ортиши, балки ишлаб чиқариш мақсадларидаги кредитга бўлган талабнинг ортиши билан ҳам изоҳланади. 1970-йилларга келиб эса, халқаро хусусий кредитлар жорий тўлов баланси дефицитини бевосита ва билвосита молиятириш учун ҳам фойдаланила бошланди.

Хусусий фирмалар билан бир қаторда, ҳукумат, давлат ташкилотлари ва корхоналари, халқаро кредит ташкилотлари йирик қарз олувчиларга айландилар. Сўнгги ўн йилликда халқаро капиталлар бозори ҳисобидан ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ялпи тўлов баланси дефицитининг қарийб 60 фоизи молиялаштирилди. 1970-йилларда халқаро капиталлар бозорининг кенгайиши халқаро ликвидлилик ва молиявий маблағларнинг халқаро ҳаракатини ошишига сабаб бўлди.

1971 йилнинг августига келиб, АҚШ ҳукумати олтиннинг АҚШ долларига эркин конвертиланишини бекор қилди. Бу ҳолат америка долларининг жаҳон бўйлаб кенг қўлланилиши ва жаҳон валютасига айланишига шароит яратди. АҚШ ҳукуматининг мазкур қароридан сўнг, бир қатор давлатлар валюта курсининг эркин сузиш режимини жорий қилишга киришиб кетдилар, айримларида қатъий белгиланган курс режимига қайтиш ҳолатлари учраган бўлсада, бу ҳолат вақтинчалик характер касб этди. 1973 йилда эса, сузиш режими Ямайка конференциясида расман тан олинди ва ХВФнинг аъзо давлатларига исталган курс режимини жорий қилиш ҳуқуқи берилди.

Тўртинчидан, трансмиллий корпорациялар(ТМК)нинг қўшма корхоналарни ташкил этиш учун халқаро инвестициялари ва ҳамкорлик битимларида диверсификация даражасининг ортиши.

XX асрнинг 70-йилларига келиб, халқаро молия соҳасида бир қатор сифат ўзгаришлари юз берди ва замонавий халқаро валюта-молия тизимининг шаклланиши ва ривожланишига тўртки бўлди. Халқаро кредитлаш ҳажми ва характерининг ўзгариши биринчи галда ТНКлар фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида, молиявий ресурсларнинг янада оқилона фойдаланилишига олиб келди.

ТМКлар ўзларининг ташкилий, ишлаб чиқариш ва маркетинг тизимларини чет мамлакатлар ҳудудларига ёйиб, шу йўл билан товар, хизмат, капитал ва технологияларини ишлаб чиқаришга жалб этиб, ушбу мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳаракатларга таъсир этди. Қўшма корхоналар халқаро бизнес интеграциясининг кенг тарқалган шаклига айланди.

Шунингдек, жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашув жараёнларида халқаро ташкилотлар ролини алоҳида эътироф этиш зарур.

Ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларнинг жаҳон бозорига интеграциялашуви узоқ муддатли жараён ҳисобланади. Баъзи миллий бозорларнинг очиқ, баъзиларининг қаттиқ тартибга солинадиган бўлган ҳозирги ҳолати билан, глобаллашувнинг асосий тамойилларидан бўлган эркинлашув, бир-бирига номувофиқ бўлган кўринишни ҳосил қилмоқда.

Халқаро товарлар, хизматлар ва капиталлар алмашинувининг эркинлашиш аънанаси кенгаяётган бир пайтда, ҳар бир давлат экспорт ва импортни тартибга солишнинг маълум инструментларини сақлаб қолмоқдалар. Уларнинг асосий мақсади — таркибий қайта қуриш ва инқироз даврининг қийинчиликларини енгиб ўтиш, миллий хавфсизликни таъминлаш – такрор ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминловчи (энергетика, транспорт, алоқа ва ҳ.к.) ва мамлакат мудофаа қобилияти каби стратегик соҳаларни молиявий таъминлаш, шунингдек, савдо шериклардан муносиб имтиёзлар олиш, шунингдек, бюджет тушумларини оширишдан иборат бўлмоқда. Амалдаги бундай *протекционизм* фискал муаммоларни ҳал этишдан кўра, кўпроқ таркибий сиёсат ўтказиш воситаси ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда нафақат эркин савдо ғояси (эркинлашув) билан протекционизм ўртасида қарама-қаршилик юзага чиқмоқда, балки миллий хўжаликни жаҳон хўжалигига кириш самарасини максимал тарзда таъминлаш мақсадида, хўжаликни тартибга солишнинг юқоридаги икки инструментининг оптимал аралашмасидан фойдаланилмоқда. Бундай аралашманинг шакл ва нисбатлари, маълум вақтдаги прагматик манфаатлардан келиб чиқиб аниқланади.

Халқаро иқтисодий муносабатларда глобализация билан бирга, интеграция жараёнларининг яна бир шакли – маълум географик жойлашувга асосланган ҳудудий интеграция юз бермоқда.

Ўсиб боровчи глобаллашув, ҳудудийлашув, иқтисодиётнинг трансмиллийлашуви ва интеграция натижасида, эски – давлатлараро тартибга солиш механизми тубдан ўзгарди. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар иккиёқлама муносабатлар чегарасидан чиқиб, кўпёқлама тус олмоқда.

Аммо, *«миллий хўжалик мажмуи»*, *«мамлакатнинг миллий иқтисодий манфаатлари»* тушунчалари ўз маъносини сақлаб қолмоқда. Миллий хўжалик ҳамон ишлаб чиқариш, алмашув, тақсимот ва истеъмол, шунингдек, иқтисодий фаолиятнинг асосий марказидир.

Ҳар бир давлатнинг йиллар давомида шаклланган ўз тарихий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ривожланиш хусусиятлари мавжуд бўлиб, бошқа мамлакатларнинг тажрибаларини кўр-кўрона кўчириб олиш, ёки халқаро ташкилотлар томонидан тавсия этиладиган, иқтисодий ривожланишнинг ҳамма учун умумий рецептларини қўллаш, самарасиз ва иқтисодий вазиятни издан чиқариши мумкин.

Умуман олганда, молиявий глобаллашув шароитида жаҳон хўжалигига интеграциялашувда ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларига таҳлилий ёндашиш ва ушбу тажрибаларни миллий хусусиятлар билан энг оптимал тарзда уйғунлаштириш мақсадга мувофиқ саналади.

26.2. Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди

Қатъий белгиланган паритет тизимига ўтилгунга қадар, яъни олтин ва олтиндевиз стандарти шароитида барча глобал характерга эга бўлган молиявий муаммолар халқаро конференцияларда ҳал қилинар эди. Бошқача айтганда, жаҳон молия тизимининг ривожланиши устидан доимий мониторинг олиб боровчи, унинг амал қилиш тамойилларини ишлаб чиқувчи ва мамлакатларга иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун молиявий кўмак берувчи органлар мавжуд эмас эди. 1944 йилда АҚШдаги Бреттон Вудс конференциясида Халқаро валюта фонди (ХВФ) ва Халқаро

тикланиш ва тараққиёт банкининг (ХТТБ) ташкил этилиши халқаро молия ва валюта тизимининг ривожланишида муҳим қадам бўлди.

“Жаҳон банки” атамаси таркибан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (International Bank for Reconstruction and Development) ва Халқаро ривожланиш ассоциациясини (International Development Association) қамраб олади. “Жаҳон банки гуруҳи” атамаси эса, 5 та ташкилотни, хусусан, ХТТБ, ХРА, Халқаро молия корпорацияси (International Financial Corporation), Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик (Multilateral Investment Guarantee Agency), Халқаро инвестицион баҳсларни тартибга солиш марказини (International Center for Settlement of Investment Disputes) ўз ичига олади⁶⁷.

ХТТБга аъзо бўладиган давлатларнинг бир вақтда ХВФга аъзо бўлиши талаб этилади. ХТТБга аъзолик эса, ўз навбатида, Жаҳон банки гуруҳининг бошқа ташкилотларига аъзо бўлиш учун дастлабки шарт-шароитлардан ҳисобланади.

ХТТБнинг Келишувлар моддасининг 1-моддасига мувофиқ унинг мақсадлари сирасига қуйидагилар киради:

- аъзо давлатларнинг халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

- кафолатлар бериш, хусусий ва бошқа инвесторларнинг инвестициялари ва ссудаларида иштирок этиш орқали хусусий ва хорижий инвестицияларни рағбатлантириш;

- жаҳон савдосининг мувозанатли ўсишини ва аъзо давлатлар тўлов балансининг мувозанатлилигини қўллаб-қувватлаш.

ХТТБнинг фаолияти ўрта даромадли ва кредитга лаёқатли ривожланаётган давлатларда ссудалар, кафолатлар, рискни бошқариш маҳсулотлари, маслаҳат хизматлари орқали қашшоқликни қисқартиришга қаратилган. 2008 йил 1 январь ҳолатига унга аъзо мамлакатлар сони 185 тани ташкил этган.

ХТТБнинг асосий маблағлари ҳозирги кунда ўрта ва узоқ муддатли қарз мажбуриятларини эмиссия қилиш орқали халқаро молия бозорларидаги операциялар ҳисобидан

⁶⁷ www.worldbankgroup.org

шаклланади. ХТТБ қимматли қоғозлари юқори кредит рейтингига (AAA) эга бўлиб, дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларига жойлаштирилади. ХТТБнинг кредитлари қарз олувчи давлат миллий валютасида эмас, балки девизларда, яъни халқаро даражада тўлов воситаси сифатида тан олинган валюталарда ажратилади.

ХРА 1960 йилда ташкил топган бўлиб, дунёнинг сустривожланган, қашшоқ давлатларига молиявий кўмак беради.

ХРА Келишувлар моддасининг 1-моддасига мувофиқ, унинг мақсади иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, самарадорликни ошириш ва шунинг асосида, сустривожланган аъзо мамлакатларда аҳоли турмуш тарзини ошириш, шунингдек, анаънавий кредитларга нисбатан оғир бўлмаган қулай шартларда молиявий кўмак бериш ҳисобланади.

ХРА фоизсиз кредитлар ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга қаратилган грантлар ажратиш орқали қашшоқликни қисқартириш, ижтимоий тенгсизликни камайтириш ва аҳоли турмуш тарзини оширишни кўзда тутди. ХРА молиявий ёрдамларидан аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи 1025 АҚШ долларидан (2007 молиявий йил учун) кам бўлган давлатлар фойдаланиши мумкин. Ҳозирги кунда 82 та мамлакат ХРА хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

ХРА кредитларининг қайтариш муддатлари 20, 35 ва 40 йилни ташкил этади, шундан дастлабки 10 йили имтиёзли давр ҳисобланади ва бу даврда асосий қарз бўйича тўловлар амалга оширилмайди. Таъкидлаш лозимки, ХРА кредитларига фоиз тўланмайди, бироқ хизмат кўрсатиш учун кам миқдордаги (ҳозирда ажратилган кредит сумманинг 0,75 фоизи) харажатлар қарз олувчи томонидан қопланади.

Халқаро молия корпорацияси (ХМК) 1956 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг бош мақсади ривожланаётган давлатларда хусусий сектор инвестицияларини қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ҳисобланади.

ХМК ҳукумат кафолатини талаб қилмагани боис, бенефициарларининг кредитга лаёқатлилигини синчковлик билан таҳлил қилади. Шунингдек, ХМК кредитларининг

молиявий шартлари, ХТТБ ва ХРА билан таққослаганда, сезиларли даражада оғир ҳисобланади. ХМК кредитларининг катта қисми 7-12 йил муддатга қатъий ва сузувчи ставкаларда турли валюталарда ажратилади.

Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик (MIGA) 1988 йилда ташкил этилган бўлиб, Жаҳон банки гуруҳининг энг ёш аъзоси ҳисобланади. Бу ташкилотнинг бош мақсади – нотижорат (сиёсий) рискларга қарши кафолат бериш орқали ривожланаётган давлатлардаги тўғридан-тўғри инвестицияларга кўмаклашишдир. Бундан ташқари, у ривожланаётган давлатлар ҳукуматларига хорижий инвестицияларга кўмаклашиш дастурларини ишлаб чиқиш бўйича маслаҳатлар беради.

Халқаро инвестицион баҳсларни тартибга солиш маркази эса, давлатлар ва хусусий инвесторлар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш орқали инвестиция соҳасидаги баҳсларни ҳал қилади ва мувофиқлаштиради.

ХВФнинг бош мақсади халқаро валюта тизими, яъни мамлакатлар ўртасида товар ва хизматларнинг эркин айирбошланишига хизмат қиладиган валюта курслари ва халқаро тўловлар тизими барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади.

ХВФ Келишувлар моддаларининг биринчи моддасига мувофиқ, унинг мақсадлари қаторига қуйидагилар киради:

– халқаро валютавий муаммоларни бартараф этиш борасида маслаҳатлар ва ҳамжиҳатлик механизмини таъминловчи доимий институт орқали халқаро валютавий ҳамкорликни рағбатлантириш;

– халқаро савдонинг кенгайиши ва мувозанатли ўсишини қўллаб қувватлаш ва шу орқали бандлик ва реал даромадларнинг етарлича юқори даражасини ушлаб туриш ва иқтисодий сиёсатнинг бош мақсади сифатида барча аъзо давлатлар ресурсларининг самарадорлигини оширишга ҳисса қўшиш;

– аъзо давлатлар ўртасида жорий битимларга доир кўп томонлама тўловлар тизимини ташкил этиш ва жаҳон савдоси ривожланишига тўсқинлик қилувчи валюта айирбошлашдаги чекловларни бекор қилишга кўмаклашиш;

– аъзоларнинг умумий ресурслари ҳисобидан етарлича хавфсиз асосда маблағ билан таъминлаш орқали уларнинг ишончини қозониш, ва шунинг асосида уларга тўлов балансидаги номувофиқликлар(тартибсизликлар)ни миллий ёки халқаро тараққиётга ғов бўладиган чора-тадбирларсиз тўғрилаш имконини бериш;

– юқоридагиларга мувофиқ аъзо давлатларнинг халқаро тўловлар балансидаги номувофиқлик (мувозанатсизлик)ларнинг давомийлигини қисқартириш ва унинг даражасини пасайтириш.

ХВФни ташкил этиш мобайнида қатъий белгиланган паритет тизимининг тамойиллари шакллантирилган бўлиб, уларга валюталарнинг олтин паритетига мувофиқ тарзда уларнинг расмий алмашув курсини ўрнатиш, аъзо мамлакатлар томонидан алмашув курсларининг валюта йўлакчаси (1945-1971 йилларда – $\pm 1\%$, 1971-1973 йилларда – $\pm 2,25\%$) доирасида бўлишини таъминланиши, олтиннинг жаҳон пули функциясини сақланиши билан бирга, АҚШ долларига ушбу функцияни бажарувчи валюта мақомининг берилиши кабиларни киритиш мумкин.

Бреттон-Вудс тизими таназзулга учрагач, мажбурий валюта йўлакчалари бекор қилинди ва валюта курсининг эркин сузиш тизимига ўтилди. Шунингдек, олтин демонетизация қилинди, яъни олтин стандарти, халқаро ҳисоб-китобларда ва Марказий банкнинг захираларини шакллантиришда олтиндан мажбурий фойдаланиш амалиёти, АҚШ долларининг олтинга эркин айирбошланиши бекор қилинди. Бундан ташқари, ҳар бир мамлакат валюта курсини режимини мустақил танлаш ҳуқуқига эга бўлди. Шундай бўлсада, ХВФ низомига мувофиқ, а) мамлакатда молиявий ва валюта сиёсати барқарорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда Марказий банк томонидан валюта курсининг кучли тебраниши юз берганда интервенциядан фойдаланилиши; б) бир томонлама устунликка эга бўлишга қаратилган валюта курсининг манипуляциясидан воз кечиш; в) валютани тартибга солиш ва валюта курси механизмида кўзда тутилаётган ўзгаришлар ҳақида ХВФни зудлик билан хабардор қилиш; г) валюталарни олтинга боғлаб қўйиш тартибидан воз кечиш талаб этилади.

ХВФ бу тараққиёт институти эмас, Келишувлар моддасига мувофиқ, қашшоқ мамлакатларга инфратузилмани шакллантириш, экспорт ва бошқа секторларни диверсификация қилиш ёки таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида кредитлар ажратмайди.

Ҳар қандай мамлакат хоҳ у ривожланган бўлсин, хоҳ у суст ривожланган, агар у капиталлар бозорида қулай шартларда халқаро тўловларни амалга ошириш ва захираларнинг мувофиқ даражасини таъминлаш учун етарлича молиялаштириш манбасини топа олмаса, тўлов баланси билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун молийвий ёрдам сўраб ХВФга мурожаат қилиши мумкин. ХВФ Жаҳон банки ва бошқа тараққиёт агентликларидан фарқли равишда лойиҳаларни молиялаштирмайди.

ХВФнинг кредитлаш дастурларини қуйидагича категорияларга ажратиш мумкин:

1. **Резерв (Stand-By) келишувлари** асосан қисқа мудатли тўлов баланси муаммоларини бартараф этишга мўлжалланган. ХВФнинг энг йирик кредитлари ҳам мазкур категорияга тегишлидир. 1997 йилда ХВФ **Қўшимча резерв дастури**ни амалиётга жорий қилди. Мазкур дастур капитал ҳисобрақами билан боғлиқ инқирозларни бошдан кечираётган давлатларга зудлик билан жуда қисқа муддатли кредитларни ажратишни кўзда тутди.

2. **Узайтирилган фонд дастури** ХВФ томонидан тўлов баланси қийинчиликларига юз тутган мамлакатларга кўмаклашиш мақсадида жорий қилинган бўлиб, бунда муаммолар қисман структуравий муаммолар билан боғлиқ ва уни бартараф этиш макроиқтисодий номувофиқликларга нисбатан узоқроқ муддатни тақозо этади.

3. **Қашшоқликни қисқартириш ва иқтисодий ўсиш дастури** асосида ХВФ йиллик фоиз ставкаси 0,5 фоиз ва сўндириш муддати 10 йил бўлган кредитларни ўзининг энг қашшоқ аъзо давлатларига тақдим этади. Таъкидлаш лозимки, ХВФ кредитларининг кўпчилиги қисми шу категорияга мансубдир. 2005 йилда **Экзоген шоклар дастури** ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Бу дастур асосида Қашшоқликни қисқартириш ва иқтисодий ўсиш дастури орқали кредит олмайдиган суст ривожланган давлатларга уларнинг назорат

доирасидан ташқарида бўлган шоклар туфайли вужудга келадиган тўлов баланси муаммоларини бартараф этиш учун кредитлар тақдим этилади.

26.3. Валюта курси ва валюта бозорлари

Валюта айирбошлаш курси мамлакат иқтисодиётини бошқа мамлакатлар билан боғловчи асосий омиллардан биридир.

Бир валютанинг бошқа валюта бирлигидаги баҳоси валюта курси деб аталади. У мамлакат иқтисодиётига, ҳатто аҳолининг турмуш тарзига ҳам таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, валюта курсининг ўзгариши мамлакат экспорт товарларининг рақобатбардошлик даражасига таъсир қилади, иккинчидан, миллий валюта алмашув курсининг пасайиши импорт товарлари ва хизматларининг миллий валютадаги баҳосининг ошишига олиб келади ва шунинг асосида аҳоли харид қувватига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Валюта курси инфляцияни ҳисобга олишига кўра номинал ва реал алмашув курсларига бўлинади. **Номинал айирбошлаш курси** — бу икки мамлакат валютасининг нисбий баҳосидир. **Реал айирбошлаш курси** — бу иккита мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларнинг нисбий баҳоси. Реал айирбошлаш курси номинал курс ва товарларнинг миллий валютадаги нархига боғлиқ бўлиб қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$R = e \times P / P^*$$

Бунда, e — номинал айирбошлаш курси, P — битта мамлакатдаги баҳолар даражаси, P^* — эса бошқа мамлакатдаги баҳолар даражасини ифодалайди. Бунда :

$$e = R \times P^* / P$$

Маълумки, миллий валюта курсининг 3 асосий режими мавжуд:

1. Эркин сузиш режими.
2. Қатъий белгиланган курс режими.
3. Бошқариладиган сузиш режими.

Агар миллий валютанинг курси эркин тарзда валюта бозорида талаб ва таклиф асосида шаклланса, бу эркин сузиб юривчи курс режимини англатади. Бунда мамлакат Марказий банки миллий валюта курсининг маълум ҳолати учун жавоб бермайди. Бу курс режими эркин айирбошладиган барча захира валюталарига тегишли. Шундай мамлакатлар борки, уларда жорий операциялар бўйича валютавий чекловлар бекор қилинган, аммо бошқариладиган сузиш режими қўлланилади. Бундай давлатларга мисол қилиб Мексика, Қувайт, БАА каби давлатларни кўрсатиш мумкин. Лекин бу ҳолат валюталарнинг алмашилиш шарти билан режими ўртасидаги алоқадорликни инкор этиш учун етарли эмас.

Қатъий белгиланган курс режимида мамлакатнинг миллий валюта курси хорижий валютага нисбатан маълум нисбатда ўрнатилади ва Марказий банк курсининг белгиланган нисбати учун жавоб беради. Аммо қатъий белгиланган валюта курслари валюта операцияларини кенг кўламда ривожланишига тўсқинлик қилади, лекин унинг иқтисодиётга ижобий жиҳатлари ҳам бор. Ана шундай ижобий жиҳатларидан бири шундаки, қатъий белгиланган курс режимида валюта rischi муаммоси чуқурлашмайди.

70-йилнинг ўрталаридан бошлаб марказий банкларнинг курс сиёсатида ўзгаришлар пайдо бўлди. Расман эркин сузиш режимини тан олган марказий банклар (Австрия, Италия марказий банклари ва бошқалар) валюта курсига таъсир қилиш учун валюта интервенциясини тез-тез амалга ошира бошладилар. Бу ҳолат ХВФ экспертлари томонидан “бошқариладиган сузиш” деган номни олди.

Валюта бозори – бу хорижий валютага нисбатан талаб ва таклиф тўқнаш келадиган бозордир⁶⁸. Валюта бозори пул бозорининг таркибий қисми ҳисобланади. Пул бозори эса, ўз

⁶⁸ Симионов Ю.Ф., Носко Б.П. Валютные отношения: Учебное пособие.– Ростов н/Д: Феникс, 2001. – 320 с.

навбатида, капиталлар бозори билан биргаликда молия бозорини ташкил этади.

Валюта бозори, шунингдек, ташкилий ва ташкилий-техник нуқтаи-назардан ҳам қаралиши мумкин. Ташкилий нуқтаи-назардан валюта бозори талаб ва таклиф асосида валюта ва валютавий қийматликларни сотиб олиш ва сотиш бўйича операциялар амалга ошириладиган расмий молиявий марказлар сифатида ўзини намоён қилади. Ташкилий-техник нуқтаи-назардан валюта бозори турли мамлакатлардаги банклар ва биржаларни боғловчи замонавий телекоммуникация воситалари мажмуини англатади.

Валюта бозорларини қуйидаги белгиларга мувофиқ таснифлаш мумкин:

1) ёйилиш кўламига қараб: халқаро ва миллий валюта бозорлари;

2) валютавий чекловларга нисбатан: эркин ва эркин бўлмаган валюта бозорлари;

3) валюта курслари турига кўра: бир режимли ва турли режимли валюта бозорлари;

4) ташкилий даражасига кўра: биржа ва биржадан ташқари валюта бозори.

Халқаро валюта бозорлари дунёнинг барча давлатлари валюта бозорларини қамраб олиб, пул оқимлари, товар ва хизматлар ҳаракатини, капиталнинг қайта тақсимланишини, халқаро тўлов айланмасида кенг фойдаланиладиган валюталар билан операцияларни таъминлайди.

Ҳозирги пайтда жаҳон валюта бозорлари сифатида Осиё (марказлари – Токио, Гонгконг, Сингапур, Мельбурн), Европа (марказлари – Лондон, Франкфурт-на-Майне, Цюрих) ва Америка (марказлари – Нью-Йорк, Чикаго, Лос Анжелес) бозорлари ажратиб кўрсатилади.

Миллий валюта бозори – бу, биринчидан, бир давлатнинг валюта бозори, яъни ушбу давлат ҳудудида амал қилади; иккинчидан, мазкур давлат ҳудудида жойлашган банклар томонидан мижозларига хорижий валютада хизмат кўрсатиш бўйича амалга ошириладиган операциялар мажмуидан иборат бўлади.

Миллий валюта бозорлари мамлакат ичкарасида пул оқимларининг ҳаракатини таъминлайди ва жаҳон молия бозорлари билан алоқаларга хизмат қилади.

Валютанинг конвертирланиши умуман таъминланмаган шароитда миллий валюта бозори самарали фаолият кўрсата олмайди. Конвертирликка эга бўлмаган пул бирлиги фақатгина давлатлараро муносабатларда шартли ҳисоб-китоб воситаси сифатида фойдаланилиши мумкин. Бундай шароитда “қора” бозорда “хуфёна” курс, яъни хорижий валютанинг расмий конвертирлик бўлмаган шароитдаги бозор баҳоси шаклланиши мумкин.

Эркин валюта бозори ҳеч қандай валютавий чекловларсиз амал қилгани ҳолда, эркин бўлмаган валюта бозорида валютавий чекловлар мавжуд бўлади.

Бир режимли валюта бозори – бу валюта курсининг эркин сузиш режими амал қиладиган бозор бўлиб, ундаги котировкалар биржа савдоларида талаб ва таклиф асосида ўрнатилади. Бундай валюта бозори узоқ йиллар мобайнида барқарор иқтисодий ривожланишнинг таъминланиши, шунингдек, валютани тартибга солиш ва валютавий назоратнинг бозор механизмига хос шакллари қўлланиши учун етарлича шарт-шароит яратилган давлатларда шаклланади.

Турли режимли валюта бозори – бу кўп поғонали валюта курслари режимига эга бўлган бозордир. Ушбу валюта бозори давлатнинг капитал ҳаракатини тартибга солишга қаратилган мақсадларига хизмат қилади ва ссуда капитали бозорининг мамлакат иқтисодиётига нисбатан таъсирини чеклаш ва назорат қилишга имкон беради.

Биржа валюта бозори – валюта биржалари кўринишида намоён бўладиган ташкилий бозордир. Валюта биржаси – бу валюта ва хорижий валютадаги қимматли қоғозлар савдоларини ташкил қилувчи ташкилотдир. У тижорат ташкилоти эмас, яъни унинг фаолияти юқори фойда олишга қаратилмаган.

Биржадан ташқари валюта бозори моҳиятига кўра банклараро валюта бозори бўлиб, унинг ташкилотчилари дилерлар ҳисобланади. Биржадан ташқари валюта бозорида қуйидаги операциялар амалга оширилади:

- хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш операциялари;
- нақд хорижий валюталар билан амалга ошириладиган валюта-алмашув операциялари;
- форвард операциялари;
- валюта опционлари билан амалга ошириладиган валюта операциялари.

Мазкур бозорда валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш учун ваколатли банклар ўз ресурслари ва жалб қилинган валюта маблағларидан фойдаланишлари мумкин.

Валюта бозорларидаги операцияларнинг асоси бўлиб, ташқи савдо бўйича халқаро ҳисоб-китоблар, халқаро туризм, капиталлар ва кредитларнинг давлатлараро ҳаракати ҳамда чет эл валютасини олди-сотди қилиш билан боғлиқ бошқа ҳисоб-китоб операциялари ҳисобланади.

Валюта операциялари вужудга келиши учун объектив асос бўлиб, ташқи савдо, капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати хизмат қилади. Халқаро меҳнат тақсимооти юзага келиши экспорт-импорт операцияларининг юзага келишига асосий сабаб бўлади.

Валюта операцияларининг кенг кўламда ривожланиши тижорат банкларига ушбу бозорда эркин ҳаракат қилишга ва айна вақтда уларни тартибга солишга имконият туғдиради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, миллий иқтисодиётни фақат шу мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан барча эҳтиёжларни қондириб бўлмайди. Демак, мамлакатлар ўртасида экспорт-импорт операциялари албатта амалга ошиши юз беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, валюта бозорларининг аҳамияти миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига янада интеграциялашувига хизмат қилишида намоён бўлади.

26.4. Тўлов баланси ва уни тартибга солиш йўллари

Мамлакат тўлов балансининг ҳолати бугунги кунда нафақат мамлакатнинг халқаро операцияларини акс эттирувчи оддий ҳужжат, балки ушбу мамлакат

иқтисодиётининг очиқлик даражаси, унинг иқтисодий-географик ва инвестицион имкониятлари, олтин-валюта захиралари ва мавжуд валюта муносабатларининг қай даражада эканлиги ҳамда халқаро рақобатбардошлиги ҳақида аниқ хулосалар шакллантириш имконини берувчи иқтисодий категория ҳисобланади.

Тўлов баланси бу шундай ҳужжатки, унда мамлакатнинг хорижий давлатлар билан бўладиган алоқалари натижасида юзага келадиган валюта тушумлари ва тўловларининг ҳақиқатдаги суммаси акс эттирилади. Тўлов баланси – маълум вақт оралиғида резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги барча ўтказмаларнинг ўлчовидир.

Тўлов балансининг стандарт компонентлари ҳисобварақларнинг икки асосий гуруҳи бўйича ажратилиши мумкин:

- жорий операциялар ҳисобварағи, унда товарлар, хизматлар, олинган даромадлар ва жорий трансфертларни камраб олувчи иқтисодий битимлар ҳисобга олинади;

- капиталлар ва молиявий инструментлар билан боғлиқ операциялар ҳисобварағи, унда капитал трансфертлари, номолиявий активларни сотиб олиш, шунингдек, молиявий талаблар ва мажбуриятлар билан боғлиқ операциялар ҳисобга олинади.

Иқтисодий адабиётларда тўлов баланси моддаларининг уч асосий аналитик гуруҳлари ажратиб кўрсатилади:

- 1) савдо баланси;
- 2) жорий операциялар баланси;
- 3) умумий тўлов баланси ёки расмий ҳисоб-китоблар баланси.

Жорий операциялар ҳисобварағининг муҳим таркибий қисми – бу савдо баланси бўлиб, товарлар экспорти ва импорти ўртасидаги фарқни ифода этади. Савдо балансининг ўзгариши турлича талқин қилиниши мумкин. Масалан, экспортнинг импортдан ошиши мамлакат товарларига жаҳон бозорларида талабнинг ошганлиги билан изоҳланади. Агар бутун дунё мазкур мамлакатнинг экспорт товарларини харид қилса, шунингдек, унинг резидентлари маҳаллий товарларни импорт товарларидан афзал билса, демак хулоса қилиш мумкинки, мамлакат иқтисодиётининг ҳолати яхши

ҳисобланади. Аксинча, савдо балансининг дефицити мазкур мамлакат экспорт товарларининг етарли даражада рақобатбардош эмаслиги ва аҳоли турмуш тарзини ҳимоя қилиш учун зарурий чоралар кўриш лозимлигидан далолат бериши мумкин. Бундай таҳлил агар савдо балансидаги ўзгариш ҳақиқатда мазкур давлат товарларига бўлган талабнинг ортиши ёки камайиши ҳисобига юз берса мақсадга мувофиқ саналади. Бироқ савдо балансига бошқа омилларнинг таъсири ҳам сезиларли бўлиши мумкин. Жумладан, қулай инвестицион муҳит мамлакатга хорижий инвестициялар оқимини рағбатлантириш билан бирга хориждан сотиб олинган асосий воситалар миқдорининг ҳам ортишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолат ҳам савдо баланси дефицитини юзага келтиради, лекин мамлакат иқтисодиётига кескин салбий таъсир кўрсатмайди.

Жорий операциялар баланси кенгроқ ахборотни ўзида жамлаб, товар ва хизматлар ҳаракати билан боғлиқ активлар оқимини акс эттиради. Жорий операциялар бўйича ижобий сальдо товар, хизмат ва хадялар ҳаракати бўйича кредит дебетдан юқорилигини англатади. Бошқача айтганда, ижобий сальдо мамлакат бошқа мамлакатларга нисбатан нетто инвестор ҳисобланади. Аксинча жорий операциялар бўйича дефицит мамлакатнинг соф қарздор эканлигидан далолат беради.

Меркантилистлар иқтисодий мактабининг концепциясига мувофиқ, мувозанат жорий операциялар баланси атамасида аниқланган. Бунда таъкидлаб ўтилган сальдо капиталлар ҳаракати, мамлакат олтин-валюта захираларидаги ўзгаришларни ҳисобга олмаган. Шундай қилиб, меркантилист мактаби намоёндалари фикрича, иқтисодий сиёсатнинг мақсади жорий операциялар ҳисобварағи бўйича ижобий сальдони максималлаштириш ва шунинг асосида, мамлакатда олтиннинг жамланишига эришишдан иборат бўлади.

Жорий операциялар баланси дефицитининг узоқ муддатли хорижий капитал ҳисобидан молиялаштирилиши мувозанат мезони сифатида тўлов балансининг умумий сальдоси тушунчасининг пайдо бўлишига олиб келди.

Тўлов балансининг давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

Биринчидан, тўлов балансига мувозанатсизлик хос бўлиб, бу ҳолат ёки дефицит, ёки ҳаддан ташқари актив қолдиқ кўринишида намоён бўлади. Бу номутаносиблик валюта курси динамикасига, капитал оқимиغا, иқтисодиётнинг ҳолатига қаттиқ салбий таъсир кўрсатади. Масалан, АҚШ, жорий операцияларидаги дефицитни миллий валюта билан қоплаш натижасида, инфляцияни бошқа давлатларга экспорт қилишга эришган. Бу эса, халқаро айланмадаги доллар ортиқчалигини келтириб чиқарди ва XX асрнинг 70-йилларида Бреттон-вудс тизимининг издан чиқишига олиб келди.

Иккинчидан, XX асрнинг 30-йилларида олтин-девиз стандарти жорий қилингандан сўнг, тўлов балансини мувозанатлаштиришнинг баҳо механизми иш бермай қўйди. Шу сабабли ҳам, тўлов балансини давлат томонидан маълум тадбирлар орқали бошқарилиши мақсадга мувофиқ бўлиб қолди.

Учинчидан, хўжалик алоқалари тобора глобаллашиб бораётган ҳозирги даврда, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тизимида тўлов балансининг роли борган сари ортиб бормоқда. Тўлов балансини мувозанатлаштириш вазифаси — давлатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, инфляцияни жиловлаб туриш ва ишсизликни камайтириш каби вазифалар билан бир қаторда эътироф этилмоқда.

Тўлов балансини мувозанатлаштириш, одатда, бир қанча ички ва ташқи омилларнинг тўлов балансига таъсирини баҳолашни тақозо этади. Актив балансга эга бўлган давлатлар, халқаро ҳисоб-китобларга киришувчи мамлакатларда макроиқтисодий барқарорликни мавжуд бўлишидан манфаатдор бўлади.

Дефицитли тўлов балансига эга бўлган давлатлар эса, актив балансга эга бўлган ўз ҳамкорларидан импорт бўйича чекловларни камайтириш, мазкур мамлакатларга капитал чиқарилишини рағбатлантириш кабиларни талаб қилади.

Тўлов балансида дефицит мавжуд бўлган давлатлар томонидан, экспортни рағбатлантириш, импорт қилинаётган товарларни камайтиришга, хорижий капитални жалб

қилишга, капитални олиб чиқиб кетишни чегаралашга қаратилган қуйидаги тадбирлар қўлланилади:

Дефляцион сиёсат. Бу сиёсат, ички талабни камайтиришга йўналтирилган ҳолда, ўз ичига бюджет маблағларини аҳоли эҳтиёжларига камроқ сарфлаш, баҳоларни ва иш ҳақларини музлатиш кабиларни қамраб олади. Унинг асосий инструментларидан бири бўлиб, молиявий ва пул-кредит чоралари ҳисобланади: бюджет дефицитини камайтириш, Марказий банкнинг ҳисоб ставкаларини ўзгартириши (дисконт сиёсати); кредит чекловлари; пул муассасининг ўсиб боришига чегара қўйиш. Иқтисодий пасайиш, ишсизликнинг юқори кўрсаткичи ва тўла фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватлари шароитида дефляция сиёсатини қўллаш, ишлаб чиқариш ва бандликнинг янада пасайишига олиб келади. Бу эса, аҳолининг турмуш даражасига сезиларли салбий таъсир кўрсатиб, вазиятни юмшатиш бўйича тезкор чора-тадбирлар қўлланилмаса, ижтимоий низолар келтириб чиқариши мумкин.

Девальвация. Бу миллий валюта курсининг пасайтирилишидир. Бу тадбир миллий экспортни рағбатлантириш ва импортни жиловлаш билан боғлиқ мақсадларда амалга оширилади. Аммо, тўлов балансини тартибга солишда девальвациянинг роли, уни ўтказиш тартиблари ва уларга ҳамкорлик қилувчи мамлакатнинг умумиқтисодий ва молиявий сиёсатига боғлиқ бўлади. Девальвация фақатгина, рақобатбардош товарларнинг экспорт салоҳияти ва жаҳон бозоридаги қулай вазиятларнинг мавжудлиги шароитидагина товарлар экспортини рағбатлантириши мумкин. Девальвациянинг импортни чеклашга таъсири эса, мамлакатнинг импортни чеклаш бўйича кескин чоралар қўллаш имкониятларининг пасайишидан келиб чиқади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳамма мамлакатларда ҳам импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқариш сиёсати муваффақиятли чиқавермайди.

Девальвация импортни чеклаши билан, мамлакат ичида товарлар ишлаб чиқариш харажатлари ортишига, нархларнинг кўтарилишига ва оқибатда, ташқи бозорларда рақобатбардошлик қобилиятининг йўқолишига олиб келади.

Шунинг учун, бу тадбир мамлакатга вақтинчалик устуворлик бериши мумкин, аммо у тўлов балансининг дефицитини келтириб чиқарувчи сабабларни тўлиқ бартараф этишга қодир эмас. Кутилган натижани олиш учун, девальвация етарли даражада бўлиши зарур. Акс ҳолда, у валюта спекуляциясини кучайтиради ва валюта курсини қайтадан кўриб чиқишга мажбур қилади. Масалан, 1967 йил ноябрь ойида фунт стерлингга 13,4 фоизга девальвацияси ва 1971 йил долларнинг 7,89 фоизга девальвация қилиниши, ушбу валюталарга бўлган спекулятив тазйиқни йўқ қила олмади. Девальвацияни амалга оширган мамлакат, рақобатда ўзи кутган устуворликка эга бўла олмаслиги мумкин. Чунки, сузиб юривчи курс режимининг қўлланилиши тўлов балансини мувозанатлаштириш имконини бермаслиги мумкин.

Валюта чекловлари. Ушбу тадбир экспорт қилувчиларнинг хорижий валюталардаги тушумларидан фойдаланишни чеклаш, хорижий валютани импорт қилувчиларга сотишни лицензиялаш орқали амалга оширилади. Шунингдек, у валюта операцияларини махсус рухсатномага эга бўлган банкларда амалга оширилиши ҳамда тўлов балансидаги дефицитни камайтириш мақсадида, капитал экспортини чегаралаш ва унинг оқиб келишини рағбатлантириш, товарлар импортини чегаралашга қаратилган тадбирлар йиғиндиси сифатида ҳам эътироф этилади. XX асрнинг 70-йиллари охири 80-йилларининг бошларида жорий операциялар бўйича юритилаётган сиёсатнинг эркинлашувига қарамасдан, конвертирланадиган валютага эга бўлган мамлакатларнинг деярли 90 фоизида капиталларнинг халқаро ҳаракатида турли хил чекловлар мавжуд бўлган. ЕИнинг кўпчилик давлатлари ушбу чекловларни фақатгина ўтган асрнинг 90-йилларига келиб бекор қилди.

Молия ва пул–кредит сиёсати. Тўлов балансидаги дефицитни бартараф этиш мақсадида экспорт қилувчиларга бюджет субсидиялари берилади, протекционистик мақсадларда импорт божлари оширилади, мамлакатга пул оқимининг кириб келишини рағбатлантириш мақсадида қимматли қоғозлар эгаси бўлган хорижликлардан олинадиган солиқларни бекор қилиш каби чора-тадбирлардан кенг

фойдаланилади.

26.5. Халқаро ҳисоб-китоб шакллари

Халқаро ҳисоб-китоблар – бу турли давлатларнинг ўзаро ва уларнинг юридик шахслари ва фуқаролари ўртасида иқтисодий ва бошқа муносабатларда вужудга келдаиган пуллик талаблар ва мажбуриятларнинг тартибга солиниши ва амалга оширилишидир. Халқаро ҳисоб-китоблар деганда, турли мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар натижасида юзага келадиган пуллик талаблар ва мажбуриятлар юзасидан тўловларни амалга ошириш тизими тушунилади.

“Халқаро ҳисоб-китоблар” тушунчаси:

- жаҳон амалиётида ишлаб чиқилган ва халқаро ҳужжатлар ва удумлар билан мустаҳкамлаб қўйилган ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва тўловларни ўтказиш шартлари ва тартибини;

- халқаро ҳисоб-китобларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича банкларнинг амалий фаолиятини қамраб олади.

Товарлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш жараёнларининг байналмилаллашуви, халқаро ҳисоб-китобларнинг мазмунида янги ўзгаришлар пайдо бўлишига олиб келди. Халқаро ҳисоб-китоблар кенг қамровли бўлиб, у экспорт-импорт операциялари, тижорат тусига эга бўлмаган тўловлар — сайёҳлик, спорт, фуқаролар томонидан хорижий давлатларга пул ўтказишлар, хорижий давлатларда дипломатик ва савдо ваколатхоналарини очиш, ўзга давлатлар ҳудудида ҳарбий қисмларни сақлаш ҳамда капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китобларни ўз ичига олади.

Халқаро ҳисоб-китобларнинг самарадорлигига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатлар;
- валюта қонунчилиги;
- халқаро савдо қоидалари ва удумлари;
- банк амалиёти;

– ташқи савдо шартномалари ва кредит битимларининг шартлари;

– пуллик ҳисоб-китоблар иштирокчиларининг тўловга қобиллиги.

Ўтиш даври қийинчиликларини бошдан кечираётган давлатларда халқаро ҳисоб-китобларнинг товарлар, хизматлар ва бажарилган ишлар бўйича тўловларнинг ўз вақтида келиб тушишини кафолатловчи шакллари кенг қўлланилиши мумкин.

Ташқи савдо шартномаларида валюта-молиявий ва тўлов шартлари яққол акс эттирилиб, улар сирасига қуйидагилар киради:

- баҳо валютаси;
- тўлов валютаси;
- тўлов шarti;
- ҳисоб-китоб шакли.

Баҳо валютаси — бу товарнинг баҳоси ўлчанадиган валюта. Ушбу валютани танлашда товарнинг тури, ҳукуматлараро шартномаларнинг шартлари, ва айниқса, валютанинг барқарорлиги ҳисобга олинади. Шартномада кўрсатилган баҳо таркибига товарларни ишлаб чиқариш, уни юклаш, импорт қилувчи мамлакат портига тушириш, омборхоналарга жойлаштириш, импорт қилувчига уни етказиб бериш харажатлари киради. Товарлар баҳосини шартномада белгилашнинг 5 асосий усули мавжуд:

1. Қатъий белгиланган баҳоларни ўрнатиш. Ушбу баҳо шартнома имзоланаётган вақтда ўрнатилади ва шартнома ижро этилиши мобайнида ўзгармасдан қолади.

2. Товарлар баҳосини, шартнома имзоланаётган пайтда юзага келган бозор баҳосида ҳисобга олиш. Агар хом-ашё экспорт қилинаётган бўлса, уларнинг бирон-бир товар биржасида (Лондон ёки Нью-Йорк товар биржалари ва ҳ.к.) хорижий баҳоси асосида шартнома ижро этилади.

3. Баҳо қатъий белгилаб қўйилиши. Аммо, шартнома имзоланаётган пайтда товарларнинг баҳоси кескин ўзгарса, белгиланган баҳо ўзгартирилади.

4. Товарлар баҳоси қатъий белгилаб қўйилади, аммо харажатлар таркибида ўзгариш бўлган тақдирда белгиланган

баҳо ўзгартирилади. Бу усул, кўпчилик ҳолларда, асбоб-ускуналарни сотишда қўлланилади.

5. Аралаш шакл. Товарларнинг маълум қисми қатъий белгиланган баҳоларда, маълум қисми ўзгартириладиган баҳоларда сотилади.

Тўлов валютаси – бу ҳақиқатда импорт қилувчининг мажбурияти тўланадиган валюта. Агар, тўлов валютаси нобарқарор валюта бўлса, унда шартномада товарларнинг баҳоси барқарор валютада ўлчанади.

Тўлов шартлари – бу тўлов нақд валюталарда ёки нақдсиз шаклда, очиқ ҳисоб-рақамлари орқали, кредит шаклида ёки векселлар орқали амалга оширилиши мумкинлигини келишиб олишдир.

Ҳисоб-китоб шакллари товарни жўнатишга оид ҳужжатлар ва тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш, узатиш ва тўлаш усуллари сифатида намоён бўлади.

Халқаро ҳисоб-китоблар 2 гуруҳга бўлинади: *ҳужжатлаштирилмайдиган*; *ҳужжатлаштирилмайдиган* тўловлар.

Ҳужжатлаштирилмайдиган тўловларга:

1. Ҳужжатлаштирилган аккредитив;
2. Инкассо билан амалга ошириладиган ҳамма тўловлар

киради.

Ҳужжатлаштирилмайдиган тўловларга:

1. Тўлов топшириқномаси;
2. Чеклар;
3. СВИФТ (SWIFT) киради.


Ҳужжатлаштирилмайдиган тўловларни туркумлашда мезон шартларини тўлов шартлари ўтайди. Агар, ҳар қандай ҳисоб-китоб қуйидаги 3 тўлов асосида амалга оширилса, бу ҳужжатлаштирилмайдиган ҳисоб-китоб бўлиб ҳисобланади:

1. Олдиндан тўлаш;
2. Товарни олгандан сўнг тўлаш;
3. Очиқ ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоблар.

Жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган асосий ҳисоб-китоб шакллари сифатида банк ўтказмаси, инкассо ва ҳужжатлаштирилган аккредитивни ажратиб кўрсатиш мумкин. Таъкидлаш лозимки, халқаро ҳисоб-китобларнинг сезиларли қисми (80%) инкассо ва аккредитив ҳиссасига тўғри келади.

Ушбу ҳисоб-китоб шаклларида импортёр шартномадаги тўлов шартларига мувофиқ тўловни амалга оширади, экспортёр эса, шартномада кўрсатилган товарни етказиб берсагина тўловни қабул қилади.

Банк ўтказмаси – бир банк томонидан бошқа банк топшириғига кўра маълум пул суммасини ўтказмани қабул қилувчига тўланишидир.



26.6.1– чизма. Банк ўтказмаси

1. Ўтказмани амалга ошириш тўғрисида топшириқ.
2. Ўтказманинг амалга оширилиши.
3. Бенефициарни унинг ҳисобрақамига маблағ ажратилганлиги хусусида хабардор қилиш.

Ташқи савдо шартномасининг “Тўлов шартлари” бўлимида етказиб бериладиган товар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси шаклида амалга оширилиши кўрсатилиши лозим. Бундан ташқари, ўтказмани қабул қилувчининг реквизитлари (ҳисобрақами, экспортёр банкининг номи, манзили) ва тўлов муддати кўрсатилиши керак.

Тўлов топшириқларини хорижий банк-корреспондентга узатишнинг энг кенг тарқалган воситалари бўлиб, телеграф, СВИФТ тизими ва хорижий банклар билан Micro Cash Register модем алоқалари тизими ҳисобланади.

СВИФТ (SWIFT– Society for Worldwide Interbank Financial Telecommunication) — бу бутунжаҳон банк-молия телекоммуникацион тармоғи бўлиб, банк-молия ахборотларини тезлик билан узатишга мўлжалланган. У маълумотларни узатиш ва операцияларни амалга ошириш

тизими бўлгани учун, уни ҳисоб-китобларнинг мустақил шакли сифатида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ эмас.

СВИФТ халқаро ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишнинг анъанавий усуллари билан таққослаганда бир қатор афзалликларга эга, жумладан, тезкор (банкдан банкка маълумот етказиш вақти жуда қисқа), ишончли ва тежамкор ҳисобланади.

Micro Cash Register тизими Bank of New York, Bankers Trust Company, Commerzbank, Dresdner Bank каби йирик банклар томонидан таклиф этилади.

Ҳисоб-китобларнинг инкассо шаклида банк мижозининг топшириғига кўра етказиб берилган товар (кўрсатилган хизмат ва бажарилган ишлар) учун импортёрдан тўловни қабул қилади ва бу маблағларни экспортёр ҳисобрақамига ўтказди. Ҳисоб-китобларнинг инкассо шаклини қўллаш Халқаро савдо палатасининг унификациялашган қоидалари асосида тартибга солинади.

Инкассо бўйича унификациялашган қоидаларга мувофиқ, банк ушбу операцияни экспортёр кўрсатмаси асосида амалга оширади.

Инкассо бўйича операцияда талаб этиладиган ҳужжатларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: молиявий ҳужжатлар (ўтказма вексел, оддий вексел, тўловни қабул қилиш учун фойдаланиладиган бошқа ҳужжатлар) ва тижорат ҳужжатлари (юк ҳужжатлари, гувоҳномалар ва б.). Ушбу ҳужжат турларига биноан, инкассо соф ва ҳужжатлаштирилган инкассога бўлинади. Соф инкассо фақат молиявий ҳужжатларни тақозо этгани ҳолда, ҳужжатлаштирилган инкассода тижорат ҳужжатлари, баъзан молиявий ҳужжатлар ҳам талаб этилади.

Инкассо бўйича ҳисоб-китобларни қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (навбатдаги бетга қаранг).

1. Товарни юклаб жўнатиш.


2а-2б. Инкассо топшириғи (зарурий ҳужжатлар ва импортёрдан пулни олиш шартлари борасидаги кўрсатма билан биргаликда).

1.Импортёрни инкассо тўлови бўйича хабардор қилиш.

2.Тўловни амалга ошириш бўйича топшириқ.

3. Тўлов ҳужжатларини бериш (улар асосида импортёр товарларни қабул қилади).

ба-бб. Ўтказмани амалга оширилиши ва тўлов суммасини экспортёр ҳисобрақамига ўтказилиши.



26.6.2 – чизма. Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар


Ҳисоб-китобларнинг инкассо шакли импортёр учун қулай ҳисобланади, чунки у ҳақиқатда етказиб берилган товар учун тўлайди, инкассо бўйича операцияни амалга ошириш харажатлари эса юқори эмас.

Ҳисоб-китобларнинг инкассо шакли айрим камчиликлардан ҳоли эмас, биринчидан, банклар орқали ҳужжатлар айланмаси узоқ давом этади; иккинчидан, импортёр унга тақдим этилган ҳужжатлар бўйича тўловдан бош тортиши ёки хорижга валюта ўтказиш учун рухсатга эга бўлмаслиги мумкин.

Ҳужжатлаштирилган аккредитив шундай битимки, унга кўра банк-эмитент мижози (импортёр) топшириғига кўра бенефициар фойдасига у тақдим этган ҳужжатлар бўйича тўловни амалга ошириш ёки траттани акцептлаш мажбуриятини олади.

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли экспортёр манфаатларига тўлиқ жавоб беради, яъни экспорт тушумининг ўз вақтида келиб тушишини таъминлайди.

Ҳужжатлаштирилган аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар 26.6.3-чизмада мухтасар келтирилган.



26.6.3-чизма. Ҳужжатлаштирилган аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар

1. Импортёрнинг банк-эмитентга аккредитив очиш тўғрисидаги аризаси.

2а-2б. Бенефициар (эспортёр)ни унинг фойдасига аккредитив очилганлиги тўғрисида хабардор қилиш.

3. Товарни юклаб жўнатиш.

4а-4б. Аккредитив учун зарур банк ҳужжатларини тақдим этиш.

5а-5б. Олинган ҳужжатлар бўйича тўловни амалга ошириш ва бенефициар ҳисобрақамига экспорт тушумини ўтказиш.

5в. Импортёр ҳисоб рақамини дебетлаш ва унга тўлов учун асос бўлган ҳужжатларни бериш.

Аккредитивнинг турли-туман кўринишлари бўлиб, уни қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ саналади:

1. Банк-эмитент томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши нуқтаи-назаридан: а) чақириб олинмайдиган аккредитив – бенефициарни огоҳлантирмасдан хоҳлаган пайтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин; б) чақириб олинмайдиган аккредитив – манфаатдор томонлар розилигисиз аккредитивни ўзгартирмаслик ёки бекор қилмаслик борасида банк эмитент қатъий мажбурият олади.

2. Аккредитив бўйича бошқа банкнинг қўшимча мажбурияти нуқтаи-назаридан: тасдиқланган ва тасдиқланмаган аккредитив. Агар банк-эмитент бошқа банкдан чақириб олинмайдиган аккредитивни тасдиқлашни

сўраса, бу тасдиқ банк-эмитентнинг тўлов, траттани акцептлаш бўйича мажбуриятига қўшимча равишда тасдиқловчи банкнинг қатъий мажбуриятини англатади.

3. Аккредитивни янгилаш имконияти нуқтаи-назаридан револьвер аккредитив – ҳужжатлар тўлиқ фойдаланиб бўлингач ёки ҳар бир ҳужжат тақдим этилгандан сўнг, дастлабки аккредитив суммасини тиклаш шарти билан шартнома қийматининг маълум қисмига очилади. Аккредитивнинг бу тури узоқ муддат давомида мунтазам товарларни етказиб туришни кўзда тутувчи йирик суммадаги шартномалар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишда кенг қўлланилади ва муомала харажатларини қисқартириш имконини беради.

4. Аккредитивнинг иккинчи бенефициар (товарнинг бевосита етказиб берувчиси) томонидан фойдаланилиши имконияти нуқтаи-назаридан: ўтказма (трансферабель) аккредитив – бенефициар топшириғига кўра аккредитив тўлиқ ёки қисман иккинчи бенефициарга ўтказилиши мумкин. Бироқ ўтказма аккредитив бир мартаба ўтказилади.

5. Валютавий қоплашнинг мавжудлиги нуқтаи-назаридан: қопланган ва қопланмаган аккредитив. Қопланган аккредитивни очишда банк-эмитент аккредитив суммасини авизоловчи банкка ўтказиши мумкин. Аккредитивни қоплашнинг бошқа шакли сифатида ҳисобрақамдаги зарур маблағларни операцияларда фойдаланилишини чеклаш, суғурта депозитлари кабиларни келтириш мумкин.

Халқаро ҳисоб-китобларда қатнашувчи субъектлар бўлиб, ҳукуматлар, давлат органлари, Марказий банклар, тижорат банклари, махсус молия-кредит институтлари (Пенсия фондлари, суғурта компаниялари, кредит иттифоқлари, ломбардлар ва ҳ.к.), корпорациялар, халқаро ва ҳудудий молия-кредит ташкилотлари (ХВФ, ХТТБ, ЕТТБ, ОТБ ва ҳ.к.) ҳисобланади.

Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича биринчи ўринни тижорат банклари эгаллайди. Сабаби шундаки, халқаро операцияларнинг асосий қисми – ташқи савдо операциялари ва капиталлар ҳамда кредитларнинг ҳаракати бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китобларга тўғри келади. Ушбу ҳисоб-китобларда иштирок этувчи

тижорат тузилмаларининг миллий ва чет эл валюталаридаги жорий ҳамда депозит ҳисоб-рақамлари, тижорат банкларида жойлашган. Марказий банклар эса, тижорат тузилмаларига кредит-ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас. Демак, тижорат банклари орқали тижорат тусидаги операцияларнинг асосий қисми амалга оширилади.

Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишдаги мавқеи, уларнинг молиявий жиҳатдан мустаҳкамлигига, электрон алоқа тизимлари билан яхши жиҳозланганлигига, обрўсига, ривожланган, кенг тармоқли хорижий филиаллар ва бўлинмалари, кўп сонли вакиллик ҳисоб-рақамларига эга эканлигига боғлиқ. Тижорат банкларининг хорижий банк ва корпорациялар билан амалга оширадиган ҳар қандай операциялари талаб ва мажбуриятлар орқали ўтади.

Ташқи иқтисодий битимларнинг, шу жумладан, ташқи савдо битимларининг амалга ошиши, яъни уларни ўз вақтида ва кам харажат сарфлаган ҳолда амалга ошириш шартномалари молиявий ва тўлов шартларига боғлиқ. Шу сабабли, ташқи савдо муносабатларида иштирок этувчи субъектлар, шартномани имзолаш пайтида, унинг барча жиҳатларини пухта келишиб оладилар. Бунда, одатда, экспорт қилувчи ва импорт қилувчи манфаатларининг қарама-қаршилиги юз беради. Масалан, экспорт қилувчи тўлов суммасининг маълум қисмини олдиндан тўлаб қўйилишини, кўпчилик ҳолларда талаб қилади. Ушбу тўлов суммасининг миқдорини аниқлашда қарама-қаршилиқ юзага келади. Экспорт қилувчи имконият даражасида кўпроқ суммани олдиндан тўлашни талаб қилади, импорт қилувчи эса, иложи борича, камроқ суммани олдиндан тўлашга ҳаракат қилади, чунки бу сумма маълум вақт импорт қилувчининг хўжалик айланмасидан чиқиб кетади. Ёки ҳисоб-китоб шаклларини танлаш масаласини олайлик. Экспорт қилувчи имкон қадар тўлов кафолатланадиган ҳисоб-китоб шаклини танлашни таклиф қилади. Масалан, ҳужжатлаштирилган аккредитив ана шундай ҳисоб-китоб шакли. Импорт қилувчи учун эса, бу шаклдан фойдаланиш мақбул эмас. Чунки, бунда импорт қилувчининг чиқими кўпаяди. Масалан, ҳозирги кунда Ғарбий Европа мамлакатларининг тижорат банклари ҳужжатлаш-

тирилган аккредитив хизмати кўрсатганлиги учун 3-5 фоиз миқдорида хизмат ҳақи олади.

26.6. Халқаро кредит

Халқаро кредит – бу товар ва валюта кўринишидаги маблағларни қайтариб беришлилик, муддатлилик, фоиз тўлашлилик шартлари асосида бериш билан боғлиқ бўлган халқаро иқтисодий муносабатлардаги ссуда капитали ҳаракатидир.

Халқаро кредит муносабатларининг субъектлари сифатида тижорат банклари, марказий банклар, давлат органлари, йирик корхоналар, регионал ва халқаро молия-кредит ташкилотлари қатнашади.

Халқаро кредитни юзага келишига сабаб бўлиб, ишлаб чиқаришнинг миллий доирадан чиқиши, хўжалик алоқалари байналминаллашув жараёнининг тезлашиши, халқаро капиталларнинг марказлашуви ҳамда ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви ҳисобланади.

Халқаро кредит муносабатларини ташкил қилиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

1. Қайтариб беришлилик: агар олинган маблағлар қайтарилмаса, пул капиталини қайтариб бермаслик шакли намоён бўлади, яъни молиялаштириш юзага келади;

2. Муддатлилик, яъни кредит шартномасида кўрсатилган муддатда кредитни қайтарилишини таъминлаш;

3. Таъминланганлик, яъни олинган кредитни тўлашни кафолатланганлиги;

4. Мақсадлилик, яъни ссудани аниқ объектларга йўналтиришни кўзлаш ва уни биринчи навбатда кредитор давлатнинг экспортини рағбатлантириш учун қўллаш;

5. Фоиз тўлашлилик.

Халқаро кредит халқаро иқтисодий алоқаларда ссуда капиталлари ҳаракатини ўзига хос хусусиятини намоён этиб, қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни талабларини қондириш учун ссуда капиталларини мамлакатлар ўртасида қайта тақсимлаш. Ссуда капиталлари халқаро кредит механизми орқали фойдаси кўпроқ, даромадлироқ бўлган

тармоқларга интиладилар. Шу орқали кредит миллий даромадни ўртача даромадга тенглашишига имконият юзага келтиради ва унинг массасини ошишига олиб келади.

2. Ҳақиқий пулларни кредит пулларга алмаштириш, нақдсиз тўловларни ривожлантириш ва тезлаштириш ҳамда нақд валюта айланмасини халқаро кредит операциялари билан алмаштириш орқали халқаро ҳисоб-китоблар муомаласидаги сарф-харажатлар иқтисод қилиш. Халқаро кредит асосида халқаро ҳисоб-китобларнинг кредит воситалари - векселлар, чеклар, шу жумладан, банк ўтказмалари, депозит сертификатлари ва бошқалар юзага келди. Ссуда капиталнинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги муомаласи вақтини тежаш орқали капиталнинг ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилиши даврини узайтиради ва шунинг асосида, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва фойданинг ўсишини таъминлашга хизмат қилади.

3. Капиталнинг жамланиши ва марказлашишини тезлаштириш. Хорижий кредитларни жалб қилиш тўғрисида қўшимча қийматни капиталга айланиш жараёни тезлашади, шахсий жамғармалар чегараси кенгайди, бир давлат тадбиркорларининг капиталлари бошқа давлатларнинг маблағлари қўшилиши оқибатида кўпаяди. Халқаро кредит аввалдан яқка корхоналарни акционерлик жамиятларига айланишига, янги фирмалар ва монополияларни пайдо бўлишига хизмат қилади.

Халқаро кредитнинг функцияларининг аҳамияти катта ва у миллий ва жаҳон ҳўжалиги ривожланишига қараб ўзгариб туради. Ҳозирги шароитда халқаро кредит иқтисодиётни тартибга солиш функциясини бажармоқда ва ўзи ҳам тартибга солиниш объекти бўлиб ҳисобланмоқда.

Халқаро кредит ўз функцияларини бажаришда иккиёқлама - ижобий ва салбий рол ўйнайди.

Халқаро кредитнинг иқтисодиётдаги ижобий ўрни - уни такрор ишлаб чиқаришни ривожланишини таъминлашда ва кенгайтиришда намоён бўлади. Халқаро кредит ташқи иқтисодий алоқаларни ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилади. Халқаро кредит ишлаб чиқаришни байналминал-лашувига ва айирбошлашувига, жаҳон бозорини ташкил

топишига ва ривожланишига, халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлашувига олиб келади.

Халқаро кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнини қуйидаги йўналишлар орқали тезлаштиради.

Биринчидан, кредит мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини рағбатлантиради, шу орқали бозорда конъюнктурани кўтарувчи талабни юзага келтиради. Ташқи савдо кредитда халқаро норма бўлиб ҳисобланмоқда. Айниқса узоқ давр мобайнида тайёрланадиган, истеъмол қилинадиган ва баҳоси баланд товарлар учун. Маҳсулотларнинг баҳосини ва жаҳон савдосида машина ва асбоб-ускуналарнинг улушини ошиши экспортёрларни ҳам, импортёрларни ҳам ташқи савдо кредитларига бўлган қизиқишларини орттирмоқда.

Ҳозирги замон шароитида кредитор-мамлакатдан экспорт етказиб берувчи “боғлиқлик” кредитининг салмоғи ошди. Кредитланаётган давлатнинг товарларини сотиб олиш учун қилинадиган харажат заёмнинг шarti бўлиб ҳисобланмоқда. Худди шу орқали халқаро кредит кредитор-мамлакат фирмаларининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, халқаро кредит чет эл хусусий инвестициялари учун қулай муҳит юзага келтиради, чунки одатда кредитор-мамлакат инвесторларига имтиёзлар бериш мажбуриятлари қўйилади; инфраструктурани ташкил этиш, шу жумладан, чет эл ва қўшма корхоналарни фаолият кўрсатиши, халқаро капиталга алоқаси бор миллий корхона ва банкларнинг позициясини кучайишига ёрдам беради.

Учинчидан, кредит - мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига хизмат қилувчи халқаро ҳисоб-китоб ва валюта операцияларини тўхтовсизлигини таъминлайди.

Тўртинчидан, кредит - мамлакат ташқи савдо операцияларини иқтисодий самарадорлигини оширади ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа турларини ривожланишига туртки бўлади.

Халқаро кредитнинг иқтисодиётдаги салбий ўрни - бозор иқтисодиётини ривожлантиришда унинг қарама-қаршилигини кучайишида намоён бўлади. Иқтисодиётда номутаносиблик чуқурлашади, кредит-товарларни қайта ишлашни

тезлаштиради, мамлакатлар ўртасида ссуда капиталларини қайта тақсимлайди ҳамда иқтисодий кўтарилиш ва даврий пасайиш давларида ишлаб чиқаришни жуда тезлаштиради. Халқаро кредит ижтимоий ишлаб чиқаришдаги номутаносибликни кучайтиради, бунинг оқибатида даромадли тармоқлар ривожланиши осонлашади, шу билан биргаликда чет эл капитали жалб қилинмаган тармоқларнинг ривожланиши секинлашади.

Кредит сиёсати кредитор мамлакатнинг жаҳон бозоридаги ўрнини кучайтиришга хизмат қилади.

Биринчидан, халқаро кредитни қарз сифатида олган мамлакатдаги даромадларни қарз берган мамлакатга олиб ўтишда фойдаланилади. Шу билан бирга ссудани қайтарувчи ҳар йилги фоиз тўловлари, жамиятнинг соф даромадини миқдорини кўпайтирувчи, ишлаб чиқаришни ўсишини таъминловчи жамғармаларнинг ташкил топиши, шу жамғармаларнинг ташкил топиш манбалари қарздор мамлакатларга салбий таъсир этади.

Иккинчидан, халқаро кредит қарз олувчи мамлакат томонидан кредитор мамлакатлар учун қулай иқтисодий ва сиёсий муҳит яратишни тақазо этади.

Этакчи мамлакатлар ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш учун банклар, ҳукуматлар, халқаро ва регионал валюта-кредит ва молия ташкилотлари орқали вақти-вақти билан уларга мос келмаган сиёсат юритаётган давлатларга нисбатан кредит дискриминациясини ва кредит блокадасини қўллашади.

Кредит дискриминацияси - бу кредит олишда, ундан фойдаланишда ёки халқаро кредитни тўлашда маълум бир қарз олувчиларга иқтисодий ва сиёсий босимни юзага келтирувчи оғир ва мураккаб шартларнинг қўйилишидир.

Кредит дискриминациясининг асосий методлари бўлиб, кредит бўйича чеклашлар, фоиз ставкасини, комиссия йиғимларни ошириш, қўйилмагандан кредитдан фойдаланишни тўхтатиш ёки кредит суммасини камайтириш ҳамда иқтисодий ва сиёсий характердаги чора-тадбирларни кўриш ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида халқаро кредитдан фойдаланишда унинг иккиёқлама роли намоён бўлади, бир томондан мамлакатларнинг ўзаро фойдали алоқаларини

ривожлантирса, бошқа томондан - рақобат кураши воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ишлаб чиқаришнинг ва айирбошлашнинг байналминаллашуви, жаҳон хўжалиги алоқаларини янги шакллари вужудга келиши халқаро кредит шакллари хилма-хиллигини ривожланишига объектив асос бўлиб хизмат қилади.

Халқаро кредит шакллари бир неча турга бўлиб гуруҳлаш мумкин:

1. Манбалари бўйича ташқи савдони ички, ташқи (чет) ва аралаш кредитлаш ва молиялаштириш бўйича фарқланади.

2. Ташқи иқтисодий битимнинг қарз маблағлари ҳисобидан қопланиши бўйича:

- тижорат кредити (асосан ташқи савдо ва хизматлар билан боғлиқ кредитлар);

- молиявий кредит (исталган бошқа мақсадларда фойдаланиладиган, шу жумладан, капитал қуйилмалар, инвестицион объектларни қуриш, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш, ташқи қарзни тўлаш, валюта интервенцияси мақсадларидаги кредитлар);

- “оралиқ” кредитлар (капиталлар, товар ва хизматларнинг чиқиб кетишининг аралаш шаклларига хизмат қилишга мўлжалланган).

Халқаро кредитни кўриниши бўйича 2 та асосий шаклга бўлиб кўрсатиш мумкин:

1. Халқаро банк кредити;

2. Халқаро тижорат кредити.

Халқаро банк кредити асосан валюта (пул) кўринишида бўлади.

Халқаро тижорат кредити эса, одатда товар кўринишига эга.

Ана шу 2 та асосий кредит шаклидан келиб чиқадиган бир қанча кредитлар мавжуд:

1. Фирма (тижорат) кредити - одатда экспортёр мамлакатнинг бир фирмаси бошқа мамлакатнинг импортёрига тўловни кечиктириш шаклидаги ссуда беришига тушунилади. Ташқи савдода тижорат кредити товарли операцияларга боғлиқ ҳисоб-китобларда кенг қўлланилади. Тижорат кредитининг муддати (одатда 2-7 йил) турлича

бўлади ва жаҳон бозори конъюнктураси шартларига, товарлар турларига ва бошқа бир қатор факторларга боғлиқдир. Машина ва асбоб-ускуналар (технология, жиҳозлар)нинг экспортини кенгайтиши халқаро кредит муддатини узайтишига олиб келди. Тижорат кредити одатда вексель ёки очиқ счётлар бўйича бериладиган кредитлар орқали расмийлаштирилади.

2. Векселли кредитда экспортёр товарни сотиш ҳақида битим тузиб, ўтказма вексел (тратта)ни импортёрга жўнатади, импортёр тижорат ҳужжатларини олиб акцептлайди, яъни унда кўрсатилган муддатда тўловни амалга оширишга розилик беради.

3. Очиқ счётлар бўйича кредит. Бу кредит экспортёр ва импортёр ўртасидаги келишувга асосланади. Экспортёр жўнатилган ҳар бир товарлар қийматини импортёрнинг ҳисобига қарз сифатида қайд қилиб боради. Импортёр шартномада кўрсатилган вақтда кредит суммасини тўлаб боради. Очиқ счётлар бўйича бериладиган кредитлар фақатгина доимий алоқада бўлган фирмалар ўртасидагина амалга оширилиши мумкин.

Тижорат кредитининг яна бир турига импортёрнинг аванс тўлови (сотиб олувчининг аванси)ни киритиш мумкин. Бунда шартнома тузилаётган пайтда импортёр томонидан чет эллик мол етказиб берувчига одатда машина, асбоб-ускуналар (технология)нинг қийматидан 10-15 фоизи олдиндан тўланади.

Харид аванси экспортни кредитлашнинг бир шакли бўлиб ҳисобланади ва шу вақтнинг ўзида импортёрнинг мажбуриятини таъминловчи воситадир. Чунки импортёр ўзи буюртма берган товарни сотиб олишга мажбур бўлади. Ривожланган мамлакатларнинг импорт билан шуғулланувчи фирмалари ривожланаётган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, харид авансидан шу давлатларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб чиқиб кетишда фойдаланмоқдалар.

Аванс тўлаган томоннинг айби билан шартнома бажарилмай қолса, сарф-харажатлар ундирилган ҳолда маблағ қайтарилади. Агар шартнома аванс олган томоннинг айби билан бажарилмай қолса, у сотиб олувчига барча харажатларни тўлаган ҳолда маблағни қайтариши шарт.

Аванс - шартномани бажарилишини воз кечиш мумкин бўлган битимга нисбатан рағбатлантиради. Воз кечиш мумкин бўлган битимда эса, зарар кўрган томоннинг харажатларини тўлаш мажбуриятларидан иккинчи томон озод бўлади. Баъзан харид - сотиб олувчининг аванси тўловни кечиктиришга ўзаро мослашади, бунинг устига тенг улушлар билан маълум интервалларга бўлинади (ой, чорак, йил).

Тижорат кредити сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги муносабатни намоён қилсада, у одатда банк кредити билан қўшилиб кетади. Машина ва асбоб-ускуналарни сотишда тижорат кредити узоқ муддатга берилади (7 йилга), бу эса, ўз навбатида, экспортёрнинг анчагина маблағини жалб қилинишига олиб келади. Шу сабабли, экспортёр банк кредитига мурожаат қилади.

Тижорат кредити ҳажми ва молиялаштириш шартлари бўйича машина ва асбоб-ускуналарни экспортини кредитлаш муаммосини тўлиқ еча олмаганлиги сабабли банк кредитларининг роли ошади.

Банк кредити - экспорт ва импортни кредитлашда ссуда шаклида намоён бўлади ва у товарлар, товар ҳужжатлари, векселларни, ҳамда траттани гаровга олган ҳолда берилади. Баъзан банклар ўзларига чамбарчас алоқада бўлган йирик экспортёр-фирмаларга бланкли кредит, яъни таъминланмаган кредитлар беришади.

Халқаро савдода банк кредитлари тижорат кредитларига нисбатан устунликка эга. Улар кредит олувчини олган маблағларидан товарлар сотиб олишга мустақил фойдаланиш имкониятини туғдирадилар, мол етказувчи фирмадан кредит сўрашдан озод этадилар ҳамда охириги товарларга ҳисоб-китобларни банк кредитидан фойдаланиб тўлайдилар. Хусусий банклар кўпинча давлат маблағларини ва унинг кафолатини олган ҳолда экспорт кредитларини 10-15 йилга бозор ставкасидан пастроқ ставкада берадилар. Лекин, банклар қоида бўйича, кредитдан ўз мамлакатлари ҳудудидагина фойдаланишни чегаралаб, унинг интилишини маълум мақсадли қилиб қўядилар, масалан, фақат ўзларини қизиқтирган фирманинг товарларини сотиб олишга йўналтирадилар. Шу орқали банк кредити фирма кредити хусусиятларини ўзида мужассам этади.

Экспорт кредити - экспортёр банкининг импортёр банкига етказиб берилган машина, асбоб-ускуна ва бошқа инвестиция қилинган товарларни кредитлашга айтилади. Банк кредитлари пул кўринишида берилади ва «боғлиқ»лик характериға эға, чунки кредит олувчи ссудадан фақатгина кредитор мамлакат товарларини сотиб олишиғагина берилади.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб экспортни кредитлашнинг шакли сифатида харид кредити (5-8 ва ундан ортиқроқ йил муддатга) юзага келди.

Харид кредитининг ўзига хос хусусияти бўлиб, экспортёр банкнинг тўғридан тўғри миллий экспортёрни кредитламасдан, балки чет эллик харидорни, яъни, импортёр мамлакат фирмаси ва унинг банкни кредитлаш ҳисобланади. Шу орқали импортёр керакли товарларни етказган мол етказиб берувчилар тўловни харидорға ёки банкка қарз сифатида қайд қилади. Одатда, бундай кредитлар маълум бир фирманинг товарлари ва хизматларидан фойдаланишда қўлланилади. Бундай кредитлаш шартномасида экспортёр иштирок этмайди, бу эса ўз навбатида кредитнинг баҳосини ошириш имкониятини йўқотади. Банк кредитининг харидорға бўлган нархи, қоида бўйича ссуда капиталлари бозоридаги заём маблағлари нархидан анча паст бўлади, бу эса, ўз навбатида, уларнинг рақобатбардошлигини оширади.

26.7. Ўзбекистон Республикасида валюта муносабатларини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солиш тизимини ташкил топиши 1991 йилдан, яъни «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилиниши билан бошланди.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида валютани тартибга солиш соҳасидаги асосий вазифалар бўлиб, миллий валюта – «сўм»ни муомалаға киритиш ва унинг

барқарорлигини таъминлаш, республикага валюта ресурсларини ўз вақтида тушиши ва ундан самарали фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, валюта муносабатлари соҳасида қонуний ва меъёрий базани такомиллаштиришга йўналтирилган босқичма-босқич чоратадбирларни амалга ошириш ҳисобланди.

1993 йилнинг май ойида «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганидан сўнг, Марказий банк томонидан Молия вазирлиги ва валюта назоратининг бошқа органлари билан ҳамкорликда валютани тартибга солиш масалалари юзасидан меъёрий ҳужжатлар базаси деярли тўлиқ қайтадан яратилди.

Валютани тартибга солиш ва валюта назорати масалалари юзасидан меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриш бевосита амалга оширилаётган валюта сиёсатига мувофиқ ҳолда ўтказилди. Бунда асосий мақсад бўлиб қуйидагилар ҳисобланди:

- миллий валютанинг барқарорлигини етарли даражада таъминлаш учун зарур бўлган валюта захираларини шакллантириш;

- ички валюта бозорини ривожлантириш ва сўмнинг ички конвертирланишини таъминлаш учун замин яратиш;

- мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- валюта назоратининг самарали тизимини вужудга келтириш.

Бунда, хорижий давлатларнинг тажрибаси таҳлил этилди ва умумлаштирилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси шароитида қўллаш имкониятлари ўрганилди.

Ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар доираси қуйидагиларни қамраб олди: резидент ва норезидент бўлган – юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги ҳисобрақамларини очиш ва юритиш тартиби; экспорт-импорт ва бошқа валюта операцияларини амалга ошириш қоидалари; юридик ва жисмоний шахслар томонидан хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби; ички валюта бозорини фаолият кўрсатиш механизми; хорижий валюта билан касса

операцияларини юритиш қоидалари; республика ҳудудида хориж капитали иштирокидаги банклар ва чет эл банкларининг ваколатхоналарини очиш, рўйхатга олиш ва аккредитациялаш тартиби; тижорат банкларига хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар бериш тартиби ва бошқа кўплаб шу каби масалалар.

Ваколатли банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг кредиторлари ва омонатчиларининг қизиқишларини ҳимоя қилиш мақсадида Марказий банк томонидан хорижий валютадаги операциялар бўйича иқтисодий меъёрлар ва халқаро стандартларга мувофиқ, ҳисобот шакллари киритилди. Шу жумладан, ваколатли банкларнинг валюта рискларини пасайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йилнинг 28 мартда 392-сон билан қабул қилинган «Очиқ валюта позициясини юритилиши қоидалари» ишлаб чиқилди. Мазкур йўриқнома 2005 йилнинг 31 августида янги таҳрирда тасдиқланди.

Валюта бозорини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитлар яратиш мақсадида Марказий банк Молия вазирлиги билан ҳамкорликда 1994 йилнинг март ойида «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка корхона, ташкилот ва муассасаларнинг хорижий валютадаги тушумларининг муайян қисмини мажбурий сотиш Тартиби»ни тасдиқлади. Бунга мувофиқ, хорижий валютадаги тушумнинг 15 фоизини солиққа тортиш билан бирга, 15 фоизини Марказий банкка сўмдаги эквивалентга айирбошлаш шарти билан мажбурий сотиш белгиланди.

Бу тартиб аввалроқ амалда бўлган тизимга нисбатан бир қатор имтиёзларга эга эди, яъни олдинги тартибга нисбатан корхоналар томонидан ўз маҳсулотларини экспорт қилишларига қизиқишларини кучайтирди ва Марказий банкнинг валюта фондини шаклланишига шароит яратди. Бекор бўлган тартиб бўйича валюта тушумининг 35 фоизи Республика валюта фондига ва ҳокимиятларнинг маҳаллий валюта фондларига қоплашсиз солиқ сифатида ундирилди.

Бу йўлдаги кейинги қадам бўлиб, хорижий валюта тушумига солиқ солишни бекор қилиш ва Марказий банкка

валюта тушумининг 30 фоизини мажбурий сотишни киритилиши ҳисобланди. 1995 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, республиканинг расмий олтин-валюта захираларини сақлаш ва бошқариш Марказий банкнинг функцияларидан бири саналади.

1997 йилнинг январидан бошлаб, марказлашмаган экспортдан тушган валюта тушумининг муайян қисмини бевосита корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатаётган ваколатли банкларга мажбурий сотиш амалга оширилмоқда (ҳозирги вақтда марказлашмаган экспортдан мажбурий сотиш 50 фоиз миқдоридан белгиланган).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги «Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 1995 йил 11 апрелдаги «Экспорт-импорт операцияларини тартиблаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларини бажариш юзасидан Марказий банк Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда республика хўжалик юритувчи субъектларининг хорижий ҳамкорларидан валюта тушумини тўлиқ тушишини таъминлашга йўналтирилган экспорт шартномаларини ҳисобга олиш тизими ишлаб чиқилди ва доимий равишда такомиллаштирилмоқда⁶⁹.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларида хўжалик юритувчи субъектлар ва ваколатли банклар томонидан экспорт-импорт операцияларида валюта тушуми ва товарларни республика ҳудудига келишини кафолатлайдиган халқаро ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш кўзда тутилган. Экспорт-импорт операциялари назорати тўғрисидаги Низом тасдиқланди, солиқ органлари, божхона хизмати ва ваколатли банклар муассасалари ўзаро ҳамкорликда валюта назоратини амалга ошириш масалалари юзасидан тартиб ишлаб чиқишди.

«Валютани тартибга солиш тўғрисида» ва «Ташқи қарздорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ, Марказий банк томонидан капиталнинг

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари (1995-1999). – Тошкент: Адолат, 2000. 12-б.

ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларини рўйхатга олиш, юридик ва жисмоний шахсларга хорижда ҳисобрақамлар очишга рухсат бериш тартиби тўғрисидаги низом ҳам ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 октябрдаги 499-сонли «Ўзбекистон Республикасида валюта бозорини ривожлантиришга қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 1994 йил 15 октябрдан бошлаб, республика ҳудудида, шу жумладан, хорижий фуқароларга эркин айирбошланадиган валютада савдо қилиш ва хизмат кўрсатиш қатъиян ман этилиши миллий валютамининг тўлов воситаси сифатидаги ролини ошишига олиб келди. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий шахс - резидент ва норезидент ўртасидаги барча тўловлар ва ҳисоб-китоблар фақат миллий валюта - сўмда амалга оширила бошланди.

Шу билан бирга, Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида норезидентларнинг ҳисобрақамларини ваколатли банклар томонидан юритилиши ва ундан экспорт-импорт операциялари бўйича ҳисоб-китобларда фойдаланиш тартиби ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 октябрдаги “Республикада нақд хорижий валюта муомаласини тартибга солиш чоралари тўғрисида”ги ва 1998 йил 20 мартдаги “Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонларини чиқишидан сўнг, республикада нақд чет эл валютасининг муомаласини тартибга солиш, жисмоний шахслар томонидан нақд валюталарни чегарадан олиб кириш ва олиб чиқиш тартибини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинди⁷⁰.

Республика ҳудудидан ташқарига нақд хорижий валюталарни олиб чиқиб кетиш жисмоний шахслар – резидентларга 1500 АҚШ доллари эквиваленти чегарасида

⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари (1995–1999). – Тошкент: Адолат, 2000. 12-б.

белгиланди⁷¹. Бундан олдинги амал қилган қонунчилик ҳужжатларида бу миқдор 500 АҚШ долларини ташкил этган эди.

Шу билан бирга, аввалги қонунчиликдан фарқли ўлароқ, яъни Марказий банк ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкдан ташқари, нақд хорижий валютани олиб чиқиб кетишнинг чегара миқдоридан ортиғини олиб ўтишга рухсат бериш ҳуқуқи хорижий валюта билан операциялар амалга ошириш ҳуқуқини берувчи бош лицензияга эга бўлган барча ваколатли банкларга берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 сентябрдаги «Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги жамғармаларини рағбатлантириш юзасидан чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ваколатли банкларга фуқароларнинг валюта маблағларини жалб қилиш мақсадида мижозларга жамғармаларни сақлаш ва қайтариш юзасидан кафолатлар, жамғарма бўйича ўсиб боровчи (прогрессив) шкаладаги фоиз ставкаларини киритиш, жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги операциялари юзасидан банк сирига қатъий риоя этишни жорий этиш тавсия этилди⁷². Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Марказий банкнинг махсус рухсатномасига эга бўлган бошқа ваколатли банкларга жисмоний шахсларга талаб қилиб олингунча валюта ҳисобрақами очиш ҳуқуқи берилди. Ушбу Фармонга мувофиқ, ваколатли банклар томонидан жисмоний шахсларнинг маблағларини хорижий валютадаги ҳисобрақамларга ва омонатларга жалб қилишни рағбатлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ички валюта бозорини янада ривожланишига Президентнинг 1995 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини ички конвертирланишини янада кенгайтириш юзасидан чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони туртки бўлди. Унга мувофиқ, республикада сўмдаги маблағларни эркин айирбошладиган валютага конвертациялашнинг амалий тизими киритилди.

⁷¹ 2003 йил 1 августдан бу чегара 2000 АҚШ долларигача бўлган миқдорга оширилди.

⁷² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари (1995-1999). –Тошкент: Адолат, 2000. 227-б.

Валюта ресурсларидан фойдаланиш, биринчи навбатда, халқ истеъмоли моллари ва экспорт учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан машғул бўлган, республика иқтисодиётининг базавий ҳамда етакчи тармоқларида устувор лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган (шу жумладан, чет эл капитали иштирокидаги) корхоналарга, хорижий инвесторлар фойдасининг муайян қисми ва дивидендлар - сўмларни эркин айирбошланадиган валютага имтиёзли равишда конвертациялаш таъминланди.

1996 йилда эркин айирбошланадиган валютадаги инвестицион лойиҳаларни кредитлаш масалаларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни чоп этилиши, ва сўнгра ваколатли банклар томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини хорижий валютада микрокредитлаш тартибини қабул қилинишидан кейин корхоналар ва хусусий тадбиркорлар экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида қўшимча валюта ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 13 мартдаги 95- сонли «Ташқи савдо операцияларини амалга оширишда хорижий валютадаги маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1996 йил 19 ноябрдаги 405- сонли «Халқ истеъмоли молларини импорт қилишда марказлашган валюта ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, жаҳон бозори талабига жавоб бермайдиган сифатсиз ва норақобатбардош маҳсулотлардан ички бозорни ҳимоя қилиш, маҳсулотлар импортининг сифатини ошириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилди. «Валютани тартибга солиш шартлари, шу жумладан, конвертация тартиб-қоидаси айти шундай молларнинг кўплаб келтирилишига тўсқинлик қилди»⁷³.

1997 йилдан бошлаб, республикада биржадан ташқари валюта бозорини ривожланиши ва барқарор фаолият юритиши юзасидан давомли зарурий чора-тадбирлар амалга

⁷³ Янгаев К.К. ва бошқ. Мустақилликни мустаҳкамлаш омили ёки валюта ва кредитлар нималарга йўналтирилмоқда? // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 1997. – №6. 7-б.

оширилмоқда. Бунда сўм маблағларни эркин айирбошланадиган валютага конвертациялаш бевосита ваколатли банклар томонидан амалга оширилмоқда. Биржадан ташқари валюта бозорида операциялар амалга оширишнинг манбалари бўлиб марказлаштирилмаган экспортдан тушган валюта тушумининг муайян қисмидан мажбурий сотув, ваколатли банкларнинг ўз маблағлари, шунингдек, мижозларнинг депозитлари ва бошқа жалб қилинган валюта маблағлари ҳисобланади.

Ички валюта бозорини вужудга келтириш ва уни ривожлантириш бўйича амалга оширилган амалий ишлар валюта сиёсатида кескин ўзгаришларни амалга оширишга замин яратди. 1993 йилда Ўзбекистон ҳудудидаги ҳисоб-китоб рубллариининг айирбошлаш курси Марказий банк томонидан Москва банклараро валюта биржаси савдолари натижасида Россия банки томонидан ўрнатилган курсга мувофиқ аниқланар эди (ўша вақтдаги Россия Федерацияси билан тузилган келишувга мувофиқ). Валюта бозорини ривожлантириш ва олтин-валюта захираларини шакллантириш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар 1994 йил 15 апрелдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида узлуксиз савдоларни амалга оширилиб турилишига олиб келди. Бунда савдо натижаларига мувофиқ, аввал сўм-купонлар, сўнгра сўмларнинг хорижий валюталарга нисбатан курси эълон қилиниб турилди.

Ҳозирги даврда миллий валюта бозорини эркинлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 263-сонли “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли “Биржадан ташқари валюта бозори фаолият кўрсатишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларининг талаблари доирасида амалга оширилмоқда.

Шундан сўнг, ишлаб чиқилган босқичма-босқич чора-тадбирлар мажмуи доирасида аввал фақатгина Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида сўм маблағларни хорижий валютага конвертирлашнинг сезиларли қисми биржадан ташқари валюта бозорига ҳам кўчирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 28 апрелдаги 171-сонли “Валюта ва экспорт-импорт операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисобот тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, апрелнинг охирига келиб амалда бўлган турли валюта операцияларини амалга оширишда қўлланилган расмий курс, биржа курси ва биржадан ташқари айирбошлаш курслари унификациялаштирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли “Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2000 йил 30 июндаги 250-сонли “Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ, ваколатли банкларга 2000 йил 1 июлдан биржадан ташқари валюта бозоридаги савдода хорижий валюталарни харид қилиш ва сотиш курсларини мустақил тарзда аниқлаш ҳуқуқи берилди. Марказий банк лицензияси эгалари – импортёрларга валюталарни сотиш, экспортёрларнинг бўш валюта маблағларини сотиб олиш ва айирбошлаш шохобчалари орқали нақд хорижий валюталар билан операциялар талаб ва таклиф асосида ўрнатилаётган курс бўйича амалга оширила бошланди⁷⁴.

Таъкидлаш лозимки, 2000 йил 26 майда Ўзбекистон Республикаси «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги (янги таҳрирда) Қонунининг қабул қилиниши билан Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида хўжалик юритувчи субъектларни ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатга олиш бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги (2003 йил 11 декабрь) “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валютавий назоратни амалга оширувчи органлар ҳисобланади. Лекин Қонунда ҳар бир валютавий назорат органининг ўз ваколати доирасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – №6, 2000. 34-б.

аниқ кўрсатилмаган. Шу сабабли, валютавий назоратни амалга оширишда такрорланишлар, айрим назорат органларининг ваколати доирасидаги вазифаларни бошқа субъектларнинг зиммасига юклаш ҳоллари юз бермоқдаки, бунинг оқибатида валютавий назоратнинг самарадорлиги пасаймоқда. Бу борадаги ана шундай долзарб муаммолардан бири экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш, улар бўйича тўловларнинг ҳисобини юритилишини мамлакатимизнинг тижорат банкларининг зиммасига юклатилганлиги ҳисобланади. Ҳолбуки, тижорат банкларида ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш функцияси мавжуд эмас.

Умуман олганда, бозор иқтисодиёти тамойилларининг босқичма-босқич қарор топиб боришига монанд тарзда республикамызда валютани тартибга солишнинг бозор инструментлари ривожланади ва бу, ўз навбатида, мамлакатимиз валютани тартибга солиш тизимининг такомиллашишига хизмат қилади.

Баҳс-мунозара ёки назорат учун саволлар

- Халқаро молия нималар билан боғлиқ муносабатларни ўрганади?
- Жаҳон иқтисодий ва молиявий муҳитининг шаклланишига таъсир этган сезиларли ўзгаришлар сифатида нималарни кўрсатиш мумкин?
- XXI аср бўсағасида жаҳон иқтисодиётида қандай асосий таркибий тенденциялар кузатилди?
- ХТТБнинг Келишувлар моддасининг 1-моддасига мувофиқ унинг мақсадлари сирасига нималар киради?
- ХВФ Келишувлар моддаларининг биринчи моддасига мувофиқ, унинг мақсадлари нималардан иборат?
- ХВФнинг кредитлаш дастурларини қандай категорияларга ажратиш мумкин?
- Валюта курси инфляцияни ҳисобга олишига кўра қандай алмашув курсларига бўлинади?
- Миллий валюта курсининг қандай асосий режимлари мавжуд?
- Валюта бозори нима?

- Валюта бозорларини қандай белгиларга мувофиқ таснифлаш мумкин?
- Биржадан ташқари валюта бозорида қандай операциялар амалга оширилади?
- Тўлов баланси нима ва уни тартибга солиш йўллари нималардан иборат?
- Иқтисодий адабиётларда тўлов баланси моддаларининг қандай асосий аналитик гуруҳлари ажратиб кўрсатилади?
- Тўлов балансининг давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги қандай сабаблар билан изоҳланади?
- Тўлов балансида дефицит мавжуд бўлган давлатлар томонидан, экспортни рағбатлантириш, импорт қилинаётган товарларни камайтиришга, хорижий капитални жалб қилишга, капитални олиб чиқиб кетишни чегаралашга қаратилган қандай тадбирлар қўлланилади?
- “Халқаро ҳисоб-китоблар” тушунчаси ўз ичига нималарни қамраб олади?
- Халқаро ҳисоб-китобларнинг самарадорлигига қандай омиллар таъсир қилади?
- Ташқи савдо шартномаларида валюта-молиявий ва тўлов шартлари сирасига нималар киради?
- Товарлар баҳосини шартномада белгилашнинг қандай асосий усуллари мавжуд?
- Халқаро ҳисоб-китоблар қандай гуруҳларга бўлинади?
- Ҳужжатлаштирилмайдиган тўловларга нималар киради?
- Ҳужжатлаштирилмайдиган тўловлар нималардан иборат?
- Банк ўтказмаси нима ва уни амалга ошириш тартиби қандай?
- Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар қандай амалга оширилади?
- Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли нима ва у қандай амалга оширилади?
- Аккредитивнинг қандай кўринишлари мавжуд ва уни қандай таснифлаш мақсадга мувофиқ саналади?
- Халқаро кредит нима ва у халқаро кредит муносабатларини ташкил қилишнинг қандай тамойилларга асосланади?

- Халқаро кредит қандай функцияларни бажаради?
- Халқаро кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнини қандай йўналишлар орқали тезлаштиради?
 - Халқаро кредит шакллари қандай турларга бўлиб гуруҳлаш мумкин?
 - Халқаро кредитни кўриниши бўйича қандай асосий шаклларга бўлиб кўрсатиш мумкин?
 - Ўзбекистон Республикасида валюта муносабатларини тартибга солишнинг қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?

Молияга оид атама ва ибораларнинг изоҳли луғати

А

Актуар ҳисоб-китоблар (суғуртада) - тариф ставкаларини ҳисоб-китоб қилишнинг иқтисодий-математик методлари мажмуи. Суғурта фондини вужудга келтиришда (яратишда) ҳар бир суғурталанувчининг (суғурта қилувчининг) иштирок этиш салмоғини аниқлаб беради, яъни тузилган суғурта шартномасига мувофиқ тариф ставкаларининг ўлчамини аниқлайди.

Акционерлик жамияти – ҳўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири. Унинг капитали акцияларни жойлаштириш орқали шаклланади. Акционерлик жамиятлари пул жамғармаларининг ишлаб чиқариш инвестицияларига айланишига имкон беради. Акцияларни чиқариш капитални мобилизация (жалб) қилишнинг энг самарали шаклларида биридир. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бу корхоналар фаолият кўрсатишининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланади.

Акция – акционерлик жамиятининг капиталига улушнинг киритилганлиги хусусида маълумот ва унинг эгасига дивиденд кўринишидаги даромадни олиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоз.

Акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар курси – акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг фонд биржасидаги баҳоси. Курс дивиденд, фоиз миқдорига тўғри ва ссуда фоизининг даражасига тескари пропорционал боғлиқликда бўлади.

Амортизация фонди – маҳсулотнинг таннархи таркибига киритиладиган амортизация ажратмалари ҳисобидан корхонада яратиладиган (вужудга келтириладиган, шакллантириладиган) пул маблағлари фонди.

Айланма касса маблағи меъёри - молия йилида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий

бюджетлар ҳисобварақларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган энг кам миқдори.

Акцизлар – кенг истеъмол товарлари ва хизматларидан олинадиган эгри (билвосита) солиқларнинг турларидан бири. Тегишли маҳсулотнинг баҳоси, хизматнинг ҳақи ёки тарифнинг таркибига киритилади. Одатда юқори рентабелли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг юқори фойдасини бюджетга олиш учун сотилаётган маҳсулотларнинг сотиш баҳосига давлат томонидан ўрнатилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган акциз тўланадиган маҳсулотларга акциз солиғи солинади. Акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқараётган ёки бундай маҳсулотларни импорт қилаётган юридик ва жисмоний шахслар бюджетга акциз солиғини тўлайди. Акциз тўланадиган товарлар рўйхати ва акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Бундай товарлар жумласига ичимлик спирти, ароқ, ликёр-ароқ маҳсулотлари, узум виноси, конъяк, шампан виноси, пиво, икра, тамаки маҳсулотлари енгил ва юк автомобиллари, зеби-зийнат буюмлари, нефть ва нефть маҳсулотлари ҳамда шу кабилар киради. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар учун уларнинг қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолдаги (акциз солиғи суммасини ўз ичига олган) қиймати ёки маҳсулотнинг табиий ҳажми солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Акцизости маҳсулотлар – уларга нисбатан акцизлар ўрнатилган (белгиланган) маҳсулотлар. (Қаранг: **Акцизлар**).

Адвалор солиқ - маҳсулот қийматига нисбатан қатъий фоиз ставкасида ўрнатилган тўлов. Инфляция шароитида ўзининг функцияларини автоматик равишда сақлаб қолади. Бу солиқнинг таркибига савдо солиқлари, импортга нисбатан кўпгина божлар ва бошқалар киритилиши мумкин. Маҳсулотларни (жумладан, импорт маҳсулотларини ҳам), жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкларини солиққа тортишда қўлланилади.

Асосий фондларни реализация қилишдан олинган фойда – ҳукумат томонидан белгиланган тартибда

ҳисобланган, инфляция индексига оширилган (кўпайтирилган) асосий фондларнинг сотиш баҳоси ва уларнинг дастлабки ёки қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ.

Аудиторлик назорати - аудиторлик фаолиятини амалга ошириш борасида лицензияга эга бўлган аудиторлик фирмаси томонида ўтказиладиган мустақил ноидоравий молиявий назорат. Асосий вазифаси бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги ва ишончлиги ҳамда молиявий қонунчиликка қай даражада риоя қилинганлигини аниқлаш (ўрнатиш)дир. Банклар, суғурта ташкилотлари, биржалар, нобюджет ва хайрия фондлари, очик типдаги акционерлик жамиятлари, хорижий капитал иштирокидаги корхоналар, шунингдек, прокуратура ва давлат назорат органларининг топшириғига биноан ҳар қандай корхона ва ташкилотлар мажбурий равишда аудиторлик назоратидан ўтказилиши керак. Аудиторлик фирмалари бухгалтерия ҳисоботи ва солиқ ҳисоб-китоблари, ҳисоб ишларини юритиш, лойиҳаларни молиявий экспертиза қилиш ва ҳ.к.лар бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатиши мумкин. Уларнинг бу хизматлари тегишли тўлов (ҳақ) асосида амалга оширилади.

Аҳолига трансфертлар – аҳолига тўланадиган мажбурий тўланмаларни (мамлакат қонунчилигига мувофиқ равишда ўрнатилган пенсиялар, стипендиялар, нафақалар, компенсацион ва бошқа ижтимоий тўловларни) молиялаштириш учун мўлжалланган бюджет маблағлари.

Б

Баланс фойда – маҳсулот таннархига киритиладиган барча харажатлар ва чиқимлар ҳамда мажбурий тўловлар чегирилганидан сўнгги корхона ялпи даромадининг қисми. Баланс фойда солиққа тортилгунга қадар бўлган ялпи фойдадир.

Бюджетнома - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирли-гининг бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқадиган ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олувчи лойиҳавий

ҳужжат: 1) мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий яқунлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жорий йилги яқунларининг прогноз (башоратли) баҳоси; 2) ўтган йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва жорий йилги Давлат бюджетининг кутилаётган ижроси баҳоси; 3) келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тузишда асос бўлган келгуси йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар; 4) мамлакат бюджет ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишлари лойиҳаси; 5) мамлакат бюджет ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишларига шарҳлар; 6) давлат ташқи ва ички қарзлари ҳамда улар бўйича харажатлар ҳолати тўғрисидаги маълумотлар; 7) келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги юқоридагиларни ўз ичига олувчи бюджетнома лойиҳасини ҳар йилнинг биринчи октябрига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши лозим. Шунингдек, бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан жорий йилнинг биринчи ноябридан кечиктирилмасдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилиши керак.

Бюджет жараёни – Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш бўйича қонунчилик билан регламентация қилинган ҳокимият органларининг фаолияти. Ягоналик, мустақиллик ва баланс методи бюджет жараёнининг принципларидир.

Бюджет дотацияси - ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет дефицити - муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси.

Бюджетдан маблағ ажратиш – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Давлат бюджетидан бюджет

ташкilotларига ҳамда бошқа бюджет маблағлари олувчиларга ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет профицити – муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси.

Бюджет росписи (рўйхат-ёзуви) – бюджет классификациясининг бўлинмалари бўйича даромадлар ва харажатлар тақсимланишининг асосий оператив режаси. Унда йил давомида солиқлар ва бошқа тўловларнинг бюджетга келиб тушиш ва бюджет маблағларининг сарфланиш муддатлари ўз аксини топади.

Бюджетий режалаштириш – турли даражалардаги бюджетлар ва нобюджет фондларни тузиш ва ижро этиш жараёнида мамлакатнинг умуммиллий социал-иқтисодий ривожланиш дастури (га) асосида (мувофиқ равишда) молия тизимининг бўғинлари ўртасида ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад қийматининг марказлаштирилган тарзда тақсимланиши ва қайта тақсимланиши.

Бюджетий тартибга солиш - ҳудудларнинг социал ва иқтисодий ривожланишига йўналтириладиган ва ҳудудий бюджетларни минимал зарурий даражадаги даромадлар билан таъминлаш мақсадида маблағларни қайта тақсимлаш.

Бюджет ссудаси – юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент-юридик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағ.

Бюджет субвенцияси – қонун ҳужжатларида назарта тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет сўрови – бюджет таснифи бўйича тушумларни шакллантириш ва бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисидаги сўров. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига: 1) тегишли ҳудудлар ва давлат мақсадли фондлари бюджетлари лойиҳаларини тайёрлаш учун – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига, давлат мақсадли фондларини

тақсимловчи органларга; 2) бюджетдан ажратилмайдиган маблағларни олишга буюртмалар тузиш учун - республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчиларга бюджет сўровини юборади.

Бюджет классификацияси (таснифи) – Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек унинг дефицитини молиялаштириш манбаларини гуруҳлаш. Унда тасниф объектларига гуруҳлаштирувчи кодлар берилади. Барча даражадаги бюджет кўрсаткичларининг қиёсланишини таъминлайди. Бюджет таснифи бюджет даромадлари таснифини, бюджет харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий таснифини, Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифини ўз ичига олади. Бюджет даромадлари таснифи қонун ҳужжатларига мувофиқ даромадларни турлар ва манбалар бўйича гуруҳларга бўлишдан иборатдир. Бюджет харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифи давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий вазифалар бўйича харажатларни гуруҳларга бўлишдан иборат бўлади. Бюджет харажатларининг ташкилий таснифи эса бюджетдан ажратилмайдиган маблағлар уларни бевосита олувчилар ўртасида тақсимланишини акс эттирувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбирлар турлари бўйича харажатларни гуруҳларга бўлишдан иборатдир. Бюджет харажатларининг иқтисодий таснифи тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича харажатларни гуруҳлашни ўз ичига олади. Давлат бюджети дефицитини молиялаштириш манбалари таснифи дефицитни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳларга бўлишдан иборат бўлади. Бюджет таснифи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Бюджет ташкилоти - зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш кўзда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий

манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти.

Бюджетдан ташқари (нобюджет) фондлар – а) ижтимоий: ижтимоий суғурта фонди; пенсия фонди; бандлик фонди; мажбурий тиббиёт суғуртаси фонди, б) ноижтимоий: йўл фонди; экология ва бошқа мақсадли фондлардан иборат бўлиб, уларнинг барчаси бюджет тизимида консолидацияланади.

Бюджет тузилмаси – бюджет тизими тузилишини ташкил этиш ва принципларини, унинг таркибий тузилмасини, улар алоҳида бўғинлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ифодалайди. Давлат тузилиши билан аниқланади. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилмаси а) Давлат бюджети; б) республика бюджети ҳамда в) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади. Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли фондлари жамланади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда республикага (Қорақалпоғистонга) бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини, вилоятнинг бюджети вилоят бюджетини ва вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини, туманларга бўлинадиган шаҳарнинг бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетини, туманга бўйсунувчи шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджетини ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Бюджет тизими – турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва уларни тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ифодалайди. Мамлакатнинг бутун ҳудудида амал қиладиган, иқтисодий муносабатлар ва юридик нормаларга асосланган барча бюджетларнинг мажмуи. Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Бюджет тизимининг асосий принциплари - бюджет таснифи тизими, ҳисобга олиш-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги; бюджет

тузилишининг маъмурий-ҳудудий тузилишга мувофиқлиги; турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги; Давлат бюджетининг баланслилиги; давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлар (моддалао) бўйича режалаштириш; Давлат бюджети харажатларини тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида сарфлаш; барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллигидан иборат.

Бюджет тизимини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари – Давлат бюджети лойиҳаси ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этиш, Давлат бюджетининг ижросини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва давлат бошқаруви бошқа органларининг Давлат бюджетини ижро этиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, давлат мақсадли фондлари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш, Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси тасдиғига киритиш, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлардан иборат.

Бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ваколатлари - давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш (шакллантириш), Давлат бюджети ва унинг тузилмасига кирувчи бюджет маблағлари тушуми ва сарфининг тартибини белгилаш ҳамда назоратини амалга ошириш, республика бюджети харажатларини амалга ошириш, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказиш, бюджет маблағлари олувчиларнинг Давлат бюджети маблағларидан фойдаланишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида умуммажбурий тусдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ўз ичига олади.

Бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти

органларининг ваколатлари – а) Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари: белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни қабул қилиш, шунингдек уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш, қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар миқдорини ҳамда улар бўйича имтиёзларни белгилаш, қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда бошқа ваколатларни амалга ошириш; б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимликлар: Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари қабул қилиши учун тақдим этиш ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш, бюджетга тушумлар тўлиқ ва ўз вақтида тушиши ҳамда бюджет маблағларидан белгиланган мақсадларда фойдаланилиши устидан назоратни ташкил этиш, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа бошқа ваколатлардан иборат.

Бюджет трансферти – бюджетдан юридик ва жисмоний шахсга бевосита ёхуд ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтарилмайдиган пул маблағлари.

Бюджетларга (Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларга) **чекловлар** - қуйидагилардан иборат: 1) Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларнинг дефицитли бўлишига йўл қўйилмайди; 2) Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни тасдиқлаш ва ижро этишда: а) қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган манбалар ҳисобидан фондлар ташкил этишга; б) маблағ жалб қилишни амалга оширишга (юқори бюджетлардан бюджет ссудалари олиш бундан мустасно); в) ўз бюджетлари харажатларига тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган ортиқча маблағ сарфлашга (қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно); г) бюджет маблағлари ҳисобидан бошқа шахслар фойдасига молиявий кафолатлар ка кафилликлар беришга; д) юридик ва жисмоний шахсларга бюджет ссудалари беришга йўл қўйилмайди.

Бюджетлараро муносабатлар - давлат ҳокимият органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасида муносабатлар.

Бюджет ҳуқуқи - мамлакат бюджет тузилишининг (қурилишининг) асосларини, мамлакатнинг бюджет тизимиغا кирувчи бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш (муҳокама қилиш), тасдиқлаш ва ижро этиш тартибини аниқловчи юридик меъёрлар мажмуи.

Биржа солиғи - биржа обороти (айланмаси)дан олинадиган солиқ. Пропорционал ставкалар бўйича олиниб, унинг даражаси битимлар суммасига нисбатан 1%дан 2,5% гача тебранади. Унинг солиққа тортиш объекти бўлиб, фонд биржасидаги қимматбаҳо қоғозлар обороти (айланмаси) ҳисобланади. Солиққа тортишда асос сифатида қимматбаҳо қоғозлар бўйича битимларнинг имзоланиши майдонга чиқади. Солиқнинг икки хил кўриниши бўлиши мумкин: а) биржа обороти (айланмаси)дан олинадиган республика солиғи. Унинг солиққа тортиш объекти – фонд биржасидаги қимматбаҳо қоғозлар обороти (айланмаси)нинг ҳажми. Солиқ республика бюджетига бориб тушади; б) биржа маҳаллий солиғи. Бу биржада содир бўладиган қимматбаҳо қоғозлар битими бўйича йиғимдан иборатдир.

Бириктирилган даромадлар – ўзларининг тегишли бюджетга бириктирилганлигига қараб тўлиқ ёки қатъий белгиланган ҳиссада (фоизда) доимий равишда ёки маълум бир муддат давомида у ёки бу бюджетга тушувчи даромадлар (солиқлар).

Боқиманда – белгиланган муддатда бюджетга ўтказилмаган ва сўзсиз ундирилиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг суммаси.

Божхона божлари - маълум бир мамлакатнинг ҳудудига маҳсулотларни киритиш, ундан чиқариш ва олиб ўтишда ундириладиган истеъмол солиқларидан бири. Уларнинг асосий мақсади даромад олиш бўлмасдан, балки ички бозорни, миллий саноатни ва қишлоқ хўжалигини ҳимоя қилишдир. Давлат иқтисодий (молия-солиқ) сиёсатининг инструменти сифатида майдонга чиқади. Импорт қилинадиган маҳсулотларнинг баҳоси билан ички бозордаги худди шунга ўхшаш маҳсулотларнинг баҳосини тенглаштириши лозим.

Одатда, маҳсулотлар баҳосидан олинади. Бунинг учун, айрим ҳолларда, махсус меъзонлар (масалан, оғирлик, майдон) ҳам қўлланилиши мумкин.

Божхона божларининг ставкалари – ҳукумат томонидан ўрнатилиб, ягона ҳисобланади ва чегарадан маҳсулотларни олиб ўтувчи шахсларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгармасдир. Ташқи иқтисодий фаолиятни оператив равишда тартибга солишнинг инструменти бўлиб хизмат қилади. Уларнинг қуйидаги турлари бўлиши мумкин: а) адвалор ставкалар (бож ундириладиган маҳсулотларнинг бож қийматига нисбатан фоизда ўрнатилади); б) махсус ставкалар (бож ундириладиган маҳсулотнинг бирлигига нисбатан аниқланади); в) комбинациялаштирилган ставкалар (бож ундиришнинг дастлабки икки варианты биргаликда қўлланилади).

Бож декларацияси – миллий қонунчиликнинг талабларига мувофиқ расмийлаштирилган, ўзида чегарадан ўтаётган юклар (экспорт ёки импорт қилинаётган маҳсулотлар, пассажир юки, унинг қўлидаги юки, бойликлар ва валюталар) тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган ҳужжат. Бу ҳужжат юкни давлат чегараси орқали ўтказиб юришда асос бўлиб ҳисобланади. Декларация божхонага қонунда белгиланган муддатларда (бир кундан икки ҳафтагача маҳсулот божхонага етиб келган кунни ҳам ҳисобга олган ҳолда) тақдим этилиши лозим. Декларацияда божхонага қабул қилинган маҳсулотнинг юк ҳужжати номери, маҳсулотнинг тариф номи ёки бож тарифининг тегишли моддасига асосланиш (суяниш), маҳсулот партиясининг қиймати ва баҳоси ҳамда уларга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати кабилар ўзининг аксини топиши шарт. Бож декларациясининг шакли маҳсулотнинг божга тортилиш ёки тортилмаслигига боғлиқдир.

В

Валюта курси – бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирликларида ёки халқаро валюта бирликларида ифодаланган баҳоси. Энг аввало, мамлакат

иқтисодиётининг аҳволи билан белгиланади, шунингдек, турли мамлакатлардаги инфляциянинг нисбий суръатларига, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари ва унинг мамлакатлар ўртасидаги нисбатига, ЯММнинг ўсиш суръатларига (пулнинг товар билан тўлдирилиш асосларига), халқаро савдодаги мамлакатнинг ўрни ва ролига, капиталнинг мамлакатдан чиқарилишига боғлиқ. Мамлакат тўлов балансининг аҳволи, турли мамлакатлар пул бозорларидаги фоиз ставкаларининг мамлакатлар ўртасидаги фарқлари, шу мамлакат валютасининг евробозорларда ва халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиш даражаси, мамлакат валютасига бўлган ишонч ва бошқа омиллар валюта курсига бевосита таъсир кўрсатади.

Валютавий чекланмалар – валюта, олтин ва бошқа валютавий бойликлар билан операцияларнинг чекланишига йўналтирилган, қонуний ёки маъмурий тартибда ўрнатилган тадбирлар ва меъёрий қоидалар мажмуи. Жорий тўлов баланси операциялари бўйича уларэркин конвертация қилинадиган валюталарга (АҚШ доллари, Европа иттифоқи евроси, инглиз фунт стерлинги, Швейцария франки ва бошқаларга) нисбатан қўлланилмайди.

Г

Грант – инновацион характердаги ишларни мақсадли-имтиёзли молиялаштириш. Солиққа тортиш мақсадлари учун “грант” атамаси ишлатилганда хорижий хайрия ташкилот (фонд)лари томонидан корхона ва ташкилотларга пул ёки натурал шаклда илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини, ўқитиш, даволаш ва бошқа шунга ўхшаш мақсадларни амалга ошириш учун улардан фойдаланилганлиги тўғрисида ҳисобот бериш шарти билан бериладиган маблағлар тушунилади.

Герб солиғи – турли хилдаги тадбиркорлик битимлари, компанияларни қайд этиш ёки унинг акционерлик капиталини ошириш, ижара тўғрисидаги шартнома ва бошқаларни расмийлаштирувчи ҳужжатлар учун солиқ.

Д

Давлат бюджети – давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаш-тирилган фонди, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Қонун кучига эга бўлган давлатнинг асосий молиявий режаси. Давлат ҳокимиятининг қонунчилик органи томонидан тасдиқланади. Давлат пул маблағлари марказлаштирилган фондини шакллантириш ва фойдаланиш жараёнидаги иқтисодий (пул) муносабатлар(и)ни ифодалайди. Миллий даромадни қайта тақсимлашнинг асосий қуроли. Асосий функциялари 1) мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ва миллий даромадини тақсимлаш; 2) иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш; 3) давлатнинг социал сиёсатини молиявий жиҳатдан таъминлаш; 4) пул маблағларининг шакллантирилиши ва улардан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш.

Давлат бюджети тузилмаси – республика бюджетини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади. Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Қорақалпоғистон Республикасининг Республика бюджетини ҳамда туманлар ва республикага (Қорақалпоғистонга) бўйсунувчи шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олса, вилоят бюджети эса вилоят бюджетини, туманлар ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади. Ўз навбатида, туманларга бўлинадиган шаҳарнинг бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларидан иборатдир. Туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджетини ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Давлат бюджети даромадлари – давлат бюджетига жалб қилинадиган солиқли ва носолиқли маблағлар;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда давлат ҳокимият органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ихтиёрига келиб тушувчи пул маблағлари. Ўз таркибига қуйидагиларни олади: 1) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар, шунингдек мажбурий тўловлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тушумлар; 2) давлатнинг молиявий активлари ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотишга берилишидан олинган даромадлар; 3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари; 4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек хорижий давлатлардан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари; 5) резидент-юридик шахсларга ва хорижий давлатларга берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар; 6) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Давлат бюджети харажатлари - давлат пул маблағлари фондини тақсимлаш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар; давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари функциялари ва вазифаларини молиявий жиҳатдан таъминлашга йўналтириладиган пул маблағлари. Таркиби қуйидагилардан иборат: 1) бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари; 2) жорий бюджет трансфертлари; 3) капитал харажатлар (асосий фондлар ва воситаларни давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқариш, хорижий мамлакатларда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олиш, давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олиш, давлат заҳираларини вужудга келтириш ва бошқалар); 4) капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари; 5) резидент юридик шахсларга ва хорижий давлатларга бериладиган бюджет ссудалари; 6) давлат мақсадли фондларига бериладиган бюджет ссудалари ва дотациялари; 7) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар; 8) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар.

Давлат бюджети дефицитини молиялаштириш - давлат томонидан хориждан ва ички маблағни жалб қилиш, республика бюджети маблағларининг молия йили

бошланишидаги қолдиқлари ва қонунга мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджети маблағларини бюджетлар ўртасида қайта тақсимлаш - 1) қуйи бюджетларга юқори бюджетлардан бюджет субвенциялари ва дотациялари бериш; 2) бюджет ижроси жараёнида пайдо бўлган ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни юқори бюджетдан қуйи бюджетга, шунингдек, қуйи бюджетдан юқори бюджетга йўналтириш; 3) бюджет ссудаларини ажратиш билан қайта тақсимланади. Республика бюджетидан бюджет субвенциялари ва дотациялари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларига тасдиқланган Давлат бюджети доирасида ажратилади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларидан бюджет субвенциялари ва дотациялари туманлар ҳамда шаҳарлар бюджетларига тегишли тасдиқланган бюджетлар доирасида ажратилиши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетларда пайдо бўладиган даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик ҳазинавий узилиш нақд пул айланиши, юқори бюджетларга бериладиган бюджет ссудалари, фойдаланилмаган бюджет маблағлари қолдиқлари ҳисобига қопланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларида назарда тутилган айрим харажатларни мақсадли молиялаштириш учун қуйи бюджетлар ҳисобига киритиладиган даромадларни республика бюджетига ўтказиши мумкин.

Давлат божи – юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этганлиги ёки ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан тегишли ҳужжатлари берилганлиги учун олинадиган мажбурий тўлов. Турли инстанциялардаги судларга берилган ариза ва шикоятлар, нотариал ҳаракатларнинг содир этилганлиги, фуқаролик ҳолати актининг давлат қайдидан ўтказилганлиги ва тегишли органлар томонидан ҳужжатларнинг берилганлиги учун

давлат божи олинади. Унинг миқдори юридик ҳаракат ва бериладиган ҳужжатларнинг характериға боғлиқ.

Давлат қарзи – давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси. Бир томондан, давлат ва иккинчи томондан, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар. Бунда давлат қарз олувчи сифатида майдонга чиқади.

Давлат ички қарзлари – давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси. Олдин чиқарилган ва ҳозирги вақтгача фоизлари билан қайтарилмаган (узилмаган) давлат қарзларининг (заёмларининг) бутун суммаси.

Давлат мақсадли фондлари – Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган фондлар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиш нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Аниқ мақсадларга мўлжалланган пул фондлари. Аҳолиға тақдим этиладиган социал хизматларнинг кўламини кенгайтириш, инфраструктуранинг қолақ тармоқлари ривожланишини рағбатлантириш, иқтисодиёт устувор тармоқларини қўшимча ресурслар билан таъминлаш бу фондларнинг мақсадидир. Бу фондлар Пенсия фонди, Республика йўл фонди, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг махсус фонди (ҳисоб варағи), Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат фондидан иборатдир. Уларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик узилишни (етишмовчилиқни) қоплаш учун давлат мақсадли фондларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарориға биноан республика бюджетидан бюджет дотациялари ва ссудалари ажратилиши мумкин. Давлат мақсадли фондларига тушган даромадлар харажатлардан ошган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасиға биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ортиқча сумма йилнинг ҳар бир чорағи якунлари бўйича

республика бюджетига тўлиқ ёки қисман олиб қўйилиши мумкин.

Давлат молиявий назорати - давлат бюджети ва нобюджет фондлар, солиқлар, давлат корхона ва ташкилотларининг молиявий фаолияти, пул ҳисоб-китобларини ташкил этиш, ҳисоб ва ҳисоботни юритиш соҳаларида қонунчиликка риоя этилишини мамлакат ҳокимият ва бошқарув органлари, шунингдек, махсус тузилган назорат органлари (Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқалар) томонидан амалга ошириладиган назорат.

Давлат ташқи қарзи – давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси.

Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш – активларни ички манбалардан (резидент-юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятларининг вужудга келиши.

Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш - активларни хориж манбаларидан (хорижий давлатлардан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашга кафил сифатидаги мажбуриятларининг вужудга келиши.

Давлат томонидан (ички ва хориждан) маблағ жалб қилиш – қуйидаги мақсадларда амалга оширилиши мумкин:

- 1) иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, шу жумладан давлат инвестиция дастурларини молиялаштириш;
- 2) Давлат бюджети даромадлари билан харажатлари ўртасида тушумлар вақтга кўра мувофиқ эмаслиги туфайли келиб чиққан йиллик ички тафовутни тўғрилаш;
- 3) мавжуд қарзни қайта молиялаштириш;
- 4) бюджет дефицитини молиялаштириш;
- 5) табиий офат ёки бошқа фавқулодда вазиятлар туфайли маблағларга бўлган эҳтиёжларни қоплаш.

Давлат томонидан ички ва хориждан

маблағ жалб қилишда қарз мажбуриятларининг қуйидаги турларидан фойдаланиш мумкин: 1) қисқа муддатли (бир йилгача бўлган даврга чиқариладиган), ўртача муддатли (бир йилдан беш йилгача бўлган даврга чиқариладиган) ва узоқ муддатли (беш йилдан ортиқ даврга чиқариладиган) давлат қимматли қоғозлари; 2) кредитлар (қисқа, ўрта ва узоқ муддатли); 3) Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари; 4) бюджет даромадлари билан харажатлари ўртасидаги вақтинчалик тафовутни қоплаш учун қисқа муддатли ссудалар; 5) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа турлар. Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилишга ҳамда давлат қарзи кўпайишига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан амалга оширилади.

Давлат валюта монополияси - валюта бойликлари (валютавий бойликлар) билан операцияларни амалга ошириш ёки операцияларни амалга оширишни маълум органлар, корхоналар, фирмалар зиммасига ўтказишга рухсат бериш, валютавий маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилаш бўйича давлатнинг танҳо ҳуқуқи. Валюта операцияларини регламентация (тартибга солиб туриш) қилишни, валютавий маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширишни ва уларнинг қўлланилиш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар кўришни тақоза этади.

Даромадлар тўғрисида декларация – ўтган давр мобайнида олинган даромадлар, мулклар ва уларга тегишли бўлган солиқ чегирмалари ҳамда имтиёزلари тўғрисида солиқ тўловчининг расмий аризаси. Жисмоний шахсларни солиққа тортишда асосий молиявий ҳужжат бўлиб, улардан олинадиган даромад солиғининг ҳажмини аниқлаш учун фуқароларнинг даромадлари унда қайд этилади.

Даромад солиғининг шедуляр шакли - даромаднинг манбаини инобатга олган ҳолда унинг қисмларга (шедулларга) бўлинишини тақоза этади. Дастлаб, Буюк Британия солиқ тизимида қабул қилинган. Унга кўра ҳар бир шедул ўзига хос тарзда солиққа тортилади. Бундай тартиб даромадни ўзининг манбаи олдида “тутиш”ни мақсад қилиб

қўяди. Мамлакатда бу соҳада олтита шедул амал қилиб, уларнинг айримлари яна ички тақсимланишга ҳам эга. Масалан, “А” шедул ўз таркибига мулкдан олинадиган даромадларни (ерга мулкчиликдан, бино ва иншоотларга эгаликдан, уй ёки хонани ижарага беришдан олинадиган даромадларни), “В” шедул тижорий мақсадлар учун фойдаланиладиган ўрмон массивларидан олинадиган даромадларни, “С” шедул давлат қимматбаҳо қоғозларидан олинадиган даромадларни, “Д” шедул тижорий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинадиган даромадларни (бу шедулнинг таркибига даромадларнинг жуда кўп турлари кирганлиги учун унинг ўзи яна олти қисмга бўлинади), “Е” шедул иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа меҳнат даромадларини ва ниҳоят, “Ф” шедул Буюк Британия компаниялари томонидан тўланадиган дивидентлар ва бошқа тўловларни ўз ичига олади.

Даромад солиғи бўйича жарималар – ушбу солиқ тўланмаганда, нотўлиқ тўланганда ёки тўлаш тартиби бузилганда (риоя қилинмаганда), пулни ундириш, моддий таъсир кўрсатишдан иборат. Ўз вақтида ушлаб қолинмаган, нотўлиқ ушланган ёки тегишли бюджетга ўтказилмаган солиқ суммалари жисмоний шахсларга даромад тўлайдиган корхона, ташкилот ва муассасалардан ундиришга мўлжалланган сумманинг 10% ҳажмидаги жаримани биргаликда қўшиб, солиқ органлари томонидан сўзсиз ундириб олинади. Корхона, ташкилот, муассасалар ва тадбиркор сифатида қайддан ўтган жисмоний шахслардан солиқ ўз вақтида тегишли бюджетга ўтказилмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов муддатидан кейинги кундан бошлаб тўланган кунгача (бу кун ҳам қўшилади) 0,5% миқдоридан пеня ундирилади. Пенянинг ундирилиши уларни жавобгарликнинг бошқа турларидан озод этмайди.

Даромадий (даромадли) солиққа тортиш – даромадларнинг олинмиш вақтида ундириладиган даромад солиқлари тизими.

Даромадлардан олинадиган солиқ – фойда солиғидан ташқари акциялар, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғизлар бўйича (давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматбаҳо қоғозлари бўйича олинган даромадлардан

ташқари) олинган дивидентлар ва фоизлардан, казинолар, видеосалонларнинг даромадларидан, ўйин автоматларининг даромадларидан, оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказишдан олинган даромадлардан корхона ва ташкилотлар томонидан тўланади.

Дивидентлар – тақсимлашга мўлжалланган акционерларнинг соф фойдаси (даромади); акционерлик жамияти ёки корхона соф фойдасидан ҳар бир акция учун акционерларга маълум даврдан сўнг (ҳар йили, айрим ҳолларда – ҳар чорақда) тўланадиган даромад.

Дотация – давлат бюджетидан қайтарилмайдиган тартибда бериладиган пул маблағлари, зарар (зиён)ларни қоплаш учун корхона ва ташкилотларга бериладиган давлат нафақалари. Зарар (зиён)лар корхонага боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вужудга келган пайтда истисно тариқасида дотация берилиши мумкин.

Демпингга қарши божхона божлари - маҳсулотни чиқараётган мамлакатдаги товарларнинг қийматидан шу товарлар олиб кириладиган мамлакатда шу товарларнинг баҳоси паст бўлса, бу нарса мамлакат ўз ишлаб чиқарувчиларига моддий зарар етказиш хавфини туғдирса ёки шунга ўхшаш товарларни мамлакат доирасида ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиши мумкин бўлса жорий этилади.

Е

Ер учун тўловларнинг шакллари – ер солиғи, ижара ҳақи ва ернинг норматив баҳосидан иборат. Ернинг эгалари, ернинг мулкдорлари ва ердан фойдаланувчилар йиллик ер солиғига тортилади. Ижарага берилган ер учун ижара ҳақи олинади. Қонунда кўзда тутилган ҳолларда сотиб олиш ва банкдан кредит олиш учун гаров сифатида ердан фойдаланилганда ернинг норматив баҳоси белгиланади (ўрнатилади).

Ер солиғи – ер эгалари, ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар тўлайдиган солиқ. Унинг миқдори ер эгалари, ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар ҳўжалик фаолиятининг натижаларига боғлиқ бўлмасдан,

балки бир йил учун ер бирлигига нисбатан барқарор тўловлар кўринишида ўрнатилади. Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар бу солиқнинг тўловчиларидир. Солиқнинг ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ер солиғи юридик шахслар томонидан ҳар йили биринчи январгача бўлган ҳолатга қараб мустақил ҳисоблаб чиқарилади ва солиқ бўйича ҳисоб-китоблар ер участкаси жойлашган ҳудуддаги солиқ органига жорий йилнинг биринчи февралгача тақдим этилади. Юридик шахслар томонидан (қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари) солиқ йилнинг ҳар чорагида иккинчи ойнинг 15-кунигача тўланса, қишлоқ хўжалиги корхоналари бу солиқни бир йилда бир марта – ҳисобот йилининг 15-декабригача тўлайдилар. Бу муддат жисмоний шахслар учун жорий йилнинг биринчи ноябригача белгиланган.

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ - бу солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар қазиб олишни, шунингдек, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар. Унинг объекти бўлиб фойдали қазилмалар қазиб олиш ҳажми, техноген ҳосилаларнинг ҳажми, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари ҳажми, рангли тошлар хом ашёси, палеонтология қолдиқлари ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тўплаш учун бериб қўйилган ер қаъри участкаси майдони ҳисобланади. Солиқнинг ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ернинг норматив баҳоси - ҳисобли қоплаш муддати давомида олиниши лозим бўлган потенциал даромаддан келиб чиққан ҳолда маълум сифатдаги ва жойдаги ер участкасининг қийматини ифодалайдиган кўрсаткич. Ерни мулк сифатида бериш учун, унга нисбатан жамоа-ҳиссали мулкни ўрнатиш учун, мерос сифатида бериш, тақдим этиш, банк кредитини олиш учун ер участкасидан гаров сифатида фойдаланилганда ер муносабатларини иқтисодий тартибга

солишни таъминлаш учун жорий этилган. Одатда ернинг норматив баҳоси ер майдони бирлигига тўғри келувчи ер солиғининг 50 марталик ҳажми миқдорида ўрнатилади. Бу баҳо ҳисобланаётган пайтда ер солиғи бўйича берилган имтиёзлар инобатга олинмайди.

Ер учун ижара ҳақи - унинг ҳажми (ўлчами), шартлари ва ўтказиш муддатлари шартномага мувофиқ ўрнатилади. Қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерлар ижарага олинганда унинг миқдори ижараланган участкалардан олинган ер солиғининг суммасидан ошмаслиги керак. Ер учун ижара ҳақи алоҳида ёки бутун ижарага олинган мулкнинг ижара ҳақи таркибида ҳам олиниши мумкин. Лекин бу ҳолда ҳам ер учун ижара ҳақи, албатта, маҳаллий бюджетнинг даромадига ўтказилиши керак.

Ж

Жисмоний шахслардан олинган солиқлар - даромад солиғи, фуқароларнинг мулкдан олинган солиқлар (транспорт воситалари солиғи, мол-мулк солиғи, уй-жой солиғи, мерос тариқасида ўтадиган мулкдан олинган солиқ ва бошқалар), тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан олинган қайд этиш йиғими, бошқа солиқ, йиғим ва тўловлардан иборат.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ – умумдавлат солиқларининг таркибига кириб, бюджет даромадларининг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар бу солиқнинг тўловчилари ҳисобланади. Солиқ прогрессив характерга эга. У қуйидаги шаклларда тўланиши мумкин: даромад манбаидан, яъни асосий иш жойидан ва бошқа иш берувчилардан; агар даромад бир неча манба ҳисобидан олинса ва қонуний тарзда белгиланган даромаднинг йиллик суммасидан ошса, даромадлар тўғрисидаги декларация кўринишида; тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадни солиққа тортиш шаклида. Жами йиллик даромад билан қонунда белгиланган чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган солиқ

солинадиган даромад солиққа тортиш объектидир. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадига солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёки бошқа маблағлар, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлар, жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромади ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромад киради.

Жисмоний шахслардан олинадиган маҳаллий солиқлар – ер учун тўловлар (ер солиғи, ер учун ижара ҳақи), реклама солиғи, маҳаллий йиғимлар (биржада амалга оширилган битимлар бўйича йиғим, маҳаллий аукцион ва лотерея ўйинларини ўтказиш ҳуқуқи учун лицензия йиғими, савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим ва бошқа мақсадли йиғимлар)дан иборат.

Жон солиғи – ҳар бир солиқ тўловчидан тенг суммаларда олинадиган солиқ.

3

Зарарлар – фуқаролик ҳуқуқида қонунга хилоф ҳаракатлар туфайли бир шахс (юридик ёки жисмоний) томонидан иккинчи шахсга (юридик ёки жисмоний) етказилган зиённинг пулда ифодаланган шакли. Зарарлар маҳсулот, иш, хизматларни сотишдан, табиий офатлар, дебиторлик қарзларни талаб қилиб олмасдан воз кечишдан, тўлиқ амортизация қилинмаган асосий фондларга барҳам беришдан ва бошқалардан вужудга келиши мумкин. Маҳсулот, иш ва хизматларнинг баҳоси уларнинг тўлиқ таннархидан паст бўлганда ҳам зарарлар пайдо бўлади.

И

Икки марта солиққа тортиш – 1) солиқларни даромад (капитал)нинг ягона манбаидан олиниши; 2) қўшма корхона хорижий иштирокчисининг фойдасини хорижга ўтказилаётган пайтда солиққа тортиш ва худди шу фойдани хорижий иштирокчи мамлакатада солиққа тортилиши; 3) соф фойда (даромад) (корпорациялар фойдаси) ва ундан тўланадиган

дивидентларни улар шахсий даромадга айланаётган пайтда солиққа тортиш. Бошқа мамлакатда тўланган солиқларни бу мамлакатда ҳисобга олиш ёки бир мамлакатдаги солиққа тортиш манбаини иккинчи мамлакатда солиққа тортишдан озод қилиш йўли билан икки марта солиққа тортишдан қутилиш мумкин. 1979 йилда БМТ томонидан манфаатдор давлатлар ўртасидаги муносабатларда икки марта солиққа тортишга барҳам бериш учун махсус конвенция ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосида икки томонлама битимлар имзоланади. Улар томонидан ўрнатилган солиққа тортиш тартибига кўра қўшма корхона хорижий иштирокчиси ўз фойдасини хорижга ўтказаетган пайтда қўшимча солиқдан озод қилинади.

Инвестициялар – юридик жиҳатдан мустақил бўлган корхонага узоқ муддат (бир йилдан кам бўлмаган) давомида қўшимча фойда олиш, таъсир этиш доирасини сотиб олиш мақсадларида ёки шу соҳада ўз фаолиятини ташкил қилгандан кўра уни шундай қўйиш (сарф этиш) афзалроқ бўлганлиги учун капитални жойлаштириш. Фойда (даромад) олиш ва ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадида пул маблағлари, мақсадли банк омонатлари, акциялар ва бошқа қиматбаҳо қиғозлар, технологиялар, машиналар, асбоб-ускуналар, лицензиялар, кредитлар, бошқа ҳар хил мулклар ёки мулквий ҳуқуқлар ҳамда интеллектуал бойликларни тадбиркорлик ва фаолиятнинг бошқа турлари объектларига қўйилишининг барчаси инвестициялар ҳисобланади. Инвестицияларнинг молиявий, реал, ялпи, соф, хусусий ва давлат каби турлари бўлиши мумкин.

Инвестицион солиқ кредити – солиқ тўловчи томонидан маълум бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича жуда муҳим буюртмани бажарганлиги ёки шу ҳудуд аҳолисига жуда муҳим хизматни тақдим этганлиги учун унга маҳаллий ҳокимият органлари томонидан солиқ суммаси доирасида бериладиган енгиллик, имтиёз (солиқ тўловининг кечиктирилиши). Бу кредит солиқ тўловчи ва маҳаллий маъмурият ўртасида тузиладиган солиқ битими билан расмийлаштирилади. Инвестицион солиқ кредитини тақдим этиш (бериш), расмийлаштириш ва қайтариш тартиби

“Инвестицион солиқ кредити тўғрисида”ги қонунга мувофиқ белгиланади.

Инвестор – 1) ўз, қарзий ва жалб қилинган маблағларни инвестициялар шаклида жойлаштиришни амалга оширувчи ва уларнинг мақсадли фойдаланилишини таъминловчи инвестицион фаолият субъекти; 2) қимматбаҳо қиғозларни сотиб олувчи жисмоний ёки юридик шахс.

Имтиёз – маълум бир мажбуриятларни бажаришдан қисман (ёки тўлиқ) озод этиш, маълум бир афзалликларга (қулайликларга) эга бўлиш, масалан, солиқ имтиёзига.

Иш фаоллиги солиғи - бир неча хорижий мамлакатларнинг (масалан, АҚШда) солиққа тортиш амалиётида қўлланилиб, ўз таркибига икки элементни олади: 1) корхонанинг умумий йиллик обороти солиққа тортиш (одатда 1,0%дан 2,5% гача); 2) иш ҳақи фондини солиққа тортиш.

Иш ҳақи солиғи – юридик шахслардан иш ҳақи харажатларига нисбатан ва ходимларнинг иш ҳақидан маълум фоизда олинадиган солиқ.

Импорт-экспорт солиғи – солиққа тортишнинг кўринишларидан бири; ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш воситаси (чораси). Солиққа тортиш объекти бўлиб белгиланган курс бўйича миллий валютада ҳисобланган товарларнинг бож қиймати ёки оғирлик ва миқдор бирликларида ифодаланган товарларнинг сони ҳисобланади.

Истеъмол солиғи – бир неча мамлакатлардаги солиқлар гуруҳи, даромад сарф қилинаётган пайтда олинади. Қўшилган қиймат солиғи ва акцизлар ана шундай солиқ таркибига киради. Божхона божларини ҳам истеъмол солиқлари қаторига киритиш мумкин. Бу солиқларнинг айримлари давлат фойдасига олинса, бошқа бировлари маҳаллий бюджетларга бориб тушади.

Ижтимоий солиқлар – иш ҳақи ва ишчи кучига нисбатан қўлланиладиган солиқлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ижтимоий таъминотга бадалларидан (ажратмаларидан) таркиб топади.

Имтиёзли солиққа тортиш – жисмоний ёки юридик шахсларни солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод этиш.

Ижара ҳақи – ижара шароитида (шарти билан) тақдим этилган мулк учун тўловнинг тури. Асосий фондларнинг алоҳида объектлари ижарага олинганда улар ижара шартномасининг бутун амал қилиш давомида тенг ҳиссаларда (қисмларда) маҳсулот таннархига киритилади.

Й

Йиғимлар – қонун актларига мувофиқ белгиланган тартибда ва шартларда тўловчилар томонидан тегишли даражадаги бюджетларга ёки бюджетдан ташқари фондларга ўтказиладиган мажбурий бадаллар. Уларнинг таркибига савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги маҳсулотларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, ободончилик ишлари учун йиғим ва бошқалар кирилади.

Йўл фондини шакллантирувчи солиқлар – ёқилғи-мойловчи материалларни сотишдан олинadиган солиқ, автомобиль йўларидан фойдаланувчилардан олинadиган солиқ, транспорт воситаларининг эгаларидан олинadиган солиқ ва транспорт воситаларини сотиб олганлик учун тўланадиган солиқдан иборат.

К

Кафолат фонди – давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишга ҳамда давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларидан келиб чиқувчи тўловларни амалга ошириш учун маблағларни жамлашга шарт-шароит яратиш мақсадида республика бюджети таркибида тузиладиган фонд.

Корхоналарнинг давлат реестри – солиқ тўловчиларни солиқ инспекциясида ҳисобга олиш учун қўлланилади ва

хўжалик юритувчи субъектларни идентификациялаштиришни таъминлайди.

Кўчмас мулк - ер билан мустаҳкам боғлиқ бўлган ер майдонлари, алоҳидалаштирилган сув объектлари, ўрмонлар, кўп йиллик ўсимликлар, бинолар, иншоотлардан иборат. Уларнинг кўчирилиши шу нарсаларнинг мўлжалланганлигига зарар етказди. Кўчмас мулкнинг таркибига давлат қайдидан ўтган ҳаво ва денгиз кемалари, космик объектлар ҳам киради. Кўчмас мулкнинг асосий белгиси сифатида ер ҳисобга олинади. Қонун бўйича кўчмас мулкнинг таркибига бошқа мулклар, масалан, корхона ёки хонадонлар ҳам киритилиши мумкин.

Корхона мулки – асосий фондлар, номоддий активлар ва ишлаб чиқариш заҳираларининг йиғиндисидан иборат. Унинг таркибига: материаллар, тайёр маҳсулот, келгуси давр харажатлари, ҳисобот даврида (кунида) маҳсулот таннархи таркибига киритилмаган, лекин амалга оширилган ишлаб чиқариш харажатлари, қолдиқ маҳсулотларнинг муомала харажатлари ва ортиб жўнатилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқалар киради. Солиққа тортиш базаси (асоси) ҳисобланаётган пайтда асосий воситалар, номоддий активлар, кам баҳоли ва тез эскирадиган предметларнинг қийматидан эскириш суммаси чиқариб ташланади.

Квота – 1) тегишли битим доирасида миллий ёки халқаро бирлашма иштирокчиларининг ишлаб чиқариш ёки сотишда иштирок этиш ҳиссаси; 2) халқаро иқтисодий ёки молия-валютавий ташкилотнинг устав фонди ёки капиталида мамлакатнинг бадали; 3) солиққа тортиш бирлигидан олинadиган солиқнинг ставкаси (абсолют ифодада ёки ҳисса кўринишида); 4) ниманингдир қисми, ҳиссаси, нормаси (меъёри), миқдорий чекланишлар.

Корпорацияларнинг даромадидан олинadиган солиқ – даромад солиғи ва фойда солиғининг (айрим мамлакатларда) ўрнига барча компанияларнинг фойдасидан қатъий фоизда олинadиган солиқ. Барча корпоратив орган ва нокорпоратив ассоциацияларга нисбатан қўлланилади. Тақсимланadиган дивидентлар суммаларидан ҳам солиқ олишни тақоза этади.

Касб солиғи (касбий солиқ) – маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятининг барча турларидан ҳар йили олинадиган тўғри (бевосита) солиқлардан бири. Масалан, Францияда касб солиғи (касбий солиқ)нинг ставкасини ҳисоблашда база сифатида кўчмас мулк ижарасининг қиймати, ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган барча асбоб-ускуналарнинг қиймати (субъектнинг ўз мулкими ёки ижарага олганми, бундан қатъий назар), иш ҳақи фондининг қиймати ва бошқалар хизмат қилади. Касб солиғи (касбий солиқ)нинг суммаси асос рақамлари ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан белгиланадиган коэффициент асосида ҳисобланади. Бунда унинг суммаси корхонада янгидан яратилган маҳсулотнинг маълум бир фоизидан (масалан, 5%) ошмаслиги лозим.

Квотатив солиқлар – даромад ёки мулк қийматининг пулдаги ифодасига нисбатан фоизларда ўрнатиладиган солиқлар.

Контингентлаштирилган солиқлар – умумий суммаси олдиндан ўрнатиладиган ва сўнг маъмурий бирликлардан тартиб то алоҳида солиқ тўловчилар ўртасида тақсимланадиган солиқлар.

Л

Лизинг – молия-кредит муносабатларининг шаклларида бири бўлиб, корхоналар томонидан машина, асбоб-ускуна ва шунга ўхшашларни узоқ муддатли ижарага олинишини англатади. Лизингда унинг объектлари одатда (лекин мажбурий тартибда эмас) ижарага берувчи корхонанинг балансидан ижарага олувчи корхонанинг балансига пировардида ўтказилади. Бу тартибдаги битимлар ижарачи корхона учун фойдали ҳисобланиб, улар молиявий зарар кўрмайдилар ва, одатда, солиқ ва амортизация имтиёзларига эга бўладилар.

Лицензия – у ёки бу маҳсулотни тайёрлаш, хўжалик ишлаб чиқариш ва илмий фаолиятнинг турини амалга ошириш, маҳсулотнинг маълум бир тури ва миқдорини экспорт ёки импорт қилиш, олиш кириш, олиб чиқиш ёки

ўтказиб кетишга давлат ёки маҳаллий бошқарув органларининг расмий рухсати (розилиги). Савдо қилиш ҳуқуқи ёки лотерея ва маҳаллий аукционларни ўтказиш учун лицензия уч нусхада расмийлаштирилади. Биринчи нусха ижарачига (ўтказувчига, шуғулланувчига) берилади, иккинчиси туман солиқ инспекциясига йўлланади, учинчи нусха эса тегишли қарор, хат ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан биргаликда туман ёки шаҳар маъмуриятининг иш жилдида сақланади. Лицензия олиш учун мурожаат этаётган жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканликлари тўғрисида гувоҳномага эга бўлишлари шарт.

Лондон клуби - ўз ҳукуматларининг кафолатларисиз СССРга ссуда тақдим этган 600 йирик ғарб банк-кредиторларнинг бирлашмаси. 1996 йилда Россия ва Лондон клуби ўртасида келишувга эришилган бўлиб, унга мувофиқ 32 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги Россиянинг ташқи қарзи (шундан, 25 млрд. АҚШ доллари – асосий қарз, 7 млрд. АҚШ доллари эса – асосий қарз бўйича тўланмаган фоизлар) муддатидан олдин реструктуризация қилинган ва унга кўра, бу қарз навбатдаги 25 йилга қайта расмийлаштирилган ва 5 йиллик имтиёзли давр тақдим этилган эди.

М

Маҳаллий бюджет – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари фондиди ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар – маҳаллий бюджетларга олинадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг мажбурий тўловлари. Уларнинг таркибига қуйидагилар киради: мол-мулк солиғи, ер солиғи, реклама солиғи, автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ, савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия

йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, ободончилик ишлари учун йиғим ва бошқалар.

Маҳсулот таннархи таркибига киритиладиган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари – махсус Низом асосида белгиланиб, унинг таркибига маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар, табиий хом ашё, ер, ўрмон, сув ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари, технологик жараёнларни такомиллаштириш ва маҳсулот сифатини ошириш билан боғлиқ бўлган нокапитал характердаги харажатлар, тажриба-экспериментал ва ихтиро харажатлари, ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари кабилар киради.

Маҳсулотнинг бож қиймати – маҳсулот чегарадан ўтаётган пайтда унинг эгаси томонидан эълон қилинадиган қиймат. Унинг тўғрилигини аниқлаш устидан назорат маҳсулотларни расмийлаштирувчи божхона органлари томонидан амалга оширилади. Маҳсулотларнинг бож қийматини аниқлашда турли методлардан фойдаланилади: а) киритилаётган маҳсулотларнинг битим баҳоси бўйича (энг кўп қўлланиладиган метод); б) турдош (бир турдаги, бир хилдаги) маҳсулотлар битим баҳосига кўра; в) қийматни ҳисоблаш методи бўйича; г) қийматларни қўшиш йўли билан; д) резерв методи бўйича.

Махсус божхона божлари – божхона божларининг кўринишларидан бири бўлиб, агар мамлакатга олиб кириладиган маҳсулотлар шунга ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг ўзидагиларга зарар етказадиган бўлса, ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилади. Бошқа мамлакатларнинг дискриминацион ҳаракатларига нисбатан жавоб тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Мақсадли солиқ имтиёзлари – хўжалик юритувчи субъект томонидан давлатнинг мақсадли ижтимоий, иқтисодий, инвестицион ва бошқа дастурларининг бажарилганлиги учун солиққа тортиш ҳажмининг

пасайтирилиши. Инвестицион солиқ кредитидан фарқли равишда ўзаро манфаатдорлик (ўзаро фойдалилик) асосида минтақавий бюджетга бориб тушувчи солиқ суммалари доирасида ижроия ҳокимияти органлари томонидан ҳар қандай корхонага берилиши мумкин.

Мақсадли ажратмалар – нобюджет фондларнинг даромадлар қисмини шакллантиради. Бу ажратмаларнинг манбаи ишлаб чиқарилган (яратилган) ялпи ички маҳсулот бўлиб, унинг ҳисобидан бирламчи даромадларни шакллантириш жараёнида ижтимоий мақсадлар учун нобюджет фондларга, меҳнат ҳақи фондига боғланган ва маҳсулот таннархининг таркибига киритиладиган тўловларнинг тегишли қисми таркиб топади: пенсия фондига, мажбурий тиббиёт суғуртаси фондига ва ҳ.к.

Мақсадли бюджетдан ташқари (нобюджет) фондлар - қаранг: Бюджетдан ташқари (нобюджет) фондлар.

Мақсадли хорижий кредит - лойиҳаларнинг мақсадларига мувофиқ равишда товарлар, ишлар ва хизматларнинг ҳақини тўлаш йўли билан маблағларни хорижий валютада қайтарилиш ва тиклаш асосида тақдим этилишини кўзда тутган ҳолда ҳукуматнинг ташқи қарз олиш Давлат дастурига киритилган лойиҳаларини молиялаштириш шакли. Улар хорижий давлатларнинг ҳукуматлари, банклари ва фирмаларининг кредитларига боғланган кредитларни ва халқаро молиявий ташкилотларнинг номолиявий кредитларини ўзига қамраб олади.

Маъмурий жавобгарлик – маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун фуқаролар ва мансабдор шахслар жавобгарлигининг шакллари билан бири.

Молия – давлатнинг функциялари ва вазифаларини бажариш ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун шароитларни яратиш мақсадида марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул маблағлари фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар тизими.

Молия йили - биринчи январдан ўттиз биринчи декабрь куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи давр.

Молия тизими – давлат ва корхоналар пул маблағлари фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш шакллари ва методлари тизими.

Молиянинг функциялари – молия моҳиятининг амалда намоён бўлиши. Унинг тақсимлаш ва назорат функциялари мавжуд.

Молиявий ресурслар – давлат ва корхоналар пул маблағлари мақсадли фондларининг мажмуи. Улар ўсишининг асосий шарти миллий даромаднинг кўпайишидир. Мамлакатнинг молиявий ресурслари Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тузиладиган йиғма молиявий балансда ўз ифодасини топади. У ўз ичига давлат бюджет тизими, ҳукуматнинг нобюджет фондлари ва турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг (амортизация ва уларнинг ихтиёрига қоладиган фойда суммаси) ресурсларини қамраб олади.

Молиявий аппарат – молиявий бошқарувни амалга оширувчи органлар. Ўзбекистонда уларнинг таркибига Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлиси ва унинг икки (Сенат ва Қонунчилик) палаталари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва уларнинг жойлардаги қуйи органлари, турли мулкчилик шаклларидаги корхоналарда молияни оператив бошқариш функциясини амалга оширувчи молиявий бўлимлар ва бошқармалар ва ҳ.к.лар киради.

Молиявий бозор – қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ҳамда фонд қимматлари, яъни, акциялар облигациялар ва қимматли қоғозларнинг бошқа кўринишлари бозори. Бирламчи молиявий бозорда янги қимматли қоғозлар чиқарилади, иккиламчи молиявий бозорда эса, олдин чиқарилган қимматли қоғозларнинг қайта сотилиши содир этилади.

Молиявий назорат - молиявий бошқарув тизимининг элементларидан бири, барча иқтисодий субъектларнинг (давлат, ҳудудий-маъмурий бўлинмалар, корхона ва ташкилотлар) молиявий фаолияти молиявий-хўжалик қонунчилигига риоя этилиши, амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқли, молиявий-хўжалик

операцияларининг иқтисодий самарадорлиги устидан амалга ошириладиган қийматий назоратнинг алоҳида соҳаси.

Молиявий механизм – молиявий муносабатларни ташкил этишнинг давлат томонидан ўрнатилган шакллари, турлари ва методлари тизими. Давлат томонидан тартибга солишнинг даражасига боғлиқ равишда иккига бўлинади: директив молиявий механизм ва тартибга солувчи молиявий механизм. Директив молиявий механизм давлат бевосита иштирок этадиган муносабатлар (солиқлар, давлат кредити, бюджет жараёни ва бошқалар) билан боғланган. Тартибга солувчи молиявий механизм эса, давлатнинг манфаатларига тўғрида-тўғри таъсир этмайдиган молиявий муносабатлардан (масалан, корхона ички-хўжалик фаолиятини ташкил этиш) фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгилаб (аниқлаб) беради.

Моддий харажатлар – хом-ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, ёқилғи, энергия ва бошқа харажатлардан иборат. Моддий ресурсларнинг қиймати уларни сотиб олиш баҳоси (қўшилган қиймат солиғисиз), таъминот ва ташқи иқтисодий ташкилотларга тўланадиган устамалар, комиссия мукофотлар бож тўловлари, товарлар биржасининг хизмат қийматлари, ташиш, сақлаш ва етказиб бериш ҳақларининг йиғиндисидан ташкил топади.

Меҳнат ҳақи харажатлари – асосий ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи мукофотлари, рағбатлантирувчи ва тикловчи (қопловчи) тўланмалар, натурал ҳақ сифатида бериладиган маҳсулотларнинг қиймати, тузилган шартномалар бўйича ходимларга бериладиган меҳнат ҳақи ва бошқа тўланмаларни ўз ичига олади.

Мерос – қонун ёки васиятга мувофиқ меросхўрлик асосида қабул қилинадиган мулк.

Меросхўрлар – қонунга мувофиқ икки тоифага бўлинади: 1) биринчи даражали (навбатдаги) меросхўрлар – вафот этган шахснинг болалари, хотини (эри), ота-онаси, вафот этгандан сўнг туғилган фарзанд; 2) иккинчи даражали (навбатдаги) меросхўрлар – вафот этган шахснинг ака-укалари, опа-сингиллари, ота ёки она томонидан бобоси ва момоси. Иккинчи даражали (навбатдаги) меросхўрлар қонун

бўйича биринчи даражали (навбатдаги) меросхўрлар бўлмаганда, улар томонидан мерос қабул қилинмаганда ёки васиятчи томонидан улар мерос қабул қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилганда меросни қабул қилишга чақириладилар.

Муомала харажатлари – маҳсулотлар муомаласи жараёнига хизмат қилувчи харажатлардан иборат. Улар икки кўринишда бўлиши мумкин: 1) олди-сотди жараёни билан боғлиқ бўлган харажатлар (соф муомала харажатлари); 2) ишлаб чиқариш жараёнининг муомала соҳасида ҳам давом этиши билан боғлиқ бўлган харажатлар (маҳсулотларни сақлаш, ортиб жўнатиш, қадоқлаш ва бошқалар). Муомала харажатлари абсолют суммаларда ва маҳсулот айланмасига нисбатан фоизда ижтимоий зарурий харажатлар чегарасида (доирасида) режалаштирилади.

Мулкий солиққа тортиш – солиқ тўловчининг мулкидан, кўп ҳолларда унинг капиталидан олинадиган солиқлар тизими. Одатда, прогрессив характерга эга – мулкнинг ўлчами (ҳажми, миқдори) ошишига қараб солиқнинг ставкаси ҳам ортади.

Мулк солиғи (мулкий солиқ) – ўз таркибига кўчмас мулк (ер, бинолар) солиғини ва шахсий мулк(асбоб-ускуналар, заҳиралар) солиғини олади. Маҳаллий ҳокимият органлари фойдасига ҳисобланиб, кўпгина мамлакатларда улар даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимизда бу солиқ юридик шахсларнинг мол-мулкига ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқларга бўлинган.

Н

Нафақа – вақтинчалик меҳнат қобилиятини юқотганда, ҳомиладорлик ва туғишда, бола туғилганда, бола парвариши бўйича ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда мамлакат фуқароларига бериладиган доимий равишдаги ёки бир марталик пул тўланмаси.

Нодавлат молиявий назорати – хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволи ва ликвидлилиги, молиявий ҳисоботларининг ишончлилиги, фойдалилиги ва тўловга

лаёқатлилиги устидан аудиторлик фирмалари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарияти ва молиявий хизматлари, акционерлари, тижорат банклари, суғурта фирмалари томонидан амалга ошириладиган назорат.

О

Облигация – фоиз шаклида даромад келтирувчи қимматли қоғоз. Давлат органлари томонидан бюджет дефицитини қоплаш учун ва акционерлик жамиятлари томонидан капитални жалб қилиш мақсадида чиқарилади. Акциядан фарқли ўлароқ облигацияда уни қайтариш (узиш) муддати кўрсатилади.

Оборот солиғи - ишлаб чиқаришнинг якуний босқичида халқ истеъмоли учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қийматидан олинадиган солиқ тури. Асосан, уч хил метод бўйича аниқланади: 1) чакана баҳо (савдо ва таъминот устамалари чегирилган) ва корхона улгуржи баҳоси ўртасидаги фарқ; 2) чакана баҳолардаги (савдо устамалари чегирилган) товар оборотга нисбатан фоизда; 3) маҳсулот бирлигига нисбатан абсолют пул суммаларида. Барча маҳсулотлардан олинмасдан, балки технологик занжирнинг охиридаги маҳсулотдан олинади (масалан, чўян рудасидан эмас, балки музлатгич, автомобильдан олинади). Ҳозирги пайтда Буюк Британия, Франция, Германия, Россия, Ўзбекистон каби мамлакатларда бу солиқдан қўшилган қиймат солиғига ўтилган бўлса, АҚШда унинг ўрнига сотувдан олинадиган солиқ жорий этилган.

Ортиқча тўловлар – тўловнинг бюджетга тушган ортиқча суммаси. Одатда солиқ тўловчининг бошқа тўловлар бўйича мавжуд бўлган боқимандаларини узиш учун ҳисобга олинади ва бу тўғрида унга маълум қилинади ёки солиқ органининг қарори нусхаси ва банкнинг тегишли кўчирмаси асосида солиқ тўловчига қайтарилади. Бошқа тўловлар бўйича боқимандалари бўлмаган ҳолда корхонанинг ортиқча тўловлари суммаси унинг ёзма аризасига кўра тўлов муддати етиб келмаган тўловларни тўлашга йўналтирилиши ёки унинг ўзига қайтаррилиши мумкин. Ортиқча тўловларнинг

қайтарилиши солиқ органлари томонидан бюджет ҳисобидан амалга оширилади.

П

Патент - маълум бир ҳуқуқ ёки имтиёз берувчи ҳужжат. Масалан, савдо ёки ҳунармандчилик билан шуғулланиш ҳуқуқи. Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ доимий савдо нуқталарида (жойларида) савдони амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлиш учун вақтинчалик патентни сотиб оладилар. Патентда унинг берилиш муддати (патент амал қиладиган давр), савдо амалга ошириладиган маҳсулотлар гуруҳи ва савдо қилиш жойи ўз аксини топган бўлиши лозим.

Париж клуби – дунёнинг асосий (бош) кредитор-давлатлари гуруҳи. Агар бирор-бир қарздор мамлакат ўз тўлов балансини баланслаштиришда қийинчиликка дуч келиб, ХВФ ёрдамида ўз иқтисодиётини соғломлаштириш дастурини амалга оширишга киришса, Париж клуби қарздор мамлакатнинг молиявий муаммоларини ҳал этишда ўз ҳиссасини қўшади. Бунинг учун ҳамкорликда ўша мамлакат билан (биргаликда) битим ишлаб чиқилади. Унга кўра, унинг ташқи қарзларини қайтариш муддатлари узайтирилади. Масалан, Россия Париж клуби давлатларига қарзининг ҳажми 40 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган бир пайтда, 1996 йил апрелининг охирида Парижда Россиянинг Париж клуби кредиторларига бўлган қарзини узоқ муддатли реструктуризация қилиш тўғрисида битим имзоланди. Унга мувофиқ равишда Россия томонидан қарзнинг қайтарилиши 2002 йилдан бошланиши ва 2020 йилга келиб тугаши керак. Бу нарса иқтисодий кризисдан чиққандан, иқтисодиётда реал ўсиш содир бўлгандан сўнг Россияга Париж клуби кредиторларининг ташқи қарзларини қайтаришга киришишга имкон беради.

Пеня – фуқаролик ҳуқуқида жазо чоралари (жарима)нинг кўринишларидан бири, қонун ёки шартномага мувофиқ тўловлар муддатини бузганлик учун ундириладиган молиявий жазонинг шакли. Унинг миқдори қонунга кўра тўловнинг ҳар

бир кечиктирилган куни учун тўланиши лозим бўлган суммага нисбатан фоизда белгиланади. Корхона томонидан тўланган пеня суммаси ноишлаб чиқариш харажатларининг таркибига киритилади.

Пенсия – қариллик, ногиронлик, хизмат қилган йиллари учун ва боқувчисини юқотганда фуқароларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун пул суммаларининг кафолатланган ҳар ойлик тўлови. Унинг қуйидаги турлари бўлиши мумкин: қариллик пенсияси; ногиронлик пенсияси, хизмат қилган йиллари учун пенсия; боқувчисини юқотганлиги учун пенсия; социал пенсия.

Пулли капитал даромадларидан олинадиган солиқ – дивидентлар, акция ва облигацияларнинг фоизлари, банкдаги омонатлар бўйича фоизлар, заёмлар бўйича ютуқлар ва бошқа шунга ўхшаш бир неча даромадлардан олинади. Австрия, Канада, Испания, Франция каби мамлакатларда амал қилади. Пулли капиталнинг эгасига даромад берилаётган пайтда солиқ ушлаб қолинади. Солиқнинг ставкаси 20%дан 40%гача тебранади.

Прогрессив солиқ – солиққа тортиш базасининг ошиши билан солиқ ставкасининг кўтарилиши характерлидир. Прогрессив солиқларнинг орасида энг кўп учрайдигани даромад солиғидир.

Прогрессив солиққа тортиш – солиққа тортиладиган сумманинг ўсишига мос равишда солиқ ставкаси ҳам ортадиган солиққа тортиш тизими. Улар қуйидаги шаклларда мавжуд бўлади: 1) оддий прогрессия – даромаднинг барча суммаси учун солиқнинг ставкаси даромаднинг ўсишига мувофиқ ўсади (ортади); 2) мураккаб прогрессия – даромад қисмларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири ўз ставкаси бўйича солиққа тортилади. Даромаднинг ҳар бир кейинги қисми учун солиқнинг ставкаси олдингисига нисбатан юқорироқ бўлади.

Пропорционал солиқ – солиқ шаклида олиниши мумкин бўлган сумма солиққа тортиш базасининг ўлчамига (миқдорига, ҳажмига) пропорционалдир. Бу солиқ ягона ставкали солиқлар жумласига киради.

Пропорционал солиққа тортиш – солиқнинг ставкаси солиқ тўловчи даромадининг ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда унинг даромадига нисбатан фоизда ўрнатилади.

Преференция – инвестицион ва инновацион харажатларни молиялаштириш учун инвестицион солиқ кредити ва мақсадли солиқ имтиёзи кўринишида белгиланган (ўрнатилган) имтиёз, афзаллик.

Р

Республика бюджети – Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Республика бюджетининг даромадлари – 1) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ва нормативлар асосидаги умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар; 2) қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар; 3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадея этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари; 4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари; 5) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар; 6) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлардан иборат.

Республика бюджетининг харажатлари – ўз таркибига 1) республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағи олувчиларнинг жорий харажатлари; 2) жорий бюджет трансфертлари; 3) капитал харажатлар (асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқариш, чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олиш, давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олиш, давлат заҳираларини вужудга келтириш харажатлари); 4) капитал

харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари; 5) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари; 6) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари; 8) давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари; 9) қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа харажатларни олади.

Республика бюджети дефицитини молиялаштириш – давлат томонидан хориждан ва ички маблағни жалб қилиш, республика бюджети маблағларининг молия йили бошланишидаги қолдиқлари ва қонунларга мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Реал солиқ – солиқ тўловчининг айрим мулкларини солиққа тортадиган тўғри солиқлардан иборат.

Регрессив солиқ – солиққа тортиладиган даромаднинг ошиши билан солиқ ставкасининг пасайиши характерлидир. Бундай солиқлар тоифасига, хусусан, эгри (билвосита) солиқларни киритиш мумкин. Регрессив солиқларнинг юки (оғирлиги) бойларга нисбатан камбағал қатламлар учун оғирроқ деб саналади. Масалан, қўшилган қиймат солиғини тўлаш учун камбағаллар бойларга нисбатан ўз даромадларининг кўпроқ қисмини (ҳиссасини) сарфлайдилар. Пропорционал солиқ ҳам регрессив бўлиши мумкин.

Регрессив солиққа тортиш – солиқ асоси (базаси)нинг ўсиб бориши билан солиқ ставкасининг пасайишини тақоза этади. Солиқ ундириш оғирлиги даромадга тескари прорпорционалдир: даромад қанча кам бўлса, солиқ тўловчи учун солиқнинг оғирлиги шунча оғирдир. Ҳозирги пайтда қўшилган қиймат солиғининг жорий этилиши билан эгри (билвосита) солиқларнинг регрессивлиги кучайиб бормоқда.

Резидентлар – календарь йилида мамлакатда 183 кундан кам бўлмаган муддатда яшаган, Ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлган ва бўлмаган солиқ тўловчилардан иборат. Шу мамлакатнинг резидентларининг даромадлари (шу мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида олинганлари ҳам) шу мамлакатда солиққа тортилиши шарт.

С

Солиқлар – қонунда белгиланган тартибдаги ставка бўйича хўжалик юритувчи субъектлардан ва фуқаролардан давлат томонидан давлат ёки маҳаллий бюджетга олинадиган мажбурий тўловлар. Солиқ, йиғим, бож ва бошқа тўловлар дейилганда қонуний актлар асосида белгиланган тартибда ва шартларда тўловчилар томонидан тегишли даражадаги бюджетларга ёки бюджетдан ташқари фондларга мажбурий бадалларнинг тўланиши тушунилади. Белгиланган тартибда олинадиган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловларнинг йиғиндиси солиқ тизимини ташкил этади.

Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш (қайддан ўтказиш) - уларни хўжалик юритувчи субъектнинг идентификациялашувини таъминлайдиган солиқ тўловчининг Давлат реестрига киритиш орқали амалга оширилади. Солиқ тўловчилар мажбурий равишда солиқ органларида ҳисобдан (қайддан) ўтиши шарт. Бунда банк ва бошқа кредит ташкилотлари солиқ тўловчилар томонидан уларнинг солиқ органларида ҳисобдан (қайддан) ўтганлигини тасдиқловчи маълумотномани тақдим этганларидан сўнгина уларга ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб варақларини очиши ҳамда белгиланган муддат ичида уларга (солиқ тўловчиларга) хабар бериши керак. Кўрсатилган талаблар бажарилмаган ҳолда банк ва бошқа кредит ташкилотларининг раҳбарлари белгиланган тартибда маъмурий жазога тортиладилар.

Солиқ асоси, негизи (базаси) – умумий ҳолда белгиланган солиққа тортиш даври мобайнида маълум ҳудуддаги солиқ тўловчилар ва солиққа тортиш объектларининг йиғиндиси.

Солиқ оғирлиги (юки, “зулми”) - давлат ва жамият ҳаётида солиқларнинг ролини характерлаб (кўрсатиб) берадиган энг умумлашган кўрсаткич. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва даромадларда солиқ ажратмаларининг салмоғини (ҳиссасини) кўрсатувчи, бозор иқтисодиётининг амалга оширилаётган моделидан келиб чиқадиган ўлчам. Солиқ йиғимларининг жами миллий маҳсулотга (ялпи ички маҳсулотга) нисбати билан аниқланади.

Солиқ имтиёзи - солиқ тўловчи солиқ мажбуриятлари ҳажмининг тўлиқ ёки қисман қисқариши, тўлов муддатининг кечиктирилиши ёки орқага сурилиши. Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси солиқ имтиёзлари тизими орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзи солиққа тортиш объектининг ўзгаришида, солиққа тортиш базасининг камайишида (қисқаришида), солиқ ставкаларининг пасайтирилишида ва бошқаларда ўз ифодасини топади. Солиққа тортилмайдиган объект минимуми, алоҳида шахслар ва солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларини солиқ тўлашдан озод қилиш, солиққа тортиш объектдан айрим элементларни чиқариш, солиқ ставкаларини пасайтириш, мақсадли солиқ имтиёзлари, солиқ кредитлари (солиқларнинг ундирилишини кечиктириш) ва бошқалар солиқ имтиёзларининг кўринишларидир (турларидир). Масалан, корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ бўйича имтиёзлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уй-жой қурилишини ривожлантириш харажатларини молиялаштиришни, тадбиркорликнинг кичик шаклларини, ногиронлар ва пенсионерларнинг бандлигини таъминлашни, ижтимоий-маданий ва табиатни муҳофаза қилиш соҳаларини рағбатлантиришга қаратилгандир. Индивидуал характерга эга бўлган солиқ имтиёзларини бериш, одатда, таъқиқланиши керак.

Солиқ ставкаси – солиққа тортиш бирлигига тўғри келувчи солиқнинг ҳажми (миқдори, даражаси). Қатъий солиқ ставкалари даромадларга боғлиқ бўлмаган ҳолда солиққа тортиш бирлигига нисбатан абсолют суммаларда ўрнатилади. Пропорционал ставкалар даромаднинг ҳажмига (миқдorigа) боғлиқ бўлмаган ҳолда унга нисбатан бир хил фоизларда белгиланади. Прогрессив солиқ ставкалари солиққа тортиладиган даромад ҳажмининг ортиши билан ошиб боради. Регрессив солиқ ставкалари эса, аксинча, даромаднинг ортиб бориши билан пасаяди.

Солиқ тизими - мамлакат доирасида (ҳудудида) тўловчилардан (юридик ва жисмоний шахслардан) белгиланган тартибда олинадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар ҳамда улар таркибий тузилишининг шакл ва услублари йиғиндиси.

Солиқ юрисдикцияси - давлат солиқ органларининг ҳуқуқий масалаларни ва солиқ ҳуқуқбузарлиги тўғрисидаги ишларни ҳал қилиш бўйича қонунга биноан (ёки бошқа меъёрий ҳужжатга кўра) белгиланган ваколатлари йиғиндиси. Бу ваколатлар икки меъзон бўйича аниқланади: 1)резидентлик; 2) ҳудудийлик. Булар, ўз навбатида солиққа тортиладиган даромадларнинг таркибини аниқлаб беради. Барча мамлакатларда бу меъзонларни қўллашда ягоналик бўлмаганлиги учун икки марта солиққа тортиш муаммоси вужудга келади. Меъзонларни танлаш ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатлари билан боғлиқдир. Айрим мамлакатлар амалиётида бу меъзонларни турли вариантларда комбинация қилиб қўллаш кенг тарқалган. Масалан, АҚШ ва Буюк Британияда асос сифатида резидентлик меъзони олинса-да, у мамлакатларнинг аниқ манфаатларига боғлиқ равишда ҳудудийлик мезони билан тўлдирилган. Лотин Америкаси мамлакатларида эса солиқ юрисдикцияси устуворлик билан ҳудудийлик меъзонини қўллаш орқали амалга оширилади. Бу тартиб Франция, Швейцария ва бошқа мамлакатларнинг солиқ амалиётида ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Солиқ қонунчилиги - давлатда солиқларнинг тури, уларни ундириш механизми ва солиқ мажбуриятларининг вужудга келиши, ўзгариши ва тўхташини тартибга солиб турувчи юридик меъёрлар йиғиндиси; молиявий ҳуқуқ институти. Солиқ ҳуқуқи давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши (қурилиши), унинг вазифа ва функциялари билан белгиланади.

Солиқ бадаллари (тўловлари) – солиқ қонунчилиги бўйича белгиланган тартибда ва муддатда солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган, ҳисобланган ёки қатъийлаштирилган суммалар. Уларни ҳисоблаш тартиби ҳар бир солиқ тури бўйича қонунга биноан аниқланади.

Солиқ тушумлари – Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджет даромадлари ва харажатлари классификациясининг даромадлар қисмидаги ҳар бир солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга мўлжалланган қисм, банд, код ва моддага мувофиқ ваколатли банкларнинг ҳисоб-китоб счётига ёзиладиган, ҳисобланган ва ҳақиқатда келиб тушган солиқ бадаллари (тўловлари) ва молиявий санкциялар.

Солиқ ҳисоб-китоблари – юридик шахслар томонидан қонунда кўзда тутилган муддатларда бухгалтерия ҳисоботи билан биргаликда солиқ органларига тақдим этилиб, ўзида маълум ҳисобот даври мобайнида тўланиши лозим бўлган ҳисобланган тўловлар суммасини акс эттиради. Солиқ суммаларини ҳисоблаш тартиби солиқ қонунчилигига кўра ҳар бир солиқ тури бўйича алоҳида-алоҳида белгиланади.

Солиқ битимлари - бир мамлакат юридик ва жисмоний шахсларнинг иккинчи мамлакатда олган даромадлари айрим турларини ва бошқа мамлакатнинг ҳудудида жойлашган шу шахсларнинг мол-мулкини солиққа тортиш ҳуқуқини ҳар бир мамлакатга бириктиришга мўлжалланган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро солиқ муносабатларини тартибга солишга йўналтирилган юридик ҳужжат. Амалиётда солиқ битимларининг икки тури учрайди: 1) махсус (чекланган) солиқ битимлари – улар чекланган характердаги масалаларни (халқаро юк ташиш, божхона тўловлари, имтиёзли солиқ режими ва шу кабилар; 2) умумий солиқ битимлари. Солиқ битимлари имзоланаётганда давлатлар қуйидаги асосий вазифаларни ечишга ҳаракат қиладилар: икки марта солиққа тортишга барҳам бериш схемасини аниқлаш – ўзаро келишаётган давлатлар учун фақат у ёки бу даромаддан солиқ ундириш ҳуқуқи бириктирилади; ҳар иккала давлатда солиққа тортиш ҳуқуқи сақланиб қолганда ҳам икки марта солиққа тортиш механизмига барҳам бериш; солиқ тўловчини бошқа мамлакатларда дискриминацион тарзда солиққа тортилишидан ҳимоя қилиш; солиққа тортишдан бўйин товлашни аниқлаш ва конвенцияни бажариш мақсадида ўзаро информация алмашиш. Бунда қуйидаги тўрт гуруҳ масалалар кўриб чиқилади: конвенциянинг қўлланиш доираси; солиқларни давлатлар ўртасида тақсимлаш; икки марта солиққа тортишга барҳам бериш; ҳаракат қилиш қоидалари. Шу битим бўйича тартибга солиб туриладиган солиқларнинг турлари ва шахсларнинг (юридик ва жисмоний) рўйхати ҳам аниқланади.

Солиқ назорати – юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш устидан амалга ошириладиган назорат. Назорат текширув ишларини амалга

ошириш давомида бевосита корхонанинг ўзида (ҳужжатли текширув) ёки корхона томонидан белгиланган муддатларда тақдим этиладиган ва солиқ органи ихтиёрига келиб тушадиган банк ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоботлари ва ҳисоб-китоблари асосида (камерал текширув) амалга оширилиши мумкин. Корхоналар устидан доимий назоратга солиқ органларида ҳар бир солиқ тури ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва келиб тушиш устидан оператив бухгалтерия ҳисобини жорий этиш орқали эришилади.

Солиқ кредити – минтақавий солиқ органи томонидан корхонага бериладиган ва тегишли шартнома билан расмийлаштирилладиган кредит. Одатда инвестициялар ва инновацион харажатларни амалга ошириш учун қайтарувчанлик ва ҳақлилиқ асосида берилди. *Қаранг: Инвестицион солиқ кредити.*

Солиқ тўхтатувчанлиги (тўсқинчилиги) – солиқ прогрессиясининг непропорционаллиги билан характерланадиган солиққа тортиш тизими. Маълум даражадан юқоридаги даромадларга янада юқорироқ (кўпроқ) солиқ ўрнатилди. Бунинг натижасида юқори даромадга эга бўлиш фойдасиз бўлганлиги учун тижорий фаолият сусаяди (пасаяди).

Солиқ тўловчилар – қонун ҳужжатларига кўра солиқ тўлаш мажбурияти юкланган жисмоний ва юридик шахслар ҳамда тўловчиларнинг бошқа тоифалари.

Солиқ даври - солиқ базасининг (негизининг, асосининг) шаклланиш жараёни тугайдиган муддат. Бу муддатда солиқ мажбуриятининг якуний ҳажми (миқдори) аниқланади. Қонун томонидан белгиланган солиққа тортиш даври давомида бир объект солиқнинг бир тури бўйича бир марта солиққа тортилиши мумкин.

Солиқ тушумларини башоратлаш (прогнозлаштириш) – аниқ ва миқдорий жиҳатдан аниқланган шаклда солиқ тушумларининг ҳажмига таъсир кўрсатувчи объекти ва субъектив омилларни олдиндан кўриш ва билиш инструменти. Солиқ тушумларини башоратлаш перспектив характердаги тадқиқот ҳисобланиб, уни ишлаб чиқишда (яратишда) реал иқтисодий шартлар ва жараёнлар ҳисобга олинишига қарамасдан у эҳтимоллик, дастлабкилик

характерига эгадир. Мамлакат ёки аниқ бир минтақа иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг комплекс дастури башоратлашнинг асосидир. Шу билан биргаликда бунда содир бўлиши мумкин бўлган чекланишлар (четланишлар, оғишлар), ҳукмрон тенденциялар (оқимлар) ва уларни фарқ қилиш соҳаларини аниқлашга ҳам эътибор бермоқ лозим. Башоратлаш шошилинич (оператив) (бир ойгача), қисқа муддатли (бир йилгача), ўрта муддатли (беш йилгача) ва узоқ муддатли (беш йилдан ортиқ) каби турларга бўлиниши мумкин. Хилма-хил даврий горизонтларга (уфқларга) эга бўлган истиқболни белгилашнинг (башоратлашнинг) мазмуни истиқболи белгиланаётган жараёнларнинг табиати билан белгиланади: қанчалик барқарорлик бўлса, башоратлаш горизонти (уфқи) шунчалик кенг бўлади. Башоратлаш ҳисоб-китоб қилинаётганда ўтган даврларда солиқларнинг қанчалик тушиб турганлигини характерлайдиган ҳақиқатдаги динамик қаторлар ҳам ҳисобга олиниши керак.

Солиқ элементлари – давлатнинг қонун актлари асосида аниқланган солиқларнинг тузилиши (қурилиши) принциплари ва уларни ундиришни ташкил қилиш, солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ўзида акс эттиради. Солиқларнинг элементлари таркибига қуйидагилар киради: 1) солиқ субъекти (солиқ тўловчи); 2) солиқни ўзида ташувчи (намоён этувчи); 3) солиқ объекти; 4) солиқ манбаи; 5) солиққа тортиш бирлиги; 6) солиқ ставкаси (солиққа тортиш нормаси, меъёри); 7) солиқ имтиёзлари; 8) солиқ оклади. Солиқ қонунчилиги нуқтаи-назаридан юқорида санаб ўтилганлардан ташқари солиқнинг муҳим элементлари қаторига яна қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) солиқ масштаби; 2) солиққа тортиш базасини (асосини, негизини) ҳисобга олиш усули; 3) солиқ даври; 4) солиқни ҳисоблаш тартиби; 5) ҳисобот даври; 6) солиқни тўлаш муддатлари; 7) солиқни тўлаш усули ва тартиби.

Солиқ квотаси – солиққа тортишнинг маълум бирлигидан олинadиган солиқнинг миқдори, ҳажми, ўлчами.

Солиққа тортиш – қонуний равишда ўрнатилган солиқ ундириш (олиш) тартиби. Иқтисодиётни тартибга солиш солиққа тортишнинг асосий функциясидир. Солиқ сиёсатининг ричаглари ёрдамида давлат хўжалик

конъюнктурасининг холатига таъсир кўрсатади ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Солиққа тортишнинг бошқа бир функцияси пул маблағларини қайта тақсимлашдир. Солиққа тортишнинг бир-биридан фарқ қилувчи дигрессив, прогрессив, пропорционал ва регрессив турлари мавжуд.

Солиққа тортиш манбаи - солиқларни тўлаш учун фойдаланиладиган резерв, одатда, солиқ тўловчининг даромади ва капитали. Энг умумий шаклда солиққа тортиш манбаи бўлиб солиққа тортиш объектдан қатъий назар ижтимоий такрор ишлаб чиқариш асосий қатнашчиларининг ва давлатнинг бирламчи пул даромадларини шакллантирувчи ялпи ижтимоий (ички) маҳсулот ҳисобланади.

Солиққа тортиш нормаси – солиққа тортиладиган қийматнинг ҳақиқий қийматга нисбати.

Солиққа тортиш объектлари – қонунга мувофиқ фойда (даромад), маълум бир маҳсулотлар қиймати, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки, мол-мулкни бериш (мерос, ҳадя этиш), қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялар, фаолиятнинг айрим турлари ва бошқалардан иборат. Солиққа тортишнинг бир объекти бир турдаги солиқ билан белгиланган муддатда (ой, чорак, ярим йил, йил) бир марта солиққа тортилиши мумкин.

Солиққа тортиш принциплари (тамойиллари) – солиқ сиёсатини амалга оширишни белгилаб берадиган ва солиқлар бўйича бюджет топшириқларини тузиш орқали реализация қилинадиган мустаҳкам ўрнашиб қолган қоидалар йиғиндиси. Уларнинг энг муҳимлари қаторига қуйидагилар киради: 1) адолатлилик. Бу принцип фуқаролар ўртасида уларнинг даромадларига мос равишда солиқларнинг бир текис тақсимланишини ва солиққа тортишнинг ҳаммага (энг умумийлигини) тегишли эканлигини тақоза этади; 2) аниқлилик. Бу принцип солиқнинг суммаси, уни ҳисоблаш тартиби (услуги) ва тўлов вақти солиқ тўловчига олдиндан аниқ маълум бўлиши кераклигини талаб қилади; 3) қулайлилик. Бу принцип солиқ тўловчилар учун солиқнинг олиниш услуги (тартиби) ва вақти энг қулай бўлиши кераклигини англатади; 4) иқтисод қилиш, тежаб тергаш. Бу принципнинг мазмуни солиққа тортиш тизимини оқилоналаштириш ва солиқларни ундириш харажатларини

камайтиришдан иборатдир. Вақт ўтиши билан солиққа тортишнинг бу принциплари қаторига солиқларнинг ҳаракатчанлиги ва етарлилигини таъминлаш (давлатнинг объектив эҳтиёжлари ва имкониятларига мувофиқ солиқ оширилиши ёки қисқартирилиши (камайтирилиши) мумкин), солиққа тортишнинг зарурий манбаси ва объектини танлаш, солиққа тортишнинг бир марталилиги каби принциплар ҳам қўшилди.

Солиққа тортиш назариялари – солиққа тортиш амалиётини назарий жиҳатдан асослашга уриниш. Солиққа тортиш назарияси тарихида энг долзарб муаммо сифатида қуйидаги саволларнинг жавобини излаб топиш саналади: Бюджет даромадларини шакллантиришда соф фискаль усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқми ёки солиқларни пасайтириш орқали тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва солиққа тортиш базасини кенгайтириш керакми? Буларнинг қайси бири афзал? Қайси бири мақсадга мувофиқ? ва ҳ.к.

Солиқлар классификацияси – солиқларнинг ундирилиш услуги, қўлланиладиган ставкаларнинг характери, солиқ имтиёзлари, солиққа тортиш манбаи ва объекти каби белгилар бўйича гуруҳларга ажратилиши (бўлиниши). Белгиланиш услугига кўра солиқлар тўғри (бевосита) ва эгри (билвосита) солиқларга бўлинади. Даромад солиғи, фойда солиғи, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи кабилар тўғри (бевосита) солиқлардир. Эгри (билвосита) солиқлар хўжалик актлари ва айланмалари, молиявий операцияларни амалга оширишдан вужудга келади. Қўшилган қиймат солиғи, бож тўловлари, акцизлар, қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялардан олинандиган солиқ ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Солиққа тортиш манбалари бўйича ҳам солиқлар гуруҳланади: ишлаб чиқариш харажатларининг (таннарх)нинг таркибига кирувчи, фойда (даромад)дан олинувчи ва бошқа солиқлар. Солиққа тортиш объектлари бўйича солиқлар классификация қилинганда улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: мулк солиқлари, ресурс солиқлари (ер солиғи ҳам шу гуруҳга киради), даромад ёки фойда солиғи, ҳаракат солиқлари (хўжалик актлари, молиявий операциялар,

реализация бўйича айланмалар, баъзи бир қолган солиқлар ва бир марталик йиғимлардан иборат бўлган солиқлар.

Солиқларнинг функциялари – шу иқтисодий категориянинг даромадларни қиймат жиҳатидан тақсимлаш ва қайта тақсимлаш инструменти сифатида ижтимоий мўлжалланганлигининг қай даражада амалга оширилаётганлигини кўрсатади. Солиқлар қуйидаги функцияларни бажаради: фискаль; тартибга солиш (рағбатлантириш).

Солиқларнинг фискаль функцияси – солиқларнинг энг асосий ижтимоий мўлжалланганлигини ўзида акс эттиради, давлатнинг молиявий натижаларини шакллантиради, унинг ўз функцияларини бажариши учун зарур бўлган ресурсларни бюджет тизими ва нобюджет фондларга тўплаш имконини беради.

Солиқларнинг тартибга солиш (рағбатлантириш) функцияси - молиявий (солиқ) механизм (и) орқали давлатнинг мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлайди. Бу функциянинг қуйидаги бир неча шакллари бўлиши мумкин: назорат; рағбатлантириш; тартибга солиш; такрор ишлаб чиқариш. Улар солиқ механизмнинг самарадорлигини баҳолаш имконини беради, молиявий ресурсларнинг ҳаракати устидан назоратни таъминлайди, солиқ тизими ва бюджет сиёсатига ўзгартириш киритиш зарурлигини аниқлайди. Рағбатлантириш имтиёзлар, чеклашлар, чегирмалар, афзал кўриш тизими орқали амалга оширилади ва улар солиққа тортиш объектининг имтиёзларни шакллантириш белгилари билан узвий равишда боғлиқ бўлади, солиққа тортиш объектининг ўзгаришида, солиққа тортиладиган база (асос)нинг камайишида, солиқ ставкасининг пасайтирилишида ва шу кабиларда намоён бўлади. Такрор ишлаб чиқариш табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларда, йўл фондлари учун олинадиган солиқларда, минерал хом ашё базаларини такрор ишлаб чиқаришга мўлжалланган солиқларда намоён бўлади.

Солиқларнинг турлари – Ўзбекистон ҳудудида олинадиган умумдавлат солиқлари, маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан иборат. Умумдавлат солиқларининг таркибига юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, қўшилган

қиймат солиғи, акцизлар, ер ости бошлиқларидан фойдаланганлик учун солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ кабилар киради. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар мол-мулк солиғи, ер солиғи, реклама солиғи, автотранспорт воситаларини сотганлик учун солиқ, савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турдаги маҳсулотларни сотиш ҳуқуқини буерувчи лицензия йиғимлари, юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим, автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим, ободонлаштириш ишлари учун йиғимлардан иборатдир.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ҳамда тўланиши устидан сўнги (навбатдаги, кейинги) назорат - давлат томонидан солиқ органлари ёрдамида икки босқичда амалга оширилади : а) корхоналардан бўхгалтерия ҳисоботлари ва солиқ ҳисоб-китоблари қабул қилинаётганда; б) бевосита корхонанинг ўзида бошланғич бухгалтерия ҳужжатларини текшириш йўли билан.

Сотиб олиш солиғи - давлат даромадларини кўпайтириш ёки айрим маҳсулотларни ишлаб чиқаришни чеклаб қўйиш мақсадида мамлакатда ишлаб чиқарилаётган айрим маҳсулотлардан олинадиган солиқ. Одатда экспортга мўлжалланган маҳсулотлардан олинмайди.

Сотиш солиғи – маҳсулотларнинг сотиш қийматиغا нисбатан фоизларда белгиланадиган ва ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланадиган солиқ. Акцизларнинг кўринишларидан бири.

Сотишдан олинадиган солиқ – айрим хорижий мамлакатларда (масалан, АҚШнинг айрим штатларида) қўлланилади ва истеъмолдан олинадиган эгри (билвосита) солиқни ўзида гавдалантиради. Одатда, бу солиққа истеъмол маҳсулотлари (ресторанлар бундан мустасно) тортилмайди.

Секвестр – йилнинг охиригача қолган вақт давомида бюджетнинг барча моддалари бўйича (ҳимоя қилинганларидан ташқари) давлат харажатларини пропорциональ равишда қисқартириш.

Суғурта – ноқулай (тасодифий) ҳодисалар ва воқеликлар содир бўлганда жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга нисбатан етказилган моддий зарарларни қоплаш (тиклаш) учун пул маблағларининг мақсадли фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича қайта тақсимлаш муносабатларининг алоҳида соҳаси.

Суғурта шартномаси – суғуртанинг аниқ бир тури шартларига мувофиқ ўзаро мажбуриятларни тартибга солувчи суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги битим (юридик келишув). Суғурталанувчининг ёзма аризасига мувофиқ тузилади, айрим ҳолларда оғзаки тузилишига ҳам йўл қўйилади, суғурта объекти тўғрисидаги зарурий маълумотларни (манзили, миқдорий ва сифат тавсифномаси, аҳволи ёки ҳолати ва бошқалар) ва суғурта рискинни қабул қилишга суғурталовчининг розилигини ўзида мужассам этиши керак.

Суғурта ҳимояси - ижтимоий ишлаб чиқариш ва аҳолининг турмуш даражасига нисбатан етказилган юқотмаларга барҳам бериш ёки уларни қоплаш (тиклаш) билан боғлиқ бўлган ўзига хос тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабатларининг мажмуини ўзида мужассам этган иқтисодий категория(кенг маънода); конкрет объектларга: моддий бойликлар, ҳаёт, соғлиқ, фуқароларнинг меҳнатга лаёқатлилиги ва бошқаларга етказилган зиёнларни тиклаш ва уларга барҳам бериш борасидаги қайта тақсимлаш муносабатларининг мажмуи (тор маънода).

Суғурта мукофоти – қонун ёки суғурта шартномасига мувофиқ равишда суғурталанувчининг суғурталовчига суғурта риски учун ҳақ тўлови. Тариф ставкаси, суғурта суммаси, суғурта муддати ва бошқа омилларга боғлиқ равишда аниқланади.

Суғурта гувоҳномаси (суғуртавий полис) – тузилга суғурта шартномаси ва унинг шартлари мазмунини ўзида мужассам этганлигига гувоҳлик берувчи суғурталовчи томонидан суғурталанувчига ўрнатилган намунага мувофиқ бериладиган ҳужжат. Суғурталанувчига у томонидан биринчи марта ёки бир марталик суғурта бадали тўланганидан сўнг берилади. Унда суғуртанинг асосий шартлари:

суғурталанувчининг фамилияси ва исми шарифи, унинг реквизитлари, суғурта ҳажми, суғурта мажбурияти ҳажми, суғурта суммасининг миқдори, суғурта тарифи, суғурта қопланмасини олувчи ва бошқалар ўз ифодасини топади.

Суғурта бозори – олди-сотди объекти ўзига хос товар – суғурта хизмати - бўлган ва унга нисбатан таклиф ва талаб шаклланадиган пул муносабатлари соҳаси. Суғурта ҳуқуқий муносабатлари иштирокчилари ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг шакли.

Суғурта бозори ассортименти – суғурталанувчи мурожаат қилиши мумкин бўлган суғурта турли кўринишларининг (турларининг) тўплами (мажмуи).

Суғурта резервлари – суғурта бадаллари ҳисобидан шаклланадиган ва биринчи навбатда, суғурталанувчиларга суғурта тўловларини амалга оширишга сарф (харж) қилинадиган махсус фондлар. Даромадларга эмас, балки суғурталовчининг мажбуриятларига боғлиқ равишда шаклланади (ташқил қилинади).

Сметали молиялаштириш – ноишлаб чиқариш соҳаси корхона ва ташкилотлари харажатларини қоплаш методи.

Социал таъминот - қариганда, ногиронлик бўйича, боқувчисини юқотганда ва қонунда белгиланган бошқа ҳолатларда фуқароларни моддий таъминлаш учун миллий даромаднинг бир қисмини пул маблағларининг ижтимоий фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш жараёни билан боғлиқ бўлган тақсимлаш муносабатлари тизими.

Т

Тараққиёт бюджети - давлат бюджетининг таркибий қисми, унинг капитал харажатлари таркибида шакллантирилади ва инвестицион лойиҳаларни кредитлаштириш, инвестициялаштириш ва кафолатли таъминлаш учун фойдаланилади.

Тартибга солувчи (тартибловчи) даромадлар – тегишли бюджетда кўзда тутилган барча харажатларни тўлиқ қоплаш мақсадида умумдавлат солиқларидан қуйи бюджетдаги бириктирилган даромадларнинг устига юқори

бюджетдан бериладиган даромадлар. Бундай даромадларнинг таркибига қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, корхоналардан олинадиган даромад (фойда) солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи кабилар киради. Бу солиқлар бўйича даромадлар қуйи бюджетлардаги тушумларни тартибга солиш учун молиявий ҳисобот даврида (одатда, бир йилда) белгиланган тартибда тасдиқланган ставкалар бўйича солиқлардан фоиз ажратмалари кўринишида фойдаланилади. Тартибга солувчи даромадлар бўйича ажратмалар бевосита қуйи бюджетларга бориб тушади, ажратмалар ставкаси (нормативи) эса давлат бюджети тасдиқланаётган пайтда аниқланади.

Ташқи қарзни реструктуризация қилиш – қарзни қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаш муддатларини узайтириш.

Тақсимланмаган фойда солиғи – алоҳида солиқ тўловчи сифатида тан олинган акционерлик компаниялари, банклар ва бошқа институтлар фойдасининг дивидентларга тақсимланмаган қисмидан олинади.

Транспорт воситаларининг эгаларидан олинадиган солиқ – транспорт воситаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланади. Солиқнинг ставкаси от кучида ифодаланган двигательнинг қувватига боғлиқдир. Унинг суммаси маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш харажатларининг таркибига киритилади.

Тўғри (бевосита) солиқлар – даромад солиғи, фойда солиғи, ресурс тўловлари, мол-мулк солиғи ва бошқалардан иборат бўлиб, уларга эгаллик қилиш ва улардан фойдаланиш солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тўғри (бевосита) солиққа тортиш – шахсан ёки иш берувчи орқали солиқларни солиқ хизматларига тўғридан-тўғри тўлаш орқали амалга ошириладиган жамият аъзоларини бевосита солиққа тортишдан иборат. Аниқ бир шахснинг аҳволига боғлиқ бўлмасдан, балки унинг қандай маҳсулотларни сотиб олишига боғлиқ бўлган эгри (билвосита) солиққа тортишдан фарқ қилади.

Тўлов баланси - маълум бир давр (ой, чорак, ярим йил, йил) мобайнида мамлакат томонидан хорижга тўланган тўланмалар ва хориждан олинган тўловлар ўртасида нисбат.

Ўз ичига тегишли даврда мамлакат товарлари экспорти ва импорти қийматларини ифодаловчи савдо балансини, хизматлар балансини ва нотижорий тўловни олади. Буларнинг барчаси жорий операциялар бўйича тўлов балансини шакллантиради. Мамлакатнинг умумий тўлов баланси эса жорий операциялар бўйича тўлов баланси, капиталлар ва кредиторлар ҳаракати баланси, шунингдек, олтин ва валюта резервлари ҳаракати балансидан ташкил топади.

Тўлов айланмаси – мамлакат иқтисодиётидаги барча пулли тўловлар (пул тўловларининг) мажмуи (йиғиндиси, тўплами).

Тўловларнинг навбатлилиги - бир неча муддатли ва муддати ўтиб кетган тўловлар мавжуд бўлганда ва уларни тўлиқ тўлаш (қайтариш, узиш) учун маблағлар етарли бўлмаган ҳолда тўловчининг ҳисоб варағидан пул маблағларини ўтказиш (олиш, ундириш) кетма-кетлиги.

Тиббиёт суғуртаси – соғлиқни сақлаш бўйича аҳоли манфаатларини социал ҳимоя қилишнинг шакли. Суғурта ҳодисаси рўй берган пайтда фуқароларга тиббий ёрдам олинишини кафолатлайди. Икки шаклда амалга оширилиши мумкин: мажбурий ва ихтиёрий.

У

Умумдавлат молияси - давлатнинг функциялари ва вазифаларини бажариш ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун шароитларни яратиш мақсадида марказлаштирилган пул маблағлари фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар тизими.

Уй-жой солиғи – кўчмас мулк солиғининг кўринишларидан бири бўлиб, бу солиққа уй-жойга эга бўлганлар тортилади.

Ф

Фойда солиғи – хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдасидан олиниб, бюджетнинг муҳим даромадларидан бири ҳисобланади. Бу тўғри (бевосита) солиқдир. Унинг суммаси солиқ тўловчи корхонанинг якуний молиявий натижаларига боғлиқ бўлади. Молия йилида солиқ солинадиган фойдага эга бўлган юридик шахслар фойда солиғини тўловчилар ҳисобланади. Ялпи фойда билан маълум чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган фойда солиққа тортиш объектидир. Фойда солиғи барча солиқлар тўлангандан сўнг корхона ихтиёрига қолган фойда ҳисобидан тўланади.

Фуқароларнинг йиллик жами даромади - уларнинг корхонада олган пул ва натурал кўринишдаги барча тўланмаларидан иборат. Хорижий валютада олинган фуқароларнинг даромади солиққа тортиш мақсадлари учун даромад олинган кундаги Марказий банкнинг курси бўйича миллий валютада аниқланади. Фуқароларнинг йиллик жами даромади таркибига (солиққа тортиш мақсадлари учун) қуйидагилар киритилмайди: пенсиялар; давлат ижтимоий нафақалари (вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун нафақалардан ташқари); компенсацион тўланмалар; моддий ёрдам кўрсатиш суммалари (табиий офат муносабати билан); давлат заёми облигациялари ва лотереялари бўйича ютўқлар; банклар ва бошқа кредит ташкилотларидаги омонатлар бўйича фоизлар ва бошқалар.

Х

Харажатларни республика бюджетидан молиялаштириш – қуйидагилар республика бюджетдан молиялаштирилади: фан, таълим, маданият, соқлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт (республикага бўйсунадиган ташкилотлар бўйича); ижтимоий таъминот; мудофаа, миллий хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш; судлар ва прокуратура органлари фаолиятини таъминлаш; давлат заҳираси ва сафарбарлик заҳирасини вужудга келтириш

ҳамда уларни сақлаш; давлат марказлаштирилган инвестицияларини амалга ошириш; давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги дипломатик ваколатхоналари ҳамда миссиялари фаолиятини таъминлаш; иқтисодиёт турли тармоқларининг республикага бўйсунадиган бюджет ташкилотларини сақлаш; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш; ер тузиш, мелиоратив, табиатни муҳофаза қилиш ва эпизоотияга қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошириш; қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш; гидрометеорология, дўлга қарши кураш чора-тадбирлари; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Харажатларни Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш – қуйидагилар юқорида таъкидланган бюджетлардан молиялаштирилади: фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт (Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларидан молиялаштирилган бюджет ташкилотлари бўйича); ижтимоий таъминот; аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш; Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш; иқтисодиёт турли тармоқларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджет ташкилотларини сақлаш; қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Хорижий давлатларнинг ҳукуматлари, банклари ва фирмаларига боғланган кредитлар – хорижий давлатларнинг ҳукуматлари, банклари ва фирмалари маблағлари ҳисобидан кредитор мамлакатдан товарлар, ишлар ва хизматлар сотиб олиш учун қайтарилиш ва тикланиш асосида маблағларни жалб қилиш шакли.

Ц

Цессионарий – қайта суғурталашда рискни ўзига қабул қилувчи суғурталовчи.

Э

Эгри (билвосита) солиқлар - хўжалик актлари ва айланмалари ҳамда молиявий операциялардан келиб чиқади. Бу солиқларнинг таркибига қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, божхона бождари, қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялардан олинандиган солиқ ва бошқалар киради. Улар баҳо ёки тарифга устама (қўшимча) тарзида (кўринишида) ўрнатилиб, солиқ тўловчиларнинг даромадлари билан белгиланандиган (аниқланандиган) тўғри (бевосита) солиқлардан фарқ қилади.

Эгри (билвосита) солиққа тортиш - даромадлар сарф қилинаётган пайтда тўланандиган солиқлар тизимини ўз ичига олиб, даромадлар билан эмас, балки харажатлар билан боғлиқдир. Масалан, сотувдан олинандиган солиқ (сотув солиғи), акцизлар, қўшилган қиймат солиғи ва ҳ.қ. Эгри (билвосита) солиққа тортишда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ёки хизматни кўрсатувчи уларни таркибида устама (қўшимча) бўлган баҳода (тарифда) сотади ва тушумдан маълум бир солиқ суммасини давлат ихтиёрига ўтказди. Шундай қилиб, амалда у солиқлар йиғувчи, сотиб олувчи эса эгри (билвосита) солиқни тўловчи бўлиб ҳисобланади. Шунга мос равишда эгри (билвосита) солиққа тортишда шу солиқни тўлаши керак бўлган ва шу солиққа тортилиши лозим бўлган юридик ва жисмоний шахслар турлича шахслардир.

Ю

Юридик шахслардан олинандиган солиқлар – қўшилган қиймат солиғи, корхона ва ташкилотларнинг даромади (фойдаси)дан олинандиган солиқ, акцизлар, йўл фондини шакллантириш учун манба сифатида фойдаланиладиган

солиқлар, корхона мол-мулки солиғи, ер учун тўловлар, реклама солиғи, биржада амалга оширилган битимлардан олинадиган йиғим, маҳаллий аукцион ва лотереяларни ўтказиш ҳуқуқи учун лицензия йиғим, бошқа солиқ, йиғим ва мажбурий тўловлардан иборат.

Я

Яширин солиқ - истеъмолчи томонидан бевосита тўланмайдиган, лекин унга мўлжалланган маҳсулотнинг баҳоси таркибига уни огоҳлантирмасдан, унга хабар бермасдан, унга билдирмасдан киритилган солиқ. Масалан, божлар.

Ў

Ўзаро суғурта жамияти – нотижорий типдаги суғурта ташкилоти, ўзларининг мулкий манфаатларини суғурта ҳимояси учун бадал асосида вужудга келган жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий бирлашмаси сифатида амал қилади (фаолият кўрсатади).

Қ

Қайта суғурталаш – баланслаштирилган (мувозанатлаштирилган) суғурта портфелини яратиш мақсадида суғурта объекти бўйича суғурталовчи мажбуриятларининг бир қисмини бошқа суғурталовчига бериш билан боғлиқ бўлган иқтисодий (молиявий) муносабатлар тизими.

Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети – Давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари фондини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, бюджетда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Қимматли қоғозлар – ўзининг эгасига дивидент ва фоиз кўринишида даромад олиш ҳуқуқини берувчи мулк титули. Уларнинг таркибига акциялар, облигациялар ва бошқалар киради.

Қўшилган қиймат – сотилган (реализация қилинган) маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар қиймати билан ишлаб чиқариш ва муомала харажатларининг таркибига киритилган моддий харажатларнинг қиймати ўртасидаги фарқ.

Қўшилган қиймат солиғи - ишлаб чиқариш ва муомала жараёнларининг барча босқичларида яратилган қўшилган қиймат бир қисмининг бюджетга олиш шакли. Эгри (билвосита) солиқларнинг таркибига киради. Маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация ва импорт қилиш обороти қўшилган қиймат солиғи солинадиган объект ҳисобланади. Реализация бўйича солиқ солинадиган оборот реализация қилинадиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) қиймати асосида, қўлланиладиган нархлар ва тарифларни инобатга олган ҳолда, акциз солиғини ҳисобга олиб уларга қўшилган қиймат солиғини киритмасдан белгиланади. Бу солиқни тўловчилар қаторига мулкчилик шакли ва кимга тегишли эканлигидан қатъий назар ишлаб чиқариш ва тижорий фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар (хорижий инвестицияли корхоналар ҳам) киради.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. “Бюджет тизими тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 14 декабрь 2000 йил.
3. “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 26 август 2004 йил.
4. “Автомобиль йўллари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1992 йил.
5. “Аҳоли бандлиги тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1998 йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПП-1245-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПП-1024-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сонли “Ўзбекистон Республика-

сининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги 3431-сонли Фармони, 2004 йил.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2006 йил.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 490- сонли “Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бошқарувини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, 2004 йил.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Пенсия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 459-сонли қарори, 1996 йил.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 498-сонли “Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва харажат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика йўл жамғармаси ва “Ўзавтойўл” давлат акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 36 -сонли қарори, 2003 йил.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бандликни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш бўйича 173-сонли қарори, 2003 йил.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бюджетдан ташқари “Мактаб таълими жамғармасини

ташқил этиш чора–тадбирлари тўғрисида”ги 263-сонли қарори, 2004 йил.

20. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. – 80 б.
21. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 б.
22. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёти йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
23. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгилаш ва иқтисодий ислоҳотимизнинг пировард мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
24. Каримов И.А. Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йулида. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
25. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
26. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
27. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
28. Абдуллаев Ё.А., Срожиддинова З.Х., Усипбаев Н.И. Государственные финансы Республики Узбекистан. Учебное пособие. – Т.: ТФИ, 2001.
29. Александров И.М. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник. –М.: Дашков и К, 2006.
30. Алле М. За реформу налоговой системы / Пер. с фр. – М. 2001.
31. Афанасьев М. Бюджетная политика и бюджетный процесс. Материалы к лекциям. Ч.1,2. – М.: ГУ ВШЭ, 2000.
32. Афанасьев М. Предпосылки концепции бюджетного устройства и бюджетного процесса // Вопросы экономики, 2000. №11.

33. Америка Қўшма Штатларининг федерал бюджет тизими: шакллантириш, мувофиқлаштириш ва ижро этиш тамойиллари. - Т.: Фан, 2004.
34. Бабич А., Павлова Л. Государственные и муниципальные финансы: Учебник для вузов. – М.: Финансы: ЮНИТИ, 1999.
35. Бабич А., Павлова Л. Финансы. Денежное обращение. Кредит: Учебник. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.
36. Бланк И.А. Основы финансового менеджмента. В 2-х томах. Киев: Ника-центр, 1999.
37. Большаков С.В. Финансы предприятий: теория и практика. – М., 2005.
38. Банковское дело: Учебник / Под ред. О.И.Лаврушина. – М., 2005.
39. Брайчева Т.В. Государственные финансы: Учебное пособие. СПб. 2001.
40. Брег С. Настольная книга финансового директора / Пер. с англ. – М., 2005.
41. Брейли Р., Майерс С. Принципы корпоративных финансов / Пер. с англ. – М., 2004.
42. Бригхэм Ю.Ф. Энциклопедия финансового менеджмента / Пер. с англ. - М. 1998.
43. Брюммерхофф Д. Государственные финансы: теория государственных финансов/ Пер. с нем. под ред. А.Кудрина, В.Дзгоева. Владикавказ: Пионер-Пресс, 2002.
44. Бушмин Е.В. Бюджет: процедуры и эффективность. – М.:Альтернатива-Евролинц, 2003.
45. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник/Под ред. М.Романовского, О.Врублевской. – М.: Юрайт, 1999.
46. Бюджетная система и учёт в Росси: Учебно-методическое пособие / Под общ. ред. В.М.Герасимова, М.П.Афанасьева, Б.П.Елисеева, А.Г.Шорникова, - М.: Мысль, 2002.
47. Бюджетная система России: Учебник для вузов / Поляк Г., Астахов А., Вафина Л., и др.; Под ред. Г.Поляка. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 1999.

48. Бюджетная система Российской Федерации. Под ред. проф. М. В. Романовского и проф. О. В. Врублевской. - М.: Юрайт, 2000.
49. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник. Под ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской. -М.: Юрайт, 2001.
50. Бюджетная система Российской Федерации. Учебник. Под ред. Г.Б. Поляка. -М.: ЮНИТИ, 2001.
51. Бюджетный федерализм и межбюджетные отношения: проблемы и перспективы развития. -СПб.: Изд. Кодекс INFO, 2001.
52. Бюджетный процесс в Российской Федерации: Учебное пособие /Баранова Л., Врублевская О., Косарева Т., Юринова Л. – М.: Перспектива, 1998.
53. Быстряков А.Я. Реформа государственного финансового контроля (вопросы теории и практики) – М., 2003.
54. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 316 б.
55. Ваҳобов А.В., Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети: Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия-, 2002.
56. Ваҳобов А.В., Жамолов Х.Н. Согласование межбюджетных отношений: Учеб.пос. -Т.: Иқтисод-молия, 2003.
57. Ваҳобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги: Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия. 2005.
58. Ваҳабов А.В., Срожиддинова З.Х. Государственный бюджет: Учебник. -Т.: Иқтисод-молия, 2006.
59. Ваҳабов А.В., Срожиддинова З.Х. Государственный бюджет: Учебник. -Т.: Иқтисод-молия, 2007.
60. Вавилов А. Государственный долг: уроки кризиса и принципы управления. –М.: Городец-издат, 2001.
61. Ван Хорн Дж.К. Основы управления финансами / Пер. с англ. – М., 2000.
62. Воронин Ю.М. Государственный финансовый контроль: вопросы теории и практики. – М., 2005.

63. Газеталар: “Солиқлар ва божхона хабарлари” (Ўзбекистон), “Бизнес вестник Востока” (Ўзбекистон), “Финансовая газета” (Россия), “Экономика и жизнь” (Россия).
64. Годин А.М., Максимова Н.С., Подпорина И.В. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник.- 2-е изд. испр. и доп. – М.: Дашков и К, 2006.
65. Государственный бюджет: от подготовки до исполнения. Министерство экономики, финансов и планирования. – Париж: Les Editions de Bergu. 1995.
66. Государственные и муниципальные финансы: Учебник / под общ. ред. И.Д.Мацкуляка. – М., 2003.
67. Государственное регулирование рыночной экономики: Учебник. – М., 2002.
68. Данилов Ю.А. Рынки государственного долга: мировые тенденции и российская практика. – М., 2002.
69. Давлат молияси тизими. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами, 3 жилдлик, -Т.: Ўзбекистон, 2002.
70. Деньги, кредит и банки: Учебник / Под ред. О.И.Лаврушина. – М., 2004.
71. Долан Э., Кэмпбелл К., Кэмпбелл Р. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Москва-Ленинград: «Профико», 1991.
72. Дробозина Л.А. Общая теория финансов. – М.: Банки и биржи, 1999.
73. Дмитриев М. Бюджетная политика в современной России. – М.: Московский Центр Карнеги, 2001.
74. Дыбаль С.В. Финансовый анализ: теория и практика: Учебное пособие. – СПб., 2004.
75. Журналлар: “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси”, “Солиқ тўловчининг журнали”, “Бозор, пул ва кредит”, “Экономическое обозрение”, “Вопросы экономики” (Россия), “Финансы” (Россия), “Налоговый вестник” (Россия).
76. Журавлева Л.В. Бюджетная политика как метод государственного регулирования. – М.: Дело ЛТД, 2001.
77. Зуева И.А. Пути внедрения государственного аудита // Финансы, 2005. №6.

78. Орешин В.П. Государственное регулирование национальной экономики: Учебное пособие. –М.: Юрист, 1999.
79. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение в Российской Федерации. – М., 2006.
80. Пеньков Б.Е. Налоговый импульс экономического роста // Экономист, 2005. №6.
81. Премчанд А. Управление государственными финансами. –Вашингтон: МВФ, 1994.
82. Пономаренко Е.В. Финансы общественного сектора России. – М., 2001.
83. Пономаренко Е.В. Финансовые приоритеты общественного сектора экономики, - М., 2001.
84. Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов: Учебное пособие. –М.:Финансы и статистика, 2003.
85. Романовский М., Врублевская О., Сабанти Б. Финансы: Учебник для вузов. – М.: Юрайт, 2000.
86. Румянцева Е.Е. Финансы организаций. – М., 2003.
87. Румянцева Е.Е. О новых подходах к управлению финансами предприятий // Финансы и кредит. 2004. №24.
88. Сабанти Б. Теория финансов: Учебное пособие. – М.: Менеджер, 1998.
89. Срождиддинова З.Х., Вахобов А.В., Сиддиков Ж.Р. Государственный бюджет Республики Узбекистан. Учебное пособие. –Т.: ТФИ, 2001.
90. Селезнева Н.Н., Ионова А.Ф. Финансовый анализ. Управление финансами. –М., 2003.
91. Станиславчик У.Н. Основы финансового менеджмента. –М., 2001.
92. Тренев Н.Н. Управление финансами: Учебное пособие. – М., 2003.
93. Финансы, налоги и кредит: Учебник / Под общ. ред. И.Д.Мацкуляка. – М., Изд-во РАГС, 2007.
94. Финансы: Учебник для вузов / Дробозина Л., Поляк Г., Константинова Ю. и др.; Под ред. Л.Дробозиной. –М.: Финансы: ЮНИТИ, 2000.
95. Финансы / Под ред. В.М.Родионовой. – М., 2001.

96. Финансы предприятий: Учебное пособие / Под ред. Н.В.Колчиной. –М., 2005.
97. Финансы и кредит / Под ред. А.М.Ковалевой. – М., 2005.
98. Финансы, денежное обращение и кредит: Учебник. 2-е изд., перераб. И доп. / Под ред. В.К.Сенчагова и А.И.Архипова. – М., 2004.
99. Финансовый менеджмент / Под ред. А.Ф.Самсонова. –М., 2004.
100. Формирование национальной финансовой стратегии России: путь к подъёму и благосостоянию. –М., 2004.
101. Фостер Р.-С. Искусство слияний и поглощений / Пер. с англ. – М., 2004.
102. Филатов О.К., Козловских Л.Я., Цветкова Т.Н. Планирование, финансы, управление на предприятии: Практическое пособие. –М., 2005.
103. Федякина Л.Н. Международные финансовые отношения. – СПб. 2004.
104. Хэррис Дж. Мэнвилл. Международные финансы / Пер. с англ. - М., 1996.
105. Шарифходжаев М.Ш., Срожиддинова З.Х., Туляганова Н.Б. Бюджетная политика Республики Узбекистан. Учебное пособие. –Т.: ТФИ, 2001.
106. Шадыбаев Т. и др. Фонд реконструкции и развития: сферы влияния // Экономическое обозрение, №11-12, 2007.
107. Шуляк П.Н. Финансы предприятий: Учебник. – М., 2002.
108. Шишкин С.В. Экономика социальной сферы. – М., 2003.
109. Щербакова Г.Н. Банковские системы развитых стран. – М.: 2002.
110. Кучкаров Д.А. Принципы организации казначейского исполнения Государственного бюджета Республики Узбекистан. Уч.пос. - Т.:Мир экономики и права, 2005.
111. Красавина Л.Д. и др. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. – М., 2005.
112. Ковалев В.В. Финансы организаций. –М., 2005.

113. Ковалев В.В. Введение в финансовый менеджмент. – М., 2001.
114. Ковалева А.М., Лапуста М.Г., Скамай Л.Г. Финансы фирмы. – М., 2005.
115. Котляр Э.А., Самойлов Л.Л., Лактионова О.О. Искусство и методы финансового планирования. – М., 2004.
116. Колб Р.В. Родригес Р.Д. Финансовый менеджмент: Учебник / Пер. с англ. – М., 2001.
117. Лупей Н.А. Финансы: Учебное пособие. – М., 2004.
118. Любимцев Ю.И. Финансовая политика: российский путь. – М., 2005.
119. Ли Ч.Ф., Финнерти Дж.И. Финансы корпораций. – М., 2000.
120. Лихачева О.Н. Финансовое планирование на предприятии: Учебно-практическое пособие. – М., 2003.
121. Моляков Д.С. Финансы предприятий отраслей народного хозяйства. – М., 2002.
122. Масленченков Ю.С., Комиссаров Д.В. Специфика финансов и менеджмента стабильного предприятия в условиях социальной рыночной экономики. – М., 2002.
123. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: “Академия”, 2002. – 204 б.
124. Маликов Т.С. Солиқ юкининг оғирлигини кескин камайтириш керакми? – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 32 б.
125. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Давлат бюджети. / Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 84 б.
126. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. / Ўқув қўлланма. - Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2009. – 556 б.
127. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет даромадлари ва харажатлари. / Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 244 б.

128. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет (тизими, тузилмаси, жараёни). / Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2008. – 84 б.
129. Матвеев С.Ю. Некоммерческие организации. – М., 2004.
130. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В.2-х т. / Пер. с англ. – М.: Республика, 1993.
131. Мешалкина Р.Е. Теоретические вопросы государственного финансового контроля // Финансы, 2003. № 12.
132. Незамайкин В.Н., Юрзинова И.Л. Финансы организаций. – М., 2005.
133. Пеньков Б.Е. Управление капиталом предприятия: финансовый анализ и принятие решений. –М., 2001.
134. Планирование, финансы, управление на предприятии. – М., 2005.
135. Покудов А.В. Личные финансы. Секреты управления. –М., 2006.
136. Рябухин С.Н. Аудит эффективности государственных расходов в современной практике финансового контроля // Финансы, 2002. №4.
137. Экономика и организация рыночного хозяйства / Под ред. Б.К.Злобина. –М., 2004.
138. Экономика. Изд. 3-е / Под ред. А.С.Булатова. –М., 2005.
139. Юлдашев З.Ю., Маликов Т.С. Молия: уй хўжаликлари молияси. / Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2008. – 112 б.
140. Юлдашев З.Ю., Срожиддинова З.Х., Мирзаев У.А. Местные бюджеты. Учебное пособие. –Т.: ТФИ, 2001.
141. Юрзинова И.Л., Незамайкин В.Н. Финансы организаций: менеджмент и анализ. – М., 2004.
142. Янжул И.И. Основы начала финансовой науки: Учение о государственных доходах. – М.: Статус, 2002.
143. Қосимова Г. Ғазначилик фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия. 2005.

144. Қосимова Г. Ғазначилик тизимини жорий этишда хориж тажрибаси // Бозор, пул ва кредит, март 2003 йил.
145. Қосимова Г. Ғазначилик фаолиятининг ҳуқуқий базасини яратиш масалалари, //Хўжалик ва ҳуқуқ, декабр 2004 йил.
146. Ҳайдаров Н. Давлат молиясини бошқариш. -Т.: Академия, 2005.
147. Boyd J. Inflation. "Growth and Central Banks Theory and Evidence", 1996. Policy Research Working Paper. 1575. The World Bank. Washington. D. C.
148. EBKD transition Report 998. Financial sector in transition. European Bank for Reconstruction and Development. London 1998.
149. Hermes N. Lesnik R. Financial System Development in Transition Economies. Journal of Banking and Finance. Vol. 24. pp. 507-524.
150. Moyer C. Financial System. Corporate Finance and Economic Development, in RA Hubbart (ed) Asymmetric information. Corporate Finance and investment. A Notional Bureau of Economic 1990 Research Project Report, University of Chicago Press. Chicago. PP. 307-322.
151. Steinherr A. An innovative Package for Financial Sector Reforms in Eastern European Countries. Journal of Banking and Finance 17 PP. 1033-1057.
152. Mingaleva Zh About the experience of enterprise's strategies in crises situation. All Russian scientific conference "Economics" theory methodology, trends of development: S-Petersburg 1998.
153. Tkacheva S Innovation Activities Infrastructure, as Multi Agent System The 11th Annual Meeting of the Japan Association for Evolutionary Economics. JAFEE 2000 Tokyo Japan 2000. 136-141.
154. Интернет сайтлари:
www.minfin.ru
www.mf.uz
www.budget.ru
www.df.ru

www.gov.uz

www.mfa.uz

www.mfer.uz

www.cer.uz

www.analitik.org.ua

www.mstu.edu.ru

www.eduworld.ru

www.businessvoc.ru

www.i-u.ru

www.eerc.ru

www.darvoza.uz/

[www.cagateway.org.](http://www.cagateway.org)

www.dcc.uz

МУНДАРИЖА

Кириш	4
1-боб. Молиянинг моҳияти ва функциялари	
1.1. Молиянинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти	6
1.2. Молиянинг функциялари	15
1.3. Такрор ишлаб чиқариш ва молия	18
1.4. Молия генезиси (тараққиёти)	28
 2-боб. Молиявий сиёсат	
2.1. Молиявий сиёсатнинг мазмуни ва тамойиллари	44
2.2. Молиявий сиёсатнинг таркибий қисмлари (йўналишлари)	56
2.3. Ҳозирги босқичдаги молия сиёсати ва унинг ўзига хос хусусиятлари	63
 3-боб. Молия тизими	
3.1. Молия тизимининг соҳалари ва бўғинлари	72
3.2. Етакчи хорижий мамлакатларнинг давлат молия тизими	82
 4-боб. Молиявий бошқарув	
4.1. Молиявий бошқарувнинг мазмун-моҳияти	89
4.2. Молиявий бошқарув органлари ва уларнинг вазифалари	92
4.3. Молиявий оқимларни бошқариш	97
 5-боб. Молиявий режалаштириш ва тартибга солиш	
5.1. Молиявий режалаштириш ва башоратлаш	105
5.2. Социал-иқтисодий жараёнларни молиявий тартибга солиш	116

6-боб. Молиявий назорат

6.1. Молиявий назорат: мазмуни, соҳалари, объекти, предмети, тизими, вазифалари, принциплари.....	132
6.2. Молиявий назорат турлари, шакллари ва методлари	138
6.3. Давлат молиявий назорати органларининг вазифалари ва функциялари	144
6.4. Нодавлат молиявий назорат	161

7-боб. Молия назариялари

7.1. Хорижий иқтисодчиларнинг молияга оид назариялари	172
7.2. Россиялик иқтисодчиларнинг молиявий назариялари	185

8-боб. Хўжалик юритувчи субъектлар молияси - давлат молиявий салоҳиятининг асоси

8.1. Давлатнинг молиявий салоҳияти ва унинг хўжалик юритувчи субъектлар молияси билан ўзаро боғлиқлиги.....	182
8.2. Молиявий салоҳият ўсишининг омиллари.....	183

9-боб. Хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ислоҳ қилиш

9.1. Хўжалик юритувчи субъектларни ислоҳ қилиш ва улар молиявий хўжалигини қайта қуришнинг зарурлиги	203
9.2. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ислоҳ қилиниш самарадорлигини баҳолаш.....	207
9.3. Молиявий резервлар – хўжалик юритувчи субъектни ислоҳ қилиш тизимида	212

10-боб. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари

- 10.1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари ва капитали..... 227
- 10.2. Хўжалик юритувчи субъект молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги..... 231

11-боб. Асосий ва айланма капитал доиравий айланишининг молиявий аспект (жиҳат)лари

- 11.1. Асосий капитал доиравий айланишининг моҳияти, таркибий тузилмаси ва самарадорлиги..... 238
- 11.2. Айланма капитал: мазмуни, таркибий тузилмаси ва фойдаланиш самарадорлиги 249
- 11.3. Айланма маблағларни норма (меъёр)лаштириш.. 255

12-боб. Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш чиқимлари, фойдаси ва рентабеллиги

- 12.1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатлари: моҳияти, таркиби, классификацияланиши ва самарадорлигини баҳолаш..... 265
- 12.2. Фойда, уни шакллантириш ва ундан фойдаланиш..... 273
- 12.3. Рентабеллик ва уни ошириш йўллари..... 278

13-боб. Хўжалик юритувчи субъектнинг баҳо сиёсати ва баҳоларни шакллантириш асослари, маркетинг стратегиясининг молиявий жиҳатлари

- 13.1. Баҳоларни шакллантиришнинг объектив асослари 284
- 13.2. Баҳо турлари, унинг таркибий тузилмаси ва баҳоларни шакллантириш методлари..... 288
- 13.3. Хўжалик юритувчи субъект маркетинг стратегиясининг молиявий жиҳатлари..... 301

14-боб. Ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизациялаш инвестицион дастурларини молиялаштириш

- 14.1. Хўжалик юритувчи субъектларни таркибий жиҳатдан қайта қуриш – комплекс муаммо..... 314
- 14.2. Хўжалик юритувчи субъектнинг инновацион-инвестицион стратегиясини шакллантириш..... 316
- 14.3. Инвестициялар: манбалари, баҳолаш ва самарадорлиги..... 318

15-боб. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги: баҳолаш, кўрсаткичлари, ошириш йўллари

- 15.1. Молиявий барқарорлик ва уни таъминлаш омиллари 325
- 15.2. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ва уларни ошириш йўллари..... 331

16-боб. Давлат бюджети

- 16.1. Давлат бюджетининг моҳияти, функциялари ва аҳамияти 338
- 16.2. Давлат бюджетининг даромадлари..... 358
- 16.3. Давлат бюджетининг харажатлари 365
- 16.4. Бюджет дефицити ва уни молиялаштириш 375

17-боб. Бюджет даромадлари

- 17.1. Бюджет даромадларининг мазмун-моҳияти ва уларни шакллантириш принциплари..... 385
- 17.2. Бюджет даромадларининг таркибий тузилиши ва уларнинг классификацияси 389
- 17.3. Солиқлар ва солиқ тизими 397
- 17.4. Умумдавлат солиқлари 410
- 17.5. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар 418

18-боб. Бюджет харажатлари

- 18.1. Бюджет харажатлари: мазмун-моҳияти, таркиби, тузилмаси ва классификацияси..... 425
- 18.2. Бюджетдан молиялаштириш: таърифи, принциплари, усуллари, шакллари ва методлари 439
- 18.3. Бюджет нормалари (меъёрлари), харажатлар сметаси ва бюджет кредити 445
- 18.4. Бюджет харажатларини сарфлаш масалалари ва вазифалари..... 450

19-боб. Бюджет тизими ва бюджет тузилмаси

- 19.1. Бюджет тизими: таърифи, принциплари, уни бошқариш соҳасидаги ваколатлар 455
- 19.2. Бюджет тузилмаси ва классификацияси..... 460

20-боб. Бюджет жараёни

- 20.1. Бюджет жараёни: таърифи, босқичлари, вазифалари, иштирокчилари ва принциплари 467
- 20.2. Бюджет лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш) 470
- 20.3. Бюджетни муҳокама қилиш (кўриб чиқиш) ва тасдиқлаш (қабул қилиш)475
- 20.4. Бюджетни ижро этиш 477
- 20.5. Бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва уни тасдиқлаш 486

21-боб. Бюджетдан ташқари Давлат фондлари

- 21.1. Бюджетдан ташқари Давлат жамғармаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти..... 492
- 21.2. Пенсия жамғармаси..... 499
- 21.3. Йўл жамғармаси..... 504
- 21.4. Бандликни қўллаб-қувватлаш Давлат Жамғармаси..... 507
- 21.5. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат жамғармаси..... 510

22-боб. Ижтимоий таъминот

22.1. Ижтимоий таъминот тамойиллари ва уларнинг иқтисодий асослари	517
22.2. Давлат пенсияси ва жамғариб бориладиган Пенсия фонди	524
22.3. Ижтимоий нафақалар	531

23-боб. Давлат кредити

23.1. Давлат кредитининг мазмун-моҳияти ва функциялар.....	536
23.2. Давлат кредити классификацияси.....	542
23.3. Давлат кредитини бошқариш	547
23.4. Давлат қарзи. Ички ва ташқи қарзлар.....	548
23.5. Давлат – гарант (кафил) ва кредитор сифатида....	552
23.6. Давлат қарзларини бошқариш.....	555

24-боб. Суғурта

24.1. Суғуртанинг иқтисодий моҳияти.	563
24.2. Суғуртанинг ривожланиш босқичлари	570
24.3. Суғуртанинг ҳуқуқий асослари	578
24.4. Мулкий ва шахсий суғурта. Жавобгарлик суғуртаси	585
24.5. Суғурта бозори	621
24.6. Қайта суғурта	628

25-боб. Уй хўжаликлари молияси

25.1. Молия муносабатларининг умумий тизимида уй хўжаликлари молияси.....	634
25.2. Уй хўжаликларида молиявий қарорлар қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	644
25.3. Уй хўжаликлари даромадлари	652
25.4. Уй хўжаликлари харажатлари.....	660
25.5. Жамғармаларни шакллантириш ва йўналтириш....	666

26-боб. Халқаро молия

26.1. Халқаро молиянинг асослари ва ривожланиш тенденциялари.....	678
26.2. Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди.....	684
26.3. Валюта курси ва валюта бозорлари.....	690
26.4. Тўлов баланси ва уни тартибга солиш йўллари....	694
26.5. Халқаро ҳисоб-китоб шакллари.....	700
26.6. Халқаро кредит.....	709
26.7. Ўзбекистон Республикасида валюта муносабат- ларини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	716
Молияга оид атама ва ибораларнинг изоҳли луғати	728
Адабиётлар	786